



Sharq Yulduzi

Озлик,
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

4

1984

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

53-оил чиқиши

Мундарижа

Танқиднинг юксак масъулияти
2

ШЕЪРИЯТ

Гурсун Иброҳимов
Кўёшни қўйнимга соламан
11

Муҳаммад Али
Муҳаббат
42

Миразиз Аъзам
Мен ҳам шу ҳаводан
нафас оламан
73

Азиз Абдураззок
Тўрт оғайни ботирлар
77

Амиркул Пўлканов
Дунё бунча гўзал бўлмаса...
79

Бухоро мушoirаси
99

Қитъалар қўшиғи
103

НАСР
Муҳаммаджон
Мирзамуҳамедов
Сунбул. Қисса.
17

Шойим Бўтаев
Сирли юлдузлар. Қисса.
53

Айдер Осман
Сулаймон. Ҳикоя.
84

В. И. ЛЕНИННИНГ 114 ЙИЛЛИГИГА

«У биз учун билим,
қурол ва қудрат»
Давра суҳбати
106

ЎзССР ВА ЎЗ КП 60 ЙИЛЛИГИГА

Миннатдорлик туйғуси
126

Саъдулла Кароматов
Бухоронинг алп одимлари
132

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ — АДАБИЕТЛАР ДЎСТЛИГИ

Муҳаммаджон Қоратоев
Теран томирлар
138

Рафаэль Мустафин
Тўқай ёққан машъал
142

Жалол Икромий
Дўстлик ҳақида сўз
143

РУС АДАБИЕТИ — МАҲОРАТ МАКТАБИ

Мамлакат Бекжонов
Мангуликка ҳамоҳанг ижод
145

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА

Хотиралар, қайдлар...
148—167

ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ Озод Шарафиддинов Адабиётга бахшида умр

ЗАМОН ВА
ИЖОБИЙ ҚАҲРАМОН
Ҳамид Ғулум,
Салоҳиддин Мамажонов,
Омон Мухторов
Анкета саволларига
жавоблар
169—175

АДАБИЙ ТАНҚИД
Георгий Владимиров
Ёзувчи ва замонавийлик
176

Норбой Худойбергнанов
Ҳақиқат ёғдулари
179

ТАҚРИЗЛАР
Аҳиёр Ҳақимов
Бу — кўхна дунё
189

Абдуғафур Расулов
Изланиш давом этади
190

БОЛАЛАР ДУНЕСИ
Турсунбой Адашбоев
Асфальтдаги расмлар
193

САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА
Рустам Обидов
Момо Ҳавонинг холи
196

ГУЛҚАЙЧИ
Олег Сидельников
Волта
205

ТАНҚИДНИНГ ЮКСАК МАСЪУЛИЯТИ

КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг (1983 йил) тарихий, программ аҳамияти беқиёс. Шунинг учун унинг ҳужжатларига катта қизиқиш билан қайта-қайта мурожаат этамиз ва амин бўламизки, Пленум КПСС XXVI съезди йўналишларини давом эттирган ҳолда партиянинг ҳозирги шароитда идеология соҳасидаги асосий вазифаларини ҳар томонлама кўриб чиқди, бундан кейинги ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизнинг илмий асосланган вазифаларини белгилаб берди. Ижодий зиёлилар томонидан шу нарса мамнуният ва хайрихоҳлик билан қарши олиндики, Пленумда бадиий маданият масалаларига жиддий эътибор берилди. «Партия, — деган эди Ю. В. Андропов ўзининг ёрқин нутқида, — фан ва маданиятимизни бойитувчи, меҳнаткашларни ривожланган социализмнинг норма ва принциплари руҳида тарбиялашга ёрдам берувчи барча асарларни қўллаб-қувватлайди.»

Пленумда қайд этилганидай, бизда маданий бойликларнинг тарқалиш миқёслари ниҳоятда кенг. Мамлакатимиз жаҳондаги энг китобхон мамлакат. Театрлар, музейлар, бадиий кўргазмалар томошабинларининг миқдори тобора ошиб бормоқда. Кино санъати улкан эътибор қозонмоқда. Оммавий информация воситалари — матбуот, радио, телевидение, яқин келажакда эса видеокассета саноати туфайли санъат қарийб ҳар куни, ҳар соатда ҳар бир хонадонга, ҳар бир оиллага кириб бормоқда. Миллионлаб кишиларимиз бадиий ҳаваскорлик ижодига жалб этилган. Кўпгина заводларда ташкил этилган рақс коллективлари ижрочилик маҳорати ва репертуар бойлигига кўра айрим профессионал санъат коллективларидан қолишмайдилар. Халқ театрларининг тармоғи муваффақиятли равишда ривожланаётир. Фото ва киноҳаваскорлик тобора кенгроқ қулоч ёзмоқда.

Хуллас, санъат ўзининг хилма-хил шакл ва турлари билан совет кишилари маънавий ҳаётининг узвий бир қисми бўлиб қолди. У замондошимиз ахлоқий фазилатлари мафкуравий принциплари, эстетик дид ва эҳтиёжларининг қарор топишига илк болалиқданоқ гоҳо англабмаган ҳолда, ботинан ва шу сабабли янада кучлироқ таъсир кўрсатмоқда. «Барчамиз кўриб турибмизки, — деган эди Ю. В. Андропов, — халқ маданий савиясининг юксалишига мувофиқ ҳолда санъатнинг одамлар онрига таъсири тобора кучаймоқда. Демак, санъаткорнинг ижтимоий ҳаётга фаол иштирок этиш имконияти ҳам ўсмоқда. Бинобарин, санъат арбобларининг қўлидаги қудратли қурол халқ ишига, коммунизм ишига хизмат қилиши учун жавобгарлиги беқиёс даражада ошмоқда.»

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми совет санъати усталарининг ижодий ютуқларига муносиб баҳо берди. Уларнинг кўпгина асарлари умумхалқ таҳсинига сазовор бўлди ва чет элларда кенг муваффақият қозонди. Бу асарлар ҳозирги маънавий маданиятни бойитди. Шу билан бирга Пленумда манфий ҳодисалар тўғрисида, одамларнинг на ақлига, на қалбига таъсир кўрсатмайдиган асарлар ҳақида ҳам гапирилди. Табиийки, бадиий жараён фақатгина баркамол асарлардан иборат бўлиши мумкин эмас, у турлича эстетик қимматдаги ижод маҳсулларини муқаррар равишда қамраб олади. Аммо бу ҳол муросасизлик ва талабчанликнинг бўшаштирилишига асос бўлолмайди. Июнь Пленумида санъатимизнинг гоъвий-эстетик савиясини тубдан юксалтириш ва унинг партиявийлик, гражданлик руҳини кучайтириш зарурати ҳақли равишда уқтириб ўтилди. Бу, вақт талаби, ривожланган

социализм даврининг талабидир. «Энг талантли санъат ҳам, — деган эди Ю. В. Андропов, — агар бугунги куңимизнинг реаллиги билан чамбарчас боғланмас ва олға томон ҳаракат йўлларини кўрсатиб берадиган теран ғоялар билан суғорилмас экан, ўз мақсадига эриша олмайди.»

Партия, «талантларга, санъаткорнинг ижодий изланишларига ҳурмат-эҳтиром билан қарайди, уларнинг иш шакли ва услубига аралашмайди. Аммо партия санъатнинг ғоявий мазмунига бефарқ бўлолмайди. У санъат ривожини шундай йўналтирадики, токи санъат халқ манфаатларига хизмат қилсин. Гап, албатта, маъмурийлаштиришда эмас. Бадиий ижодга таъсир кўрсатишнинг бош методи фаол, сезгир, эътиборли, айна пайтда ғоявий бегона ва бадиий заиф асарларга муросасиз марксча-ленинча танқид бўлиши керак.»

Ю. В. Андропов нутқида ифодаланган бу низом санъатга партиявий раҳбарликнинг энг муҳим принципларини ижодий ривожлантиради ва конкретлаштиради. Маънавий маданиятнинг изчил тараққиёти хос бўлмиш ривожланган социализм шароитида адабий-бадиий танқидга улкан ғоявий ва профессионал аҳамиятга молик вазифа юкланади. У ғоявий-эстетик тараққиётга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ фаол ва самарали таъсир кўрсатмоғи, партия йўлини изчиллик ва қатъият билан қўллаб-қувватламоғи, санъатнинг юксак бадиий савияси, унинг тўғри ғоявий ва сиёсий йўналиши учун курашмоғи керак.

Шуни эслатиб ўтиш ўринлики, ижтимоий фанларда тубдан ўзгариш ясаган К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленинлар адабий жараёнга фаол аралашини, у билан бевосита алоқаларни тақозо этувчи янги, том маънодаги илмий эстетиканинг тамал тошини қўйдилар. Улар бундай муносабатнинг ажойиб намуналарини амалда кўрсатдилар. Бш Маркс француз ёзувчиси Эжен Сюнинг ўша пайтда жуда машҳур «Париж сирлари» романи ҳақида таҳлилининг кенглиги, танқидий мулоҳазаларининг жиддийлиги ва пухталиги билан бугунги кунда ҳам одамни ҳайратга солувчи эҳтиросли ва ўткир чиқиш қилган эди. Маркс бу хонаки асарни нафақат кўнпаякун қилган, балки унинг ижтимоий илдизларини, буржуа-филистерча моҳиятини ҳам чуқур очиб берганди. Энгельснинг «Франц фон Зиккинген» драмаси муносабати билан Лассалга ёзган машҳур хатидек танқидий эссенинг ёрқин намунаси-чи! Ҳар бир сўз, ташбеҳни танлашда Энгельс нақадар ҳушёр, ҳолис, ўзининг барча танқидий фикрлари ва баҳоларида нақадар принципал ва аниқ! Лассаль асарларига у «энг юксак талаблар» билан ёндашади, чунки унингча санъаткор меҳнатига бошқача қараш ҳам мумкин эмас. Зеро «партия манфаатларига дахлдор танқид энг ошқора табиатли» бўлиши керак. (Қаранг: К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 29-жилд, 495-бет). Маркс ҳам танқиднинг вазифасини шундай тушунган ва унга катта аҳамият берган эди.

Фалсафий ва ғоявий жиҳатдан изчил ҳамда аниқ бўлмиш бу танқид бадиий ижоднинг ботиний хусусиятлари ва руҳий жиҳатдан ўзига хослигини ҳам ҳисобга олган. Маркс ва Энгельснинг Гёте ва Шиллер, Балзак ва Гейне, Теккерей ва Фрейлиграт, рус ва норвег ёзувчиларига доир мулоҳазаларида санъатнинг сеҳрли оламига, унинг образли табиатига чуқур кириб бориш яққол кўзга ташланади. Бундай хусусият янги тарихий шароитда адабиётнинг партиявийлиги ҳақидаги яхлит концепцияни ишлаб чиққан Лениннинг танқидий қарашлари учун айниқса характерлидир. Маскур концепция унинг ҳар бир миллий маданиятдаги икки хил — демократик, тараққийпарвар ва ноҳалқчил, реакцион-маданият ҳақидаги таълимоти билан биргаликда санъатни тарихий генезисига қўра ҳам, ҳозирги ҳар қандай шакллари ва турлари нуқтаи назаридан ҳам том маънода илмий таҳлил этишнинг методологик таянчини ҳосил қилади.

Теран танқидий таҳлилнинг ёрқин намуналарини Лениннинг ўзи Горький ва бошқа ёзувчилар ҳамда шоирлар ҳақидаги хат ва мулоҳазаларида намён қилган эди. Бу ҳужжатларга мурожаат этишдан чарчамайсан киши. Уларда ленинча фикрлаш, ленинча ўткир ақл ва қайноқ юрак рўйирист англашилиб туради. Лев Толстойнинг жаҳон маданиятидаги тарихий ўрнини ким теран,

ёркин ва лўнда белгилаб берган? Тўлстой ижоди «бутун инсониятнинг бадий таракқиетида олға қўйилган улкан қадамдир.» (В. И. Ленин. ТАТ, 20-жилд, 19-бет). Тўғриси, ҳеч нима ололмайсан ҳам, қўшолмайсан ҳам бу гапга. Рус заминининг улуғ санъаткоридан фахрланар ва ҳайратланар экан, Ленин унинг хатоларию, адашишларини ҳам четлаб ўтмайди, уларга аниқ ва асосли синфий баҳо беради. Лениннинг принципиаллиги ва синчковлиги қанчалик илмий, назарий бўлса, шунчалик ахлоқий, маънавий омиллар ҳамдир. Уларнинг бирини иккинчисидан ажратиб бўлмайди. Бу икки жиҳат партиявий адабиётчилар, Владимир Ильичнинг сафдошлари ва издошлари — В. Воровский, А. Луначарский, М. Ольминский, И. Скворцов-Степановларнинг энг яхши асарларида ҳам худди шундай ажралмасдир.

Буюк салафларимизни эслар эканмиз, XIX асрнинг атоқли рус мутафаккирлари, бириччи галда Белинский ва Герцен, Добролюбов ва Чернишевскийлар номини тилга олмаслик мумкин эмас. Ҳур қарашли зиёлиларнинг бир неча авлоди ҳурмат-эҳтиромини қозонган, адабиёт кемасини жўшқин эстетик тўлқинлар (нафақат эстетик тўлқинлар) бўйлаб дадил ва қатъият билан бошқараётган дарға мисол бу сиймолар танқид касбининг ўзини принципиал янги босқичга кўтардилар. Революцион-демократик танқид вакиллари санъаткорнинг ижтимоий ҳаёт билан, ижтимоий тафаккурнинг илғор, эрқпарвар тенденциялари билан чамбарчас алоқадорликда бўлиши зарурлигини доимо уқтирган, социал реализм ва халқчиллик принципларини қатъият ҳамда эҳтирос билан ҳимоя қилганлар. Бу танқид, санъатнинг беором виждони бўлди, ҳаттоки ўз гоъвий позициялари ва бадий йўналишларига кўра ундан узоқроқ турувчилар ҳам мазкур танқид овозига қулоқ тутдилар, у билан ҳисоблашиб иш кўрдилар. Буюк рус мунаққидларининг адабий мероси танқидий реализм классикларининг асарлари каби, умрбоқий, умумжаҳон аҳамиятига молик десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Партия улкан тарихий тажрибаларга таянган ва бадий маданият ривожининг ҳозирги босқичдаги хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда адабий-бадий танқиднинг ижтимоий обрўини юксалтириш йўлида изчиллик билан иш олиб бормоқда. КПСС XXV ва XXVI съездларида танқидга катта эътибор берилди. 1972 йилнинг январида КПСС Марказий Комитетининг танқиднинг юксак гражданлик миссиясини, унинг бадий маданият соҳасидаги партиявий масъулиятини таъкидлаб кўрсатувчи махсус қарори қабул қилинган эди. КПСС Марказий Комитетининг «Ижодкор ёшлар билан ишлаш ҳақида» (1976 йил октябрь), «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш ҳақида» (1979 йил апрель), «Адабий-бадий журналларнинг коммунистик қурилиш амалиёти билан ижодий алоқалари тўғрисида» (1982 йил июль), «Янка Купала номидаги Белоруссия Давлат академик театри партия ташкилотининг иши ҳақида» (1983 йил февраль)ги қарорларида танқиднинг гоъвий-ижодий фаоллигини кучайтириш, унинг ҳаёт билан, ижтимоий — ишлаб чиқариш амалиёти билан алоқаларини тубдан мустаҳкамлаш зарурлиги ҳақида гапирилди.

Ва ниҳоят, КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида (1983 йил) танқид ҳақидаги масала партиянинг ҳозирги шароитдаги идеологик ишларининг ўзак масалалари қаторида кўриб чиқилди. Пленум кўрсатмаларига мувофиқ бадий ижодга таъсир қилишнинг бош методи марксча-ленинча танқид бўлиши лозим экан, у ривожланган социалистик жамяят бадий маданияти соҳасида партиянинг таянчи бўлишга даъват этилгандир. Юксак миссия, юксак ишонч! У максимал ижодий маҳсулдорлик билан ишлашга илҳомлантиради ва мада шунга ундайди ҳам.

Кейинги йилларда танқидчилигимизнинг гоъвий-назарий савияси сезиларли даражада юксалди. У бадий маданият соҳасида партия йўлини фаолроқ ўтказадиган бўлди. Танқиднинг халқ ҳаёти билан, социалистик қурилиш амалиёти билан алоқалари мустаҳкамланди. Бу эса эстетик муаммоларни замоннинг долзарб сиёсий, гоъвий, фалсафий, ижтимоий ва ахлоқий муаммолари контекстида олиб қарашга имкон берди. Услубий тенденциялар ва айрим бадий асарларни баҳолашлар аниқроқ, принципиалроқ,

талант йўналишига, ижодий изланишларга муносабат эъозлироқ ва эътиборлироқ бўлиб қолди. Миллий маданиятларнинг ранг-баранг тажрибалари, бутун ички қурилиши ва пафосига кўра интернационал бўлмиш ягона социалистик маданият доирасидаги уларнинг ўзаро узвий таъсири ва бир-бирига яқинлашуви танқидий тафаккур орбитасининг ажралмас бир қисмига айланди. Социалистик реализмнинг ички қонуниятлари, унинг манбалари, ҳозирги аҳволи, тарихий истиқболлари ва оламшумул аҳамияти чуқурроқ ҳамда конкретроқ тадқиқ этилаётир.

Қардош социалистик мамлакатлар бадий маданияти, чет эллар санъатидаги демократик ва илғор тенденциялар интенсивроқ ўрганилмоқда. Санъатшунослик ва эстетикадаги буржуача-ревизионистик концепциялар билан изчил, янада аниқроқ дунёқараш позициясида туриб кураш олиб борилмоқда. Етакчи мунаққидларимизнинг антисоветизм ва антикоммунизмни, милитаризм ва ирқчиликни, декадансни, улар қандай тутқич бермас «бадий» шаклларга ўралмасинлар, рўйрост фош этиб чиқишлари жамоатчилик эътиборий қозонмоқда. Буржуача «оммавий маданият» га ҳам, элитар маданият ҳақидаги такаббуруна қарашларга ҳам муносабатимиз муросасиз бўлиб бормоқда. Қатор жиддий тадқиқотларда уларнинг ички ғовий қардошлиғи очик кўрсатилган.

Матбуотимиз саҳифаларида кўп миллатли совет санъатини янада ривожлантириш йўллари ҳақида, эстетик система сифатидаги социалистик реализм методи хусусида, замонавий қаҳрамон, кино ва ёшлар ҳамда театр драматургияси тўғрисида жиддий мунозаралар бўлиб ўтди. Танқид олдида турган долзарб вазифалар ижодий союзларнинг съездлари, пленумларида, бадий зиёлиларнинг йиғилишларида муҳокама қилинди. Бундай вазифалар ўзининг бевосита идеологик аҳамиятига кўра, партия ва халқ коммунистик қурилиш жараёнида ҳал қилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммолар билан узвий алоқадорликда тобора яхлит ва теран анланаётир. Совет танқидчиларининг яхши асарлари фикрий теранлиги, ифодавий аниқлиги ва далилланганлиги, санъат тақдирига астойдил хайрихоҳлиги билан ажралиб туради. Уларнинг анчагина қисми Ленин ва СССР Давлат мукофотларига, иттифоқдош республикалар Давлат мукофотларига, жамоат ташкилотларининг мукофотларига сазовор бўлди. Танқидга ўзлагини ёрқин ва жиддий равишда кўрсатиб улгурган кўплаб иқтидорли ёшлар кириб келганлиги қувонарлидир. Адабий-бадий журналлар сафи кенгайди. Адабиёт масалалари ҳамда янги адабий ҳодисалар «Литературная газета» ва республика адабий газеталари томонидан мунтазам ёритилмоқда. Умумий миқдори бугунги кунда юзтача бўлган адабий-бадий ва санъатшунослик журналлари танқид бўлимларининг фаолияти анча жонланди.

Хуллас, кўп ишлар қилинди. Аммо ютуқларга маҳлиё бўлиш ва улар билангина қаноатланиб қолиш керак эмас. КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида бундай хислатлар коммунистларга мутлақо хос эмаслиги алоҳида таъкидланди. «Барча идеологик, тарбиявий, ташвиқий ишларни, — деган эди Ю. В. Андропов, — партия ривожланган социализмни такомиллаштириш жараёнида ҳал қилаётган улкан ва мураккаб вазифалар даражасига қатъият билан кўтариш керак.»

Ю. В. Андроповнинг ушбу сўзлари адабий-бадий танқидга ҳам тўла тааллуқлидир. Тан олиш керакки, танқидчилигимизнинг ҳозирги аҳволи, ҳали замон талабларига жавоб бера олмайди. Мунаққидларнинг ишларида камчиликлар, нуқсонлар талайгина ва уларга ғоят жиддий диққат-эътибор ҳамда талабчанлик билан қараш лозим.

КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадий танқид ҳақида» ги қарорида вақтли матбуот танқидида адабий жараён тўла қамраб олинмаслиги айтиб ўтилган эди. Кўплаб янги китоблар, фильмлар, спектакллар, бадий кўргазмалар, концерт программалари ва умумий, на махсус матбуотда атрофлича таҳлил этилади, ҳатто кўпинча танқидчиликнинг назар-эътиборидан бутунлай четда қолиб кетади. Бу ҳол бир хил ижодий ходимларни ҳақли равишда таажжублантиради, баъзиларга, эҳтимолки, қўл келади, ammo ҳар қандай вазиятда ҳам иш манфаатлари зарар кўради. Гоҳо таҳсинга

сазovor адабий янгилик кўмакка муҳтож пайтида қўллаб-қувватланмаганидай, эстетик сийқа ва профессионал жиҳатдан ночор асарларга ўз вақтида раддия берилмайди. Ғарб санъати намуналарига қарши «лом-лим демаслик» ҳоллари айниқса афсусланарлидир. Уртоқ К. У. Черненконинг июнь Пленумидаги докладыда қайд этилганидай, маданий айирбошлашлар пайтида «мазмунли асарлар билан бир қаторда ғоясизлик, сийқалик, бадий саёзликдан иборат фильмлар, пьесалар, нашрлар, музыкалар бизга ўтиб қолмоқда.» Бундай манфий ҳодисалар ҳар доим ҳам ўзларининг принципаал баҳосини олавермайдилар. Гоҳо мураккаб ва баҳсли фильмлар ҳамда китобларни талабчанлик билан таҳлил қилишдан ўзимизни четга оламиз, бу билан томошабин ва китобхонга ушбу асарларни ғоявий-эстетик жиҳатдан тўғри идрок этишда зарурий ёрдам қўрсатмаймиз.

Кўпинча бадий ахборотнинг ҳозиргидай ошиб боришида барча асарларни тақриз қилиш шунчаки жисмоний жиҳатдан ҳам мумкин эмас, қабилдаги фикрлар билдирилади. Бу ерда қийинчиликлар, дарҳақиқат, улкан. Аммо яхшилаб ўйлаб кўрайлик: мавжуд имкониятлардан қанчалик тўғри, рационал, мақсадга мувофиқ равишда фойдаланилаётми? Ва биз ўзимиз танқидий таҳлил учун асарни белгилашда қанчалик объективмиз? Тўғриси айтилайлик: у ёки бу тақризчилар ва редакциялар тақриз учун объект танлашда нимага, қандай мезонларга асосланишини илғаб олиш баъзан осон бўлавермайди. Кўзга яққол ташланиб турган машҳур асарга ҳамма ўз муносабатини билдириш учун ошиқиши тушунарли, аммо қолган асарларнинг аҳволи қандай? Афтидан уларнинг тақриз қилиниш-қилинмаслиги кўпинча — оддий китобхон учун — номаълум, олдиндан айтиб бўлмайдиган омиллар билан боғлиқ. Мисол учун, бир телепостановка ҳақидаги тақриз у намойиш этилган куннинг ўзидаёқ чоп қилиниши-ю, эстетик савиясига кўра у билан баробар бошқа бир телепостановка ҳақидаги тақриз эса — ярим йил ўтиб ёхуд мутлақо эълон этилмаслигини нима билан изоҳлаш мумкин?

Рус демократик матбуотида қадимдан обзор мақола, очерк, эссе жанрлари ривожланган бўлиб, уларда ҳам мавжуд адабий жараённинг муайян ғоявий-тематик йўналишлари, ҳам бу жараённинг маълум бир якуний босқичи яхлит ҳолда умумлаштирилар эди. Танқидий ижоднинг бундай, айтиш мумкинки, классик жанрлари ҳозирда анча-мунча оқсамокда. Бунга яна объектив қийинчиликлар рўқач қилинади: ахир, Белинский йил мобайнида чоп этилган барча асарлар билан тўлиқ таниша оларди-да! Ҳозир эса энг ғайратчан мунаққид ҳам бунга улгуролмайди. Мамлакатимизда бир йил мобайнида ишлаб чиқарилаётган қарийб уч юзта тўла метражли бадий кино ва телефильмларни ким ҳам тўлиқ кўриб улгура оларди. Яна ҳужжатли, илмий-оммабоп, мультипликацион ленталар билан танишиш, сценарияларни ўқиш ҳам керак. Ҳаммаси тўғри. Бугун танқид соҳасида ишлаш осон эмас. Аммо бошқа бир жиҳати ҳам бор. Ҳозирда мавжуд гуманитар илмий-текшириш институтлари ва ўзида кўп сонли филологик ҳамда санъатшунослик кафедраларини бирлаштирган олий ўқув юрталарининг қудратли тармоғи Белинский даврида йўқ эди. Бу муассасаларда юзлаб ва минглаб юксак малакали мутахассислар ишламоқдалар. Улар адабий жараёни ҳар томонлама объектив таҳлил этган ҳолда ўша йиллик, ойлик, тематик ва бошқа обзорлар ҳамда мақоаларни тайёрлашлари ва чоп этишлари бемалол мумкин ва шарт. Бу иш қисман амалга оширилмоқда ҳам. Аммо, фақат қисман. Афсуски, адабиётшунослик ва санъатшунослик муассасаларига кўпинча июнь Пленумида тилга олинган «хусусий «диссертацион» ва группавий манфаатларга ўралашиб қолиш» хос. Албатта, бу ерда гап, гарчи улар ҳам ғоят муҳим бўлса-да, фақат обзорлар тайёрлаш ва тақризчилик ишларидагина эмас. Бу ерда гап академия ва вузлар фанини нашриётлар ва студиялар, бадий советлар ва редколлегияларнинг кундалик амалиёти билан тубдан яқинлаштириш, етакчи олимларимизнинг матбуот саҳифаларида адабиёт ва санъатнинг ақтуал масалалари юзасидан янада мунтазамроқ ва амалийроқ чиқишлари ҳақида кетаётми.

Шуни ҳам айтиш керакки, танқиднинг ўзида янги жанрий

шаклларга разведка қилиш суст амалга оширилмоқда, телевидение ва радио имкониятларидан, аниқ-равшанки, етарли фойдаланилмаётди. Худди бошқа ҳоллар каби, бу борада ҳам, Ю. В. Андропов сўзлари билан айтганда, «формализм, сийқалик, гоҳо эса, фикрлашлардаги сусткашлик» бизга халақит бераётди. Улар танқидий баҳоларимиздаги бир томонламалик ва саёзликни муқаррар равишда келтириб чиқармоқда. КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадий танқид ҳақида»ги қарорида айтилган сўзлар бугун ҳам актуал жаранглайди: «Эълон қилинаётган тақризлар кўпинча бир томонлама характер касб этади, асосиз мақтовлардан, асарнинг мазмунини қисқача ҳикоя қилиб беришдан иборат бўлиб қолади, унинг реал аҳамияти ва қиммати ҳақида тасаввур бермайди.»

Тўғри, махсус журналлар заифлиги очиқ-равшан кўриниб турган асарларга қарши тез-тез чиқишлар ташкил этиб туради. Аммо уларнинг таҳлили — нисбатан осон иш. Умуман пишиқ-пухта чиққан, ҳимоя ва қўллаб-қувватлашга муҳтож асарларнинг нуқсонларини очиб кўрсатиш анча мураккаброқ. Буни биз камдан-кам қиламиз. Ёхуд муаллифларнинг зарарига ишлаймиз. Агар яратилаётган асарларимизда нуқсонлар бўлса, бу нуқсонлар ҳақида энг аввало шунинг учун рўйирост гапириш керакки, токи улар янада урчиб кетмасин ва, албатта, асарни баҳолашнинг гоъвий-бадий мезонларига путур етмасин. Бундай баҳонинг биринчи даражали аҳамиятини КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми ўз вақтида уқтириб ўтди. Ижодкорнинг муваффақиятсиз чиққан асаридаги жонли, перспектив жиҳатларни илғай олиш ҳам мана шундай осон бўлмаган ва гоъй муҳим ишдир.

Конкрет таҳлилнинг жонли ранг-баранглигида мунаққиднинг гражданлик, партиявий позицияси ва профессионал маҳорати, санъатнинг барқ уриб ривожланишига талабчан хайрихоҳлиги рўйирост намоён бўлади. Бундай таҳлил олдида — шубҳасиз, эҳтиёткорлик, ғамхўрлик ва одобга асосланган, пухта ўйланган таҳлил олдида — принцип жиҳатидан бошловчи ижодкор ҳам, номи танилган санъаткор ҳам барабар бўлиши керак.

Афсуски, амалда кўпинча бошқача бўлади. Бошловчи кинорежиссёр агар мунаққиднинг дидига ўтиришиб қолса, уни дарров қарийб гениал санъаткор даражасига чиқариб қўйилади, унга ҳамду сано ўқишга тушиб кетилади. Мақтовларнинг қуюқ туманида фильм стилистикасидаги айрим ижодий топилдиқларга ёндаш нуқсонлар, гоъвий ниятлардаги хатолик ва сийқаликлар ҳам кўринмай қолади. Келинг, объектив бўлайлик. Ҳар қалай, мақтовлар гулчамбари кўпроқ забардаст маэстроларга ёғилади. Бу ерда гоҳо меъёр ва одоб туйғулари бутунлай йўқотиб қўйилади. Тақризчилар мақтовдаги қиёслашлар ва ташбеҳларни қўллашда бамисоли бир-бирлари билан мусобақа ўйнайдилар. Натигада биз ўзимизга қаратилган мақтовларга қул бўлиб қоламиз, уларнинг қуввати баъзан энг яққол реалликдан кучлироқ бўлиб чиқади... Машҳур театр режиссёри ўзи ишлаётган театрни ҳам, телевидениени ҳам қатор постановкаларга «кўмиб ташлайди.» Бу ҳақда кичик давраларда заҳарханда билан кўп гапирадилар, аммо матбуотда ҳайратомуз сукут сақланади, ёхуд ҳатто унинг бир вақтлардаги хизматларини нечанчи маротабадир қайд этувчи мадҳиявий мақолалар эълон қилинади. Утган хизматларни унутиш, албатта, ножоиз, аммо улар билангина ҳимояланишга ҳам йўл қўйиб бўлмайди.

Ижодкорга том маънодаги ҳурмат унинг асари ҳақида айтилган ҳақиқатда ифодаланади. Табиийки, у ҳар доим ҳам ва барчага ҳам ёқавермайди. Ижодий союзларнинг партия ташкилотлари шу нарсага катта аҳамият беришлари лозимки, ушбу союзларнинг айрим аъзолари танқидий — боринги, тамомила хайрихоҳона, ҳурмату одобга тўла риоя қилинган, аммо танқидий-фикрларга одилона ва аналитик муносабатда бўлишни истайвермайдилар, буни ҳатто унутганлар. Танқидий фикрларнинг барчасига қўшилиш шарт эмаслиги тушунарли, лекин уларни бутунлай четлаб ўтиш ҳам инсофдан эмас. Ижодкорнинг танқидга муносабати — маъмурий ечимга бўйсунмайдиган мураккаб, қалтис масала эканлиги тушунарли. Шунинг учун ҳам бу ерда жамоатчиликнинг

нуфузли фикри, санъаткорлар ва мунаққидлар бир даврга тўпланган ижодий секциялар, пленум ва конференцияларда бу масалани жиддий ва очиқ муҳокама этиш гоёт муҳим. Ҳозирча бу иш камданкам қилинмоқда ва у ҳар доим керакли амалий даражада эмас.

Яна шу нарсани ҳам айтиш лозимки, баъзи маданият муассасаларининг раҳбар ходимлари ҳам танқидни, мабодо у «ўз тармоғига алоқадор асар ҳақида бўлса, гоҳо даргазаблик билан қабул қилади. Гўё ўз обрўйига путур етказмаслик мақсадида бадиий жиҳатдан заиф, ночор асарлар ҳимоя остига олинади. Айрим ҳисобот ва обзорларда бундай асарлар қарийб ижодий тафаккурнинг ёрқин намуналари даражасига чиқариб қўйилади.

Шакл ва мазмун бирлиги — марксча-ленинча эстетика ва танқиднинг муҳим, асосий принциpidир. Санъатнинг гоъвий мазмуни, гражданлик йўналиши ҳақида ғамхўрлик унинг профессионал маданиятга ғамхўрликдан ажралмасдир. Танқид бу ҳақда қатъий ва рўйирост гапириши керак. Зеро биз ҳозирда ижодий ходимларнинг анчагина қисмини банд этган «гигантомания» туфайли кўп нарса йўқотмоқдамиз. Мисол учун олайлик, телевидениеда экран вақтига гоёт эмин-эркин муносабатда бўладилар. Бир серияга бемалол сиғиши мумкин бўлган қисқагина мелодраматик сюжет гоҳо қаҳрамонларнинг «борди-келди» лари-ю, суҳбатлари, кам аҳамиятли узундан-узоқ паузалар, кераксиз пейзаж тасвирлари ҳисобига каттакон телесериалга айлантирилади. Томошабин эса «бу зерикарли, беҳуда гап», дейди ва телевизорни ўчириб қўяди. Кинорежиссёрлар ҳам ўзларининг телевизион ҳамкасбларидан ортда қолишни истамайдилар. Уларнинг айримлари бир серияли фильмни қўйишни очикдан-очиқ ўз шаънларига номуносиб ҳисоблайдилар, албатта икки серияли қилиш керак, деб ўйлайдилар. Тагин, мабодо чет эл прокати талаб қилиб қолгудай бўлса, режиссёр ортиқча эътироз билдириб ўтирмасдан, унинг қисқарган вариантини монтаж қилиб берадики, бундан фильм одатда фақатгина ютади. Кўп сўзлилиқ касали насрда, айниқса тарихий ва саргузашт-дедетив асарларда очиқ сезилаётир. Айрим романлар жўн, ҳаммага маълум ахборотлар билан шу қадар тўлиб-тошганки, китобхонни мушоҳадага эмас, уйқуга ундайди.

Бундай кўнгилсиз ҳодисалар — гоҳо қизиқарли, талантли асарлар ҳам бу иллатлардан ҳоли эмас — нафақат пул ва моддий ресурсларнинг ортиқча сарф-харажати билан хатарли. Ҳар қандай бошқа профессионал нуқсон, хато каби «гигантомания» санъатнинг одамларга маънавий таъсир самарадорлигини заифлаштиради, демаски, унинг гоъвий-тарбиявий функциясига путур етказди. Биз эса бу хатарни четлаб ўтамиз ёҳуд у ҳақда гоёт умумий, мавҳум мулоҳазалар юритамиз.

Танқид соҳасида фавқуллода қизиққонлик билан зўр бериб оқни оқ, қорани эса қора, дея исботловчи шалдироқ жумлалар ихлосмандлари ҳам йўқ эмас. Гарчи муаллифлар аслида очиқ эшикни қайта очишга уринаётган бўлсалар-да, баҳс ва кескинлик иллюзияси одатда мана шундай ҳосил қилинади.

Шунингдек, ҳозирда ҳам мураккаб ҳаётий коллизияларнинг энгил-елпи, схематик тасвирларини учратиш қолиш мумкинки, бундай ҳол, шубҳасиз, жиддий ва талабчан танқидга муҳтож. Хусусан, патриархалчиликни, миллий анъана ва характердаги қандайдир вақтни тан олмас ибтидоларини идеаллаштириш ҳолларини кечириб бўлмайди. Бундай уринишлар муқаррар равишда тарихий ҳақиқатни бузиб кўрсатиш, синфий мезонларни йўқотиб қўйишга олиб келади.

«Идеал қаҳрамон» деб аталувчи қаҳрамонни кескин қоралаш позицияси кенг тарқалмоқда. Уттиз йил муқаддам бундай қарашларда мантиқ бор эди. Уша пайтда бизнинг бадиий прозамиз, киноэкранимиз, рангтасвир полотноларимизни қандайдир «ялтироқ қаҳрамон» бошқача айтганда, конфликтсизлик назариясини жонли мужассами буткул эгаллаб олишидек реал хавф туғилган эди. Очиғини айтганда, ҳозир бундай қаҳрамоннинг на романчиликка, на театр драматургиясига, на кинематографияга «ҳужуми» бизга ҳеч бир таҳдид соломмайди. Аксинча, манфий ҳодисалар ва тенденцияларни сунъий равишда бўрттириб, шишириб кўрсатиш ҳоллари ташвишланарлидир. Июнь Пленумида шу нарса бежиз

қайд этилмадики, «экран ёхуд айрим муаллифларнинг асарларида гоҳо фақат бахтсиз тақдирлар, ҳаётӣ машаққатлар, қандайдир бўшашган, зорланувчи персонажлар биринчи планга чиқиб қолади.» Гап бундай «зорланувчи персонажлар»нинг ҳаётда бор-йўқлигида эмас. Гап бошқа масалада — ижодкорнинг уларга муносабатида, уларни совет зиёлилари, студент ёшлари ва айниқса ишчилар синфи вағи авлодининг типик вақиллари сифатида кўрсатишга уринишларнинг нотўғрилигида.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми замонавий қахрамон проблемасининг биринчи даражали аҳамиятини таъкидлаб кўрсатди: «... Одам, айниқса ёшлар эзгу ҳаётӣ мақсадлар, гоъвий эътиқод, меҳнатсеварлик ва жасоратни ўзларида муржа самлаштирган идеалга муҳтож. Бундай қахрамонларни ўйлаб топишнинг ҳам кераги йўқ, улар бизнинг сафимизда.» Афсуски, бизда ижобий қахрамон гоҳо руҳан пок бўлган тақдирда ҳам, мужмал, инфантил персонажлар билан алмаштирилади. Айрим пьесаларни кўрганда ўйлаб қоласанки, асар қахрамонларининг пешонасига туғилишиданоқ нотавон, омадсиз бўлиш ёзиб қўйилган ёхуд улар ўз ахлоқий принципларидан воз кечиб, мансабпарастларга, шароитга бошлаб мослашувчи буқаламунарларга, ҳатто ўзларига зуғум ўтказувчи айрим сурбет, олифта «суперман»лар таъйиқда жиноятчиларга айланишга мажбурлар. Бундай хатти-ҳаракатларда ҳеч бир асос йўқ. Аслида бизнинг ҳаётимиз реаллигига мувофиқ келмайдиган, юмшоқ қилиб айтганда, ғалати позиция бу.

Бошқа томондан, баъзида аллақандай салбий персонажларни сунъий равишда мураккаблаштиришга, ҳатто романтиклаштиришга уриниш ҳоллари ҳам кўзга ташланади, натижада айрим ёзувчилар, сценариячилар, драматурглар қалами остидан улар жасорат ва олғирликларнинг фавқуллода «устаси фаранг»лари сифатида чиқиб келадилар. Бундай образларда Ғарбдаги хиёбон беллестристкаси намуналарининг кўнгилсиз таъсири сезилади. Тўғри, охир-оқибатда адолат ва қонун ғалаба қилади, аммо китобхон ёхуд томошабиннинг кимга — қонунбузарларгами ё қонуннинг ҳимоячиларигами — хайрихоҳлик билан қараши кераклиги ноаниқ бўлиб қолади.

Танқид бадий ижоддаги шундай ва шунга ўхшаш айрим адашишлар ҳамда хатоларни бутунлай четлаб ўтаётир, деб бўлмайди, албатта. Юқорида айтилганидай, танқид бундай нуқсонларни баргараф этиш ва уларга барҳам бериш борасида анча-мунча ишлар қилди. Аммо бари бир биз уларга кечикиброқ муносабат билдирмоқдамиз, бу билан номақбул тенденцияларнинг тарқалиши ва илдиз отишига имкон бермоқдамиз. КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми (1983 йил) қарорларидан келиб чиқадики, маркесча-ленинча танқид қайд ётувчи эмас, огоҳлантирувчи, прогноз қилувчи характер касб этмоғи лозим. Ана шунда танқид у ёки бу эстетик жараёнларга ривожланишнинг мумкин қадар дастлабки босқичларидаёқ фаол таъсир кўрсата олади.


Бу, албатта, мураккаб вазифа. Уни муваффақият билан амалга ошириш учун танқиддан жуда кўп омиллар талаб қилинади. Туб омил — иқтидор. Талантнинг зарурати ва принципаал аҳамияти кўпинча санъаткорларга, жуда кам ҳолларда — мунаққидга нисбат берилади. Қолбуки «ҳаракатдаги эстетика» ижодий меҳнатнинг ниҳоятда ўзига хос соҳаларидан биридир. У илмий-тушунчавий ва бадий-образли фикрлаш элементларининг узвий бирлигини ўзида муржа самлаштиради. Мунаққид фавқуллода ўткир зеҳнга ҳам, тараққий этган интуицияга ҳам, ҳиссиётлар бойлигига ҳам, кувваи ҳофизага ҳам, тафаккур тезкорлигига ҳам, фикрни ўткир ифодалаш салоҳиятига ҳам эга бўлиши лозим. Урни келганда айтиш керакки, олий ўқув юртлар ва университетларнинг филология, журналистика факультетлари ҳамда санъатшунослик бўлимларига талабалар қабул қилиш ва уларни ўқитишда бу хусусиятларни теран илғаб этиш, атрофлича ҳисобга олиш керак бўлади. Бу ерда хусусан абитуриентларнинг умуммаданий савияси билан профессионал иқтидорини бир-бирига аралаштириб юбормаслик лозим. Одатда уларнинг биринчиси осон илғаб олинади ва иккинчисига нисбатан кўп учрайди.

Аммо санъатда ва айниқса танқид соҳасида тўлақонли фаолият учун биргина талантнинг ўзи етарли эмас. Бу ерда жасорат, ирода, ростгўйлик, меҳнатсеварлик ҳам керак, уларсиз энг оламшумул лаёқатлар ҳам маълумки, қадрсизланади, чиппакка чиқади.

Партиянинг идеология соҳасидаги масъул ходими сифатида мунаққиднинг маънавий камолотида дунёқарашга боғлиқ омиллар, гражданлик позицияси ҳал қилувчи роль ўйнайди ва унинг бутун эстетик баҳолари ҳамда мулоҳазаларини белгилаб туради. Танқидда дунёқарашга боғлиқ омилларнинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Зеро биз, ниҳоятда, мураккаб, зиддиятли даврда яшамоқдамиз. Ю. В. Андропов айтганидай, ҳозирда инсоният бошидан кечираётган тарихий давр тамомла қарама-қарши дунёқараш, икки сиёсий йўналиш — социализм ва империализм ўртасидаги курашларнинг бутун урушдан кейинги давр мобайнида мисли қўрилмаган интенсивлиги ва кескинлиги билан ажралаб туради. Бу мураккаб шарт-шароитларда «Совет жамияти, — дея уқтирилади КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорида, — шундай босқичга қадам қўйдик, унинг ишлаб чиқариш кучларида чуқур сифат ўзгаришларини амалга ошириш ва шунга мувофиқ ҳолда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш зарурати пишиб етилди. Одамлар онгидаги жамиятнинг бутун устқурмасидаги ўзгаришлар ҳам шунга узвий алоқадорликда амалга оширилиши керак. Партия ва халқнинг диққат-эътибори ривожланган социализмни планли ва ҳар томонлама такомиллаштириш вазифаларига қаратилаётирки, бу кўрсатмаларни ҳаётга тадбиқ этиш меҳнаткашларнинг қанчалик онглилиги ва фаоллигига боғлиқдир. Идеология иши тобора кўпроқ биринчи планга чиқмоқда, унинг роли ва аҳамияти ошиб бормоқда.»

Буларнинг барчаси адабий-бадий танқидга, ниҳоятда, бевосита алоқадордир. Фақатгина марксча-ленинча идеологияга таянган, ёлғиз адабиётнинг эмас, танқиднинг ҳам методи бўлмиш социалистик реализм принципларини ижодий ривожлантирган ва бойитган, диалектик-материалистик методология билан қуролланган ҳолдагина ҳозирги ижтимоий ҳаёт ва эстетик амалиётнинг мураккаб масалаларини чуқур ва тўғри англаб етиш мумкин. КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг программ аҳамиятга эга қарорлари, адабиёт ва санъат масалаларига доир партия ҳужжатлари билан қуролланган танқидчилигимиз бадий маданиятда тинчлик ва социализм байроғини баланд кўтаришга даъват этилгандир. Бу илғор реалистик санъатнинг байроғидирки, совет мунаққиди унинг тобора гуллаб-яшнаши йўлида меҳнат қилади. Мана шундай мунаққид бўлиш — оғир, аммо шарафли ва масъулиятли вазифадир.

«Коммунист» журнаlining 1983 йил
18-сондан олинди.



Турсун
Иброҳимов

ҚУЁШНИ

ҚҮЙНИМГА

СОЛАМАН

Монолог

Муқаддима

«Ин-га... Ин-га-а...»
Оқаришиб келаётган тонг палласида
Чақалоқ овози —
Ҳаёт, тириклик қўшиғи,
Муҳаббат сози;
Оналарнинг, оламнинг,
юпанчи,
илтижоси...

Орзули дунё.
Дунё — муддао.
Шу дам
Қўшним ҳовлисига
бош эггандай бўлдию олам,
Кипригимга юлдузлар инди... —
Алла эшитилди.
Алла —

қўшиққа айланган бөла:
Жар солаётир,
Чамаси, ҳаққини — қадрини сўраётир...

Ҳар тонг қайта туғилади одам:
Дунёнинг янги қирраларин, нурларин кўради,
Юрмаган йўллардан юради.
Майли, у кеча юрган йўллари бўлсин,
Ошган довларлари, қирлари бўлсин —
Бари бир янги,
Одамлар, ҳаёллар сингари
Дунё ҳам туғилар шу йўсин...
Қайта туғилдим.

(Мен-ку,
неча бор лойқаланиб,
неча бор тиндим.)
Сен-чи, жигарим, эндигина кўз-очдинг,
Тонг оқармоқда ёногингда.

Онагинанг, олам бағридасан,
Орзули, армонли олам — Сенинг бағрингда!..

1.

Еруғ дунёни ёруғ кўрмоқ,
Еруғ яшамоқ —

байрам.

Иштиёқ, ҳавас...

Не гаплар бошдан кечмас...

Баъзан

ўлчовли умрни кўрамиз биз кам,

Байрам —

кулиб туриб кўз юммоқ ҳам...

Ер... Бу нима? Бўшлиқ узра муштумдайин бир юрак,
Тегиб турар, беҳаловат... Хаёлларга толаман.
Дардсиз кезар сайёралар, Ер-чи, ушалган тилак,
Шу «Тилак»нинг хоҳишидан бунёд бўлган боламан.
Тусим тупроқ тусидадир, заррасиман тупроқнинг,
Томиримда жўшқин ирмоқ — оқиб туради қоним.
Не мавжудот: ўрни бордир, ўрни бордир увоқнинг,
Адолатни машғал этган шарафли юрт — Ватаним.
Шу ўлканинг бағридаман, бағримдадир ўлкам ҳам,
Қанча миллат, қанча элат яшар қариндош, ўртоқ.
Манзилимиз — коммунизм, бормоқдамиз шод, бардам,
Буюк Ленин йўли билан қўлда тутиб ол байроқ!

2.

Ернинг мавжудлиги — бағрам...

Унинг кўр-қутлиги,

Бағрининг бутлиги —

байрам!

Ун саккиз минг оламни одимлаб ўтар хаёл,
Ун саккиз минг оламнинг ажинли пешонаси.
Тарих тартиб билмаган, кун ўтмаган безавол,
Топталиб келган бирдай яхшилик нишонаси.
Қадр-қиммат хас қадар, увол меҳнаткаш аҳли,
Ҳовуз, кўлмаклар бўлди кўзлардан оққан ёшлар.
Топиб-туғар бир ёқли, ейиб-ичар бир ёқли,
Не кўйларга солмади оламни бағритошлар.
«Шундай яшаб бўларми?!» — юракларда оҳ, нидо,
«Зимистон кунларимиз ёритгувчи нур борми?!»
«Бор!» деган овоз келди, янгради акс-садо,
Буюк Ленин тугилди, қулф урдирди баҳорни!..

Мен — Ер фарзандиман,
Советлар Иттифоқининг гражданиман.
Бутун борлиғича қуёшни кўрсатган
Ленинга, Октябрга таъзим қиламан!

3.

Ногаҳонда чақмоқтошнинг чақилишидан
Одамзоднинг ҳам дунёнинг ёнди чироғи!..
Сўрарсан улғайиб, қўлингда китоб:
«Прометей келтирган чўғ?!»
(Баланд дидинг баландларни
кўрса ҳам ёруғ)

Узр, иним,

Мана сенга айтадирган менинг жавобим:
Прометей алангаси —

чўғни кўриб чўғ кутганларнинг

Юрагидан тошиб чиққан оташин хитоб!..

Офтоб,

моҳтоб, одоб...

Бутун мавжудот шу тоб
Прометей қаршисида, майли, чўксин тиз.
Нима қилсин,

бир вақтлар бандаи ожиз
Олам учун олийнасаб, бўлса ҳамки ганж,
Прометей тилсолида ўзин этди банд!..
Бу демакки, ўт ўғриси ёсумонлармас —
Қаро туннинг қаросидан излаган ҳавас.
Сенга айтсам,

ўт ўғриси сархуш ва бадмаст,
Табиатдан юз бурганлар бўлиб қолди...

Бас!..

Бас!..

Бас!!!

Уша кеча,
Бошланмасдан ўша мудҳиш дақиқа
Ногоҳ кулиб турган ойнинг,
Юлдузларнинг,
Турфа жилоланган сайёраларнинг;
Маркс, Ленин номи билан боғлиқ майдонларда,
Навоий, Пушкин, Эйнштейн хибдонларида
Нурларга чулганган фаввораларнинг
Кўзлари тинди..
Уйлаб кўрилса, энди,
Ҳаво намлиги мўътадил,
Ҳарорат:

ўртача Совет Иттифоқида

Иигирма, ўттиз — иссиқ...

Юраклар иссиқ;

Юракларнинг тегиши —

орзулар иссиқ,

Қонлар иссиқ;

Қонларда ҳайқиргувчи ҳаётлар —

Қаноатлар,

синоатлар иссиқ;

Бешик қучоқлаган,

Уйқусираб толган

Ва лекин

ширин ҳаёллар билан тиниққан

Оналарнинг аллалари иссиқ;

Алла тинглаб,

Ҳузурланиб

тамшанган гўдакларнинг

Кулгилари, кулгичлари иссиқ...

Иссиқ...

Иссиқ...

Шундай ажиб бир дақиқада:

(Минг тўққиз юз қирқ бир...)

Июнь,

илиқ, оромижон тун...)

Мияда, минтақада

Бир садо — мудҳиш:

Уруш!..

Уруш!..

Уруш!..

Қилмишлар — қидирмишлар

Узилмиш қилган айланди бу чоқ...

Келинчақлар тулга айланди бу чоқ...

Кулгилар кулга айланди бу чоқ...

Бу чоқ

Заминга таянган тоғлар йиғлади,

Ирмоқлар,

Ирмоқлар қўшиғи —

боғлар йиғлади;

Сувлар йиғлади,

Ошиғидан айрилган сулувлар йиғлади.

Ииглади қари, ёш,
 Ииглади Қуёш!..
 Қуёшга тик қараб бўлмайдди,
 Тик қараб бўлмайдди онага...
 Уша кеча,
 Уша оромижон дақиқаларда
 Севишганлар севги торларин уларди,
 Дунё дунёлигин қиларди.
 Чумак урганида ёзнинг чилласи,
 Гумбурга келганида кўнгил чирмандаси
 (Эй-воҳ, оналик завқин кўрмай
 ўтган оналарга,
 Бевақт паймонаси тўлган яллаларга
 берсин-эй, тўзим!..)

Талвасага тушди империализм.
 Империализм — ўлим!..
 Ушанда куйлар қурулга айланди,
 Қўшиқлар қурулга айланди.
 Кулгилар,
 Аламдан, ситамдан
 ситилиб чиққан кўз ёшлар
 қурулга айланди.

Э-ҳе, Мағрибдан Машириққача
 Қанчадан-қанча
 қонлар оқди ўшанда.
 Уша қонлар бузун тинчлик йўлида,
 Коммунизм йўлида
 ёлқин, аланга!..

4.

Хуш келдинг, эй гўдак, хушинг олайин,
 Манзил тусар бўлсанг йўлга солайин,
 Куй бўлиб кўз очдинг, созни чалайин;
 Кўрганинг қувончинг — қутлуғ макон бу —
 Ўзбекистон бу!
 Баҳор шабадаси юзинг силайдди,
 Сархуш ҳаёлларга ҳаёл улайди,
 Онанг алла айтиб тилак тилайдди;
 О, билсанг, болакай, омон-омон бу —
 Ўзбекистон бу!
 Олқаб, ардоқловчи шу юрт, шу ватан,
 Ялпиз бўйин олиб ариқ лабидан
 Яйрагандек тупроқ, яйрамоқда тан...
 Сену менга азиз жону жаҳон бу —
 Ўзбекистон бу!
 Ҳар зарра тупроғи зардан ўтгулик,
 Қуруқ чўпни суқсанг қаддин тутгулик,
 Битмаган иш борқи, бунда битгулик;
 Шундайин ўлка бу, жон узра жон бу —
 Ўзбекистон бу!
 Ой, Қуёш, юлдузлар қошида гирён,
 Ҳар куни тўй бунда, ҳар куни меҳмон,
 Қўниб ўтган қушнинг қайтиши аён...
 Ҳазон билмас маскан, боғу бўстон бу —
 Ўзбекистон бу!
 Бунда қарор топган дўстлик, фароғат,
 Шаҳарлари обод, қишлоғи обод,
 Барчага кўрсатар хайру саховат;
 Советлар юрти бу, шараф, имон бу —
 Ўзбекистон бу!..

Қуллуқ қил...
 Онангга, отаётган тонгга,
 Жонажон Ватанинг — Советлар Иттифоқига,
 Ўзбекистонга!
 Ҳар саҳар мен тонг нурига чулғанаман:

Қип-қизил қон тўкилмоқда ҳамон.
Лютер Кингни ўлдирдилар,
Уйладилар: негрнинг овози бўғилди.
Йўқ, овози бўғилмади, яловбардор
Миллион-миллион негр туғилди.
Сальвадор Альендини отдилар,
Яна қисди уларни қисмат:
Альенди қони ловиллаб ёнган
Машғалага айланди фақат!..

Одам қони билан семирмайди ер,
Одам қонин тўкиб яшолмас одам.
Имperialизм:

чиқмаган жондан умид, дер,
Қуни битганларни қутламас олам!..

Ватаним номидан сўзлайман,
Қуёшни қўйнимга соламан.
Янгроқ овозим учун,
Шону шавкатим учун
Ленинга, Партияга таъзим қиламан!

Хотима

Қўшиқ айт!..
Ҳаққинг йўқ яшашга лоқайд:
Ер боқийлик ҳақида қўшиқ куйлаётир,
Осмон бағрикенглик,
оқиллик ҳақида қўшиқ куйлаётир.

Тингла,
ирмоқлар, анҳорлар —
торлар аслида,

Майсалар,
бош тортган бошоқлар —
Тамбурлар, дуторлар
аслида...

Сувларнинг шовуллаши — қўшиқ,
Бошоқларнинг шовуллаши — қўшиқ.
Қўшиқ — гўдакларнинг қиқирлашлари,
Ошиқларнинг им қоқишлари...

Куйламоқда,
Куйлашга ундамоқда.
Индмасликка ҳаққинг йўқ,
Фарзандсан, қилгину қуллуқ
Тинчинг, тиниминг учун,
Экадирган уруғинг,
оладирган унуминг учун

Ернинг қўшиғига,
Осмоннинг қўшиғига
жўр бўл баралла:
Борлиқ, болалик сукунатга чўммасин дея
Қўшиқ айт!..

Қўшиқ айт!..



Муҳаммаджон Мирзамухамедов



Повесть

I

Ўша баҳорда Мухторхон уйга пиёда қайтишни одат қилиб олди. Уйқуга кетаётган ёки ухлаб қолган шаҳар бўйлаб оқшомги, баъзан эса, тунги сайрлар аввалига унга ғалати, ғайриодатий туюлди, ҳатто ғашини келтирди, чунки қимматли вақтини бекорга исроф қилгиси келмасди, кейин, бора-бора бунга кўникаб кетди ва бу сайрларни яхши кўриб қолди чамаси, зинадан даҳлизга тушиб келиб, эшик олдида мунтазир турган шофёрига: «сен бугун бўшсан!» деб унга жавоб бериб юборадиган бўлди.


Мухторхон бу кечки сайрларни шифокорларни нимадандир ташвишга солиб қўйган, улар сўнгги пайтларда жуда эҳтиётини қиладиган бўлиб қолган юраги туфайли эмас, балки «ахир одам бир кеча-кундуз мобайнида ақалли ярим соатгина ўз-ўзи билан танҳо қолишга ҳаққи бор-ку, ахир умр ҳам оқар сувдек ўтиб, ёш ҳам бир жойга бориб қолди, бу вақт ичида бошидан қанча-қанча воқеа-ҳодисаларни кечирмади, озмунча иш қилиб қўймади, буларнинг ҳаммасини сарҳисоб қиладиган пайт етди», деган андишага бориб, шундай одат чиқарган эди.

Мухторхон кўрган-кечирганлари ҳақида фақат сайр қилиб юрган кезларидагина хаёл сурмасди. Рўёбга чиқарган асарлари ҳақида, уларда қўлга киритган ютуқлари, йўл қўйган камчиликларини билолмай қийналар, эрталабки нонушта пайтида ҳам, ҳаворанг «Волга»сида ишига кетаётганида ҳам, кабинетида ёлғиз қолиб, бўлғувчи постановкалар учун танланган кийимлар ва декорацияларнинг эскизларини кўздан кечираётганида ҳам ўйларди. Уни ўз ижодий ишларидан кўнгли тўлмаслигига уларни таҳлил қилишга мажбур этмасди: ижодкор одам ҳеч қачон, чўққини эгалладим, деб айтолмайди. Хизматлари эвазига катта обрў қозониб, буюк санъаткор сифатида ном чиқарган кимсан Мухторхоннинг шаънига айтилган сўзлар, ноҳақ, шафқатсиз сўзлар, худди шундай эгри кўнгил одамлар томонидан отилган таъна тошлари уни бундай қилишга мажбур этарди.

Башарти Мухторхонга, сени худди мана шу таънали ва шафқатсиз сўзлар хаёл суришга, ўз ёғинга ўзинг қовурилишингга мажбур қиляпти, деб айтиладиган бўлса, у буни ҳеч қачон бўйнига олмаган бўларди.

Ушанда, танқидчи Қадимийнинг мақоласи босилиб чиққан куни, бадий кенгашнинг барча аъзолари, нафақат бадий кенгаш аъзолари, ҳамма эшитсин учун Мухторхон баланд овоз билан шундай деди:

— Мен ҳурматли бадий кенгаш аъзоларидан театрни аллақандай чаласаводдан... санъат соҳасига ноўрин аралашиб юрган қаллобдан халос қилишларини сўрайман. Бу одам билан баҳслашиб ўтиришнинг фойдаси йўқ, агар истасангиз ҳатто жиноят деб айтган бўлардим.



Шу билан Мухторхон ўша аччиқ сўзларнинг ўзига қаратилган бутун захрини гўё йўқ қилгандай бўлди. Лекин захрини йўқ қилатуриб, бировнинг ноҳақлиги туфайли қалби яраланиб қолганини сезмаган эди. Кенгаш мажлисидан сўнг унинг мазаси қочди. Аҳволини жуда оғир деб бўлмаса-да, кўкраги бир неча дақиқа ачишиб оғриди ва томоғига қаттиқ бир нарса тиқилгандай бўлди. Мухторхон йиқилиб тушмаслик учун кабинетдаги столнинг қиррасидан ушлаб қолди.

Аммо бу ҳолат бор-йўғи бир нафасгина давом этди-ю, ўтиб кетди. У ўзини яна енгил ҳис қилди, тетикланди ва бу оний беҳолликни қаттиқ чарчаганидан кўрди.

Бугун жуда серғалва кун бўлди. Иккинчи кўринишнинг монтажи негадир ҳеч қовушмади, режиссёр ёрдамчиси касал бўлиб ишга келмади, ҳамма нарсага бош-қош одам бетобланиб қолдими, иш олдинга босмай, ишқал чиқаверади.

Жароҳат ҳадеганда битиб кетмади. Мухторхон буни сезмаса-да, танасини нимадир кемираётганини ҳис қиларди. Ярани врачлар атиқлашди. Навбатдаги кўрик пайтида бу «улуғ инсон»нинг юрак деб аталмиш мотори бежо ишлаётганлиги маълум бўлди. Кейинроқ Анвар, Мухторхонни даволовчи врач, шунчаки унга тайинлагандек:

— Юрак фаолиятини рағбатлантириш керак... Ҳаракат қилиш керак, ошнам, ҳаракат, — деди.

У врачларнинг огоҳлантиришларига ҳам қулоқ солмади. Ҳалиги нодон ва қаллоб санъатшуноснинг айбномасини рад этгандек тўғридан-тўғри рад этмай, унга эътибор қилмай қўяқолди. Парво қилиб ўтиришга арзимайдиган нарсага йўйди, орқага ташлаб, унутиб юбориш мумкин, деб ҳисоблаб, унутиб юборди. Мухторхоннинг табиати четдан бўладиган зуғумни кўтармасди. Баъзан ҳатто фойдали маслаҳатларни ҳам аввалига рад этар, улоқтириб ташлар ва ҳатто маслаҳатгўйлардан жаҳли чиқарди. Бордию постановканинг экспозицияси ёки талқинида бирон нимани ўзгартирса, буни узоқ мулоҳазадан кейин, шунда ҳам дўстлари, танқидчилар тавсия қилган йўналишдан тамоман бошқача йўналишда амалга оширарди. Мухторхон ўзгартарилиши муқаррар бўлган нарсани ўзи пайқар ва уни ўзгартирар, бундан унинг фикрича, асар ютар эди. Яхши нарса аъло бўлиб қолиши мумкин. Мукамаллик эса — санъаткорнинг бутун интилишларидан кузатган мақсади шу-да!

Шундай қилиб, у уйқуга чўмган шаҳар бўйлаб ярадор ҳолда юриб борар экан, яраси тузалмаслигидан беҳабар ва сезилмас оғриқ уни ниманидир излашга, қандайдир тушуниб бўлмас қоникмаслик азобини тортишга мажбур қилаётганини билмасди. Сайрлари ҳордиқ чиқариш онлари бўлмай, фикр ва ҳис-туйғуларининг иш соатлари бўлар эди.

У гоҳида ўзининг ёлғизлигидан безор бўлиб кетар, ҳаммадан ажралиб, якка-ёлғиз бўлиб қолгандай туюлган пайтлари эса, унинг ҳаёт билан энг шиддатли, энг қизғин кураш онлари бўларди. Бунга ҳеч ким, асло ҳеч ким, ҳатто хаёлан халақит бермаслиги лозим эди. Бир куни Мухторхон ҳаво ранг «Волга» кўчанинг соя томонидан сездирмай, орқасидан эргашиб келаётганини, садоқатли ва олижаноб Ҳамид «буюк инсон»ни кузатиб қўйишга уринаятганини ногоҳ кўриб қолди-да, орқасига қайтиб бориб, машинанинг эшигини шартта очди-ю:

— Бундай қила кўрма... Ҳеч қачон бу ишни хаёлингга келтирма! — деб уришиб берди.

Шу-шу Ҳамид уни орқасидан кузатмайдиган бўлди. Борди-ю, Ҳамиднинг калласига хўжайинини уйигача сездирмай кузатиб қўйиш фикри келганида ҳам, бундай имкониятга эга бўлмасди. Айнан ўша баҳорда Мухторхон Ҳамид ишлайдиган муассасадан кетган эди.

Ўша баҳор кечикиб келди. Юракни сиқадиган совуқ ёмғир тинмай ёғарди. Ундан баҳор — мартнинг эмас, январь — қор ҳидди келарди. Кўча хувиллаб қолган. Совуқ одам этини жунжиктиради. Ҳаммаёқ зах. Бу юракни сиқувчи захдан қаёққа қочиб қутулишни билмасди одам. Лекин ўша куни ёмғир бирдан тиниб, булутлар тарқай бошлади. Баданга иссиқ теккандай бўлди. Ҳар қалай кечга бориб, кўчалар қуриб қолди ва Мухторхон зонтини ҳам олмай, одатдаги сайрига чиқиб кетди. Унинг кайфи чоғ эди, плашини билагига ташлаб олган ҳолда йўлкадан бардам қадам ташлаб борарди.

Инсон ҳаётида ўз йўлидаги бурилишни ҳали кўрмай туриб, бурилмоқчи бўлган онлар ногоҳ кечади. Бундай онларда унинг юраги ҳам қувонч, ҳам хавотир билан тўла уради. Хавотирдан кўра унда қувонч кўпроқ бўлади, албатта.

Мухторхон ўзининг ҳаяжонга тўла хаёлларига берилиб кетиб, бирдан кишини маст қилувчи ҳидларни уфуриб, апрель шамоли турганини, кетидан ёмғир шаррос қуйиб юборганини сезмай қолди. Бу энди ҳақиқий баҳор ёмғири эди.

Институтга қайтиши керак. Чунки уйига қараганда институт яқинроқ эди. Мухторхон қаёққа боришини билмай иккиланиб қолди. Ёмғир юзини савалар, сув томчилари кўзларини очирмасди. Қочиб қолиш керак. Плашни ёпиниб олиб, қочиб керак. У бўлса ҳамон хаёл суриб турибди. Бунақа вазиятларда қайтиб кетиш табиий ҳол бўлса ҳам, лекин у эндигина мослашаётгани руҳиятига бу малол келди. Ярим йўлдан қайтиш яхшилик нишонаси эмасдай туюлди, уни кўрқитиб юборди. Йўқ, институтга қайтиб бормади!

У плашини бошига, ҳўл сочлари устидан ёпинди; худди паранжили аёлдай уйи томон шаҳдам юриб кетди.

Хотини, назиклина, майин, меҳрибон, Мухторхоннинг шодликлари, ғаму ташвишларига ҳамиша шерик Нигора, эрини остонада ташвишли нигоҳ билан қарши олди.

— Нима бўлди?

Ҳаммаёғи ёмғирдан шалаббо Мухторхон хотинини кифтидан қўчди-да, уни баттар ҳайрон қолдириб илжайиб, қулоғига секин пичирлаб:

— Бўлди, жонгинам... — деди.

Нигоранинг кўзларидаги қўрқув ўчмади. Лекин у баттар ҳайрон бўлди.

— Нима бўлди? Одамни қийнамай гапира қолсангиз-чи...

У ҳамон куларди. Бу кулги беғубор, қувончли, ўз баҳорини топган одамнинг кулгиси эди.

— Мен институтдан кетяпман...

Нигора унинг қувончининг тагига етмаганлиги учун буни тушунмади.

— Ахир, у ер туғилиб ўсган даргоҳингиз-ку!

— Ҳа, институт ўз уйим. Лекин мени фарзандим ўзига чорлаяпти.

— Театрми?

— Театр, жонгинам.

Нигора бошини чангаллади.

— Ахир у ерда иш яхши эмас... Жудаям расво-ку!

— Боланинг аҳволи оғирлашган пайтда ота-она унинг ёнида бўлиши керакмасми?!

II

Институтдан кетишнинг ўзи бўлмасди. Нигора институтни, туғилиб ўсган уйингиз, деб атади. Чиндан ҳам Мухторхон учун институт азиз даргоҳ эди. Фақат Мухторхон учунгина эмас, у кўпларни ўқитиб, одам қилган эди.

Мухторхон кичкина хиёбондаги баланд қайрағоч тагида туриб, институт остонасини илк бор қачон хатлаб ўтганлигини эслашга уринарди.

У прожектор нурлари билан равшан ёритилган оппоқ бинога тикилиб қарарди. Тун пардаси ичида бино худди қоятошдан кесиб олинган каттақон чорқирра устунга ўхшаб кўринарди. Бу устуннинг адл қоматида ва оппоқлигида аллақандай тантанаворлик бор эди.

Уни қаср деб атагиси, бу қаср олдида таъзим қилиб, шу кўйи эгик боши билан видолашгиси келарди.

Мухторхон ҳамкасбларига ректор билан чиқиша олмаганлигини важ қилиб институтдан кетганига икки йил бўлди. Кетишининг ҳақиқий сабабини ўзи биларди-ю, лекин бу сирни на ўзига, на дўстларига очгиси келарди. Гапига эса ҳеч ким ишонмади. Театрдагилар Мухторхоннинг бу ҳаракатини ўзларича изоҳладилар. Турган гапки, тўғри изоҳладилар.

Бу такасалтанг, ҳазилканшлар подшоши Мансур актёрлар даврасида шундай деди: «Эҳтиёт бўл, гвардия. Оғамиз қандайдир зўр ишни ўйлаб юрибдилар!» Айнан нимани ўйлаб юрганини айтмаса ҳам, лекин актёрлар фаросатли халқ эмасми, бу огоҳлантириш уларни қўрқитмади, аксинча хурсанд қилди. Муҳими, Мансурнинг бу ҳазилидан сўнг театрдагилар Мухторхонни «оға» деб атайдиган бўлиб кетишди.

Зўри шундан бошландики, Мухторхон Мансурга бирдан қирол Лир ролини топширди. Газеталарда «Ажойиб тасодиф», «Санъаткор тажрибасими ёки қонуниятми?» — деган мақолалар босилди. Мухторхоннинг таниши, таниқли театршунос танқидчи ҳам актёр тўғри танланганлигига шубҳа билан қаради, аммо спектаклдан сўнг қойил қолиб деди: «Ақл бовар қилмайди, лекин бу факт».

Мазкур «зўр иш» ҳам Мухторхонни «оға» лақабидан халос қилмади. Бу ҳазил Мансурдан чиққанлигини билиб Мухторхон ундан ранжиган бўлди. Мансурдан норозилигининг сабаби фақат лақабда эмасди. Мансурнинг интизомсизлиги унинг ишига халал берарди. Бир куни у репетицияга кўзлари қовжираб, юзлари шишиб кетган, карахт ҳолда кириб келди. Бош режиссёрнинг ҳафсаласи пир бўлиб, юрагини чангаллаб қолди. Бош репетиция барбод бўлди. Асосий актёр формада эмас, буни ҳамма биларди. Албатта, расмий юзасидан текетни «ҳайдаб», мизансценаларни такрорлаб, репетиция бўлди, деб ҳисоблаш мумкин эди. Аммо «оға» сохталикни жинидан ёмон кўрарди. У барок қошларини чимириб, Мансурга қараб тўнғиллаб:

— Сиз бугун бўшсиз, — деди.

Уни ишдан четлатмади. Мансур театрда, ўша ролида қолди, у навбатдаги репетицияга тетик, эгарланган отдай тайёр ҳолда келди.

Бош режиссёр шаънига айтилаётган пичинглар тўхтамади. Мансур Мухторхонни аския қилишда давом этди. Бир куни Мухторхонни актёрлардан бирининг туғилган кунига таклиф этишди. Ҳар хил меҳмондорчиликларга хуши бўлмаса ҳам, зиёфат сабабчисининг дилини оғритмаслик учун, у бирров кириб «чақалоқ»ни табриклаб чиқмоқчи бўлди. У келган пайтда зиёфат авжига чиққан, Мансур стулга чиқиб олиб, нутқ сўзламоқда эди:

— Шундай қилиб, азизим, — Мансур жарангли овозда дона-дона гапириб, қошларига ёпиштириб олган узун, оқ тукларни охорли даструмоли билан силаб қўйди. — Гарчи бугун роль ўйнайдиган аҳволда бўлмасангизда, афсуски сизнинг хизматингиздан воз кечолмаймиз ва мислсиз сабот-чидам билан, биринчи актнинг биринчи қисмини кўриб чиқамиз...

Меҳмонлар Мансурнинг ҳазилини гуррос кулги билан қаршилади-лар.

«Бу ярамас мени тақлид қиляпти!» деган гап ўтди Мухторхоннинг кўнглидан. Лекин ўзини гўлликка солиб:

— Офарин, офарин! Бу сизнинг энг ажойиб монологларингиздан бири бўлса керак, — деди чапак чалиб.

Мухторхон фикр-хаёлини банд этган ниятини амалга оширишига бу майда-чуйда ҳазиллар халақит бермаслиги учун ҳам уларга парво қилмади, ўзини булардан баландроқ тутди.

Мухторхон одамларнинг нуқсонларини кечиришни билар, улар билан муроса қилиб кетишга қодир одам эди. У инсон қалбида эзгулик мавжудлигига ишонар ва шу эзгуликни эҳтиётлашга интиларди. У билан бирга ишлайдиганлар истеъдодли одамлар эдилар. Санъатда энг қимматли ҳислат истеъдод эмасми?! Истеъдодни эҳтиёт қилиш лозим. Мухторхон табиат инсонга инъом этган бу фазилатга айнан шундай муносабатда бўларди. У истеъдодли одамларни яхши кўрарди. Мансурни келажаги порлоқ фавқулудда шахс сифатида севарди. Чиндан ҳам Мансур бу юксак чўққига осонлик билан кўтарилмаган, унинг йўли машаққатли бўлган айниқса шу нарса Мухторхоннинг диққатини тортарди. У ёш актёрга ёрдам берарди. Мансурдаги кунт,

тиришқокликни кўра била туриб, унга лоқайд қаролмасди. Лекин Мансур ҳамма вақт ҳам ўзини бирдай тутиб юролмас эди. Мухторхон актёрнинг маҳоратини юксалтиришда, уни мақсад сари йўналтиришда ўз кучини аямас, у билан спектаклдан кейин театрда бир неча соатлаб ишлар эди. Одамлар ундан вез кечишни бир неча бор маслаҳат бердилар, унда санъаткор бўлишга лаёқат йўқ, дедилар. Аммо у Мансур қиёфасида улкан санъаткорни кўрар, уни тарбиялар эди. Мана энди театрни ҳеч ким Мансурсиз тасаввур этолмайди...

Яна муздек ёмғир шивалаб, Мухторхоннинг бўйнига бир неча совуқ томчи тегди. У бир сесканиб, ўзига келди, институт рўпарасидаги хибончада шунча вақтдан бери турганлигига ҳайрон бўлди.

Бругроққа ўтиб, нимчасининг чўнтагидан узун занжирга осилган ён соатини олди — вақт ўн бирдан ошиб қолибди. «Ўҳ-хў, азизим, роса дайдибмиз-ку, — деди у ўзича ва шу ондаёқ ўзини гўё оқлагандай қўшиб қўйди: — Шу ерга келганда кадрдон ошнангизни кўрмай кетишингиз одамгарчиликдан эмас!»

Институтнинг эшиги қулфланмаган экан, осонгина, гичирламай очилди.

Вестибюлнинг полига худди шахмат тахтасидай пушти ва оқ мрамор плиталари ётқизилган чап тарафида, бир неча авлод студентларга-ю, барча профессорларга таниш бўлган тахта каравотда Ҳусайн чордана қуриб ўтирарди.

Бу каравотни Ҳусайннинг ўзи, урушдан олдин ясаган. Унинг тузилиши жуда оддий, бир пасда йиғиштириб, янги жойга кўчириш мумкин эди. Ёз оқшомлари Ҳусайн уни ташқарига олиб чиқиб, институтга кираверишдаги эшик олдига қуради, эрта билан эса йиғиштириб, иккинчи қаватга чиқадиган кенг зина тагидаги хоначага жойлаб қўярди.

— Тинчликми ўзи, Мухторхон?! Сенинг ёшингда бунақа ҳавода юриб бўларканми! — деб, Ҳусайн дарҳол оёғига кавушини илди, меҳмонга яқинлашиб, плашини ечишга ёрдамлашди. Мухторхон бутун деворни эгаллаб турган катта кўзгуда ўз аксини кўриб: «Ҳм-м», деб қўйди. Кўзгуда худди саҳнадагидек вестибюлнинг бутун чап тарафи кўриниб турарди: Ҳусайннинг тахта каравоти (Ҳусайн бу пайт ўз жойига чиқиб олиб, дастурхонга нон ушатаётган эди), уч оёқли темир вешалка, кундузи орқасида навбатчи қоровуллар ўтирадиган, ям-яшил рангга бўялган тахта тўсиқ.

— Ҳусайн, яхшигина мизансцена-я! — деди Мухторхон каравотнинг бир чеккасига ўтираётиб.

Ҳусайн унга пиёлада иссиқ чой узатди.

— Эшитишимча, сен «Гамлет»даги барча ролларни тақсимлаб бўлибсан-у, лекин Гамлетнинг ўзи йўқ эмиш. Шу ростми? — деб сўради Ҳусайн.

— Қандай жимжитлик, роҳатижон! — Мухторхон саволни эшитмагандай сўлиш олди.

Ҳусайн билан у ўттиз йил муқаддам, урушдан олдин Ҳусайн бу ерда боғбон ва тунги қоровул бўлиб ишлай бошлаганидан буён таниш эди. Ақл бовар қилмайди, лекин шундай бўлганки, улар ҳаётларидаги биринчи ва охири нохуш воқеадан кейин дўстлашиб қолишган.

Мухторхон студентлар театрига кечикаётган эди. Пальтосини наридан-бери илгакка ташлаб, томоша залига шошилишч йўл олди.

Кутилмаганда унинг йўлини давангирдай Ҳусайн тўсди.

— Сен нега калишда юрибсан! — деб гулдиради у, қўлидаги калтак ё темиртақни ўйнатиб. — Ҳозир мен сенга уйга киришдан олдин ифлос оёқ кийимни нима қилиш кераклигини ўргатиб қўяман! Профессор! Соч қўйиб, бўйнига бўйинбоғ боғлаб олганига ўлайми бу кишининг!

— Секинроқ, барака топкур, секинроқ! — Мухторхон кечирим

сўрагандек қўлини кўксига қўйиб, яшил ранг шимининг почасини этик қўнжигача қистирган, тиззасигача етар-етмас калта беқасам тўн кийиб олган давангир қоровулга пастдан ҳадиксираб қаради.

Мухторхон калишни ечиб, қўлига олиш учун энгашди.

— Майли, шу ерда қолдириб кетавер, — деди унга марҳамат юзасидан қоровул, қўлидаги темиртаги билан калишни устун орқасига суриб қўяркан.

Орадан кўп йиллар ўтди, урушдан кейин Ҳусайннинг мўйлови ва чўққи соқолини ҳаётнинг ғам-ташвишлари оқартириб бўлганда Мухторхон ундан сўради:

— Ўшанда мени чиндан ҳам калтакламоқчи эдингми?

— Йўғ-э. Шунчаки кўчага улоқтириб ташлардим. Кичкиналарни урадиган одатим йўқ. Ўзинг нимжонгина бўлсанг. Елкангга қўлимни қўйсам, ерга кириб кетасан, сени уриб барака топиб бўларканми, — деди Ҳусайн қўй кўзларини шўх чакнатиб. — Агар гапнинг ҳалоллини айтсам, биринчи кўришимдаёқ кўнглимга ёқиб қолгансан. Ўзинг кичкинасан-у, бошинг мана бундай! Пешонангни кенглигини айтмайсанми. Қалласи бутун йигит деб қўйганман ўзимча. Яхшиям ўшанда қўлимни кифтингга қўймаган эканман, — шундай машҳур одамнинг умрига мурғаклигидаёқ зомин бўлар эдим.

Ҳусайн ўз ҳазилидан ўзи хурсанд бўлиб, хаҳолаб кулди.

— Э, мен қанақасига машҳур бўлай, — деди минғиллаб Мухторхон. — Ҳа, айтгандай, сен нега ўқишни давом эттирмадинг? Билишимча, сен яхши боғбон бўлиб етишишинг мумкин эди.

— Акаларим уйланиб, бўлак бўлиб чиқиб кетишган. Мен билан онам, ёш хотиним яна бир этак бола қолганмиз. Уларни боқиш, кийинтиришнинг ўзи бўлмасди-да!

Ҳусайн кузда кўпроқ ҳосил йиғиб олиб, бозорда сотиш, орттирган пулларига эски уйнинг у ёқ бу ёғини тузатиб, оиласининг энг зарур кам-қўстини буташ, уни ўзгаларга мухтож қилмаслик учун ҳордиқ кунлари ўз боғида тонг саҳардан то кечгача тинмай ишларди.

Уша воқеадан сўнг Мухторхон бетоб бўлиб қолди. Упкаси касалланган эди. У қийинлик билан жуда секин тузаларди. Юришдан кўра кўпроқ ўтирарди. Озиб, дармонсизланиб қолган Мухторхон кунини катта чарм креслода ўтказарди. Январь кунларининг бирида у ўзининг шоир дўсти билан «Гамлет»нинг янги нусхасини ўқиб ўтиришганида, тўсатдан Ҳусайн кириб келди. Қоровулни таниш жуда қийин эди. Унинг эғнида пахталик коржомга ўрнига ажойиб тикилган коверкот костюм, келиштириб боғланган галстук, бошида янгигина марғилон дўппи.

Мухторхон эсанкираб қолди. Шоир ўрнидан турди, ҳурмат билан стулни суриб, Ҳусайнга ёнидан жой кўрсатди.

— Менга сени касал деб айтишди, — деди Ҳусайн суриб қўйилган стулга эътибор бермай. — Мен... ҳалиги... мана, сенга озгина мева-чева олиб келувдим — ҳаммаси ўзимнинг боғимдан. — Ҳусайн стол устидаги ҳар хил қоғозларни йиғиштириб ташлаб, ўрнига катта сават тўла тилла ранг олма, нок, анорларни қўйди.

Шоир нима бўлаётганига тушунмай, ҳангу манг бўлиб, Мухторхонга қаради.

— Ғафур, марҳамат, танишиб қўй, — деди Мухторхон, — бу — дўстим Ҳусайн.

Ҳусайн Ғафурга қараб мулоим кулиб қўйди, костюмини ечиб стул суянчигига илди.

— Синглим, битта коса бергин! — деди Ҳусайн орқасидан кириб келган Мухторхоннинг хотинига. — Хўжайинингни бир шарбатга тўйдириб қўймасам!

Иккита катта-катта анорнинг сувини сиқиб, Ҳусайн лим-лим тўла косани Мухторхонга узатди.

— Энди ҳар ҳафтада мева олиб келаман, — деди у ҳеч қандай эътирозга ўрин қолдирмай — Соғайгин! Баҳор келсин, сени хотининг

билан уйимга кўчириб олиб кетаман. Бизнинг Кўкчада ҳаво тоза, шифобахш... Сен ҳам, йигитча, энди борақол! Кўряпсанку, бу одам чарчаган.

Ғафур ўрнидан ирғиб туриб мезбонга ҳайрон тикилди.

— Утиравер! — деди Мухторхон... — Ҳозир давом эттирамиз...

— Нимани давом эттирасиз?! — Ҳусайн уй эгасининг гапини чўрт кесди. — Йигитча, мен сенга айтдим-ку, ахир: у чарчаган, дам олиши зарур! Эртага келасан. Қани юр, юрақол!

У ўзининг бесўнақай қўлини шоирнинг елкасига ташлаб, эшик томон олиб кетди.

— Сен, йигит, хафа бўлмагин. Сен уни қадрлайсанми? Қадрлайсан! Мен учун ҳам у қадрли. Шундай экан, уни эҳтиётлашимиз керак...

Ҳусайн чиндан ҳам, ўрик гуллаши билан фойтунда келиб, Мухторхон билан хотинини Кўкчадаги уйига олиб кетди.


Кўкча — шаҳарнинг чеккаси: саккизинчи трамвайнинг охириги бекати шу ерда; тош кўча ҳам шу ерда тамом бўлади; Кўкчада чиройли чойхона, кабобхона, турли хил моллар билан савдо қилувчи кўпгина магазин ва дўкончалар, дорихона, сартарошхоналар бор; бу ердан, худди дарёнинг ирмоқлари сингари, пахса деворлар билан чегараланган тор, тинч кўчалар ҳар томонга қараб таралиб кетарди.

Мухторхон девор ичидаги ҳовлиларга мўраламоқчи бўлиб, олдинги ўриндиқда ўтирган Ҳусайннинг елкасидан ушлаб, ўрнидан турди. У доим ҳаётни четдан кўргиси келарди.

— Эй, сен ўтиравер, бари бир бу дарахтлардан ҳеч нарсани кўролмайсан, — деди Ҳусайн, гўё унинг ўйларини уққандай. — Яхшиси бу ерга кўчиб келгин, ўшанда кимнинг қандай яшаётганини билиб оласан, ҳар бир ҳовли ўзича бир китоб, ҳатто театр дейиш ҳам мумкин!

Ҳусайннинг уйи кўчалардан бирининг охирида экан.

Ҳовлининг ҳамма ёғи гулзор, озода, шинам. Дарвозадан ўнг тарафда айвони устуллари ўймакорлик билан нақшланган уй, чапда — қишда мева асрайдиган омборхона. Гулзорнинг шундоқ орқа томони боғ — олма, нок, шафтоли, гилос, ўрик... Дарахтлар ён бағрлари қалин



бутазор билан қопланган, тубидан ариқ оқиб турган катта жарликка бориб тақалган. Жарликнинг нариги тарафида шудгорланган далалар ястаниб ётарди.

Атроф жимжит, роҳатбахш. Тиқ этган товуш йўқ...

Мухторхон ариқдан ҳатлаб ўтиб, гиламдай очилиб ётган сунбулларга кўзи тушди.

Ҳар йили у ўз уйининг бурчагида гул сотувчи бир ногирон одамдан хотини учун гулдаста сотиб оларди. Гуллар тугагач, янаги баҳоргача ногирон ҳам кўринмай кетарди.

Мухторхон кўпдан бери сунбулларни ўз ҳолича очилиб ётганини кўрмаганди. У чўнқайиб ўтирди, гулнинг нозик ҳидини тўйиб ҳидлаб, бармоқларининг учини эҳтиёткорлик билан улардан бирига теккизди.

— Улар жуда мағрур бўлади, рақибларини чиқиштирмайди! Кўряпсанми, яқинида битта ҳам бегона гул йўқ. Аммо лекин мен буларни яхши кўраман. Бу гулда катта эзгулик кучи бор, эзгуликни у инсонга тақдим этади. Емон одам сунбулни қўлига олса, дарҳол ўзгаради: у раҳмдил, меҳрибон, мулойим, ғамхўр бўлиб қолади. Сунбул ўзининг бутун гўзаллиги ва эзгулигини одамларга тақдим этгач, ўзи ҳалок бўлади, — деди Ҳусайн Мухторхоннинг ёнига ўтириб.

— Сен жуда файласуф бўлиб кетибсан-ку! — Мухторхон Ҳусайннинг сунбуллар тўғрисида худди жонли мавжудотдай гапиришига ҳайрон бўлиб, кулиб қўйди.

Ҳусайн уялиб қолди.

— Мен, шунчаки бир гапни айтдим, қўйдим-да... — У дўпписини пешонасига суриб, энчасини қашиди.

Август ойидаги бутун отпускани Мухторхон Ҳусайнникида ўтказди. Унинг қаёққа кетиб қолганини ҳеч ким билмасди.

Янги мавсумнинг очилиши арафасида у театрга келди, бутун труппани томошабинлар залига йиғиб, саҳнага олиб чиқиб қўйилган креслога, ўзининг одатдаги жойига ўтирди, қордай оппоқ рўмолчаси билан қалин қошларини силаб, секингина йўталиб қўйди.

— Хўш, ишни бошлаймизми?! — деб сўради у, партернинг биринчи қаторида ўтирган актёрларга қараб. — Шундай қилиб, Гамлет, Дания шаҳодаси ролини Мансурга топширамыз. Раҳим Горациони ўйнайди, Назира Дания қироличаси, Гамлетнинг онаси — Гертрудани... Бурхон Дания қироли Клавдийни...

Ролларни тақсимлаб бўлгач, Мухторхон бадиий бўлим мудиридан пьеса текстини спектаклда иштирок этувчиларнинг барчасига тарқатишни сўради. Урнидан туриб, театр коллективини навбатдаги мавсум очилиши билан табриклади.

— Эртага «Бой ила хизматчи». Унда қатнашадиганларнинг тайёрланишларини сўрайман. Йигирма минутдан кейин бошлаймиз. Қолганлар бўш, — деди у залда ҳукм сураётган ғалати жимликка ҳайрон бўлиб.

— Бирор гап бўлдимми? — деб сўради у ёрдамчи режиссёрдан паст овоз билан.

— Бу сафар сиз қандайдир бошқачароқ бошладингиз, — деб жавоб берди у каловланиб.

— «Қандайдир»ингиз нимаси?

— Сиз ҳамма вақт, олдинга табриклар эдингиз, кейин эса...

— Ҳақиқий қутловлар эртага бўлади! — деди Мухторхон жаҳл билан. Кейин қўшиб қўйди: — Агар аъло ижро этишса.

— Мансур қаёқда-ю, Гамлет қаёқда. Ахир ҳамма ҳайратда, ёқасини ушлаган, — ёрилди қулоғигача қизариб кетган ёрдамчи режиссёр.

— Асабларингизни жиловлаб олинг, азизим, — таъкидлади Мухторхон. — Демак, кимлардир Мансурнинг Гамлетни ўйнай олишига ишонмас экан-да? Биз биринчи постановкамизни қўяётганимизда ҳам баъзи бировлар, Ахрорхўжанинг қурби келмайди дейишганди. Чеккачеккада: «Мухторхон эсини еб қўйибди», — деб ўзаро шивирла-

шишган. Ҳозир бўлса, дўстим, Аҳрорхўжа — театримизнинг биринчи олтин саҳифаси, — дейишяпти. Сиз бизда яқиндан бери ишлаяпсиз, тарихни чуқур ўрганишингизни, илмга юзаки қарамаслигингизни сўрайман!

У залга тушиб, ўрта қатордаги ўзининг доимий жойига ўтирди.

Унинг чап тарафида театр директори, ўнг тарафида режиссёрлар, олдинги қаторларда спектаклда қатнашмаган артистлар, рассомлар, костюмчилар ўтиришарди.

Учинчи қўнғироқдан сўнг залда чироқ ўчди.

— Нима гап бўлди, Мухторхон? — театр директори Ҳабиб у томонга энгашиб сўради.

— Ҳоли жойда гаплашадиган гап, Ҳабиб, ҳоли жойда!

Мухторхон «ҳоли жойда» деган иборасидан Ҳабиб ундан бирор нимани сўраб билиб бўлмаслигини фаҳмлади.

Репетициядан Мухторхон мамнун бўлди. У спектаклни бошқариб борган ёш режиссёрнинг қўлини илиқ қисди, қўлларини баланд кўтариб, актёрларни олқишлаб чапак чалди.

Санъат оламида қатта шон-шухрат қозонган бу одамнинг ўз ҳамкасбларининг ишларига қанчалик юксак баҳо берганлигини бугун театрда билмаган одам йўқ эди.

Деярли бир йилдан сўнг, апрель ойида «Гамлет»нинг премьераси бўлди. Газеталар мақтовга тўла тақризлар босиб чиқардилар. Айниқса Мансурнинг шаънига кўп мақтовлар айтилганди, у буларга парво қилмади, унинг номини шу кундан бошлаб қомусга абадий ёзиб қўйган бу шон-шухратдан зиғирча ҳам ўзгармади.

«Ўлиб-нетиб қолмасимдан, токи чиройли кўзларингиз ўнгида савлат тўкиб турган эканман, мендан ўрганинглар, — деб ёш артистлар билан ҳазиллашарди Мансур. — Мен буюк артист сифатида, албатта, текинга эмас, агар шампан виноси билан ясатилган дастурхон бўлса, ўз маҳоратимнинг баъзи бир сирларини очардим. Аммо, қайта айтаманки, фақат баъзиларини! Ҳаммасини билиб олиш учун бир-иккита зиёфат кифоя қилмайди...

Бир куни, танаффус пайтида Мухторхон Мансурнинг хонасига кирди.

Мансур бошини орқага ташлаб кўзларини юмиб олган, ранги синиққан, пешонасида тер маржонлари тизилган ҳолда кўзгу олдида ўтирарди. Унинг бу ҳолати атрофидагиларни бутунлай тарк этганини ифодаларди.

Ташқаридан Бурхон — қирол Клавдийнинг гулдираган овози эшитилди:

— Қани менинг энг ёвуз душманим, Гамлет?

Мухторхон шошиб ташқарига чиқди, бу бесўнақай гавдали, ваҳиманинг ини Бурхонга урилиб кетишига сал қолди.

— Жим! Қўй, дам олсин! — деди, Мухторхон бармоғини лабига босиб.

— Устоз, ўзингизнинг энг севимли қиролингизни шаҳзода Гамлетнинг қийла-ю, найрангларида халос этинг! Ҳеч кун бермаяпти, нафас олдиргани қўймайди! — деди Бурхон, — шоҳона қиёфага кириб, бетакрор овози гулдираб.

— Сени хафа қилиб бўлармиди, айик! — деди қўлида буғи чиқиб турган бир пиёла иссиқ чой кўтариб келаётган Назира — Дания қироличаси Гертруда, ҳиринглаб ва виқор билан юриб ўтиб кетди.

— Кўрдингизми, устоз, ҳаммаси қиролга қарши. Ўз фуқароларига нисбатан одилларнинг одили бўлмиш мендек одамга юрагимни бўшатиб, ҳасрат қилишига имкон беришмайди. Агар билсангиз, қироллар ҳам инфарктдан ўладилар, — деди у Назиранинг ортидан бақариб.

Саҳнада декорацияларни ўзгартираётган ишчилар кулиб юборишди.

— Ҳазрати олийлари, сиз ҳақсиз. Бу ерда гаплашгани қўйишмай-

ди. Агар менинг кабинетимга ташриф буюришни лозим топсалар, бошим осмонга етарди, — деб Мухторхон ҳам сўз ўйини қилди.

Кабинетга кириб, Бурхон чарм креслога ястаниб ўтирди.

— Утган куни, — дея гап бошлади у, — мен радиодан гонорар олдим. Ҳар сафаргидек спектаклдан сўнг Мансур билан уйга бирга кетдик. Яқин қўшнимиз. Хадрадаги бекатда трамвай пойлаб турган эдик. Бирдан Мансур, ресторанга кириб, қиттак-қиттак олмаймизми, деб таклиф қилиб қолса бўладими. «Пул бор, — мен меҳмон қилман», — деди. Бу зикнадан ҳам умрида бир марта ёруғлик чиқар экан, деб ўйладим ўзимча.

У ёғи нима бўлди, денг? Мен энг тансиқ таомлар яна оби замздан ҳам буюрдим. У бўлса тўламади. Чўнтагидан уч процентли заём облигацияларини чиқарди. «Эй, жин урсин! — дейди у иблис. — Тунда адаштириб чўнтагимга солиб олибман. Майли, бўлар иш бўлди, нима ҳам қилардик, тўлаб юбор. Олдинда қарздорман — иккита ресторан мендан». Кейин ростакамига шундай ҳижолат тортдики, мен турган гап, олижаноб инсон, ҳақиқий эркак, содиқ дўст сифатида уни тинчлантирдим ва ҳақиқий қиролдай официантга бир даста пул ташладим. Бугун бўлса, у ўша облигацияларга катта ютуқ чиққанини ўртада ҳеч гап бўлмагандек, хотиржам хабар қилди. Мен унга қарзини эслатдим. Хўш, у-чи? Меңга фариштадек тиниқ кўзларини қадаб: «Кечирасан-ку, негадир гапинга тушунмаяпман!», дейди! Эй, худованди карим! Инсон тусини олган бу ярамас маҳлукқа қаҳру ғазабингни ёғдир! — мен тиз чўкиб қўлларимни осмонга чўзиб, илтижо қилдим. Аммо чақмоқ чақмади, яшиннинг ўтли тиғи оламни ёритмади. Менинг илтижоларим, саҳрода адашиб қолган йўловчининг фиғонидай ҳавода муаллақ қолди. Мен ҳеч қанақа худонинг йўқлигини ҳам, дўстимнинг қилмишига яраша жазо бериш учун кимдандир ёрдам кутишнинг бефойдалигини ҳам унутибман. Мана буни артист деса бўлади! Ҳақиқий артист! Мени қаҳр-ғазабга солиб, яна аҳмоқ қилиб кетди-я!

— Чиндан ҳам ҳақиқий артист! — деди Мухторхон Бурхонга ҳаваси келиб.

— Агар Лутфия ҳавога совурилган пуллардан хабар топса борми, тож-тахтимдан айрилишим турган гап, — деди Бурхон ўрнидан туриб. У шоҳона либосини тартибга келтирди, кейин ташвишланиб кўшиб қўйди...

— Устоз, буларни гапириб беришимдан мақсад, навбатдаги спектаклни бошқа кунга кўчиришингизни сўраш эди. Мансур жуда чарчаган... бунақада у узоққа боролмайди, биз Гамлетдан ажралиб қолишимиз мумкин. Уни врач кўрди, ҳаддан ташқари қаттиқ чарчаган, — деди. Меңдан бўлак ҳеч бир тирик жон медицина хулосасидан беҳабар. Мен сизга ҳеч нарса демадим, сиз эшитмадингиз!

Қўнғироқ чалинди. Бурхон чап ёнига осилган қиличини ушлаб, яна қирол ҳолатига қайтди, бошини баланд кўтариб, нари томон узоқлашди.

Бу янгилик Мухторхонни эсанкиратиб қўйди. У ўрнидан турди, хонанинг у бурчагидан, бу бурчагига ҳаяжон билан бориб кела бошлади.

Мухторхон Мансурни ажойиб актёр бўлгани учунгина севмасди. У Мансур киёфасида ўз келажagini, ўзининг йигирманчи йиллардаёқ Станиславскийдан ўрганган системасини нозик ҳис қилувчи шогирдини кўрарди. Ноёб истеъдоди, фикр доирасининг ниҳоятда кенглиги, адабиёт, мусиқа, тасвирий санъат, фалсафани чуқур билиши, ҳар нарсага қизиқувчанлиги Мансурни бошқа актёрлардан бир поғона юқори кўтариб турарди.

«Йўқ! йўқ! Мен Мансурни эҳтиёт қилишим лозим, акс ҳолда ундан ажралиб қоламан!» — деб кўнглидан ўтказиб қўйди-да, Мухторхон директор кабинетига йўл олди.

Ҳабиб ёлғиз эмасди. Бош администратор унинг олдида туриб

М. МИРЗАМУХАМЕДОВ ♦ СУНЕУЛ ♦ ҚИССА

қандайдир қоғозларни кўрсатарди. Ҳабиб қоғозларни четга суриб қўйди, хурсанд ҳолда қўлларини бир-бирига ишқалаб, Мухторхонга пешвоз чиқди.

— Бунақаси ҳеч бўлмаган! Спектакль бошланиши олдидан мен Хадрагача бориб келдим. Трамвай бекатидан то театр эшигигача одамлар навбат кутиб турибди. Ортиқча билет сўрашади. Ортиқчаси қаёқда? Ҳаммаси мавсум охиригача сотиб бўлинган!..

— Навбатдаги спектаклни кейинга кўчиригинг!

Ҳабибнинг юзидаги кулгуси аста сўнди, админстраторнинг пастки лаби осилиб қолди.

— Лекин... — директор эътироз билдиришга уринди.

— Ҳеч қанақа лекин-пекини йўқ! — деди Мухторхон, қатъий қилиб. — Мансур чарчаган.

— Ахир у отдай, соппа-соғ! Унинг олдида мен...

— Азизим, Ҳабиб, сиз қачон бўлмасин Гамлетни ўйнаганмисиз? — Мухторхон унга кўзларини тикандай қадаб, узоқ тикилди.

— Мен сизни хафа қилмоқчи эмасдим... план нима бўлади билмайман. Томошабинлар ҳам жанжал кўтариши мумкин...

«Бой»ни эълон қилинг. Ҳозир Бурхон яхши формада, — пастрок тушди Мухторхон.

— «Бой»ни! Эй, раҳмат-эй! — Ҳабибнинг юзи яна ёришди.

Театр мавсумни июннинг бошларида «Гамлет» билан якунлади. Спектакль бемисл муваффақият қозонди. Матбуотда босилган мақола ва тақризлар «Актёр маҳоратининг чўққиси», «Театр ривожига қўшилган муҳим ҳисса», «Ҳар бир артист — буюк ижодкор» сингари сарлавҳалар билан товланарди. Радиодан ҳар куни спектакль қатнашчиларидан бирининг суҳбати ёки таниқли санъатшунос танқидчиларнинг чиқишлари олиб эшиттирилар, уларнинг ҳар бири албатта, шундай деб таъкидларди: — «Гамлет гениал Шекспир ижодининг энг юқори чўққиларидан биридир. Бу — буюк драматургнинг энг чуқур мазмунли асаридир. Мазкур трагедиянинг кучи унинг китобхонлар орасида қенг тарқалганлиги билангина эмас, балки хусусан «Гамлет» пьесасининг жаҳон театрлари репертуарида биринчи ўринни эгаллаганлиги билан ҳам тасдиқланади ва ўз кучини у уч ярим асрдан бери сақлаб келмоқда. «Гамлет» трагедияси ҳар сафар сахнага олиб чиқилди дегунча омма уни яна кўришга ошиқади. Ҳар бир актёр шу трагедиядаги роллардан бирини ижро этишни ўзининг энг-эзгу орзуси ҳисоблайди ва ҳамма вақт шунга интилади. «Гамлет» Шекспир асарлари орасида энг проблемали асардир. Бу проблемалилик аввало тўла фалсафий моҳиятга эга бўлган трагедиянинг мураккаб ва чуқур мазмуни билан изоҳланади. Ҳақиқатдан ҳам, Шекспир «Гамлет»га шундай улқақ ижтимоий-фалсафий мазмунни сингдирганки, танқидчилар замонлар ўтиши билан ҳар гал маъно хазинасининг янги-янги қатламларини кашф этмоқдалар...»

Мухторхон буларнинг ҳаммасини радиодан эшитди, буни қаердадир ўқигандай бўлиб, уни аниқлашга киришди.

Уйда, ўз хонасида газета редакциялари томонидан унинг «буюк» постановкасида «эсдалик учун» юборилган газеталарни полга ёзди, улар устида эмаклаб юриб, мақолаларни бир-бирига солиштирди.

Шу ҳолат устига шоир Ғафур Ғулом кириб келди.

Мухторхон ўрнидан турди, топишмоққа жавоб топган ёш боладай севиhib, айёрона кулиб, полга ишора қилди:

— Ким кимдан кўчиргани Мадрид саройининг сири!

— Мен ҳозиргина у ердан келаяпман, — деди Ғафур, — иккита редакция ўз муаллифларини ҳимоя қилиб, роса жиқиллашишди! Аслида эса, у бир одамнинг ўзи бўлиб чиқди: бир ерда у ўз фамилияси билан имзо чеккан, бошқасида эса таҳаллусини қўйган!

Мухторхон гарчи ўрта бўйли бўлса ҳам, баланд бўйли, зуваласи пишиқ Ғафурнинг олдида кичкина ва ориқдай кўринарди, лекин унинг катта бошини жингалак қалин сочлари безаб турарди.

— Азизим Шер, қандай мўъжиза яратиб қўйганлигингизни лоақал ўзингиз тушунапсизми? — деди жўшиб Ғафур, ҳаяжон билан. Мухторхоннинг хурпайган сочларига қиёс қилиб шоир уни Шер деб атаган эди.

— Тушунаман, тушунаман, дўстим, — деди Мухторхон хотир-жамлик билан, полдаги газеталарни йиғиштириб, уларни иш столи устига тахлаб қўяркан.

— Мана мен бўлсам, тушунмаяпман! — ҳамон ҳаяжонда давом этди Ғафур. — Сизга қараб туриб ўйлайман: бу одамнинг боши битта бўлса! Минглаб одамларни тўлқинлантириб, ўйлашга, ҳаяжонланишга, азоб чекишга, қувонч ва роҳат ҳисларини туйишга мажбур этган спектакль учун шу битта бош қандай ғайритабиий қудратга эга бўлиши керак. Сиз ё сеҳргар, ёки даҳосиз!

— Сизнинг таржимангиз аъло даражада қилинган! — деди Мухторхон, шоирнинг охирги сўзларини гўё эшитмагандай. — Менга китобингизни совға қилсангиз, беҳад хурсанд бўлув эдим, у бу жавонлардан муносиб ўрин олади, — деди у, девор бўйлаб ишланган, ойна солинган китоб жавонларини кўрсатиб.

Мухторхон Ғафурга ўтиришни таклиф этиб, креслога ишора қилди, ўзи қаршисидаги креслога чўкди.

— Мен энди классик драматургияни қайтадан кўриб чиқяпман, — деб давом этди Мухторхон. — Менга таржимангиз жуда ёқди. «Гамлет»нинг асл нусхасини яна бир бор таржимангиз билан солиштириб кўрдим. Тилингиз бой, ширали, майин, энг муҳими шуки, сиз трагедиянинг барча маъно қирраларини очиб бера олгансиз. Мен истеъдодингизга қойил қолдим! Агар булардан бирор янги нарса топсам, бундан буён ҳам мен билан ҳамкорлик қилишга розимисиз? — Мухторхон боши билан имо қилиб, стол устида ётган бир тўп китобни кўрсатди.

Бу таклифдан хурсанд Ғафур, лоладек қизариб, кўзларини ерга қадади. У бу одам ҳаммага ҳам бундай юқори баҳо беравермаслигини биларди.

— Мен ўзимни бахтли ҳисоблардим, — деб қўйди Ғафур секингина, унга тик қоқиб, индамай жавоб кутаётган Мухторхонга қараб.

— Биласизми, агар замондош драматургларимиздан баъзи бирлари ўз пьесаларини сиз ажойиб шеърларингизни ёзганингиздай ёзганларида эди, биз, артистлар асарга муҳтожликни сезмасдик... Биздан, нега бугунги ҳаёт ҳақида муносиб асарлар йўқ? — деб сўрашади. Улар ҳақ. Революция фақат ижтимоий жабҳада рўй бергани йўқ, у инсон тафаккурида ҳам улкан бўрилиш ясади. Биз — феодализмдан капитализмни четлаб, тўппа-тўғри социализмга қадам қўйдик. Аввал эзилиб келган меҳнат кишиси ўз тақдири, ўз келажаги, ўз мамлакатининг ҳақиқий хўжайинига айланди. Ўйлаб кўринг-а! Яқин кунгача олди-сотди учун тирик мол ҳисобланиб келган безабон қул, шарқ хотин-қизларининг асоратдан озод қилиниши каби буюк воқеани олинг.

Комил ажойиб «Нурхон»ни яратди, лекин уни музыкали театрға берди, Тўхтасин яхши музыка ёзиб берди. Кўрдингизми? Агар уни кўрмаган бўлсангиз, албатта, бориб кўринг, аъло спектакль! Мен Комилдан пьесани бизнинг театрға мослаб ишлаб беришни илтимос қилдим. Ваъда берди. Аммо «Бой»ни қайта таҳрир қилиш билан банд бўлганлиги учун бу ишни кейинроққа қолдирди, шекилли.

— Мухторхон, ахир театрингизда дўстларимнинг асарлари қўйляпти-ку! — деб Ғафур кўзларини айёронга қисди. — Аммо негадир, кўпдан бери сезишимча, уларни сиз эмас, ёш режиссёрларингиз саҳналаштирмақда.

— Кўнглимга уннамаяпти. Умри калта асарлар... — Мухторхоннинг туси ўзгарди. — Бир қарашда муҳим масалани кўтариб чиқишгандай туюлади-ю, аслида эса — пашшадан фил ясаган бўлишади! Тили-чи, тилини қўяберасиз. Гапиришга ҳам арзимади! Насрда эса

яхши асарлар кўп! Ақалли «Қутлуғ қон» ёки «Шум бола»ни олиб кўринг... Ҳа, дарвоқе, нега сиз драматургияда кучингизни синаб кўрмайсиз?!

— Афтидан мен ҳали театр учун пишиб етилмаганман, шекилли. Бунинг устига, биласизми, бу саҳнанинг ўз қонун-қоидалари бор... — Фафур суҳбатни давом эттиришдан ўзини олиб қочди.

22 июнда уруш бошланди.

Урушнинг эртасига Мухторхоннинг якка-ю-ёлғиз ўғли университетнинг иккинчи курсидан кўнгиллилар қаторида фронтга жўнаб кетди. Волга бўйидаги кичкина шаҳарчада у артиллерия билим юртида ўқиб турган ярим йил ичида, уч маротаба уйига хат ёзди. Охирги, тўртинчи мактубини Сталинград жанги бошлаганда юборди.

1942 йилнинг кеч кузи кунларидан бирида, эрта билан, тонг қоронғусида Мухторхон эшикнинг қаттиқ тақиллашидан уйғониб кетди — кечаси электр токи узиб қўйилганлиги сабабли, қўнғироқ ишламасди. У керосин лампани ёқди, елкасига тўнини ташлади, шиппагини шапиллатиб, эшик томон юрди.

— Ҳозир, Нигора, ҳозир очаман, — деди Мухторхон хирилдоқ товуш билан, хотини тунги навбатчиликдан қайтди, деб ўйлаб.

Лекин у эшикни очганида, остонада солдатчасига кийиниб олган, аммо қуролсиз Ҳусайн турарди.

— Кечадан бошлаб қисмдаман. Бугун фронтга жўнаймиз, — деди Ҳусайн, уйга кириб. — Хайрлашгани келдим, сендан охирги марта олган китобларни ҳам ташлаб кетай дедим.

Ҳусайн қалпоғини, шинелини ечди, гимнастёркасини этагидан пастга тортиб қўйиб, мезбон билан унинг кабинетига кирди.

Мухторхон тўшагининг устига кўрпа ёпди, тўнига ўраниб олиб ўтирди. Энди, хотини госпиталга, тунги навбатчиликка кетган кунлари у кабинетдаги диванда ётарди.

Ҳусайн хонани кўзи билан чалиб чиқди-да, стулни суриб; Мухторхоннинг рўпарасига ўтирди.

— Нигора навбатчиликда, ҳаяллаб қолди. Эҳтимол, ярадорларни олиб келишгандир, — деди Мухторхон йўталиб. — Сеникка бораман дейман-у, аммо бу лаънати томоқ оғриғи жонимни кўзимга кўрсатди. Буни қараки, ўзинг кириб келдинг.

— Безовта қилгим келмади, шунинг учун қўнғироқ қилмадим, — деди Ҳусайн гуноҳқорона. — Ўғлингдан дарак борми?

Мухторхон «йўқ» дегандай сочлари тўзиб кетган бошини чайқади.

— Ким энди боғбон бўлади?

— Ректор боғни сақлаб қолишга ваъда берди.

— Сен бекордан-бекорга бошингни ўққа тутиб юрмагин... Сен тирик қайтишинг зарур, мажбурсан! Тушундингми?

Ҳусайн табиатан камгап эди, бироқ ўз укасидек яхши кўрган бу одамга ҳозир жуда кўп илиқ гаплар айтгиси келди, аммо гаплари томоғига текилди, у бесўнақай қўлларини қаерга яширишини билмай, бармоқларини беихтиёр қирсиллатиб, ҳамон жим турарди.

— Нима қилиб анграйиб ўтирибман! — деди Мухторхон тўсатдан, у кийимларини йиғиштирди-ю, ёш болалардай чакқонлик билан нариги хонага кириб кетди.

Бир оздан сўнг, Мухторхон одатдагидай дид билан кийинган, сочларини тартибга келтирган ҳолда қўлида майда-чуйда солинган патнис кўтариб чиқди. У китобларни ёзув столининг четига суриб, патнисни қўйди.

— Ҳозир иккаламиз нонушта қиламиз, кейин мен сени кузатиб қўяман! Индамай овқатланишди. Ҳусайн ўз кўнглида Мухторхонга сездирмаган бўлиб шимининг чўнтагидан узун занжирга осилган соатини чиқарди.

— Қанча қолибди? — деб сўради Мухторхон.

— Яна бир соат бор, — хайрон бўлиб жавоб берди Ҳусайн.

— Жуда соз! Кийин, трамвайга ўтирамиз-да, ярим соатдан кейин қарабсанки, вокзалдамиз-да. Ҳа, айтмоқчи, мана бу китобчани ол, Навоий газаллари, жуда ихчам, чўнтакка солиб юрсанг бўлади. Улгурмаганингни эса, — дея Мухторхон китоб тўла жавонларни кўрсатди, — урушдан кейин ўқийсан.

Трамвай издан чиқиб кетиб, сал бўлмаса улар кечикиб қолай дейишди.

Вокзал перрони бўм-бўш эди. Бошида паровоз пишиллаб турган эшелон вагонлари олдида командирлар кичик-кичик тўп бўлиб туришарди.

Буларнинг олдига лейтенант чопиб келиб, Ҳусайинни койий бошлади, аммо у энгашиб ўз командирига нимадир деди. Лейтенант қаддини роздай ростлаб қўлини чаккасига теккизди-да, пошналарини бир-бирига уриб, ўзини таништирди:

— Иванов!.. Мени кечирасиз, ўнбеш минутдан кейин эшелон жўнайди, у бўлса ҳамон йўқ. Қаттиқ хавотирландим... Унингчи вагон, — деди у Ҳусайинга ўгирилиб.

Чиройли, оқ-сарикдан келган лейтенантнинг юзларида болаларча беғубор ифода акс этиб турар, кўзлари эса, гўё уларда осмон акс этиб тургандай кўм-кўк эди. У Ҳусайин сингари баланд бўйли эди. Уларнинг олдида Мухторхон пакана одамдай бўлиб қолди. Унинг устига гражданча уст-бош, бу кийимда Мухторхон ўзини худди ишга ёмон кийиниб келган одамдай, жуда ноқулай ҳис қиларди.

Мухторхон Ҳусайинни кучоқлаб ўпди, ёш лейтенантнинг қўлини қаттиқ қисди, уни ҳам кучоқлаб ўпар экан, ўпкаси тўлиб деди:

— Илтимос, ой бориб, омон қайтинглар. Сизни оналарингиз, хотин, бола-чақаларингиз кутишади...

Уруш тугади. Орзиқиб қутилган ғалаба куни келди. Инсониятга янги тартиб, янги маданият олиб келаётганлари ҳақида қутурган фюрерлари тили билан оламга жар солган маданий ваҳшийларнинг галалари тор-мор келтирилиб, яқсон қилинди!

Мухторхоннинг ўғли Сталинград остонасида ҳалок бўлди, қардошлик қабрига дафн этилди. Бетховен ва Шиллер, Гейне ва Гётелар Германияси учун жангда Ҳусайиннинг ёш рус командири қурбон бўлди.

Мухторхон ориқлаб сочлари бутунлай оқариб кетди, аммо бароқ қошлари негадир ҳамон қоп-қора эди. У аввалгидек серғайрат, чаққон, қора костюмида башанг кўринарди. Унинг кенг, беғубор пешонасини ўғлидан қора хат олган куннинг эртасига пайдо бўлган иккита чуқур ажин кесиб ўтган эди.

Мамлакатимиз ўзининг алп қоматини тиклаб жароҳатларини даволай бошлади: шаҳар, қишлоқлар тикланди, янгилари қурилди, далаларда яна тракторлар гуриллай бошлади, тинчликнинг биринчи йили ҳосили учун ерлар шудгор қилинди, машиналар етишмаган жойларда эса от ва ҳўкизларни сўқа, омочга қўшиб, ер ҳайдадилар.

Заводлар танк ва замбараклар, бомба ва снарядлар ўрнига тракторлар, автомобиллар, комбайнлар, болалар каравотлари, идиш-товоқлар ишлаб чиқара бошлади.

Мамлакатимиз агроном, инженерларга жуда муҳтож эди, унга шифокорлар, санъаткорлар, педагоглар, олимлар зарур эди. Кечаги жангчиларнинг аксарияти, фақат погонларини олиб ташлаб, шинел ва солдат этиқларида институт аудиторияларини тўлдирдилар. Улар илмга бўлган ташналиклари билан ўз муаллимларини ҳайратда қолдирардилар; қандайдир афсонавий эҳтирос билан туну кун китоб ва конспектлардан бош кўтармасдилар, лабораторияларда кунт билан ишлардилар. Уларнинг бутун ҳаракатларида билимдон мутахассис бўлишга, қуриш, яратиш, бунёд этиш, юксалтиришга бўлган жидди жаҳд аён кўриниб турарди.

Театрлар, концерт заллари одамларга тўла эди. Барча томоша-

ларга ўн-ўн беш кун аввал билетлар сотиб тугатиларди. Ҳамма ерда «Билетлар сотиб бўлинди» деган эълонлар. Томоша муассасаларининг директорлари, бош администраторлари мамнун бўлиб кафтларини ишқалар эдилар:

— Ҳеч қандай тарғибот-ташвиқотсиз бир ой аввал барча билетлар сотилиб бўлди! — дер эдилар оғизларининг таноби қочиб.

Мухторхон тинмай ишларди. У деярли барча спектаклларнинг постановкасини янгилади. Уйда пьеса излаб, ўз кутубхонасини бошдан-оёқ титиб чиқди, Москва, Ленинградда чиқаётган адабий журналларни варақлаб тунлари мижжа қоқмай, тонг оттирди. Пьесалар бор эди, аммо улар Мухторхонни қизиқтирмасди, маъноси жуда саёз ва фикри қашшоқ, кўтариб чиқилган масала жўн эди. Аммо бир кун унинг омади келди.

Оқшом пайтида у радиони бұради. Москвадан «Рус масаласи» олиб эшиттириляётган эди. Радиопостановка унинг диққатини ўзига жалб қилди. Эртасига у авторга мактуб юборди, бир ҳафтадан кейин ундан пьесанинг машинкада босилган нусхасини олди ва дарҳол таржимонга топширди.

Уни доим: «Энди нима қилиш керак?» — деган савол қийнар эди. Томошабин етук санъат асарларига муҳтож, асарларни зўр иштиёқ билан қайта-қайта кўриб бўлган, хуллас, театрнинг репертуари жуда камбағал эди. Классик асарларни сахналаштирай деса, ёш артист ва артисткалар йўқ, урушга улар институтдан кетганлар, кўплари қайтмаган. Бугунги кун ҳақида драматурглар деярли ҳеч нарса ёзмасдилар, ёзганларида эса, ўша-ўша сийқаси чиққан учбурчак — ошиқ, маъшуқа ва улар ўртасидаги ичи қора рақиб ёки рақибанинг жанжали кўрсатиларди.

Собир Абдулла халқ афсонаси асосида «Тоҳир-Зухра» либреттосини яратди, Тўхтасин музика басталади, шундай қилиб, юксак муҳаббат ҳақидаги трагедия туғилди...

Эрта билан унга бастакор Толибжон қўнғироқ қилди.

— Устоз, бугун ўн иккида «Лайли ва Мажнун»нинг кўриги бўлади. Келишингизни, сўрайман, — деди у мулоим овози билан.

— Албатта, бораман, — деб жавоб қилди Мухторхон, телефон трубкасини жойига қўйиб, хотинига уни ўзи билан бирга олиб боришини айтди.

Нигора госпиталь ёпилгач, ўзини бутунлай уй ишларига бағишлаган эди. У эрини: «Ўзлари ўқиб кўриб, агар ёқса, албатта, сахналаштирсинлар», деб пьеса кўтариб келувчи хира муаллифлардан қўриқлар; унинг секретаридай бўлиб қолган эди — сон-саноксиз қўнғироқларга жавоб берар, ҳар хил асарларни кўздан кечирар, Мухторхонга керак бўлган жумлаларни хошияда белгилаб қўярди; эрининг топшириғига мувофиқ марказдан чекка шаҳарлардаги театрларнинг кўп сонли мухбирларига жавоб берарди.

Опера театрига соат роппа-роса ўн иккида етиб келишди. Залда чироқ ўчган эди. Мухторхон Нигоранинг нозик қўлидан ушлаб, секингина деди:

— Шу ерда ўтира қоламиз.

— Йўқ, йўқ! Сиз учун режиссёрнинг ёнидан жой олиб қўйганмиз, — деди уларнинг олдида тўсатдан пайдо бўлган драматург Комил. — Юринглар. Мен ҳам сиз билан бирга ўтираман.

Увертюра оҳанглари янграб, парда очилганда, бутун партер одам билан деярли бандлиги аён бўлди.

Мухторхон ён-верига қаради — ҳаммаси таниш одамлар — ёзувчилар, бастакорлар, рассомлар, артистлар, режиссёрлар журналистлар — бутун санъат аҳли йиғилган эди.

Спектакль қизиқарли ўтди. Мухторхон биринчи кўринишдан то охиргисигача сахнадан кўзини узмади. Ролларнинг ижроси ҳам, режиссёрлик талқини ҳам унга маъқул бўлди. У ўзини худди катта тантанада, ёрқин, ҳаяжонли, таъсирчан байрамда қатнашгандек ҳис

қилди. Куй тугаб, парда ёпилди, чироқ ёқилди. Мухторхон беихтиёр ўрнидан турди-да, биринчи бўлиб қаттиқ қарсақ чалиб юборди.

— Кўпдан бери бундай маза қилмаган эдим, — деди у Нигоранинг кўлидан олиб. — Ғоят ажойиб!

— Нима, муҳокамага қолмайсанми? — деб сўради ундан Комил.

Спектаклни саҳналаштирган тарашадай озгин режиссёр саросимада унга қатта, қора кўзларини тикиб ғилтиллаб турарди.

— Мен ўз фикримни айтиб бўлдим! — деди дўстона жилмайиб Мухторхон.

— Аммо ҳужжатга сенинг қарсақларингни ёзиб бўлмайди-ку! — дея хитоб қилди Комил.

— Ғоят гўзал, деб ёзиб қўя қол.

Режиссёр гўё: «Дирижёр билан бастакорга нима дейман?» дегандек оркестр жойлашган чуқур томон маънос ўтирилди.

— Илтимос, Толибжонга узримни айтиб қўйинг. Ишга шошиляпман. Ун етти-ю ноль-нолга репетиция тайинланган, — дея жавоб берди Мухторхон унинг сассиз саволига мулоим, гуноҳкорона овоз билан ва қўлини дўстона қисиб қўйди.

Мухторхон Нигора иккови театрдан чиқишди, Комил билан опера театрининг ёш директори, қомати келишган, бўйи ўртадан сал баландроқ, бугдойранг, чиройли қора кўзлари маъноли боқувчи Мамажон уларга эргашишди.

Мухторхон Мамажонга алоҳида ҳурмат билан қарарди. Биринчи учрашувдаёқ уни жуда ёқтириб қолган, унга бўлган чуқур ҳурматини ҳеч кимдан яширмасди. Танимаган одами билан бундай тез дўстлашиб кетиш ҳоллари унинг ҳаётида камдан-кам рўй берарди.

Мамажон ёш бўлса ҳам, оғир, фикр-мулоҳазаси ўткир, санъатни жуда яхши тушунар эди. Мухторхон унинг учта мақоласини: иккитасини нуфузли газетада, биттасини қалин адабий журналда ўқиган. Улар фикрининг бойлиги, тилининг ифодалилиги, актёрлар ижросига берилган аниқ баҳо билан ажралиб турарди.

— Комил, сизнинг қобилиятли одамларни топа билишингиз мени доим қойил қолдиради, — деган эди Мухторхон, Комилнинг уйида Мамажон билан танишганида.

— Худди шу сўзларни мен сиз ҳақингизда ҳам айтмоқчи эдим, — дея кулди Комил.

Драматургия, театр, актёрлар ҳақида эркин, мароқли суҳбат бошланди.

Бу суҳбатда Мамажон таниқли, номдор санъаткорлар олдида ўзини йўқотиб қўймади. У хотиржам ўтирар ва бугунги кунда уни санъатда нима қизиқтираётгани ҳақида шундай хотиржамлик билан гапирар эди.

Мамажон Комилнинг уйида қолди.

— Бизга ишга ўта қодинг! — дея кутилмаганда таклиф қилди Мухторхон хайрлашаётиб.

— Йўқ, йўқ! — дарров эътироз қилди Комил. — Мамажон ҳозир опера драматургияси билан банд. У янги санъатга жуда-жуда зарур. Сизнинг маккорона ниятингизни сал олдинроқ пайқаганимда, у билан таништирмай қўя қолардим.

Мухторхон бундай истеъдодли одамлар билан учрашганидан анча вақтгача ўзида йўқ хурсанд бўлиб юрди, унинг юраги гўё янги қувват манбаидан кучга тўлгандай эди, бу куч унинг фикрларини кўзготиб, қизиқарли ният ва режалар туғдирди. У ўз ҳаётида ҳеч кимга, ҳеч қачон ҳасад қилмаган. Бирор янги истеъдодни кашф этганидан астойдил севиарди, ўзининг бутун обрў-эътибори, таъсир доираси билан актёрга унинг ижод қилишидан, Инсоннинг маънавий дунёсини бойитишдан чарчаб-ҳоримаслиги учун ҳаётда ўз ўрнини мустаҳкам эгаллаб олишида ёрдам беришга интилар эди...

Майдонни кесиб ўтиб, улар қуёшнинг олов селидан қайрағоч соясига яширинишди.

М. МИРЗАМУХАМЕДОВ ◆ СУНБУЛ ◆ ҚИССА

— Иззатни ўқидингизми? — деб сўраб қолди Комил кўзларини айёрона қисиб, Мухторхондан.

— Ажойиб асар бўлибди! Аммо, уни бир ўзи ёзмаган экан, — деди Мухторхон, — бунга мен билмасдим.

Комил кулди.

— Уларнинг икки кишилиги сизга ёқмадими? Иккитасини эплаш қийин демоқчимисиз?

— Йўқ, нега энди, гапга кўнадиғанлардан. Ҳамма таклифларимни қабул қилишди. Шуниси қизиқки, баҳслашишмади, эътироз ҳам билдиришмади. Биринчи репетиция бугун бўлади.

— Қанақасига!?

— Шунақасига! — энди, ўз навбатида Мухторхон тантана қиларди. — Учрашувга тайёргарликни ким олиб боргани менга номаълум деб ўйлайсизми? Мен бу ҳолни ҳисобга олиб, пьесани дарҳол ишга тушириб юбордим.

— Мен сизни азбаройи ҳурмат қилганимдан, уларнинг тафтини бир оз босиб қўйдим, — деди Комил ўсал бўлиб. — Сизнинг қисқа, лекин лўнда маслаҳатларингизга диққат қилиброқ қарашсин, — дедим.

— Алишер Навоий роли Мансурга топширилган, — деди Мухторхон. — Кўриб турибсизки, сизнинг бу яширин фикрингизни ҳам ўқиб олдик.

Ҳаммалари кулиб юборишди ва бекат томон юришди, чунки кўнғироғини жиринглатиб трамвай яқинламоқда эди.

Бирдан Мамажон Мухторхон томон энгашиб, секингина:

— Устоз, мен институтдан кетишингиз боисини тушундим, — деди.

— Фақат илтимос, ўз тахминларингизни овоза қилиб юрманг! — деди Мухторхон, унинг қулоғига пичирлаб, Нигоранинг трамвайга чиқишида ёрдамлашаётган Комил томон боши билан имо қилиб.

Учинчи бекатда Мухторхон Нигора билан вагондан тушиб қолишди. Тўрт қаватли бинонинг йўлагига кириб, кенг зинадан иккинчи қаватга кўтарилдилар. Уларнинг эшигига суянганча шундоққина ерда Ҳусайн мудраб ўтирарди. Унинг ёнида солдатларнинг қопчиғи ётарди. Қадам товушини эшитиб, Ҳусайн ирғиб турди. У ўша-ўша девқомат, кенг елкали эди. Гимнастеркасида учта жанговар нишон ялтираб турарди.

— Тирик!.. Тирик қайтибсан! Сени қанчалик зориқиб қутдим, — деди Мухторхон, овози тўлқинланиб, кейин Ҳусайн томон отилди.

Ҳусайн уни қучоқлаб, худди ёш боладек кўтариб кўксига босди.

III

— Чойингни ичмабсан? — тўсатдан Ҳусайннинг овози яқиндан эшитилди.

Мухтор чўчиб тушди. У яна кўзгудаги бутун «мизансцена»ни аниқ кўрди. Фақат Ҳусайн негадир унинг ёнида, қўлида пушти ранг гулбарглар сурати чизилган чинни қойнак ушлаб турарди.

— Сенга чой ёқмадими? Асл ҳинд чойидан дамловдим... Афсус, совиб қолибди... Ёмғир қуйиб ётибди, чордоққа чиқиб келдим. Томнинг бир-икки ери тешилибди, кундузи шифер қўйган эдик, менга негадир яна чакка ўтаётгандай туюлди.

Мухторхон Ҳусайннинг чордоққа қачон чиқиб, қачон тушганини ҳам билмади, ундан олдин нима деганини ҳам эшитмади. Аммо кўли иссиқ чойнакка бехос тегиб кетгани эсида.

У соатига қаради. Роппа роса ўн икки. Ҳусайн томга чиқиб кетганига бор-йўғи ярим соат бўлибди, бу вақт ичида эса, унинг кўз ўнгидан бутун ҳаёти бирма-бир ўтди!

— Мен кетақолай энди... Балким Нигора хавотир олаётгандир, — деди у плашини кияркан.

— Шошмай тур. Иккита бола залда машқ қилишяпти, сен томонингда туришади, йўл-йўлакай ташлаб ўтишади. Ҳозир уларни чақираман, — деди-да, нағалли этигини тақиллатиб, Ҳусайн коридор бўйлаб кетди, унинг полига ҳам вестибюлдагидек оппоқ мрамор ётқизилган эди. Мухторхон қиличбозларнинг машқларини кўришга қизиқиб, Ҳусайннинг ортидан эргашди.

Уқув театрининг эшиги ланг очик, у ердан темирнинг жаранг-журунг овози эшитилар эди.

Зал нимқоронғи, сахнани шифтидаги чироқлар ёритиб турар, спортчиларнинг тўқима кийимидаги иккита ёш йигит жон-жаҳдлари билан қиличбозлик қилардилар. Чап томондагиси новча, келишган, қорасочлари елкасига тушган, юзи чиройли; ўнг томондагиси, у ҳам баланд бўйли, аммо қорин қўйганроқ, боши тепакал эди.

Ҳусайн уларни чақирмоқчи бўлиб, кафтини карнай қилиб оғзига олиб борган эди ҳамки, Мухторхон унинг тирсагидан тортиб, секингина деди:

— Шошма. Бир оз кўрайлик, жуда қизиқ экан!

Йигитлар терлаб-пишиб машқни давом эттирардилар.

Узун сочлигиси ҳамласи муваффақиятли чиққанда, севиниб кетар, кўзлари чақнаб, ҳайқириб юборар эди; ниҳоят рақибини у бутунлай ҳолдан тойдириб, бурчакка қисиб қўйди, тепакал илтижо қилгандай:

— Бобораҳим, танаффус! Мен қора терга тушиб кетдим, — деди.

Улар пўтали сочиқларини олиб артинишар экан, қаттиқ харсиллар эдилар.

— Балки бугунга етар, а? — деди тепакали.

Узун сочлиси рози бўлиб, бошини лиқиллатди.

Шу ерда сахнанинг ўзида улар кийина бошладилар.

— Булар ким? — деб сўради Мухторхон, пичирлаб.

— Бобораҳим институтни ўтган йили тамомлаган, ана униси эса, Мирзаполвон, тренер бўлиб ишлайди... Умуман, студентларни муштлашишга ўргатади, — деди Ҳусайн.

— Утган йили диплом спектаклида мен уни кўрмагандим. Эсимда «Айбсиз айбдорлар»ни қўйишган эди...

— Ҳа, ҳа, тўғри. Ушанда сен ўз театрингга битта ҳам актёр олмагандинг!.. Бобораҳим эса, бош қаҳрамон бўлган. Кимни ўйнаганини биласанми: Григорий Незнамовни! Бироқ спектакль олдидан бетоб бўлиб қолган, шундай деб эълон қилишган, кейин бошқаси ўйнаган... Область театрига юборишувди, бормади. Унинг қарамоғида иккита бола бор — укаси ва синглиси. Онаси қазо қилган, отаси урушда ҳалок бўлган... Тошкентдаги ҳеч қайси театр олмаган. Қандайдир клубда ҳаваскорлик қилади. Яшаш керак-ку, ахир, яна болаларни оёққа турғизиш лозим... Сизларнинг ишларингизга кўп ҳам тушунавермайман. Бироқ яхши эслайман — репетиция бўлаётганида, бутун институт, ҳатто фаррош, хотинлар ҳам шу ерда, залда тўпланишар, Бобораҳимнинг ўйинини томоша қилишарди.

Ҳошим деган профессор, ўз қулоғим билан эшитганман, уни ғўра деб ҳақорат қилган. Курсдошлари эса, уни жуда ҳурматлашарди. Мана, ўзинг ўйлаб кўр — ким ҳақу, ким ноҳақ. Кунлардан бир кун, шу тренер билан кечалари машқ қилишга рухсат беришимни сўраб келибди. Менга нима, ана зал, ейилиб қолармиди! Бу боланинг кимлигини биламан-ку.

Семиз, юзи ялтиллаган, бақаникидек юм-юмалоқ кўзларининг рангини англаб бўлмайдиган профессор Ҳошимни Мухторхон ёқтирмасди. Илгар актёр бўлган бу одам сахнада ўзини кўрсата олмаган, асосан чакана ролларда ўйнарди. Кейин педагог бўлиб ҳам бунини ўрнига қўя олмади. Шу сабабдан Мухторхон унга юксак унвон берилганлиги ҳақидаги хабарни газетада ўқиб, ҳангу манг бўлиб қолди. Ношуд одам юридик жиҳатдан тан олинган эди: ҳақиқатан ҳам бу телва-тескари дунёнинг ишларига тушуниб бўлмади.

Яна шу одам ўзгалар тақдирини ҳал этар эди, ўртамиёналикни

кўкларга кўтарар — чунки унинг ўзи бундан баландликка қурби етмасди, истейдодга зомин бўларди, чунки уларни тушунмас, уларга етолмасди. Шунинг учун улар бунга хавфли туюларди. Уларнинг олдида Ҳошим арзимас бир нарса кўринарди.

Бобораҳим кийиниб бўлди.

— Бирор нарса ўқиб берсангчи! — деб тортиниbroқ сўради ундан тренер, кейин залга тушиб, биринчи қаторнинг ўртасидаги жойга ўтириб олди.

Бобораҳим рояль устидаги шойига ўхшаш кўк сатиндан тикилган ёпиқни сидириб олди-да, елкасига беписанд ташлаган эди, плаш бўлди. У худди хассага суянгандай қиличига иккала қўли билан таянди, ўйчан нигоҳини ғира-шира залга қаратиб, аста бошлади.

Тирик қолмоқ ё ўлмоқ? Шудир масала!
Қайси бири булардан бизга муносиб?
Шу дилозор фалакнинг таҳқирларига
Шикоятсиз — шиквасиз чидаб турмоқми?
Йўқса, унга рад-бадал бериб қўзгалмоқ,
Қурол олиб ё енгмоқ ё маҳв бўлмоқми?
Ўлиш... Унутилиш. Масала тамом.
Танимизга ўралган минг-минг ташвишнинг
Занжири илол-абад узади ўлим.
Зотан дилнинг азамат армони шуки!
Ўлмоқ — ғафлат тушида ухламоқ демак.

Мухторхон охирги қаторлардан бирида ўтирган бўлишига қарамай, йигитнинг рангсиз чироқ нурида пича сарғайган юзини аниқ кўрарди; унинг юзи чўзинчоқ, бурни ингичка, лаблари бежирим, айниқса иккита йирик бодомдай катта кўзлари кўҳлик эди. — Овози ёқимли, ажойиб дикцияси бор экан, — деб кўнглидан ўтказиб қўйди. — Юзи ҳаракатчан... Шундан бир нарса чиқади!

Мухторхон ўрнидан турди, Ҳусайнни эргаштириб сахна томон интилди.

Бобораҳим ўз сарпосини ечиб, роялнинг устига ёпиб қўйди. Орқасига ўгирилиб, биринчи қаторда ўзининг тренери билан қизгин гаплашган паст бўйли Мухторхонга кўзи тушди.

У зинадан пастга югуриб тушиб, уларнинг олдига келди-да, қимтинибгина салом берди.

Мухторхон унинг қўлини қисди.

— Аравачали мотоциклда кетамиз. Ўлжага олинган машина! Битта ҳарбийдан сотиб олганман, — деди тренер, машҳур режиссёр билан танишганидан боши осмонга етиб. — Сиз эшикка бораверинг мен ҳовлидан чиқаман.

Ўз уйи олдида Мухторхон аравачадан тушди ва Бобораҳимга қараб деди:

— Эслаб қолдингизми? Иккинчи қават, ўн бешинчи квартира. Соат ўн бирда кутаман!

Мухторхон ҳар қачонгидан эрта уйғонди, ҳали қоронғи эди. У ҳафсала билан соқолини узоқ қирди. Кейин ўзининг яхши кўрган атиридан сепиб, кабинетдаги стол устини китоб ва қоғозлардан тозалади. Қандайдир куйни хиргойи қилиб, ёқаси оҳорланган тоза оқ кўйлак кийди, ҳол-ҳол гулли қора галстугини бўйнига тақди, ўзининг қалин ўсиқ сочларини тараб, костюмини кийди. Тортмадан оқ батист дастрўмолчани олди, сал эзди, бир силкитиб, иккита бармоғи билан кўкрак чўнтагига тиқди. Кираверишдаги катта кўзгуга ўзини солди, у ёқ-бу ёғига айланиб ташқи кўринишидан кўнгли тўлди: костюми қомастига ёпишиб турарди.

Нигора уни диққат билан кузатар экан, нима бўлаётганига тушунмас эди. Деярли бир йилдан бери унинг эри одамови бўлиб қолган, ҳеч ким билан гаплашмас, ҳеч кимни қабул қилмасди. Индамас бўлиб қолганди... Мусибат бутун умидларини гўё шип-шийдон қилиб кетган эди.

Мусибат тўсатдан келди. Ўша оқшом Мухторхон уйда пьеса ўқиб

Ўтирган эди. Бирдан телефон жиринглади. Нигора ётоқхонадан шиппагини шапиллатиб чиқиб, трубкани олди. У аввалига ниманидир баланд овозда қайта-қайта сўради, кейин пичирлашга ўтди. Мухторхон қанчалик диққат билан қулоқ солмасин, бирорта сўзни ҳам англай олмади. Қулоқ солишни бас қилиб, пьесани ўқишга киришиб кетди.

— Бурхон қўнғироқ қияпти... қандайдир у ғалати, — кутилмаганда Нигоранинг овози эшитилди.

Мухторхон бошини кўтариб, эшик кесакисига суяниб турган хотинини кўрди; ранги докадек оқарган, кўзлари нурсиз.

Унга нима қилди? Наҳотки, бетоб бўлса?! — Мухторхон телефон томон юраркан, хавотирланиб кўнглидан ўтказди.

Мухторхон телефон трубкасига қараб, томоқ қирган эди ҳамки, у ёқдан Бурхон хўнграб юборди.

— Устоз!.. Мени эшитяпсизми, устоз! Ҳозиргина... Мансур ўлди!

Мухторхон ўзини йўқотиб, қўлида трубкани каттиқ қисган ҳолда, аппаратга бир неча дақиқа тикилиб қолди. Кейин Бурхоннинг йиғиси эшитилаётган телефон трубкасини бирдан столга улоқтирди, оёғига туфлисини кийди, эшикни қаттиқ тортиб, кўчага учиб чиқди.

Кеча ойдин эди. Чироқларнинг ёруғ нурига чўмилган кўчалар кимсасиз. У бутун йўл бўйи югуриб борди, нафасини ростлаш учун бир дақиқа ҳам тўхтамади, ваҳоланки юраги мана ҳозир кўксини ёриб чиқиб, ўзи тош йўлга йиқилиб тушгудек бўлиб қолган эди.

Бўлиши мумкин эмас! — деди фикран жонҳолатда Мухторхон. — Бурхон янглишган...

Театрга икки қадам қолганда момоқалдироқ гумбурлади, Мухторхон худди яралангандай тиз чўкиб, инграб юборди:

— Нега? Нима учун!..

Ёмғир қуяр, бир зумда унинг юзларигача ҳўл қилиб юборди.

Мухторхон ўрнидан турди, гандираклаб, театрнинг орқа эшиги томон юрди. Унинг кўриниши даҳшатли эди. Шунинг учун қоровул афти-ангориға лой сачраган, азоб-уқубатдан ўртаниб кетган, ҳаммаёғи шалаббо одамни бемаҳалда кўриб, қўрқиб кетди-да; ўтирган стулини кўтариб, эшик орқасига бекинди, уни ичкаридан тамбалаб қўйди.

Темир тамбанинг гижирлаши Мухторхонни ҳушига келтирди. У ён-верига қаради: қоронғилик пардасига бурканган театрнинг ҳайбатли биноси унга катта деразаларнинг қоп-қора кўзлари билан ёвқараш қилиб тургандай туюлди. Бу деразалар ичида энди Мансур йўқ ва бунинг учун Мухторхон гуноҳкор қилинаётгандай эди.

У орқасига бурилди, бўйинини қисиб, театрдан нари кетди.

— Ортиқ чидай олмайман... — дея пичирларди Мухторхон. — Бардош беролмайман, инсон юраги фарзандидан икки бор ажралишга қодир эмас. Нега тақдир яшаш лозим бўлган одамдан жудо қилади. Сўнбатни барҳаёт этувчи томирни худди атайин узиб ташламоқчи бўлгандек... Истеъдодни энди барқ уриб гуллаган пайтида сўндирса-я...

У юриб бораркан, юраётганини, қаёққа қараб кетаётганини билмасди. Қаердадир, Шайхонтоҳурда, унинг боши айланди. Бир неча дақиқа ўзини тубсиз жарга йиқилиб тушаётгандек ҳис қилди. Агар уни аллакимнинг бақувват қўллари ушлаб қолмаганида, ҳақиқатдан ҳам йиқилиб тушарди. Бу Ҳусайннинг қўллари эди.

У Мухторхонни ёш боладай бағрига босиб, меҳрибонлик билан пичирлади:

— Қадрдоним... Жигарим...

Ўз ўғлининг ўлиmidан кейин Мухторхон бундай оғир мусибатга дуч келмаган эди. Оғир дард уни ётқизиб қўйди. Мухторхон даҳшат, қайтариб бўлмас жудолик алами ва азоб-уқубати акс этган кўзларини катта-катта очиб, алаҳларди, ўзини ақлдан озаётгандай ҳис қиларди.

Дард узоқ вақт давом этди. Аммо Мухторхон уни енгиб чиқди. Бироқ дард бари бир унинг қалбида ўчмас из қолдирди. У авваллари ҳам камгап эди, энди бўлса умуман индамас бўлиб қолди. Унинг чехрасини очиб юборадиган айёрона табассуми ғойиб бўлди.

Мана бугун эса, Мухторхон уйга кўтаринки руҳ билан кулиб кириб келди.

— Нигорахоним, илтимос, кабинетдаги кичкина столчага дастурхон қилсангиз. Ўзингиз билгандай, чиройли қилиб! Уч кишилик бўлсин. Мен, сиз ва жуда ҳурматли бир меҳмон. Мен уни сиз билан жоним билан таништириб қўяман, — деди Мухторхон, хотинининг қўлини ўпиб. Кейин қўшимча қилди: — Мен сизни энг чиройли кўйлагингизда кўришни истардим.

«Неча йил бирга яшаймиз-у, у ҳамон «сиз» дейди-я», — Нигора эридан мамнун бўлиб, мулойим жилмайди.

У эшикдан кираверишда ўнг томонга ўрнатилган нақшинкор столга бир чинни лаганда тўлдириб қирмизи олмалар, нашвати ноқлар, биллур идишчаларда олча, беҳи, сариқ гилос, ўрикдан қилинган мураббололар, ширинликлар, духовкада иситилган иссиқ нонлар, шўрданак, қовурилган нўхат қўйди.

Бир неча қадам нарига ўтиб, ўзи безаган дастурхонини диққат билан кўздан кечириб, ишидан мамнун бўлди.

Нигора ётоқхонада сочини иккита қилиб ўриб, бошига чамбарак қилиб турмаклади; қайтарма ёқа, кўкраги хиёл очиқ, майин пушти ранг ҳарир кўйлак уни ёшартириб юборган эди.

— Оҳ, қандай гўзал аёл! — хитоб қилди Мухторхон. Нигора эрининг эҳтиросли, ошиқона нигоҳида уялиб, ерга қаради, у ёшлигида Нигорага худди шундай суқланиб тикиларди.

Йўлакда қўнғироқ жиринглади. Мухторхон эшикни очди.

— Танишинг, меҳмонимиз! — Мухторхон йигитни хотинига таништирди.

Бобораҳим анчагина эскирган, аммо ҳафсала билан дазмолланган костюм кийиб олган, калта келиб қолган енглари ва шунингдек калта шими меҳмонни ёш ўсмирларга ўхшатиб қўйганди.

Улар юмшоқ креслоларга ўтирдилар, Нигора чой узатиб, меҳмонни дастурхонга даъват этди.

— Бобораҳим, мана қоғоз-қалам. Ариза ёзинг! — деди бирдан Мухторхон. — Ҳа, ҳа! Директорнинг номига сизни театр труппасига қабул қилишини сўраб ёзинг.

— Аммо... сиз мени... — Бобораҳим довдираб қолди.

— Сиз актёрсиз. Тўғрими? Мен режиссёр сифатида сизни ишга таклиф қиляпман, — Мухторхон унинг гапини бўлиб, Нигорага шўхлик билан кўз қисди. — Ёзинг!

Бобораҳим, ҳаяжонланиб, қизариб-бўзариб, қалам тебрата бошлади. У ҳаяжондан ҳатто терлаб ҳам кетди.

— Мана «Бой ила хизматчи» постановкасининг плани билан режиссёр талқинидаги нусха. Гофир ролини ўрганиб чиқинг, — деди Мухторхон, Бобораҳимнинг олдига биринчи папкани қўйиб. — Бу эса, «Айбсиз айбдорлар»... Билишимча, Незнамовингиз амалга ошмай қолган!.. Биринчисини янгитдан қўямиз, иккинчиси — Незнамов билан эса, эски танишсиз, унга сизни қўшиб қўямиз.

— Ҳа-а-а-а, мана қаерга яшириниб олибсизлар! — дея кабинетга Ҳусайн урушдан кейин эгнидан қўймай юрадиган солдатча формада кириб келди, фақат бошига дўппи кийиб олган эди. — Файтун тайёр, эшик тагида! — деди у ва майиз солинган ликопчани қўлига олиб, ўзининг катта кафтига ағдарди, хонада у ёқдан бу ёққа юриб, биттадан оғзига майиз ташлай бошлади. Ҳусайн Бобораҳимга қараб, худди эски танишлардай дўстона жилмайиб қўярди.

— Хўш, кун тартибини белгилаб олайлик. Ҳозир Бобораҳимнинг уйига борамиз, у ердан театрга, кейин кун бўйи сеникида бўламиз, Ҳусайн, — деди Мухторхон. Бобораҳимга қараб қўшимча қилди: — Мен ёш дўстимнинг қаерда ва қандай яшаётганини кўриб қўйишим ловим!

— Тасдиқлайман! — деди Ҳусайн худди муҳр бесгандай, қўлини столга уриб ва қаттиқ хахолаб кулиб юборди.

Кўчада қанотлари лакланган, йиғма соябонли ҳақиқий файтун турар эди. Унга қўшилган саман от бетоқат бўлиб ер тепинарди. Мухторхон билан Нигора юмшоқ ўриндиққа ўтиришди. Бобораҳим уларнинг рўпарасидаги тахтага ўтирди, Ҳусайн ўз курсисига жойлашиб олди, жиловни қўлига ушлаб, «Олга!» деб қаттиқ қичқирди.

Ўқчи маҳалласи жинкўчаларининг бирида, хиёл қийшайган кенг нақшинкор эшик олдида Ҳусайн файтунни тўхтатди.

Ҳаммалари ёғ тушса ялагундек қилиб супурилган ҳовлига кирдилар, ҳовли кичкина, чор бурчак шаклда, ҳовли этагида олди айвонли паҳса уй, айвон томи остидан кўк сири ёрилиб, кўчиб ётган иккита дераза ташқи оламга панадан мўралагандек қараб турарди. Унгдан чапга қараб ҳовлини тўғри чизикдай торгина ариқ кесиб ўтган, унинг иккала четига райҳон экилган. Айвон олдида шохлари тарвақайлаб, пуслугои тарам-тарам ёрилиб кетган нок гуллаб ётарди.

Биринчи бўлиб ҳовлига кирган Бобораҳимни қаршилаб, озода кийинган саккиз ёшлардаги бола ва олти ёшли қизалоқ севинч-қувонч билан кутиб олди-да, югуриб келиб акаларининг бўйнига осилишди.

Бобораҳимникида кўп ўтиришмади. Болаларни файтунга ўтқазиб, Хадрага жўнашди. Катта-катта деразали баланд бино — трамвай паркиннинг дирекцияси олдида Мухторхон Ҳусайнни тўхтатди. Файтундан тушди.

— Шу ерда кутиб туришлар, — деди у ҳамроҳларига ва муолишга бурилиб, шоша-пиша Эски Жува томон юриб кетди.

У йигирма минутдан кейин қайтиб келди, унинг юзида сирли табассум ўйнар эди.

— Ҳусайн, азизим, ҳайда! — дея хушчақчақ қичқирди у тўсатдан. Ҳусайн ўгирилиб, кўчани бошига кўтариб хаҳолаб юборди.

— Ҳабибга қандай жумбоқни тақдим этганингни тасаввур қиляпман! У тонг отгунча ухламай чиқади, бутун театрни остин-устин қилиб юборади.

Мухторхон фитнесчилардек Ҳусайнга қараб кўзини қисди.

— Ҳабиб қотиб қолди. Биласанми, шунча йилдан бери уни танийман-у, бугун биринчи марта тутақиб кетди:

«Қўйнимни пуч ёнроққа тўлдирыпсиз!» — дейди. Бу, яъни, сиз, Бобораҳим, пуч ёнроқ эмишсиз! Ҳа-ҳа-ҳа! — Сиз мендан розилик сўрамайсиз! Буйруқлар берасиз, мен бўлсам, қулдай кўр-кўрона сизга бўйсунаман. Сиз мендан пулинг борми, йўқми деб сўрамайсиз, фақат қароқчилардай «Чўз!» дейсиз». Бу, яъни мен қароқчи эмишман. Ҳа-ҳа-ҳа!..

Файтун енгил чайқалиб, тош йўлдан ғилдираб борарди.

Улар Сассиққовуз, Каттаҳовуз, Дарвозадан ўтдилар ва ниҳоят сершовқин, ғала-ғовур Кўкчага етиб келдилар.

Ҳусайн бозордан бир талай иссиқ нон олди, Мухторхон қип-қизил, худди пишадай мусаффо хўрозқандлар харид қилди, болалар уларни олиб, шу ернинг ўзида ялай бошладилар.


Улар ҳовлига кириб келишганда, тўлагина қадди-қомати келишган аёл — Ҳусайннинг хотинидан бўлак уйда ҳеч ким йўқ эди.

Йўл-йўлакай болалар билан дўстлашиб олган Нигора уларни боққа бошлаб кетди. Гулга кўмилган шафтоли, олча, олма дарахтлари афсонавий улкан гулдасталарга ўхшаб кетарди. Атроф жимжит, фақат асалариларнинг гувиллашию, кўкда тўрғайнинг сайраши эшитиларди. Мухтор билан Бобораҳим ҳам боққа киришди. Киришди-ю, ўша ерда то қош қорайгунга қадар қолиб кетишди. Улар гоҳ хотиржам, гоҳ тўлқинланиб баҳслашардилар. Нима ҳақда? Спектакль арафасида актёр билан режиссёр нима ҳақда гаплашиши мумкин? Мухторхон ўзининг учинчи ўғлини тарбиялай бошлади.

Улар уйга қайтаётганларида осмонда дастлабки юлдузлар милтиллай бошлаган эди.

Болалар қўлда ухлаб қолишди.

Шу бугундан бошлаб ва кейинги уч йил ичида уйда, театрда



Мухторхоннинг бир минут ҳам бўш вақти, бир соат ҳам ҳаловати бўлмади.

Куннинг биринчи ярмида у уйда ишлар, янги постановкаларнинг режасини тузарди, иккинчи ярмида театрда актёрлар билан репетиция ўтказар, рассомларнинг эскизларини, бастакорларнинг ишларини маъқуллар ёки рад этарди.

Бобораҳим Ғофирни ҳам Григорий Незнамовни ҳам муваффақият билан ўйнади. Энди унинг иштирокисиз бирорта спектакль ҳам ўтмасди.

Ниҳоят, мана навбат Гамлетга келди.

Унинг афишаларда пайдо бўлиши томошабинлар учун ҳам, санъатшунослар учун ҳам, матбуот учун ҳам кутилмаган ҳол эди. Битта ҳам интервьюда Мухторхон Гамлет тўғрисида, лоақал бир оғиз бўлса ҳам гапирмади. Бу тўсатдан рўй берган порглашга ўхшар эди.

Премьерага билетлар қандайдир бир соатлар ичида сотилиб бўлди. Ўзида йўқ хурсанд Ҳабиб, кабинетда тинмай жиринглаб турган телефондан яширинарди.

Спектакль одатдагидек роппа-роса кеч соат етти яримда бошланди. Ҳар бир парда гулдурас қарсақлар билан яқунланарди.

Мухторхон ўз ложасида, унинг ҳаяжонини ҳеч ким сезмаслиги учун ўз одатига орқада ўтирарди. Байрамдагидай ясениб олган Нигора билан Ҳусайн олдинда, пастда, ложа тўсиғи ортида бутун бир зал одам нафасини ичига ютиб ҳайратланиб, саҳнадан кўз узолмасди.

Эртаси куни Мухторхон Бобораҳимни уйига таклиф қилди.

— Сиз, ўғлим, бир неча пьесада ўйнадингиз. Яхши спектакллар чиқди. Энди «Отелло»га навбат етди. Мана текстнинг таржимаси! Текст аъло даражада қилинган. Ишга киришинг!

— Устоз, аммо сиз ўзингиз бунинг устида ишлашга тайёргарлик кўраётгандингиз! — деди Бобораҳим, шошиб қолиб.

— Бу ёруғ дунёни ҳали кўзларим кўраётган экан, мен ўзимнинг мушкул, гоҳида юрагимда санчиқ пайдо қиладиган ишимни яқунлаб олсам дегандим. Ҳаётимнинг бир неча йилини бағишлаган ишим охирлаб қолган... Фақат узукка қимматбаҳо тошдан ясалган кўзни ўрнатиш қолган.

Бобораҳим Мухторхоннинг бир сўзлилигини, ўз қароридан қайтмаслигини билиб, унга деди:

— Ҳзимга Кассио ролини олсам майлими?

Мухторхон розилигини билдирди.

Бобораҳим «Отелло» устида бутун йил давомида ишлади.

Мухторхон уни диққат билан кузатар, унинг ишига аралашмас, уялмасин деб репетиция пайтида кўринмасди.

У премьерарага ҳам келмади — тоби қочиб қолди. Уни радиодан эшитди.

Қарсақлар янграб бўлиб, парда ёпилди ва актёрлар бир-бирларини кучоқлаб, табриклай бошладилар, кейин Бобораҳимни ўраб олиб, гуллар ёғдирдилар, кўлини қисишиб қутладилар. Шу пайт бирдан саҳнага Ҳусайн кириб келди. Ҳамма хавотирланиб, бир-бирига олазарак қараб қолди.

— Мухторхон спектаклдан кейин сизга бу қилични... Гамлетнинг қиличини топширишимни сўраган эди, — деди Ҳусайн, ўз жангчисининг жасоратини муносиб тақдирлаётган лашкарбошидай қилични Бобораҳимга узатаркан.

Бобораҳим тиз чўкди, иккала кўли билан қилични олди, шунда унинг дастасидаги прожектор нурида ялтираб кўринган ёзувни кўрди: «Мен энди хотиржамман».

Мухторхон икки кундан кейин тўсатдан юрак хуружидан вафот этди.

Бир ой ўтгач, Нигора ҳам сўнди, унинг юраги ёлғизлик азобини кўтаришга қодир эмасди.

Русчадан Мухтор НИЕЗОВ таржимаси



МАДАНИЙ ҲАЁТ

12.1.84.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеси секретариати ва мазкур союз партия ташкилоти бюросининг кенгайтирилган кўшма йиғилишида «КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII Пленуми яқунлари ҳамда республика ёзувчиларининг муҳим вазифалари» атрофлича муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правленисининг биринчи секретари Сарвар Азимов, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Назир Сафаров, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правленисининг секретари Борис Пармузин, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Мирмуҳсин, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош редактори Одил Ёкубов, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи партия ташкилоти бюроси секретарининг ўринбосари Юрий Ковалев, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правленисининг секретари Саъдулла Кароматов, «Шарқ юлдузи» журналининг бош редактори Пирмат Шермухамедов, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правленисининг секретари Ўктам Усмонов, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи Адабий танқидчилиги ва адабиётшунослик кенгашининг раиси, филология фанлари доктори Салоҳиддин Мамажоновлар сўзга чиқдилар.

Йиғилишда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Республика Ёзувчилар союзи правлениеси секретариати билан мазкур союз партия ташкилоти бюросининг кенгайтирилган кўшма йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Маданият бўлимининг муdiri А. О. Тўраев иштирок этди.

* * *

Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи кенгашларининг йиллик ҳисобот мажлислари бўлиб ўтди.

10.1.84.

Саргузашт ва фантастика кенгашининг йиллик ҳисобот йиғилишида 1983 йилда яратилган фантастика ва саргузашт жанридаги асарлар муҳокама қилинди.

Муҳокамада филология фанлари кандидати Маҳкам Маҳмудов ва фантаст-ёзувчи Вильям Александров доклад қилдилар.

Муҳокамада Ҳожиакбар Шайхов, Рустам Обидов, Александр Шоповалов, Соҳиба Абдуллаева, Абдуҳақим Фозилов, Анвар Обиджон, Мамасодиқ Ҳубоайнов, Олмас Ғуломова, Қудрат Дўстмухамедов, Раҳимжон Отаевлар катнашиб, саргузашт-фантастик жанрларда яратилган асарларнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида, мазкур жанрда қалам тебратувчи ёзувчилар олдида турган вазифалар ҳақида фикрлашдилар.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Муҳаммад
Али

Муҳаббат



БИР ИИГИТНИНГ КУНДАЛИГИ.

Сизга тақдим этилаётган ушбу кундалик тасодифан менинг қўлимга тушиб қолди. Тўғрироғи, эгаси уни менга лутфан кўрсатди. Бир кўнгилнинг изхори бўлган бу кундалик ўзининг ниҳоятда самимий эканлиги билан кишини ром қиларди. У биров ўқиши учун ёзилмаган, балки кўнгилни бўшашиш учун ёзилган, яъни кундалик дафтар эгаси унга ўзининг дардларини тўкиб-солган, жавобсиз муҳаббат исканжасида қолганида шундан нажот топган... Бу шундоққина кўриниб турарди. Қизиғи шундаки, дафтарни Шернинг (кундалик эгаси) ўзидан бошқа ҳеч ким кўрган эмас, унинг борлигини ҳатто Гулбадан (йигит севган қиз) ҳам билмайди. Иигит буни унга ҳам билдирмаган, кундалик дафтар — сирли дафтар бўлиб қолаверган...

Буларнинг барини менга йигитнинг ўзи ҳикоя қилиб берди.

Инсон бардошини тоғларга қиёс қилишади, лекин тоғлар нураши мумкин, бардош эса — йўқ... Айниқса Шернинг бардоши! Оғир фожиадан кейин ҳам унинг қадди букилмади: унинг умрига нур бўлиб кирган туйғу, нообод дилини нурафшон этган ёғду — муҳаббат бўлди! Бироқ бу муҳаббатнинг жавоби йўқ! Балки шундай бўлгани учун ҳам йигит оёққа туриб кетгандир, муҳаббатига шу йўсинда жавоб олмоқчи бўлгандир?

Бу — икки қалбнинг титроқлари, йўқ, бир қалбнинг титроқлари, бир қалб кўзгусида намоён бўлган ишқ изтиробларидир, улар кузги сувлардай тиниқ, шаффоф, баҳор тошқинларидай шарқироқдир.

I

1979 йил 21 ноябрь кун

«Уйинқароқ болалик,
Жажжи болалик,
Нима қилиб қўйдинг,
Англайсанми ҳеч?
Сендек беғам эдим,
Сендек шодмон эдим,
Энди ёнмоқдаман
Ҳам эрта, ҳам кеч...»

II

1973 йил 29 июнь кун

«Хаёлим бир жойда
Тўхтамас елдай,
Бир бало бўлганми
Эсу ҳушимга?
Мактабга бораман,
Қайтаман;
Сен-чи,
Ҳатто кирганинг ҳам

Иўқди тушимга.

«Оқ йўл» тилаб қолди
Мактаб даргоҳи,
Битта чўлботир-ла
Ошна тутиндим.
«Мана, ол кучимни,
Юр дашт қўйнига,
Хой, полвон трактор!» —
Дея ўтиндим.

Кетдик...
Куйиб ётар
Яккатол чўли,
Ўзни унга урдим,
Бир беқарорман.
Чўлни гул қилмоқлик
Елғиз муродим!
Юрак-юрагимда
Шу орзу, армон...»

III


2 август куни

«Яккатол чўлига
Тун чўкди, мана,
Қишлоқ чироқлари
Аста сўнади.
Эринчоқ саҳрога
Бермасман уйқу! —
Шундан ёш кўнглимнинг
Шама ёнади!

Ота-боболарнинг
Нақлидан маълум:
Чўл —
Парвойи фалак,
Беғам ётарди.
Ойлару йилларнинг
Баридан тутолмай,
Баҳорда қайнарди,
Қишда қотарди.

Йиллар ўтардилар
Бефарк,
Беназар,
Чўл-чи, бир жандапўш
Дарвиш мисоли,
Улардан ялиниб,
Зору интизор
Сўраб қолар эди
Бахтин, иқболиң.

Болалигим ўтган
Шу чўлни кезиб,
Шунда
Даврон қурган
Дўст-ёронларим.
Эсда:



Ялангоёк,
Тиканлар босиб,
Қоп орқалаб
Ўтин терган онларим.

Бугун,
Фурсат етди,
Эй қадрдон чўл,
Асрий уйқулардан
Бош кўтар энди.
Мана,
Бир фарзандинг
Дардинг олай деб
Трактор рулини
Шарт тутар энди!

«Чўлботир»,
Чўлларнинг ботири дея
Суяб эркалайман
Тракторимни.
Шундайин беминнат
Хотамтой билан
Боғладим умрбод
Мен тақдиримни.

Шу дам
Фазоларда
Чарх урган «Союз»
Фаргона чўлига
Ташласа назар,
Тунни тилкалаган
Тракторимнинг
Икки олов кўзин
Илгар муқаррар!

Бирдан,
Бўрон турди!
Қашқирдай увлаб
Кўчди тўзонларнинг
Гирдоб қуюни.
Мени оғушига
Тортарди аста
Оқил табиатнинг
Телба ўйини!

Шитоб фикр қилдим:
Тўхтамоқ кера-ак!
Она табиатга
Еқмайди ҳазил!
Бироқ,
Чўлботир-чи,
Ўчакишгандай,
Бўроннинг устига
Интилар дадил!

Қайга кетмоқдасан,
Чўлботир, тўхта,
Йўлимиз текисми,
Зовурми, чақир?
Кўзим қумга тўлди,

Зўрға очаман,
Кўриб бўлмаяпти
Ҳеч нарса, ахир!

Трактор тўхтамас,
Ўкирар шердай,
Осмон ҳам батангдир,
Қулоқ қоматда.
Ажабо,
Тўхтатмоқ ўрнига,
Нечундир,
Мурватни тортаман
Ўзим ҳам сатта!

Бирдан,
Бош айланди...
Кўз олдим қора.
Қўққисдан қайгадир
Мункидим!
Зулмат...
Теграмда
Ютоқ шамол
Чеккандай аза
Фақат нола чекар:
«Ку-ку-ку-у... кулфат!..»

Трактор юмалар!..
Ўзимни шартта
Кабинадан оғдим
Жонимни сақлаб.
Аммо кабина-чи,
«Қувиб» ортимдан
Икки оёғимни
Босди мажақлаб!..»

IV

26 декабрь кун

«Кичик аравача...
Пастгина сўри...
Қишда — ўчоқ боши...
Езда — тол таги...
Еш туриб,
Ногирон бўлиб қолдим, эҳ,
Шундоқ йигитликнинг
Нохуш эртаги...

Иложи бўлсайди,
Оҳ, дермидим мен,
Нечун маҳзунлигу
Мунг ила шикан?
Қошқийди,
Ерга қадам
Ташласам шартта-шартта,
Оёққа гарчча-гарчча.
Кирсайди тикан!..»

1974 йил 10 апрель куни

«Қизлар толкучукдан
 Ясайдилар соч
 Баҳор эндигина
 Кўринган чоғлар,
 Шунда кўчиб келдинг
 Ота-онанг-ла,
 Ун икки ёшингда,
 Қўшни қишлоқдан.

Кулгинга кўмилиб
 Утди баҳор-ёз,
 Хонатлас кўйлагин
 Кийди куз боғда.
 ...Мана,
 Қиш сўнгги бор оларди нафас,
 Чирсиллар тараша
 Қора ўчоқда.

Дахлизга кириб келдинг
 Бир олам бўлиб:
 «Кўринг қорбобомизни
 Анув дўнгликда!»
 Ахир қайдан билардинг,
 Сўзинг нола бўлиб,
 Оҳ бўлиб санчилишин
 Ярим кўнгилга!
 Сен, ахир, бола эдинг,
 Дўлвор,

Дўмбоқча,
 Мен эса, аччиқ-чучук
 Тотиган эдим.
 Сен ахир билмас эдинг,
 Менга йўймоқчи —
 Бўлган ҳисларинг
 Дил қатидан эди...

Оҳ, оғир дамларда бола бўлсайдинг,
 Аччиқ аламларда бола бўлсайдинг,
 Ғазаб қайнаганда бола бўлсайдинг,
 Асаб ўйнаганда бола бўлсайдинг,
 Утинг сўнганида бола бўлсайдинг,
 Кўнглинг синганида бола бўлсайдинг,
 Айт, Инсон,
 Заррача сезарми эдинг,
 Кўнглинг беихтиёр
 Эзарми эдинг?

Сен, ахир, бола эдинг,
 Беғам болалик
 Умринг ошуфтасийди,
 Умринг шайдоси,
 Мен эсам дардли эдим,
 Ғамли, нолали
 Кечарди кунларимнинг
 Ҳар бир асноси...»

1975 йил 21 июнь куни

«Ғийт-ғийт этказардинг
 Менинг аравам,
 Ортинга қоларди
 Ҳе... толқўчалар!
 Чиндан бир жаҳон эдинг,
 Шодлигинг — олам,
 Қумридай чақ-чақингдан
 Қалбим куй чалар!

Бодом ости.
 Шосупа.
 Сен унда ёлғиз,
 Атрофинг — қийқимлар,
 Қўлингда қурчоқ.
 Гиргиттонинг эди,
 Парвонанг эди
 Унгингда,
 Сўлингда,
 Йўлингда қурчоқ.

Аллалар айтардинг
 Она мисоли,
 Сарполар қилардинг
 «Келин-куёв» га.
 Узингни сезардинг
 Қувноқ, бахтиёр,
 Тилинг келар экан
 Қадим ёр-ёрга:

«Ҳой, болажон, тилларинг
 Мунча ширин, ёр-ёр?
 Ширинлиги ошкор қилар
 Ишқинг сирич, ёр-ёр!
 Кўзларингни қадайверма,
 Уёламан, ёр-ёр.
 Қарайверсанг, қандай ўзим
 Тиёламан, ёр-ёр?..»

VII

1977 йил 5 июль куни

«Бўйинг чўзилиб қолди,
 Кўкрагинг тўлиб,
 Юзингда бўжама,
 Сепкил зарралар.
 Мен сенга боқмайман,
 Жоним, бир йўла,
 Мен сенга боқаман
 Неча карралар!

Мен сенга боқаман.
 Қалбинг — соф осмон.
 Софликка боқмоққа
 Етмас бардошим.
 Бир ажиб умиднинг
 Сехри-ла мастман:

Мусаффо осмоннинг
Бўлсам қуёши!

Кошки
Шу осмоннинг
Қуёши бўлсам,
Мангу ёнар эдим
Тиник уфқда!
Аммо...
Мен Заминда
Ётган қора тош...
Тошни ёндирмоқнинг
Чораси йўқ-да...

Ниначи ёз фаслин
Утказганидай,
Бўй етиш ишқида
Болалик ўтди.
Гулбадан!
Йиллар ҳам
Ардоғлаб сени,
Авайлаб
Балоғат боғига элтди...»

VIII


1978 йил 19 июнь куни

«Боғда ўтирдим,
Югуриб келдинг,
Қўлингда хандалак,
Чипор хандалак.
«Сизга олиб келдим,
Қайтарманг...» — дединг,
Илтифот қилмоққа
Потради юрак!

Тикилиб турардинг
Раҳмдил,
Лобар,
Кун тиғида юзларинг
Лўпиллаб,
Кўпчиб...
Қувончу ҳисларим
Жўшди баробар:
О, лабинг лаззати
Лабимга кўчди!

Алланечук бўлдинг
Журъатим кўриб,
Биринчи бўса эди,
Биринчи ўпич!
Тўйиб бўлмас эди
Сенга термилиб,
Юзларинг яна ҳам
Кетганди кўпчиб!

Нега жимиб қолдинг?
Гапир, жонгинам,
Чақ-чақ кулгиларингга



Қўйилдими чек?
Кўзимга қаролмай
Турдинг ёнимда,
Не бўлди?
Не сабаб,
Туриб қолдинг тек?

Вужудим беаёв
Портлатган ҳислар
Қалбингдан топмадими
Жўровозини?
Юрагим лутф ила
Мурувват излаб,
Топдими руҳинг қишин,
Топмай ёзини?

Еки
Алланечук жимиб қолишинг,
Биринчи ўпичнинг
Салобатими?
Чехрангда кўринган
Бўғиқ изтироб
Ҳисларинг тўлқинин
Аломатими?

Нега кўзларингни
Опқочдинг четга,
Уятчан нигоҳинг
Ерга қадалди?
Нега бор ҳақиқат
Айтилмай бетга,
Қандайдир андиша
Номи аталди?..»

IX

26 октябрь куни

«Хастахона бордир
Қўшни қишлоқда...
Гўё оқ булутдай
Вазнсиз бино
Ҳавойи туюлар
Ўрикзор боғда,
Яшил денгиздаги
Оқ елканнамо.

Кечалари намхуш,
Намсол сахарлар,
Райҳоний осмонда
Қуёш беағи.
Чинорлар шовуллар,
Офтобнинг асло
Тушмас кўчаларга
Олов этаги.

Ҳовлида юлдуз шакли.
Юлдуз кўксига
Тақиб қўйишибди
Лолаю райҳон.

Эшикдан кўриндинг,
Бодомқовоғим,
Қўлингда айланар
Тегра соябон.

Эпкин зулфларингга
Гирдикапалак,
Оқ халатли ойпарча
Енингда эди.
Юзлари ибодан
Қизарган малак,
Шўхлиги сойларча
Енингда эди.

Негадир ҳорғинсан,
Ҳорғин кўзларинг...
Суқим кирганига
Рашким келади!
Оқпар дўппи узра,
Сочи чамбарим,
Воҳ, кўзинг,
На чакнар,
Ва на кулади!

Оқ халатли қизга
Ҳавасим келди,
Бунда ҳамшира экан,
Экан ёшдошинг.
Кеча,
Йигити — орзу-ҳаваси келди,
Эрта-индин тортармиш
Юртга тўй оши...

Тугашма қошларинг
Чимирилмасин,
Пориллоқ кўзларинг
Сўнмасин асло!
Ғам чекма,
Ғам чекма,
Даргоҳи кенг қиз,
Дилгинангга ғубор
Қўнмасин асло!»

X

5 ноябрь куни

«Ойжувоз, ойжувоз, таккир-тукур,
Ҳай, ёр-ёр, айланай!
Ойжувоз қилганингга шукур,
Ёр, ёр-ёр!
Ҳар нарсага чора бор,
Ҳай, ёр-ёр, айланай,
Чорасиз юрак қурғур,
Ёр, ёр-ей!

Қошнинг яхши қораси,
Ҳай, ёр-ёр, айланай!
Гулнинг создир доласи,

Ер, ёр-ей!
Ери билан қарисин,
Хай, ёр-ёр, айланай,
Шу толқўча боласи,
Ер, ёр-ей!

...Олис-олисдаги
Улик хаёллар
Кошки менга ҳаёт бўлиб
Қайтсалар,
Кошки
Тўпланишиб куёвнавкарлар
Уйларинг олдида
Шуни айтсалар...»

XI

1979 йил 13 июнь куни

«Кун ўтиб борарди
Кунлар кетидан.

.....
Кун ўтиб борарди
Нилий осмонда.
Ўлтирар эдик боғда,
Ариқ бетида,
Дугоналаринг келди
У ён-бу ёндан.
Сени кўришмоққа
Келибди улар,
Йўл-йўлакай кўнглим
Овламоқчийкан...

Биринг бўзnoch бўлсанг,
Биринг — атиргул,
Биринг — лола,
Ўртада мен чақир тикан!
Оҳ, оҳ!
Куйган жойим
Ҳазиллагандай,
Тагин асабларим
Ларзонга тушди.
Шу қолатдан жоним
Безиллаганди,
Яна аъзои бадан
Қозонга тушди!
Ҳар бутага ўт тушса
Ўзи ёнаркан,
Ўзи ўчар экан,
Буруқсаб,
Тутаб...

Қарайман,
Истараси иссиқ Анорга,
Далага,
Шийпонга
Борармиш шу тоб.
Гулу гул очилиб,
Яшнаб қулф уриб,
Ишидан қайтипти

Ҳазилкаш Хури.
Шаҳардан келармиш
Анов Муштарак,
Тўзғиган сочларин
Олмапти тараб.
Толқўча бошида
Бўлиб учовлон,
Йўллари тушипти
Боғимиз томон.
Шунда
Кўзим тушди
Сенга, гўзалим:
Ўйилиб тушмайми
Бебош кўзларим!..

Қовоғинг солибсан,
Тиниб қолибсан,
Дугоналаринг хуррам,
Сен ер чизасан.
Кўзларимга боқмайсан,
Кўзинг олибсан,
Юрагинг эзилади,
Мени эзасан!

Бошингни кўтар, жоним,
Юзларимга боқ,
Шу гапирган гапларинг-чун,
Уятмасми, де!
Не сабабдан сенда ғаму
Дард ила фироқ,
Юрагингни ишонтирган
Мен эмасми, де!

Нега жимиб туроврасан,
Жоним, қўйкўзим,
Нега бошинг кўтармайсан,
Мени куйдириб?
Бир боқсанг-чи,
Толқўчамнинг
Дуркун ойқизи,
Бир кулсанг-чи,
Жаҳонларни
Завққа тўлдириб!»

XII

20 июль куни

«...Қушлар чаҳ-чаҳига
Урганган, ҳей, боғ,
Бундай суқунатга
Бормиди тоқат?
Айтинг-чи,
Шодарахт —
Садақайрағоч,
Севги
Кўришишда,
Кўздами фақат?
Сўзланг, мажнунтоллар,
Шоир айтгандай,

Наҳотки, кўрк-хусн
Сочларда бўлса?
Яшил найкамалак
Янглиғ ишкомлар,
Айтинг, наҳот чирой
Қошларда бўлса?
Кўркам садарайхонлар,
Айтинг, сиз, ахир,
Севги — қалб сазоси,
Дил гавҳари деб!
Айтинг,
Севги ахир шундай бир дардқи,
Бир тегса,
Қайта бор бўлмас аритиб!»

XIII

25 август куни

«Нега бошинг кўтармайсан,
Тинишинг нега?
Нега тилинг тишлаб қолдинг
Бир сўз демайин?
Киприкларинг пирпиратиб
Боқиш ўрнига,
Қотиб қолдинг, жонгинам,
Юз-кўз демайин?»

Сенинг шундайлигинг, Гул,
Илк бор кўришим,
Биринчи бор сўзларимга
Алик қўшмадинг.
Биринчи бор ғамзали,
Қумри кулишинг
Интиқ қулоғимга
Бориб тушмади...

Чўғ устига қаланган
Хўл ўтин мисол
Тугайман-у,
Ениб кулга айланмам фақат.
Рўёбга чиқмаган
Бир орзусиман,
Қалба ишқим яшар —
Очилмаган хат!»

XIV

19 сентябрь куни

«Бог ёнар, энтикар
Қуёш дамида,
Ариқчада лоқайд
Имиллайди сув.
Қушлар ҳам жонини
Сақлаш ғамида
Эъвозлашар шотут қўйнини...
Еху!

Токайгача бўлгум

Бу боққа шайдо,
Токайгача сўри
Менга ҳамнишин?
Яккатол чўлида
Эгарланган тойдай
Чўлботир кутмоқда
Ҳам ёзин, ҳам қишин.

Баҳор ўтиб кетди,
Умидимни олмай,
«Ез бор-ку!»
Ўзимни овутдим пича.
Яхшиям одамда
Умид бор,
Ҳай-ҳай,
Билмам,
Не қилардим бўлмаса кеча?
Кеча
Кириб келдинг,
Боққа, Гулбадан,
Сенинг билан келди
Олам шодлиги.
«Ассалом, Шер ака!» —
Дединг оҳиста,
Сенинг билан келди
Дил ободлиги!

«Гулбадан!
Бу сенми?
Ўнгимми, тушим?
(Гоҳо кўтарилар,
Тушар кўкрагинг,
Шалаббо бўлибди
Дудун кўйлагинг.)
Учиб келдингми ё,
Учирма қушим?»

Шодлигим сезмасдинг...
«Суюнчи бериң!
Келмоқдаман ҳозир
Тўғри шаҳардан.
Институт олдида
Байрамдай бугун
Ҳамма йиғилишдик
Эрта-саҳардан...»

Бирдан,
Кўтарилган қўлингдан китоб —
Ерга тушиб кетди!
Отдим ўзимни!
Тепамда ёнса ҳам
Нурафшон офтоб,
Қоп-қора зимистон
Босди кўзимни!

«Шер ака!» — деганинг
Биламан эс-эс,
Қалдирар миямда
Тегирмон тоши!
Оғриқ деганлари

Шундай бўларми?
Дунё айланарми
Е менинг бошим?..»

XV

20 сентябрь куни

«Хей!
Томирда қоним
Кўпирар экан,
Тобакай кўзларим
Сочаркан зиё,
Орзу-ҳавасларим
Гупирар экан,
Сенинг қилмишингни
Кечирмам асло!
Тўлин ой туйнукдан
Боқаркан қиё,
Токи мўраларкан
Қуёш дарчамдан,
Кунлар жим оқаркан
Сокин кўчамдан,
Сенинг қилмишингни
Кечирмам асло!

Сенинг қилмишингни
Кечирмам асло,
Мурод-мақсадимга
Бориб етмасам!
Олам кўзигаки
Тик боқиб
Шартга,
Отдай...
Отдай бўлиб
Юриб кетмасам!

Ҳайхот! Тол тагида,
Ероҳ сўрида
Тирик товон бўлиб
Етганим-ётган...
Оқ булутлар қуёш нурида
Фазоларга кенг қулоч отган.
Она чумчук
Толда чирқиллар,
Шифтда эса —
Бахмал қалдирғоч,
Барг чиқармиш ҳатто серкиллаб,
Ўтган йилги,
Қуриган оғоч...
Шивирлашар
Жажжи шоҳчалар
Сенинг ишқинг
Менинг бошимда!
Куним бекор ўтар
Қанча-қанчалар...
Айт-чи, эй, эпми бу
Менинг ёшимда?

Иигирма икки ёш
Кўриб турибман,
Аммо кўзларимда
Юз ёшлик малол.
Билагингда кучинг
Портлай деса-ю,
Илигингда мадор
Бўлмаса, не ҳол?
Шуми менга ҳали,
Ғаройиб тухфанг,
Яримжон тилаган
Ҳаётпарвар ҳис!
Олтин туйғуларим
Эсиз, босди занг,
Кўзларимдан учқун
Сўнмоқда, эсиз!

Бир бор табассуминг
Этди-ку интиқ.
Бўралаб қор ёғди
Доим қаҳрингдан!
Менга керак эмас
Сен каби тантиқ,
Сендай инжиқ...
Бор-ей!
Ўтдим баҳрингдан!..

...Қизишиб кетибман.
Пўртана ҳислар
Ақлнинг зулмидан
Кўтарибди бош.
Сендан аламзада
Вайрона кўзлар
Сенга ер остидан
Қилдилар қарош.

Кечир мени.
Кечир!
Кўнглингда асло
Дайди, қабиҳ фикр
Келмасин, ҳайхот!
Гулбадандай қизни
Дуч қилдинг менга,
Ташаккурлар сенга,
Бир умр,
Ҳаёт!

Мени севадими
Гулбадан?..
Эвоҳ,
Эвоҳ, ноўриндир
Бундайн даъво!
Мен уни севаман!
Севаман...
Севгим —
Дилиму
Доғиму.
Дардимга даво!»

29 октябрь куни

«Сен келдинг...
 Тўлганар чилвир-чилвир соч,
 Эгнингда товланар
 Шол кўйлагинг — чўғ,
 Нақ бўлмаса, дебман,
 Очайин қулоч...
 Йўқ...
 Афсуски, йўқ...


Сен-чи, бепарвойим,
 Ҳечам сезмасдинг,
 Хаёлингдан ҳатто
 Утмаганмиди?
 Қалб қиличи — нигоҳинг
 Ердан узмасдинг,
 Кўнглинг зинҳор буни
 Кутмаганди?

Кўнги деб гапирдинг
 Утган-кетгандан
 Ё атай
 Мийиғда кулмадинг бир бор.
 Наҳот бир кулгингни
 Дунёга арзирлик
 Умримга татишин
 Билмадинг, дилдор?

Нигоҳинг эргашди
 Қўш кабутарга,
 Булутлардан юксак
 Жавлон урарди.
 Бир-бирин қучишар,
 Гув-ғувлашар,
 Қувлашар,
 Кўкда васлу висол
 Базмин қуради...

Офтоб нурларидан
 Зарбоф тўн кийган
 Сайёр булутларга
 Нигоҳинг тушди.
 Яралмишдан буён
 Мангу навқирон,
 Навжувон осмонни
 Кўзларинг қучди!

Сўнг
 Кузатдинг...
 Кўкни кошоно айлаб,
 Кунга ўрлаётган
 «Қалдирғочқанот»ни.
 Бошингдан сирпанган
 Дўппингни ушлаб,
 Тикилдинг,
 Тўймадинг,
 Ҳечам тинч қўймадинг.



Осмон бағридаги
Ғаройиботни.

Билмайман,
Тушми ё ўнгимми эди,
Юлдуз бўлсам,
Ҳайратдан тўнгимми эди,
Агар қуёш бўлсам —
Сўнгумми эди,
Қора тош эсам ҳам
Енгумми эди!..

Билмайман...
Бирдан...

Юриб кетдим!

Сен сезмай қолдинг,
Суяглиқча қолди.
Қўлтиқтаёқ ҳам!
Райҳонларни қучдим,
Ҳидладим тўйиб,
Дунёни олгандай
Эдим чинакам!

Боладай ирғишлаб
(Ҳеч ишонмайман!),
Тепамда осилган
Олмани уздим,
Ловилларди юзим,
Потрар эди жон,
Қарагим келарди
Ўзимга ўзим!

Тўлиб хаҳоладим
Танамга яйраб,

Олмадаги қушлар
Кулгимдан чўчиб кетди!
Олма ҳам титради:
Хил-хил олмалар
Беҳол узилиб ерга
Тўпиллаб тушиб кетди...

Ана!
Кўриб қолдинг!

Яшин тегдими?

«Оҳ!» — дединг,
Дармонсиз ўтириб қолдинг,
Наздимда бошингдан
Эс-қушинг учди.
Жиққа кўзларингга
Икки томчи сиғмай,
Атлас кўйлагинг узра
Сирғалиб тушди...»

XVII

1979 йил 21 ноябрь куни

«Уйинқароқ болалик,
Жажжи болалик,
Нима қилиб қўйдинг,
Англайсанми ҳеч?
Сендай беғам эдим,
Сендай шодмон эдим,
Энди ёнмоқдаман,
Ҳам эрта, ҳам кеч...»

1983 й.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

18.1.84.

Болалар ва ўсмирлар адабиёти кенгаши-
нинг йиғилишида КПСС Марказий Коми-
тетининг «Умумий таълим ва ҳунар макта-
бини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишла-
ри» лойиҳаси муҳокама этилди.

Муҳокамада Ўзбекистон ССР Маориф ми-
нистрлигининг республика тарбия ишлари
бўйича метод кабинети мудирини М. Исомов,
Тошкентдаги 245-техника билим юрти ди-
ректору М. Горбачева, ёзувчилардан Х. Тўх-
табоев, Х. Назир, Ўзбекистон халқ шоири
Қ. Муҳаммадий, «Ленин учқуни» газетаси-
нинг редактору С. Йўлдошев, филология
фанлари кандидати С. Ирисхўжаева, Оржо-
ниқидзе районидаги 21-қишлоқ билим юрти
директори М. Арслонов ва бошқа ўртоқлар
қатнашиб лойиҳа юзасидан ўз фикр-муло-
хазаларини ўртоқлашдилар.

23.XII.83.

Татар адабиёти кенгашининг йиллик ҳи-
сobot йиғилишида мазкур кенгаш раиси
Черкез Али доклад қилди. Докладда Ўз-
бекистонда яшаб ижод қилаётган татар
адиблари республикамиз меҳнаткашлари
қўлга киритаётган ютуқлар, экономикани
ривожлантириш соҳасида ҳал қилиниши
лозим бўлган муаммолар ҳақида кўплаб
асарлар ёзаётганлиги қайд қилинди. КПСС
Марказий Комитетининг адабий журналлар
тўғрисида қабул қилган қароридан сўнг
ёзувчи ва шоирларимизнинг меҳнаткашлар
билан алоқаси янада мустаҳкамланганлиги
таъкидланди.


Доклад юзасидан мунозарага чиққан ўр-
тоқлар кенгаш ишида ўтган йилда қўлга
киритилган ютуқлар ва йўл қўйилган баъзи
камчиликлар ҳақида фикр юритдилар.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Шойим Бўтаев

1959 йилда Ленинобод областининг Уратепа районидаги Майдонча қишлоғида туғилган. С. М. Киров номидаги Ленинобод Давлат педагогика институтининг филология факультетини тугатган.

«Совет Ўзбекистони санъати» журнали редакциясида ишлаб турган пайтда Совет Армияси сафига чақирилди ва ҳозир ўз хизмат бурчини ўтаётти.



СИРЛИ ЮЛДУЗЛАР

Қисса

Шийпон ёнидаги бедазор эндигина чиқиб келаётган қуёш нурлари остида яшнаб кетган. Баргларидаги шудринглар каптарнинг кўзларидек мунчоқ-мунчоқ... Беданалар завқли сайрайди, борлиқни аллақандай кўтаринки, шу билан бирга киши қалбида маъюсгина ҳис уйғотадиган жилолар, оҳанглар қоплайди...

Чаноқ-қозончаларда кўпириб тошган лўппи-лўппи пахталарнинг бетларига қўнган совуқ шабнам бармоқларини ачиштиради, оппоққина чақалоқ ёноғидаги кўз ёшидек ялтирайди...

Узоқда — жануб томонда осмонга тигдек санчилган кўм-кўк, шаффоф тоғлар қуёшга оқ йўл тилайди, қорайиб турган тақир тепаликлар нурга чўмилиб олгач, киши қалбида аллақандай майин, маҳзун ҳис уйғотадиган тусга киради...

Жавлон пахта теришга тутинаркан, «бугун ҳаво исиб кетса керак», деб ўйлади. У ёлғиз эди. Юлдуз бир пайкал нарида дугоналари билан тушган.

Жавлон унинг ўзи тарафга тез-тез ўгринча назар ташлаётганини сезиб турар, олдига учиб боргиси келарди... Лекин унинг оёғига нимадир занжир солиб қўйган, агар ўша занжирни куч билан узса худди Юлдуз ундан совиб қоладигандек, ширин изтироблари барҳам топадигандек туюларди. Унинг қўллари ғайриихтиёрий суръатда ҳаракат қилар, этагининг йиртиқ жойидан тушган пахталар орқасида сочилиб қоларди. Хаёли фақат Юлдузда, чуқур-чуқур хўрсиниб қўярди...

Юлдуз...

Энди институтга киришганди ўшанда. Сентябрьнинг охирида ҳар ким ўзи хоҳлаган эркин темада иншо ёзди — факультетда ёзма ишлар конкурси бўлаётганди... Жавлон охирги партада ёлғиз ўзи «Нимани ёзсам экан?» — деб ўйлаётганида, ёнига Юлдуз келиб ўтирди:

— Тема танладингизми? — шивирлади у, Жавлон томонга хиёл

энгашиб қараб. Жавлон ўгирилиб, Юлдузнинг нигоҳидан бир зум кўзини узолмай қолди: унинг ияғи бир озгина ичига ботган, кўзларининг туб-тубида аллақандай ғамгинлик, ҳасратни ифодаловчи нуқта-лар йилтирарди...

— Ҳа. «Бахт нимада?» деган темада ёзмоқчиман, — Жавлон хаёлига кўққисдан келган гапни айтди.

Юлдуз жилмайди: юзида хаста, синиқ чизиқлар пайдо бўлди...

Жавлон ёзиб тугатгач, дафтарни ўқитувчига топширди.

— Сизга рухсат, бораверинг, — ўқитувчи «ўз фикрини тез баён қилиб бўлганлар»га жавоб бериб юбормоқда эди.

Жавлон Юлдузга қаради: у жимгина, ручкасини тишлаганича, ҳатто киприк қоқмай ўтирарди.

— Ие, ёзмадингизми? — ҳайрон бўлиб сўради Жавлон унинг икки-уч қатор хат тушган дафтарига қараб.

— Ездим, — маъюс жилмайди. — Мана!

Жавлон ўқиди: «Бахт сени бошқалар қай даражада тушуна олишидадир!»

Жавлон индамади. У, бу кичкина, оппоқ юзли «шаҳарлик қизча»нинг нега бундай деб ёзганлигига, тўғриси, тушунмади. Бир-икки китобда шунақа гапни ўқиганди. Ушалардан ёдлаб олгандир, деб қўя қолди. Лекин шу-шу ўзида унга нисбатан қандайдир яқинлик ҳис эта бошлади... Мана, учинчи йилдирки, дам ширин-ширин суҳбатлар, дам арзимаган нарсага ҳам аччиқ-аразлар...

Пахтага келганларидан бери иккаласи доимо ёнма-ён тушишарди. Жавлон кеч келгудек бўлса Юлдуз унга эгат олиб қўяр, ёки Жавлоннинг ўзи: «Менга ҳам эгат олиб қўйинг», — дея тайинларди...

Уч-тўрт кун олдин Жавлон ундан узоқ эгатга бориб тушди. У яхши кўрган қизининг ёнидан кетмай, «мўмин-қобил»гина бўлиб юрган тенгдошларидан негадир ижирганарди. Қараса, ўзи ҳам ўшанақаларнинг тоифасига кириб қолаёпти...

Юлдуз гаплашмай қўйди. Бўлмади. Кеча Жавлон унинг ёнидаги эгатга бориб тушди. Бир маҳал қараса... Юлдуз дугоналарининг олдига кетиб қолибди.

Жавлонга бу ҳақоратдек бўлиб туюлди, ўша куни на ўтирганини, на юрганини билди... Бошига оғир мусибат тушгандек эди, аммо бунинг нимаданлигини ўзи ҳам яхши англамасди... Жавлонга усиз қувонч татимас, аксинча, аламдан баттар туюлар, ғамгин дамларида эса, энг катта шодликни ундан бошқа ҳеч ким ҳада этолмасди. Борди-ю, унинг юзига ғам соя ташласа, Жавлон типирчилаб қоларди. Нимжонгина, «телпак билан урсанг йиқилгудек» бу қизга Жавлон ана шундай боғланиб қолганди.

Кунботар тарафдан совуқ, кулранг булутлар ер остидан биринкетин ўсиб чиқаётган улкан тоғлардек кўтарилиб, зангори осмонни қоплади. Жавлоннинг елкасига, бўйнига бир-икки совуқ томчи тушгач, бошини кўтарди ва «уҳ-у» деб юборди... Ҳасан қўлларини кўкка чўзганича, илтижоли оҳангда «ёмғир ёғдир, султоним», деб деклома-ция қиларди...

Ёмғир кучая бошлади. Хирмон ёнидаги ёлғиз тележка ҳам дилдирагандек қаққайиб турарди. Тележка остида ўтирган тракторчи Ҳамдам ака Жавлонни қўли билан имлаб чақирди. Қорни осилиб тушган, юзидаги чечак излари биринчи танишувдаёқ кўзга яққол ташланадиган бу одам бир қоп ёнғоқ эди. У Жавлон билан тенгқурдек ҳазиллашиб юрарди.

— Ҳо-о ако-о! — деди у тожикча талаффуз билан. — Бугун хапа кўринасан, ё битта-яримтаси билан... Айт! Мен сани-и буноқа кўрма-ганди-им...

— Ҳавони қаранг, — Жавлон жилмайишга ҳаракат қилди, лекин лаблари бир томонга жийрилди, холос. — Қайфиятни ўлдиради.

— Э-ээ! — Ҳамдам ака жеркиш оҳангида қўлини кўтариб, ҳавони кесди. — Бунга-а парво қилма-а! Бу булутлар келоди-кетоди,

бо-о келоди, бо-о кетоди... Осмоннинг бағри кенг, дилингда тушса иннайкейин ёмон бўлади...

Булутларнинг чоки сўкилиб кетди. Ҳамдам ака яна алланималарни деб, тўнини бошига илганича пастга — бригада аъзолари турадиган уйча томон кетди...

Жавлон оғирлашган этигини зўрга судраб, ёлғиз борарди.

Шийпоннинг ўртасига тутилган шолчалар Кавказ халқларидаги одат — ўртага қўйиладиган ханжар вазифасини ўтайди... Нариги томон қизларники... Шийпоннинг пастки қисмида ҳам иккита алоҳида-алоҳида хона бор. Уларнинг бирида шаддодроқ, қув қизлар ётишади, болалар ҳазил аралаш «хонаи ҳос» деб аташади. Иккинчиси ўқитувчиларники.

Жавлон эшик олдидаги йиғма каравотга чалқанча ётиб, қўлига китоб олди...

— Жавлон, кир уст-бошларингиз бўлса беринг экан, Юлдуз ювармиш, — тепасида ғалати илжайиб турган Ҳасаннинг сўзлари унинг фикрини бўлди.

Жавлоннинг кўнгли алланечук бўлиб кетди, у ҳатто чамадонидан ётган қўйлақларини олиб бермоқчи ҳам эди, лекин оғзидан мутлақо бошқа сўзлар қуруқшаб чиқди:

— Йўқ экан денг!

Ҳасан хуштак чалганича чиқиб кетди... Шу пайт эшик оғзига энгил машина келиб тўхтади. «Бирортасининг уйдан келган бўлса керак», — Жавлон хаёлидан ўтказди. Лекин остонада жигарранг шим-костюм, қорни қаппайган, кўз остлари салқиб «халтача»лар ҳосил қилган, сочларига оқ оралай бошлаган профессор Ҳоди Тожиевич пайдо бўлди. Унинг қаршисига хандон-хушон югуриб чиққан Ҳуринисо момик қўлини фахр билан поччасининг лаванглик билан узатилган кафтига қўйди.

Атиги ярим кун бекор қолишганига нима қилишларини билмай зериккан, қий-чув ва ур-сур қилишиб, ҳаммаёқнинг алғов-далғовини чиқаришаётган болалар адабиёт тарихи бўйича мутахассис Ҳоди Тожиевичнинг остонада турганлигини сезишиб, жим бўлишди. У қўлини икки ёнга ташлаб, салобат билан қадам ташлаганча «қасри олий»га — ўқитувчилар хонасига кириб кетди.

— У-у-фф... Қачон тамом бўларкин пахтаси... Поччам қўлимни совуқ сувга урдирмасдилар-е... Ху-у, тракторчи бор-ку, кулаверадиган, ўша поччамни кўриб де-е, дағ-дағ титраб қолди... Катталардан кўрқишадан-да, шўрликлар! — Ҳуринисо гап сотарди дугоналарига.

Жавлоннинг кўз ўнгида яна «Қасри олий» ва кириб кетган Ҳоди Тожиевичнинг қиёфаси намоён бўлди, негадир болалиги ёдига тушди. Худди Ҳоди Тожиевичга ўхшаган институт ўқитувчиси билан қўшни эдилар...

Сунбула эди...

Теракларнинг томири бўртган чолнинг қўлларидек япроқлари оҳистагина зилол сувлар бетига тушар, пирпираб, шилдираб ширинширин қўшиқлар кўйлаётгандек бўларди.

Кун қайтган, уфқ қонталаш. Ишкомлардан бошларига челак қўйган қизлар хандон-хушон, олдинма-кейин чиқиб кела бошлашади... Кун бўйи узумзорда қўшиқ янграйди, барглар остидаги қоқ-қора аланга кўзлардек чарос узумлар майин қўлларга маҳтал бўлиб туришади... Еноқлари ёнган, кўзлари чарақлаган қизларга боқиб қуёшнинг ҳам эси оға бошлайди: лохас бўлиб, пастга думалаб кетгандек бўлади... Қизлар челакдаги узумларни қоровул чайласи ёнидаги яшиқларга бўшашилади.

Жавлон опасининг чиқиб келишини кутиб, чайла ичига тўшалган, чангга ботган йиртиқ шолча устида қоғоздан ракета ясаб ўтирарди.

Чайла олдида чимдан қурилган ўчок. Атрофида лавлаги думалаб

этади. Шох-шаббалари қуриб қолган шипга; ёғ тўлдирилган шиша осиб қўйилган, ёнидаги симсаватда эса нон бор. Жавлон ўша тарафга тез-тез қараб қўяди, қоровулнинг ўглидан сўрашга уялади, ўзининг эса бўйи ётмайди...

Саҳнини ўриқларнинг сарғиш япроқлари қоплаган супа остида думалаб ётган челақка кўзи тушди. Ўрнидан турмоқчи бўлганида:

— Ҳе-е, йигит! — деган товуш сескантириб юборди.

У йўлда турган машина томон ўгирилди.

Кузовда сочларини олдига ташлаб олган қиз уни имлаб чақирди:

— Келавер! Опанг ҳо-о, ана-а! Келаяпти!

Жавлон иккилана-иккилана машина ёнига келди, ҳалиги қиз «дик» этиб пастга тушди-да, уни машинага чиқариб қўйди. Қизлар қиқирлашди, ортидан чиқиб келган қиз уни тиззасига ўтказди.

— Фотиманинг сўроғи бошланди, — узун бўйли, тол чивикдай ингичка, кўзлари чарақлаб турган қиз бошини орқага ташлаганича қаҳ-қаҳ отиб кулди.

Дарҳақиқат Фотима:

— Аканг кимни олади, а-а? — дея юмшоқ сонлари билан унинг белини қисганича «сўроққа» тутди.

Жавлоннинг қовоғига бирдан тош осилди... «Нима ишинг бор... Узумингни териб юравер!»

Фотима бақувват қўллари билан унинг икки елкасидан ушлаб бағрига босди, Жавлоннинг нафаси қайтиб кетай деди. Қиз унинг ёноқларини соч толалари билан қитиқлар, қулоғига иссиқ нафас билан шивирларди:

— Мени яхши кўрасанми, а-а?!

Қизларнинг ҳаммаси йиғилишди. Машина чанг-тўзон кўтариб, гуриллаганча юриб кетди. Қишлоққа боргунича Жавлон у қўлдан бу қўлга ўтавериб безор бўлиб кетди. Энди тўққиз ёшга қадам қўяётган суюмли болани ҳамма қизлар қандайдир бўлажак оналик меҳри билан севишарди. Тепаликда машинадан тушиб, уй-уйларига тарқалишаётганида ҳам Фотима унинг жаҳлини чиқарди: юзидан тишлаб олди. Жавлон опасининг ортидан судралиб ҳовлига кирганида бурни ерга тегай дерди...

— Вой-й-бўй-й! Минг марта айтдим борма деб, — ҳовли юзида куймаланиб юрган онаси унинг афт-ангорини кўриб, ташвишга тушиб қолган эди. — Сен шумтакага нима бор у ерда? Уйгинада ўтири-и-и-иб, менинг ишимга ёрдам берсанг бўлмасмиди, мундоғ бекор-бенаф шалойим бўлиб юргунча-а?..

Жавлон саватдан бир бурда нон олди-да, ойнаванд пешайвоннинг ўртасида ўтириб кавшай бошлади. Унинг кўзлари оғиб-оғиб кетарди...

Шу пайт кўчадан болаларнинг:

— Ур-р-р-а-а-а!! Ки-и-и-и-но-о келди-и-и!!! — деб қичқира бошлагани тепкини босгандек бўлди-ю, у ўқдек ташқарига отилди.

— Ҳой! Ҳо-ой, жувонмарг бўлмагур! Яна қаёққа? Овқатингни еб олсанг-чи, ҳо-ой! — сигир соғаётган онаси ортидан нолиб қолди, челақ қалқиб, ичидаги сут тўкилаёзди. Онанинг қўллари эса ғайришуурий равишда сигирнинг елинини ийдирар, фикри-зикри буткул ўзга манзилда эди: — Чарчамаганини-е! — хўрсиниб қўйди у...

Қуёш ботган. Ёғдуси уфқда нурланиб, қўр бўлиб туради... Подадан қайтаётган сигирларнинг маъраши, уларнинг туёғи остидан кўтарилган чанг ҳаммаёқни тутган. Қишлоқнинг аллақайси четида подадан қайтмаган эчкисини излаётган кимнингдир:

— Кў-ўк, бўйни-и-и-ида-а қизил ипи-и бор эчки-и, кўрга-а-ан шов-в-во-оз борми-и, ҳе-ей! — деган янгроқ товуши эшитилади.

Чойхона олдида тупроққа беланган болалар, бўйи чўзилиб қолган ўсмирлар ва ҳатто бир-икки боланинг отаси бўлиб, ўзлари ҳам болаликда қолиб қетишган «соқолли гўдаклар» киночининг атрофини болга ўралашаётган асаларилардек ўраб олишганди.

Бир кўзига оқ тушган, ранг-рўйи сап-сарик, қирқ-қирқ бешлар

атрофидаги киномеханик аппарат солинадиган яшик устида оёғини чалиштирганича ўтириб «Беломорканал» тутатарди... Мўрилардан кўкимтир тутун кўтарилди. Болаларини интиқ кутган оналар ўчоққа қайта ўт ёқишади...

— Кино келди, кино!.. — чувиллашарди болалар.

Қишлоқда ойда-йилда бир марта қўйиладиган кинони ҳар тал шу киши олиб келарди. Унинг бортлари уваланган юк машинасини, аппаратлари солинган яшикларини, кийимининг ранги-ю, «Беломор»ининг қайси чўнтагида туришини болалар беш панжадек билишади.

Киномеханик чойхонанинг оқланган девори томонга аппаратини тўғрилаб, олиб келган фильмини вариллатиб кўрсатишга тушади: ким кўряпти, ким кўрмаяпти — зигирчаям иши йўқ. Лента тамом бўлгунча ўзи ҳам чайқалибгина пинакка кетади, пулемёт товушиданми, бомбаларнинг портлашиданми уйғониб кетади, чўчийди, нималардир деб яна кўз юмади: худо билади, у қанчадан-қанча жойларда ўзи қўйиб келаётган фильми кўрганми, кўрмаганми...

Катталар тик туришгани ҳолда «бошланиши»ни кузатишади: агар экранда отишма, уруш-жанжал бўлса ўтиргани жой излаб қолишади, агар зерикарли «мижинг» кино бўлса болаларининг қўлидан ушлаб, кетишга ҳаракат қилиб қолишади. Болалар оёқ тираб туриб, олишади, хархаша қилишади — қандай бўлмасин улар кинони кўришлари керак...

Тепада ой кезади, юлдузлар чароғон боқишади... Ҳамма ўз оламида: киномеханикнинг калласи пастга қийшайиб-қийшайиб кетади, кассета ғириллаб айланади... Катталар роҳат қилиб чой ичишади, «жонларининг ҳузурини» ўйлашади... Пастда сой шовуллайдди... Болалар олис юлдузлар остида энтика-энтика, нафасларини ичларига ютиб ўтиришади...

Киномеханикка ким кино кўради, ким кўрмайди — бари бир, лекин кинонинг номини билишга қизиқувчилар уни андак безовта қилишади. «Эси кирганлар»га яшиқни кўрсатиб «ўқиб ол» дейди, «чўрвақалар»га индамай қўяқолади.

— Акам айтувдилар, билиб ке, деб. Ростини айтинг, — бети офтоб ва чангдан ёрилиб, оппоқ-оппоқ тангачалардек темирлатки қоплаган бола кўзларини унга илтижо билан тикади.

— Уруш кино экан, де ақаңга! — киномеханик ҳалқа-ҳалқа тутунга кўзини мастона юмиб қарайди.

— Э, айтинг...

— Сиздан нима кетибди?!

— Бари бир кинони кўрамиз-ку?!

— Бепул кинони қайси аҳмоқ кўрмайди?!

Охирги гап, албатта, башангроқ кийинган, шаҳардаги «пулли кино»ларни ҳам кўриб келган боладан чиқади...

Болаларнинг чуғурлашлари киномеханикка пашша чаққанчалик ҳам таъсир кўрсатмас, у пинак бузмасди.

Шу пайт олифта кийинган, сочи елкаси устида тўлқинланиб турган Саид исмли студент менсимагандек Жавлонни гавдасининг бир ёни билан туртиб, киночининг олдига ўтди. Жавлон қарийб йиқилаёзди — унинг юраги гупиллаб, кўзларида қоп-қора аланга ёлқинланди: дунёда илк нафратнинг, аламнинг туғилиши худди шу сингари ёлқинланган бўлиши эҳтимол, ажабо, унинг кўзлари ёшга тўлган бўлса-да, ҳамон ўтланиб турарди — лекин унинг ҳолатини ҳеч ким сезгани йўқ, эътибор ҳам беришмаганди...

— У студентга ростини айтса керак! — киномеханик атрофида баттарроқ ғуж бўлишди болалар.

— Чочини қара...

— Эҳ, мазза-я... — шивирлашди болалар.

Баъзан эътиборли, ўзидан ҳар томонлама устун давраларда писиб, борлигини ҳам, йўқлигини ҳам билдирмай ўтирадиган сал «унақароқ»

одамлар орасида ўзларини шер ҳис этишади — қишлоқнинг жўжаси, маҳалланинг хўроаи бўлади. Саид шу тоифа одамлардан эди. У бе-парво; болаларнинг ҳайрат ва ҳавас билан қараб туришганидан мамнун ҳолда киномеханик билан қўл бериб кўришди. Жавлоннинг кўзларидаги аланга ҳамон сўнмаганди. Ҳайҳот, масъум ва покиза гўдак нафратига дучор бўлишдан ҳам оғирроқ жазо бормикан бу дунёда!

У «шап» этказиб Саиднинг ёқасидан тутганини билмай қолди.

— Э... ээ... бола... ҳушинг жойидами? — Саид ижирганиб Жавлонга қаради. — Қўлингни ол! Э-э, расво экансан-ку тоза...

— Ўзинг расво!

Жавлоннинг кўз олдини гармселдек тўлқинлар қоплади, назарида еру кўк айланаётгандек бўлди — оппоқ, ёйдек ой оёғи остига келиб тушди...

Саиднинг тошдек мушти юзининг оловини чиқариб юборганди.

Ҳали гўдакка қўл кўтарадиган, ўзининг кимлигини билишдан кўрқиб юрадиган кимсалар кўп бу дунёда.

— Аканг келяпти!.. — Жавлон кўзини очганда, қўлини ушлаганича тепасида Фарход турарди.

Бўлаётган воқеаларни узоқдан кузатиб турган Жавлоннинг акаси Маҳмуд босиқ қадам ташлаб келарди. Жавлон гандираклаб ўрнидан турди, юз-кўзлари, уст-боши тупроққа беланганди. Ногаҳон кўзи Саиднинг дув оқарган юзига тушди. «Кўрқди! — ўйлади ўзича. — Акам уради!»

Маҳмуд етиб келиши билан Саид сир бой бермай кўришгани қўл чўзди:

— Ҳа-а, Маҳмуд, сен ҳам келган экансан-да? — тиржайиб, қийшангларди у. — Шаҳарда квартирангдан чиқмайсан ҳам...

Маҳмуднинг кўзлари чарақлади. Дунёда бир-бирига ўхшаган оташлар, алангалар нақадар кўп: аммо Маҳмуднинг кўзларидаги алангага тутангириқ аллақачонлар, аллақачонлар тутилган эди. У галвани ёқтирмас, лекин кўп ҳолларда нафратини ҳам тиши остига босиб кетолмасди. Еноқлари пир-пир учиб, оғзидан пайдарпай сўзлар отилиб чиқди:

— Мен сени... сени мен китоб кўри-и-иб, одам кўриб тузук бўлгансан деб ўйловдим... лекин... лекин ҳезалаклигингча қолибсан...

Саиднинг кўришиш учун узатилган қўли мушт бўлиб тугилди ва ҳамма кўрқоқлар каби у ҳам биринчи бўлиб Маҳмудга ташланди. Маҳмуд унинг зарбини осонлик билан қайтариб, қўлидан ушлаб олди ва лабини қонагудек қаттиқ тишлаб, Саиднинг тумшугига мушт қўйиб юборди.

Саид ағдарилди. У туриб, яна ҳезланмоқчи бўлди, лекин ниманидир оний тарзда муҳокама қилиб олди шекилли, шиддати кескин пасайди.

Бир зумда халойиқ тўпланди. Қизик, буларнинг ҳаммаси шу ерда эдиларми ёки уйларида жанжални эшитиб югуриб чиқдиларми, — номаълум эди. Уларнинг кўпчилиги ҳангоматалаб кишилар эди — ҳангоматалабнинг катта-кичиги бўлмас экан.

Бет-қўлларини чанг босган, эшигига хала уриб, бир коса муздеккина айронни кўз олдига келтириб, ширин энтикиш билан кетаётган подачи Тўйчи одамларни кўриб ажабсинганича тўхтади. Воқеани англагач, эшакдан сакраб тушиб, таёғини ўқталди:

— Ҳа-а, бойваччалар... Кап-катта йигитлар-а... Муаллимликка ўқитяпти яна давлат буларни... Ҳе-е!..

Одамлар Тўйчини довдирроқ деб ўйлашар, бу боис унинг ҳаракатларидан лабларига табассум ёйиларди. Кексалардан баъзиларий унга қўшилишди:

— Қўйинглар-ей...

— Яна булар эрта-индин келиб болаларга тарбия беришар эмиш...

Саид қонаган бурнини кафтининг орқаси билан артаркан:

— Бундан сўнг институтда ўқишингни ўйлаб қўй! — дерди кўзлари бежо бўлиб.

— Тоғанг тугул пайғамбарингга ишонмайсанми! — Маҳмуднинг кўзларидаги сўнгсиз нафрат отилиб чиққудек эди.

Кўкда юлдузлар битта-битта чарақлай бошлаган, оймома тунги сафарга йўл олган, қишлоқ сукунат қўйнида. Бу сафарги кинони кўрмагани Жавлонга бир оз алам қилди, лекин у ғалабадан масрур эди...

Қаердадир бузоқ маърайди. Итлар акиллар, чигиртка чириллар, ой заминга сутдек нур қуяр, юлдузлар чарақлар, тоғлар... қовоқ солиб турардилар...

Овқат устида чурқ этишмади...

Мастура опа дам ўғли Маҳмудга, дам эрига қараб оғиз жуфтламоқчи бўлар, лекин катта чўп қошиқ билан хўриллатиб угра оши ичаётган Мансур аканинг қовоқ-тумшуги осилганиданми, чурқ этмасди.

Жавлон пастда, кўрпаси олиб ташланган танчага суяниб, уйқузираганча ўтирарди. Опаси бугун чарчаб келганидан аллақачон айвонга чиқиб ухлаб қолган. Хонада сут ва жун ҳиди анқир, дераза ёнига осиб қўйилган бир даста исириқ остидаги репродуктор гўнғилларди. Ниҳоят, Мансур ака бўш косани дастурхоҳ четига суриб қўйиб, белбоғининг қатидан носқовоғини чиқарди.

— Ҳм-м... Суянчигим бор деб, оғзига келганини қайтармайдиган, билган номаъқулчилигини қиладиган бўлипти-да, — деди у, ўзига-ўзи гапираётгандек.

— Ислом муаллимнинг отаси қазо қилаётганида ёнида ўтириб чиққандингиз, ҳеч кими йўқ эди, ўлимини маҳалла баобрў қилганди, — гап қўшди Мастура опа нимагадир ишора қилиб.

— Сен ҳам қизиқ экансан, — Мансур ака асабий ҳолда кафтига тўлдириб нос ташлади. — Отасида пул йўқ эди, лекин худо раҳмат қилгур имонли, оқибатли, бутун одам эди...

— Одамни устида ўлиб қоларди-я, — Мастура опа хўрсинди.

— Э-э! Унақа одамлар дунёга бир марта келади, — Мансур ака дераза томон юраётиб сўзини давом эттирди: — Жон қўшни эди!..

Жавлоннинг кўз олди жимирлаша бошлади — уйқу элитмоқда эди. Хаёлида ҳасса ушлаган, оппоқ соқолли, чопонини елкасига ташлаб, бир оз энгашиб келаётган Қурбон ота намоён бўлди... У ўғли Ислом муаллимга ўкрайиб-ўкрайиб қарармиш, лекин ҳеч нарса демасмиш...

Жавлон чўчиб кўзини очди, аланглаб қолди.

— Тур, ёт энди, ўғлим. Сахармардондан санқийсан... Ўлмагур Мавжуда яна ишга етаклаб борганини... — онаси унинг бошини меҳр билан силади.

Маҳмуд акаси ҳам китобини кўтарганча хонасига кириб кетди. У ерда алламаҳалгача чироқ ўчмади. Жавлон пастаккина том устига солинган кўрпа орасига кирганида кипригига илиниб турган уйқу ўчди.

Сокин кеча... Дарахтларнинг ёир-бирларига ниманидир шитир-шитир шивирлашлари анҳорнинг шовуллашига қўшилиб кетади. Юлдузлар бодраб турибди. Ўзга макон орузида тўдасидан ажраб чиққанлари тақдирнинг отган ўқидек қоронғилик қаърига сингади, ингичка тилларанг из қолади ортидан, у ҳам дарров симобдек эрийди...

Маҳмуд акасининг хонасида чироқ ҳамон ёниқ. Мастура опа қўлини қовуштириб, аста-секин қадам ташлаганича ўша хона деразаси остига икки-уч марта бориб келди...

Анҳор шовуллайди, юлдузлар ёнади, шамол қуруқ ёвшаннинг ҳидини аллақаерлардан олиб келиб димоққа уради...

Мастура опа ухлолмайди — Маҳмуд уйғоқ...

Анча фурсат ўтгач сўри гижирлайди, Мансур ака ҳам бедор...

Тўнини елкасига ташлаб, Маҳмуднинг олдига киради... чироқ ўчади...

Қоронғилик ва сукунат. Коинот салтанатига ҳукмрон фақат юлдузлар. Маҳмуд томга чиқиб келди, Жавлоннинг ёнига ётаётгани унинг кўзлари мўлтираб турганини кўрди.

— Ҳали ухлаганинг йўқми?

Маҳмуд акаси индамай қафтларини бошининг остига қўйиб ётдида, жим бўлди... Жавлон: «Нима учун акам хафаҳол? Ахир у енгилгани йўқ-ку?! Еки Саиднинг тоғаси ҳақиқатдан ҳам уни ўқишдан ҳайдаб юборармикан?!» — дея ўй сурарди.

— Ака, Ислом муаллимнинг ўзини институтдан ҳайдаб юборишса зўр бўларди-а? — шивирлади у.

— Ухла, — Маҳмуд кўрпани бошига тортди.

Бари бир ухлай олмади.

...Жавлоннинг коптоғи бир куни қўшнилари Ислом муаллимникига тушиб кетгани, коптокни олгани кирганда Ислом муаллим олдига солиб, лапанглай-лапанглай қувганди. Жавлон пириллаб қочган, кейин хўрлиги келиб: «Катта бўлсам адабингни бераман», — деб яниган эди.

Жавлон томда кўрпада ётиб шуларни ўйлар, Ислом муаллимга ҳам, Саидга нисбатан ҳам қалбининг қат-қатларида сўнгсиз нафрат уйғонарди. У бир вақт уйқусираб: «Катта бўлсам, албатта, албатта, ҳамма нарсани билиб оламан, акажон»... — дея пичирлади.

Уфқда қип-қизил чизиқ ҳосил бўлди. Булутлар орасидан бир қисми кўриниб турган қуёш тараша чўғидек... Булутлар ҳам қизғиш тус олган, улар қимир этмайди...

Жавлон маъюс ҳолда ўрнидан туриб, чопонини елкасига ташлади ва шийпон томон юрди. Болалар жуфт-жуфт бўлиб сигарет тутатиб юришарди. У пахтага кечагина келган ғарб адабиёти ўқитувчиси Султоновга тўқнаш келиб қолди.

— Ҳаво очилиб кетадиган кўринади-а? — деди у мамнун қиёфада. Унинг, аллақачерларни айланиб келаётган бўлса керак, шими почалари лой эди. Жавлон жавобан жилмайиб бош ирғади.

Жавлон Юлдузнинг пахтасини ҳам ўзиникига қўшиб, торттиргани борди. Хирмон бошида турган Нусрат қулоғига шивирлади:

— Кетмай туринг, гап бор!

Жавлон тозалагичдан чиққан хирмон устига келиб ўтирди. Нусрат ҳам унинг ёнига жойлашди. Улар иккаласи бир квартирада ётишгани учунми, Нусрат бирор ишга қўл урмоқчи бўлса Жавлон билан маслаҳатлашиб оларди. У бир пас чайналди-да, сўнг айтди:

— Замдекан бригадирнинг ишини тўғрилаб беринг, деди...

Жавлон ярқ этиб унга қаради, кўз қорачиқлари кенгайиб кетди:

— Нима... дедингиз?

— Индамадим. Ҳа, айтмоқчи, замдеканнинг ўзи бу ишлардан четда эмиш.

— Бўлмаса нега тайинлаб кетди, деяпсиз?

— Тайинлади... Бошқалар буни сезмасликлари керакмиш...

Жавлон ўрнидан туриб кетаёзди: «Оббо муттаҳамлар-ей!»

Бригада планининг тўлишига бир баҳъя қолганди, ёмғир қуйиб берди. Плани тўлғаза олмайман, деган ташвишда қолган бригадир пахта пунктдан намлик, гард, хас-чўп деб чиқитга чиқарилган процентлар ҳисобидаги пахтадан ўн беш тоннасини қинғир йўллар билан пунктдаги «каламушлардан» сотиб олган... Шуни болаларнинг номига бўлиб ёзиш керак экан, пулини бригадир олармиш... Тунов куни бригадир Нусратга шу гапни айтганда, у: «Ўқитувчилар билиб қолишса бошим балога қолади», — деб қутулган экан, энди деканнинг ўзи ўртага тушибди. Буёғи қандоқ бўлди — айиқ кўпу асал оз.

Айтганча, бу ерда декан нима қилиб юрибди? Еки унинг ҳам «оғзи қулфланиб, қўл-оёғи кишанланганмикан?!»

— Декан ҳам бригадир билан ҳамтовоқ экан-да?! — нафрат билан шивирлади Жавлон.

— Йўқ, — Нусратнинг юзига лов этиб қон югурди. — Фош бўлишимиздан қўрқяпти?

— Нега? Нега қўрқади? — Жавлон бақириб юборди. — Биз пахтани меҳнат билан терганмиз-ку?!

— Ҳисоботлар ректоратга амалдагидан кўра кўп кетган... Бригадирнинг сотиб олган пахтасини нарядларга қўшиб ёзмасак, «терган падборимиз»дан зўрға ўтгиз, ўтгиз беш процент соф пахта чиқади. Бригадир пахта сотиб олишни олдиндан мўлжаллаган шекилли, кейинги кунларда ҳар куни сводкага беш-олти тонна қўшиб берарди, ўшаларнинг ҳаммасини болаларга тақсимлаб юборганман.

Жавлоннинг кўзларида ғазаб чарақлади:

— Боплабсиз-ку, огайни! — Жавлон шахт билан ўрнидан туриб кетди. Нусрат сезмай қолди, бошини ердан кўтаролмай ўтирганича ўтириб қолди.

Жавлон болалигини эслади. Кечки овқатдан кейин онаси танча устига бир тоғора кўсак олиб келиб тўқар, ҳаммалари, дадаси ҳам носвой отиб олиб кўсак чувирди. Ким кўп чувиса олқишга сазовор бўларди.

Бу иш ярим кечагача давом этар, аяси эртақлар айтиб ўтирар, сўнгра уларни «мукофотлаб» танча устига майиз, туршак сочиб ташларди... Эҳ-ҳ! Нимасини айтасиз, киши улғаявергач уйдан, болалигидан йироқлашавергач ўша дамларни қадрдон одамларни қўмсайверар экансиз. Ҳеч бир нарса ўша дамлардагидек қувонч, бахт ҳада этолмаса керак.

Энкайганча пахта териб бораётган Жавлон қаддини тиклаб, хўрсиниб қўйди. У теваракка аланглаб Юлдузни топди. У аслида ёнгинасидаги эгат ичида ўтирган экан. Жавлон унинг ёнига ўтиб, қаршисига чўккалади. Юлдуз эса нималарнидир ўйлаётган бўлса керак, Жавлонга хомуш назар ташлаб:

— Бола бўлиб қолишни истайсизми? — деди.

— Халиям боламан-ку, — Жавлон жилмайди.

— Ие, анаву кишини! — Юлдуз кўзини сузиб қиё боқди.

Жимлик. Юлдуз ерга қараганча пахта титар, юзлари оқариб, ёноқлари ичига тортиб кетганди. Жавлон ҳам нима деярини билмай, оғзига талқон солганича ўтирарди.

— Мен жуда-жуда хоҳлайман, — Юлдуз бошини илкис кўтарди. — Неғалигини ўзим ҳам билмайман-у, лекин... — у зўрма-зўраки кулди, кўзлари янада ғамгинлашди. — Дадамлар эрмак бўлсин, деб кичкинагина бузоқча олиб бергандилар... Ҳар куни етаклаб чиқиб, ариқ бўйларида ўтлатардим, бирам яхши кўрардимки бузоқчамни... Анвар деган бола... мопедининг рулига бузоқчанинг арқонини боғлаб, мени орқасига миндириб оларди...

Юлдузнинг кўзлари порлаб чарақлаб кетди. Жавлон хуруж қилаётган ички тугёндан ўзини зўрға босиб турар, Юлдуз эса гапида давом этар эди. Аллақандай бузоқча... Аллақандай мопед... Аллақандай Анвар... Дадасининг аллақандай меҳр билан суйиб, эркалашлари... О, Юлдуз! Сен Жавлонни болалиқ дунёсидан тортиб олган, уни катталардек хаёл суришга ўргатган хўрликлар борлигини билмайсан. Сен масъум, бегубор гўдаксан ҳали...

Юлдуз тиззаларини қучоқлаб, мунғайиб ўтириб олганди — гўё кичкина қизчадек...

Далада ҳеч ким қолмаганди.

Кўр ойдин...

Жавлон ёлғиз ўзи бедапоя четидаги йўлдан кетаётган эди. Олма остидан чиқаётган гангир-гунгур товуш унинг хаёлини бўлиб, эътиборини тортди:

— Орқангиздан югуравериб оёқларим толиб кетди, — бу Иброҳимовнинг овози эканини дарҳол таниди. У бирдан «сен» сирашга ўтди. Товуши хириллаб чиқди. — Институтга киришингда имтиҳон, заҳётларингга югуравериб ўпкам ҳалқумимга келган-а...

Олма остидан икки шарпа чиқди.

— Кеч бўлди, кетамиз, — Жавлон курсдоши Назокатнинг товуши-ни ҳам таниди.

— Қаёққа? Қаёққа жон... жонгинам?! — Иброҳимовнинг овози титраб, қовжираб чиқди. — Болаларга парво қилманг, ҳаммаси қўлимда...

Иброҳимов унга яқинлашди.

— Қўйинг... Қўйи-и-инг... Кўри-и-иб қолишади, — Назокат ўзини нозу карашма билан «ҳимоя» қилар эди.

Жавлоннинг вужуди қалтираб кетди...

Ташқарида шамол: дарахт шоҳларини юлқийди, ув тортади. Барг, хас-хашакларни учиради, гўза шоҳларини силкитади, кишининг ғариб ва шумшук ҳиссиётларини алла қаерлардан ҳайдаб келгандек бўлади. Шийпонда эса учинчи курс студентларининг комсомол йиғилиши бошланмоқчи. Жавлоннинг курсдошлари икки четга йиғиб қўйилган кўрпалар устида бамайлихотир ўтиришибди.

Тўрдаги қатор стулларда эса домлалар жойлашишган. Проректор Еқуб Ғуломовичнинг серажин юзлари азобли, хаёлчан; декан ўринбосари Иброҳимовнинг кўзлари қизариб кетган.

«Ҳаммаси бамайлихотир, — Жавлоннинг қуюнли ўйлари орасидан шу фикр учқунланиб ўтди. — Дам олиб ўтиришганига балки шодмон бўлишаётгандир?!»

Группа комсорги Юлдузга сўз берганда, у ўртага чиқиб бирпас бошини энгаштириб турди-да: «Мен... мен... бу мажлисни олиб бормайман», дея йиғламсираганча чопиб бориб жойига ўтирди. Жавлоннинг юрагида ой балққандек бўлди, у ҳатто бир оз тетиклашди ҳам.

— Ие, қизиқ бўлди-ку! — ҳаңг-манг бўлиб қолган Иброҳимов болаларга аланг-жаланг назар ташлаб сўз қўшди: — Комсорг ёрдамчиси олиб борсин бўлмаса.

Юлдузнинг ёрдамчиси Ойдин: «Навбатдан ташқари группа мажлисини очиқ деб эълон қиламан... Қарши, бетараф... Йўқ... Кўриладиган масала битта: учинчи курс студенти Жавлон Исабевнинг ахлоқ-одобини муҳокама қилиш. Қарши, бетараф... Йўқ...» деган сўзлар билан мажлисни очди.

Жавлоннинг пешонаси терчилади, негадир томирларидаги қон совиб қолгандек бўлди. Мажлисида унинг фақат вужуди ўтирар, руҳи эса... аллақаерларда саросар кезарди.

Биринчи курсда эди. Апрель. Ҳаво биллурдай. Деразадан нилий осмоннинг бир парчаси кўриниб турибди. Остига тахта ташланган шинамгина уйча. Эшик ёнидаги алмисоқдан қолган тумбочка устида жўмраги учган чойнак, газета парчасига ўраб қўйилган қотган нон, оқ қанд.

Жавлон кўрпачада қўлларига бошини қўйганича ўша бир парча осмонга термилиб ётибди.

Тепаликда тўпланган одамлар, сочларига толбаргак таққан қизалоқлар, яктақларининг олдини очиб олган кўкракдор йигитлар, юзлари мулойим, очиқ, меҳрибон кўзларидан нур ёғилаётган чоллар, кампирлар чалпақпазонга тўп-тўп бўлиб чиқишган...

Ўзбекнинг одатига кўра қўш чиқариш қишлоқларда доимо шунақа байрамга айланиб кетади: ўша куни қизларнинг ўсма қўйилган қошлари-ю, сурма тортилган кўзлари бошқача ёнади. Кексаларнинг назарида ҳаётлари энди бошланаётган кундек туюлади шу кун. Йигитлар ғайратлари жўш уриб улоқ чопишади. Ҳозир қўш йўқ бўлиб

кетганига қарамай, кексалар тракторчиларга оқ йўл, барака тилашади ва бунини «қўш чиқариш» дейишаверади, тракторчилар эса далага, чалпақпазонга келган чалпақлардан олиб кетишади...

...Тўсатдан очилган эшик Жавлоннинг хаёлини ипи узилган тасбиҳ доналардек сочиб юборди. Ҳовлиқиб кириб келган Ҳасан қўлини ҳавода силкитди:

— Етибсизми-и, хаёл сури-и-и-и?! Туринг-э! Бугун лола сайлига чиқмоқчи эдик-ку?!

Жавлон Ҳасаннинг шодонлик барқ уриб турган чеҳрасига ялт этиб қаради.

— Фақат ўзимизми? — сўроғига жавоб ҳам кутмай ўрнидан турди ва кийина бошлади.

— Шу-у, табиатни бир кўрсангиз эди, — Ҳасан қўллари кўтариб сархуш ҳолда сўйлай кетди. — О-о, таърифи йўқ, таърифи йўқ! Лолалар бурун қонига чўмилиб олгандек, чучмомалар онаси ўпмаган қиздек бош эгиб, маъюсгина туришганининг ўзи бир олам! Сувлар... шаффоф! Ариқлар қиз сочидек тўлғана-тўлғана кўнгилини кеткизиб оқишини кўрсангиз эди!..

— Бўпти, кўрамыз, — Жавлон унга эргашиб ташқари чиқди.

Етоқхона ҳовлисидаги олчалар гиж-гиж гуллаган. Қуёш саёхатга отланган кемадек қиз-қизил байроғини кўтармоқда. Болалар, қизлар жамулжам. Юлдуз ҳам кўғирчоқдек бўлиб олибди. У узоқдан Жавлонга майин табассум ҳадя қилиб, сўрашган бўлди... Автобус келди. Шофёрга яқин жойда ўтирган Очил қўли билан имлаб, уларни чақирди:

— Қани-и, ҳо-о-й, келингла-ар! Кун исиб кетади-я...

Жўнашди. Шаҳардан чиқишлари билан намхуш ҳаво димоққа гуп этиб майса ҳидини урди. Автобус товланиб турган баҳмал тепаликлардан чирмашди.

Ойнасувга этиб келишди. Қишлоқ кўчалари намчил, пахса деворлар қорайиброқ кўринади. Ҳовлилардан атрофга гул ҳиди таралади, булбул чақчақлайди. Табиат: «Бахт... ба-а-ахт... ба-а-а-ахт» дея қулоқларингга шивирлаётгандек бўлади...

Қишлоқнинг ўртасидан кўпикланиб, тошлар «панжа»сидан олиб чиқиб, қирғоқларига сутдек тошиб чиқаётган сой суви муздек. Жарлик четида томирлари очилиб қолган сада, жийдалар тарвақайлаб кетган. Ҳаво худди ушлаб кўришининг мумкиндек, чертсанг чинни каби жаранг берадигандек...

Шох-шабба бостириб қўйилган кўприк устида сигир туёгининг излари, тупроқ, тезак қоришиб, айқаш-уйқаш бўлиб этибди. Кўприкдан ҳам ўтишди. Кичик-кичик тепаликлар, кенг адир бошланди.

Очил қишлоқдан бир чолнинг эшагини сўраб олганди, анча олдинлаб кетибди. У хуржунга озиқ-овқатларни солиб олган. Унга қараб, қизлар умрларида эшак кўрмагандек қиқир-қиқир кулишади.

Лекин унинг қалбини шу ондаёқ аллақандай маъсумлик қуршаб олди. У олисларга лоқайд назар ташлаб бораётгандек кўринса ҳам юраги гупурар, гупурар эди. Кўзларини яқинлашиб қолган, қўнғир тўсли... йўқ, йўқ, тошлардан эмас, тоғлардан узолмасди. Тоғлар!.. Уни «болам», «бўтам» деган, ўстирган, қалб берган тоғлар!..

Адирнинг тоғ билан тутаниб кетган жойида деворлари бузилиб кетган хароба кўринди — илгари қўтон бўлган чамаси, ичини тизза бўйи жавдари босган.

Бирдан Назокат «вуй» деб юборди ва чопиб кетди. Жавлон унинг бунчалик ҳайратомуз хитобидан ажабланиб боқди ва ногоҳ... кўм-кўк майсалар ичида қабарик шишадек осмон нурларини бир нуқтага йиққан қуёш каби оловланиб турган лолага кўзи тушди ва англади... Юраги қалқиб кетди. Назокатнинг ортидан ғайришуурий равишда югурди.

— Юлманг! — Жавлон шундай дейиши билан Назокат ялт этиб

ўғирилди — қўллари эндигина пастга чўзилаётган эди унинг... Лола...

Жавлоннинг ёдида: қишлоқларига ҳам лола сайлига шаҳардан одамлар чиқишарди. У бир куни эшакка меш ортиб сувга чиқди. Булоқ бўйида бир киши калласини ҳам қилиб, маъюс ўтирарди. Жавлон таниди: у адабиёт ўқитувчиси Шомурод ака эди. Жавлон ҳайрон бўлди. Шомурод аканинг қўлида бир даста сўлган лола қалт-қалт титрар, ўқитувчининг кўзларида... аламга, ҳасратга тўлиқ ифода акс этарди.

— Қара... Тирик эди-я булар... Ўлдиришибди, ўлдиришибди... Ўлдиришибди!.. — у гўё Жавлоннинг борлигини ҳам унутгандек, қўлларини телбаларча кўтариб силкитарди. Жавлон хангу манг бўлиб қолганди.

Жавлоннинг адабиётга ҳавасини уйғотган ўша киши эмасмиди?! Табиатни, гўзалликни оёқ ости қиладиганлар ҳақида нафратли ҳикоялар сўзлаб, тирикликнинг қанақа бўлишини кўрсатган ўша эмасмиди?!

— Юлманг! — такрорлади Жавлон, Назокатнинг қаршисида туриб. — Ахир, тирик лолани ўлдириб... кейин сўлади. Оёқ остига ташлайсиз.

— Э-э... анаву кишини, нега келганмиз бўлмаса бу ерга? — пичинг аралаш минғирлади Назокат, ҳар қолда қўлини тортди, лолани, узишга журъат этмади.

Жавлон хаёл билан аста-секин қоя остига етиб келганини сезмай қолди. Қўтир қоялар ҳайбат билан боқиб туришар, уларнинг кўксигаги ям-яшил арчалар қорайиб кўринарди. Жавлон костюмини пастда қолдириб, юқорига чиқа бошлади. Тошлар орасидан ўтиб бораркан, шохлари тарвақайлаб, «чайла» ҳосил қилган арча остидаги бир дона лолага кўзи тушди. Борди. Суқ билан тикилиб, баҳмал баргларига лабларини теккизди. Вужудини мастона туйғу қоплади — у барча ғуборлардан, кўнгилхираликлардан кутулгандек эди. Кўзидан сизган тиниқ ёш ёноқларидан думалаб, лола тубидаги қора доғга тушди. Қизик, лола ҳам юракка ўхшаркан — ҳасрати тубида. Жавлон қоя тепасига кўтарилганда уни жиққа тер босган, хансирар эди... Текисроқ ҳарсангга чалқанча ётиб нафасини ростлади.

Пастда курсдошлари магнитофон қўйишиб, ўйинга тушишар, қийқиришар, ўз дилларини сарафроз этардилар. Булоқ бошида бир даста лола ётарди — сўлиб...

— Ошга-а кели-и-инг! — пешонасини қизлар дурраси билан танғиб олган Очил қичқирди.

— Егим йўқ, — Жавлоннинг қорни сурнай чалиб турган бўлса ҳам, иштаҳаси ғипна бўғилди. Шундай гул-лолаларни узган қўллар билан бирга ош ейдими?

У яна тоққа чиқиб кетмоқчи бўлиб орқасига бурилди, мовий тубсиз осмонга тўйиб-тўйиб боққиси, дил тебранишларига қулоқ солиб ётгиси келди. Тоғлари, тубсиз осмони, маъсум чечаклари уни «кўлмак» давраларга қўл силташга ундаб, бир қўшиқ куйлаб тургандек эди: «Йигитлик фаслига қўйсангу қадам, эзгулик нелигин билмасанг! Дўстларинг кимлигин билмасанг!.. Маъсума гулларга солсанг чанг, чечаклар орзусин ўлдирсанг! Онанг — табиат! Синглинг — гуллар! Қалбида бир олам нафрат ва алам! Улар қақшаб дейди: «Оппок орзуларга бўлдинг-а завол...»

Жавлон чўққиларга чиқса, ўзининг оппоқ дунёсига яқинлашгандек бўларди.

— Унга бирор нарса бўлганми? — орқадан Очил тўнғиллади, кейин у чопиб келиб Жавлоннинг билагидан ушлади, ҳайратомуз тикилди. — Ахир пул қўшгансиз-ку?

Жавлон ялт этиб ўғирилди. Узининг пок, оппоқ оламини ингичка мўйловли, ҳамма нарсани пулга чақувчи шу олифта булғаётгандек, топтаётгандек бўлиб туюлди. Ҳатто кўксигаги юрагини... Жавлон лабларини тишлаган ҳолда бор иродасини тўплаб ортига бурилиб, кета бошлади.

— Мен сизни бунақа эканлигингизни билмабман! — орқасидан Очил бақириб қолди.

— Сен қайдан биласан мени, — Жавлон аламли шивирлар, бўғзига нимадир тиқиларди. Шунга қарамай қадамини тобора тезлатар; қаёққа, нима учун кетаётганлигини билмас, дарадан дарага ўтиб юрган акс садо гўё: «Се-ен қа-а-ай-да-ан била-а-а-а-са-ан?...» — деяётгандек эди.

— Сўз группа профорги Очил Кимсановга!

— Ўртоқлар! — Очил ўртага чиқиб, гап бошлади. — Мен Жавлондан бундай худбинликни кутмагандим. Назокатдай қиз болага қўл кўтариши, бу студент... йигит киши шаънига иснод-ку! Тасаввур этиш қийин, ўртоқлар.

У Жавлонга голибона тикилди: жиркангандай лабини бурди. Жавлоннинг юзига лоп этиб қон урилди, ўзини зўр-базўр босиб ўтирар, боши ҳам эди.

— Студент Жавлон Исабоевнинг қанақа одам эканлиги биринчи курс эканлигимиздаёқ, лола сайлида маълум бўлганди, — Хуринисонинг лаби-лабига тегмас, ғилай кўзини баттар қисиб, калта қўллари билан ҳавони кесиб-кесиб гапирарди. — Аммо нега уни ҳеч ким тергамайди? Эр хотинига қўл кўтарса қонун бўйича фалон йилга ҳукм қилинади. Назокат Исабоевга ким бўпти?! Менинг таклифим, унга қонуний жазо бериш керак!..

«Жазо» дея шивирлади Жавлон. Шунда негадир кўз ўнгига Назокат келди.

Қадди-баста келишган бўлгани учун Назокат дарров кўзга ташланар, кўчада кетаётганида, ҳатто, қизлар ҳам унга ихтиёрсиз равишда ўгирилиб қарашарди. Иброҳимов институтга келган биринчи кундаёқ уни кўз остига олиб қўйгани маълум.

— Менинг раҳбарлигимда шунақа ҳодиса бўлганидан ерга кириб кетай деяпман. Аммо у бу ишни кимга суяниб қилган, бизни масаланинг шу томони қизиқтиради...

Жавлон ярқ этиб унга қаради. Вужудининг энг ингичка торлари ҳам таранглашиб, кўзларида қора аланга ёрқинлашди:

— Менинг суянчиғим — ўз виждоним, — деди у ўрнидан шахд тураркан, кўзларини Иброҳимовга қадаб. — Ўғрининг чўпдан ҳам ҳадиги бор, деган гап бор... Сиз менинг кимга суянишимни суриштирмай қўяқолинг. Аксинча, ўзингиз кимларга суянчиқ бўлиб келганингизни айтинг...

— Сен ўз ишингни, ўз ахлоқсизлигингни гапир! — унинг тили шундан бошқасига айланмасди.

— Ҳаммани ўзингиз сингари ҳаромхўр қилмоқчимисиз, — Жавлон тутоқиб кетди. — Бригадир сизни нима билан мукофотлади? Машина олиб беришга ваъда бергандир-да! Сохта ведомостлар туздиришингизни билинг!

— Ёлғон! — Иброҳимов ўзини йўқотиб қўйди.

— Нусрат айтсин ёлғон бўлса! — Жавлон ўтирганларга аланг-жалам боқди.

Бурчакда дафтар ушлаб ўтирган Нусрат қип-қизариб кетди. Кўзларида Жавлондан норозилиги очиқ-ойдин акс эди.

— Сен гапни чалғитма! — бақириб юборди Иброҳимов. — Ҳозир комсомоллар мажлиси. — Комсомол аъзоси Жавлон Исабоевнинг ахлоқига доир масала кўриляпти. Сен нега Худоёровага қўл кўтардинг? Шунга айт!

— Ҳа, айтсин!.. — Хуринисо шундай чинқирдики, зўриққанидан ғилай кўзлари олайиб кетди.

Жавлон ўрнидан турди. Хаёлида кечаги воқеалар...

Эрталаб Жавлонни Султонов «қасри олий»га чақиртирди. Жавлон унинг ўқлоғидай-ўқлоғидай бўртган бўйин томирларига, ҳорғин

кўзлари остида салқиб турган қорамтир «халтача» ларига, терчилаган манглайига зеҳн солиб қараркан, ўзини кулгидан зўрга тийиб турарди.

— Исабоев... Бугун ишга чиқмасангиз ҳам майли, — Султонов калласини хиёл энгаштирди, бети тиришди, кўллари билан қорнини чангаллади, овози хасталаниб чиқди. — Бугдой қовурмоч топиб келасиз, илтимос энди-и...

«Оббо! Бугдой қовурмочни қаердан топаман?» Жавлоннинг боши қотди, кўллари икки ёнга шалвираб тушди, калласини ҳам қилганича шийпондан чиқди. Йўл четида ўй-хаёлга ботиб, ариқ бўйидаги чирмашиб ўсган ажриққа паришон назар ташлаганча ер чизиб кетаркан, хаёлини момақаймоқ попугидек тўзгитиб қулоғига жангдор товуш урилди. Жавлон ток ургандек сесканиб кетди.

— Ҳо-о, акоси, йўл бўлсин! — пайкал четидаги тележкага пахта босаётган Ҳамдам ака кўл кўтариб, унга кафтини кўрсатди — аҳволини сўраган, ўзининг тинчлигини билдирган бўлди.

Пастда уч-тўрт киши куймаланиб, тракторнинг «паншаха» сига пахта тикишарди. Жавлон Ҳамдам акага жавобан кўлини кўтараётиб, хаёлига илкис келган фикрдан танасига сиғмай, эгат оралаганча ўша томонга кетди. Ҳамдам ака қотиб-қотиб кулди, қорнини ушлаб, бир зум ўзини тутмоқчи бўлар, лекин Султоновнинг аҳволини кўз олдига келтирибми, яна хохоларди:

— Ҳа-ҳа-ҳа! Оббо-о, муаллим-э! Аҳвол бад бўган экан-да! Ва-ха-ха-ха! Оббо-о... Оббо муаллим тушмагур-ей, давосиниям билади экан-да! Ва-ха-ха-ха! Намозгарда уйга бор, уко, янганг «дори» ни тайёрлаб беради! Ҳа-ҳа-ҳа!..

Жавлон Султоновга хабар бериб қўйиш учун изига қайтди. Шийпон остонасига қадам қўйди-ю, бети тиришиб, совиб қолгандек бўлди, кўнглини аллақандай зил туйғулар қоплай бошлади... Шийпоннинг ўртасига тутилган қанор кўтариб қўйилган, қизлар «ётоғи» даги йиғиб қўйилган кўрпалар устида Назокат оёғини чалиштирганча сақич чайнаб, китоб ўқиб ўтирарди.

Жавлон Султоновнинг олдига ҳам кирмади, кетмоқчи бўлиб уч-тўрт қадам босган эдики, аллаким орқасидан келиб кўзларини беркитди. Жавлон дағал ва катта-катта бармоқларни ушлаб:

— Абдусайд, қўлингизни олинг, — деди.

Абдусайд Жавлондан икки-уч ёшлар чамаси катта бўлиб, узоқ тоғли кишлоқдан ўқишга келган. У дангаллиги, чўрткесарлиги билан Жавлонга ёқар, айниқса турмуш қийинчиликларидан ҳам анча татиб кўрганлигидан Жавлон уни чуқур ҳурмат қиларди. Абдусайд ҳам ўзига билдирилган эҳтиромга яраша Жавлонни укасидай кўрар эди, ҳатто айрим пайларда унга йўл-йўриқлар кўрсатишга ҳам ҳадди сиғарди... Жавлон Абдусайднинг мўмин, беозор боқиб турган кўзларига қараб:

— Анаву нега бу ерда? — деб сўради.

— Касал эмиш, — Абдусайднинг кўзлари қисилди ва индамай картошка тўла тоғорани кўтариб ошхона тарафга кетди.

Шийпоннинг у бурчагида елкасига сочиқ ташлаб олган, майкачан ҳолда келаётган Иброҳимов пайдо бўлиши билан Жавлон болала пахта теришаётган томонга жадаллаб кетди.

Жавлон овқатланиб, Ҳамдам аканикига жўнади. Ҳамдам аканин «вақтинчалик кулбаси» — шийпондан икки чақиримча пастда, ёнида ҳовуз ҳам бор эди. Ҳовуз бўйи гир айлана мирза терак. Ҳамдам ака хали пахта пунктдан келмаган экан. Ичкарида Ҳамдам аканин оёғас билан хотини чой ичиб ўтиришарди. Уйнинг тўрига қўйилган кўрпача сандиқ устида беш-олтита кўрпа, ёстиқ, кўрпачалар тахланган, сават ёнида кампирнинг нос шишаси думалаб ётарди.

«Ҳамдам акани яхши кўриб теккан хотини» — Адолат мўминидан туриб, Жавлонни кутиб олди, кампир бир қўзғалиб кўрпачани меҳмон пўстак устига чўккалаши билан дуои фотиҳани...

— Илоё, давлатимизнинг умри узоқ, бойлиги бисёр, боши тошдан бўлсин. Бахтгиналаринг очилсин, завол топмай ўсинглар, унинглар! Омин, оллоху акбар!

Кампир сиполик билан юзини силаб қўйди ва докарўмолини орқага ташлаб, Жавлондан қайта-қайта ҳол-аҳвол сўрай бошлади.

...Адолат опа ошхонада паст-баланд бўлиб турган қопчалардан бирининг оғзини очиб, товоққа буғдой олди. Жавлон кампирнинг илтмоси билан ҳовуз бўйидан қизлар ҳапкак ўйнайдиган тошчалардан ҳам майдароқларини бир ҳовуч қилиб терди ва уларни сувга чайиб келтирди.

Учоқ остидаги тараша гуриллаб ёна бошлади. Адолат опа қип-қизариб, бўғриқиб кетган, бир тутам сочи билинар-билинемас пешонасига ёйилганди. Жавлон челакни тўнтариб ўтириб олган, буғдойнинг қасир-қасир қилиб қовурилишини завқланиб кузатарди.

Болалигида онаси, ўт юлгани кетаётганида, чўнтақларига қовурмоч тўлдириб берарди... Жавлон хаёлга шўнғиб кетган экан, Адолат опанинг қовурмочни дастурхонга қандай қилиб ўраб олганини ҳам сезмай қолди. Улар уйга киришди. Кампир Жавлоннинг пуфлай-пуфлай қовурмоч каппалашини кўриб, кемтик тишларини кўрсатганича илжайди, мамнун ҳолда Жавлонга тикилди:

— Сен ҳам ўзимизнинг қишлоқи болалардансан-а?!

— Ҳа-а...

Адолат опа эса Жавлонга тегишади, ўз қайнисидек кўриб ҳазиллашади:

— Бирортасининг этагидан тутдингми? Олиб ке, кўрайлик...

Ўзи Ҳамдам акани қандай яхши кўриб қолганини, отаси унга бермаганидан чўлга қочиб келишганини, аччиқ-аразлардан сўнг улар кечиришганини айтади, кўзларини маъюслик, кенг юзини майинлик қоплайди. Кампир кулади:

— Ота-онанг пули кўп бирорта майиб-маслиққами берарди-да! — дейди чўзиб.

— Илгариги замон ўтиб кетган, момо! — Жавлоннинг ҳам юзига беихтиёр табассум ёйилади, негадир кўз ўнгида Юлдуз намоён бўлади, шўхлиги тутади. — Ўзингиз яхши кўриб текканмисиз?

— Ҳу-у, ялпизланмай қол! — кампир ёлғондакам пўписа қилади. — Биринчисини хоҳлаб текканман, кейин... хоҳламай қўйишади...

Жавлоннинг қалбини нимадир тирнаб ўтгандек бўлади. Ахир бир хонадонда икки хил одам — икки хил олам: бир-бири билан муносабат қилиб яшашидан ҳам оғирроқ азоб бормикан!.. Нега шуни ҳамма ҳам барвақт тушуниб етмайди! Ахир эр-хотин эмас, шунчаки дўст бўлиб яшаш кераклигини, дунёга сиғмаганингда ақалли уйга сиғиш кераклигини наҳотки ҳамма ҳам тушунавермаса? Шундай энтикиб, яйраб яшашдан аллақандай чиркин туйғулар устун келса?!

Йигитнинг кўнгли бирданига хуфтон бўлди-қолди. У қовурмоч тугилган рўмолни кўтариб, шийпонга хомуш ҳолда қайтди.

Жавлон чор бурчагида хира чироқлар милтиллаб турган шийпон остонасига қадам қўйди-ю, ичкарига кирарини ҳам, кирмаслигини ҳам билолмай таққа тўхтаб қолди: кимдир қўшиқ айтарди. Бугун коинотда шу қўшиқ абадийдек, муқаддасдек. Жавлон тугунни остона четига қўйиб, секин ўз ўрнига бориб ўтирди. Сўзлар қўшиқчининг юрагидан бир оз қалтираб, титраб чиқар, ҳар қандай тошбағирни ҳам эритгудек эди.

Шу пайт хонада доиранинг тарақлаган овози эшитилди. Олис хаёлларга, эзгу туйғуларга ғарқ ҳолда ўтирган Жавлоннинг кўз ўнгида намоён бўлган онаси, онажонининг меҳрибон сиймоси чаплашиб кетди... У ўрнидан қандай қилиб туриб кетганини, эшикни қандай очганини ҳам сезмай қолди. Чамаси унинг вазоҳати қўрқувлик эди, чунки хона ўртасида чамадонини оёқлари орасига олиб, дўмбира қилиб чалаётган Ҳуринисо гилай кўзини Жавлонга тикканча қотиб қолди. Эшикнинг олдгинасида эса томоғига бинт ўраган Назокат доирани

кўтарганича, серрайиб турарди. Жавлоннинг ранги бўздек оқариб, бурун катаклари кенгайиб, ёноғи, лаблари ўзига итоат этмай пириллаб учарди.

У қайтмоқчи бўлиб, бошини бурган ҳам эдики, Назокатнинг доирани кўксига босганича «таъзим» қилаётганини ногоҳ туман ичида пайқаб қолди. Калака қилмоқда эди.

— О-о! Хўжайин бўп қоптиларми!..

Унинг овози шанғиллаб эшитилди.

Жавлон шартта ортига қайрилди. Қани эди, қани эди ўша лаънати фахш сўзни эшитмаган бўлса!

— Ҳо-о, яна нима истайдилар бу киши?! — Назокатнинг лаблари жийрилди, юзида нописандлик, одамни довдиратадиган, йўлдан адаштирадиган, гуноҳга ботирадиган чизгилар...

«Касал эмиш! Пахта териш, иш бўлса касал — шийпондан чиқмай ётади! Бировни масхара қилишга ҳаммадан зўр, касаллиги ҳам билинмайди!»

— Утган йили лола сайлига чиққанимизда ҳам менга шунақа дағдаға қилувди бу! — у миқ этмай ўтиришган дугоналарига Жавлонни кўрсатди. — Утирсам ўпоқ, турсам сўпоқ... Хотинларга ўхшаб... кутади-я!

«Пиқ» этган товўш чиқди бурчакдан... Бошқасини билмайди, бошқа нима бўлганлигини эслолмайди! «Қўл кўтардим-а? — муҳокама қиларди у. — Яхши иш бўлмади. Бироқ унинг юзи... Ҳам кўзи... Чидаш беролмадим! Касалнинг юзи ундай бўлмайди... Наҳс!..»

Ҳа у ўзини туголмай қолди. Қалбини доимо ўраб келган ҳою ҳавойиликлар, шафқатсизликлар, беҳаёликлар башарасига тарсаки туширгандек Назокатга қўл кўтарди... Қий-чув бўлиб кетди.

Жавлон икки қадам ҳам юрмасидан оёғи остига доира келиб тушди... Ташқарига чиқиб кетди. Ичкарида ҳамон ғала-ғовур, чийиллашлар эшитиларди.

«Онажон! Айт, нима қилай? Гуноҳқорман, гуноҳга ботдим! Сен менга соф бўл, покиза бўл, дердинг: инсон бўл дердинг... Энди нима қилай? Айт, онажон, сендан ўзга яқин кишим йўқ-ку, айт!»

Жавлоннинг бадани совуқ ой шуълалари остида қизир, вужуди дармонсизланиб борарди. Тушида... Онаси алла айтаётган эмиш.

«Алла!.. Гўдакдек покиза қўшиқ бу, ёки гўдакнинг софлиги ҳам шу қўшиқдан! Бобомдан ёдгорлик — кекса тол, хурмо данагию кумуш танга хаёлимда ғира-шира!»

Алла... Бу қўшиқ — сеники, аммо менгадир она! Ой нурига йўғрилган савт эрурким, инсонларнинг софлигидан, бу оламнинг поклигидан сўзлагай! Оламда яхши бор, ёмон йўқ: дунёда эзгулик бор, ёвузлик йўқ: одамлар оппоқдир, дунё ҳам шунга мос! Сўнг... Онажон, мен бирдан улғайиб қолдим!

Оҳ!.. Дунё мунча ширин, эзгулик унмоқда-ку, инсон босган изидан. Оппоқ-оппоқ оҳангларга кўмилган-ку, бу олам! Рангпаргина қизчага ҳам кўнгил бердим мен! Қўшиқ мунча ширин — дунё каби, одамлар мунча яхши...

Ногоҳ... Қўшиқ синди — гулдураклар босиб кетди ўрнини. Кўзларимда дув-дув ёш, кўксим тирналиб, йўқолган қўшиғим излайман, йўқолган қўшиқдек бўзлайман: «Топиб беринг! Топиб беринг, онажоним, менга ўша қўшиқни! Топиб беринг, топиб беринг ўша рангпаргина қизчани ҳам — мен соғинган одамни! Қаёққа йўқолди у?! Наҳотки, фақат орзуга айланди?!»

Алла... Гўдакдек покиза қўшиқ бу, ёки гўдакнинг софлиги ҳам шу қўшиқдан! Бу қўшиқ — сенингдир, аммо гўдаккадир она!

Қўшиғинг куйлайвер, ғамгинлик қўшмайин!..

Одамлардан ноёб хислат ахтармасин, изламасин: бутунича оппоқ бўлган, ноёб бўлган дунё кўрсин гўдаклар!

Кекса тол... Ёғоч бешик...

Энди мен катталарнинг қўшиғини тинглайман, катталарнинг

қўшиғидан ўз қўшиғим излайман! Қаддим дол, ўз бўйимни тиклайман! Онажон, она! Оқ йўл тила!..»

Унинг сўзларини эшитган онаси дув-дув ёш тўкармиш. «Билмасам, болам! Сен шу тахлит улғайганингдан кўра умр бўйи гўдак бўлиб қолсанг рози эдим», — дермиш.

Жавлон жунжикиб кўзини очганида бедапоя нималардир дея шитирлар, сўлғин ой денгиз юзидаги кемадек сузар, юлдузлар порлар, вужуди эса қақшарди.

У ўтирди. Шийпонда сукунат ҳукм суларди. Лекин «жабрдийдалар», айниқса, гилай кўзлари олхўридек-олхўридек чиқиб кетаётган Ҳуринисо Жавлонга совуқ тикилиб турарди. Жавлон нима қилишини билмас, хаёлан яна қишлоғига... ям-яшил ўтлоқлар, лолазорларга бурканган қишлоғига қайтиб кетмоқчи бўлар... аммо олдидан катта-катта, совуқ тошлар ўсиб чиқишини, унга йўл бермаслигини тасаввур этиб инграб юборай дерди.

Жавлон сўзламасдан олдин курсдошларининг кўпчилиги қандай серрайиб туришган бўлса, ҳозир ҳам ўша юз ифодаларини ўзгартирмай, ҳеч нимани тушунмасликни эмас, балки тушунишни истамаётганликларини зуҳур этишарди. Худди бу ерда кўксиди юраги бор, идроки ишлаб турган инсонлар эмас, аллақандай гўдайган тошлар, кесаклар қалашгандек...

Иброҳимов ўзини анча йўқотиб қўйганига, қизариб-бўзариб туришига қарамай, Жавлонга ҳужумни давом эттирди.

— Исабоевнинг худбинлиги шу ердаки, у бошқаларнинг ўйинкулги, ашула айтишга эҳтиёжларини эътиборга олмади, ўзгаларни ҳам ўз тарозусида ўлчайди. Қонун бор, уни жазолаш керак!

— Тўғри! — Ҳуринисо бир кўзини юқорига, иккинчисини пастга қилиб, ўтирган жойида чийиллади. — Жазолаш керак!

— Жазосини олсин! — қизлар орасидан яккам-дуккам овозлар кўзиқориндек потирлаб чиқди.

«Жазомни олишим керак, — ўйларди Жавлон алам билан. — ёмонлигим учун, худбинлигим, маданиятсизлигим учун жазоланишим керак. Аммо ўтирганлар-чи?!»

Ҳамма ўз дардини айтиб бўлди шекилли, яна пашша учса эшитилгудек сукунат чўкди. Ташқарида дарахт барглари орасидан ўтиб, деразадан тушиб турган куёшнинг бир тутамгина нури заиф титраб турарди.

Иброҳимов ховуридан тушди шекилли, анча босиқлик билан гапида давом этди:

— Мана-а, учинчи курс студенти ўртоқ Исабоевнинг ахлоқ-одоби бугунги комсомол мажлисида атрофлича кўриб ўтилди. Тан олиш керак, Жавлон ўқишда ёмон эмас, тузук. Аммо-лекин унинг қилган иши ҳеч студентлик шаънига тўғри келмайди. Биз ҳам студент бўлганмиз, — у лабининг бир четини очиб, тилла тишини ярақлатганча илжайиб қўйди. — «Студентлик — олтин даврим», — дейишади. Ҳозирдан ўйнаб-кулиб, хушчақчақлик қилмасангизлар эртага бошингизга оила ташвиши тушгач, «эсиз» деб қоласиз. Албатта, меъёридан чиқиб кетмаслик керак. Лекин ёшлик-да, айна олов бўлиб ёнадирган пайт...

«Ў, табиат!.. Наҳотки сен буларга шунинг учун «олов» берган бўлсанг? Ахир олов ҳаммаёқни мунаввар этиши ҳам, ёндириб, култепага айлантириши ҳам мумкин-ку?!»

— Хо-ош... Биз студенткамиз Назокат Худоёровани ҳам яхши биламиз. Ҳар йили институт бўйича бўладиган кўрик-конкурсда қатнашиб, хо-ош... Бўлиб ўтган воқеаларни эшитдик, мен Жавлон Исабоевга қандай жазо бериш лозимлигини айтишдан олдин Назокат Худоёрованинг бир-икки оғиз сўзини эшитсак деган таклиф киритаман. Шунга нима дейсизлар?

— Тўғри! — чуғурлашди ўтирганлар.

— Уз оғзи билан айтсин!

— Назокат, чиқ! — Ҳуринисо ўрнидан сакраб туриб кетай дер, калта қўлини ҳавода силқирди. — Уялиб ўтирасанми?! Айт, ҳаммасини! Қандай урганини айт! Даъво қил! Катта холасининг қизимисанки...

— Чиқ, бир бошла, Назокат...

Лаб-лунжини, бошини дурра билан ваҳимали қилиб ўраб олган Назокат пастки тарафдаги бурчакдан афтодаҳол бир қиёфада чиқди. Семинарларда, дарс пайтларида чатиб ташлангандек очилмайдиган даҳани бирдан сўкилиб кетди, худди азада дардини айтиб йиғлаётган хотиндек бидирлай бошлади:

— Қизлар секингина ашула айтиб ўтиришганди, — у заррача ҳам қизармай, ғирт ёлғон сўзлар ипида тўр тўқий бошлади. — Мен эшик олдида китоб ўқиб ўтиргандим. Энг қизиқ жойига келувдимки, зарб билан очилган эшик орқамга тегди. Ўзимни йўқотиб, қўлимдаги китоб қандай ерга тушиб кетганлигини ҳам сезмай қолдим. Ўрнимдан туришим билан манаву (у кўрсатгич бармоғи билан ерга қараб ўтирган Жавлонни кўрсатди) бетимга тарсаки туширди.

Назокат йиғлаб юборди. Иброҳимовнинг юзига қизиллик югурди, кўзларида тантана шуъласи порлади. Назокатга қўшилиб Ҳуринисо ҳам хўнграй бошлади.

Жавлон тишини-тишига босганича ўтирарди. Унга ҳозир икки дунё бирдек, ҳеч нарсанинг кераги йўқдек эди. Фақат... фақатгина ёнида бир оғиз... бир оғизгина юпатувчи сўз айтадиган, унинг дардларини, изтиробларини озгина бўлса ҳам ўзига оладиган ҳамдарад кишиси бўлса эди... Ахир шодмон кунларда қиёматгача «тутинган биродарлари» қани? Абдусайд нега қорасини кўрсатмаяпти? Улар ҳам шунчаки номигагина «дўстлашишган» экан-да? Қани Юлдуз? Нега? Нега у қалбидаги яширин туйғуларнинг бирортасига ҳам тушунмайдиганларнинг орасида писиб ўтириб олган? Ахир... ахир Жавлон унинг билан бўлган дўстлигини бир умр юрагининг тубида ҳурмат билан сақлашга ўзича аҳд қилган эди-ку?!

Ҳа, Жавлонни ёлғизлиги ҳавотирга соларди. «Балки мен хато қилаётгандирман?! Беғубор юраги билан Юлдуз ҳам жим ўтирибди-ку? Балки ноҳақдирман? Йўқ, йўқ!» «Ҳақиқат йўли — кўпчилик бораётган йўл!», — дея онаси беҳуда таъкидламаган. «Агар булар бораётган йўл ҳақ бўлса, мен бундай ҳақиқатни тан олмайман!» — шундай аламли ўйлар унинг юрагини кемирарди.

— Назокат ёлғон айтди! — Жавлон бошини кескин кўтариб, тик турган ҳолда гапирётган Юлдузга кўзи тушди. — Гарчи мен ўша ерда бўлмаган бўлсам ҳам, Жавлоннинг бекордан-бекорга қўл кўтарганига ишонмайман. Тўғри, бу даражага бормаслиги керак эди. Аммо Назокат ҳам тўғриси айтсин!

— Кўрмаган бўлсангиз, қандай билдингиз? — луқма ташлади гаразли илжайиб Иброҳимов. — Сиз ҳали Жавлон урмаган ҳам дерсиз.

— Бўлди! — декан ўрнидан туриб уларнинг сўзини кесди. — Биз Назокат Худоёрованынг сўзидан кейин мажлисни яқунламоқчийдик. Бунақада тортишув бир кундаям тамом бўлмайди. Ҳозир эса, ишга бориш керак. Жавлон Исабевнинг ахлоқсизлиги кўриб чиқилди. Мен унга қаттиқ виғвор берилиб, стипендиядан ўчирилсин, деган таклиф киритаман.

У, тўғри қилдимми, дегандай Султоновга қараб қўйди. Унинг бундай қилишининг боиси, Султонов чет эл адабиёти ўқитувчисигина эмас, факультет партия ташкилотининг секретари ҳам эди.

— Институтдан ҳайдалсин!

— Керак эмас бунақа студент!

Камсуқум, касалманд Султоновнинг ҳозир оппоқ сочлари ҳурпайиб, чакка томирлари бўрғиб кетган, бурун парраклари пир-пир учар эди. Унинг овози бўғзидан ҳирқираб, худди азоб чекаётгандек, оғир йўлларни босиб келаётгандек мажолсиз ҳолда чиқди:

— Уят эмасми? А-а, ўртоқлар, уят эмасми-и?! Одам миясини тўлдириб олган қонун-қоидалар билан эмас, қалби билан, эътиқоди билан одам... Исабоевнинг кўнглидан ҳозир нималар кечяпти экан деб бирорталарингиз ўйладингларми? Мен уни ҳеч қандай жазога лойиқ топмайман. У ўз йўлини топмоқчи бўлиб қўполлик қилган. Қани энди ҳамма ҳам қўполликлар қилиб бўлса ҳам, ўз йўлидан боришга ҳаракат қилиб, азобланиб яшаса эди...

Ҳамма ҳанг-манг бўлиб қолди. Жавлон Султоновга ялт этиб қаради.

«Тор хона. Буруқсиган тутун. Юрак типирчилайди, сигмаётгандай онам кўнглидек кенг уйимизга. Ташқарида шаррос ёмғир. Қуйилар асфальтга, лекин синголмай кетар фойдасиз ёққа...

Соғинаман... Соғинаман она — қишлоғим... Ёмғирнинг яшил бўлиб қайта туғилишини мен — тош йўлни ёриб чиқолмай нобуд бўлиб ўтти кўрганда...»

Ноябрь байрамига уч кун қолганда улар шаҳарга қайтишди. Ректоратдагилар «болалар икки кун ўқишсин, бир варакайга байрам кунларида дам олишади», — дейишибди. Шу сабабдан пахтадан келган кунларининг эртасигаёқ ўқиш бўлди.

Дарсдан қайтган Жавлон чироқни ўчириб, ўрнига кирди. Кўзига уйқу илинмади. Жунжика-жунжика санай бошлади: «Бир, икки, уч, тўрт... ўн... юз... Бир одам, икки одам, уч одам, тўрт одам... ўн одам... юз одам...» Уйқу учун кураш бошланади, аммо қалбида туйғулар баттар хуруж қилмоқда.

Охири у қийналиб, азоб билан ухлади. Алғов-далғов, пала-партиш тушлар... Онаси билан Юлдуз тушига кирибди. «Ўқиб нима қилардинг, болам, — дермиш онаси меҳрибон қўллари билан унинг сочларини сийпаб. — Рангингни саргайтириб, эзилиб юргунча тоғангни олдига келсанг-чи... Биз сенга сумалак олиб қўйгандик, келмадинг. Ахир бу нарсани шаҳарда топиб бўладими? Чалпақпазонларда сени кўп кутамиз, келмайсан. Ҳалиям, болам, тоғангни олдига кела қол. Трактор ҳайдайсан. Ҳозир, билсанг, ҳамма ерда тракторчининг обрўйи баланд. Жа-а бўлмаса кетмон чопсанг ҳам кунинг ўтар-да!»

«Онажон, гап кун ўтишидами?!» — демоқчи бўлармиш, лекин оғзи очилмас, қўл-оёқларини ҳам қимирлата олмасмиш.

«Бўлмаса гап нимада?» — дея онаси унга қараб хаста жилмайиб турганмиш... Ўғлининг кўнглидаги гапларни дарров билиб олганмиш... Худди шу пайт гуррос-гуррос бўлиб Жавлоннинг курсдошлари келиб қолганмиш, уларнинг орасида Юлдуз ҳам бор эмиш... «Бўлмаса гап нимада?» — Жавлоннинг онаси уларга ҳам шу саволни берганмиш...

Жавлон алаҳлаб уйғониб кетди. Тани қақшар, боши ғувиллар, тишлари тақилларди. У чироқни ёқиб, шошиб кийинди-да, уч-тўртта китобни портфелига жойлади ва қоронғи бўлишига қарамай, паст девордан ошиб ўтиб, йўлга тушди.

Юлдузлар жовдирарди, ой кемадек сузарди...

У қишлоққа кеч кирганда етиб келди. Оппоқ қор ҳаммаёқни қоплаган, тоғдан совуқ шамол эсиб турар, баданга игнадек санчиларди. Йўл четидаги мактаб олдида турган болалар орасидан отилиб чиққан Фаррух:

— Акам келдилар! Жавлон акам келдилар! — деб қийқирарди.

Жавлон унинг совқотган қўлчаларини кафтлари орасига олди, кип-қизариб кетган юзларидан ўпди.

Фаррух бир зумда қишлоқ янгиликларидан ҳам сўзлай бошлади. Акасининг ўғли учинчи синфда ўқийди. Уйга кириб боришганида, танча атрофида жамулжам бўлиб ўтиришган оила аъзолари қувончларини сиғдиришолмай, типирчилаб қилишди. Фаррух эса Жавлон акасини ўзи олиб келгандек фахрланиб, йўлда қандай қилиб учратиб қолганини дам бобосига, дам дадасига бирдирлаб сўзларди.

Жавлон акаси билан алламаҳалгача суҳбатлашиб ётди. «Ҳақиқат борлигини доимо ҳис этиб турсанг, қийинчиликлардан ҳам, тухматлардан ҳам ҳайиқмайсан...» Қандай ажойиб акаси бор! Кўрпа устида ўтириб, тенгдошидай билиб узоқ гаплашди. Кўзлари эса ёниб турарди. Унинг сўзлари юрагига осойишталик бахш этдими, қачон ухлаб қолганини ҳам сезмади. Уйғонганида акаси радиоприёмник овозини пасайтириб, ғамгин бир куйни тинглаётган экан. «Аллаким» дераза ойналарига оқсоч қоялар, адирларни чизиб кетганди... Жавлон қалби ажиб туйғуларга тўлиб бораётганлигини сезиб, қимирламай ётарди. Назарида, қулоқлари остида чўпон найининг садоси эшитилаётгандек, атрофга қўшиқ таралаётгандек бўлди:

«Қайнаб-қайнаб турарди булоқ, ҳу-ув, ўша адир қўйнида. Мавжланиб-мавжланиб оқарди суви, ҳу-ув, ўша адир қўйнига... Ясси тош устида бош силкир, унинг ҳаётбахш, қувончбахш сувидан баҳраманд бўлган лолалар. Булоқнинг мавжланиб турган тўлқинларига, тоғлар юксак фарзанди — табиат эркаси бўлиб яйраб-яшнаб юришига ҳасади келарди селнинг...»

Яна бир кун тургач, Жавлон шаҳарга отланди. Йўлда кетаркан, кўнгли ёқимли туйғуларга тўлиб, кўзларига ўз-ўзидан ёш келар, дарахтларнинг музлаб қолган ларзон-ларзон шохларидан, қияликда қийқиришиб чанғи учишаётган болалардан нигоҳини узгиси келмасди.

Ҳаммаёқ оппоқ, оппоқ... Ана тепалик четида Юлдуз пайдо бўлди, жилмайиб турганмиш... Лекин аллақандай ўкинч ҳам бор эмиш табассумида:

«Жавлон, мендан хафамасмисан?» «Йўқ, Юлдуз, сендан нега хафа бўлай?» Юлдуз миннатдор ҳолда бош тебратармиш: «Энди доимо сени тушунишга ҳаракат қиламан, Жавлон! Домла Султоновдан бирам уятдамизки...»

Шу пайт тепаликда Султоновнинг ўзи пайдо бўлиб қолганмиш — у ҳамон жиддий, чеҳраси маъюс, маънодор кўзларини Жавлонга тикиб турганмиш...

«Инсон тафаккури етти иқлимни забт этса-ю, бинафшанинг маъсумона бош эгганини, лоланинг кулгисини, япроқлар хазинлигини ҳис этмаса у яна ожиз ва нотавон бўлиб қолаверади. Авлодимизнинг яшаши учун ҳам шу ерни, муқаддас туйғуларимизни уларга мерос қолдирамиз, шунинг учун курашамиз! Бироқ сиз кўпчиликдан ажраб қолгандек кўринасиз менга, энди уларнинг ичига киринг, аралашинг ва бирга курашни давом эттиринг!»

Кейин... кўз ўнгида қуёш пайдо бўлди... Жилмайиб чиқиб келаётганмиш... Нидий осмон камарлари ёришиб, тиниқлашиб кетганмиш... Ҳаммаёқ нурга кўмилган, ҳаммаёқ мусаффо... Жавлон Юлдузнинг қўлидан ушлаб, оёғи ерга тегмаган ҳолда булутлардан ҳам баландроқда кетаётганмиш...



Миразиз Аъзам

МЕН ҲАМ
ШУ ҲАВОДАН
НАФАС ОЛАМАН



Терим кунлари

Қуёшли ва булутли ғанимат куз кунлари
 Ўзбекистон бир дона майдонга айланар
 чаноқ шаклидаги,
 барча сўқмоқлар туташар шу чаноққа,
 барча ариқлар оққандай бир оқимда,
 қўшилиб,
 бир оқимда оқиб келар одамлар шу чаноққа,
 кошинкор гумбаздай товланар
 барча терлар бир дона терга айланиб,
 бир жисм бўлиб қолар —
 улкан бир жисм —
 одамларнинг ҳаммаси.
 Нақадар яхши ва бахтиёр кўринар
 бу ягона жисм —
 одамларнинг ҳаммаси:
 аввалгилар каби кўниккан
 куз кунлари шундай ўтишига,
 кейингилар яна-да бахтли бўлишига ишонар,
 ортиқча ўйлашга вақти оз.
 Пахта деган илоҳий
 ўсимлик бор дунёда —
 қиймати баланд,
 қиймати жуда ҳам баланд,
 инсоннинг ўзидан кам эмас қиймати
 ва улкан жисм —
 одамларнинг ҳаммаси:
 болалар,
 ўсмирлар,
 катталар —
 келинлар, оналар, чоллар —
 белларида этак,

кифтларида қанор,
 бармоқлари
 югурар чаноқларга,
 эгилганча йўналар
 ягона оппоқ хирмон сари —
 бутун башарни кийнгиarmoқ учун,
 дунё жарга қуласа
 елкасида тутиб қолмоқчидай.
 Бу улкан жисм қаршисида,
 жимжилоқ боладай,
 кўзга кўринмасдан
 мен ҳам юраман пахтазорда,
 мен ҳам эгилганча пахта тераман
 ва гоҳо
 чаноқда ётган чигитдай,
 эвтиборга тушмай,
 жимгина чўзилиб ётиб ўйлайман:
 менинг ҳам юрагим туташ
 шу улкан одамнинг юрагига,
 мен ҳам шу ҳаводан нафас оламан,
 мен ҳам шу тупроқдан оламан қувват,
 мен ҳам баҳрамандман шу ернинг қуёшидан;
 кўраман,
 кузатаман,
 тинглайман борлиқни,
 таҳсинлар ўқийман саботи, сабрига,
 шудринлар оқиб тушар юзларимдан,
 кўзларига тикиламан
 шу улкан одамнинг,
 улкан бир муҳаббат
 куйдирар кўксимни.

Эркакча гап

— «Эркак одамнинг гапини айтмадингиз.»

«Тўғри.»

Аммо фараз қилайлик: сен ҳақсан.
 Печорин сингари Онегин ҳам
 эркакча гап айтмаган, дейлик.
 Улар ҳаётда ортиқча эдилар.

Сен ҳақсан.

Балки мен чиндан ҳам
 синиқ бир оҳангда гапиргандирман.
 Аммо бу менинг гуноҳимми?

Мен туғилиб кўз очган хона
 Муҳташам, сирланган уй эмас эди,
 ишқомлар тагида чопиб юрмадим;
 қўй-қўзилар гўшти келмади дастурхонга
 мен туғилиб ўсган бу уйда,
 Қазилар-қаргалар осилиб турмасди шипларда,
 узумлар, олма-лар товланмасди вазаларда,
 бошимда живир-живир порламаган биллур қандиллар.
 Менга алла айтмаган тиниқ мовий осмон.
 Болалигим ўтмаган эркаланиб отам билан ёнма-ён
 Қора денгиз ё Болтиқ бўйларидан.

Лекин баъзан менга жилмаярди қуёш
 Одамларнинг меҳрли юзларидан,
 хайрихоҳ кўзларидан.

Ҳароратли қўлларидан туярдим
ғўзал бир илиқлик.
Олмадай таранг қизларнинг
кўзларимга берарди англайилмас бир қувонч.
Мен нотинч ғалвали йилларда туғилдим
1936 да,

даҳшатли ва машғум даврда улғайдим
уруш йиллари.

Сен уруш нелигин биласанми?

Уруш — бу, болалик йўқ, демакдир.

Уруш — бу, саккиз яшар одамнинг қирқ саккиз яшар каби
фикрлаши демакдир.

Уруш — бу, меҳрга оч бир зотнинг, кўнгил кемтиклиги
демакдир.

Аммо шундай сахни ҳам борки
руҳий ҳаётимнинг,
бағрида оташи сақлар, ўчмас аланга,
исинтирар ўзимдай муҳтож одамларни.

Мен ҳам ёшликда гулларни севардим,
Қулоқ берардим булбуллар чаҳчаҳига,
асир бўлардим ҳайратбахш сўзларга
(не тонгим, сен ҳам кўнглимни олдинг
киши руҳининг бошқа муҳандислари каби).
Сергап бўлмас бизнинг авлод одамлари:
нимаки тўпланса ичларида,
қарсиллатиб айтадилар киши юзига
қамчига айлантириб борлари-йўқларини
ва шундай маломатли юрарлар кўпинча.
Мен ҳам кўникканман яланғоч, тўғри сўзга,
ёқтирмайман ёлғондакам, сохта сафсатани,
истаганча ураверсин ҳаётнинг ўқлари —
қайтмайман йўлимдан,
иложим йўқ.
Томоғимга тиқилдим бир сўз —
айтишим керақ,
вассалом.

Бу келиб
"Сининг дур оҳанг"
ва "кўзларини
мажюслигини" деген
ноҳил келибди.

Гўзалликни ҳамма ҳам кўравермас.
Яшамокни ҳамма ҳам англайвермас.
Зиёни йўқ.

Биров юлиб олар,
бирова юлиб берар,
бировнинг бахтини биров қора қилар,
бирова ўз бахтини ўзи кўмар.

Зиёни йўқ.
Биров янги бахт излай бошлар ҳаётдан,
бирова ортиқча сезар ўзини ҳаётда,
зиёни йўқ.

Фақат мен кўзларим мажюслигини
қайга яширишни билмайман.

Яккам-дуккам қор учқунлари
учаркан шамолларда,
анҳорлар устини босаркан
сокингина оппоқ туманлар,
кўчаларда физиларкан

машиналарнинг
оҳанрабо ғилдираклари,
кўзларимнинг мажюслигини
қайга яширишни билмайман.

Кунлар ўтган сари қадамларим сокин,
йўлларда дақиқаларча
тўхтаб қоламан индамай...

Чунки
мияга қон қуюлгандай
томчилаб-томчилаб

қуюлади менинг муҳаббатим.
Бизнинг авлодга хос
эркакча гап мана шу,
бекам.

●

Мен оламдан ўтганимда, гулим,
врачлар ёриб кўрар албатта жисмимни,
Сен шунда юрагимни сўраб ол жарроҳдан,
шиша гулдонга қўй гулларинг қаторида,
иш столонинг тепасига,
Ҳар куни сув қўйиб тур гулларинг қаторида,
оташлари ўчсин бутунлай
ва, агар, иложини топсалар,
ҳакимлар айтишсин сенга,
нега сиқиларди тириклигида бу нес?!
Балки гулларинг орасида
сенинг сув қўйган қўлларинг туфайли,
севги нурун сочган кўзларинг туфайли,
эркаловчи шивир-шивир сўзларинг туфайли
топ-тоза бўлиб кетар
ва қизил латтага тугиб,
ўзгинанг кўмарсан уни тупроққа
тўйиб-тўйиб аза очгани
фарёд кўтариб мен учун.

Зарурият

Модомики тирик эканман ҳали,
узилмаган экан бандидан юрак,
Тошкент икки мингдан ошган шу асно,
Фарҳод кўчасида чинор остида
сенинг лабларингдан ўпишим керак.

Ишим йўқдир менинг «миш-мишчи»ларда,
кор қилмас сўзлари мунофиқларнинг.
Неон рубобларин чертаркан ёмғир
янги Юнусобод кўприги оша
қўлингдан етаклаб чопишим керак.

Отга ўнгармасман сени Аваздек,
ёлғиз қўйишим ҳам амримаҳолдир.
Санъат саройининг кенг майдонида,
Ўзбекнинг қалбини мадҳ этган нафис
сўзларингга қулоқ осишим керак.

Ўйга чўмиб ётар Сағбон мозори,
терақлар тагида онамнинг қабри.
Иккимиз зиёрат қиларкан уни
кўзинг ёшларини артиб, ҳамдардим,
бошингни бағримга босишим керак.

Ўз-ўзидан келмас, биламан, иқбол,
ишлаб чиқишимиз керак ёнма-ён.
Олти миллион пахта йиғилган куни
қўшган ҳиссамизни ғурур-ла эслаб
белингдан маҳкамроқ қучишим керак,
осмони фалакка учишим керак.



ТҮРТ ОҒАЙНИ БОТИРЛАР

Тўртлик хусусида

Тўрт оғайни ботирлар
Жангга кетаётирлар,
Улар тўртта-тўрттадан
Саф-саф бўлган сатрлар.

Қўшиқ

Еш болалар ҳўб ажойиб қўшиқ айтар,
Қўшиғига «тинчлик» сўзин қўшиб айтар.
Даврга мос бўлсин демас шунчаки,
Азал-абад чин дилидан жўшиб айтар.

Боғлар

Инсонларга қучоғини очар боғлар,
Инсонлардан кўнгли тўлиб-тошар боғлар,
Чунки боғлар — инсонларнинг фарзандлари,
Қариндошдир боғбон, боғлар; башар — боғлар.

Мен билан

Инсонларнинг қувончи ҳам, мотами ҳам
Мен биландир.
Инсонларнинг қизғанчиғи, ҳотами ҳам
Мен биландир.

Дутор

Бугун менга нолиш қилди эскирган дутор,
Жудоликдан бирдан титраб, сесканган дутор.
Уни чалди жангда ўлган эгасин ўғли,
Кексалардай нолиш қилди кексайган дутор...

Арслон, Сиртлон, Султон

Ҳар тун чинор ўкиради арслон бўлиб,
Чунки бўрон бўкиради сиртлон бўлиб.
Мен уларни кузатаман баландликда,
Кузатаман жилмайганча, султон бўлиб.

Нолиш

Елғиз машшоқ бўйра узра маст,
Най чалади, найи қамишдир.
Най навоси — най навосимас,
Бу — бўйрадан чиққан нолишдир...

Тўлқинлар

Тўлқинлар бўлади ҳар турлик:
Шердай зўр, фил каби хартумлик.
Менинг ҳам қалбимда тўлқин бор,
У асло тўхтамас, ҳар кунлик.

Қани энди...

Қани энди келақолсанг ёки: — Кел, — десанг,
— Мен сенга дўст, сенга эл, — десанг.
Елдан ҳам тез елар эдим тулпор отимда,
Уммонлардан кечар эдим, «кечгин сен!» — десанг.

Бу юртда

Дарахтлар қад тиклаб ўсади бу юртда,
Бўроннинг забтини тўсади бу юртда.
Дарахтлар бўлмаса бу юртда, эҳтимол,
Одамлар ёнбошлаб ўсарди бу юртда.

Сени севиб...

Кўп нарсани суйиб қолдим, сени севиб,
Кўп нарсдан совиб қолдим, сени севиб.
Севгинга ҳеч тўймасман-у, аммо ҳатто
Қуш уйқуга тўйиб қолдим, сени севиб.

Табассум

Наҳотки шунчалар қимматдир табассум?
Наҳотки ҳўмрайиб ўтамиз оламдан?
Оламда табассум қолмаса одамдан,
Яшашнинг кераги бормикин, гул юзлим?

Мен — парвона, сен — олов

Парвонаман. Қанотларим қўйиб-қўйиб,
Учолмайман, учолмайман.
Сен оловсан. Суйиб-суйиб, тўйиб-тўйиб
Қучолмайман, қучолмайман...



Амирқул
Пўлканов
ДУНЁ БУНЧА
ГЎЗАЛ БЎЛМАСА...



Таржимаи ҳол

Сухбат билан гўзалдир очун,
Деганидек қадим бир бахши;
Дунёга бир келганимдан сўнг,
Кимлигимни айтганим яхши.

Мен ўзбекман. Отам ҳам ўзбек.
Паноҳимиз — Совет замони.
Ўзбек эди, гапимнинг рости,
Бобомнинг ҳам бобокалони.

Кўрмаганман уларни гарчи,
Лекин аниқ қилгум тасаввур —
Шажараи риштанинг учи
Худди менга келиб уланур.

Ўз орзуси, ўз сўзи янглиғ
Маҳкам бўлган улар саботи,
Иўли узоқ бўлса қанчалик,
Шунча қисқа бўлган ҳаёти.

Сал тўпори, озгина қуврок,
Қарийб биздек бўлган бўй-басти.
Тоғни талқон қилса-да, бироқ
Кўкрагига урмаган асти.

Ҳа, улар ҳам кулба-уй қуриб,
Авлодини кўтарган бошга.
Оналар-чун жонини бериб,
Заминини элтган қуёшга.

Меҳмон чорлаб узоқ-яқиндан,
Қирқ қулоқли қозонлар осган,
Улар феълин кенглигига ҳам
Торлик қилиб қолган бу осмон.

Тазйиқлардан юраги куйиб,
Зулм ҳаддидан ошган бир замон,
Саройларга дов-лов ўт қўйиб,
Ўзлари ҳам бўлишган қурбон.

Ҳаётда баъзан шундай
бўлар экан...

Машҳур Пўлкан шо-
ирнинг невараси,
Умарқул Пўлкан ўғли-
нинг фарзанди, истеъдод-
ли шоир Амирқул
Пўлканов қаламига ман-
суб, кечагина яратилган
«Пойга», «Бўлоқ»,
«Изҳор» сингари китоб-
лардаги шеърлар, «Ман-
гуликка суиқасд», «Ота-
хонларим» сингари дос-
тонлар бугун тарихга
кўчди. Мана, энди улар
ўзининг иккинчи умрини
яшай бошлади.

Ҳар қандай ижодкор-
дан унинг ёзув столида,
қоралама дафтарла-
рида сатрлар қолади.
Амирқулнинг шундай
шеърларидан бир неча-
сини эътиборингизга
ҳавола қилмоқдамиз.

Қўш қўшганлар, экканлар экин,
Қон кечганлар ҳаттоки тиздан.
Умидини узмаган лекин
Улар бизнинг замонамиздан...

Ушаларнинг авлоди менман,
Жоним улар руҳига туташ.

Отамнинг айтганлари

Кўп насихат қилади отам,
Тўғри бўлгин, дейди, қароғим.
Бошингга ғам тушганида ҳам,
Қўлга олгин ўзни, чироғим!

Маломатга тўла бу дунё,
Кўтара бил қисматнинг юкин.
Қалбга ғулу солганда риё,
Уни четлаб ўтмоғинг мумкин.

Бардош керак одамга асли,
Тошдек маҳкам бўлсин саботинг.
Кутмаганда бир хазон фасли
Барбод қилгай бутун ҳаётинг.

Ҳеч вақт ёлғон сўзлама, болам,
Ҳақиқатдир шоирнинг жони.
Ростин айтган ўлар чоғда ҳам
Бобонгнинг ҳам бобокалони.

Мол-дунёга хирс қўйма асло,
Учқур бўлсин минган тулпоринг,
Бошингга ғам тушса мабодо
Қаватингга бўлсин дўст-ёринг.

Эзгуликда ҳикмат кўп, тушун,
Сен шайтоннинг йўлига кирма!
Арзимаган қуруқ сўз учун
Шоирман, деб кўксингга урма!

Бу дунёда шоир кўп, ўғлим,
Ҳаммаси ҳам севар элини.

Тиркаш тоға

Танимайсиз Тиркаш тоғани,
Жизмон деган жойда туради.
Ўзи оддий колхозчи, аммо
Сиёсатни яхши кўради.

Гўёки у билар барини,
Ишонамиз биз унга жуда.
БМТнинг мажлисларини
Таҳлил этиб юрмас беҳуда.

Гарчи у ном таратолмаган,
Лек янгратар меҳнат куйини.
У кўрмаган китоб қолмаган,
Кутубхона, дейсиз уйини.

У ҳамманинг ғамини ейди,
Кеча-кундуз чекар риёзат:
«Ҳар бир одам — сиёсат», — дейди,
Пахтани ҳам дейди: «сиёсат!»

Ўзбекистон деган бир Ватан
«Юрагимга тўлдиран оташ».

Шу боисдан ўлсам, ажалнинг
Қутқусидан қилмасман ўпка.
Таржимаи ҳолимга менинг
Қўйилмагай энг сўнги нуқта.

Энг аввало одам бўл, токим
Англай олгин халқнинг дилини.

Халқсиз сенинг ёзганинг бир пул,
Ўқилмаса, на ҳожат-шеърдан?
Тошни ёриб кўкарган ҳар гул
Қувват олиб ўсади ердан.

Фақат менга қолма боғланиб,
Бу дунёда мен ҳам бир меҳмон.
Ёзар бўлсанг, ёзавер ёниб,
Тутаб юриб ўчма ҳеч қачон!

Қўрқоқ бўлсанг, сендай ўғлим йўқ,
Мен ҳам сенга қилмасман шафқат
Бу дунёда майда одам кўп,
Сен уларга қўшилма фақат!

Олдинга бос қолсанг ҳам ҳориб,
Қаттиқ дерлар одам жонини.
Фарқсиз бўлма ноҳақлик кўриб,
Ерга урма шоир номини.

Тилагим шу: Ёзгину баёт,
Сен дунёда одамдек яша!
Нималигин билмасанг ҳаёт,
Қаламингни синдириб ташла!

Мен шуларни ўйлайман нуқул,
Истагим ҳам кўп нарса эмас:
Яхши шеърлар ёзган Амирқул —
Умарқулнинг ўғли, деса бас!

Яхшилардан чиқар яхши от:
Гул унади юрган йўлидан.
Жони-тани унинг — матбуот,
«Правда» ҳеч тушмас қўлидан.

Тинчимайди ўқиб чиқмаса,
Ўқимаса бўлмайди гўё.
Гўё унинг шу газетани
Ўқишига боғлиқдай дунё.

Тушликда-ку, Тоға инчунун
Қайнатади суҳбат булогин.
Ахборотни тингламоқ учун
Радионинг бурар қулогин.

Феъли қизиқ одам-да ўзи,
Гоҳо койиб, ғашни келтирар.
Бир кўрсангиз, латифа айтиб,
Ичагингиз узиб «ўлдиран».

Ранжитса ҳам бизларни баъзан,
Койимокни кўрса ҳамки эп,
Фахр этамиз Тоғамиз билан,
Қишлоқнинг Бош граждани деб!

Кўп нарса йўқотдим бепарволикдан,
Гоҳида етмадим вақтнинг қадрига.
Утган ҳаётимни ўйларкан бу дам,
Мен ҳайрон қоламан инсон сабрига.

Кимнингдир қошида бош эгмадим жим,
Кимгадир ёлғондан бермадим йўрик.
Ўзимга ишониб яшадим доим,
Омадга ҳеч қачон ишонганим йўқ.

Барига гувоҳдир шу ер, шу само,
Шараф деб кўтардим виждон юкини.
Ҳеч кимнинг ҳаққини емадим, аммо
Бировга бермадим ўзимникини.

Пушаймон қилмоқдан не фойда, алқол
Шам каби эрибди умрнинг ярми
Ва лекин оти йўқ чавандоз мисол
Ғам чекиб яшашдан ёмони борми?!

Кўп нарса йўқотдим,
Бу — бир, хомлигим.
Гоҳида етмадим бахтнинг қадрига.
Бунга сабаб эмас бўш-баёвлигим,
Оқ кўнгил бўлганим сабаб барига.

Ижарачи кампир

(Ҳазил)

Ярим тунда кимдир келди:
Эшик яна «жинғир-жинғир».
Кампир бориб очмоқ бўлар,
Сўзланади минғир-минғир.

Аввал сўрар: кимсан, болам?
Дейди: очинг! Остонақул!
Кампир дарров қалит бурар,
Кириб келар Остонақул.

Ун минутлар ўтар яна,
Эшик тагин «жинғир-жинғир».
Кампир бориб очмоқ бўлар,
Сўзланади минғир-минғир.

Секин сўрар: кимсан, болам?
— Зокир! — дейди чучук-чучук.
Кампир дарров қалит бурар,
Бош суқади Зокир пучук.

Бир соатлар ўтар тагин,
Эшик яна «жинғир-жинғир».
Кампир бориб очмоқ бўлар,
Сўзланади минғир-минғир.

Дарҳол сўрар: қайси биринг?
Дейди: — Менман... Мен... албатта.
Кампир дарҳол қалит бурар,
Елдек кираар Мансур қалта.

Кампир эса, ух тортганча,
Жойга аранг чўзилади.
Тонгга қадар эшик очиб,
Нақ жон-жони узилади.

Йигитлар-чи, парво қилмай,
Тутиб келган каби гуррак,
Париларни тушда кўриб,
Висолдан сўнг отар хуррак.

Мен бирор хатога йўл қўйсам баъзан,
Узи қатъий туриб, мисоли ҳакам:
— Мен сендан бир кўйлак ортиқ йиртганман,
Сўзимдан чиқмагин, — дер эди акам.

Еш эдим, оламга парвосиз боқдим,
Гоҳида ўйимга етмадим ўйлаб...
Бу гапнинг маъзини кейинроқ чақдим,
Бир йил баҳосига тенг экан кўйлак!

Ҳаёт гули эдинг мен учун,
Умрим мазмунига айландинг.
Бахтим йўли эдинг мен учун,
Қалбим риштасига бойландинг.

Ойнинг ёғдусига беланиб,
Хилват гўшаларда кезганмиз.
Туннинг кўкрагига биз ёниб
Қуёш суратини чизганмиз.

Руҳим тетик,
Қушдек енгилман,
Дунё бунча гўзал бўлмаса.
Шундоқ бўлар экан дафъатан
Юрагингни қувонч чулғаса.

Камалакнинг ёйдек тортилган
Дастасидан тутгандек гўё,

Бундай бахтдан бошим айланиб,
Тирик қолганимга ҳайронман.
Умр бўйи сенга бойланиб,
Ниятига етган бир жонман.

Юрагимга нурдай из солган
Кўзларинг шунчалик хуморми?
Иккимизни бир одам қилган
Муҳаббатдан зўрроқ куч борми?!

Ўзимда йўқ хурсандман бу гал,
Гўзал экан ўзи бу дунё.

Чунки сенга кўнглимни айтдим,
Сен ҳам айтдинг... яна келаман.
Бир сўз билан дунёга қайтдим,
Бир сўз айтсанг яна... ўламан.

Қаддингдан

Нарилардан ҳуснинг минг бор зиёда,
Васлингни деб кездим пою пиёда,
Излай-излай охир топдим дунёда,
Садоғангман бир назар қил, қаддингдан.

Кунлар ўтди, ойлар ботди, кўрмадим,
Васлингни деб баҳор ўтди, кўрмадим.
Қушлар келиб учиб кетди, кўрмадим,
Кулбам сари бир назар қил, қаддингдан.

Ой деса ой, кун деса кун, дейдилар,
Дунёда йўқ бағри бутун, дейдилар.
Шоир халқи мисли Мажнун, дейдилар,
Майли мени сарбасар қил, қаддингдан.

Ишқ майдан тотдим, аммо тўймадим,
Осмон узоқ, ер қаттиқ, деб куймадим,
Қайда бўлсам фақат сени ўйладим,
Емонлардан сен ҳазар қил, қаддингдан.

Неча йилдир бахтим сира кулмайди,
Гоҳ сен келсанг, гоҳо илҳом келмайди.
Энди сенга етишмасам бўлмайди,
Ҳажрингни сен мухтасар қил, қаддингдан.

Хаёлан кўраман сенинг юзингни,
Хилват гўшаларда кезинаман жим.
Қалбимга ишқ солган қора кўзингни,
Дарё бўйларини жуда соғиндим.

Бу ерда кун қисқа, тун узун экан,
Вақт ўтмай кўнгилни қилади хира.
Ўзимнинг тоғим-у, шарқираб оққан
Жилгалар ёдимдан чиқмайди сира.

Битта мактубингни юз марта ўқиб,
Юз бора кўксимга босганман, бу рост.
Гоҳ узоқ юлдузга нигоҳим тикиб,
Соғинчдан энтикиб қўяман холос.

Сени кўролмайман, қанча зориқмай,
Зероки, ярамга топилмас малҳам.
Дехқоннинг қўлида синган ўроқдай,
Фалакда осилиб турибди ой ҳам...

Холбуки бунда куз. Хазонлар тўзиб,
Битта бўлиб ётар қора ер билан.
Сенинг ёдинг билан умр ўтказиб,
Фақат овунишим мумкин шеър билан.

Хаёлим гоҳида кун санаб толар,
Ишқ деган шу туйғу қалбга тўлганда.
Бизни учраштирар келажак кунлар,
Енингда бўламан баҳор келганда.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

1. II. 84.

Ешлар билан ишлаш кенгашининг йиллик ҳисобот йиғилишининг кенгаш раиси Эркин Воҳидов олиб борди. 1983 йилда ёшларнинг чоп этилган баъзи асарлари ҳақида филология фанлари доктори Норбой Худойберганиев доклад қилди. Кенгаш раисининг ўринбосари Мирқўлат Мирзаевлар кенгашнинг ўтган йилда қилинган ишлари ҳақида ахборот берди.

Мунозарада Ешлар билан ишлаш кенгаши раисининг ўринбосари И. Рафуров, шоир ва ёзувчилардан Ҳ. Худойбердиева, О. Абдуллаев, М. Муродова, У. Азимов, А. Аъзам, А. Суюн, О. Отахоновлар сўзга чиқиб, ёшлар ижодининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениясининг биринчи секретари Сарвар Азимов иштирок этди.

27.XII.83.

Уйғур адабиёти кенгашининг йиллик ҳисобот

МАДАНИЙ ҲАЁТ

субот йиғилишини кенгаш раисининг ўринбосари Отаёр олиб борди.

Кенгаш раиси Рўзи Қодирий ўтган йил уйғур тилида яратилган асарлар, кенгаш ишида қўлга киритилган ютуқ ва камчиликлар хусусида, янги йилга мўлжалланган режалар ҳақида доклад қилди. Доклад юзасидан мунозарада кенгаш аъзоси Т. Натъматов, шунингдек, С. Сатишев, Ҳ. Шокирова, С. Жамол, У. Маматохунова, Ф. Ҳафизова ва бошқалар қатнашдилар.

4.1.84.

Қўшиқ кенгашининг йиллик ҳисобот йиғилишида кенгаш раиси Туроб Тўла 1983 йилда яратилган қўшиқлар ва қўшиқчилигимиз масалалари ҳақида доклад, кенгаш аъзоси шоир Уткир Рашид қўшимча докладлар қилдилар.

Докладлар юзасидан П. Мўмин, З. Обидов, Ҳ. Муҳаммад, Н. Нарзуллаев, С. Қўқонбеков, С. Барноев, Ўзбекистон ССР Композиторлар союзи Қўшиқ кенгашининг раиси М. Бафоев ва бастакор Т. Ҳасанов ўртоқлар мунозараларда иштирок этдилар.

Айдер Осман

СУЛАЙМОН

Сулаймон оғриб қолди. Қимирламасдан ётиши керак. Палатадаги бошқа касаллар туриб юришади, ташқарига чиқиб-киришади, бақириб-чақириб сўзлашади, хахолаб кулишади. Кулгига нима бор, ажабо? Нега кулишади? Сулаймон буни тушунмайди. Тушунишни истамайди ҳам. Хоҳлаганларини қилишсин, фақат уни тинч қўйишса бўлгани. Лекин Сулаймонга тинчлик йўқ. Бири узундан-узоқ ҳол-аҳвол сўрайди, бошқаси қандайдир янги дорининг фойдасини тушунтиради. Ундан сўнг... Э, буларнинг ҳар бири гаплашгани гап топади...

Сулаймон бу маҳмадона хасталардан қутулиб, энди ўз хаёллари-га берилдим деганда доктор келиб қолади. У каравот ёнидаги курсига ўтириб, ҳар хил саволлар ёғдира бошлайди. Доктор бўлатуриб сўрайвергани нима экан? Ишини билиб қилаверса бўлмайдими? Йўқ, у сўрашини қўймайди. Ҳол сўрайди: хўш қалайсиз, қандай аҳволдасиз? Қандай оғриқлар сезяпсиз? Э! Умуман уни тинч қўйишса, ўзининг ширин хаёллари ичра соатлаб қимирламай ётса қани!

У хаёлида ўзининг уйига қайтади. Уйи шинам, озода, саранжом-саришта. Бутун нарсаларни бир-бир кўздан кечиради, ҳаммаси жой-жойида турганига қанот ҳосил қилгандан кейин диван устига чордона қуриб ўтиради, шу дақиқада ҳароратли бахт тўлқини дабдурустан уни чулғаб олади ва бутун вужудида ёқимли туйғулар сезади. У, шу ҳолда, хаёл суриб, соатларча қимирламай ўтиради.

Сулаймон ҳар куни бир йўлдан, бир вақтда ишга боради ва кеч-қурун яна шу йўлдан қайтиб келади. Ун тўққиз йилдан бери ишга бориб-келадиган йўлини ҳам, вақтини ҳам ўзгартиргани йўқ.

Эрталаб соат саккизда туради. Тура солиб радиони бурайди, хона ичида у ёқдан-бу ёққа юриб бадантарбия қилган бўлади. Ошхонага кириб қаҳва қайнатадиган чойнакка сув тўлдириш ва уни плита устига қўйиш, сўнг соқол олиш ҳам эрталабки бадантарбиянинг бир қисмини ташкил этади. Кейин совуқ сувда ювинади, яхшилаб артинади, бутун қондасини ўрнига қўйиб қаҳва дамлайди, ўзининг пиёласига қуйиб, шопилмасдан, роҳатланиб ичади ва радио тинглайди. Катта кўзгу қаршисида туриб кийинади, атир сепади, сўнг ҳаяжонланган ва сархушланган кўйи ташқарига — одамлар орасига чиқади. Лекин одамларга қўшилмайди. У одамлар оқими ичида ҳам бир ўзи бўлади. «Завқ» кафесига етганда тўхтаб олади. Бир шиша қатик билан бир дона ёғли бутерброд ейди, сўнг енгил одим ташлаб йўлида давом этади. Соатга қарамайди, аммо рошпа-роса ўн бўлганда ишхонасининг эшигини очади.

Ун тўққиз йилдан бери шу аҳвол. Сулаймон ҳақиқатан бахтли киши. Ун тўққиз йилдан бери унинг куни айни бир ҳаракатлар билан бошланади ва шундай ҳаракатлар билан тамом бўлади. Бу давр ичида қондани бир марта ҳам бузмади. У яхши ухлайди, қирқ етти ёшга кирганига қарамай, тишларининг ҳаммаси соғлом. Сочи

оқарган бўлса-да, тўкилмаган. Умуман, табиат ундан ҳеч нарсани аямаган. У ўз ҳаётини яхши йўлга солган, ўн тўққиз йилдирки, мудом бахт дарёсида сузиб келмоқда. Баъзан ўйланиб қолади: бу завқли умрининг бир кунмас-бир кун адо бўлишини тасаввур этиб, нотинчланади. Шундай вақтларда уни даҳшат босади, юраги қисилади. Сулаймон ўз тақдирини ҳушёрлик билан ҳимоя қилади, бахтига таҳлика туғдириши мумкин бўлган нарсаларнинг барчасига қатъият билан қарши курашади. У уйига ҳеч кимни чақирмайди, хонасида бегона одамнинг бўлиши — унинг ғашини келтиради, ўз бахтини тўла ҳис этишига имкон бермайди, ўзи ҳам бировникига бормайди. У фақат ўз хонасида, ўз дивани устида, ўз телевизори қаршисида чинакам бахтиёр бўлади. У, бу дунёда фақат бир марта яшашини ва ўз бахтини яратиш учун курашиши кераклигини яхши билади.

Сулаймон баъзан ўтмишини ҳам хотирлайди. Нақадар гўл, йўк, нақадар аҳмоқ одам экан! Йигирма етти ёшида уйланди. Нега уйланиганини ўзи ҳам билмас эди. Лекин уйланиганининг учинчи куни дунёда бахтли яшамоқ имконидан махрум бўлганини англади. Англаганидан сўнг қаттиқ ўқинди ва ўз бахти учун астойдил кураш бошлади. Кураш унинг ғалабаси билан якунланди: хотини уни ташлаб кетди. Шундан сўнг у ўзини бахтли-саодатли ҳис этди ва, мана, ўн тўққиз йилдирки, доим завқ-сафо ичида яшамоқда, бу завқли ҳаётни нимагадир бошқалардан қизғанади. Телевизор қаршисида, диван устида чордана қуриб ўтириб, ҳам телевизорга тикилади, ҳам фикран ўзи билан ўзи гаплашади. Баъзи мунозарали масалаларда икки Сулаймон қизишиб кетади, аммо баҳс ҳар доим у истагандек тамом бўлади. Сулаймон иккинчи кўп уринади, аччиқланади, баъзан ялиниб-ёлворади, лекин Сулаймон биринчи раҳм қилмайди. У суҳбатни усталик, совуққонлик билан олиб боради ва Сулаймон иккинчини аста-секин бурчакка ниқтайди, сўнг шафқатсиз ҳужумга ўтиб, уни таслим бўлишга мажбур этади. Шундан кейин бир қанча вақт ана шу ғалаба қувончи ичида бўлади ва юрагида қабариб бораётган манманлик туйғусидан нафаси қисилиб, бўғилиб кетаёзади. Сўнгра секин-секин совийди, ўзига келади. Лекин бу бахт онларини анча вақт эслаб юради.

Шундай қилиб, Сулаймоннинг икки ҳаёти бор. Биринчиси — ҳақиқий ҳаёти, иккинчиси — унинг ўз ҳаёлида яратган шахсий ҳаёти.

Сулаймон идорада ҳам ўз ишининг устаси сифатида танилди. Барча зарур рақамларни, маълумотларни, таълимотларни ёддан билади. У ёзган ҳисоботларни шаҳар молия бўлимидагилар ҳаммага намуна қилиб кўрсатадилар. У ҳеч қачон хато қилмайди ва ҳеч нарсдан шикоятланмайди. Қилиниши керак бўлган ишларнинг ҳаммасини вақтида қилади. Ҳар квартал охирида унга мукофот берилади. Баъзан у ҳали бажариб улгурмаган ишлари ҳақида маълумот тузиб чиқади ва ажабланарлиси шуки, бунда ҳам сира янглишмайди. У идора раҳбарининг «Бухгалтердан ёлчиганмиз» деган сўзларини кўп марта лаб эшитган. Бунақа сўзлар унинг юрагига таъсир қилмайди.

Сулаймон айти бир вақтда бир неча турли ишни бажара олади: ҳам китоб ўқийди, ҳам радио тинглайди, ҳам телевизор томоша қилади, ҳам ўз хаёлларига берилади. У бу ишларни аъло даражада бажаради. Сирасини айтганда, у ёзаётган ёзувини тўхтатмай туриб, ким биландир бемалол гаплашиб ўтираверади, гапида ҳам, ёзувда ҳам хато қилмайди. Сулаймонга бир ишдан кўра икки ишни бирдан бажариш қулай туюлади. У бошқаларни ҳам шундай деб ўйлайди ва айти бир вақтда икки хил ишни уддаламаган одамларни танбал ҳисоблайди.

Баъзи майда-чуйда воқеаларни ҳисобга олмасак, унинг умри силлиқ кечмоқда. Бир гал ярим кечада Сулаймоннинг эшиги

тақиллади. У анча вақтлардан бери кечаси уйғонмаган эди. Эшик орқасидаги одамни парча-парча қилиб ташлайдиган важоҳатда ўрнидан туриб, шиддат билан эшикни очди. Остонада пастки қаватда яшайдиган Жамила турар эди. Сулаймон уни бирданига таний олмади.

— Сизга нима керак? — сўради ундан норози оҳангда. Хотин довдираб қолди:

— Кечирасиз... кечирасиз... Сизда аналгин йўқми?

Ғазабдан Сулаймоннинг тили гўлдуради:

— Мен сенга шундай аналгин топиб берайки... Йўқол! — деб қичқирди.

Хотин уради деб ўйлаб, додлади. Қаршидаги квартираларнинг эшиги очилиб, уйқули чехралар кўринди, норозилик билан гўлди-рашлар эшитилди.

Сулаймон эшикни қарсиллатиб ёпди, анча вақтларгача ухлай олмади. Уйқуси бутунлай қочиб, фикрлари тиниқлашгандан кейин чакки иш қилганини, қўшни хотиннинг дилини бекорга оғритганини англади. Пушаймон бўлди. Бу пушаймон унинг асалдек ширин, бахтли ёлғизлигига заҳар бўлиб қуйилди. Энди бахт дарёсига шўнғиётганда, ана шу хотиннинг даҳшат билан боққан кўзлари кўринади, у додлаб бақиради ва ҳамма нарса ўзининг одатдаги маъносини, лаззатини йўқотади.

Сулаймон ўзининг аввалги ҳаётига қайта олмай кўп вақт қийналди ва, ниҳоят, оддий бир ҳақиқатни кашф этди: ундан узр сўрашга қарор қилди.

Бир куни ишдан кейин шу хотин яшайдиган квартиранинг эшигини қоқди. Эшикни уй соҳибаси очди. Худди ўзиникига ўхшаган бир хонали квартира. Лекин унинг ичи бутунлай бошқача. Сулаймон бу квартирада яшагудек бўлса, нақадар бахтсиз бўлар эди! Яхшики, ўзининг квартираси бошқа.

— Мени авф этинг, — деди у босиқ товушда. — У куни... Уйқусираб сизни хафа қилиб қўйдим. Мен, аслида, ундай одам эмасман...

— Мен сизни биламан. Худога шукр, бир уйда яшаётганимизга йигирма йилдан ошди. Сиз жуда ҳалол яшайсиз. Ҳамма шундай дейди. Уйга ҳар куни вақтида келасиз. Ёлғиз турсангиз ҳам... уйингизга ҳар хил одамлар келавермайди. Мен ҳам, хабарингиз бор, ёлғиз тураман. Сизга ўхшаб... — хотин бирдан гапини тўхтатиб, бўсагадан чекинди. — Марҳамат, уйга кириш! Гапга тушиб кетиб, сизни уйга таклиф қилишни ҳам унутибман... Ичкари кириш, кириш, ўргилай қўшни.

Сулаймон унинг сўзларини, айниқса, сўнгги сўзини, хушламаса-да, гуноҳи осонгина авф этилажанини сезиб суюнди. Шу дақиқада вужудида ёқимли ҳарорат ҳис этди. Хотинга ачиниш назари билан боқди. Аслида у, бу хотинни ёқтирмайди. Кўп гапиради, ҳаммавақт аҳамиятсиз нарсалар ҳақида сўзлайди, баъзан бир кунда бир неча марта саломлашади, доимо шошилиб юради. Лекин ҳозир уни кечириш мумкин. Бошга тушганини кўз кўрай экан. Ҳақиқатан ҳам бахтли бўлиш ҳаммага ҳам насиб бўлавермайди. Бечора аёл.

Сулаймон хотинга ич-ичидан ачинди, унинг уйига бир неча дақиқа бўлса-да, кириб ўтиришни истади. Майли, хурсанд бўлсин шу бечора.

Жамила уни тўрга ўтқазиб, ўзи дарҳол ошхонага чопди. У ёқда нимадир тарақлади, хотин «Ерилиб ўл!» деб қарғади, бу аснода ошхона эшигидан катта мушук отилиб чиқди ва Сулаймон ўтирган диваннинг остига кириб беркинди.

Сулаймон хонага бир кўз ташлагандаёқ юраги сиқилиб кетди. Бу қандай шармандалик! Ҳаммаёқ алғов-далғов: диваннинг четига буклаб қўйилган кўрпанинг жилди сарғайиб кетган, телевизор столининг остида кир пайпоқлар чўзилиб ётипти, шифонернинг

эшиги орасидан қандайдир ич кийимнинг чети чиқиб турипти. Сулаймон равоққа ҳам кўз югуртирди-ю, ҳайратдан анграйиб қолди. Даҳшат! У ерда бегона одамга умуман кўрсатилиши мумкин бўлмаган ички кийимлар кўргазмадаги сингари қатор қилиб осиб қўйилипти. Уй ичидаги бадбўй ҳид томоғини бўғди, нафаси тикилди. Бу қўланса ҳид унинг қўйнига, сочлари орасига ёпирилиб кира-ётгандек эди. Сулаймон ўрнидан туриб, уст-бошини қоқди ва эшик томонга юрди. Бу орада қўлида патнис кўтариб ошхонадан Жамила чиқди. Патнисда икки финжон қаҳва ва майда қанд солинган идиш. Сулаймон бу хонада ҳали қаҳва ҳам ичиши кераклигини англади.

— Сулаймон оға, сизни ёлғиз қолдирдим, айбга бухормайсиз! Бир финжондан қаҳва ичайлик... Йигирма йилдан ортиқ бир уйда яшасак-да, мана, энди киришингиз. Марҳамат қилинг.

Сулаймон бу сўзларга қулоқ солмай, чиқиб кетмоқчи ва бу азобдан қутулмоқчи эди. Лекин Жамиланинг қизарган юзига, жингалак сочларига боқиши биланоқ яна боғги ачиниш туйғусини сезди, ичида нима бўлса-бўлсин, деб, қаҳвани ичиб, сўнг кетишни ният қилди. Қаҳва ичилаётганда Жамила тўхтамай сўзлади. Лекин Сулаймон уни ортиқ тинглаб ўтирмади. Бир амаллаб финжонни бўшатди ва ўрнидан турди. Ўз квартирасининг бўсағасидан ичкарига хатлагач, масъудлик ҳис этди. У ўзининг аввалги дунёсига қайтди.

Ун тўққиз йил ичида катта-кичик бошқа воқеалар ҳам бўлиб ўтди. Улар Сулаймоннинг бахтини буза олмадилар. У ўз саодатини ҳамиша ҳушёрлик ва қатъият билан ҳимоя қилди.

Мана, икки ҳафтадан бери касалхонада ётибди. Қирқ етти йил деганда биринчи марта докторлар қўлига тушди. Ҳечқиси йўқ. Бу ҳол узоқ давом этмайди. У палата деразасидан қараб, ташқарида чопқиллаб юрган одамларни кўриб, мамнуният билан жилмайди. Кошки нимага ошиқаётганларини билишса. У деразага боқиб, яна хаёлга толди. Касалхонадан чиққандан кейин уйини янгидан тартибга солиши керак бўлади. Телевизорни ошхона эшиги томонга жилдиради. Ошхонага ванна хонасидан ўтса бўлади. Бир ошхонага икки эшикнинг нима кераги бор? Диванни тўрдаги девор ёнига қўяди. Шунга кўра, шифоньер сўл тарафга, комод эса ўнг тарафга сурилади. Китобларнинг бир қисмини шифоньернинг устига қалаб қўяди. Бари бир уларнинг ҳаммасини ўқиб чиққан.

Бахтиёрлик ҳислари унга фақат ўз хонасида ва ўзининг сеvimли дивани устида ўтиргандагина келади. Мана, у сеvimли диванига яқинлашди, устига ўтирди, лекин одатича, оёқларини чалиштириб ўтиришига нимадир ҳалақит берди. У юмуқ кўзлари орасидан қаради: деразанинг ташқари томонидан унга чиройли бир аёл мароқланиб боқиб турмоқда эди. Сулаймон кўзларини яна юмди, бир оздан кейин хиёл очди. Аёл оппоқ ва текис тишларини кўрсатиб жилмаймоқда. Бундай тишларнинг эгаси соғлом бўлиши керак деб ўйлади Сулаймон. Аёл оғзини юмди. Сулаймон энди унинг чиройли дудоқларига тикилиб қолди. Лаблари келишган. Еноқлари қирмизи.

Аёл унинг кўз қийғидан боқаётганини сезмаса керакки, бунақанги ғалати ҳолатда ухлаётган одамга такрор мароқланиб қаради. Сулаймон деразадан назарини олмади, хотиннинг сим-сиёҳ кўзларига, қора сочларига боқаверди. Еноқ суяклари эркакларники сингари қабарик. «Бу аёл ўта ўжар ва жанжалкаш бўлса керак, шўрлик эрини гаҳ деганда қўлига қўндирса керак», деб ўйлади. Бечора эр. У, дунёда бундан бошқача яшаш мумкин эканини билмайди ҳам. Сўнг ўша эрга аччиғи келди. Узидан кўрсин, ношуд, деди.

Эшик ғирчиллаб очилди, ичкарига ҳамшира кирди.

— Сизга туриб юришга рухсат этилди, — деди у Сулаймонга, — кризис ўтди. Бугундан бошлаб овқатни ошхонага бориб ейсиз. Тўртинчи стол. Сўрасангиз, кўрсатишади.

Сулаймон тушунганини билдириб, бошини қимирлатди ва яна ўнгга ўгирилиб, деразага боқди. Бояги юзлари кулумсираб турган

аёлнинг ўрни бўм-бўш эди. Сулаймон унинг қиёфасини хаёлида жонлантиришга ҳаракат қилди: йирик кўзлари кулумсирайди... Лекин аёлнинг қиёфаси дарҳол ғойиб бўлди. Сулаймон ҳорғин эди. Аввалги ўткир хаёли жуда заифлашган, мана, оддий бир нарсани ҳам бир дақиқагина жонлантиришга мадори етмаяпти. Асли унинг хофизаси кучли эди. Истаса, хаёлида гўзал бир актрисани гавдалантира оларди. У Сулаймон хоҳлагандек ўйнар, ўзи тўқиган қўшиқларни куйларди. Бу ишлар фақат унинг ўзи учун ва ўз уйидагина содир бўлади. Зарари йўқ... Ишқилиб... ўзининг қадрдон уйига бориб олса бўлгани. Ҳамма нарса яна аввалгидек бўлиб кетади.

Тушки овқатга атайлаб бир оз кечикиб борди. Овқат ҳиди анқиб турган кенг залда касаллар тамадди қилишмоқда. Начора, у ҳам овқатланиши керак. Бу ерда ҳар бир жойнинг ўз ҳиди бор. Палатада дори ҳиди, бу ерда эса овқат ҳиди.

Овқат ташиётган оқ халатли аёлдан тўртинчи столни сўради.

— Мана, — деди аёл қўлидаги ликопча билан тўрдаги столни кўрсатиб. — У ерда бир жой бўшади. Ҳитринг.

Сулаймон стол атрофида ўтирган одамларга хушламайгина назар ташлади. Икки эркак ва... боя деразадан кулиб боққан аёл. Сулаймон столлар орасидан ўтиб, у ерга яқинлашди. Ош бўлсин, — деди уларга кулимсираган чеҳра билан, — дастурхонингизга бизни ҳам қабул қиласизларми?» Шундай деб аёлнинг рўпарасидаги бўш курсига ўтирди. Қошиқни қўлига олган эди, аёл:

— Бисмилло дедингизми? — деб сўради ва Сулаймон унинг сўзларини тушунмаганини сезиб, илова қилди: — Боя сизни деразадан кўриб, дуо ўқиётисизми деб ўйладим. Кўзларингиз юмуқ, бошингиз эса тебраниб турарди.

Сулаймон, аввалига бир сўз билан бу одобсиз хотиннинг иштаҳасини бўғиб қўймоқчи бўлди, сўнгра бу фикридан воз кечди... Индамади. Хиёл вақтдан кейин миясига келиб қолган бир фикрни айтди:

— Мен кўзларимнинг орасидан сизни кузатаётган эдим.

— Ҳа-а? — аёл кулимсиради.

Касалларнинг гапи маълум: ҳар ким ўз дардини айтиб нолийди, ҳар бири ўз касалининг оғир эканлигини исботлашга уринади. Қошқийди бундан аҳволлари енгиллашса. Бундай гап-сўзлар Сулаймоннинг кўпдан жонига теккан. У ўз касаллиги ҳақида ҳеч кимга ҳеч нарса демайди. Айтганларни эса ёқтирмайди. Овқат вақтида ҳам айни шу гаплар. Одамлар овқат ейишади-ю, оғзи гапдан бўшамайди.

— Анча мазангиз бўлмади, шекилли? — деди аёл. — Келганингиздан бери палатангиздан чиқмайсиз. Сизга кўпинча дераза оша кўзим тушиб турди...

Сулаймон назоқат юзасидан нимадир дейиш кераклигини ҳис қилди. Ҳарҳолда, хотин киши.

— Инфаркт эдим десам ҳам бўлади. Энди ўтиб кетди, — деди у «сенинг нима ишинг бор» деган оҳангда. Аёл уни тушунди, бошқа индамади. Юзига қандайдир кўринмас парда тортилгандек бўлди. Кўзларида ёниб турган ўт бирдан сўнди.

Сулаймон мабодо бировнинг хафа қилганини сезса, шу одамнинг кўнглини овламагунча кўнгли ғаш бўлиб юради... У палатага келгандан сўнг, одобсизлик қилиб аёлни ранжитганини англади, энди учрашганда ундан авф сўрашга қарор қилди.

У эрталабки нонуштага келганда, рўпарасидаги курси бўш эди. Овқатни атайлаб секин еди, еб бўлгандан кейин ҳам бир оз ўтирди, лекин қора сочли хотин келмади. Тушлик вақтида ҳам унинг йўқлигини кўргандан кейин, стол атрофида ўтирган эркаклардан сўрашга мажбур бўлди. Улар ўзаро қизгин гаплашмоқда эдилар. Еши бир жойга бориб қолган боши ялтироқ киши суҳбатдошига тушунтирарди:

— Дафна япроғини қайнатиб, сўнг ичига бир қошиқ асал ва бир



қошиқ туз солиш керак. Сўнг кунига уч маҳал овқатдан олдин бир қошиқдан ичасиз. Жуда фойда қилади. Менинг қайним шундай қилиб тузалди.

— Бир ҳамроҳимиз кўринмайди, — деб Сулаймон уларнинг гапи узилган орада луқма ташлади ва боши билан бўш курсига ишора қилди, — касали оғирлашиб қолдимиз ё?

— Йўқ, аксинча, у тузалиб кетди, — деди ялтироқ бош одам.
— У ҳозир уйда.

Сулаймоннинг юраги сиқилди. Энди нима қилсин? У аёлни энди сира кўролмайди ва юрагидаги ғашлик бир умрга тинчлик бермайди.

Врачлар Сулаймонга ҳовлида сайр қилишга рухсат бердилар.

— Кўп юрмайсиз, — деди врач хотин. — Чарчаганингизга қадар... Чарчасангиз, ҳовлида скамейкалар кўп, ўтириб дам олинг.

Касалхонанинг кенг ҳовлиси беморларга тўла. Улар икки-уч, баъзилари тўп-тўп бўлишиб у ёқдан-ёққа юришади, тўхтамай гаплашишади. Сулаймон бунақа тўдаларнинг ҳеч бирига қўшилмайди. Ҳовлида бир ўзи сайр қилади. Баъзан ўзининг афсонавий дунёсига ўтиб кетади. Қора сочли аёлнинг хотираси унга халал бермайди. У кутилмаганда кўз ўнгида пайдо бўлади, оппоқ тишларини кўрсатиб жилмаяди. Қора кўзлари яна аввалгидай порлайди. Тепа лабида сийрак, ҳафиф туклар. Сулаймон аввал уларга эътибор қилмаган эди, ҳозир эслади. Кўзларининг оқи ниммовий рангда. Ҳа, мовий. Овози ҳам йўғон... аммо қулоққа ёқимли эшитилади. Сўзларни дона-дона қилиб гапирди. Сочлари тимқора ва қалин. Дераза орқасида турганда Сулаймон унинг бошида қалпоғи бор деб ўйлаган эди. Лекин у соч экан. У яна унинг дудоғи устидаги сийрак, қора тукларни эслади. Ғалати. Лекин Сулаймонга бу ҳам ёқди.

Муҳими шуки, қора сочли хотин Сулаймоннинг ўйларига халал бермайди, у истаган вақтда ҳовлининг олис бурчагидаги скамейкага бориб ўтиради ва секин-секин ўзининг саодат дунёсига ўтади. У шу дунё ичида қора сочли хотинни ҳам учратади. Хотин кулумсирайди. Тиниқ яноқларида қирмизи гуллар очилади. Сулаймон унинг қиёфасини анча вақт кўзлари ўнгида тутиб туради. Хоҳласа кулдиради, хоҳласа... йўқ, уни хафа қилмоқ истамайди. Унинг дунёсида хафақон чеҳра бўлиши мумкин эмас.

Бора-бора у қора сочли хотинга ўрганиб қолди. Энди у билан тез-тез гаплашиб туради.

— Биламан, сизга осон эмас, — деди Сулаймон бир дафъа назокат билан. — Лекин мени ҳам тушунинг. Мен бошқа турдаги одамман. Менинг ўз дунём бор. Мен фақат сизга унинг ичига киришга рухсат бераман. Унинг ичида истаганингизча яшайверинг. Фақат ҳеч нарсага тега кўрманг. Акс ҳолда, бутун дунёни бузасиз.

Хотин оқ тишларини кўрсатиб жилмайди ва ўзининг қувноқ жарангдор овози билан: «Хотиржам бўлинг, мен ҳеч нарсага тегмайман,» деди. Қирмизи, тиниқ юзларида табассум чизиқлари ҳосил бўлди.

Сулаймон ҳар сафар овқатланишга ўтирганда, секингина «бисмилло» деб қўяди. Умрида қилмаган иши. Лекин айтади, Буни у, шу қора сочли ва нечундир кўзларининг оқи мовийдан келган ёқимли товушли хотин шарафига қилади. У шундай бўлишини истаган эди. Майли, унинг истаганича бўлақолсин.

Сулаймон қора сочли хотиндан миннатдор. У ҳақиқатан ҳам олижаноблик қилди. Уни ўзининг саодат дунёсига киришига, вақти-вақти билан масъуд бўлишига халақит бермади. Демак, ундан хафа бўлмаган. Лекин Сулаймон унинг учун эмас, ўзи учун афв сўрашни хоҳлайди. Шундай қилсагина уни батамом унутиб, хотиржам бўлади.

Эрталаб Сулаймон негадир совқотиб уйғонди. Деразадан ташқарига қаради. Ишга келаётган врачларни, ҳамшираларни кўрди. Кўзлари билан қора сочли хотин турган ерни қидириб топди ва уни хаёлида жонлантирди. Хотин бу сафар ҳам жилмайди. Лекин Сулаймон унинг тишларини, ёноқларини ва, хусусан, кўзларини кўра олмади. У дарҳол ғойиб бўлди. Сулаймон вужудини қандайдир рутубат қоплаб олаётганини, аъзойи бадани уюша бошлаганини сезди. У каравотга ётиб, кўзларини юмди. Бир нарса ўйлаб топиши керак. Аммо нимани ўйлашини билмайди. Бутун вужуди бўйлаб ҳадсиз-ҳисобсиз чумолилар чопқилай бошлади. Кўнгли айниди. Жигилдони қайнаган сингари, томоғи ачишди.

Каравоти ёнидаги тугмани босиши билан хонага ҳамшира чопиб кирди.

— Сизга нима бўлди? Тобингиз қочдимми?

Сулаймон индамади. Ҳамшира унинг манглайини, томирини ушлаб кўрди, «мен ҳозир» деганича, югуриб чиқиб кетди. Бир оздан кейин палатага врач кириб келди. Унинг юзи ҳаяжонли эди. У ҳам

Сулаймоннинг томирини ушлади, юрагини тинглади ва ҳамширага қараб: «Капельница ҳозирланг», деди.

Капельницанинг нима эканини Сулаймон яхши билади. Касалхонага янги келган вақтларида капельница қўявериб жонидан безор қилишди. Ҳамшира қиз уч оёқли йилтироқ бир темирни унинг ёнига келтириб қўйди. Темирнинг учига шиша ўрнатилган. Унинг ичида суюқлик бор. Бу суюқлик ичак каби ингичка резина бағридан ва яна бир шишачанинг ичидан ўтгандан кейин Сулаймоннинг томирларига оқа бошлайди. Ёқимсиз нарса. Лекин чидашга тўғри келади.

Сулаймон ўз фикрларини бошқа ёққа бурмоқ ва бу палатадан узоқлашмоқни истади. Лекин бахтиёрлик туйғуси келмади. У бутун кучини тўплаб, бир лаҳза бўлса ҳам ўз дунёсига бориб келмоқчи бўлди. Кўп йиллар давомида яратган иқбол ва саодат дунёси энди унга жуда узоқдан кўринди. Сулаймон унинг ичида қора сочли хотинни ҳам кўрди. У одатига кўра кулумсиради. Боқишлари маҳзун эди. Қора кўзларини кенг очиб, унга индамай қараб тураверди.

«Ҳеч бўлмаганда биргина сўз айт менга, — деб ёлборди Сулаймон. — Айт, нимани хоҳласанг, шунини айт. Лекин бундай хафа бўлиб қараб турма».

Хотин индамади. «Демак, мендан хафа бўлган экан», деб ўйлади Сулаймон.

Оқшомга яқин Сулаймоннинг аҳволи янада оғирлашди. Оёқлари музлаб кетди. Бутун баданида чумолилар визиллаб чопқилашади. Аввал оёқлари тиззаларигача музлади. Сўнг бу совуқлик секин-аста кучая бошлади. Манглайи ҳам музлади. Бора-бора юзини ҳам совуқлик босди. У кўзларини очиб-юмди. Фақат кўзлари музламаган. Ҳамшира унинг манглайига қалин латта қўйиб, устидан қўли билан босди. Сулаймон унинг бундай қилаётганига таажжубланди. Кўзларини очиб, ҳамширанинг қўлини ушлаб кўрди: қўли билан манглайи ўртасида ҳеч нарса йўқ эди.

Палатада врачлар, ҳамширалар чопқилаша бошладилар. Бири келади, бошқаси кетади. Кимдир: «Друшкинга телефон қилдик. Тезда келади», деди. Бири бўлса: «Касалхонада бор грелкаларнинг ҳаммасини келтиринг!» деб қичқирди.

Бир оздан сўнг Сулаймоннинг баданига ҳамма томондан грелкалар қўйиб чиқдилар. Сулаймон уларнинг иссиғини сезар, лекин бу грелкаларнинг кўрпа устидан қўйилганига таажжубланар эди.

— Доктор, — деди у ниҳоят заиф товуш билан. — Мен жуда совқотдим, грелкалар кўрпанинг остидан қўйилса бўлмайdimи?

Врач унга ҳайрон бўлиб қаради.

— Грелкалар кўрпанинг остидан қўйилди, — деди у. — Нима, сезмаяпсизми?

— Сезяпман, аммо жуда совқотиб кетдим.

— Жуда иссиқ қилиб бўлмайди, — деди врач. — Йўқса, баданингизни куйдириб юборамиз. Сабр қилинг, ҳозир исиб кетасиз.

Сулаймоннинг бутун вужудидан совуқ тер чиқмоқда эди. Иссиқ грелкалар унинг баданини куйдирар, лекин иситмас эди. Совуқлик эса дам пастдан юқорига кўтарилмоқда, дам юқоридан пастга энмоқда. Совуқлик чегараси аста-секин силжиб пастдан болдирларини, юқоридан эса буйинини қоплади. «Тушунарли... — деб ўйлади Сулаймон ўзича. — Совуқлик икки ёқдан силжиб келиб, кўксимда бирлашади, шундан кейин ҳамма нарса тамом бўлади». У ўзининг бахтиёрлик вақтларини, севимли диванини, ўз дунёсини эслади. Лекин у дунё энди бахт дунёси эмас эди. Сулаймон унинг ичига бир неча марта кириб чиқди, лекин одатдаги бахтиёрлик муҳитини сезмади. У дунё бўм-бўш эди.

Эшик шиддат билан очилди, хонада терлаб-пишган Друшкин пайдо бўлди. Профессор Сулаймонни илгари ҳам бир неча марта кўрган, унинг юрагидаги оғриқларни таърифлаб ҳайратлантирган эди. «Юрагингизда қандайдир бегона бир нарса борга ўхшаб туюлади,

шундайми? — деб сўраган эди у бўғиқ овоз билан. — Баъзан у нарса йириклашиб, юрагингизни сиқади. Бундай вақтларда нафасингиз тикилади, чора топа олмаганингиздан қичқириб юборингиз келади. Шундайми? Шундай, албатта. Сиз безовта бўлманг, ҳаммаси ўтиб кетади».

Ҳозир Друшкиннинг авзойи бошқача эди.

— Нима бўлди? Қисқа қилиб тушунтириб беринг, — деди профессор врачга, ўзи эса Сулаймоннинг каравоти ёнидаги курсига ўтириб, унинг қўлини қўлига олди.

Сулаймон профессорнинг қўлида қўлқоп бор деб ўйлади, кўзларини очиб қаради. Унинг қўлида қўлқоп йўқ эди.

Бу орада врач унга аҳволни тушунтирди.

— Иссиги жуда тез тушиб кетмоқда. Пастдан белигача, юқоридан елкаларигача совиди. Капельница қўйдик. Строфантин, кокарбоксилаза, папаверин, панангин қилдик. Тўхтамаяпти.

Сулаймоннинг юрагини қўрқув ғаш қилди. Улим қўрқуви. У қўрқув тездан даҳшатга айланди. Сулаймон одам бир куни туғилган экан, албатта, бир куни ўлишини билади, шу сабабли эртами-кечми бўладиган ўлимга ўзини ҳозирлаб қўйган эди. Лекин ҳозир вужудини титратган бу қўрқувнинг ўз фикрлари билан, онги билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу қўрқув унинг ичида, юрагида ҳосил бўлди ва Сулаймоннинг шуурига, фикрига бўйсунмади. Унинг бўғзини бир нарса қисди. «Ана, бошланди», деб ўйлади Сулаймон. Профессор Друшкиннинг сўзлари узоқдан эшитилди. «Кислород! Тез бўлинглар!» Ҳамширалар, қўлларида кислород ёстиқлари, бири-бирининг ортидан палатага чошиб кирдилар. Профессор ёстиқнинг бир чеккасидан чиқиб турган резина ичакни Сулаймоннинг оғзига тикди.

«Бундай қилиб яшамоқнинг нима ҳожати бор, — деб ўйлади Сулаймон. — Умри бўйи бурнидан нафас олган одамни, ўлим олдида оғзидан нафас олишга мажбур қиладилар».

У бир оз салжин кислород ютгандан сўнг енгиллашгандек бўлди. Лекин кўксини бир нарса жуда аҳитмоқда эди. Кўкси гўё илма-тешик қилинган-у, ҳозир шу тешиклардан сизиб қон оқмоқда. Хонага юрак уришини кўрсатадиган асбоб олиб кирдилар. Ҳамшира симларга уланган нок сингари резина пуфакларни Сулаймоннинг кўксига ёпиштирди. Машина шитирлаб ишлай бошлади. Профессор унинг нариги ёғидан чўзилиб чиққан қоғоз лента устидаги қинғир-қийшиқ чизикларга боқиб турар экан:

— Уйига хабар беринглар, яқин кишилари келишсин, — деди.

— У бир ўзи яшайди, — деди врач. — Анкетасида ҳам бошқа бирор кимса кўрсатилмаган.

— Ўзидан сўранглар. Айтган адресига «Тез ёрдам» машинаси юборинглар. Вазият жиддий.

Сулаймон тоғасининг болаларини эслади. Лекин адресларини билмайди. Билмагани ҳам яхши. Уларни безовта қилишнинг нима кераги бор? Урушдан кейин бор йўғи бир марта кўришишди. Сулаймоннинг эсига бирдан онаси тушди. Агар у ҳозир ўғлини бу ҳолда кўрса, нақадар куюнар эди. Онаси ўлганда Сулаймон етти ёшда эди. Одамлар уни онасининг тўшаги ёнига олиб келишди. У Сулаймонни қучоқлаб йиғлади: «Болам, энди ким билан қоласан, бир ўзгинанг қандай яшайсан?» — деди. Сўнг уй ичидагиларга мурожаат этди: — Одамлар, боламни ёлғиз қолдирмангиз. Дадаси қайтиб келади, ҳа, албатта қайтиб келади: Оллонинг марҳамати кенг.

Сулаймон онасини қучоқлади, сўнг кўрпа остига кириб, унинг ёнига ётди. У доимо онаси билан бирга ётар, ундан ёқимли бир ис келар эди. Сулаймон ҳар вақт шу исни сезиб ухлайди, бу ис билан уйғонарди. Ҳозир ҳам бутун вужуди билан онасига ёпишди ва фақат онасида мавжуд у ёқимли исни тўйиб-тўйиб ҳидлади. Одамлар уни кўрпа остидан олмоқчи бўлдилар, бола дод солиб йиғлади, кўрпанинг яна ҳам ичкарисига силжиб беркинди. Бу одамлар ундан нима истайдилар,

ажабо? Бари тезроқ кетақолсайди. У яна онасининг кўйнида қолади, онаси унга дадаси ҳақида мароқли ҳикоялар айтиб берарди. Кимдир «Сув!» деб қичқирди, Сулаймон бирдан онасидан у ёқимли ис ортиқ келмаётганини ҳис қилди. Кўрпа остидан сирғалиб, онасининг боши ёнига келди. Лекин у исни сезмади. Онасининг вужуди совуқ ва жонсиз эди. У сесканди. Фигон кўтариб йиғлади. Онасига қўрқиб боқди. Лекин бу унинг онаси. У ўз онасидан нечун қўрқади? Сулаймон ҳар вақт қилгани каби онасининг бошини қучоқлади. Бундай вақтларда у ҳам ўғлини қучоқлар ва «Менинг паҳлавон ўғлим. Даданг келса, сени танимай қолади. «Бу ким?» деб сўрайди. Мен эса унга: «Бу бизнинг Сулаймон» дейман. Даданг ҳайрон қолади. «Уҳ-ў. Қандай паҳлавон йиғит бўпти, дейди.» дер эди. Онасининг сўзларидан Сулаймон завқланар, дадасини узун бўйли, бақувват одам деб тасаввур этар, қалби севинчга, ифтихорга тўлар эди.

Бу сафар уни онаси қучоқламади, суйиб эркаламади. Бир сўз ҳам айтмади.

— Бас, болани олинглар, — деди кимдир. Шу дақиқада қандайдир бақувват қўллар Сулаймонни онасининг боши устидан юлиб олдилар. У онасини қайта кўрмади. Уни болалар уйига топширдилар. Сулаймон у ерда ўн бир йил дадасини кутди. Сўнг Москвага ёзиб суриштирди, ниҳоят, унинг урушнинг биринчи кунларида ҳалок бўлгани ҳақида хабар келди. У болалар уйида ҳам, сўнгра институтда ўқиганида ҳам кўпчиликка қўшилмас эди. Ҳамма билан бир хилда яхши муносабатда бўлди, лекин ҳеч ким билан дўстлашмади, сирлашмади. Бундай четлашувнинг натижаси ўлароқ, ўзининг бўлак дунёсини кашф этди ва одамлардан батамом ётсираб қолди. Мабодо, бу хасталик юз бермаганда, у ҳамон ўз дунёси ичида ўзини бахтли ҳис этиб яшайверар эди.

— Бу мумкин эмас! — деб қичқирди профессор. — Дунёда ҳар бир одамнинг қариндош-уруғи, ёру дўсти бўлади. Яхшилаб суриштиринглар.

— У ҳушидан кетди, шекилли.

— Ҳушдан кетган бўлса, укол қилиб ўзига келтиринг-да, кейин сўраб кўринглар. Албатта, билиб олинглар.

Сулаймон энди унга қандайдир укол қилишларини англаб, кўзларини очди.

— Мени эшитяпсизми? — деб сўради профессор.

— Эшитяпман, — деб жавоб берди Сулаймон.

Профессор қувониб кетди.

— Ана, кўряпсизми, эшитяпти, — сўнг такроп Сулаймоннинг боши устига эгилди. — Бир ўзингиз турар экансиз, қариндош-уруғларингиз ёхуд бошқа одамларингиз бўлса... Биронтасининг адресини айтинг, чақиртирайлик. Хавотирланманг, ҳарҳолда.

Ҳозир Сулаймон ҳеч нарса сезмас эди. На қўлларини, на оёқларини, умуман, бутун вужуди йўқ каби. Ёлғиз мияси ишлайди. У буни очиқ-ойдин англайди ҳамда ҳозир истаганича гаплаша олар эди.

— Ҳеч кимим йўқ, — деди у сокин товуши билан ва ўзининг дунёсини хотирлади. Лекин энди у ҳам йўқ. Сулаймон бунга ўкинмади. Бундан кейин унга ҳаммаси бирдек эди.

У бутун қувватини тўплаб ўз дунёсини бир карра кўрмоқ ва у билан видолашмоқ истади. Кўзларини юмган эди, қора сочли хотин пайдо бўлди. Сулаймон қулимсиради.

— Нега куляпсиз? — деб сўради профессор.

— Бир яқин одамим бор экан. Эсладим.

— Жуда яхши. Адресини айтинг. Ҳозир олиб келишади, — деб қувонди профессор ва врачга қараб, буйруқ бераётган каби илова қилди: — Айтинг, «Тез ёрдам» машинасини дарвоза ёнига чиқарсинлар. Икки одам юборинг. — Сўнг у яна Сулаймонга ўгирилди, ёруғ

чехра билан сўзини давом этди. — Ох, дўстим, кўп ташвишлана-верманг, бу дунёда...

— Мени бу дунё билан ишим йўқ, менинг ўз дунём бор, — деди Сулаймон ва яна кулумсиради.

Профессор ўзини ноқулай ҳис этди.

— Албатта... ҳаммамизнинг дунёмиз бор. Сиз менга у одамнинг адресини айтсангиз.

— Адресини билмайман.

Профессор унга таажжубланиб боқди.

— Ундай бўлса, шофёрни чақиртирай, қандай борилишини тушунтиринг. Бизнинг шофёрлар шаҳарни яхши билишади.

— Қандай борилишини ҳам билмайман.

— Ие, буниси қандоқ бўлди?

Сулаймон профессорнинг шошиб қолганини кўриб, яна кулумсиради.

— Унда нима қилиш керак?

— Бориб чақириш керак.

Профессор Сулаймонга бир оз боқиб тургандан сўнг, врачга ўғирилди ва «балки адрес столидан сўратиш мумкин бўлар», деб сўради.

— Яхши, — деди у сўнг. — Бизга у одамнинг отини, фамилиясини айтинг. Қолганини адрес бюросидан сўратамиз.

Профессор қўлига қалам ва қоғоз олиб, ёзишга тараддудланди.

— Отини ва фамилиясини ҳам билмайман, — деди Сулаймон кўзларини профессорнинг юзига тикиб.

— Алаҳляпти, — деди врач хотин. — Шундай! Кўзлари ҳам бир фалати.

Профессор Сулаймонга шубҳали-шубҳали боқди ва:

— Қани, тилингизни кўрсатинг. Шундай, шундай. Йўқ. Ундай эмас. Э, шундай, — деди.

Профессор билан врач эшик ёнига бордилар.

— Унинг ақли жойида, — деб пичирлади профессор. — Ҳазиллашпшти шекилли. Ҳа, баъзи касаллар бундай вақтда ҳазиллашишни ёқтирадилар.

— Профессор, — деди Сулаймон тиниқ товушда. — Авф этинг, кадрли профессор...

— Лаббай, қимматли Сулаймон. Сиз айтаверинг... биз бажарамиз.

— Мен унинг адресини ҳам, исм-фамилиясини ҳам билмайман. Лекин у бор. Ошхонада мен билан бир столда, менинг рўпарамда ўтирар эди. Касалхонадан чиқиб кетганига бир неча кун бўлди. Чақиртиринг уни.

— Илтимос қиламан... Ўзаро ҳазиллашайлик, эътирозим йўқ. Лекин бундай ҳазилга бегоналарни аралаштирмайлик.

— У бегона эмас. У менинг одамим. Биз у билан бир дунёда яшаймиз! Айтинг, келсин. Мен у билан видолашишни истайман.

— Албатта, биз ҳаммамиз бир дунёда яшаймиз, қимматли Сулаймон.

— Йўқ. Ҳаммамиз эмас, фақат у билан иккимиз.

Профессор индамади.

Сулаймон эрталабгача қимирламай ётди. Унинг вужуди гўё жонсиз эди. Энди совуқни ҳам, иссиқни ҳам сезмайди. Ҳеч нарса ҳақида ўйламайди ҳам. Тонгга яқин совуқлик бутун вужудини қоплаб олди. Сулаймон бир неча марта эсини йўқотди. Бир мартасида профессорга ёлворди.

— Шу хотинни чақиртиринг. У билан видолашмоқ, унинг розилигини олмоқни истайман. Бу менинг сўнгги истагим.

Профессор эшикни очиб, кимгадир:

— Ошхонага бориб, парҳез ҳамширасини чақириб келинг, — деди.

Бир оздан сўнг ошхона мудирини, ўрта ёшлардаги йирик, соғлом гавдали хотин кўрқа-писа кириб келди. Кирасолиб сўради:

— Овқатдан бирон камчилик топилдими?
— Сизга ғалати савол бераман... хафа бўлмайсиз, — деди унга
Друшкин. — Ошхонада бу одамнинг рўпарасида ким ўтирар эди?
Эслай олмайсизми?

— Ҳеч эсимда йўқ, — деди парҳез ҳамшираси ҳайратланиб. —
Унинг ошхонага қайтганига икки-уч кун бўлди ўзи.

— Қора сочли хотин, — деди Сулаймон.

— Ҳа! Қора сочли хотин, — профессор унинг сўзларини такрорла-
ди.

— Э-ҳа, эсладим, анави қирмизи ёноқли хотин, — деб бақирди
ҳамшира. — Фамилияси бирам ғалати эди. Ҳозир... Волга, Урал... э-э,
йўқ, нимаям эди?.. Терек! Терекова.

Профессор врачга ўгирилди.

— Тамилла Мусаевна, Терекованинг шахсий карточкасини келти-
ринглар, — врач ва ҳамшира кетгандан кейин Сулаймонга мурожаат
этди: — Дўстим, мени ноқулай аҳволда қолдирманг тагин. Мабодо,
у аёлнинг эри бўлса... ёки сизни эслай олмаса... Унда қанақа бўлади?
Қасалхонадаги бу танишликнинг охири ғалати бўлиб чиқмайдими,
ишқилиб.

Сулаймон довдираб қолди. Дарҳақиқат, уни эсидан чиқарган бўлса
ёхуд эслаган тақдирда ҳам, келишни истамаса унда нима бўлади?

— Профессор, — деди у ҳаяжонли ҳолда. — У хотинга бизни бир
стулда ўтирганимизни ва мен ҳозир уни кўришни жуда хоҳлаётган-
нимни тушунтириб айтиш керак. Бўлмаса, у мени эслаёлмаса керак.

Профессор оҳиста бошини тебратди, ўйчан ҳолда хонадан чиқиб
кетди.

Профессор чиққандан кейин ҳамшира кирди, эшик олдидаги
курсига жойлашиб ўтирди. Демак, Сулаймонга қоровул қолдирилди.
Бир марта тагин ўз дунёсига бормоқ, сўнгги дафъа саодат нашъасини
туйишни хоҳлаб, кўзларини юмган эди, юрагида кутилмаганда йиғлаш
истагини сезди. Бу истак, унга бўйсунмай, юрагининг ич-ичидан
вулқон сингари увуллаб отилиб чиқди. У тишини-тишига қўйиб чидаб
турди, охир-оқибатда, чидай олмади. Бўғзидан фарёдга ўхшаган бўғиқ
товуш чиқди. Ҳамшира тўп каби отилиб жойидан турди. Палатага яна
профессор ва врачлар тўпланишди. Сулаймон йиғисини тўхтата
олмади. Кўзларидан ёмғирдек қуйилиб келган ёш туфайли боши узра
эгилган профессорнинг ташвишли ва марҳаматли юзларини ҳам кўра
олмай қолди. Бўғзидан бўғиқ овозлар, инграшлар отилиб чиқмоқда
эди.

Ниҳоят, Сулаймоннинг йиғиси тўхтади, кўзларининг олди ёруғ-
лашди. Энди у ҳамма нарсага бефарқ эди. Мияси, вужуди ҳаракатсиз.
Бундан кейин нима бўлиши, нима қолиши уни безовта қилмай қўйди.
У энди у дунёсидан ҳам, бу дунёсидан ҳам рози. Унинг бирдан-бир
истаги тезроқ ўлмоқ.

— Профессор?

— Нима дейсиз, Сулаймон?

— Яна анча борми?

— Нимага?.. Ҳа, албатта, машина кетди. Буни қарангки, шундоқ
яъни Терекова.

Сулаймон кўзларини юмди. У ҳамма бўлиб ўтган воқеани эслади.
Болалик қилди. Ҳозир у хотин кириб келса нима дейди? Қандай
қилиб?..

Энг яхшиси, ҳеч нарса ҳақида ўйламаслик. Яна кўзларини юмди.
Бир оздан кейин уйқуга кетди. Тушида бир тоққа тирмашди. Шу
тоғнинг устида ошпоқ гулга бурканган бодом дарахти ўсар экан.
Сулаймон шу бодом дарахтидан бир бутоқчасини олиб, Сусанна
Казимировнага тақдим қилишни истайди. Қўллари, оёқлари шилинга-
нига, терлаб-пишганига қарамасдан, нуқул юқори тирмашади. Катта
бир гулга ўхшаган бодом дарахти эса ҳамон узоқда. Бирдан у қир
устида сирғанди, пастга йиқилиш ўрнига, қўлларини силкитиб, юқори

учиб кетди, қуш каби ҳаволаниб, бодом дарахтининг ёнига бориб қўнди:

— Сиз ухляяпсизми?

Сулаймон бу овозни эшитган ҳамон сергакланиб, кўзларини очди. Ёнидаги курсида қора сочли хотин ўтирар эди. Ҳа, унинг худди ўзи, қўлларини тиззалари устига қовуштириб, қўрқув тўла кўзлари билан Сулаймонга боқиб ўтирипти. Кўзларининг оқлари ҳақиқатан ҳам мовий тусда. Юзи бир оз оқарган. Дудоғи устидаги сийрак, ҳафиф туклар тизилишиб турибди. Агар жилмайса, ёноғида кулдиргичлар ҳосил бўлади.

— Биласизми? — деди унга Сулаймон. — Мен сиздан авф сўрамоқ ва сиз билан видолашмоқни хоҳлайман. Менинг, ҳақиқатан ҳам, сиздан бошқа ҳеч кимим йўқ.

Хотин унга ҳайратланиб боқди, сўнг мулоим кулумсиради. Сулаймон вужудига ҳарорат ҳис этди.

— Илтимос қиламан, — деди у. — Мен... Хуллас, мен кетгунча, яъни ҳамма нарса тугагунча ёнимда ўтирсангиз. Бу ёғи энди оз қолди.

— Ўтирсам ўтирақолай, — деди хотин ҳаяжонли овоз билан. — Лекин мен ҳеч нарсани тушунмаяпман.

— Отингиз Сусанна, шарифингиз Казимировна, фамилиянгиз эса Терекова. Шундайми?

— Шундай.

— Демак, сиз Терек дарёси бўйларида туғилгансиз?

— Шундай.

— Менинг отим Сулаймон. Фамилиям Тошқирон. Менинг сизга яна бир илтимосим бор. Менга яна бир яхшилик қилсангиз. Менинг аҳволимдаги одамга рад этиш мумкин эмас.

— Сизнинг аҳволингизга нима қипти? Жуда яхшисиз. Кўринишингиз...

— Гап кўринишда эмас, Сусанна Казимировна, гап юракда.

У ўнг қўлини кўксига қўйди ва бир қанча вақт олдин қўл-оёқлари қимирламагани ҳолда, эни кўксининг чап ёғида юраги гупиллаб уриб турганини, қўлларининг терисига қирмизи ранг қайтиб келганини сезди. Демак, фоний дунё... У жуда мураккаб.

— Мен сизга одобсизлик қилдим. Ошхонада. Авф этинг мени.

Йўқ, одобсизлик қилмадингиз. Аксинча, мен... Касалингизни сўрадим. Нечун? Нега керак эди?

— Сиз кеганингиздан кейин мен сизни бу ерда олиб қолдим.

— Қандай қилиб?

— Ўзимнинг дунёмда, яъни мен ташқарида сайр қилганимда...

Мен доимо сиз билан бирга сайр қилдим. Гаплашдим. Баъзан сиз мен билан баҳслашдингиз, биз жанжаллашдик ҳам. Қизиғи шуки, суҳбатимиз ҳамisha мен айтгандай, мен истагандай тугайди. Бир марта мени роса уришдингиз, ҳатто мени «аҳмоқ», «жинни» деган сўзлар билан сўкдингиз. Лекин мен хафа бўлмадим ва ўз айтганимдан қайтмадим... Қайтмайман ҳам... Ҳеч бир вақт қайтмайман. Сўкмоқ тугул, калтакласангиз ҳам, оссангиз ҳам, кессангиз ҳам қайтмайман.

— Сиз нима деган эдингиз?

— Мен умримда бировга айтмаган сўзларимни сизга айтдим ва ўз дунёмга фақат сизни олиб кирдим. Энди сиз унинг ичидан чиқолмайсиз.

— Ҳеч нарса тушунмаяпман. Илтимос қиламан, мундоқ тушунтириброк гапиринг.

— Тушунтириброк айтсам, мендан ранжимайсизми?

— Ранжимоқ нима учун? Мен ўзим сиздан илтимос қиляпман-ку!

— Йўқ, шундай бўлса ҳам... дабдурустдан. Балки...

— Айтинг. Тортинманг. Айтадиган гапингиз ҳаммаси бўлиб бир сўздан иборат, шекилли. Айтинг, хафа бўлмайман.

Сулаймон бир неча марта кўзларини юмиб очди. Сусанна Казимировна унга жилмайиб боқмоқда эди.

— Мен сизга «севаман» деган эдим.

Сусанна Казимировна индамади. У Сулаймонга жиддий назар билан тикилиб қолди. Сўнг кулумсирагандек бўлди, бирдан юзини қўллари билан беркитиб, йиғлаб юборди.

Шу аснода останада ҳамшира пайдо бўлди. Унинг орқасидан профессорнинг уйқусизликдан шишган юзи кўринди.

— Энди буниси йиғдаяпти, — деди ҳамшира.

— Епинг эшикни, — деди профессор.

Улар палатада яна ёлғиз қолдилар.

— Ўлим тўшагида ётган одамнинг оғзидан бундай сўз чиқиши галати нарса. Мен шу сўзни айта олганим учун бахтиёрман. Шу сўзни айта олмасдан ўлиб кетганимда, ўкинар эдим. Сиз мени кечиринг.

Сусанна Казимировна ўзига келгандан кейин ҳам анча вақт ерга қараб индамай ўтирди.

Хона ичида сас-товуш эшитилмагандан кейин профессор ичкари кирди.

— Аҳволингиз қалай? — деди у баланд овоз билан. — Мен сизнинг илтимосингизни бажардим. Сиз ҳам илтимосимни бажаринг энди.

— Ташаккур, профессор, — деди Сулаймон. — Сиз учун қўлимдан келган ҳамма нарсани бажараман.

— Илтимосим шуки, тезроқ тузалинг. Етар энди ётаверганингиз. Қирчиллама ёшдаги одам бўлсангиз. Бу нима қилганингиз?

Сулаймон жавоб бериб улгурмади. Сусанна Казимировна ўрнидан турди, профессорга мурожаат қилди:

— Илтимос қиламан, менга истаган вақтимда бу касални олдига келишим учун руҳсатнома берсангиз, — деди.

Профессорнинг кенг ва ҳорғин юзига кулги югурди. Кулумсираганда бетини ўргимчак уяси каби қоплаб олган ажинлар бир ёйилиб-бир йиғилиб олдилар. Ажинлар ёзилган вақтда у яшарган ва гўзаллашгандек кўринди.

— Марҳамат! — деб хитоб қилди Друшкин. — Руҳсатномангизни ҳозир олишингиз мумкин. Орқамдан юринг.

Сусанна Казимировна профессорнинг орқасидан кетди. Эшик олдига етганда, ўгирилиб Сулаймонга қаради, кулумсиради: «Мен ҳозир келаман».

Сулаймон ҳам жилмайди. Ёлғиз қолгач: «Мен бу хотинни кўпдан билар эдим... фақат ҳозир учратдим», деб ўйлади.

Эрталаб уйғонганда Сулаймоннинг кайфияти яхши эди. Дераза орқасида гулга кирган ўрикнинг хушбўй ҳиди димоғига урилди. Чиройли ўрик дарахти, негадир, тарвақайлаб ўсган кекса ўрикка қўшилиб гуллагандек туюларди.

Қирмизи гулларга бурканган дарахтнинг бутоғида бир мусича ўтирарди. Қанотларини ҳурпайтириб, бошини бўйни ичига тикиб олган.

Гуллар ичида оғир хаёлга толган каби. Ажабо, бу қушнинг не ташвиши бор? Бутун бошқа қушлар шохдан-шоҳга, дарахтдан-дарахтга учиб, бу ажойиб тонгнй саломлаб, атрофни ўзларининг шўҳ садоларига тўлдирган бир вақтда, бу мусича нега дарахтда қимирламасдан ўтирипти экан?

Сулаймон анча вақт мусичага қараб ётди. Қуш жойидан қимирламади. Бир маҳалда шу шохга бошқа мусича келиб қўнди. Унинг тумшугида нимадир бор эди. Иккинчи мусича оғзидаги емаган луқмасини бир ҳаракат билан биринчи мусичага едирди. Таажжуб! Бу мусича ўзи каби бошқа мусичани боқяпти. Бу нимаси, текинхўрликми? Иккинчи мусича оғзидаги овқатни бергандан кейин учиб кетди. Биринчи мусича эса авзойини бузмасдан бутокда ўтираверди. Бир оздан кейин боқувчи мусича яна учиб келди ва яна унга овқат берди. «Текинхўр, эксплуататор, — деб ўйлади Сулаймон ва ётган ерида бу дангаса мусичани ҳуркитди. Қуш эринибгина унга қаради. Унинг

боқишида лоқайдлик, парвосизлик бор эди. — «Сени мен, мана ҳозир... киш!!» Сулаймон қарсак чалди.

Қуш секин ўрнидан қўзғалди ва эҳтиёткорлик билан шох устидан юриб, дарахтнинг нариги тарафига кетди. Бу вақтда Сулаймон унинг бир қаноти шалвираб осилиб қолганини кўрди.

Демак, у яраланган, уча олмайди, демак, умр йўлдоши уни боқади, тузалгунча, ўзига-ўзи емак топадиган бўлгунча уни парвариш қилади. Сулаймон ичида жўшқинлик билан хитоб қилди: «Умидсизланма, ҳаммаси ўтиб кетади, сен яна мовий кўкда парвоз қиласан ва ўз халоскорингни, бутун коинотни олқишлаб куйлайсан».

Қўлида шприц билан ҳамшира кирди.

— Сулаймон оға! Бугун кўринишингиз жуда яхши.

— Саломат бўлинг, синглим. Бугун яхшиман, — деди Сулаймон.

Уколдан кейин Сулаймон анча вақт шипга қараб ётди. Фикрларида тиниқлик, вужудида энгиллик туйди. У яна уйини, ўзининг дунёсини эслади. Ҳа, албатта, ундан бир хабар олиб қўйиш керак. У кўзларини юмди. Лекин саодат дунёси келмади. У бутун кучини тўплаб, бир неча марта уриниб кўрди. Ғалати ҳол. Қайфиятининг бу қадар яхши бўлишига қарамасдан, саодат дунёси келмади, масъудлик туйғуси вужудини қамрамади. У яна бир уриниб кўрмоқчи бўлиб кўзларини юмганда, эшик оҳиста очилиб, ичкарига Сусанна кирди. Унинг ёноқлари ўрик гулларидан ранг олган каби қирмизи ва тоза эди.

— Мана мен келдим. Кутган эдингизми?

Сулаймоннинг юрагида қувончга ўхшаш ёқимли бир туйғу пайдо бўлди. Бундай туйғу, одатда, ўз дунёсига кирганда пайдо бўлар эди.

— Албатта, кутган эдим, — деди у жўшқинлик билан. — Кутишгина эмас, ҳатто чақираётган ҳам эдим.

Хотиннинг қора кўзлари йилтираб, жилмайди.

— Сиз ҳаммаша шунақа ғалати гаплашасизми?

— Йўқ, энди фақат тўғри гаплашаман.

— Менинг гапимга кирасизми?

— Албатта.

— Ундай бўлса, мен келтирган нарсаларни ҳозироқ ейсиз.


— Хўп бўлади, барини ейман.

Сусанна халтасидан ҳар хил банкалар, косалар чиқариб, стол устига қаторлаштириб қўя бошлади.

Сулаймон бу марҳаматли ва сеvimли хотиннинг ҳаракатларини кузатиб ётаркан, ўз дунёси — ёлғизликнинг, умридаги бўшлиқни тўлдириш истагининг натижаси эканини англади. Бу бўшлиқ тўлгандан сўнг, унинг натижаси бўлган «дунё» ҳам ғойиб бўлди. Йўқ аксинча, энди унинг дунёси ёнида эди.

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
таржимаси.





БАҲОР ТАРИХИ

Юсуф Жумаев

Журъат

*Журъат боис инсон тарагади шон,
Журъат кўкларни забт этмоққа қодир.
Бежуръатдан асло чиқмас қахрамон,
Бежуръатдан асло чиқмайди шоир.*

Султон Жўрага

(«Бруно» дostonини ўқиб)

*Бомбей майдонида ёнган Бруно,
Бизнинг Бухорода
яшай бошлади.
Умрининг давоми — сенинг ҳаётинг,
Сен бўлиб юртимда қадам ташлади.*

*Бруно ким эди? Уйлайман баъзан,
Боради юрагим ғурурга тўлиб.
Эҳтимол,*

*оловда ёнган Муқанна —
Римда бош тиклаган Бруно бўлиб.*

*Муқанна — қахрамон, Бруно — олим,
Сен — шоир,*

*учовинг асли бир одам.
Ҳақиқатни айтиб, ҳақни қўриқлаб
Улар ёнган эди,
ўқ единг сен ҳам.*

*Оламга боқаман, кўраман аён:
Кимки ҳақиқатнинг, юртнинг нажоти, —
Ушанинг умрида давом этмоқда
Муқанна,*

*Бруно,
Султон ҳаёти!*



*Халқимнинг жўш урган ғурури каби
Улқамнинг қадимий баҳори келди.
Насиб этган янглиғ Қайсга ёр лаби,
Юртимга хуш онлар канори келди.*



Журналимиз саҳифаларида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартия-сининг 60-йиллигини шарафлаб, республикамиз областлари ижодкорларининг мушоирасини ташкил этдик. Бу сонда Бухоро области ижодкорлари асарларидан намуналар беряпмиз.

Бизни топтаганди ёвлар кўп замон,
Чигирткага монанд, монанд куяга.
Демишки Искандар бир кун беомон:
«Бу юрт баҳорини ортинг туяга».

Пахта, ғалла, пилла, кемириб борни,
Маст-аласт пайтида қарангки, энди:
Юртга садоқатли, суюк баҳорни
Олиб кетмоқ бўлган бундан келгинди.

Адашган йўлчидек нолон, бесурур,
Беймкон жаҳонгир ўйларга толди;
«Бу халқда қолгани биргина гурур,
Бу юртда таланмай бир баҳор қолди».

Мана ўша баҳор: поёнсиз диёр
Чўмилиб ётибди жийда бўйига.
Ирмоқлар чопқиллар қайгадир тезкор,
Қизчалар шошгандек қўшни тўйига.

Халқинг гуруридан кечмасин зинҳор,
Баҳорингни асра, эй онажоним.
Шу қадимий гурур, шу қадим баҳор
Сени пойдор этган, Ўзбекистоним!

Самандар Воҳидов

Манзара

Уфқларга сингиб кетар дашт, Сўниб борар отлар қораси. Отхонада қолган той яккаш Қочмоқликнинг излар чорасин.	Овутолмас она елини, Юпатолмай хуноб отбоқар. У нигоҳин узмас уфқдан, Ўксиб кишнар, Кўзида чақмоқ. Ўзи ҳали кўриб тўймаган — Уфқ сари талпинар тойчоқ...
Тўсиқларга урар тўшини, Бундан толиб, Тирқишдан боқар.	

Отам хотирасига

Кўклам кезар қиш ғуборни аргиб диллардан,
Осмон — доғи тозаланган ярқироқ ойна.
Ернинг пинҳон умидлари — майсалар хуррам,
Тилга кирган қушлар ўқир бахтга шукрона.

Ишқ тафтидан ҳижрон музин мумдай эритиб,
Висол сари шошган юрак — безовта анҳор.
Чимилдиқдан чиққан келин — қуёш кўркидан
Ўзи ҳам маст боғдан-боққа кўчади баҳор.

Боғбонсиз бир боққа кириб, қолди довдираб,
Ўзлигини йўқотгандай қотди соқов, лол.
Излаганин топа олмай боқди жавдираб,
Дўсти йўлда ташлаб кетган йўловчи мисол.

Дарчалардан мўралади,
Чопди йўлакка,
Шўр кўпчиган лой супага боқди мунғайиб.
Танниш кетмон ва ток қайчи ётар бурчакда,
Боғбон кафтин қўмсагандай зангдан сарғайиб.

Емғир ёғаётир...

*Булут орасидан қуйилар ёғду,
Емғир ёғаётир нурда ялтираб.
Дарахт шохларида.
салқи симларда, —
Томчилар омонат турар қалтираб.*

*Табиатнинг ширин хаёлин бузар
Ногаҳоний чақин — гулдурак овоз.
Камалак кўк узра кенг қулоч ёзар,
Олам чиқа бошлар баҳорга пешвоз.*

Ғайрат Муродов

*Левитаннинг «Олтин куз»
картинаси олдида*

*Мўғжизага ўхшаб кетади дала,
Уни тўймоқ мумкин, англамоқ мумкин.
Аммо бу сеҳрни, бу мўғжизани
Тасвирламоқ қийин, ғоятда қийин.
Эпкинлар кўшиқдай ҳар ён таралар,
Дунё яшаргандай иссиқ ранглардан.
Сарғайган япроқлар ёниб-ёлворар,
Қуёшнинг рангида беҳудуд Ватан.
Иссиқ ҳисга тўлиб боради юрак,
Ранглар жилваланиб, ранглар ёнади.
Рамкадан боқади мағсум табиат,
Кўзларида сукут, заминнинг дарди.*



*Аёзли тун. Деразадан боқаман.
Далага учади ўйларим.
Беҳол ниҳолчалар, заиф қушчалар
Совқотар. Қалбимни ёқаман.
Чекинади аёз. Илиқ тўйғулар
Оқ қоғоз бегига тўкила бошлар.
Энди совқотмайди қушлар, ниҳоллар,
Юрагимда исинар улар.*

Чоршаъм Рўзиев



*Кафтларимни соғинган гуллар
Қаҳ-қаҳ отар, қаҳ-қаҳ отаман.
Йўлларимга чиқади йўллар,
Мен чопаман, қувнаб чопаман.*

*Сукут кутар, кутаман бир зум.
Қучоғимга сиғмайди ҳаво.
Укам елар, югурар синглим,
Ҳозир замин юксалар гўё.*

*Рўпарамдан чиқар деҳқонлар,
Қаддин ростлаб борар пахтазор.
Ниғоҳимда чақнар кетмонлар —
Кифтлар узра қуёшлар қатор.*

*Кўзларимдан кетар тўкилиб
Шаҳар менга берган армонлар.
Елкаларда қуёшлар қолиб,
Чўкиб борар аста кетмонлар.*



Атуквей Окай

(Гана)

Африкалик

Бўлганим шу:
 Тирик бир жонман —
 Нафас олувчилар тоифасидан.
 Аввалгидек, энди,
 Қўлингдан келмас
 Қовурғамни уриб синдирмоқ.
 Соябонсиз, кўзойнақларсиз
 Офтоб урар сени бу юртда.
 Тангрим каби асрар шу офтоб
 Қамишзорим, дарём ва мени.

Бўлганим шу:
 Тирик инсонман —
 Бананларнинг бўй чўзганда
 Шивирлаганин
 Қалбан ҳис этган.
 Айт, сен ўзинг ҳеч шамол чорлаб,
 Хирмон шопирганмисан?
 Туманларга кўниккан теринг
 Қуригади бизнинг шамоллар.
 Қани, қувгил, шамол, қушларни,
 Қийғос униб чиқсин уруғлар!

Бўлганим шу:
 Мен тирик бир жоғ,
 Бурро тилим — фикрим жарчиси.
 Душманимга тик боқиб рўй-рост,
 Ҳақ сўзимни айта оламан.
 Аввалгидек, энди, юзимга
 Сен тарсаки торга олмайсан.
 Даррандаю қушларимни
 Хуркитолмайсан!
 Энди менинг ўрмонзорларим
 Эркин-эркин нафас олсинлар!

Бўлганим шу:
 Комил инсонман —
 Қушларга жўр сайрай оламан.
 Шунча йиллар бўйи, сен эса
 Одамлар тилини топа олмайсан.
 Аввалгидек мени
 Мажбур этолмайсан
 Сукут сағламоққа,
 Тилингни тут, деб дўқ уролмайсан,
 Онам алла айтган менга бу тилда!

Қўшиқлар ўлмасин ҳеч қачон,
 Одамлар сўйлашсин одамлар билан!

Бўлганим шу:
Дардкаш инсонман —
Оғриқ, изтиробдан зирқирар қалбим.
Аввалгидек мени
Эшакларга боғлаб,
Кема ергўласига ташлай олмайсан!
Энди соҳилларим
Тунлар қароқчидай пусиб келган
Кемалар босқиний билмасин асло!

Бўлганим шу:
Бир таянч инсонман,
Мен билан — Заминнинг мукамаллиги,
Бу заминнинг уйғунлигин
Энди буза олмайсан,
Менсиз бу камалакдай Ернинг
Асосий ранги кам.

Энди Ернинг турфа ранглари
Битта камалакда бўлсин жамулжам.

Бўлганим шу:
Мунис бир Инсон —
Кўксимда гупурар инсоний бир қалб.
Майсаларга, булутларга,
Чулдираган ирмоқларга,
Маъраётган улоқларга,
Урмалаган чумолиларга,
Шивирлаган қумларга,
Ўтлаётган сигирларга,
Чирқиллаган калтакесаклар,
Тонг жарчиси — хўрозларга
Бермам заррача озор.
Меникидир улар яқиндан буён.

Бўлганим шу:
Меҳнаткаш жонман.
Экин-тикин қилганмисан ҳеч
Умрингда бир бор?
Энди ҳосил йиғар бўлсам мен,
Уроқда йўқ, машоқда йўқ,
Хирмонда ҳозир бўлолмайсан!
Хўрозларнинг тонгдаги қўшиғини,
Қўзиларнинг булоқдан сув ичишини,
Балиқларнинг ирмоқда яйрашини
Таъқиқлай олмайсан,
Қул этолмайсан уларни!

Бўлганим шу:
Ҳаётга қодир бир жонман —
Нафас олувчилар тоифасидан.
Ўз шодлигим, ўз дардларим бор,
Жами тирик жонга ҳамдардлигим бор.
Мен билан — Заминнинг мукамаллиги,
Қушларга жўровоз сайрай оламан.
Кўксимда гупурар инсоний юрак,
Фикру ўйларимнинг жарчиси — тилим.

Қўлингдан қамчини уриб туширдим.
Энди хўрлай олмайсан мени!
Кўзларингга тик боқаман.
Беҳадик, мағрур:
Мен ИНСОНМАН —
Бу ерларнинг ўз эгасиман!

Ойдин ҲОЖИЕВА таржимаси



Бирдан юрак кучли тепа бошласа,
Юмалай бошласа бирдан кўксингда,
Уфқ бўйлаб юмалаётган
Момақалдиروقнинг аравасидай;
Унинг зарбларидан кўкрак қафаси
Зирилласа, довул пайтида
Эшик табақаси
Зириллагандай.

Бу юрак ичида Тақдирнинг
Беомону оғир қадам товуши
Акс садо берса
Кутилмаганда —
Лаҳза сайин
Гурс-гурс яқинлашса Вақт зинасидан,
Яқинлашса Тақдир
Сен томон;
Сен тўхта
Ва олдинга қара, ўшанда

Гира-шираликда
Бир одам сўлдорин
Кўрарсан шаксиз,
Кўрсанг бас, ул одам
Сенга нажот қўлин
Узатар дарҳол,
Токи икковингиз кучлироқ бўлиб,
Қўлни бериб қўлга
Тўшгайсиз йўлга —
Довуларо довулдан қўрқмай,
Тўппа-тўғри Тақдир истиқболига...

Муҳаммад СОЛИХ таржимаси


Асэфа Гэбрэ Мариам Тэсэмма

(Эфиопия)

Эркинлик

Сени ичдан ва сиртдан этмоқ бўлдилар абгор,
Лекин яшамоқдасан виқор билан бахтиёр!
Сен кўкларга чанг солган бир қудратли тўфонсан,
Юрак дағдағасисан, ороми йўқ кўрғонсан!
Ғолибона қаҳқаҳанг этар кечани кундуз,
Жангда келар экансан ўлимларга юзма-юз.
Севгинг қўшиғи ағло ҳамма қўшиқдан, бироқ
Ғаминг, ташвишларингдан озод этур яхшироқ.
У билан ўчар борки ғаминг, аламинг, жоним,
У куйда ҳаловатим, у қўшиқда имоним.
Қайда шўриш ҳукмрон, унда қурбондир иқбол,
Лекин ундан ҳам даҳшат номусинг этмоқ поймол.
Метиндан иродаси, эгилмайди сарбасар,
Эрк шундайин пойдор, ёнлаб ўтади хатар.
На зиндон чиритади ва на оғир кишанлар,
На даҳшатли чангалзор, на зулмат қаҳқашонлар.
Уни ҳеч не енголмас на кўкда-ю, на ерда,
Олам кўкси мунаввар-у бор экан қай ерда!

Туроб ТУЛА таржимаси.



«У БИЗ УЧУН БИЛИМ, ҚУРОЛ ВА ҚУДРАТ»

Назария оммага сингсагина моддий кучга айланади.

К. Маркс.

Вазифа — меҳнаткаш омманинг савияси қай даражада бўлишидан қатъи назар, бу оммада ташаббус кўрсатишга ва уюшишга қаратилган революцион фаоллик туғдиришдан, анча илғор мамлакатларнинг коммунистлари учун мўлжалланган чинакам коммунистик таълимотни ҳар бир халқ тилига таржима қилиб, улар ўртасида кенг ёйишдан... иборат.

В. И. Ленин.

Бизга Ленин васият қилиб қолдирган принциплар: мамлакатдаги барча миллатлар ва элатларнинг тўла тенг ҳуқуқлилиги, қардошлиқ иттифоқи доирасида уларнинг эркин ривожланиши ва уларни бир-бирига яқинлаштиришдан иборат доимий йўл — шу миллий сиёсатнинг негизидир...

...Партиянинг ривожланган социализмни такомиллаштиришдаги стратегияси марксизм-ленинизмнинг мустаҳкам назарий пойдевориغا таяниши лозим.

Ю. Андропов.

В. И. Ленин — гениал мутаффаққир, марксизм назариячиси, КПСС ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг ташкилотчиси ва йўлбошчиси, совет давлатининг асосчиси.

Доҳиймиз Владимир Ильич Ленин Урта Осиё халқларининг халоскори, умуман, Шарқ халқларининг ғамхўри ва доно маслаҳатчиси эди. Ўлкамизга инқилобдан анча бурун марксизм-ленинизм ғоялари кириб келганидан ғоят фахрланамиз. Ленинча ҳақиқат мазлум оммани «инсоний бурчлари учун курашишга ўргатди». Қардошлиқ оиласида коммунистик жамият қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистонда ҳам партиямиз доҳий Ленин адабий меросини илмий асосда нашр этишга доим зўр эътибор бериб келди. Сўнгги бир неча йил ичида В. И. Лениннинг 55 томдан иборат Тўла асарлар тўпламининг нашр этилиши республика маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Бу асарлар ўзбек халқининг чинакам маданий меросига айланиб қолди.

Бу йил республикаимиз ташкил топган куннинг 60 йиллигини, В. И. Ленин таваллудининг эса 114 йиллигини тантана қилади. Бебаҳо мероснинг ўзбекча нашри ана шу иккала табаррук ва тарихий сана учун ҳам муносиб армуғон бўлганини кўзда тутиб, редакция давра суҳбати уюштирди. Суҳбат мавзую гарчи доҳий Лениннинг 55 томлик Тўла асарлари тўплами ўзбекча нашрининг амалга оширилиши жараёни хусусида борса-да, йўл-йўлакай бу буюк мероснинг ўлкамизга тарқалиш тарихи, илк марта босилган китоблар, таржимон кадрларнинг етишиб чиқиши, илмий-фанний терминологиянинг вужудга келиши, таржималарнинг савияси, мутолааси, тарғиб-ташвиқ қилиниши ва бошқа алоқадор масалаларга доир ҳам сўз юритилади.

Давра гурунгида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти директори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ҳабиб Турсунов, институтнинг таржима бўйича директор ўринбосари Ғиёс Нейматов, таржима сектори мудирлари — Аҳмад Аюпов ва Ҳамза Солиҳов, таржима секторининг катта илмий ходими Шариф Толибов, таржима секторининг илмий консультанти Ровил Шокиров, катта илмий ходимлар — Рустам Абдиев ва Матлуба Раҳимова, «Ўзбекистон» нашриётининг директори, фалсафа фанлари доктори Наим Ғойибов, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети педагогика кафедраси мудир, доцент Раҳимжон Усмонов, шу университет КПСС кафедраси доценти Йўлдош Иброҳимов, шу университет таржима назарияси кафедраси доценти Нажмиддин Комилов, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тарихий ва диалектик материализм кафедраси доценти Зойир Ғофуров иштирок этадилар. Суҳбатни «Шарқ Юлдузи» журналининг бош редактори, филология фанлари доктори Пирмат Шермухамедов олиб боради.

Шермухамедов. Биз жаҳонда энг китобхон мамлакатда яшаётганимиздан фахрланамиз. Марксизм-ленинизм классикларининг асарлари халқимизнинг китоб жавонларидан муносиб жой эгаллаганига ярим асрдан ошиб кетди. Ҳозир социализм кишиларининг учинчи ва тўртинчи авлоди ҳам бу асарларни мутолаа қилмоқда. Шу марксча-ленинча ғояларга суяниб, социализм қурдик ва шу ғоялар туфайли маънавий юксалдик. Агар В. И. Ленин асарларининг кейинги Тўла



Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг бир гуруҳ ходимлари (Биринчи қатор. Чапдан ўнгга): сектор мудир Аҳмад Аюпов, катта илмий ходим Шариф Толибов, институт директорининг ўринбосари Ғиёс Нейматов, сектор мудир Ҳамза Солиҳов, илмий консультант Ровил Шокиров, кичик илмий ходим Саодат Абдуллаева, (иккинчи қатор) катта илмий ходимлар Худойберди Пўлатов, Илҳом Султонов, Ҳаким Исмоилов, Омон Тўраев, Матлуба Раҳимова.

тўпламини кўзда тутадиган бўлсак, бу ўзига хос бир кутубхонадир. Тўғрироғи, Ленин кутубхонаси деб атаса бўладиган ана шу кутубхона-ни таржима этиш тарихи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти босиб ўтган йўл билан узвий боғ-лиқдир. Шундай эмасми, Ҳабиб Турсунович?

Турсунов. Албатта. Институтимиз Ўзбекистонда тарихий-партия-вий фанларнинг марказидир. Доҳий Ленин марксистик мафкура ва методологияга асосланган тарих фанларига катта аҳамият берди. Шуни ҳақли равишда айтиш мумкинки, Лениннинг ўзи янги даврнинг, пролетар революцияси, демократик ва миллий-озодлик ҳаракатлари даврининг биринчи тарихчиси эди. Қолаверса, партиямизнинг ҳам биринчи тарихчиси эди. Шунинг учун ҳам Ленин раҳбарлигида илмий-тадқиқот тарихий марказларининг, тарихчи-марксист кадрлар тай-ёрлаш марказларининг янги типдаги совет системасига асос солинди.

Доҳий Ленин ва Марказий Комитет кўрсатмаларига мувофиқ янги илмий марказлар қуйидагиларни амалга ошириши керак эди: биринчидан, тарих ва бошқа ижтимоий фанлар соҳасида, асосан Октябрь инқилоби тарихига доир тадқиқот ишлари олиб бориш; иккинчидан, марксизм-ленинизм классиклари асарларини тўплаш ва эълон қилиш, партия ва Октябрь инқилоби тарихи, социалистик қурилиши тарихи манбаларини нашр этиш; учинчидан, ижтимоий фанлар соҳасида марксист кадрлар тайёрлаш; тўртинчидан, илмий-оммабоп адабиётларни халққа етказиш, тарихий билимларни инқило-бий тарғиб қилиш.

1920 йил 21 сентябрда РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Октябрь инқилоби ва РКП тарихи бўйича материаллар тўплаш ва ўрганиш комиссияси В. И. Ленин имзоси билан тасдиқланди. 1921 йил 7 декабрда Туркистон АССР МИК Совети ҳузурида Туркистонда инқилобий ҳаракат тарихини ўрганиш бўйича комиссия тузилди. 1922 йил 17 августда эса бу Комиссия бекор қилиниб, Туркистон Компартияси Марказий Комитети ҳузурида Партия тарихи Бюроси ташкил топди. Шу тариқа Партия тарихи Бюроси архив материаллари, ўлканинг инқилобий воқеаларида қатнашганларнинг эъдаликлари, матбуот саҳифаларида мақолалар эълон қилиш, илмий кутубхонани шакллантириш, тарихий-партиявий билимларни ҳужжатлар кўргаз-масини уюштириш воситасида оммалаштириш, матбуот нашрлари, хотирлаш кечалари ва лекцияларга диққат-эътиборни қаратди.

Партия тарихи архивига қимматли тарихий-партиявий ҳужжат-лар, яширин партия матбуотининг нусхалари, варақалар, маҳаллий партия ташкилотларининг материаллари, фотоҳужжатлар тўплана бошлади. Аста-секин Ўзбекистон Компартияси тарихининг бой ҳуж-жатли базасига тамал тоши қўйилди.

Шермухамедов. Демак, партия тарихи институти илмий кутубхо-наси эътиборан 1922 йилдан бошлаб ташкил топган. Унда сақлана-ётган марксизм-ленинизм классиклари асарларининг энг эски нашрла-рини, умуман, ноёб китоблардан баъзиларини санаб ўтсангиз...

Турсунов. Марҳамат. Илмий кутубхонамиз фондида Маркс ва Энгельс асарларининг рус тилига ағдарилган Женева, Париж ва Лондон нашрлари, В. И. Лениннинг чет элда чоп этилган китоблари бор. Айниқса, «Капитал» I, II, III жилдларининг 1872, 1885, 1908 йил-лардаги нашрлари, К. Маркснинг 1887 йили Женевада босилиб чиққан «Гегелнинг ҳуқуқ фалсафаси танқидига кириш», 1902 йили шу шаҳарда нашр этилган «1848 йилдан то 1850 йилгача Францияда синфий кураш» асарлари, В. И. Лениннинг Париж, Женева ва Пе-тербургда 1895, 1904, 1915, 1916 йилларда босилган рисоалари ҳамда доҳий барҳаётлигида Туркистонда ўзбек ва рус тилларида чоп этилган асарлари, «РСДРПнинг 1907 йилги Лондон съезди» материаллари (1909 йили Парижда босилган), «Коммунистик партия Манифести» («Коммунистлар баённомаси»)нинг 1925 йили Абдулла Авлоний ўзбекчалаштирган биринчи таржимаси диққатга сазовордир. Шу-

нингдек, Ленин асарларининг ўзбек тилида тарғиб қилишни бошлаб берган «Иштирокиюн» газетасининг доҳий рисоалари ёритилган сонлари ҳам кўпчиликни қизиқтириши турган гап. В. И. Лениннинг «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» машҳур асаридан олинган «Русия шўролар жумҳуриятининг байналминал аҳволи», «Шонли ташкилот ва ҳокими мутлақлик» боблари ҳамда «Туркистондаги коммунист ўртоқларга» мактуби, «Темирийўлчиларга мурожаати», Афғонистоннинг мустақилликка эришганини табриклаб ва дипломатик муносабатлар ўрнатишни таклиф қилиб Афғонистон амирига йўллаган номаси ва бир қанча нутқлари ҳам «Иштирокиюн» газетасининг 1918-19 йиллардаги сонларида босилган эди.

Шермухамедов. Менингча, партия тарихи институти таржима секторида марксизм-ленинизм классиклари асарларини таржима қилиб, «Ўзбекистон» нашриётида чоп этириш ўзбек маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлибгина қолмай, балки республикада ижтимоий фанларнинг гуркираб ўсишига, бу соҳада юзлаб-минглаб илмий мутахассисларнинг етишиб чиқишига олиб келди. Ленин асарларининг биринчи нашридан то сўнгги Тўла тўпламининг босилишигача ўтган вақт бутун бир тарихий даврни ташкил этади. Бу самарали йиллар ичида институтда ўзига хос таржима мактаби яратилди ва забардаст таржимонлар авлоди етишиб чиқди.

Турсунов. Тўғри айтасиз, Пирмат Шермухамедович. Ўзбекистонда социализм қурилишини бусиз амалга ошириб бўлмасди, албатта. Шу сабабли ҳам Коммунистик партиямиз В. И. Ленин асарлари жамиятни революцион тарзда ўзгартиришнинг, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг буюк ғоявий қуроли деб билиб, уларни нашр этиш ва тарғиб қилишда катта жонбозлик кўрсатди. Доҳий асарларини газета-журналларда босиб чиқариш, рисола, алоҳида китоб, тематик тўплам, танланган асарлар ва кўп жилдлик тарзида нашр қилиш тўхтовсиз давом этди. Булар учун русча беш марта нашр этилган доҳий асарлари асос қилиб олинди. 1920—1926 йилларда 20 томлик биринчи нашри, 1925—1932 йилларда 30 томлик иккинчи ва учинчи нашрлари, 1946—1950, 1959—1967 йилларда 45 томлик тўртинчи нашри, 1958—1965 йилларда 55 томлик бешинчи нашри, яъни Тўла асарлар тўплами босилган эди.

1935 йили Маркс, Энгельс, Ленин асарларини ўзбек тилига таржима қилишни илмий йўлга қўйиш ва малакали таржимонлар тайёрлашда кескин бурилиш юз берди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти составида марксизм-ленинизм классиклари асарларини ўзбек тилига таржима қилиб, нашрга тайёрловчи таржима сектори тузишни лозим топди... Бу сектор шу кунга қадар башарият доҳийсининг ўлмас меросини таржима қилиш билан қизгин шуғулланиб келмоқда.

Совет ҳокимияти йилларида ўлкамизда В. И. Ленин асарлари 580 номда 8,1 миллион нусхада нашр этилди. Шу жумладан, ўзбек тилида 397 номда 7,3 миллион, қорақалпоқ тилида 63 номда 263 минг, рус тилида 23 номда 140 минг нусхада босилди. Доҳий асарлари республикамизда уйғур ва маҳаллий яҳудий тилларида, ҳатто араб ва ҳинд тилларида ҳам чоп этилди. Лениннинг бир қанча асарлари эса қайта-қайта босиб чиқарилди. Масалан, «Ешлар союзининг вазифалари» — 26 марта, «Нима қилмоқ керак» — 12 марта, «Империализм — капитализмнинг юқори босқичи» — 10 марта, «Давлат ва революция» — 9 марта, «Материализм ва эмприокритицизм» — 5 марта босилди.

Бундан 60 йил муқаддам, яъни 1924 йил 26 январда СССР Советлари II съездининг мотам мажлисида «В. И. Ленин асарларини нашр этиш тўғрисида» қабул қилган қарорида: «Владимир Ильич Ленин асарларини кенг оммалаштириш унга қўйилган энг яхши ёдгорлик бўлади», дейилган эди. Ҳозир биз фахр билан айта оламиз: буюк доҳийга бундай ёдгорлик кўп миллатли мамлакатимизнинг барча

халқлари томонидан қўйилди. Мана, энди доҳий Лениннинг дурдона сўзлари ўзбек тилида ҳам жаранглаб турибди.

Шермухамедов. Энди илк таржималар, қалдирғоч таржимонлар ва Ленин асарларини ўзбекчалаштиришдек сермашаққат ва олижаноб ишни уддалаш йўлида бартараф қилинган қийинчиликлар тўғрисида сўзлашсак.

Турсунов. Маълумки, В. И. Ленин асарларини ўзбек тилига таржима қилиш ва нашр этишнинг ўзига яраша тарихи, заҳмати ва турли-туман муаммолари бўлиши табиий эди. Таржимонларни бу улкан эзгу ишга жалб этибгина қолмай, уларнинг савиясини узлуксиз ошириб бориш терминология масалаларини йўлга қўйиш, оммага тушунарли услубни шакллантириш ҳаммадан зарур эди. Хуллас, институтда ўзига хос таржима мактаби камол топгунча, анча-бунча машаққатларни, ғовларни енгиб ўтишга тўғри келди. Йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар эса келгусидаги ишлар учун сабоқ бўлиб борди.

Мана, даврамизда таржима секторининг мудури, моҳир таржимон, Аҳмад Толипович Аюпов ўтирибди. Аҳмад Толиповични яна шунинг учун қадрлаймизки, узоқ йиллик илмий изланишлардан кейин «Ўзбекистон Компартияси марксизм-ленинизм классиклари асарларини ўзбек тилига таржима қилиш ва нашр этишни ташкиллаштириш соҳасидаги фаолияти тарихидан» мавзуида кандидатлик диссертациясини ёқлади. Шу боисдан гурунгни у киши давом эттирса, муфассалроқ маълумот берса, айти муддао бўларди.

Аюпов. Доҳий Ленин асарларининг дастлабки нашрлари ўзбек тилида вақтли матбуот саҳифаларида кўринди. Ҳали юқорида тилга олинган «Иштирокиюн» газетаси бу борада биринчилардан бўлиб киришган. «Иштирокиюн» 1920 йил 12 декабрдан «Қизил Байроқ» деган номда чиқа бошлади. Бу газета «Иштирокиюн» анъаналарини давом эттирди. 1922 йил 13 октябрдан эса «Қизил Байроқ» газетаси «Туркистон» номи билан чоп этилди. Янги газета ҳам марксизм-ленинизм ғояларини оммага тарғиб қилишни сусайтирмади.

Ўлка шаҳарларида ўзбек тилида чиқадиغان газеталар В. И. Ленин қаламига мансуб ҳужжат, мақола ва рисоаларни вақти-вақти билан ёритиб турди. Қўқалдаги «Эл байроғи», Намангандаги «Бюллетень», «Эркинлик» газеталари шулар сирасига киради. «Инқилоб», «Коммунист йўлдоши» журналлари ҳам ташаббусни қўлдан бермадилар. Уша пайтларда вақтли матбуот учун марксизм-ленинизм классиклари асарларини таржима қилишда А. Авлоний, А. Айюб, Б. Мустақаев, С. Сиддик, Қ. Сорокин, Ф. Сулаймонов, М. Ҳасан каби масъул ходимлар фаол иштирок этдилар.

1924—1930 йиллар орасида республика Компартияси Марказий Комитети В. И. Лениннинг танланган асарларини энг оммабоп серияларда нашр этишни бир неча марта қатъий вазифа қилиб қўйди. Бу туркумлар «В. И. Ленин асарларининг оммабоп нашри», «В. И. Ленин васиятлари», «Ленин кутубхонаси», «Ленинизм кутубхонаси», «Ленин сабоқлари» деб аталарди. Ҳар бири бир неча минг нусхада босила бошлаган китобчаларни таниқли журналистлар ва таржимонлардан С. Валиев, О. Ҳошимов, Н. Саид, А. Нажиб, Қ. Сорокин, Боту ва С. Фотиҳ ўзбек тилига ўгирдилар. 1931 йилнинг 1 мартидан В. И. Лениннинг олти жылдик танланган асарларини ўзбек тилида чиқаришга киришилди. Марксизм-ленинизм классиклари редколлегияси ҳузурида маҳсус таржимонлар бригадаси тузилди. ЎзК(б) П МК Матбуот сектори мудури М. Усмонов раҳбарлигидаги А. Айюб, С. Валиев, Б. Воҳидов, Х. Минбоев, Э. Мусин, Н. Саид каби 20 кишилик таржимонлар бригадаси ишини К. Бауман, А. Икромов, Ф. Хўжаев ва бошқалардан иборат редакцион комиссия назорат қилиб борди.

1933 йилда ЎзК(б) П Марказий Комитети ҳузурида Ўзпартнашр тузишга қарор қилинди. Ўзпартнашр Ўздавнашрнинг базасида иш бошлади. Унга Илёс Ғиёсхўжаев директор, Анқабой Худойбаҳтов бош редактор қилиб тайинланди. Республиканинг таниқли таржимон ва

редактор кучлари — Н. Алимұхамедов, Ш. Алиев, С. Иброҳимов, Х. Охунов, Ф. Сулаймонов кабилар бу ишга жалб этилди. Шу йили ЎзК(б) П МК ҳузурида ташкил топган марксизм-ленинизм институти таркибига таржимонлар бригадаси қўшиб юборилган эди. Илмий-текшириш институти В. И. Лениннинг кўпгина асарлари қаторида икки жилдлик китобини ҳам чоп этди. 1940 йилга келиб эса Ўзпартнашрнинг таржима сектори партия тарихи институти ихтиёрига ўтказилди.

Шермухамедов. Ҳа даврларда ўзбек тилида босиб чиқарилган В. И. Ленин асарларининг умумий тиражи миллион нусхадан ошиб кетган бўлса ҳам, бари бир, бу — аҳолининг эҳтиёжини қопламас эди. Тўғрими?

Аюпов. Ҳа. Худди шундай. Чунки аҳолининг барча қатламлари орасида Ленин асарларига қизиқиш жуда катта эди. Кенг меҳнаткаш омманинг доҳий асарларига бўлган ташналигини қондиришга монелик қиладиган сабаблар мавжуд эди.

Шермухамедов. Умуман олганда, 20 ва 30-йилларнинг биринчи ярми учун хос бўлган умумий камчиликлар нималардан иборат эди?

Аюпов. Ўз вақтида, яъни ЎзК(б)П МК Бюросининг 1933 йил июлдаги қарорига биноан тузилган махсус комиссия таржимонлар бригадаси ишини зудлик билан ўрганиб чиқиб, марксизм-ленинизм классиклари асарларини ўзбек тилига таржима қилиб нашр этишга тўсқинлик қилаётган сабабларни бирма-бир аниқлаб, қуйидаги ҳулосага келди: етарли тажриба йўқ; малакали таржимон ва редакторлар етишмайди; социал-иқтисодий, фалсафий терминлар қатъий белгиланмаган; таржимон ва редакторлар рус тилининг хусусиятларини, нозик жиҳатларини пухта билишмайди; таржимон ва редакторларга рус тили бўйича тилшунос олимлар бириктириб қўйилмаган; матбаа базаси марксизм-ленинизм классиклари асарларини нашр этишга мослаштирилмаган; бригада шаҳар ичида бинога эга эмас.

Шунингдек, таржимонларнинг кўпчилиги ғоявий-сиёсий тайёргарликка эга эмаслиги, марксизм-ленинизм классиклари асарларини ўзбек тилида таржима қилишда адекват таржима принципларини ўзлаштириб олган таржимон ва редакторларнинг деярли йўқлиги, умуман, ҳали илмий базанинг юзага келмагани ҳам бу эзгу ишнинг муваффақиятли амалга ошишига халал берарди.

Шермухамедов. Аҳмад Толипович, сиз марксизм-ленинизм классиклари, В. И. Ленин асарларини ўзбек тилига таржима қилиш соҳасида қайси йилдан бошлаб бурилиш бўлди, деб ҳисоблайсиз? Сизнингча, бу бурилишнинг асосий омиллари нималардан иборат эди?

Аюпов. Бурилишга туртки бўлган тадбир, биринчи галда, ЎзК(б)П МКнинг 1936 йил 20 сентябрда «Марксизм-ленинизм классиклари асарларини ўзбек тилига таржима қилиш тўғрисида» деб чиқарган қароридир. Қарорда Ўзбекистон марксизм-ленинизм илмий-текшириш институтининг таржима секторини кучайтириш, сектор ходимларининг сиёсий савиясини ва иш малакасини ошириш мақсадида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда машғулотлар олиб бориладиган курс ташкил қилиш лозим деб топилди. Курснинг ўқув программасига ленинизм, партия тарихи, марксизм-ленинизм классиклари асарлари, сиёсий иқтисод, рус тили, ўзбек тили ва қиёсий грамматика киритилди.

Аста-секин марксизм-ленинизм классиклари асарларини ўзбек тилида таржима қилиб нашр этиш ишлари илгарилаб кетди. Бунинг боисини тубандагилар деб биламан.

Биринчидан, Ўзбекистон партия ташкилоти ана шу эзгу ишга оқилона раҳбарлик қилди. Таржима ва нашр тадбирларини тўғри ташкил этди.

Иккинчидан, ўзбек тили интернационал сўзлар ҳисобидан бойиб борди, ўзбекча ижтимоий-сиёсий терминологияни илмий асосда ишлаб чиқишда анча илгари силжилди, натижада, ўзбек адабий тилининг

ифодалаш имконияти кўпайди, классикларнинг асарларида учрайдиган ва ўзбек тилида ифодалаш қийин бўлган айрим сўзлар, терминлар ва ибораларни энди уларга эквивалент бўлган ихчам сўзлар, терминлар ва иборалар билан ифодалаш имкони туғилди.

Учинчидан, марксизм-ленинизм классиклари асарларини ўзбек тилига таржима қилиш соҳасида кўп йиллик тажриба ортирилган, классикларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилишнинг илмий, самарали методлари ишлаб чиқилиб, таржимон ва редакторлар ана шу тажрибага таяниб иш кўрдилар, натижада, улар анча самарали, унумли ишлайдиган бўлиб қолдилар.

Тўртинчидан, республика матбаа базаси мустаҳкамланди.

Бешинчидан, республикада классикларнинг асарларини ўзбек тилига ағдариш ва таржимани таҳрир қилишдек мураккаб ва масъулиятли ишни уддалай оладиган, шу ишга ихтисослашган юқори малакали, кенг билимли таржимон ва редакторлар ядроси вужудга келди.

Шермухамедов. Энди партия тарихи институти таржима секторининг Улуғ Ватан урушидан кейинги йиллардаги фаолияти ҳақида ҳам тўхталсангиз.

Аюпов. Институт ходимларининг кўпчилиги Ватан мудофаасига жўнаб кетганлиги сабабли бу вазифани Уздавнашр адо эта бошлаган, К. Маркснинг икки томлик «Сайланма» асарлари, Ф. Энгельснинг «Социализмнинг утопиядан фанга тараққийси», В. И. Лениннинг «Давлат тўғрисида», «Ешлар союзининг вазифалари», «Электрлаштириш ҳақида» китобларини ўзбек тилида босиб чиқаришга улгурган эди. Улуғ Ватан уруши ғалаба билан тугагач, ЎзК(б) П Марказий Комитети 1945 йил 13 июндан бошлаб тарих институти зиммасига В. И. Ленин асарларининг 35 томдан иборат тўртинчи нашрини ўзбек тилига таржима қилиб нашрга тайёрлашга киришиш вазифаси юклатилди. Тўпламнинг сўнгги 34—35-томлари 1943 йили босилиб тугади. Бу улкан ишлар осонликча амалга ошмади. Бир қанча таржимон ва редакторлар Ватан уруши мудофааларида ҳалок бўлган эди. Малакали кадрларни қайтадан тўплаб, ёш мутахассисларни ҳам бу ишга тайёрлаб бориш, илмий таржима принципларига қатъий амал қилиб, терминология муассасаларини яна қайта кўриб чиқиш керак эди. Бу даврга келиб, марксизм-ленинизм классиклари асарларига ташналик ҳар қачонгидан ошиб кетган эди.

Шуни алоҳида таъқидлаш керакки, В. И. Ленин асарларининг 35 томлик нашридан кейин К. Маркс «Капитал»и учала томининг 1955—1972 йиллар орасида 20 минг нусхадан ўзбек тилида кетма-кет босилиб чиқиши катта ғоявий-сиёсий аҳамиятга эга бўлди. «Капитал» ўзбек китобхонларининг иқтисодий ва фалсафий билимларини ўрганишга ёрдам бермоқда. В. И. Ленин бу асарни: «Энг мураккаб бир ижтимоий формацияни материализм методи билан илмий асосда таҳлил қилиш намунасидир, ҳамма қойил қолган, ҳеч ким орқада қолдирилмаган намунасидир», деб юқсак баҳолаган эди.

1970 йили Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси В. И. Лениннинг бутун адабий меросини ўзбек халқининг бойлигига айлантириш томон яна бир муҳим қадам қўйилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети В. И. Ленин туғилган кунга 100 йил тўлиши муносабати билан ва буюк доҳийнинг адабий меросини, марксизм-ленинизм ғояларини ўзбек халқ орасида тарғиб қилишни янада кучайтириш мақсадида 55 томлик Тўла асарлар тўпламини ўзбек тилида нашр этиш ҳақида қарор чиқарди.

Неъматов. В. И. Ленин Тўла асарлар тўпламининг биринчи томи 1972 йили босмадан чиқди. Ҳар йили етти-саккизгалаб том чиқардик. Шунинг учун ҳам Тўла асарлар тўпламининг 55-томи 1980 йил октябрда, ўз муддатида китобхонларга тақдим этилди. Ун йил ичида жуда катта иш қилинди: 700 босма табоққа яқин янги матн таржима қилинди, бу — Тўплам умумий ҳажмининг 20 томини ташкил этади.

Доҳий В. И. Лениннинг 9000 га яқин асари ва ҳужжатни ўз ичига олган Тўла асарлар тўпламининг босилиб чиқиши республика партия ва ҳукумати томонидан юксак баҳоланди.

Шермухамедов. Ровил Нажибович, илмий кенгашнинг фаолияти ҳақида сўзлашни Ғиёс Неъматович сизга ҳавола қилди. Илмий консультант сифатида ишни қандай ташкил этганингизни гапириб берсангиз.

Шокиров. В. И. Лениннинг 55 томлик Тўла асарлар тўпламини, ўзбек тилига ағдаришдек улкан, олижаноб ва гоят масъулиятли ишни уддалаш учун бир қанча ташкилий ва ижодий вазифаларни ҳал қилиш шарт эди, албатта. Гап шундаки, кейинги Тўла асарлар тўплами нашр бўлиб, таржима мутлақо илмий асосда бажарилиши керак эди. Доҳи асарларининг русча тўртинчи нашри бўйича илгари амалга оширилган таржималарни қайта кўриб чиқиш, уларни илмий жиҳатдан аниқлиги ва ҳозирги ўзбек тили лексикаси талаблари нуктаи назаридан замонавийлаштириш, Тўла асарлар тўпламига қўшилган тахминан 20 том ҳажмидаги янги асарларни таржима қилишдек катта кўламли вазифалар турарди. Олдинги таржималарда учрайдиган нуқсонларни баргараф этишимиз, терминлар, географик номлар, турли атамалар, мақол, матал ва ҳикматли сўзлар таржимасида хилма-хилликка йўл қўймаслигимиз лозим эди.

Ишни таржима секторида илмий ишлаб чиқариш кенгаши тузишдан бошладик. Кенгашнинг 1970 йил 3 июлда бўлиб ўтган биринчи мажлисида ташкилий масалалар кўриб чиқилди, кенгаш раиси (Ғ. Неъматов), раис ўринбосари (А. Аюпов), кенгаш секретари (Р. Шокиров) тасдиқланди, кенгашнинг иш тартиби аниқланди, таржимонлик ва редакторлик қилувчи катта илмий ходимлар, ёрдамчи ходимларнинг вазифалари ва иш тартиби белгидаб берилди.

Илмий ишлаб чиқариш кенгашида В. И. Ленин асарларини ўзбекчалаштириш, таржималарни таҳрир қилиш санъатига оид масалалар, илмий ходимлар бажарган ишлар муҳокамадан ўтказилиб, камчиликлар тузатилиб, ютуқлар эса оммалаштирилди. Кенгашда терминлар, географик номлар, турли атамалар, мақол, матал ва ҳикматли сўзлар таржимаси муҳокама қилиниб, уларнинг мақбул ўзбекча вариантлари қабул қилинар, сўнгра бу вариантлар махсус карточкаларга ёзилиб, картотекаларда тўпланарди. Шу тарзда улар илмий ходимлар томонидан бир хил таржима қилинди.

В. И. Лениннинг Тўла асарлар тўпламининг альфавит кўрсаткичи-ни тайёрлаш иши анча қийин кечди, чунки Тўла асарлар тўплами 9000 дан ортиқ асар ва ҳужжатни ўз ичига олган бўлиб, улар номларининг баъзилари кўрсаткичда бир неча марта такрорланади. Шунини ҳисобга олиб, яна махсус картотека тузишга тўғри келди.

В. И. Лениннинг Тўла асарлар тўпламини таржима қилиш соҳасида биз орттирган тажрибани ўрганиш учун Монғолия Халқ Республикаси, Грузия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон республикалари ўз вакилларини бизга юборди, чунки бу республикалар доҳийнинг Тўла асарлар тўпламини ўз тилларига таржима қилиш ишини Ўзбекистондан кейинроқ бошлаган эдилар. Бизнинг тажрибамиз бу республикаларнинг вакилларига ҳам маъқул тушди.

Сектор коллективи томонидан амалга оширилган ўн йиллик ижодий меҳнат ўз самарасини берди: Владимир Ильич Лениннинг 55 томлик Тўла асарлар тўпламини ўзбек тилига таржима қилиш ва босмадан чиқариш иши муваффақиятли тугалланди. Бу эса республикамиз ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида катта воқеа бўлди. Ана шу тарихий воқеа муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бу ишда қатнашган ходимларга йўллаган табригида айтилганидек, марксизм-ленинизм назариясини чуқур ўрганиш республика кенг меҳнаткашлар оммасининг гоъвий эътиқодлилиқ, ҳаётда фаол позицияда туриш, коммунистик қурилишда янгидан-янги ғалабаларга эришиш муддаосини тарбиялайди.

Солиҳов. Мана, таржимага алоқадор ишларнинг нечоғлик мураккаблигини Равил Нажибовичдан эшитдик. Мен таҳрир қилишнинг завқли машаққатлари ҳақида бир-икки оғиз айтиб ўтмоқчиман. Баъзида: «Сиёсий адабиёт таҳрири бадиий адабиётникидан анча осон, чунки сиёсий адабиёт терминлари, иборалари ишланган», дейувчилар ҳам топилиб қолади.

Бу фикрнинг нотўғрилигини исботлаш учун В. И. Лениннинг Тўла асарлар тўплами устида ишлаётган илмий ходимлар учун тайёрланган қўлланмада муҳаррирдан талаб этиладиган қуйидаги шартларни эслатиб ўтмоқчиман: таҳрир олдида у консультантдан қуйидагиларни: таҳрир қилинаётган қисмда биринчи марта учрайдиган мақоллар рўyxатини, таҳрир қилинаётган қисмда учрайдиган, аммо илгариги томларда учраган ва ўзбекча вариантлари қабул қилинган мақоллар рўyxатини; таҳрир қилинаётган қисмда илгариги томлардан олинган цитаталар рўyxатини; таҳрир қилинаётган қисмда В. И. Ленин тилга олган адабиётлар рўyxатини талаб қилиб олиши керак. Шунингдек, у таҳрирга олган қисмнинг русча вариантини ўқиб чиқаётганида биринчи марта учраётган терминлар, мақоллар, номлар, адабиётлар, ибораларни унификация қилиш учун уларнинг тагига чизиб қўйиши, В. И. Ленин тилга олган адабиёт номларининг ўзбекча вариантини ўзича ечиши, илгариги томларда учраган адабиёт номларининг ўзбекча вариантларини «Адабиёт» картотекасидан олиши, биринчи марта учраётган, яъни картотекага тушмаган терминларнинг, мақолларнинг, номларнинг, ибораларнинг ўзбекча вариантларини илмий-ишлаб чиқариш кенгашида ҳал қилиш учун тайёрлаши, илмий-ишлаб чиқариш кенгаши муҳокамасидан ўтган термин, мақол, ном ва иборалар рўyxатини, шунингдек, адабиёт номларининг ўзича қабул қилган ўзбекча вариантларини картотекага тушириш учун топшириши лозим. Ҳар бир таржимон, ҳар бир муҳаррир ўз олдига қўйилган бу талабларга сўзсиз риоя қилиши керак эди. Акс ҳолда терминлар, иборалар ва ҳоказоларнинг бир хил шаклда олинишига эришиб бўлмас эди. Шунинг учун ҳам биз, сектор мудирлари, ҳар бир илмий ходимнинг шу талабларга риоя қилишини кузатиб бордик. Кўриб турибсизки, ҳар бир томнинг ўзбекча қўлэмасини нашрга тайёрлаш жараёни ўта мураккабдир.

Маълумки, бажарилган иш қанчалик оғир бўлса, унинг завқи шунчалик зўр бўлади. Биз, таржимонлар, ўзбек китобхонларининг буюк Ленин адабий меросидан баҳраманд бўлишига ўз ҳиссамизни қўша олганимиздан бошимиз кўкка етди.

Толибов. ...Утгиз бешинчи йиллари Москвадан рабфакни битириб келиб, «Қизил Ўзбекистон» ва «Камбағал деҳқон» газета редакцияларида ишлаб юрганимда, мени Саидгани Валиев билан Шербек Алиев «Истпарт» деган идорага бошлаб боришди. Менинг партия тарихига оид ҳужжатларни ўзбек тилига таржима қилишим шундан бошланди.

Уша вақтларда сиёсий адабиётларни она тилимизга ағдариш билан махсус шуғулланадиган мутахассис кадрлар бармоқ билан санарли эди. Москвада тўрт-беш йил рабфакда ўқиб, рус тилини тузуккина билиб олганим, сўнг эса республикамиз матбуотида икки-уч йил ишлаб, ўзбек адабий тилида орттирган тажрибам бир-бирига жамланиб, шарафли ишга қўл уришимга имкон берди.

Шундан буён бутун умр бўйи сиёсий-иқтисодий адабиёт, марксизм-ленинизм классиклари асарларини ўзбек тилига таржима этиб келяпман. Жумладан, В. И. Ленин Асарлар тўпламининг 45 томлиги ва ниҳоят 55 томлигини, К. Маркс ва Ф. Энгельснинг «Капитал» китобини, уларнинг икки ва уч жилдлик Танланган асарларини, «Санъат тўғрисида» деб номланган икки томлигини, пролетариат устозларининг таржимаи ҳолларини таҳрир ва нашр этишда қатнашдим.

Кейинги ўн йилликлар давомида марксизм-ленинизм классиклари асарларини ўзбек тилига таржима қилиш билан шуғулланувчи бутун бир авлод етишиб чиқди, шу авлод Маркс-Энгельс-Лениннинг даҳо

асарларини ўз она тилимизда баралла янгратишдек олижаноб ишга бош қўшиб, илмий-ижодий меҳнат қилмоқдалар.

Эндиликда улар ихтиёрида ўнлаб икки ва кўп тилли луғатлар, қўлланмалар, маълумотномалар, жуда бой кутубхона бор. Улар аввалги таржимонларнинг қаттиқ кураши натижасида асосланган илмий тажриба принциплари ҳамда анъаналарига содиқдирлар. Ҳозирги талаблар даражасига муносиб жавоб бера оладиган, сермашаққат таржимонлик мактабида сабоқ топган тиришқоқ, зеҳни ўткир ёш кадрлар анчагина бор. Бугун Ғ. Нейматов, А. Аюпов, Ҳ. Солиҳов, Р. Шокиров каби устоз таржимонлар таълимини олаётган А. Абдиев, Ҳ. Исмоилов, Ҳ. Пўлатов, М. Раҳимова, О. Тўраев, И. Султонов шулар жумласидандир.

Шермухамедов. Шариф Толибович, сиз негадир бадий таржималарингизни тилга олмадингиз. Ваҳоланки, сизни йирик таржимон-адиб сифатида кўндан таниймиз ва ҳурмат қиламиз. Буни сўрашимнинг боиси бор, албатта. Бадий таржимадан орттирган тажрибаларингиз, услубий маҳорат ва сўз бойлигингиз марксизм-ленинизм классиклари асарларини ўзбек тилига ағдаришда нечоғлик иш бергани мени қизиқтиряпти.

Толибов. Ҳа, бадийятдан анча-мунча таржима қилганман. Н. Т. Чернишевскийнинг «Нима қилмоқ керак», Р. Тагорнинг «Говурмахон», Прем Чанднинг «Нирмола» романларини, М. Горькийнинг «Тубанликда», А. Чеховнинг «Иванов» ва «Тўй» пьесаларини, Г. Серебрякованинг «Оловбардор» романларини зўр қизиқиш билан ўзбек тилига ўгирдим. Маркс-Энгельс-Лениннинг даҳо асарлари ўта илмий ва фикрлар мантиқан асослангани баробарида яна кўпроқ баҳс-мунозара тарзида ёзилган, жаҳон бадийятининг энг яхши намояндаларидан фойдаланиб, образли тилда битилган. Шунинг учун биз, таржимонлар бу асарларни ўзбек илмий-адабий тилининг бой воситаларини, халқимиз тил дурдоналарини қўллаб ағдаришни ҳам фарз, ҳам қарз деб билардик.

Шу ўринда А. Цейтлиннинг жуда қизиқарли маълумотномасини эслатиб ўтишни лозим топаман. У, Ленин асарларида авторларнинг китобларидан олинган парчаларнинг миқдорини ҳисоблаб чиққан. Шу жумладан XIX аср рус адиблари — оғзаки ижод — 20, Пушкин ва унинг авлоди — 12, Лермонтов — 4, Грибоедов — 64, Кривов — 60, Гоголь — 97, Тургенев — 44, Островский — 17, Гончаров — 13, Григорович — 2, Достоевский — 2, Помяловский — 4, Чернишевский — 12, Добролюбов — 1, Некрасов — 24, Шchedрин — 320, Глеб Успенский — 14, Лев Толстой — 72, Горбунов — 7, Чехов — 15, XX аср адиблари — 26, Ғарбий Европа адабиёти — 50, асотирлар (мифлар), қадимги дунё авторлари — 64, номаълум авторлар — 2 марта. Ҳаммаси бўлиб, кўчирма-цитаталар сони 900 га боради.

Бу маълумотлар, айти пайтда доҳий Лениннинг ҳаётида бадий адабиёт қандай ўрин тутганини ҳам кўрсатади.

Шермухамедов. Даврамизда ёш таржимонлардан Матлуба Раҳимова ва Рустам Абдиев ўтирибди. Сўз навбатини сизларга берамиз. Марҳамат.

Раҳимова. Доҳимиз Лениннинг 55 томлик Тўла асарлар тўпламини таржима қилишга киришган кезлардан Мухтор Аҳмедов, Худойберди Пўлатов, Омон Тўраев, Рустам Абдиев, Ҳаким Исмоилов ва мен — бир неча ёш ходимлар институтда ишлай бошладик. Деярли ҳаммамиз ўзбек тили ва адабиёти ёки чет тили ва адабиёти мутахассисларига ўқиганлигимиз ҳамда баъзиларимиз эса бу соҳада бир оз ишлаганимиз учун таржима ишидан унча-мунча хабардор эдик. Партия тарихи институтида эса таржима илмини, таржима санъатини биз Шариф Толибов, Насибулла Ҳабибуллаев, Эргаш Бадалов, Зиё Аминов, Ғиёс Нейматов, Аҳмаджон Аюпов, Ровил Шокиров, Ҳамза Солиҳов, Зоҳид Нормуҳамедов каби таниқли таржимон устозларимиздан ўргандик.

Таржима соҳасида ишлай бошлаганимизда, бу ишнинг му-

раккаблигини тушуниб етдик. Таржима қилишда матннинг маъзини чақиш, сўз устида узоқ ишлаш ва муттасил изланиш кераклигини англадик. Фақат шундан кейингина қўлимиздан унча-мунча иш келадиган бўлди.

Таржимон гапнинг тагига тушуниб етмагунча қайта-қайта ўқийверади. Тушунса, тўғри таржима қилади, тушунмаса, сўзнинг маъноси бузилади, демак, таржимоннинг мутолааси билан оддий китобхоннинг ўқиши ўртасида катта фарқ бор.

Таржима таржимоннинг билимини оширади. Таржима билан шуғулланадиган киши ҳар икки тилни ҳам яхши ўрганишга мажбур, агар тилни мукамал ёки чуқур билмаса таржимон бўла олмайди, чунки таржимоннинг асосий қуроли — тил. Шу тариқа таржимонлар марксизм-ленинизм ғояларининг тарғиботчисига айланадилар.

Марксизм-ленинизм классикларининг асарлари фақат таржима объекти бўлиб қолмасдан, айна вақтда, ғояларининг чуқурлиги, илмийлиги, эҳтирос билан ёзилганлиги туфайли таржимоннинг фикрини теранлаштиради, уни ўзига тортади, батамом чулғаб олади ва илҳомлантиради.

Абдиев. Мен, ўзим учун кўпроқ сабоқ бўлган мавзуга, Ленин асарларидаги мақол, матал ва ҳикматли сўзларнинг ўзбек тилига қилинган таржималари хусусида тўхталиб ўтаман.

Марксизм-ленинизм классикларининг, хусусан, В. И. Лениннинг услуби ўзининг қисқалиги, ўта аниқлиги, лексик-фразеологик, тасвирий-ифодавий воситаларга бойлиги, далилларнинг ишонарлилиги, образлилиги, ёрқин эмоционал бўёғи, нутқнинг динамикаси ҳамда оғзаки нутқ синтактик оборотларининг турфа-туманлиги билан ажралиб туради.

В. И. Ленин энг чалкаш нарсалар ҳақида шундай содда ва шундай аниқ қилиб ёзар эдики, унинг «ҳар бир жумласи гапириб ўтирмас, балки тўппа-тўғри нишонга урар эди». Ёзувчиларнинг ижодига, нутқига, образлардан фойдаланишга, ўзига хос услубига аҳамият бериб юривчи Ленин ўз асарларида ҳам халқ мақоллари, материаллари ва ҳикматли сўзларидан усталик билан фойдаланган. В. И. Лениннинг ўз сўзлари билан айтганда: «...бундай учирик сўзлар ғоят мураккаб ҳодисаларнинг моҳиятини жуда яхши ифодалаб беради». Бинобарин, Лениннинг услубини мақол, матал ва ҳикматли сўзларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

В. И. Ленин ҳақиқий ижодкор истеъдодига, ўзига хос эстетик идрокка, дидга ва услубга эга бўлган сўз устасидир. У ўзининг мураккаб фалсафий, ижтимоий-сиёсий, публицистик асарларини рус тилининг битмас-туганмас бойлигидан фойдаланиб ёзган. 55 томлик Тўла асарлар тўпламини рус тилидан ўзбек тилига ўгириш давомида Ленин ишлатган мақол, матал ва ҳикматли сўзларни сиңчиклаб ўрганиб чиқиш шуни кўрсатдики, у халқ оғзаки ижодининг бу кичик жанридан ўзига хос усулда фойдаланган. Бу, албатта, таржимонларга маълум қийинчилик туғдирди. Чунки Ленин асарларидаги образли ифода воситаларини рус тилидан ўзбек тилига таржима қилишнинг ўзига хос томонлари ўзбек таржимашунослигида ҳали ўрганиб чиқилмаган. Аммо таржима секторида тузилган Илмий-ишлаб чиқариш кенгашида ҳар бир томда учрайдиган мақол, матал ва ҳикматли сўзлар алоҳида муҳокама қилиниб, ўзбек тилидаги муқобили ҳар бир контекстга мос ҳолда олинди. Натижада, бу муаммо ҳам ижодий ҳал қилиб борилди.

Хўш, В. И. Ленин мақол, матал ва ҳикматли сўзларни қай йўсинда ишлатганига бир неча мисоллар келтирамиз.

Биринчи усул. Бунда мақол ёки маталнинг кўчма маъносидан фойдаланилади ва жумла ёки абзац ичида яхлит ҳолда ишлатилади. Ленин бирор воқеа, тарихий ҳодисанинг моҳиятини очиб бериш, уни образли қилиб ифодалашда шу усулдан жуда кенг фойдаланган. Масалан: «Взялся за гуж не говори что не дюж» мақоли Ленин Тўла

асарлар тўпламининг томларида учрайди. «Взялся за гуж не говори что дуж» мақоли «Майдонга тушган манглайини қашимас», деб олинди.

Ана шу жумлада ишлатилган мақол бир ишни бошлагандан кейин уни албатта охирига етказиш керак, деган ғояни илгари суради. Ушбу мақол бошқа томларда ҳам худди шу ғояни қисқа, образли қилиб бериш учун ишлатилган. «Не спросясь броду не суйся в воду» мақоли ҳам В. И. Ленин асарларининг кўпгина томларида учрайди. Бу мақол ҳам ўзбек тилидаги муқобили «Сувни кўрмай этик ечма» шаклида олинган.

Иккинчи усул. Бу усулда мақол ва маталлар кўпинча бир жумла ёки абзац ичида иккига, учга бўлиб ишлатилади. Демак, мақол ва маталлар моддий маънода қўлланиб, улардаги образлардан бевосита фойдаланилади. Масалан, В. И. Ленин «Делить шкуру не убитого медведя» маталидан фойдаланиб буржуазияни йиртқич айиққа ўхшатади. «Рабочие видят теперь, что шкуру медведя, которого они ещё не убили, но которого они и только они, пролетарии, серьёзно ранили, что эту шкуру начинают делить либеральные буржуа». Яъни: «Ишчилар ҳозирги вақтда, айиқнинг терисини, улар ҳали ўлдирмаган, лекин улар ва фақат ўзлари, пролетарлар қаттиқ ярадор қилган айиқнинг терисини, бу терини либерал буржуа жаноблар бўлиша бошлаганларини кўриб турибдилар».

Таржимонлар бу матални «Ўлдирилмаган айиқнинг терисини бўлмоқ» деб ағдарган эканлар, маталнинг икки тилли лугатларда қандай берилганлигини кўриб чиқамиз. Русско-ўзбекский словарь, М., 1954, «Хом хаёл бўлмоқ», «Йўқ нарсаларни ўйламоқ», Русско-ўзбекский словарь, 5 томлик Т., 1955. «Хом хаёл бўлмоқ», «Чучварани хом санамоқ», М. Содиқова. Русча-ўзбекча фразеологик лугат. «Йўқ нарса устида жанжал қилмоқ», «Кўкнори хаёл қилмоқ» деб берилган.

Бундан ташқари ўзбек тилида маталнинг юқоридаги лугатларга кирмай қолган «Бели қотмаган қуённи миниб ўлдириб қўймоқ», «Туғилмаган болага исм қўймоқ» муқобиллари мавжуддир. Шундай бўлишига қарамай, таржимонлар нима учун матални калька йўли билан ағдарганлар? Бунда улар қуйидаги мулоҳазалардан келиб чиққанлар: а) матал жумла ичида учга бўлиб ишлатилган. (Мақол ёки матал бўлиб ишлатилган вақтда аслият тилигагина хос бўлиб қолиб, моддийлик касб этади. б) маталдаги образдан бевосита фойдаланилган, зотан, мазкур маталнинг ўзбек тилидаги сон-саноксиз муқобиллари буржуазияни йиртқич айиқ образидек ёрқин ифодалаб бера олмайди. в) маталнинг ўзбекча муқобилларининг биронтасини ҳам русча маталга ўхшаб бўлиб ишлатиб бўлмайди.

Учинчи усул. Ана шу усулда мақол ёки маталнинг биринчи ёки иккинчи қисми, бир жумла ёки абзац ичида алоҳида ишлатилади. Бундан мақсад мақоллардаги образлардан фойдаланишдир. Масалан: Ленин «Ложка дегтю бочку мёда» деган маталнинг «ложка дегтю» деган қисмидан ўринли фойдаланади. Яна бир мисол: «Но все это, разумеется, отравлено ложкой дегтю: буржуазно-уклончивой и в то же время чисто буржуазной, шовинистической фразой...» Яъни: «Лекин равшанки, бу гапларнинг ҳаммаси бир қошиқ қора мой билан... буржуача — мужмал ва шу билан бир вақтда нуқул буржуача, шовинистик гаплар билан захарланган»...

Бу мисоллардан кўриниб турибдики, Ленин маталдаги «Бир қошиқ қора мой» иборасидан фойдаланиш учунгина унинг ярмини ишлатган.

Бундай ҳолларда Ленин асарларининг таржимон ва редакторлари анча қийинчиликка дуч келишлари табиий, албатта. Чунки улар олдида матал тўлиқ ҳолда келган вақтда қандай олинishi керак, бўлиб-бўлиб алоҳида қисмларидан фойдаланилган вақтда қандай олинishi керак, деган муаммолар кўндаланг турарди. Илмий-ишлаб чиқариш-кенгаши бу маталнинг Ленин Тўла асарлар тўпламида учрайдиган ҳамма вариантларини синчиклаб ўрганиб, юқоридаги муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиб берди.

Тўртинчи усул. Бу усулда маълум бир мақол ёки маталдаги образлардан фойдаланиш мақсадида ундаги образлар бошқа сўз (образ) билан алмаштирилади. Масалан: В. И. Ленин «И волки сыти, и овцы цели» маталини бир неча томларда ҳеч қандай ўзгартиришсиз ишлатган бўлса, айрим томларда матал ичидаги «волки» ва «овцы» сўзларини «помещчик» ва «крестьян» сўзлари билан мақсадга мувофиқ ҳолда ўзгартиради. Натижада, қуйидаги матал ҳосил бўлган: «...Чтобы помещчики были сыты и крестьяне были целы». Яъни: «...Помещчикларнинг ҳам тўқ бўлишини, деҳқонларнинг ҳам омон бўлишини хоҳлайдилар».

Мисоллардан кўриниб турибдики, Ленин асарларини, хусусан, ундаги мақол ва маталларни таржима қилиш доҳийнинг ҳар бир фикрини, ўзбек ўқувчисига етказиш таржимон ва редакторлардан ҳар икки тилни мукамал билишни, бу тиллардаги фразеологик ибораларни ўзбек тилига бутун нозиклиги, образлилиги, ёрқин бўёғи билан етказишни талаб этган.

Шуни мамнуният билан эътироф этишим керакки, бизнинг ҳам ижодий изланишларимизда устозлар мактабини ўтаётганимиз қўл келяпти.

Шермухамедов. Рустам Абдишайхович, сиз Лениннинг тили мақол ва маталларга бойлигини таъкидлаганингизда, менинг кўз ўнгимдан доҳийнинг Кремлдаги иш кабинетида сақланаётган луғат ва қомуслар бирма-бир ўтди.

Брокгауз ва Ефроннинг 80 томлик «Қомусий луғат»и, 1900—1909 йилларда С. Н. Южаков таҳрири остида босилган 20 томлик «Катта қомус», «Гранат» қомусий луғатининг еттинчи нашри, 1897—1907 йилларда чоп этилган 8 томлик «Янги безакли Ларусс», В. И. Далнинг 4 томлик «Рус жонли тилининг изоҳли луғати»... Айниқса, бир вақтлар В. Г. Белинский, «Гоголдан кейин рус адабиётида бу ҳозиргача бўлган биринчи жиддий истеъдод» деб улуғ адиблар қаторида баҳолаган В. И. Далнинг Изоҳли луғати доҳий Ленинда катта қизиқиш уйғотганини эслашнинг ўзи биз учун мароқлидир.

Доҳий Ленин ҳаммаша В. И. Далнинг Изоҳли луғатини завқ-шавқ билан ўқир, уни «ажойиб луғат» деб баҳоларди. (Бу изоҳли луғат Ленинга гимназия йилларидан таниш бўлган.) Доҳий 1920 йили уни В. Д. Бонч-Бруевич орқали топтиради. В. Д. Бонч-Бруевич Халқ Комиссарлари Совети кутубхонаси ҳисобидан китобнинг пулини тўламоқчи бўлганида, Ленин қўнмайди ва анча қиммат — 500 сўм баҳоланган Изоҳли луғатни ўз маоши эвазига шахсий кутубхонаси учун сотиб олади.

В. И. Лениннинг ишчи ва деҳқонларга тааллуқли мақола ва мактублари тилининг образли ифодаларга бой бўлиши, содда ва тушунарли чиқишида В. И. Даль Изоҳли луғатининг таъсири жуда каттадир. Чунки, у зиёлиларда мантиқий мушоҳада хос бўлса, ишчи-деҳқонлар учун образли фикр юритиш характерли деб ўйлаган.

Владимир Ильич бундай луғатларини қадрлабгина қолмай, балки унинг ўзи янги қомусий луғатларнинг ташаббускори ҳам эди. Шунинг учун СССР халқ артисти Б. П. Чирков доҳий Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги арафасида уюштирилган анкетанинг «Лениннинг қайси асари ёки ҳужжати сизда энг катта таассурот қолдирди?», деган саволига у доҳийнинг 1920 йил 18 январда А. В. Луначарскийга ёзган хатини тилга олади. Унда «ҳозирги замон рус тили луғатини яратиш» зарурлиги ҳақида сўз борарди. Ҳали Гражданилар уруши тугамаган оғир бир пайтда, яна тагин ўттиз олимга қизил аскарларнинг озик-овқат нормасини бериб, рус деҳқонига савод ўргатиш тўғрисида қайғургани Чирковни ҳайратга туширган бўлса, ажаб эмас.

Комилов. Тўғриси айтганда, бу — ҳаммани ҳайратга соладиган гап-да.

Шермухамедов. Ҳа, рост айтасиз... Дарвоқе, Нажмиддин Комилов, сизнинг В. И. Ленин асарларининг ўзбекча таржимасига доир

илмий-тадқиқот олиб бораётганингиздан хабаримиз бор. Шу давра гурунгида дохий Лениннинг таржимонлик фаолияти ва таржимага муносабати хусусида ҳам гап борса, дуруст бўларди.

Комилов. Таржима — улуг дохий Лениннинг фаолиятида алоҳида ўрин тутади. У К. Маркс ва Ф. Энгельснинг «Коммунистик партия манифести», Ф. Энгельснинг «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши», Карл Бюхернинг «Халқ хўжалигининг пайдо бўлиши», Сидней ва Беатриса Веббнинг «Инглиз тред-юнионизмининг назарияси ва амалиёти» (Н. К. Крупская билан бирга), К. Каутскийнинг «Социал революция», Гайидманнинг «Социализм, тред-юнионизм ва сиёсий кураш», Ф. Энгельснинг «Франция ва Германияда деҳқонлар масаласи» каби ўндан ортиқ асарни таржима қилган. Бундан ташқари, В. И. Ленин немис, инглиз, лотин тилларидаги кўпгина асарларидан парчалар таржима қилиб, ўз ишларида келтирган. Биргина «Материализм ва эмприокритицизм» асарида у ўзи таржима қилган 360 дан зиёд иқтибос — цитата учрайди. Умуман, Ленин Маркс ва Энгельс асарларининг мавжуд русча таржималаридан қаноатланмаган, уларга танқидий муносабатда бўлиб, камчиликларини рўйи-рост кўрсатган. Масалан, «Давлат ва революция» китобининг бошланишидаёқ эслатиб ўтади. «Бизга иқтибосларни асарнинг (Ф. Энгельснинг «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши» асари назарда тутилган) немисча асл нусхасидан олиб таржима этишга тўғри келади, чунки уларнинг русча таржималари жуда кўп бўлгани ҳолда, ёки кўпинча тўлиқ эмас, ёки жуда ҳам қониқарсиз таржима қилинган». Бундай ноаниқлик, заиф таржималар марксизм муҳолифларига қўл келарди, улар Маркс ва Энгельс фикрларини нотўғри талқин этиш учун бундан фойдаландилар. «Контекстдан узиб олинган иқтибослар ва бузиб қилинган таржималар ёрдами билан ўзларига душман бўлган таълимотнинг мутлақо равшан маъносини бузиб» кўрсатар эдилар.

Шу сабабли В. И. Ленин таржима ишига алоҳида эътибор бериб, уни умумсиёсий-мафкуравий курашнинг таркибий қисми деб қаради, Маркс ва Энгельс асарларининг тўғри ва аниқ таржималарини вужудга келтириш учун ҳаракат қилди. Ўзи шахсан намуна кўрсатиб, ғоят пухта, аслият маъносини тўлиқ акс эттирадиган таржималар яратиш билан бирга, муҳаррир сифатида ҳам бу ишнинг ривожига улкан ҳисса қўша олди. Дохийнинг асарларини синчиклаб ўрганар эканмиз, уларда таржима ҳақида ғоят қимматли фикр-мулоҳазалар, танқидий қарашлар борлигининг шоҳиди бўламиз. Ленин ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам талабчан эди, таржима ишига ҳам шу принцип асосида ёндашиб, мазмун, фикр ёрқинлиги, тилнинг бурро ва ифодали бўлишини, ҳар битта жумла, ҳар битта сўз, истилоҳ устида эринмай ишлаш ва унинг аниқ чиқишини талаб қилган. В. И. Лениннинг таржимонлик усули, принциплари, фаолиятида унинг сиёсий эътиқоди, инқилобий руҳининг нафаси, улуг мақсади ва кураши намён бўлгандир. У К. Маркс ва Ф. Энгельс таълимотини энг тўғри тушунгани учун ва бу ҳаётбахш ғояларни ижодий давом эттиргани учун ҳам унинг таржималари аслига жуда-жуда мос. Чунончи, «Коммунистик партия манифести»нинг бир неча русча таржималарини қиёслаб ўрганган олимлар В. И. Ленин таржимасининг ҳар жиҳатдан устун эканини таъкидлайдилар. Лениндан бу таржимага ижодий ёндашишни, оригинал мазмуни ва маъносини чуқур англаш ва ҳис этишни, асарнинг услубий хусусияти, ўзига хос ифодаларини эҳтиёткорлик билан сақлай билишни, таржимада илмий аниқликни таъминлаш тадбирларини, журъат ва дадилликни, жонли халқ тилидан унумли ва ўринли фойдаланиш маҳоратини ўрганамиз. В. И. Лениннинг таржима сабоқлари сиёсий-ижтимоий ва фалсафий асарлар таржимонлари учун ҳам, бадиий таржима ижодкорлари учун ҳам бирдай ибрат бўла олади. Айниқса, Лениннинг ўзининг асарларини бошқа тилга таржима қилганда, унинг бебаҳо тажрибасига суяниш, ундан таълим олиш шарт. Зотан, биз учун

энг доно маслаҳатчи — буюк Авторнинг ўзидир. Бошқача айтганда, Ленинни таржима қилишни — Лениндан ўрганмоқ керак.

«Манифест»даги буюк ғоялар — ишчилар ҳаракати, социалистик революция, синфлар, синфий кураш, пролетариат ва унинг авангард йўлбошчиси — Коммунистик партия тўғрисидаги таълимот Ленин таржимасида немисча аслида бўлганидай лўнда, ихчам, содда қилиб баён этилган; ундаги таъриф ва хулосалар сиёсий ўткирлик билан, публицистик кўтаринки руҳда жаранглайди. Ваҳоланки, масалан, Бакунинг таржимасида истилоҳ ва таърифлар анархистик кайфиятда талқин қилинади. Плехановда эса инқилобий руҳ, шижоат етишмайди. Шу сабабли Г. В. Плеханов таржимасини нашр этиш лозим бўлганда, В. И. Ленин уни таҳрир қилиб, хатоларини тузатиб берган ва «Бундай таржималардан эҳтиёт бўлиш лозим, иложи бўлса, уларни аслияти билан солиштириб кўриш керак», деб маслаҳат беради. Г. В. Плеханов таржималардаги камчилик — нуқсонлардан марксизм душманлари — махистлар усталик билан ўз манфаатлари йўлида фойдаланганлар. В. И. Ленин бунини «Материализм ва эмпириокритицизм» асарида қайта-қайта таъкидлаган. В. И. Лениннинг таржимонлик фаолияти, иш усули, таржимага қарашлари биз учун ибрат ва сабоқдир.

Шермухамедов. Бир йўла В. И. Лениннинг услуби ҳақидаги ва доҳий асарлари ўзбекча таржимасининг савияси тўғрисидаги мулоҳазаларингиз билан ҳам ўртоқлашсангиз.

Комилов. В. И. Ленин услубининг қирралари: кучли эҳтирос, фикрий бўлиқлик, ихчам ва ёрқин ифода, боғланган қўшма гаплар ва маънодош сўзлар, синонимларни қаторлаштириш, такрорлаш орқали фикрни изчил, узлуксиз ривожлантириш ва ҳар тарафлама таъкидлаб чуқурлаштириб бориш... У оташин тарғиботчи эди, ўз таълимотини тенгсиз бир маҳорат ва усталик билан омма қалбига жойлай оларди. Улуғ доҳий минбардан туриб нутқ сўзлаганда ҳам, одамлар билан суҳбат қурганда ҳам, фикрини ёзма равишда ифодалаганда ҳам — ҳамма ерда шу мақсадни кўзлаган. Унинг асарларида бутун сатрлар бўйлаб жонли публицистик эҳтирос, қайноқ қалб, бардам ва дадил руҳ барқ уриб туради; доҳий фикрлари шундай бир ҳароратли оқимки, у тафаккур ва юрак иқлимини бир пасда забт этади, барча тўсиқлар, ғоялар, фикрий алданиш, ёлғон ва шубҳаларни, ланж хаёллар, беасос ташунча — тасавурларни супуриб ташлаб, ҳаёт ҳақиқатини бор бўйи билан, очик-ойдин қилиб тушунтириб беради. «Мен биринчи марта энг мураккаб сиёсий масалалар тўғрисида бу қадар содда гапириш мумкин эканлигини кўрдим, у чиройли жумлалар тузишга интилмас, балки ҳар бир сўзни қафт устида етказар, унинг аниқ маъносини бағоят усталик билан чақиб берар эди», деб ҳайратланиб ҳикоя қилади М. Горький Ленин нутқини эшитгандан кейин. Бироқ, шуни ҳам унутмайликки, В. И. Ленин асарлари мазмун, ҳажм, характер ва ёзилиш мақсадига кўра, бир-биридан фарқ қилади. Демак, ҳар бир асарда доҳий услубининг умумий белгилари билан бирга, яна айни мақсаддан келиб чиқадиган алоҳида хусусият ҳам акс этади. Чунончи, «Россияда капитализмнинг тараққийси» асарида сиёсий иқтисод масалалари устида фикр юритилгани учун шунга яраша тил ва баён тарзи бор. «Бир қадам олға, икки қадам орқага», «Халқ дўстлари» ким ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар» каби асарларида чуқур ижтимоий таҳлил публицистик оҳангда давом этган, «Материализм ва эмпириокритицизм»да бўлса фалсафий баҳс, мураккаб мантиқий асослар танқидий ва ҳатто сатирик интонация билан қўшилиб кетган. Шу сабабли таржимон, умуман, Ленинга хос услубни эътиборга олиш билан бирга, унинг ҳар бир асарининг хусусиятини ҳам кўзда тутмоғи лозим. 55 томликдан жой олган Ленин асарларининг аксариятида доҳий услубининг ёрқин акс этганини кўрамиз. Ижтимоий ҳаётнинг чуқур таҳлилидан келиб чиқадиган умумлаштирувчи хулосалар, партиявий тарғиботчилик усули, фикрни лўнда, лекин содда қилиб тушунтириш, айни пайтда мантиқий яхлитлик, диққатни бир масалага

жалб этувчи йиғма, жамловчи жумлалар тизими ўзбекча таржима-ларда ҳам мавжуд. Ленин нутқиға хос оҳанг, лексик-грамматик бойлик ўзбек тилиға кўчган. Бу — таржимонларимизнинг маҳорати ва беқиёс катта меҳнатининг самараси. Бу — маданий-маънавий камолотимиз, тафаккуримизнинг камолоти белгиси, аини пайтда бебаҳо маданий-мафкуравий хазинамиздир. Бу фикр яна шуни айтишға ҳуқуқ берадики, 55 томлик янги нашр таржимачилигимизнинг катта ютуғи ҳисобланиб, улуғ Ленин назарий меросини ўзбек тилида қайта бунёд этиш учун олиб борилган улкан илмий ва ижодий меҳнат самараси. Аммо бу Ленин асарлари таржимаси устида ишлаш шу билан охириға етди, мазкур нашр ҳамма жиҳатлари билан аслиға батамом мос келади, деган гап эмас. 55 томликда ҳам, гарчи тўртинчи нашрдаги бир қанча нуқсонлар тузатилган, қайта таҳрир қилинган, баъзи асарлар янгидан ўзгартирилган бўлишиға қарамай ҳали камчиликлар учрайди. Айниқса, В. И. Лениннинг сиёсий иқтисод ва фалсафаға оид асарларида бу ҳол кузатилади. Масалан, «Фалсафа дафтарлари» (29-том) китобини олайлик, тўртинчи нашр билан солиштирганда, анча-мунча жумлалар тузатилгани сезилади. Аммо ҳали ноаниқликлар бу таржимада анчагина бор. «Необходимость не исчезает, становясь свободой» жумласи диалектиканинг муҳим категорияларидан бири — зарурият ва эркинликнинг бир-бириға узвий боғлиқлиги, бир-бириға ўйб туришини англатади. Бу шундай таржима қилинган: «Зарурият йўқолмайди, эркинликка айланади». Бу жумла Гегель ва Ленин назарда тутган фалсафий маъно, яъни тушунчаларнинг алоқадорлиги, диалектикасини билдирмайди. Нозик оттенка тушиб қолган, шу сабабли Ленин фикри тўлиқ юзаға чиқмаган. Таржимада терминлар хилма-хиллиги илғари ҳам бор эди, кейинги нашрда ҳам бу қисман сақланган. Чунончи, «макон ва вақт», «фазо ва вақт», «макон ва замон» ёки «қарама-қаршиликлар айнайти», «қарама-қаршиликлар айнанлиги», «Қарама-қаршиликлар бирдайлиги» ва ҳоказо (русчаси: «тождество противоположностей»).

Демак, Ленин ғояларининг тағига етиш ва муносиб тарзда таржимада акс эттириш иши бундан кейин ҳам давом этади, таржималар яна мукаммаллаштирилади, сайқалланади. Зотан, Ленин асарлари таржимасидаги аниқлик бу аввало илмий аниқлик, яъни асл манбадан қандай фойдаланилса, иқтибос олинса, таржимаға ҳам шундай муносабатда бўлиш керак, деган гап. Бу ғоят катта масъулият. Ленин асарлари таржимаси қанчалик пухта бўлса, муаллиф услуби, матнининг шакл ва мазмун бирлигидаги яхлитлиги нечоғлиқ бутун сақланса, шунчалик доҳий меросини чуқур идрок этамиз, унинг ўлмас ғоялари юрагимиздан тез жой олади.

Шермухамедов. Доҳий Ленин ғояларини ёш авлодға тарғиб қилишда кўп меҳнати сиғган олимларимиздан яна Йўлдош Иброҳимов ва Раҳимжон Усмонов даврамизда ўтиришибди. Энди сўз навбатини уларға берамиз.

Иброҳимов. Халқаро коммунистик ва ишчи партияларнинг 1969 йилда бўлиб ўтган кенгашида «Ленин асарларини ўрганингиз!» деб хитоб қилинган ҳам бежиз эмас. «Бу асарларда, — дейилади кенгаш ҳужжатида, — сиз реакция ва зулматға қарши, социализм ва тинчлик учун курашға беқиёс манба топасиз. Бу асарларни ўрганиш ёш авлод учун давримизнинг революцион истиқболларини аниқ кўришға ёрдам беради».

Доҳимиз Лениннинг ўлмас сиймоси, унинг асарлари инсониятни порлоқ жасоратларға чорлайди. Давримизнинг ақл-идроки ва номуси ҳисобланган партияимизнинг тарихини Ленин асарларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Халқимизнинг ҳозирги маданий даражаси ижтимоий фанлар асосларини ҳамда Ленин асарларини ўрганишға бўлган қизиқишини яна ошириб юборди. Ленин асарлари Тўла тўпламининг рус, ўзбек ва бошқа қардош халқлар тилларида босилиши Коммунистик партия ва

Совет ҳукуматининг совет кишиларига нисбатан ғамхўрлигининг яна бир ёрқин далилидир.

Усмонов. Мен доҳий асарларини мактаб қучоғида, сўнгра билим юртида эътиқод билан ўргана бошлаганман. Кейинчалик ТошДУнинг физика-математика факультетида доҳий асарларини бирмунча чуқурроқ ўргандим. Айниқса, КПСС Марказий Комитети Олий партия мактабининг менга берган таълими марксизм-ленинизм классикларининг ҳаётбахш асарларидаги ғоялар билан қуроллантирди. Бу даргоҳ кейинчалик ҳам доҳий асарларини мустақил мутолаа қилишим учун зарур кўникма ва малакаларни берди.

В. И. Ленин асарлари Тўла тўплами нашр этилишининг яна бир муҳим томони шундаки, бу асарлар мажмуасида доҳийнинг улуғвор ғоялари билан бир қаторда улуғ зотга хос олижаноб фазилатлар ва кўп қиррали бой ҳаёти ҳам ёритилган. Доҳий билан бирга яшашга ва ишлашга муяссар бўлган замондошларининг эсдаликлари ҳам ўрин олган. Доҳийнинг ғоялари биз учун қанчалик қимматли бўлса, унинг ибратли ҳаёти, фаолияти ва фазилатлари ҳам катта дорилфунундир.

КПСС Марказий Комитети шу йил январь ойида чиқарган «Умумий таълим ва ҳунар мактабларини ислоҳ қилишнинг асосий йўллари» ҳақидаги қарори лойиҳасида: «Ёшлар марксизм-ленинизм ғоялари руҳида, К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Лениннинг ҳаёти ва фаолияти тимсолида, КПССнинг тарихий тажрибаси негизида тарбиялансин», деб жуда тўғри кўрсатилди.

Камтарлик ҳақидаги йўлланмалари ва бу борада унинг ўзи беқиёс тимсол эканлиги ҳақидаги материаллар ёш авлодни ленинча руҳда тарбиялашда биз учун муҳим қўлланмадир. Чиндан ҳам коммунистларга хос камтарлик, самимийлик ва олижаноблик каби инсоний туйғулар доҳийда тўла мужассам эди.

В. И. Лениннинг грек тилининг энг мукамал луғатларини, фалсафага доир бир неча китобни ўзига юборишни сўраб, Румянцев музейи кутубхонаси (ҳозирги В. И. Ленин номидаги СССР Давлат кутубхонаси)га ёзган қўйидаги хати ғоят ибратлидир. «Агар қоидага мувофиқ, справка китоблари уйга берилмаса, кутубхона ёпиқ турган вақтда бир кечага олиш мумкин бўлмасмикин, эрта билан қайтариб бераман». Бу тарихий ҳужжат ҳар биримизнинг ўз хатти-ҳаракатимизни чуқур ўйлаб кўришга, халқ мулкани кўз қорачиғидай асрашга даъват этади.

Халқ Комиссарлари Совети секретари **Н. П. Горбунов**нинг эсдаликларидан мана бу парчага бир эътибор беринг.

«...Мен 1918 йил 23 май санаси қўйилган қизиқ бир ҳужжатни келтирмоқчиман. Бу ҳужжат Владимир Ильичнинг жуда ҳам камтарлигини кўрсатади. Пулнинг қадри тушиб кетганлиги сабабли 1918 йил 1 мартдан бошлаб Владимир Ильичнинг ойлиги, унинг руҳсатисиз 500 сўмдан 800 сўмга оширилган эди. У бунга жавобан менга қўйидаги расмий қоғозни юборди:

«Халқ Комиссарлари Советининг секретари **Николай Петрович Горбунов**га.

Ойлигимни 1918 йил 1 мартдан бошлаб 500 сўмдан 800 сўмга ошириш учун асос кўрсатиб беришингизни сўраб қатъиян қилган талабимни бажармаганингиз сабабли Халқ Комиссарлари Советининг 1917 йил 23 ноябридаги декретига хилоф равишда Советнинг Ишлар мудирини **В. Д. Бонч-Бруевич** билан келишиб, ойлигимни ўзбошимчалик билан оширишингиз очиқдан-очиқ қонунсизлиги сабабли Сизга жиддий хайфсан эълон қиламан.

Халқ Комиссарлари Советининг раиси: **В. Ульянов (Ленин)**». Дарҳақиқат, **В. И. Ленин** коммунистик жамятда яшайдиган мукамал одамларнинг энг ёрқин тимсоли эди. Биз Ленин ғояларига оғишмай амал қиламиз, унинг бебаҳо меросини кўз қорачиғидай асраймиз.

Ғофуров. Мен Низомий номидаги Педагогика институтининг барча

факультетларида В. И. Ленин асарларининг ўқитилиши, мутолааси ва бу ўлмас гоёлар бўйича олиб борилаётган илмий ишлар ҳақида гапирсам, ҳалигина Йўлдош Иброҳимов ва Раҳимжон Усмонов айтган фикрларни тақрорлаган бўламан. Шунинг учун Ильичнинг ҳаёти ва илмий фаолиятида Шарқ мазлум миллатларининг, биринчи навбатда Ўрта Осиё халқларининг тарихий тақдири қандай ўрин тутганига тўхтаб ўтмоқчиман.

В. И. Ленин ўзбеклар ва қozoқлар, тожиклар ва туркманлар, кирғизлар ва қорақалпоқларнинг, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда яшайдиган барча аҳолининг Улуғ Октябрдан бурунги қисмати, мустамлакачилик даврида жабр-ситами, бошидан кечирган кулфатлари, синфий-сиёсий, маданий-маънавий азоб-уқубатлари, бу халқ ва элатларнинг бўлғуси тарихий тараққиёт йўли, келажакдаги истиқболи тўғрисидаги энг мураккаб ва ҳозиржавоб масалалар бўйича ҳам қилган кашфиёти бошқа соҳалардагидан кам бўлган эмас.

Тўла асарлар тўпламини кўздан кечирганимизда, В. И. Ленин Октябр инқилобига қадар ҳам Ўрта Осиё меҳнаткашларининг кўп асрлик тарихий ўтмиши, қадимий тили ва урф-одатлари, тақрорланмас обидалари, бениҳоя катта илмий ва амалий аҳамиятга эга моддий ва маънавий маданияти, турмуш тарзи, ўзига хос хусусиятлари, иқлими ва гоёат катта табиий ресурсларига кўп аҳамият берганлиги ва катта ҳурмат билан қараганлигининг шоҳиди бўламиз.

В. И. Ленин мустамлака ва қарам мамлакатларнинг миллий озодлик ҳаракатлари умумий муаммоларини ишлаб чиқаркан, ҳар бирининг конкрет тажрибасини чуқур ўрганган, синчиклаб умумлаштирган, улар олиб бораётган озодлик курашининг қонунилари ва ўзига хос хусусиятларини тегин таҳлил қилиб берган.

У Ўрта Осиё халқлари ҳаётининг тенгсиз, буюк билимдони, Ўрта Осиёга доир хилма-хил материалларни, статистик жадвалларни, архив ҳужжатларини, рус, инглиз, немис, француз тилларидаги ва бошқа хорижий тиллардаги асарларни зўр қизиқиш билан доимо кузатиб борган, улардан ўзи учун кўчирма олган, асарларида фойдаланган. Шунингдек, Ленин бундай маълумотларни кўп марта изоҳлаб берган, улардан тегишли хулосалар чиқарган.

В. И. Ленин «Имперализм — капитализмнинг юқори босқичи» асари устида тайёргарлик ишларини олиб бориш чоғида жуда хилма-хил адабиётлар билан танишади. П. Е. Кузнецовнинг «Марказий Осиёда цивилизациялар ва тиллар кураши» (1913), Отто Гётчнинг «Рус Туркистони ва замонавий рус мустамлака сиёсатининг йўналишлари» (1913), Н. П. Остроумовнинг «Ислоҳ дунёси» (1912), «Сартлар» (1908), «Қуръон ва прогресс» (1903), К. К. Абазанинг «Туркистоннинг забт этилиши» (1902) ва бошқа китобларни зўр диққат билан ҳамда танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқади.

Ана шу авторларнинг асарлари мазмуни билан танишаркан, доҳий Туркистоннинг территорияси, аҳолисининг сони ва этник таркиби, иқтисоди ва маданияти, туб аҳоли ўртасида маълумотнинг ёйилиши, панисламизм тўғрисидаги баъзи маълумотларга эътибор беради. Ленин, айниқса, Туркистон пахтасининг Россия томонидан истеъмол қилиниши, сугориш ишларининг аҳволига катта қизиқиш билан қарайди.

Доҳий Ленин Т. Егернинг «Эрон ва эрон масаласи» деган китоб мазмуни билан танишганда, 1861 йилдан 1891 йилгача Россиянинг Ўрта Осиёдаги итилоларини қайд қилади, Закаспий области, Бухоро, Хива, Сирдарё, Фарғона, Самарқанднинг территорияси ва нуфусини ифодаловчи рақамларни ёзиб қўяди. Ўрта Осиё вилоятларини санаб ўтиб, «Аҳолиси ҳаммаси мусулмонлар» деб изоҳлайди. Унинг Ўрта Осиё ерларида миллий-озодлик ва революцион ҳаракат куртакларига, 1898 йилдаги машҳур Андижон қўзғолонига бўлган қизиқиши алоҳида аҳамиятга эга. 1905—1907 йиллардаги биринчи рус революцияси Шарқдаги миллий чекка ўлкаларга ҳам таъсир қилишини

кўрсатиб, Ленин «Жаҳон капитализми ва 1905 йилдаги рус ҳаракати Осиёни тамоман уйғотди» деб ёзган эди.

Ўзбек халқи совет ҳокимияти йилларида қолоқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлардан илғор ижтимоий-иқтисодий муносабатларга, хурوفотдан маърифатга алап одимлар билан келди. Бу — нокапиталистик тараққиёт ҳақидаги марксча-ленинча назариянинг тўла тантанасидир.

Ўзбек халқи бугунги бахти учун доҳий Ленинга ҳамиша қуллуқ қилади.

Шермухамедов. Ўзингизга маълумки, Наим Ғойибович, «Ўзбекистон» нашриёти хусусан, В. И. Лениннинг дастлабки асарларини босиб чиқарган муқаддас даргоҳлардан биридир. Шубҳасиз, кейинги Тўла асарлар тўплами нашриёт ҳаётида тарихий воқеа бўлди.

Ғойибов. Худди шундай, Пирмат Шермухамедович. Мамлакатимизда, жумладан, республикамизда В. И. Ленин асарларининг қайта нашр этилиши ноширлар билан матбаачилар учун муқаддас иш ва шарафли бурчдир. Ҳар бир ношир ёки матбаачи доҳийнинг навбатдаги китобини нашрга тайёрларкан, аҳоли орасида ленинча ғояларни тарғиб қилишдек умумпартиявий ва умумдавлат ишига ўзининг камтарона ҳиссасини қўшаётганлигини жуда яхши тушунади. Шу сабабли буюк доҳий асарларини чоп этган Халқлар Дўстлиги орденли «Ўзбекистон» (собиқ Ўзбекистон ССР Давлат) нашриёти ва Тошкент полиграфия комбинати коллективи ҳам ғоят фахрланади.

Тўла асарлар тўламининг биринчи томи чиққан 1972 йилдан то 1980 йилгача — ҳар йили бу нашрнинг 5—7 томи чиқиб турди. Ленин томларининг бу қадар жадал суръатлар билан чиқиши ижодий коллективлар ва бошқа ходимлардан жуда катта куч-ғайрат сарфлашнинг талаб қилди. Матнлар қисқа муддатларда терилди, бу ишга энг малакали ҳарф терувчилар жалб этилди. Корректуралар ҳам юқори суръатлар билан ўқилди. Натижада В. И. Ленин Тўла асарлари тўламини босиш нисбатан қисқа муддатда тугалланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг доимий ғамхўрлиги, амалий ёрдами ва қўллаб-қувватлаши туфайлигина бу иш амалга оширилди. В. И. Ленин асарларининг ўзбек тилида қайта нашр этилиши республикамиз илм-фан ва маданиятининг шаклланиши ҳамда ривожланишига улкан назарий асос бўлди. У Ўзбекистонда ижтимоий фанларнинг ва, биринчи навбатда, фалсафа фанларининг ривожланишига методологик асос сифатида катта таъсир кўрсатди. Ҳозир республикамизда файласуфлар, иқтисодчилар, юристлар ва тарихчиларнинг катта армияси илмий-назарий иш олиб бормоқда. Улар социалистик ва коммунистик ижтимоий тараққиётнинг замонавий масалаларини ленинча назарий меросга таянган ҳолда Урта Осиё совет республикалари региони мисолида ишлаб чиқмоқдалар. Бунинг учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги тарих институти ижодий коллективининг жуда масъулиятли таржима ишида етакчилик қилаётганидан миннатдор бўлишимиз керак.

Шермухамедов. Наим Ғойибович, албатта, бу улкан ишни «Ўзбекистон» нашриёти ўз вақтида ниҳоясига етказгани бизни ғоят қувонтиради. Лекин мен китобсеварлар нуқтаи назаридан айтадиган бўлсам, 55 томликнинг муқоваларини янада пишиқроқ қилиб тайёрлаш ва жилдлардаги зар ёзувларни анча-бунчага ўчиб кетмайдиган тарзда ёзиш мумкин эди, деб ўйлайман.

Ғойибов. Биринчидан, бу нашр оммавий тиражда — ҳар бир том 30 минг нусхадан босилганини ҳисобга олиш керак. Иккинчидан, мана шу Тўла асарлар тўламини чоп этиш давомида матбаа имкониятлари ҳам тобора ўсиб борди. Биз бугун замонавий техника ускуналарига эгамиз. Бундан кейин марксизм-ленинизм классиклари асарларини китобхонлар дидига мослаб босишга тўла имкониятимиз бор, деб ишонтира оламан.

Дарвоқе, сўнгги йилларда нашриётимиз В. И. Лениннинг бир неча

кичик асарларини митти китоб шаклида нашр этди. Бу митти китобчаларни китобсеварларимиз катта қизиқиш билан харид қилишмоқда. Дид билан тайёрланган бундай китобчаларни босиш яна давом этади.

Шермухамедов. Мана, суҳбатимиз ҳам поёнига етди. Агар гурунгимизнинг якунламоқчи бўлсангиз, Ҳабиб Турсунович, марҳамат...

Турсунов. Марксизм-ленинизм классиклари асарлари меҳнаткашларни коммунистик, дўстлик ва интернационализм руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Айни пайтда, бу марксча-ленинча ғоялар, назариялар ревизионизм, советшунослик, умуман, антигуманистик реакцион, буржуача қарашларнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашда энг ишончли қуролдир. Инглиз жамоат ароби ва публицисти Айвор Монтегю таъбири билан айтганда, «Лениннинг ёзганлари архив эмас, балки арсеналдир. Жанг қилиш фурсати келса, худди ҳужум олдидан пулемёт тасмасига патронлар жойлагандек, биз унинг китоблари саҳифаларини варақлаймиз».

Биз, зиёлилар мафкуравий кураш авж олган ҳозирги даврда ленинизмни муҳолифларимизнинг ҳужумларидан қаттиқ туриб ҳимоя қиламиз. Зотан, Лениннинг марксизмнинг поклиги учун олиб борган беомон курашининг ўзи ленинизмнинг ҳимоя қилиш учун энг зўр ибрат ва мактабдир.

Суҳбатни **М. ХИДИРОВ** эзиб олган.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

5.1.84.

Телевидение ва радио кенгашининг йиллик ҳисобот йиғилишини Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Саъдулла Кароматов очғач, мазкур кенгаш раиси, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиозшиштириш давлат комитети раисининг ўринбосари Расул Раҳмонов доклады тинглади. Ўзбекистон Телевидениеси адабий-драматик кўрсатувлар бош редакциясининг бош редактори Урол Утаев қўшимча доклад қилди.

Кенгаш аъзоларидан Ж. Абдуллахонов, И. Муслим, О. Мухтор ва бошқа ўртоқлар докладлар юзасидан мунозараларда сўзга чиқдилар.

17.1.84.

Фольклор кенгашининг йиллик ҳисобот йиғилишида мазкур кенгаш раисининг ўринбосари Тўра Мирзаев ўтган йилда ўзбек фольклори соҳасида амалга оширилган ишлар хусусида доклад қилди.

МАДАНИЙ ҲАЁТ


Кенгаш аъзоларидан М. Муродов, С. Қосимов, М. Қўшмоқов, С. Носиров, Р. Отаев, М. Хидир, Отаёрлар мунозараларда сўзга чиқиб, ўзбек фольклори ва фольклоршунослиги олдида турган муҳим муаммолар ҳақида фикр билдирдилар. Кенгаш раиси Ю. Султонов мазкур кенгаш фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида сўзлади.

Йиғилишни драматург ва адабиётшунос

24.1.84.

Очерк ва публицистика кенгашининг йиллик ҳисобот йиғилишида Саъдулла Сиёев ва Мирзакарим Пирматовлар ўтган йилда яратилган очерклар ва публицистик мақолалар ҳақида доклад ва қўшимча докладлар қилдилар.

И. Раҳим, О. Тоғаев, С. Умиров, Р. Отаев, Н. Раҳматов, Отаёр, С. Маҳмудова, Ғ. Ғафуров ўртоқлар юқоридаги жанрда қўлга киритилган ютуқ ва камчиликлар ҳақида сўз юритдилар.



МИННАТДОРЛИК ТУЙҒУСИ

Ўзбекистон ССР Маданият министри Зухра Раҳимовна РАҲИМБОВБОВА билан суҳбат.



Мухбир. *Хурматли Зухра Раҳимовна! Ўзингизга маълум, катта тўй арафасида турибмиз. Республикаміз ва унинг Компартияси олтмиш ёшга тўлаяпти. Ана шу давр мобайнида Ўзбекистон мисли кўрилмаган даражада юксалди. Шаклан миллий, мазмуан социалистик маданият вужудга келди. Шу муносабат билан, Совет Шарқида маданий революция қандай самаралар бергани ҳақида гапириб берсангиз?*

Министр. Дарҳақиқат, серқуёш Ўзбекистонимиз Совет ҳокимияти йилларида гуркираб ўсди. Чор ҳукуматининг қоқоқ, аграр ўлкасидан, қарам мустамлакасидан ёппасига саводхон, индустрияси ва маданияти юксак Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасига айланди.

Олтмиш йил тарих учун нима деган гап?! Бироқ, худди ана шу олтмиш йил асрларга татигулик иш қилди. Бу — буюк революцион ўзгаришлар даври бўлди. Улуғ Ленин даҳоси қоқоқ феодал ўлкани социалистик истиқбол сари йўллади.

Биз ўтмишдан халқ яратган бой маданий меросни қабул қилиб олдик. Абу Али ибн Сино, Беруний, Ал-Хоразмий, Алишер Навоий, Улуғбек каби ўрта аср Шарқининг буюк алломалари қолдирган ўлмас бойлик, Самарқанд, Бухоро, Хивадаги жаҳонга машҳур нодир обидалар жаҳолат хуружига, дин ва феодал тақводорлари ҳужумига бардош бериб, тарихнинг шафқатсиз имтиҳонидан ўтди, инсониятнинг абадий мулки бўлиб қолди.

Ўтмишнинг ажойиб анъаналари Совет ҳокимияти йилларида ривожланибгина қолмай, янги сифат ўзгаришларига олиб келди. Қардош халқлар оиласида Ўзбекистон маданияти янада бойиди, гуллаб-яшнади. Кўп миллатли Советлар диёримиз ўзаро маданий алоқаларни юксалтиришга кенг йўл очиб берди. Биз, буюк Октябрь шаърофати билан улуг рус ва украин, белорус ва грузин, озарбайжон ва арман, қozoқ ва қирғиз, тожик ва туркман, молдаван ва литва, латиш ва эстон, СССРдаги бошқа миллат ва элатлар маданиятидан баҳраманд бўлдик. Ўзбек хонадонига жаҳон прогрессив адабиётининг нодир

намуналари кириб келди. Ўз навбатида, бой ўзбек маданий мероси билан яқиндан танишиш бошқа миллатларга ҳам насиб этди.

Бу зафарлар осонликча қўлга киритилгани йўқ, албатта. Хуррият, эрк учун кураш қурбонсиз бўлмади. Худди ўша оловли йилларда чинакам маданий инқилоб бошланди. Ўзбек хотин-қизлари паранжини улоқтириб, жаҳолатга, зулматга қарши исён кўтардилар. Ўзбек совет санъатининг биринчи қалдирғочлари парвоз эта бошладди. Биринчи ўзбек театрлари бирин-кетин ўз эшиklarини оча бошладилар...

Мухбир. *Дарвоқе, театр ҳақида. Театр санъатимизда сўнги йилларда қандай нагижалар кўзга ташланапти? Унинг келажак истиқболлари қандай?*

Министр. Республикамиз босиб ўтган йўлга бир назар ташлайдиган бўлсак, ана шу давр ичида театр санъатида катта олға силжиш рўй берганлигининг гувоҳи бўламиз. Агар эътибор берган бўлсангиз, кўп театрларимизнинг таржимаи ҳоли республикамиз ёшига тўғри келади. Улар бирин-кетин ўз юбилейларини ўтказмоқдалар, давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлмоқдалар. Бу ўринда, ўша суронли йилларда ўзбек совет театри пойдеворига биринчи гишт қўйган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий билан Маннон Уйғурни эсламай ўтолмаймиз. Ленин орденига мушарраф бўлган отахон театримизнинг Ҳамза номи билан аталиши ҳам бежиз эмас.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Муҳиддин Қориёқубов, Мухтор Ашрафий, Аброр Ҳидоятлов, Сора Эшонтўраева, Лутфихон Саримсоқова, Етим Бобожонов, Мукаррама Турғунбоева, Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев каби ўнлаб истеъдод эгалари ўзбек санъати довуғини оламга ёйдилар. Республикамиз тўйи арафасида биз уларнинг санъатларига таҳсинлар ўқиймиз.

Бугунги кунда республикамизда 30 та профессионал театр ишлаб турибди. Уларнинг энг кенжаси Жиззахда очилган қўғирчоқ театридир. Ҳа, партия ва ҳукуратимиз болаларимизни эстетик тарбиялашга, улар учун санъат қононалари бунёд этишга катта эътибор бериб келмоқда. Ҳали, 1928 йилдаёқ Урта Осиёда ягона болалар театри ташкил этилган эди. Бу — «Ҳурмат белгиси» орденига сазовор бўлган Йўлдош Охунбобоев номидаги республика Ёш томошабинлар театридир.

Эндиликда, учта Ёш томошабинлар театри, бешта қўғирчоқ театри ишлаб турибди. Келажакда яна ана шундай театрлар очиш мўлжалланмоқда.

Кўпгина театрларимиз «ҳовли тўй»лари ўтказишяпти, янги биноларга кўчиб чиқишяпти. Бу бинолар ҳозирги кун саҳна санъати талабларига тўла жавоб берадиган чинакам архитектура обидаларидир.

Энди репертуар масаласига келсак, у жуда ранг-баранг. Оригинал ўзбек драматургияси билан бир қаторда, жаҳон ва рус классикаси, қардош халқлар драматургияси, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари театр санъатининг нодир намуналари муваффақият билан саҳналаштирилди. Шекспир, Шиллер, Софокл, Гюго, Гольдони, Брехт, Пушкин, Лермонтов, Гоголь, Островский, Фонвизин, Чехов, Горький, Маяковский, Погодин каби классикларимизнинг шоҳ асарлари ўзбек томошабини қалбидан жой олди.

Кейинги йилларда театрларимиз қардош халқлар драматургиясига катта эътибор бериб келмоқдалар.

Яқинда бўлиб ўтган СССР халқлари драматургияси Бутуниттифоқ кўриги фикримизнинг яққол далили бўла олади. Биронта театр бу кўриқдан четда қолгани йўқ. Шуниси қувончлики, ўзбек театрлари барча иттифоқдош республикалар драматургларининг асарлари билан иштирок этдилар. Кўп спектаклларимиз кўрикда юксак баҳо олди. Ҳамза номидаги академик драма театрининг Б. Васильев асари асосида саҳналаштирган «Рўйхатларда йўқ», М. Тошмухамедов номли

Қашқадарё область театрининг М. Шатров пьесаси асосида қўйган «Революция номи билан», литвалик драматург Ю. Марцинкявичуснинг Огаҳий номли Хоразм область театрида сахналаштирилган «Миндаугас», молдавиялик драматург И. Друценинг А. Навоий номли Наманган область театрида қўйилган «Касе Маре» спектакллари ана шулар жумласидандир.

Маълумки, 1983 йилда улкан сана — Тошкентнинг 2000 йиллиги кенг нишонланди. Ўзбекистон пойтахти ҳукуматнинг энг олий мукофоти — Ленин орденига сазовор бўлди. Бу катта шодиёнага театр ва концерт ташкилотларимиз муносиб совғалар билан келдилар. Айниқса, театрларимиз ўз мухлисларини гоят шод этди. Максим Горький номидаги рус Давлат академик драма театри Лев Ошаниннинг «Тошкент афсонаси», Муқимий номли республика музыкали театри Ҳамид Ғулом ва Манас Левиеларнинг «Тошкентликлар», Йўлдош Охунбобоев номидаги республика Ёш томошабинлар театри Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати Инсон» романи асосида яратилган «Ўз уйингдасан» спектакллари Тошкент юбилейга армуғон этдилар. Оперетта театри, «Ёш гвардия» драма театри, республика қўғирчоқ театри ҳам юбилейга бағишлаб янги спектакллар яратдилар.

Бу йил ҳамма театрларимиз Ўзбекистон ССР ва Компартиясининг 60 йиллигига атаб юбилей спектакллари тайёрламоқдалар.

Мухбир. *Зухра Раҳимовна! Драматургияни театрининг нони, дейишади. Чинданам, пьеса бўлмаса, театр ҳам йўқ, деган гап. Драматургиямизнинг равнақи, театрларимизнинг репертуарга бўлган чанқоғини босиш борасида нима ишлар қилиняпти?*

Министр. Кейинги икки-уч йил ичида драматургиямизда катта жонланиш сезилмоқда. Биргина мисол. Ўтган йили репертуар — редакция коллегия 40 дан зиёд пьеса қабул қилиб олди. Агар илгарилар йилига 26—28 сахна асари пайдо бўлганини инobatга олиб таққослайдиган бўлсак, бу жонланишни янада яққолроқ ҳис этамиз. Бунинг боиси нима? Биринчидан, Ўзбекистон ССР Маданият ва маданият ишлари вазирлиги билан Ёзувчилар Союзи, республика Театр жамияти, Композиторлар Союзи ўртасида ижодий ҳамкорликнинг тобора мустаҳкамлана бораётганлиги самараси деб биламан буни. Ижодий союзлар билан биргаликда ўтказилаётган конкурслар, семинарлар, пьесахонликлар драматургиямизга истеъдодли ёш авлодни олиб кирди. Куни-кеча «ёш авлод» деб аталган Улмас Умарбеков, Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Фарҳод Мусажонов, Латиф Маҳмудов, Уткир Ҳошимов, Максим Каримов, Муҳаммаджон Хайруллаев каби адабларимиз бугунги кунда «ўрта авлод» бўлиб қолдилар. Улар Комил Яшин, Уйғун, Назир Сафаров, Зиннат Фатхуллин, Иззат Султон, Сарвар Азимов каби атоқли драматургларимиздан ўрнак олиб, самарали ижод қилмоқдалар. Театрларимиз афишаларида эса, янги номларни — Машраб Бобоев, Раим Фарҳодий, Шароф Бошбеков, Исфандиёр, Абдуғани Абдуғафуров, Қурбонбой Матризаев, Заҳириддин Муҳиддинов ва кўплаб бошқа ёшларни учратадиган бўлиб қолдик. Бу, қувончли, албатта. Драматургиямиз равнақидаги иккинчи омил — ёзувчиларга давлат йўли билан берилаётган буюртмалардир. Ҳозир проблематик план асосида 30 дан ортиқ ана шундай буюртма берилган. Уларнинг кўпчилиги замонавий мавзуга аталган асарлар бўлади. Булар, шунчаки, рақам эмас, балки реал ҳақиқатдир. Чунки, пьеса ёзаётган ҳар бир драматург «ўз театрига», «ўз режиссёрига» эга. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республикада театр санъатини янада ривожлантириш ва меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда уларнинг ролини кучайтириш ҳақида ўтган йили қабул қилган қарори асосида театрлар қошида экспериментал ижодий гуруҳлар ташкил қилинмоқда. Театр, драматург, режиссёр, композитор ва бошқа ижодий касб эгаларининг биргаликдаги ҳамкорлиги яхши самара беради, деб умид қиламиз.

Мухбир. *Республикада профессионал санъат билан ёнма-ён*

ҳаваскорлик санъати ҳам тараққий этиб бормоқда. Шу борада қилинаётган ишлар, бадий ҳаваскорлик санъатининг истиқболи ҳақида сўзлаб берсангиз?

Министр. Халқимиз — талантларга бой. Республикаимизнинг қайси бурчагида бўлманг, истеъдодли ёшларни учратасиз. Кейинги йилларда бадий ҳаваскорлик санъати кенг қулоч ёйди. Бадий ҳаваскорлик коллективлари санъатнинг 20 дан зиёд тури ва жанрларида ижод қилиб келмоқдалар. Бугунга келиб 210 ансамбль «Халқ коллективи» деган юксак унвонга сазовор бўлди. Улардан 18 таси Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати бўлди.

Ҳаваскорлик коллективлари ўз репертуарларини тузишда, уларнинг гоъвий-бадий савиясини оширишда талабчанлик билан ёндаша бошладилар. Дўстлик, интернационализм, ватанпарварлик, қаҳрамонлик мавзуларига эътибор кучайди.

Ҳаваскорлик коллективлари қатнашчилари тез-тез цехларга, дала шийпонларига, чорвачилик фермаларига ташриф буюрмоқдалар, меҳнаткашларга эстетик ва маънавий завқ бағишламоқдалар. Айниқса, Хоразм область Боғот районидаги «Қалдирғоч» ашула ва рақс ансамбли, Фарғона область Қува шаҳар маданият уйи қошидаги «Анор», Ҳазорасп районидаги «Булбулча» ансамбллари халқ олқишига сазовор бўлмоқдалар. Бу коллективлар СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг олтин ва кумуш медаллари билан тақдирландилар.

Шуниси қувончлики, республикаимиз ҳаваскорлик коллективлари Иттифоқимиз бўйлабгина эмас, балки чет элларга ҳам тез-тез ташриф буюриб, совет санъатини актив пропаганда қилмоқдалар. Шаҳрисабз районидаги Ленин номли колхознинг «Шодиёна», Наманган районидаги «Дилшод», Қуванинг «Анор», Тошкентнинг «Баёт» коллективлари Италия, Голландия, Бельгия, Польша ва Болгарияда бўлишди.

Ҳаваскорлик коллективлари иштирокида «Ҳосил байрами», «Наврўз байрами», «Олтин куз», «Сени шарафлаймиз, пахтакор!» каби тадбирлар, «Мархабо талантлар!» сингари телевизион конкурслар анъанага айланди. Бу, ҳаваскорлик санъатига яна минг-минглаб ёшларни жалб этишга имкон беради. Хуллас, бугунга келиб бадий ҳаваскорлик санъатига бир ярим миллиондан ортиқ киши жалб этилган.

Мухбир. *Маданий-оқартувнинг бошқа соҳалари, жумладан, кутубхоналар, клублар, истироҳат боғлари фаолиятини яхшилаш борасида нима ишлар қилиняпти?*

Министр. Бугунги кунда Маданият министрлиги системаси қарамоғида 2,5 мингга яқин, республика бўйича эса 4 мингдан ортиқ клуб муассасалари мавжуд. Ушбу клубларда хилма-хил тўғараклар ишлаб турибди. Айниқса, тасвирий санъат, халқ амалий санъати, хореография, миллий цирк санъати, болалар хори, симфоник оркестр, болалар вокал-чолғу ансамблларига эътибор кучайди. Ҳаваскорлик уюшмалари, дискотекалар сони тобора ошиб бормоқда. Узининг хилма-хил программаси, ўзига хос миллий хусусияти билан эл олқишига сазовор бўлган Бухородаги «Лаъли» эстрада — цирк коллективини алоҳида қайд қилиб ўтишни истардим. Коллективга республика дорбозчилари кўрик — конкурси лауреати Раббим Соҳибов раҳбарлик қилмоқда. «Лаъли» СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг олтин медалини олди.

Биз, оммавий жанр ҳисобланган хор ҳаваскорлик санъатини ривожлантиришга алоҳида эътибор беряпмиз. Ўзбек, рус, қардош халқлар ва чет эл композиторлари асарларини кўп овозда ижро этувчи хор коллективлари сони тобора ошмоқда. Ғазалкентдаги болалар намунали хори, Каттақўрғондаги уруш ва меҳнат ветеранлари хори ана шудар жумласидандир.

Бадий-агитацион бригадалар ҳам аҳоли ўртасида фаол иш олиб бораётирлар. Улар партия ва ҳукуматимиз сиёсатини, КПСС Марказий

Комитети сўнги Пленумлари қарорларини, айниқса, қишлоқ аҳолиси ўртасида тарғиб этишда муҳим роль ўйнамоқдалар.

Бу борада кутубхоналаримиз, музейларимиз, маданият ва истироҳат боғларимиз ҳам катта ишларни амалга оширмоқдалар. Ҳозирги кунда республикаимизда 16 мингдан ортиқ кутубхона, 34 музей ва унинг филиаллари, 85 маданият ва истироҳат боғлари ишлаб турибди. Улар бугун асосий эътиборни яқинлашиб келаётган республикаимиз ва унинг Компартиясининг шонли 50 йиллик юбилейини муносиб кутиб олишга қаратганлар. Юбилейга атаб турли тадбирлар белгиланмоқда. Жумладан, Ўзбекистонни шарафловчи театрлаштирилган томошалар, интернационал дўстлик кечалари, революция, уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар бўлиб ўтади, республикаимиз босиб ўтган тарихий йўлни акс эттирувчи кўрғазмалар, стендлар ташкил этилади, адабий кечалар ўтказилади..

Мухбир. *Республика концерт ташкилотларида ҳам юбилей та-
раддуди каттадир?*

Министр. Албатта. Қайси тўй музикасиз, қўшиқ ва рақсиз ўтибди?! Республикаимиз бастакорлари юбилейга атаб симфоник поэмалар, оратория ва кантаталар, Коммунистик партияни, Ватанни, тинчлик ва меҳнатни тараннум этувчи қўшиқлар устида фаол иш олиб бормоқдалар. Драматурглар сингари, шоир ва композиторларимиз билан ҳам давлат буюртмалари тузганмиз. Яратилаётган музика асарларининг энг саралари юбилей концерт программаларининг асосини ташкил этади. Бундай тадбирларни ўтказишда биз бой тажриба тўплаганмиз. СССРнинг 60 йиллигига, Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишланган сермазмун концертлар зўр муваффақият қозонгани бунинг далилидир. «Тошкентнинг олтин кузи» тантаналари эса интернационал дўстлик байрамига айланиб кетиб, анъанавий характер касб этди.

Мухбир. *Маданиятнинг интернационал характери ҳақида гап очдингиз. Умуман, маданиятимиз ривожига қардош республикалар санъатининг таъсири қандай бўлди?*

Министр. СССР халқлари драматургияси Бутуниттифоқ кўриги ҳақида юқорида гапириб ўтдим. Бундан ташқари, қардош республикалар билан ўтказилиб келинаётган Адабиёт ва санъат кунларини эслатиб ўтмоқчиман. Сўнги йилларда Ўзбекистонда РСФСР, Озарбайжон ССР, Тожикистон ССР Адабиёт ва санъат кунлари кўтаринки руҳда ўтиб, дўстлик ипларини янада маҳкам боғлади. «Тошкентнинг олтин кузи» фестивалига қардош республикаларнинг донғи кетган хонандалари ва ансамбллари ташриф буюрмоқда. Ўзбекистонда ўтган Совет музикаси кунлари, мақомчилар симпозиумлари ҳам катта маданий воқеа бўлди. Москва, Ленинград, Иттифоқимиздаги бошқа машҳур театрларнинг Тошкентга гастролга келишлари анъанага айланди.

Томошабинларимиз Москванинг Ленин комсомоли номли, «Моссовет», Таганка театрлари спектаклларини зўр олқишлар билан кутиб олдилар. Айниқса, СССР Давлат академик опера ва балет Катта театрининг Тошкентга, ўз навбатида, Алишер Навоий номидаги ўзбек Давлат опера ва балет Катта театрининг пойтахтимиз Москва шаҳрига ҳисобот гастроллари билан бориши халқлар дўстлигининг чинакам байрамига айланди. Бу ўринда, ўтган йили ўзбек ва қозоқ академик театрларининг ўзаро гастрол сафарларини ҳам таъкидлашни истардим. Шуниси қувончлики, Олмаотада қозоқ саҳнасида «Абай» ўзбек тилида, Тошкентда ўзбек саҳнасида «Алишер Навоий» қозоқ тилида томошабин ҳукмига ҳавола этилди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Халқлар ва маданиятлар ўртасидаги интернационал дўстлик Иттифоқимиз доирасидагина эмас, балки чет эллар кўламида ҳам намоён бўлмоқда. Сўнги йилларда Ўзбекистон театрлари Польша, Болгария, Германия Демократик Республикаси, Руминия, Венгрия, Финляндия, Чехословакия драматургияси фестивалларига

актив иштирок этиб, қатор диплом ва мукофотларга сазовор бўлдилар.

Мухбир. *Маълумки, чет элларда республикамиз мисолида СССР маданияти кунлари ўтказилиши одат тусига кириб қолди. Ўзбек санъаткорлари кейинги йилларда қайси мамлакатларда бўлишди?*

Министр. Ўзбекистон ССР мисолида Совет Иттифоқи кунлари чет элларда зўр муваффақият билан ўтмоқда. Октябрь шарофати билан гуллаб-яшнаган республикамизни бутун жаҳонга кўз-кўз қилмоқда. Сўнгги йилларда маданиятимиз вакиллари Лаос, Жазоир, Финляндия, Италия, Мальта, Афғонистон, Франция, Мали, Испания, Англия, Германия Федератив Республикаси ва бошқа кўпгина мамлакатларда бўлиб, советлар байроғини фахр билан баланд кўтариб ўтдилар.

Мухбир. *Охирги савол. Бизда жаданий ва тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш давлат аҳамиятига эга эканлиги билан ҳоят қимматлидир. Ҳозир тарихий обидаларни таъмирлаш ишлари қай йўсинда бораёпти?*

Министр. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз каби тарихий шаҳарларимизда реставрация ишлари катта кўламда олиб бориляпти. Ҳозиргача 270 ёдгорлик қайта тикланди. Биргина 1983 йилнинг ўзидаёқ 26 обида ўз ҳолига қайтди. Жумладан, қадимий Самарқанднинг Регистон ансамбли, Бибиҳоним мадрасаси гумбази таъмирланиб бўлинди. Бухорода Лаби ҳовуз ансамбли, савдо расталаридан иборат Тоқи саррафон, Тоқи телпақфурушон, Тоқи заргарон ёдгорликларини таъмирлаш ниҳоясига етди. Буюк олим Ал-Хоразмийнинг 1200 йиллиги муносабати билан Хивада катта кўламда ишлар бажарилди. Улуғ олимга ҳайкал ўрнатилди. Тошкентнинг 2000 йиллиги юбилеи арафасида Хаст Имом, Шайхонтовур ансамбллари тикланди, Шоштепа ва Оқтепада катта таъмирлаш ишлари олиб борилди.


1983 йилда қадимий Бухорода Давлат тарихий-архитектура музейи заповедниги очилди ва ҳоказо.

Худлас, маданий ёдгорликларни тиклаш ва сақлаш ишларига партия ва ҳукуратимиз катта эътибор бермоқда. Бу — табиий, албатта. Чунки, тарихий обидалар — халқ мулки, давлат мулки. Бизнинг маданиятимиз, фахримиздир. Бундай улкан кўламдаги ишларни фақатгина совет тузуми шароитидагина амалга ошириш мумкин.

Маданий ёдгорликларимиз асрлар оша бугунги социалистик Ўзбекистонга миннатдорчилик ҳисси билан тикилаётгандай гўё, янги либос — байрам либоси кийиб бизга қараётгандай гўё...

Мухбир. *Сермазмун суҳбатингиз учун катта раҳмат, Зухра Раҳимовна!*





Саъдулла Кароматов

БУХОРОНИНГ АЛП ОДИМЛАРИ

Ҳозиён билан Бозоринав гузарлари оралигидаги танг кўчада икки-учта тарвақайлаган тут атрофга соя ташлаб турарди. Эҳтимол, кўчанинг Кўйи дарахт, яъни дарахтлар макони деб аталгани ҳам шундандир. Бу кўча мен туғилиб ўсган Бозоринав атрофидаги гузарлардагина эмас, балки шаҳар бўйича энг сердарахт ва соя-салқин жой ҳисобланарди...

Одатдаги кўнлардан бирида бобом билан тут тағидаги супадада ўтирардик. Иттифоқо ёғочлари нақшинкор, мис қуббалари ялтиллаб турган дарвозанинг бир табақаси ғаййқиллаб очилди-ю, ҳаммамизга таниш нуроний чолнинг кулиб турган юзи кўринди. Бобом ўрнидан туриб, унинг истиқболига борди. Чол кумуш дастали жигарранг ҳассасини билагига илиб, бобомга кўришиш учун кўл узатди. Кечагидай эсимда, бобом ҳавонинг димлигидан, аёвсиз тафотдан (Бухорода бундан қирқ-эллик йил муқаддам ёзнинг жазирамасида оловдай қизиган ҳаво майда кум зарраларини юзга уфуриб, теккан жойини жазиллатарди) нолидилар: «Наҳотки, жаҳондай кенг воҳамизда лоақал япроқ тебратгудек шамол анқонинг уруғи бўлса, а?» Чол бобомга қараб кулди-ю, сўнг бош чайқаб, эътироз билдирди: «Бухоро бир уммон бўлса, унинг экин майдонларию, шаҳар ва қишлоқлари эгаллаган ерни бёр тугмача деб билинг. Бухорони бепоеён осмонга қиёс этгудек бўлдингиз: унда бу воҳани биргина юлдуз деб билинг».

Мен бу гапнинг маъносини ўшанда тушунмаган эдим. Йиллар ўтиб, улғайдим. Бухоро тарихига оид кўллаб китобларни варақладим, кексаларнинг ҳикояларига қулоқ осдим. Шарқда қиёси йўқ кўҳна шаҳар — Бухоронинг беҳисоб мадраса-ю масжидлари, феруза гумбазлари, кунгираддор минора-ю беҳисоб жимжимадор мақбараларига қўйилган ҳар бир фишти кўҳна тарих зарварақларидек мозийдан сўзлар, эжко халқнинг ақл-идрокидан шаҳодат берарди. Қадимий дастхатлари эса Бухоро гуллаган боғ-роғлари, мавж урган чаманзорлари, қирқ кокил оққан дарёю ирмоқлари билан жаҳонаро донг таратган обод шаҳар бўлганлигини исбот этарди... Шунда мен донишманд чолнинг сўзларидан маъно излаб, тарихга назар ташладим.

Эҳ-ҳе, не аламларни бошдан кечирмаган экан бор юрт! Неча бор кули кўкка соврилиб, неча бор қад ростламаган у. Бу вайроналиклар Эрон шоҳи Доро, кейин македониялик Искандар замонидан бошланди. Искандар сақларга қарши Суғдиёнага юриб, Зарафшон водийси-

нинг ғарбигача етиб борди. Спитаменни қувиб, Бухоро воҳасининг гуллаган шаҳар-қишлоқларини топтади, ўт қўйиб, кулини кўкка совурди. Бундан кейин ҳам не-не фотиҳлар, жаҳонгирлар Бухородан қон кечиб ўтмади. Узаро урушлардан юрт вайрон бўлди, эл хор-зор... Гуллаган боғ-роғлар, қулф урган чаманзорларни саҳро қаърига тортди. Биргина Варахшанинг ўзида беш юз квадрат километрни ишғол этиб турган обод шаҳар ва қўрғонлар, работ ва қишлоқлар харобазорга айланди. Бухорхудотларнинг ёзги сўлим оромгоҳлари кум барханлари остида қолди. Минглаб ариқ-каналлар, беҳисоб экин майдонларини юҳо чўл ютди. Дарёлар йўли тўсилди. Саҳро ҳамлага ўтди. Бухоронинг атрофини ўраб олган даҳшатли чўллар ҳукмронликни ўз кўлига олди. Вайронага айланган чолдеворлар саҳрода озмунчами? Ун тўрт миллион гектардан ортиқ ерни ишғол этиб турган бу чўл канорасида Бухоро бутун экин майдонлари-ю, шаҳар-қишлоқларини қўшиб ҳисоблаганда, ярим миллион гектарга борар-бормас ерда биқиниб қолди.

Бу — чиндан ҳам Бухоронинг умумий майдонини ҳисобга олганда, саҳро уммонига нисбатан тугмача, бепоеён осмондаги биргина юлдуз.

...Бухоронинг жинкўчаларида тўпғимизгача билқ-билқ тупроқ кечиб юриб, шулар ҳақида ўйлардим. Саратоннинг жазирама иссиғида шаҳар кўчаларидан оташдек ҳовур кўтарилади. Яккам-дуккам дов-дарахтларнинг ҳам япроқлари ёзнинг дастлабки иссиғидаёқ сарғайиб, шох-шаббаларини пўпанак босган. Сувсизликдан йил-ўн икки ой қуруқшаб ётган кўчалардан кўтарилган чанг еру кўк оралиғида муаллақ туриб қолади. Ришта, безгак аҳолига вабодек ёпишиб олган...

Бу — сувсизлик офати эди!

Неча йиллар ўтди. Сув ҳамон танқис. Бухоро ерлари эса азалдан шурхоқ. Пахта пайкалларида шўр ердан оппоқ қордек кўтарилиб, ниҳолларни бўғар, қилтириқ ғўза туплари қаричга келмай, шалпайиб қоларди. Узоққа бормайлик: етмишинчи йилларнинг нариберисида ҳам гектаридан олинадиган ўртача пахта ҳосили кўп жойларда ўн-ўн икки центнердан ошмасди. Ерлар «сув» дея хансирайди.

Ҳамма нарсанинг ибтидоси сув. Сувсизлик хўжаликларни йил сайин чўктирди. Бухорода давлатга пахта сотиш плани сурункасига бажарилмай, деҳқоннинг моддий томондан турму-

шини танглаштириб қўйди. Аҳвол шунгача бордики, деҳқоннинг ойлик даромади етмиш сўмга ҳам етмай қолди. Колхоз ва совхозларнинг ерлари сувга ташна бўлиб қолганда, шахсий томорқалар борасида оғиз очишнинг ҳожати ҳам йўқ. Ҳатто деҳқоннинг кўрасидаги мولى ҳам кескин камайиб кетди.

Ҳаётда шундай дамлар бўладикки, зудлик билан чора кўриш, бутун кучни сафарбар этиб, турғунликдан чиқиб олиши йўлида тадбирлар излаш заруратга айланади. Бу ишни бир кун ҳам кечиктириш мумкин эмаслиги аён бўлиб қолади.

Етмишинчи йилларнинг охирига келиб, Бухорода худди шундай вазият вужудга келди. Қайси йўл билан бўлмасин, сув муаммосини ҳал этиш — сира кечиктириб бўлмайдиган бош вазифа даражасига кўтарилди. Бутун куч ва имкониятлар шу масалани ечишга қаратилди. Область партия ташкилоти сув хўжаликлари ходимлари фаолиятини катта сув учун курашга сафарбар этди. Бу ишга республиканинг йирик ирригатор олимлари тортилди. Инсон ақл-заковати, меҳнатининг самараси нақадар катта яратувчилик куч-қудратига эга эканлигига яна бир марта ишончим комил бўлди.

Уша йиллари областда Аму-Бухоро каналининг биринчи навбати ишга туширилиб, қақроқ ерлар Амударё сувида яшнаб кетган эди. Унинг иккинчи навбати қурилиши жадал сурьатларда олиб борилаётганига қарамай, одамларда областда сув муаммоси узил-кессил ҳал бўлишига ишонч йўқ эди.

— Нега? Ахир, канал қурилишига давлат миллионлаб сўм маблағ сарфляпти-ку? Бу ишларнинг барчаси асрлар давомида қақраган Бухоро ерлари сувга сероб бўлсин деган ниятда амалга ошириляпти-ку!..

— Тўғри. Аммо катта ишларни амалга ошириш олдида кенгашиб, етти ўлчаб, бир кесмиб, аниқ ҳисоб-китоблар билан иш бошлаш зарур эди. Афсуски, бундай қилинмаган. Кекса ирригатор-олим, техника фанлари доктори Ҳаким Аҳмедов шундай деди-ю, маъюс кўйкузларини Амударёнинг қаҳва рангида бутанга бўлиб оқаётган сувида узиб, менга қаради. Еши ўтганига қарамай елкадор бу одамнинг ҳорғин кўзларида астойдил ачиниш, чора излашга мойиллик ифодаси бор эди. У бош чайқаб, унда-мунда ярим вайрона пахса деворлар кўзга ташланиб турган чўл томонга ишора қилди. Сўнг яна Амударёга тикилиб, сўзини давом эттирди. — Лойиҳада кўзда тутилган секундига бир юз етмиш беш кубометр ҳажмда оқадиган сув саҳро куршовидаги ерларга етармиди! Бухоронинг гир айланаси чўл. Сирдарёнинг қуйи этаклиригача етиб борган Қизилқум оташ пурқаб турибди. Маълумки, Бухоро иссиқ минтақада жойлашган. Унинг ерлари сувни беш-ўн чандон кўп талаб этади. Ерлар шўрхок. Зарафшоннинг қуйи оқимида Маликчўл ҳансираб ётипти. Қарши даштларига туташган Қарноб чўли ғарбдан шарққа бир юз йигирма чақирим ергача чўзилиб кетган. Бориб-бориб Тошлоққум ва Учқум чўлларига уланади. — Ҳаким Аҳмедов нафас ростлади. Бу жонқуар олим Бухорода сув режимини тартибга келтириш ва сув исрофгарчилигига қарши талайгина ишларни амалга оширишда область ирригаторларининг яқин маслаҳатчиси бўлди. У чўлу биёбон кезиб, ариқ-каналларни йириклаштириш, бетонлаштириш каби тадбирларни амалга оширишнинг илмий асосини ишлаб берди... Олим

оташ пурқаетган қуёшга ишора қилди. — Маъна бу олов яшил нилоллар танасидаги намни зулукдек сўриб олади, — у каналнинг бош тўғони томон юрди...

Лойиҳа тузилиб бўлгач, масала атрофлича ўрганилмагани борасида ўйлаш, албатта, тўйдан кейинги ноғора сасидек гап. Масала бош тўғон иншооти ва каналнинг сув ўтказиш қобилиятини жилла бўлмаса ўттиз фоизга ошириш устида борарди. Ана шундагина мавжуд каналларни узайтириш ва янгиларини қазииш имкони туғилади...

Аму-Бухоро канали ҳамда унинг бош иншооти барча қийинчиликларга қарамай реконструкция қилинди, насос станциялари агрегатларининг қуввати оширилди. Буларнинг барчаси Амударёдан олиннадиган сувни секундига элли кубометрга кўпайтирди, сув сарфини секундига уч юз-уч юз ўн беш кубометрга етказиш имкониини берди. Шўркўл сув омборининг сув қўйини ва чиқариш каналлари тез сурьатларда қурилди. Янги ўзлаштирилган массивларни сув билан таъминлаш мақсадида Уртачўл, Варахша, Ёмонжар, Қоровулбозор каналлари ҳамда кучли насос станциялари барпо этилди. Хўжаликлар-аро каналлар ҳам таъмир қилиниб, уларнинг сув сигими кенгайтирилди. Олти юз километрдан ортиқ канал ўзани бетонлаштирилди. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун жуда катта ишлар амалга оширилди. Энг муҳими, насос станцияларининг ярим йил ишлаб, ярим йил бекор туришига хотима берилди. Насослар ёз ва куз фаслларида сўғориш эҳтиёжларини қондирса, қишда янгидан қазилган улкан сув омборларини тўлатиш ва неча асрлар давомида йиғилиб қолган шўрни ердан суриб чиқариш учун ишлатилди. Бухоро шахрига Амударё суви бошлаб келинди, амиру амирзодалар неча замонлар уриниб, уддасидан қилолмаган иш йўлга қўйилди. Бухоро кўкаламзори яшнаган яшил боғ-роғларга бурқанди.

Бу тадбирлар амалга оширилгандан кейин мен ҳамшаҳарларимнинг нур порлаган кўзларида, қалбларида фахр ва ғурур туйғулари жўш урганини кўрдим. Энди одамлар ишонч билан гапирадиган, ўз режаларини олдиндан дадил айтадиган бўлишди.

Ҳали-ҳали эсимда: етмишинчи йилларнинг охирлари. Баҳор фасли... Гижувонда турфа дарахтлар билан бурканган, этагидан катта сув шарақлаб оқиб турадиган Хархўр деган соясалқин, сўлим жой бор. Бир неча гектар ерда ястаниб ётган бу ажиб боғ баҳор кезларида аиниқса қулф уриб яшнади. Буталар барг ёзган, дарахт шохларидаги қушлар баҳорни мадҳ этиб, тинмай сайраётган дамлар эди. Ушанда боғ чинакам сайроғхга айланди. Областнинг узоқ-яқин районларидан беш мингдан зиёд механизатор йиғилди. Карнай-сурнай садолари, яллагчи-қушиқчиларнинг шодон ашулалари атрофга таралиб, одамларга қувонч улашарди...

Мен одамлар қалбидеги қувончни кўриб, ҳайрон бўлдим. Ахир, бу бежиз эмас эди. Область партия ташкилоти миришкор деҳқонларни Хархўрга йиғишида ҳам бир рамзий сабаб бор эди. Утмишда, сув камчил йиллари деҳқон илоҳий кучлардан мадад тилаб, Хархўр (хар-эшак, хўр-ейиш), яъни эшак ейдиган дарёга тирик жон ташларди. Ҳа, сув шу қадар тўтиё...

Хонанда-созандаларнинг яллеси тиниб, йиғилиш очик деб эълон қилинди. Минбарга

бирин-кетин механизаторлар, бригада бошлиқлари чиқиб, мавсумда қилинадиган ишлар, ҳосилдорлик муаммолари ҳақида гапирди. Ўртақордаги ўриндиққа чўкиб ўтирган Файбуллога кўзим тушиб қолди. Уни тахминан бешолти ой илгари Пешку районидаги Эргашев номли колхозга борганимда кўрган эдим. Пахлавон келбатли бу кишининг бригадаси майдони чўл этагидаги камсув ерда эди. Ушанда у Пешку район партия комитетининг биринчи секретарига ғўзага ўғит етишмаётганидан, пайкаллари мириқиб сўғорилмаганидан нолиган эди. Ҳозир ҳам унинг шахди паст, мажлис ҳайъатига кўриммасликка тиришиб ўтирарди. Бироқ бари бир у зал тўрида ўтирганларнинг нигоҳидан қочиб қутулолмади.

— Файбулло Файзийев борми?

Мажлисга раислик қилувчининг овозидан чўчиб, бригадир бошини кўтарди. Утган ёзда Файбулло гектаридан камида ўттиз центнердан ҳосил кўтараман деб, сўз берган эди. У ваъдасининг устидан чиқолмади. Саратонга бориб сув тортилди. Ўғит ҳам кам эди. Оқибатда бригада еридаги ғўзаларга касал оралади. Ғўза барглари бошда қизариб, сўнг бандидан узилиб, тўкила бошлади. Файбулло ҳамма чорани қўллаб кўрди. Аммо фойда бермади. Ниҳоят, Тوشкентдан келган олимлар ғўза калий етишмаганидан касалга чалинганини айтишди. Файбулло ғўзанинг бир қисмини тиклаб олди-ю, аммо мўлжалдаги ҳосилни йиғиб ололмади...

— Борман!... — Файбулло қад ростлади.

— Қанча пахта топширдигиз?

— Уч еттидан!

— Нега энди?..

— Сувдан қийналдик.

— Неча сўғордигиз?

— Уч ярим марта...

— Борди-ю, олти-етти марта сўғоришга етарли сув берсак, ўғит билан таъминласак, қанча пахта берасиз?

— Қирқ центнердан!

Ўтирганлар орасида жонланиш бошланди. Сув танқислигидан қийналган, етарли миқдорда ўғит олмаётган бригадалар орасида: «Унда биз ҳам ҳосилни кўтарардигиз-у», деган овозлар эшитилди.

— Сув бўлади, ўртоқлар!.. Ўғитдан ҳам ташвишланманглар...

Бир сира қарсак овози янгради-ю, сўнг ҳамманинг кўзи яна мажлис раисига қадалди...

— Ўртоқлар! Бундан буён сув биринчи галда томорқаларга берилди. Иккинчи навбат — беда ва маккага! Қолгани пахтага, — дейилганда эса одамлар бошда ишонимлади.

Ўтирганлар ўртасида ғала-ғовур бошланди. Ҳамма бир-бирига қараб қувончини ифода этар, баъзи бировлар эса ишонмай лаб буриб, елка қисшарди. Ниҳоят, шовқин бир қадар тинди. Одамлар ўринларидан туриб қарсак чалишди.

Ҳамма сувга бирдай маҳтал эди. Шунинг учун область партия ташкилотининг бу қарори одамларни чинакама руҳлантириб юборди. Деҳқоннинг хонадонига сув келади. Қовжираб қолган токзорлари, чорбоғидаги мева дарахтлари яшил либосга бурканади, бир парча ерида етиштирадиган сабзавоти рўзгорига яраб туради. Беда, макка кўпайса гўшт-ёғ сероб, сут-қатиқ мўл бўлади. Тўғри, бу қарорни шубҳа остига олганлар ҳам бўлди. Ҳатто баъзи оғзига зўр берадиган вайсақиллар: «Бу хусусий мулкчиликка қайтиш, колхоз ва

совхозларга кони зиён» деб айюҳаннос ҳам солишди.

Бироқ ҳаёт бу вайсақиларнинг, хўжақўрсингагина кўкрагига муштлайдиган «ватанпарвар»ларнинг ноҳақ эканликларини яққол кўрсатди. Бола-чақасидан, хонадонидан тинчиб, ҳамменига беш-ўн сўм пул тушган деҳқон жамоа даласида бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб ишлайдиган бўлди.

Одамларга ғамхўрлик қилинган ердагина меҳнатнинг унуми ошади.

Сув деҳқон томорқасига, беда-ю, маккага етиб, ғўзаларни ҳам яшнатди. 1979 йили Бухоро деҳқонлари пахтадан мисли кўрилмаган юқори ҳосил кўтардилар. Давлатга пландан анча ошириб, 608,7 минг тонна «оқ олтин» сотдилар. Агар 1965 йили ҳар гектар ердан атиги 18,9 центнердан пахта олинган бўлса, 1979 йилда ҳосилдорлик гектар бошига 36,8 центнерга етди. Бу — деҳқоннинг стихия устидан чинакам ғалаба қозонганини ифодалайдиган рақамлардир.

Сув келгач, Бухоро чўллари чекина бошлади. Зарафшон дарёсининг ўнг қирғоғи, Шўркўл, Жилвон, Пешку, Қутчи, Варахша, Замонбобо, Маликчўл, Махонкўл, Қоровулбозор, Уртачўл, Газли массивларида, жануби-шимолий коллектор, Аму-Бухоро канали зоналарида қисқа муддат ичида юз минглаб гектар янги ер ўзлаштира бошланди. Бу ишлар областда бошланган катта сув учун кураш билан қўшиб олиб борилди. Янги сув омборлари барпо этиш ҳам давом этди...

Биз улқан денгиздек чайқалаётган Тўдакўл сув омбори соҳилида турибмиз. Унга бир миллиард уч юз миллион кубометр сув йиғилган. Чўқурлиги айрим ерларда ўн саккиз метрга боради. Унинг нариги соҳили қуёш нурида жимирлаётган зарралар орасидан арағ кўзга ташланади. Чағалайлар ҳайқириб учмоқда. Балиқлар ғужғон ўйнамоқда. Ҳа, чинакам денгиз! Табиийки, бу ерда дам олиш зонаси ҳам барпо этилган. Пляжларга майин қум сепилган. Соҳилда ўрмонзор барпо этилди.

Тўдакўл сув омборининг ўзига хос тарихи бор. Кўлмак сувлар ҳар ер, ҳар ерда тўдаланиб ётган (шунинг учун Тўдакўл деб аталган) бу жойлар янтоқзор бир чуқурлик эди. Атрофдаги ерлар эса сувга ташна эди. Уша кезларда чўлда сув тўллаш учун бутун чоратадбирлар изланаётган эди. Шундай қилиб, янтоқзор сув омборига айлантирилди. Бошда тўпланган сув жуда шўр эди. Бир ёқдан сув қуйиб, иккинчи ёқдан оқишиш йўли билан уни чучуқлаштиришди. Сувдаги туз миқдори камая борди. Ниҳоят, у мўлжалдаги миқдорга тушди.

Тўдакўл сув омбори экинзорлар чанқоғини қондирадиган улқан, сахий сув манбаига айланди.

Ер ўзлаштирилаётган барча чўл массивларида иш ҳамон қизгин.

Мана, биз Шофиркон районидаги Жилвон массивидамиз. Бу ерда чинакам чўл манзараси кўзга ташланади: қўмлоқ чўлда, Бухоро қуёшининг жазирама иссиғида ернинг шўри чиқиб ётибди. Буталар қовжираб қолган. Аммо халқнинг кўп йиллик тажрибасига қараганда янтоқ ўсган ерлар серунум ҳисобланади. Бинобарин, у пахта етиштириш учун айни муддао. Чиндан ҳам йўлнинг ўнг томони сарғайиб ётган чўл. Сўлда эса пахтазор мавж уриб, кўзни қувонтиради.

Бу ўлка фақат пахта билангина чекланиб

қолаётгани йўқ. Тўғри, ўзбек деҳқонлари пахтани алоҳида меҳр билан ўстирадilar. Лекин худди ана шу меҳр, ҳосилдорликни ошириш учун кураш қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ҳам ривожлантиришга туртки бўляпти. Чўл массивларида ирригация ишлари ҳам, асосан пахта туфайли олиб борилди. Бироқ ўзлаштирилган ерларда барча экинлар яхши ҳосил беряпти...

Биз янтоқзорлардангина иборат совхоз ерларидан ўтдик. Бу ерда минг гектар ерга писта ва ёнғоқзор барпо этиляпти. Йўл билан пахтазор оралигидаги ариқлар бўйлаб эндигина шохлаётган жажжи тут дарахтлар яшил барг ёзиб, бўй талашиб ётипти. Улар илгарилари пахта майдонлари ичида ўсиб, техниканинг юришига халақит берарди. Катта-катта майдонларда алоҳида тутзорлар ҳам барпо этилгани туфайли областда пилла етиштириш йилдан-йилга кўпайтирилмоқда.

Куз қуёшининг нурлари остида тўп-тўп уюлган пиёз бошлари товланади. Ҳар бири кучоққа сигмайдиган қовун-тарвузлар ер бағирлаб ётибди. Булар ҳам қўриқ ерлар инъоми.

Жилвон канали ёқалаб тоқзорлар қад кўтаряпти. Энига икки километр ерни эгаллаган бу тоқзорлар узунасига йигирма икки километргача боради. Чўлда сарғайиб ётган экинлар орасида қад кўтарган тоқзорларнинг яшил қаторларини кўрган одамнинг ҳайратга тушиши табиий. «Жилвон» совхози узумзорларида эса биз ҳар бир боши чоғроқ челақдек қорайиб ётган шивирғон узумидан тотиб ҳам кўрдик: турган-битгани шира.

Бухорода пахта билан чорвачилик ҳам бири-бирига узаро боғланган. Бу ерда пахта-озуқа-чорва комплексига қатъий амал қилинади. Пахтадан бўшаган ерларга озуқабоп экинлар экилади. Бир ернинг ўзидан аввал хашаки лавлаги ёки сули, сўнгра маккажўхори оладилар. Кўпгина қоракўлчилик совхозлари озуқа билан ўзини-ўз таъминлайди. Бунинг учун жуда катта участкалар ажратилган бўлиб, озуқа тайёрлайдиган ихтисослаштирилган совхозлар ташкил этилган. Алмашлаб экишга йил сайин кўпроқ эътибор берилмоқда. Пахтадан «ҳориган» ерга дам бериб, беда экадилар, уни ёз ва куз ичи етти карра ўриб оладилар. Канал бўйларида ўсадиган барра ўтлар-чи? Ҳўзапоялар-чи? У — кўй учун роҳатли озуқа... Пахта ишлангандан кейин олинадиган талайгина кунжарани айтмайсизми?

Биз чўлда барпо этилган биргина совхозда ўттиз икки минг қўй боқилаётганини кўрдик. Совхоз аҳли келажакда қўйлари эллик мингга етказишмоқчи. Буларнинг аксарияти жаҳон бозорига териси чиқадиغان антиқа қоракўл қўйлар... Бухоро минг йиллардан бери ана шу ноёб маҳсулоти билан жаҳонга донг таратиб келмоқда. Бухороликлар ўн иккинчи беш йилликда қоракўл теридан олинаётган даромадни икки юз миллион сўмга етказмоқчлар.

Янги очилаётган қўриқ ерлар чўл хўжалигига ана шунақа катта даромад манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Энг муҳими бу ерда одамлар тобланмоқда. Чинакам марду майдонлар чўлда тер тўкиб, уни фаровонлик булоғига айлантирмоқдалар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Эргаш Жумаев ана шулардан биридир. Деҳқончилик — унинг ота касби. Биз у билан илк марта учрашган чоғда Эргаш Иброҳим Мўминов номли колхозда пахтачилик бригадасини бошқарарди.

Бригаданинг шинам дала шийпони. Ҳовузнинг гир теварагидан фаввора бўлиб сув отилиб, муздек шабада уфурмоқда. Шийпоннинг ёнбошидан Жилвон канали, бухороликлар таъбири билан айтганда, «Амударёнинг қатикдек сувини» чўл бағрига олиб кирмоқда. Шофирконликлар ана шу оби ҳаёт туфайли бошқа районлар билан бирга Жилвон чўлидан етмиш минг гектар қўриқ очишга аҳд қилишган...

Бригадир қўлидаги дастурхонни стол четига қўйиб, энди ўтирган эди, шеригим сўраб қолди:

— Бу йилги режангиз қалай, неча центнердан?

Эргаш Жумаев кенг елкаларини селкилатганча завқ билан кулди-да, ёнида оппоқ соқоли кўксига тушиб турган нуронийга мулоҳаза билан қараб қўйди. Қария ҳам бўш келмади:

— Нега куляпсан? Айтавер. Мени уялмасин деяпсан шекилли, — деди ярим ҳазил оҳангига ўғлининг истиҳола билан камтарлик қилаётганидан мамнун жилмайиб Жума бобо.

Эргаш отасига яна бир қараб қўйгач, бизга юзланди.

— Узлари ўн беш центнерчи бригадир бўлганлар, — деди у юзидаги табассумни йиғмай отасига ишора қиларкан.

— Уша дамларда мангайм ҳукумат саникидай ҳамма нарсани тахт қилиб берганида бригаданга ўхшаб олтмишдан эмас, юз центнердан пахта берардим, — деди Жума бобо Еров ўғлига қараб бўш келмай. — Нури десанг тонналаб олиб келиб тўкиб беришдаи даланг бошига. Ҳўзангни нафаси сиқилса, азот тайёр, ҳаммадан мана бу сувни айтмайсанми? — Жума бобо хира кўзларини шийпон этагидан шарқираб оқётган Амударё сувига тикиди. — Катрасига зор эдик. Ешим саксонга боряпти. Қарийб етмиш йил бу кўзлар шундай сероб сувга маҳтал бўлиб, ариқча тикилди-я...

Ҳа, бобо чиндан ҳам ўз бобоклонлари каби қатра сувга зор бўлди. У шу колхозда йигирма беш йил бригада бошлиғи бўлиб ишлади. Оғир уруш йилларида бутун куч фронтга сафарбар этилган кезларда хотин-халаж, бола-чақани атрофига олиб, Ватанга пахта етказиб берди. Сув танқислигидан таъқари ўғит етишмас эди. Тонналаб маданий ўғит қаерда эди дейсиз? Бунинг устига ерни шўр босган. Ҳўзалар тошбақа узангисига келмай қовжираб қоларди.

Жума бобо бир зум хаёл суриб туриб, бошини кескин ўғли томон бурди. Истеҳзоли кўзларини унга қадаб, танбех берди:

— Сенлар тўқликка шўхлик қиляпсанлар?

Эргашнинг табассум югурган юзи жиддийлашди, савол назари билан отасига қаради.

— Ҳа, ҳа, манга қарама! — деди қатъий сўзини давом эттираркан ота. — Колхоз ерларига чиқиб, сувчилар ишига сира разм солганмисан? Ерни бўктириб, кўллатиб суғораётганини қара! Ахир, бу — пахтага офат-ку! Эгатдан сув эмас, нам югуриши керак. Тўғри, бир вақтлар Бухоро ерлари шўр эди. Ернинг шўрини сув билан бир амаллаб икки-уч қарич бўлса ҳам харна деб чўктирардик. Энди шўр қолдимми?! Бунақа суғоришда ерни ҳам, экинни ҳам ишдан чиқарамиз-ку! Эшитишимча, қўшни колхозлардаям аҳвол шундай эмиш. Бу нимаси? Боз устига тракторчи ер ҳайдаганда биров қарамайди, шекилли. Қай кун қараб турсам, ғўзанинг илдизини қирқиб кетяпти. Бу — нонкўрлик, ўртоқ бригадир! Олтмиш

центнерчима деб керилиб юраверадими? Одам деган ён-веридигиларгаям қарашиб, кўмаклашиб туриши керак-да!

Шийпонда гурр кулги кўтарилди...

Дехқон оилага қараб завқланасан, киши. Ота саксонга борса ҳам даладаги аҳдоддан кўз-кулоқ. Ешларга йўл-йўриқ кўрсатмоқда.

Бухорода бундай дехқон оилалар кўп. «Ўзбекистон» колхозининг раиси, машҳур пахтакор Насриддин Пўлатов яқин-яқинларга-ча отасидан пахта илми сирларини суриштириб турарди. Бугун бу колхоз райондагина эмас, областда эътиборли хўжаликлардан бири. Бундай бақувват, юқори ҳосилли хўжаликлар сони эса Бухорода тобора кўпайиб бормоқда. Мана, биз ҳали айтган бригада бошлиғи Эргаш Жумаев уч-тўрт йилдан буён ўзи тугилиб-ўсган Иброҳим Мўминов номли колхозни бошқармоқда.

Колхоз азаматлари чўл бағридан минг гектар кўриқ кўтаришди. «Мингчинор» каналдан сув тўлиб-тошиб оқяпти. Унинг ёнидан янги каналлар ҳам қозилляпти. Биз бу ерда бўлган кунларда хўжалик пахта тайёрлаш планини 120 фоизга бажариб, ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил кўтарган эди...

Одамлар... Улар мўъжиза кўрсатишади, тоғни талқон қилишади. Мен шижоатли чўлқуварлардан айримларининг номларини кейтирдим, холос. Улар бугун озмунча эмас. Эркаклар билан ёнма-ён туриб жасорат кўрсатаётган хотин-қизларга тасанно айтиб, таъзим эгинг келади.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Муяссар Барноевнинг номини республикада ким билмайди дейсиз? У — моҳир механизатор, уста пахтакор. Яқинда маккажўхорида рекорд ҳосил кўтаришга ваъда бериб, яна ҳамманинг оғзига тушди. Мен бу жонқуяр аёлни салкам чорак асрдан буён биламан... Эллигинчи йилларнинг охири. Ромитанлик Муяссар биринчилар қаторида терим машинаси штурвалга ўтирди. Жуссаси кичкина, озгин, оппоқ бу қизча ўшандаёқ эл раҳматини олди. Дугонаси Мукаррама Фузайлова (у ҳам ҳозир машҳур пахтакор, Ромитан райондаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг бўлим бошқарувчиси) билан мусобақалашиб, меҳнатда мўъжиза кўрсатди.

Ҳозир фидокор Муяссар Барноева чўл кўксидан кўриқ очиб, совхоз ташкил этди. Унга ўзи директорлик қилляпти. Ромитан райондаги бу совхозга «Партия XXVI съезди» номи берилди.

Эрта баҳор. Биз Муяссар Барноева бошчилик қилаётган совхоз ерларига кириб борганимизда, шом чўкабошлаган, майда ёмғир томчилари шиддат билан саваларди. Варахшадаги сирли тепаликлардан бирига кўтарилдик. Тепалик устида икки қаватли шинамгина нақшинкор бино қад кўтариб турарди. Муяссар ёмғирдан шалаббо чарм камзулининг чўнтақларига қўлини тикқанча, бино пештоқида улкан прожекторнинг ўткир ёғдусида сўнги пардозлаш ишларини тугатаётган устанинг ишини завқ билан кузатарди. Шунинг учун у ҳатто бизнинг тепага кўтарилганимизни ҳам пайқамади. Шерикларимиздан бирининг:

— Ҳорманг, чўл маликаси, жуда ивиб қолибсиз-у, бугунчага етар энди, — деган овозидан чўчиб, бошини биз томон бурди...

Ҳа, у чиндан ҳам шу афсонавий чўлнинг ҳақиқий маликасига ўхшар эди. «Шон-шараф» деб аталган икки қаватли шинам дала шийпони

қурилишига экин-тикин бошлангунга қадар бош-қош бўлиб турди.

Тепалик устидан чўл кафтда тургандек, яққол кўзга ташланади. Муяссарга тегишли совхоз ерлари яқин орада икки минг гектардан ошади. У йирик чорвачилик озуқа совхозига айланади. Янги совхозда етиштирилажак пахта ҳосилидан эса умиди катта.

Мана, пахта ерлари. Шудгор қилиниб, кафтдек текислаб қўйиллибди. Тепанинг ўнг томонига боқсангиз, узум ишқомларини кўрасиз. Бу тоқлар бўлажак совхоз посёлкаларига ҳам ҳусн, ҳам мўл-кўл узум беради...

Ҳа, буларнинг бари Амударё сувининг шарофати! Кейинги сафаримда Файбулло Файзиев бригадасига борганимда ҳам қийғос ўсаётган ғўзаларни кўриб қувондим.

Пахтазор ёз шамолида денгиздек чайқалмоқда. Ғўза туллари одам билан бўй талашиб, шигил ҳосил тўккан шохлар эгилган. Файбуллонинг қуёш қорайтирган юзида табассум барқ уради.

— Ҳорманг энди, ишлар жойида-ку! Бу йил ҳосил қанчадан бўлади?

Файбулло мамнун жилмайиб, камтарлик билан ерга қараб жавоб берди:

— Агрономларнинг фикрича, 40—45 центнердан оладиганга ўхшаймиз.

Уша йили Файбулло чиндан ҳам катта зафар қучди. Салкам саксон гектар ернинг ҳар гектаридан эллик уч центнердан ошириб ҳосил кўтарди...

Биз юқорида Жилвон канали бўйлаб эни икки, узунлиги йигирма икки километрли тоқзорлар барпо этишга киришилгани ҳақида гапирдик. Бу — областнинг узумчиликни бутун чоралар билан ривожлантириш йўлидаги дастлабки одимлари. Узумчилик область хўжаликларининг энг сердаромад манбаига айлантирилмоқда. Чунки бир гектар майдондаги тоқзорга минг сўм харажат қилинади. Эвазига эса ўн уч минг сўм соф фойда олинади. Тоқ ортиқча сув ҳам талаб қилмайди. Бухорода яқин ўн йил мобайнида 50 узумчилик совхози барпо этиш учун жадал тай-ёргарлик ишлари олиб борилмоқда, бу — областнинг, пахта, қорақўл тери, ипак, олтинга қўшимча бебахо хазинасидир...

Бухоро!.. У республиканинг йирик кўп тармоқли хўжаликларида бири. Бухоронинг бойликлари беҳисоб. Бу ўлкада Ўзбекистон олтинининг барча турлари мавжуд. Ўзбекистонгина эмас, балки бутун мамлакат фойдаланаётган «рангсиз олтин» газ, «қора олтин» — нефть, «момиқ олтин» — қорақўл тери... Бухоронинг яна бир олтинини ҳали айтгандик. Бу олтин — ипак. Буни энди нима деб сифатлашга ҳам лол қоласан, киши. Ниҳоят, Бухоронинг энг катта бойлиги бу чинакам «оқ олтин» — пахта.

Пахтакорнинг сермашаққат меҳнатидан кўра, дилидаги қат-қат қувончини, ҳар куни, ҳар соатда кутадиган серташвиш онларидан кўра, зафар қучган дамларини негадир кўпроқ мадҳ этишга одатланиб қолганмиз. Ваҳоланки, деҳқон қалби қувончга тўлиб, қишлоқларида гап-гаштак авжига чиқадиған фурсат етгунча, зафар сози чалингунча не-не уйқусиз тунлар, сурункасига беҳисоб билак қучи-ю зўр меҳнат талаб этадиган кунларни бошидан кечиради. Чигитдан ғўза туллари униб, шоналар қусак тугиб, ҳосил нишонасини бергунча, тоғ-тоғ «оқ олтин» хирмонлари уйилгунча деҳқон не-не машаққатли дамларни кечирмайди дейсиз. Ҳўш, нега биз унинг ана шу машаққатли

меҳнатини ёзмаймиз? Аслида деҳқон учун ана шу дамлар гаштлироқ, тотлироқ эмасми?! У деҳқончилик сермашаққат касблигини яхши билади-ку! Уни юпатишдан мақсад нима?

Пахтачиликда энгил кўчадиган йилнинг ўзи йўқ. Аммо биз ҳар йили: «Бу йил пахтачилигимиз учун оғир йил бўлди», деб бир хил гапни қайтараваремиз. Ахир, аслида деҳқон ҳар йили машаққатли меҳнатни бошидан кечиради-ку.

Ҳарқалай, шу машаққатни энгиллаштираётган юзлаб касб эгалари бор: булар — конструкторлар, машинасозлар, пахта илмини миридан-сиригача эгаллаб, янги тезпишар, ҳам касалга чидамли, ҳам толаси, ҳам ғози бор навлар яратаётган, яна ўнлаб муаммоларни билим калити билан осонгина ечаётган олимлар... Эҳ-ҳе, деҳқонга мададкор бўлаётган турли касб кишиларини санайверган билан адо бўлмайди.

Бухорода ҳам шундай мададкорлар бор. Йўлингиз Бухоро районидаги «Маданият» колхозига тушса, бунга ишончингиз комил бўлади. Бу хўжалик олтимиш йил муқаддам ташкил этилган область пахтачилик тажриба станциясининг асосий синов участкаларидан бири.

Пахта қийғоч очилган, дефолиациядан сўнг ҳатто ғўза танаси ҳам кўринмай қолган нуқра далага мамнун қўл силкирган, колхоз раиси Тоҳир Элназаров: «Бу ўзимизнинг «Бухоро-6» навимиз, қаранг, кўриб тўймайсиз, янаги йил бошқа майдонларимизга ҳам шу навадан эймоқчимиз», деди бизга қараб.

Аммо нав алмаштириш шу қадар тез ва осон кўчаверадими? Ҳар қандай одам шундай шубҳага бориши мумкин. Тажриба станциясининг раҳбари, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Шодмонжон Мавлонов масалага

осонгина аниқлик киритди. Ҳикоя қилишича, станция ишлаб чиққан, маҳаллий шароитларга мос деб топилган кўпгина навлар («Зарафшон-30», «Зарафшон-31», «Бухоро-5», «Бухоро-6» каби) анча майдонларга экилиб, узоқ йиллардан буён синовдан ўтказилаётган экан. Олимларнинг фикрига қараганда, бу навлар мавжуд навларга нисбатан катта афзалликларга эга, гармселга, шўрга, вильгта чидамли. Аухат Мингалиевич Баталов ишлаб чиққан «Бухоро-5» навининг ҳар бир кўсагида 7,4 граммгача пахта етилади, толаси 35 фоизни ташкил этади. Бу нав айрим хўжаликларда машҳур «Тошкент-1» нави ўрнида синаб қўриляпти...

Бу жараёнлар осонликча кўчаётгани йўқ, албатта. Тортишувлар ва баҳслар, изланишлар давом этяпти.

Бир замонлар тунлари зулмат қўйнига чўкиб ётган кўҳна Шарқнинг мудроқ шаҳри — Бухоро кўчаларида кезаман. Мадраса ва масжидларнинг салобатли пештоқларида жилваланаётган феруза рангли тошлар, қуёш нурида товланаётган баланд гумбазлардаги мовий қошинлар шивирлаб, сеҳрли эртак сўзлаётгандек қалбни ҳаяжонга солади. Ғарбу шарқни лол қолдирган ёдгорликлар ёқалаб, эски шаҳардан бир чақиримча нарига чиқсангиз, тамоман ўзга манзара: баланд-паст шинам турар жойлар, синтез мезморчилик асосида қурилган олий мактаб бинолари, ям-яшил дарахтлар билан бурканган, кенг ва шинам кўчалар, бир ёнда фаввораю маданият қасрлари... Булар энди тамоман ўзга дунё — Совет Шарқининг бугунги уйғоқ, ёшарган янги шаҳри — шонли олтимиш йиллик тўйи нишонланаётган қўнжон республикам тараққиётининг алп одимларига муносиб улуш қўшаётган меҳнаткаш Бухоро!

МАДАНИЙ ҲАЁТ

31.1.84.

Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номидаги колхоз клубида хўжаликнинг йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ҳамид Олимжон номидаги колхоз раиси Раҳимжон Ҳакимжонов хўжаликнинг 1983 йил меҳнат якунларига доир ҳисобот доклади қилди. Колхоз тафтиш комиссиясининг раиси Уктамжон Ортиқбоевнинг ҳисобот доклади тингланди.

Докладлар юзасидан мунозарада колхоз касаба союз ташкилотининг раиси Қаҳрамон Раҳмонов, колхоз сўт соғувчиси Ортиғой Жиянова, илғор пиллакор Ҳузрулло Шодиматова, бригада бошлиқлари Довурбой Усмонов, Жумақул Пиримқулов, колхозни ўз оталиғига олган ташкилот — Олмалик шаҳар проф. тех. монтаж бошқармасининг бошлиғи Виктор Саркисов, Оққўрғон район агросаноат бирлашмаси бошлиғи Рамз Усмоновлар қатнашдилар.


Йиғилишда колхоз правлениесининг янги состави қайта тасдиқланди. Хўжалик ревизия комиссиясининг состави тузилди. 1984—85 йиллар учун социалистик мажбу-

рият, қўрилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

Маълумки, «Шарқ юлдузи» журнали ҳамда Ҳамид Олимжон номидаги колхоз ўртасида бир неча йиллардан бери ҳамкорлик ишлари олиб борилади. Бу давр ичида «Шарқ юлдузи» журнали ўз саҳифаларида колхоз ҳаётидаги муҳим воқеаларни ёришиб борди, колхоз территориясида яшаб ижод қилаётган баъзи қаламкашлар ижодини тарғиб этишга ўз ҳиссасини қўшди. Қуни кеча эса колхоз правлениеси биносида журнал авторлари асарларидан иборат кутубхона очган эди.

Колхоз ҳисобот-сайлов йиғилишида журнал вакиллари ҳам иштирок этди. «Шарқ юлдузи» журналининг бош редактори Пирмат Шермухамедов хўжалик илғорларига журнал фахрий ёрлиғи ҳамда нишонларини топширди. «Шарқ юлдузи» журнали бош редактори ўринбосари Худойберди Тўхтабоев меҳнаткашларга янги йилда янги меҳнат ютуқлари тилади. Шоирлардан Омон Мухторов ва Шукур Қурбонлар ўзларининг янги ёзган шеърларидан ўқиб бердилар.

МАДАНИЙ ҲАЁТ



Муҳаммаджон Қоратоев

ТЕРАН ТОМИРЛАР

Урта Осиё ҳамда Қозоғистон заминидан сўнгги ярим аср мобайнида рўй берган ўзгаришларни ажойиб мўъжиза бўлди, десак янглишмаймиз. Бу мўъжиза — асрлар бўйи халқларимиз кўксига сиртга чиқолмай қамалиб, димиқиб ётган маънавий қувватимиз, истеъдодимиз, қобилиятимизнинг юзага чиқиши эди. Улуғ Октябрь революцияси халқларимиз маънавиятидаги бундай имконият ва қобилиятларнинг шоён бўлиши учун кенг йўл очиб берди. Уларни ўрта асрнинг патриархал-феодал қоронғилигидан социалистик ренессанснинг ёрқин чўққисига тезроқ олиб чиқадиган қудратли кучга айлантди...

Рус халқи, унинг ишчилар синфи инсониятни озод этишда қандай авангардлик ролини ўтаган бўлса, унинг адабиёти ҳам маданий ҳаётимиз ривожига шунчалик революцион аҳамиятга молик бўлди. Йигирманчи асрда буржуа адабиёти формализм ва модернизм ботқоғига ботиб қолган пайтда, Горький асос солган рус адабиёти жаҳон адабиётининг энг яхши прогрессив анъаналарини ҳимоя қилган ҳолда жаҳон адабиётини социалистик мақсад сари етаклади. Марксизм-ленинизм ғоялари билан қуролланиб, янги социалистик мазмунга эга бўлган бу улкан адабиёт, бир томондан, ўтмиш адабиётга меросхўрлик қилиб, иккинчи томондан, революцион новаторликка содиқ қолган ҳолда янги социалистик реализм методига асос солди. Шунинг учун бу адабиётнинг буюк отаси Горькийни жаҳон адабиётининг прогрессив вакиллари устозимиз, деб билди, уни реализмнинг янги даврини кашф этган санъаткор сифатида тан олди. Масалан,

Жек Лондон, Анатолий Франс, Эмиль Верхарн, Ромен Роллан, Эптон Синклер, Андерсен Нексе, Анри Барбюс каби ёзувчилар Горькийга эргашди.

Шундай қилиб, XX асрнинг бошларида пайдо бўлган янги адабиётнинг негизини қуриш, унинг байроғини баланд кўтаришдек тарихий вазифа улуғ рус адабиётининг зиммасига тушди. Бу эса улуғ рус адабиётининг иккинчи устозлик, раҳнамолик миссияси эди. Унинг учинчи, назаримизда энг аҳамиятга молик миссияси Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг бошланди. Янги революцион ғоя, янги мавзулар, янги ижодий услуб — буларнинг барини ўзлаштириш эндигина ривожланаётган ёш миллий адабиётларимиз учун жуда қийин масала эди. Буларнинг ҳаммасини ўзлаштириб, ўрганиб олиш учун, яъни ёш совет миллий адабиётларининг изга тушиб кетиши учун рус адабиёти катта кўмак берди, йўл-йўриқ кўрсатди. Совет миллий адабиётларининг кўзга кўринган вакиллари Сакен Сейфуллин, Ҳамза Ҳакимзода Ниязий, Садриддин Айний, Олимжон Иброҳимов, Аали Тўқимбоев каби адибларнинг буюк Горькийни устоз, деб билишининг сабаби мана шундандир.

Бу ўринда гап рус адабиётида яратилган ҳар битта йирик асарнинг барча миллат ўқувчиларига, ёзувчиларига ўрнак ва ўртоқ эканлиги хусусида кетаяпти.

СССРдаги миллий адабиётларнинг бир-бирлари билан яқинлашиши, миллий маданиятларининг яна ҳам барқ уриб ўсиши ҳамда ўзаро алоқаларининг яна ҳам ривожланиб кетиши учун лозим бўлган муҳим факторлардан би-

■ *Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги муносабати билан редакциямызга қардош республикаларда яшаб ижод этаётган қалам аҳлидан дил сўзлари битилган мактублар келмоқда. «Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги» рубрикасида мазкур мактубларни эълон қила бошлаймиз.*

ри — ўша миллий адабиётлар алоқаларининг кучайишида, яна ҳам мустақамланишида деб билмоғимиз керак. Бепойн мамлакатимизнинг қайси бурчагида яшаб турган кишиларни олиб қараманг, улар қайси тилда сўзлашмасинлар, Пушкин билан Шевченкони, Горький билан Маяковскийни, Федин билан Стельмахни севиб мутолаа қилдилар; руслар билан украинлар эса Шота Руставели, Вилис Лацис, Абай Қунонбоев, Мухтор Аvezов, Ойбек, Гафур Ғулом, Чингиз Айтматов, Янка Купала, Самад Вурғун, Расул Ҳамзатов, Эдуардас Межелайтис, Мустай Карим ва бошқа миллий адабиётимиз вакилларининг асарларини қўлдан қўймай ўқишади. Бу эса, етук социализм даврида миллий адабиётларнинг ўзаро алоқаларини ва бир-бирлари билан яқинлашувини кўрсатадиган аққол мисолдир.

Рус адабиётининг энг яхши асарларини муттасил таржима қилиш миллий адабиётларга, жумладан, қозоқ адабиётига катта ижобий таъсир кўрсатди. Қозоқ ўқувчилари рус тили орқали бошқа миллат адабиётлари билан танишишга муяссар бўлди. Шунинг учун ҳам рус тили барчамизга қадрдон, халқларимизни бир-бирлари билан яқинлаштирувчи тил ҳисобланади.

Адабиётларимизнинг ўзаро алоқалари ҳақида таниқли адабиётшунос З. Осмонова бундай деб ёзади: «Адабиётларимизда ҳам муаллифни, ҳам таржимонни бойитадиган ўзаро дўстлик алоқалари пайдо бўлди. Бунга Соболев — Аvezов, Айний — Бородин, Нурпеисов — Казаков, Солоухин — Ҳамзатов ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш кифоядир.» Барча миллий адабиётлардан бунга мисоллар келтириб, ушбу рўйхатни яна ҳам давом эттириш мумкин.

Қардош адабиётларнинг бир-бирларига ўзаро таъсир этиш йўлларининг шакллари жуда кўп. Буларнинг барини бирлаштириб турган омил — уларнинг ягона дунёқарашга мансублигидир. Яъни, социалистик реализмнинг асоси ҳисобланмиш партиявийлик, халқчиллик, социалистик гуманизм, ватанпарварлик ҳамда интернационализм каби фазилатлар билан йўғрилганадир. Шу фазилатлар билан йўғрилгани учун ҳам қардош адабиётларимиз ғоявий-эстетик, проблематик мавзу, жанр ҳамда стилистика жиҳатларидан бир-бирларига яқинлашиш имкониятига эгадирлар. Ушбу воситалар, бу яқинлашишлар ўзаро адабий алоқаларимиз учун яхшигина асос бўлади. Бунга мисол қилиб ўзбек адабиёти билан қозоқ адабиёти ўртасидаги адабий алоқаларни кўрсатиш мумкин. Ўзбек ва қозоқ адабиётчиларининг ўзаро алоқалари

тобора ривожланиб бормоқда. Улар адабиёт ҳафталикларида, машхур ёзувчиларнинг юбилейларида ҳамда бошқа адабий муносабатлар баҳонасида тез-тез учрашиб турадилар. Мана шундай учрашувларнинг биридан сўнг қуйидагича хулосага келган эдим:

— Мана, яна келдик қон-қардош ўзбек диёрига, ери-еримиз билан туташ қўшни ўзбек заминига!

Яна келдик, деб бекорга айтаётганим йўқ. Биз бу жаннатмакон диёрга кўп бор келганмиз. Гапнинг индалосини айтсам, ҳар йили бир бор Тошкентга келиб турмасак, кўнгимиз тинчимайди, соғиниб қоламиз. Бу шунчаки шахсий бориш-келиш эмас, икки қардош халқнинг азалий дўст-биродар эканлигидан далолат берадиган восита ҳамдир.

Мен ҳикоя қилмоқчи бўлаётганим бу воқеа Ўзбекистонда қозоқ адабиёти ва санъати декадасини ўтказгани келган пайтимиз ҳақида. Биз Тошкентда 1960 йили қозоқ адабиётининг ўн кунлигини ўтказган эдик. Бу воқеа чинакамига адабиётларимиз байрамига, қон-қардошлигимиз байрамига айланиб кетган эди. Нар-бериси билан ниҳоятни ўн кун ичида биз кўп нарсани кўрдик, кўп нарсага ақлимиз етди. Энг қимматлиси — шу давр ичида халқларимизнинг бир-бирлари билан нечоғлик дўст-биродар эканлигини кўрдик. Элларимиз тарихида биринчи дафъа ўтказилган бу янглиғ йиғинда халқларимизнинг бир-бирига бўлган ҳурмат-эътиборини, адабиётларимизнинг қардошлигини чуқур ҳис этдик. Бу социалистик тузумимизнинг асоси, асл муддаоси, мақсади ва муроди эди. Буни биз ҳар областу ҳар районда, ҳар колхозу ҳар кишлоқда, ҳар бир хонадонда кўрдик. Улар бизларни қучоқ очиб, худди ўз қариндоши, ака-укалари келиб қолгандай қутиб олишди, ҳурматлашди, эъозлашди. Бизни мажлисларда, китоб бозорларида, каттакон тўғонларда чўлу даштни гулистонга айлантираётган меҳнат далаларида, институтларда, университетларда, театрларда, маданият кошоналарида қучоқ очиб, пойимизга гулдасталар сочиб қутиб олишди.

Ўзбек ва қорақалпоқ ўқувчилари бизни фақат меҳмондўстлик билангина эмас, балки улкан билим ҳамда чуқур ва самимий дўстлик, қардошлик туйғуларини билан қарши олишди. Алишер Навоий номидаги Катта опера ва балет театри биносида бўлган учрашувда улкан ёзувчимиз Собит Муқонов қозоқ адабиётининг юксалиши ҳақида маъруза қилди, қозоқ шоирлари ўланлар ўқишди. Мингга яқин томошабинни бағрига олган бу театр биноси қарсақлардан ларзага келганини кўриб, қалб-

ларимиз қувончга тўлди. Бу-ку майли, оддий бир қишлоқ ўқитувчисининг қозоқ адабиёти ҳақида, икки қардош адабиётларимизнинг қадимий дўстлик, қон-қардошлик иплари ҳақида билагонлик билан тўлқинланиб гапирганини кўриб, кўксимиз тоғдай ўсди. Бу доклардан оддий колхозчилар нақадар таъсирланганини, адабиётимизнинг ютуғини эшитиб, худди ўз адабиётининг ютуғини эшитаётгандай ҳаяжонда ўтиришганининг гувоҳи бўлдик... Самарқандда эса, ўша пайтда, университетда қозоқ адабиёти ҳақида илмий конференция ўтказилибди. Буларнинг бари қардошларимизнинг адабиётимизга бўлган эътибори, чуқур ҳурмати белгиси эди.

Бунча ҳурмату, бунча эъзоз-эътибор нима учун, деган савол туғилади. Бунинг жавоби битта: бу советлар даврида бунёдга келган халқлар дўстлигининг самарасидир. Чунки адабиётларни севиш деган сўз, аввало ўша адабиётни юзага келтирган халқни севиш деган гапдир, унинг ўзга халқларга бўлган меҳр-оқибатини, ҳурмат-эътиборини севиш демакдир.

Тарихда феодаллар, ҳукмрон тўдалар бир халқ билан иккинчи халқ ўртасига низо солиб, бир-бирлари билан ёвлашиб юрган кезларида ҳам оддий халқ, халқдан чиққан ўқимшли кишилар бошқа юртлик яхши ниятли кишиларни кадрлай билган, ҳурмат қилган, улар орқали халқларимизни яқинлаштириш, дўстлаштириш мақсадини кўзлашган. Масалан, Фурқат рус адабиётини, маданиятини тарғиб қилган. Қозоқларнинг Абайи билан қирғизларнинг Тўқтағули, татарларнинг Тўқайи билан осетиннинг Хетагури ҳам худди шу йўлни туттишган. Пушкин, Лермонтов, Толстой, Фирдавсий, Низомий, Навоий, Руставели каби машҳур ёзувчи ва шоирларнинг асарлари ўз миллий қобиғидан чиқиб, бошқа эллар тилларига таржима қилиниши юқоридаги фикримизнинг яққол исботидир.


Шундай бўлса-да, у чоғларда халқларимизнинг бир-бирлари билан яқинлашувига улар орасидан ўсиб чиқаётган истеъодларнинг ўсишига, адабиётларимизнинг биродарлигига халақит берадиган тўсиқлар қаддан зиёд кўп эди. Октябрь инқилоби бу тўсиқларни бир варақайга олиб ташлади, адабий ҳаётимиз дарё сувидай бетўсиқ, равон оқа бошлади. Натижада сўнгги олтмиш йил ичида адабиётларимиз мисли кўрилмаган даражада ўсди. Албатта, уларни бир-бирлари билан яқинлаштирган, дўстлаштирган нарса — социалистик мазмундир. Коммунистик партиянинг ленинча доно сибёти байроғи остида абадул-абад дўст тутинган адабиётларимиз ягона мақсад — комму-

низм жамиятини қуришдек олий мақсад учун ҳормай-толмай курашиб келмоқда. Адабиётларимизнинг тили, услуби, бўёғию бадиий шакллари бошқа-бошқа бўлгани билан улар бир мақсадни кўзлайди, бир принципга таяниб иш кўради. Шунинг учун ҳам Совет Иттифоқида неча тилли адабиёт бўлса ҳаммаси катта адабиётимизнинг шоху бутуқчалари, шохобчалари ҳисобланади. Ҳар томонга шох отиб кетган каттакон яшил дарахтга қиёс қилгулик улкан адабиётимизнинг принципи партиявийлик, методи эса — социалистик реализмдир.

Ўзбекистонда бўлиб ўтган адабиёт ва санъатимиз ўн кунлиги буни яққол исбот эди.

Қозоқ адабиёти асарларини ўзбеклар билан қорақалпоқлар зўр қизиқиш билан ўқир эканлар, буни барча қардош халқларга манзур бўлади, деб тушунмоқ керак. Негаки, бу ўқувчиларнинг дидига, фаросатига биз қаттиқ ишонамиз. Буни биз декада сўнгида Тошкентда бўлиб ўтган адабиётчиларнинг ижодий, яқуний мажлисида ҳам чуқур ҳис этдик. Бу мажлисдан адабиётларимизга, унинг ривожига алоқадор талайгина ўхшаш муаммолар борлигини сездик. Адабиётларимизнинг ҳамма жабҳаларида, ҳамма жанрида, қаламга олинган ва олинаётган ҳамма мавзуларда ўзига яраша ютуқ ва камчиликлари мавжуд экан. Шунингдек, кўпгина яқин, оҳангдош жиҳатлари ҳам йўқ эмас экан. Масалан, тарихий романнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши, хотин-қизларнинг озодликка эришиши масаласи, Октябрь инқилоби ҳамда граждандар урушининг адабиётда қандай ёритилиши, Ленин образининг қандай акс эттириляётганлиги, овул ва қишлоқларни советлаштиришни ташкил этиш ва синфий курашнинг адабиётдаги ифодаси, қишлоқ хўжалиги ва колхоз мавзусида ёзилган асарларнинг ижодий принциплари, Улуғ Ватан уруши ҳамда тинчлик учун кураш, халқлар дўстлигини тараннум этиш масалалари, унинг қийинчиликлари барчамиз учун муштарақ масала экан.

Ушанда икки муҳим масалага эътибор берилганди. Буларнинг бири — бир-биримизни таржима қилиш, иккинчиси — танқидчилигимизнинг олдида турган вазифалар эди. Бу икки масаланинг ҳам адабий алоқаларимизнинг бундан кейинги ривожидида катта аҳамиятга эга эканлигини қайд этган эдик. Бадиий адабиётни таржима қилганда унинг миллий колоритини, руҳини ва бошқа фазилатларини сақлаш учун уни тўғридан-тўғри оригиналдан таржима қилиш зарурлигини таъкидлаб ўтган эдик. Танқид соҳасида гапи-



Ўзбекистонда қозоқ адабиёти декадаси. 1960 йил.

Чапдан ўнга: Иззат Султон, Абдулла Ҳабиб, Иброҳим Юсупов, Носир Фозилов, Ҳаким Назир, Мирмуҳсин, Рамз Бобожон, Озод Шарафиддинов, Шухрат, Собит Муқонов, Махаш Бекбергенов, Миртемир, Султон Қолбек, Одил Ёқубов, Сергей Бородин, Тиловбергян Жумамуродов.

рилганда, мунаққидлар миллий қобилидан чиқиб, адабиётнинг тур ва жараёнларини кең кўламда ўрганиб, атрофлича тадқиқ этиши лозимлиги, унинг ютуқ ва нуқсонларини қиёсий ўрганиши кераклиги қайд этилган эди. Бу борада, айниқса, миллий адабиётларимизнинг танқидчилари олдинги сафда туриши кераклиги таъкидланган эди. Хуллас, бу учрашувлар кейинги ишларимизда ўзининг салмоқли самарасини кўрсатмай қолмади: бир томондан, икки халқ ўртасидаги дўстона борди-келдиларни, адабиётларимизнинг алоқаларини кучайтирган бўлса, иккинчи томондан ёзувчиларимизнинг дунёқарашини кенгайтди.

Орадан бир-икки йил ўтиб, Қозоғистонда ўзбек адабиёти ва санъати декадаси бўлди. Бу декада ҳам адабиётларимизнинг ютуқ ва камчиликларини ўртага солди. Икки қардош халқимизнинг маданий, адабий, руҳий бойлигини кўз-кўз қилди, адабий алоқаларимизни яна ҳам ривожлантирди. Биз Ўзбекистонга келиб қанчалик таассурот олган бўлсак, ўзбек биродарларимиз ҳам ундан кам таассурот олмадилар. Улар бу ҳақда турли анжу-

манларда тўлиб-тўшиб, завқ ва шавқ билан гапиришди.

Бу орада икки қардош адабиётларимиз ва уларнинг таниқли вакиллари бир-бирлари билан тез-тез учрашиб туришди, турли баҳоналар билан борди-келди қилишди. Адабиётларимизнинг энг яхши асарлари таржима этилди. Бу асарлар ҳар иккала халқнинг муштарак мулкига айланди. Ўзбек ёзувчилари қозоқ мавзусида, қозоқ ёзувчилари эса ўзбек мавзусида талай-талай асарлар ёзди ва ёзмоқда. Бу ўринда қозоқ мавзусига мурожаат қилган Ғафур Ғулум, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Шайхзода, Ойбек, Миртемир, Зулфия, Мирмуҳсин, Рамз Бобожон, Носир Фозилов каби ёзувчи ва шоирларни маънуният билан тилга оламиз. Шунингдек, ўзбек мавзусига мурожаат қилган қозоқ ёзувчиларидан Собит Муқонов, Ғабит Мусрепов, Асқар Тўқмағамбетов, Абдулла Тожибоевлар бош бўлган бир гуруҳ ёзувчилар, жумладан, Тоир Жарақов, Ғали Урмонов, Ҳатем Турманжонов, Жубан Мўлдағалиев, Дихан Абилов, Сирбой Мавленов, Ғафу Қайирбековларни ўзбеклар хурмат билан тилга олишади.

Ўзбекларни қозоқлар ҳурмат қилиб: «Ўзбек — ўз оғам» дейишади. Шу воқеадан тагин ўн йил ўтиб, биз яна ўз оғамиз ҳузурига ташриф буюрдик, орадан ўтган ўн йил мобайнида эришган ютуқларимизни ўз биродаримиз билан баҳам кўргали келдик. Қардошларимиз адабиёт ва маданият соҳасида биз эришган ютуқлардан кўнгли тўлишига шубҳа қилмай, нуқсонларимизни дўстларча юзимизга айтишидан умидвор бўлиб келдик...

Ҳа, бундан кейин бўладиган ўн кунликлар, тез-тез борди-келдилар, дўстона алоқалар, бир-биримизнинг асарларимизни таржима қилишу мақола ёзишлар, муштарак проблемаларни баҳамжиҳат, бамаслаҳат ҳал этишлар, бир-биримизга ижодий командировкаларга боришлар — ҳамма-ҳаммаси халқларимиз ўртасидаги буюк дўстлик учун, руҳий, маданий бойлигимиз учун хизмат қилаверади.

Олмаота.

Жалол Икромий

ДЎСТЛИК ҲАҚИДА СЎЗ

Ўзбекистон Совет Социалистик республикаси ҳамда Ўзбекистон Коммунистлар партиясининг ташкил топганига олтмиш йил тўлди.

Олтмиш йил! Бу муддат каттакон тарих олдида ҳам узоқ, ҳам қисқа бир давр ҳисобланади.

Узоқ, арзигулик муддат эканлиги, шундан иборатки, тарих тасаввур қилолмайдиган қисқа фурсатда бир халқ ҳар томонлама ўз қаддини кўрсатди. Феодализм ё капитализм шароитида бу ютуқ ва тикланиш учун камда икки-уч юз йил керак бўлар эди. Ҳолбуки, ана шу қисқа муддатда каттакон бир халқ, бир миллат, мазлум ўтмишни орқада қолдириб, тараққий топган, саводли, маданиятли, ривожланган социализмга етиб келди.

Лекин бу саодатли кунларга етиб келиш осон бўлмади. Коммунистик партия ва совет ҳукумати ёрдами аямади. Ички ва ташқи душманлар билан аёвсиз кўраш, қон тўкиш натижасида бу кунлар қўлга киритилди. Ғўза экиб, пешона тери тўкиб, ҳар таноб ердан бир центнердан ҳосил олган деҳқоннинг авлодлари бугун техникани бошқармоқда. Қишлоқ хўжалик машиналарини ишга солиб, ҳар гектар ердан эллик центнердан «оқ олтин» ундирмоқда.

Инқилобгача ўз саноати, ўз техникасига эга бўлмаган республика эндиликда бошқа мамлакатларга турли саноат, қишлоқ хўжалик машиналари жўнатади. Бугун республикада самолёт асалади. Пулат қуйилади. Пахта териш машиналари, турли тракторлар ишлаб чиқарилади. Чит, сатин, баҳмал, атлас сўраб бошқа юртларга мурожаат қилинмайди. Халқ эҳтиёж моллари ўзида яратилади. Дарёларни бўйсундириб ГЭСлар қуради. Конларнинг кўзини очади... Айтаверсак, халқ қудрати билан қурилган корхоналар, заводлар беҳисоб. Ана шуларнинг ҳаммаси олтмиш йил орасида юзага келди. Шуларни ўйлаганингда, бу муддат қисқадек туюлади.

Қисқа муддат дейишимизнинг яна бир боиси бор. Буларнинг ҳаммаси кўз олдимизда бунёд топди. Инқилобчилар, республика тузганларни кўрдик. Бу муддат бир одамнинг ўртача умрига тенг. Ана шундай тикланиш, қурилишларнинг шохидлари жуда кўп. 1924 йил хотирамда кечагидай турибди. Худди шу йили Бухорода Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон вакиллари-нинг йиғини бўлди. Мен у пайтда билим юрти талабаси эдим.

Ўшанда Бухоро халқ республикаси ташкил топганига эндигина тўрт йил бўлган эди. Аммо шаҳар ва қишлоқларда ҳамон эски турмуш ҳукм сувар, дин-шариат турли йўллар билан таъсир ўтказар, хотин-халаж паранжида, босмачилик ҳаракати давом этиб, халқни талар эди.

Ана шундай оғир шароитда Коммунистлар партияси, Бутуниттифок оқсоқоли Михаил Иванович Калининни Бухорога юборди.

Михаил Иванович Калининнинг Бухорога келиши катта тантанана айланади. Биз талабалар ҳам кўпчилик қатори унга пешвоз чиқдик. Вокзалда пионерлар ўртоқ Михаил Иванович Калининга қизил галстук тақибди. Кейин халқ уйида (ҳозир бу ерда область музыка ва комедия театри жойлашган) қурултой — мажлисининг биринчи қисми очилди.

Бизнинг ишимиз қурултой катнашувчиларини ҳар хил газета, китоб, шиорлар билан таъминлаш, халқ уйи залларини кўрғазмалар билан безатиш, кечқурун эса, вакиллар учун концерт ва спектакль қўйиб беришдан иборат эди.

Мен беҳад хурсанд эдим. Ахир президиумда партия ва давлатимизнинг

атоқли арбоблари ўртоқ Михаил Иванович Калинин, Акмал-Икромов, Йўлдош Охунбобоев, Файзулла Хўжаевлар ўтиришарди...

Қурултой Урта Осиёда Ўзбекистон республикаси, Тожикистон автоном республикаси, Туркманистон ҳамда Қирғизистон республикалари ташкил этишга қарор қилди.

Ана ўша кундан буён олтмиш йил ўтди. Баракали — қутли олтмиш йил. Бу олтмиш йил орасида халқ хўжалигининг ҳамма соҳалари қатори, совет Ўзбекистони адабиёти ҳам ривожланди, Иттифоқ адабиётида ўз ўрнига эга бўлди. Мен ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан бири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийни 1921 йилда, Бухородаги хотин-қизлар клубида сўзга чиққанини кўрган эдим: Буни «Бухоронинг ўн икки дарвозаси» романида алоҳида бобда тасвирлаганман. Ҳамза ўшанда концертдан олдин хотин-қизларга қарата жанговар, инқилобий шеърлар ўқиди. Уларни янги ҳаётга даъват этди.

Мен ўзимни устод Айнийнинг энг яқин шогирдларидан бири, деб ҳисоблайман. Бундай дейишимнинг сабаби бор. Айний домла ўзбек совет адабиёти ривожини учун ҳисса қўшган устодлардандир.

Атоқли ўзбек совет ёзувчилари Ойбек ва Ғафур Ғулом билан ҳамсухбат, дўсту биродар бўлганлигимни фахр билан эслайман. Мен бу зотлар билан сафарларда, мажлисларда, хуш айёмларда бирга бўлганман. Ғафур Ғулом тожик адабиётини ҳурмат қилар, ўзини Бедилнинг еттинчи авлодига мансуб деб ҳисоблар эди.

Ҳамид Олимжон билан Самарқанддаги педакадемияда бирга ўқиб юрган йилларимда унинг илк шеърий истеъдодига қойил қолганман. Унинг вафодор умр йўлдоши — Зулфияхоним забардаст шоира сифатида бизнинг ҳам ҳурмат-эътиборимизни қозонди. Биз яхши биламизки, унинг ҳурмати тожик адабиёти ва халқига ҳам бекиёсдир. Ўзбек насрининг устодларидан бири — Абдулла Қаҳҳор бўлса, менинг асарларимни асл нусхада ўқир, ҳеч қачон дўстона маслаҳатларини аямас эди.

Ўзбекистон ёзувчилар союзининг меҳрибон раҳбари Сарвар Азимов драматик асарларининг кўлами орқали, мени ўз драмаларимга яна қайта кўз ташлашга даъват этганди.

Комил Яшин билан ҳамқурман. Иккаламиз ҳам Бухоро мавзуида асар битганмиз, мана ёшимиз етмиш бешдан ошибдики, ҳамон ижод билан машғулмиз.

Раҳмат Файзий билан кинодраматурглар семинарида қатнашганман. Шундан бери бизнинг ҳол-аҳвол сўрашимиз, мактуб битишимиз қанда бўлмайди. Назир Сафаров, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин каби дўстларим ажойиб асарлари билан мени мафтун қиладилар.

Айниқса, Одил Ёқубовга ҳурматим баланд, у маҳорати билан қойил қолдиради.

Пиримқул Қодиров юракка яқин дўстларимдан бири. Унинг «Юлдузли тунлар» номли романини қайта-қайта ўқидим. Бу роман бугунги кунимизнинг энг яхши асарларидан бири ҳисобланади.

Юрагимга яқиним, азизим, марҳум Шароф Рашидовга айниқса, ҳурмат ва эҳтиромим бекиёс эди. Бу зотнинг асарлари тожик тилига таржима қилинса, албатта жамоатчи муҳаррир мен бўлардим. То сўнги дамгача у киши билан салом-алигимиз, мактуб ёзишларимиз узилмади.

Мен устод ўзбек ёзувчиларидан тортиб, бугунги пешқадам адибларнинг асарларигача яхши танишман.

Олтмиш йиллик тантана баҳонасида мен ўзбек адибларини бу қутлуғ айём билан табриклайман. Уларга соғлиқ, саломатлик, янги ижодий муваффақиётлар тилайман.

Истеъдодли, хунарманд ва тарихий қадим ўзбек халқи ўз республикасининг олтмиш йиллик тўйини байрам қилади. Бу қутлуғ айёмни дўст ва биродаримиз ўзбек халқи қатори биз тожик халқи ҳам шоду хуррамлик билан кутиб оламиз. Сабаби: тожик ва ўзбек халқини ҳеч қачон бир-биридан ажратиб бўлмайди. Бу икки халқни фақат тили орқали фарқлашади. Тарихи, муомаласи, турмуш тарзи, куйи, рақси, урф-одати бир-бирига жуда яқин, дўст, биродар, қўни-қўшни бўлган бу икки халқ Ленин замонасида Совет Иттифоқидаги барча қардош халқлар сингари ўз ҳуқуқига эга бўлди. Рус халқи бошчилигида келажагини яратди. Дўстлиги янада мустаҳкамланди.

Халқимизнинг олтмиш йиллик тўйи кунда дил-дилдан:

— Яшасин, барқарор бўлсин халқларимизнинг дўсту биродарлиги, деймиз!

Душанбе.

ТУҶАЙ ЕҶҚАН МАШЪАЛ

Хорижий элларда кўп бўлганман. Ўша кезларда ҳар хил тоифадаги одамлар билан, жумладан, ватангадолар, қочқинлар ва бошқалар билан ҳам учрашувга тўғри келган. Уларнинг баъзилари қачонлардир ташлаб кетган ватанларини соғинч билан эслаб, унга қандай қайтиш мумкинлиги тўғрисида сўрайдилар. Баъзилари, отдан тушса ҳам, эгардан тушмаган, ўзларининг қаро кунлари учун маблағ йиғиш билан машғулдирлар. Ниҳоят, яна бир хиллари борки, улар советларга қарши ашаддий кайфиятдадирлар.

Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам рўпараларида татар совет ёзувчиси турганлигини билгач, ўз-ўзидан гапни миллий масалага бурадилар. «Рус тилининг ҳукмронлиги» ҳамда уни «бошқа тилларга сингдириб юбориш сиёсати» ҳақида сўрайдилар, ўтмиш ҳақида гапирдилар. Уларнинг энди «ҳеч қачон қудратли татар миллати» бўлмаслиги, «Чингизхон ва Боту қони» ҳақидаги сафсаталари жуда жонга тегди!

Буржуазия ташвиқоти миллий масалага бекорга урғу бераётгани йўқ. Империалистлар халқларимиз дўстлигига пона қўймоқчи, дўстлигимизнинг

мустаҳкам биносига дарз етказмоқчи бўладилар.

Шунинг учун ҳам улар халқлар қалбидаги энг нозик миллий туйғу торларини чертиб, ўтмишга ишорат қиладилар.

Аммо мақолда айтилганидек, ойни этак билан ёпиб бўлмайди.

Халқларимизнинг дўстлик туйғуларидан нурафшон иттифоқимиз кучли ва қудратли. Айниқса, қардош ўзбек халқи ўз республикаси ва Компартиясининг 60 йиллигини нишонлаётган шу кунларда бу ҳақиқат яна ҳам ёрқинроқ намоён бўлмоқда.

Мен болалик йилларимданоқ жаҳон халқлари маданияти қаторида Алишер Навоий, Бобур, Муқимий, Фурқат, Ҳамза Ҳакимзода ва Ғафур Ғулом ижодидан ҳам она меҳрига қонгандай баҳраманд бўлдим. Ҳозирги ўзбек совет ёзувчилари орасида яхши дўстларим кўп. Асқад Мухтор, Темур Пўлатов, танқидчилардан Лазиз Қажумов ҳамда Пирмат Шермухамедов шулар жумласига киради.

Мен ҳозирги ўзбек адабиётида ҳам ўша Абдулла Тўқай ёқиб кетган машъал жилоларини кўриб, чин дилдан хурсанд бўламан.

Қозон.



МАНГУЛИККА ҲАМОҲАНГ ИЖОД

Ўзбек адабиётида Гоголь аънаналари

Улуғ рус адиби Николай Васильевич Гоголнинг бой сатирик ижоди ўзбек совет ёзувчиларининг диққат-эътиборини ҳамisha жалб этиб келган.

Гоголь аънаналарининг ўзбек совет адабиётига таъсири ҳақида гап кетар экан, биринчи гада Абдулла Қодирийнинг номи тилга олинади.

Гоголь танқидий реализмининг Абдулла Қодирий ижодига таъсири қандай бўлган ва бу хусусият айнан нималарда кўзга ташланади, деган савол туғилади. Абдулла Қодирий ижодининг Гоголь ижоди билан «туташ нуқталарини кўрсатувчи далиллар мавжудмикин? Маълумки, бу борада Абдулла Қодирийнинг ўз эътирофи ё қайдани учратмаймиз ва унинг буюк рус ёзувчиси ижоди билан таниш ё таниш эмаслиги фактини, ундан таъсирланиш даражасини билвосита далиллаш мумкин, холос. Ушбу санъаткорлар асарларининг сюжет курилишида кўзга ташланувчи ҳамоҳангликлар, фантастик ва реалистик гротескдан фойдаланишдаги ўхшашликлар бундай таъсир ҳақида гапириш учун бизга маълум даражада имкон беради.

Абдулла Қодирийнинг Гоголь билан ижодий алоқадорлиги ўзбек адабиётшунослигида ҳали махсус ўрганилгани йўқ. Бу борада билдирилган мавжуд фикрлар айрим муқояса-нисбатлар бўлиб, улар масалани атрофлича ёрита олмайди. Ҳолбуки, ушбу санъаткорларнинг ижодий алоқалари масаласини махсус ўрганиш зарур ҳамда қонунийдир. Чунки Абдулла Қодирий Гоголь асарларини яхши билган ва уларни ўзбек тилига илк таржима қилган адиблардан ҳисобланади. Рус адабиётида «Гоголь мактаби» йўналиши ҳамда унинг танқидий реализми бутун бир даврни ташкил қилади. Шу билан бир қаторда айтиш керакки, Гоголнинг ўзбек ёзувчиси ижодига таъсири масаласи ўрганилар экан, муҳими, сюжет курилишларидаги айрим ўхшашликларни қидириб топиш эмас, балки ижодий принципларнинг ўзаро таъсир «механизм»ларини аниқлашдан иборатдир.

Тадқиқотчиларнинг Абдулла Қодирий ижодига араб ва турк адабиётлари, жумладан, араб адабиётидаги тарихий романчиликнинг асосчиси Жўржи Зайдон фаол таъсир кўрсатганлиги ҳақидаги фикрлари барчага маълум. Аммо Октябрь ғоялари ва инқилоб шарофати туфайли рус маданияти билан атрофлича танишиш имконияти адиб ижодининг шаклланишида муҳим, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлиги ҳам шубҳасиздир. Санъаткорнинг рус, Европа ва умуман жаҳон адабиёти билан яхши таниш бўлганлигини унинг қуйидаги

гаплари ҳам тасдиқлайди: «Халқнинг кулгулик даҳоси аксар ўша қавм интибоҳи тарихининг қалдирғочи бўлиб кўринади. Масалан, Италияда Данте, Испанияда Сервантес ва Россияда Гоголь каби. Мазкур даҳоларни етиштирувчи бош омил бузуқ шароит эди.»

Абдулла Қодирийнинг бу гаплари биз учун алоҳида аҳамиятга эга. Бу ерда ёзувчи Гоголни Данте ва Сервантес билан бир қаторда тилга олади. Бинобарин, Абдулла Қодирий Гоголни 1926 йилдаёқ «кашф этган», уни «Россиянинг гениал ҳажвчиси» деб билган. Демак, ушбу мулоҳазаларга асосланиб айтиш мумкинки, аввало Гоголдан ўрганиш Абдулла Қодирийнинг ижодий имкониятларини кенгайтирган, ёзувчи асарларидаги реалистик хусусиятларнинг ёрқинлашишига, сатирик бўёқларнинг тиниқлашишига фаол таъсир кўрсатган.

«Калвак маҳзумнинг хотира дафтаридан» деб номланган ҳикоялар туркуми ёзувчи ижодининг айни мана шу даврига мансублиги ҳам, афтидан, бежиз эмас. 1923—1927 йиллар мобайнида «Муштум» журналининг 21-сонида узлуксиз чоп этилган бу туркумнинг қаҳрамони — ҳаётдан орқада қолган жўн ва аянчли бир одам. Қаҳрамоннинг ўйлари, хатти-ҳаракатлари, атрофида рўй бераётган воқеаларга муносабати ўзини олижаноб одам ва фавқуллода шахс деб билувчи аянч бир кимсанинг маънавий оламини рўй-рост намоиш қилади. Муаллиф воқеалар оқимида бевосита аралашмай, уларни изохламай, ҳикояни қаҳрамон тилидан қурар (унинг дунёқараши, нуқтаи назарини ифодалар), экан, бу билан қаҳрамоннинг ўзини-ўзи фош этиши учун тўла имконият яратиб беради. Бир қарашда муаллиф Калвак маҳзумга хайрихоҳга, ҳам ҳажвий характерга эмасга ўхшайди, лекин у билан танишганимиз сайин мазаҳ, пичинг оҳанги кучайиб бораётгани аниқ сезилади. Асарда жонли халқ тилидан унумли фойдаланилган, Абдулла Қодирийнинг ҳажвий истеъдоди ҳам бутун бойлиги билан намоён бўлган. Қаҳрамоннинг «фазилатлари» ҳақида ёзар экан, санъаткор бўёқларни аямайди. Назаримизда, туркумдаги ҳажв тифининг ўткирлигида Гоголга хос комизм яратиш воситалари таъсир этгани шубҳасиз. Хусусан, ҳолатлар комизми, кулгили исм ва лақабларни танлаш, ўзининг фавқуллодалиги ва аниқлиги билан кулгу кўзгатувчи муқоясалардан фойдаланиш, Гоголь асарлари учун характерли бўлган.

Фикримизни исботлаш мақсадида мисолларга мурожаат қилайлик. Абдулла Қодирийнинг ҳикояларидан бирида мулла Маҳзум билан мулла Берди ўртасида «жуғрофий» мавзуларда суҳбат бўлади: «Гермоннинг юра-

гида большевик тоифаси пайдо бўлиб, халқни кўп бесаранжом қилур экан; шунинг учун ул вилоятда бир қадоқ нон саксон минг туман бўлудир; халифаи Румнинг сарбозлари инглизларни билоди Румдан суруб Истамбул шаҳарига кириб, барқарор бўлудирлар; Епон кофирнинг бутун мамлакатини ер ютуб, подшоши осмон попурийда кутулиб қолубдир; бутун оламдаги кофиди зоти ушбу, кечакундузларда ниҳоятда бесаранжом бўлуб, аммо атроф ва жавонибдаги мусулмонлар беҳад фаровон-фароғатда умр гузаронлик қилиб, тинчгина савдо-сотик, берди-олди қилур эканлар.»

Бу гаплар Гоголнинг «Иван Иванович билан Иван Никифорович жанжаллари ҳикояти» қиссасидаги икки қўшнинг уруш ҳақидаги сўхбатини ёдга туширмайдими?! Ҳар иккала асар қаҳрамонлари томонидан урушлар ҳам, бошқа халқларнинг фожиаси ҳам мутлақо аҳамиятсиз, даҳлсиз бир нарса сифатида идрок этилади.

Еҳуд мулла Маҳзумнинг қуйидаги мулоҳазаларини эсанг: «Башарти ул ҳаромизодалар айтгандек, ер юмалоқ бўлса ва яна доимо чарҳалакдек айланиб турса, нима бўлур эрди, одамларнинг оёқлари осмондан келиб (худоя товба) ва яна дарёларнинг суви ҳар тарафга тўкилиб, тўфон бўлмасму эрди.»

Бу ерда баландпарвоз, кўтаринки оҳанг қаҳрамон шахсиятидаги жўнликни янада кучайтириш учун хизмат қилади. Гоголга хос бундай усулни Ю. Манн «патетик примитивлик», деб номлаган эди.

Абдулла Қодирийнинг ушбу ҳажвий ҳикоялари туркуми билан танишиш мобайнида ўзбек ёзувчиси Гоголь поэтикасининг рангбаранг қирраларини — композиция ва сюжет қуришни ҳам, персонажларни таъриф-тавсиф этиш принципларини ҳам, бадийи усуллар, мотивлар, услубларни ҳам атрофлича ва чуқур ўрганган, деган хулосага келамиз.

«Калвак маҳзум...» туркумидаги ҳикояларидан бирида Абдулла Қодирий домланинг хотира дафтари йўқолганини, мабодо топгудай бўлса, давомини ёзиб юборажаклигини маълум қилади. Бундай бадийи усул Гоголнинг «Иван Федорович Шпонька ва унинг холаси» номли қиссасида ҳам учрайди. Унда ҳам муаллиф қўлёманинг йўқолганлиги учун қиссани давом эттиролмаганидан «афсусланади.» Аслида қисса тугалланган. Бундай «афсусланиш» эса ўзига хос бадийи усулдир. Бу усул санъаткорга, биринчидан, персонажларнинг пародиявий характерини кўрсатиш, иккинчидан, бундай аянчли, кўримсиз умрга оид саргузаштлар қанча давом эттирилмасин, ҳеч қандай янги, қизиқ, ибратли воқеа содир бўлмайди, деган фикрни таъкидлаш имконини беради.

Шу хил усул Абдулла Қодирийнинг яна бир «Ширвон хола нима дейди?»да ҳам ижодий ўзлаштирилган. Ҳатто ушбу ҳикоянинг номиданоқ Гоголь асарларига маълум бир алоқадорликни илғаб олиш мумкин. Бу кичик ҳажвий ҳикоянинг воқеаси кутилмаганда — энг қизиқ жойида «узилиб қолади.» Шу ҳолат «Абдулла Қодирий ҳажвий ҳикояларнинг янги бир туркумини яратишни ният қилган-у, лекин уни амалга оширишга нимадир ҳалақит берган» деган фикрларнинг тугилишига сабаб бўлган. Ваҳоланки ундай эмас. Ҳикоя илк бор «Муштум» журналининг 1926 йил, 24-сонида «Думбулниса» тахаллуси билан чоп этилган ва унда ҳикояни давом эттириш ҳақида му-

аллифнинг ҳеч қандай изоҳи учрамайди. Бинобарин, ёзувчида уни давом эттириш фикри бўлмаган. Аслида бу ҳам Гоголга хос бадийи усул, лекин у бирмунча ижодий ўзлаштирилган. Биринчи ҳолда, яъни Калвак маҳзум ҳақидаги ҳикоялар туркумида санъаткор «хотира дафтари»нинг йўқолгани ҳақида ахборот беради-ю, аммо туркуми яна давом эттиради. Иккинчисида эса, аксинча, ҳикояни ҳеч бир изоҳсиз кутилмаганда тугатиб қўя қолади. (Бизнингча, иккинчи асар — қиссагина ҳикояда ёзувчи Ширвон хола характерини тўла гавдалантира олган ва шунинг учун уни яна давом эттиришга зарурат ҳам йўқ эди.) Абдулла Қодирийгача ўзбек адабиётдаги ҳеч бир ижодкор мазкур бадийи усулдан фойдаланган эмас эдики, бу ҳам бизнинг «Абдулла Қодирий 20-йиллардаёқ Н. В. Гоголь ижодини атрофлича ўрганган эди» деган фикримизни яна бир бор тасдиқлайди. Қўрамызми, Абдулла Қодирийнинг «Уйланиш» комедияси таржимасига қўл уриши тамомила қонуний ва табиий бўлган. Гоголнинг маҳорати кўп ёзувчиларнинг ижодий камолотида муҳим роль ўйнаган. Жумладан, улуғ сатирик ёзувчи билан йиғирманчи йилларда бошланган мулоқоти ёш Абдулла Қаҳҳор: ижодиди ҳам улкан воқеа, ўзига хос бурилиш нуқтаси бўлиб хизмат қилди. Адиб аввалги «Норин шилпиқ» тахаллусидан воз кечиб, ўзининг фельетон ва ҳикояларига «Мавлон куфур» деган янги тахаллус қўяди. У ўзининг Гоголь ҳақидаги «Биринчи домлам» номли мақоласида буюк рус ёзувчиси асарларининг ҳаётбахш таъсири тўғрисида ғоят жонли ва атрофлича фикр юритган. 1929 йилнинг 3 августиди «Қизил Ўзбекистон» газетасида чоп этилган «Ҳозирги сатираимиз хусусида» номли мақоласида эса Гоголнинг «Иван Иванович» билан Иван Никифорович жанжаллари ҳикояти» қиссасини таҳлил этар экан, буюк рус ёзувчиси сатирасининг ўзига хослигини кўрсатади. Ушбу мақолада Абдулла Қаҳҳор сатирик асарларни яратиш ва таржима қилишининг асосий принципларини ҳам баён қилади.

Йўл-йўлақай шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Гоголь асарларини ўзбек тилига ўйирган дастлабки таржимон Саидахмад Сиддиқий — Ажзий эди. У 1910 йилда ёзувчининг «Шинель» қиссасини таржима қилган. «Маориф ва ўқитувчи» журнали саҳифаларида санъаткорнинг «Май оқшоми» (1925 йил) ва «Шинель» (1926 йил) қиссаларидан парчалар ҳам илк бор Сиддиқий — Ажзий таржимасида чоп этилган эди. Ҳозирга қадар Гоголь асарлари ўзбек тилида жами ўн беш номда нашр қилинган. Санъаткорнинг 175 йиллик юбилеи муносабати билан эса танланган асарларининг изоҳли нашри республикамизда илк бор амалга оширилмоқда.

...40-йилларда «Уйланиш» пьесаси Абдулла Қаҳҳор томонидан қайта таржима қилинди. Абдулла Қодирий ва Абдулла Қаҳҳор таржималарини муқояса қилиш, оралиқда ўтган ўн йиллар мобайнида республикамизда таржимачилик беқиёс даражада ривожланганини кўрсатади. Бу, биринчидан, таржимонлар профессионал маҳоратининг юксалиши, иккинчидан, китобхонларнинг тобора ошиб борувчи талаб-эҳтиёжлари, учинчидан, рус тили, маданияти, санъатининг ўзбек халқи ҳаёти ва кундалик турмушига фаол таъсири билан изоҳланади. Бунда таржима назарияси тараққиётининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор, албатта.

...Шундай қилиб, Гоголь аъналарини ўзлаштиришнинг нисбатан юқори босқичини Абдулла Қаҳҳор ижодидида кузатиш мумкин. Бу ҳолат юксак ижодий намунани диалектик қайта англашда намоеён бўлади. Шу жиҳатдан биргина ҳикоя жанрининг ўзбек адабиётидаги ривожини кўз олдимизга келтирсак, унда аънанани бутунлай инкор этмаган, уни ижодий ўзлаштирган новаторликнинг кенг имконияти мавжудлигига ишонч ҳосил қиламиз. Ҳар бир йирик санъаткор каби Абдулла Қаҳҳор ҳам, табиийки, жанр аъналарини пассив идрок этмайди, балки Гоголь (ва Чехов) тажрибаларини ижодий ўзлаштирар экан, жанрга янги ҳаёт бағишлайди, ҳикоянинг ўзига хос тақрорланмас намуналарини яратди. Бу жиҳатдан, масалан, «Қизлар» ҳикоясининг бошланиши характерлидир: «Қани бирон холис одам бўлса айтсин: бутун Ўзбекистонни қидирганда Нурмаматжонга ўхшаган йигитдан яна биронта топилармикин. Бўлган тақдирда ҳам у ёшлигида ойнага қараб Нурмаматжондай «мен қанақа хотин олар эканман» деган эмасдир.»

Бу соф гоголча усул. «Иван Ивановичнинг зап телпаги борда! Ажойиб! Жингалақлари-чи! Эҳ, жин урсин, қанақа жингалак!» Еҳуд: «Сиз Агафья Федосеевнани биласизми? Уца суд маслаҳатчисининг қулоғини тишлаб олган аёлни-да!»

Гоголь реализми ва халқчиллиги Абдулла Қаҳҳорнинг мустақил ижодий изланишлари учун турткигина бўлиб қолмасдан, балки ёзувчи ижодининг ҳажвий йўналишини ҳам белгилаб берди.

Гоголнинг Абдулла Қаҳҳор ижодига таъсири бадий образнинг портрет, персонажлар психологик характеристикаси, диалог, ички нутқ каби воситаларидан фойдаланиш усулларида, санъаткорнинг қиёслаш системасида, кучли юморда, ўзига хос захарҳанда оҳангда кўзга ташланади. Абдулла Қаҳҳор қаҳрамонлар характеристикаси учун гротеск, мажоз, муболага, образлар ва ҳолатлар тасвирида бўёқларни атайлаб қуюқлаштириш каби турли хил усуллардан фойдаланади. Кулгили нарсалар ҳақида жиддий гапириш, комикликни кулгисиз тасвирлаш манераси Абдулла Қаҳҳорга ҳикоя сюжетини юмористик жиҳатдан ўткирлаштиришда ёрдам беради. Унинг


асарларида ҳам одатда улкан ижтимоий мазмун матефоралар ёрдамида ифодаланади. Гоголь ижодидан ўрганар экан, Абдулла Қаҳҳор унинг сатирик мероси билан бир қаторда қаҳрамонликини ифодалаш аъналарини ҳам ўзлаштирдики, Асрор бобо ва Тарас Бульба характерларининг муштарак жиҳатлари мана шундан далолат беради.

Гоголь аъналарининг янада характерли, асосан билвосита таъсири ёзувчи Саид Аҳмад ижодидида ҳам кўринади. Саид Аҳмад асарларида «Тарас Бульба» қиссасига хос майн-лиризм билан йўғрилиб кетган юксак граждандлик ва қаҳрамонона патетика ҳам, «Улик жонлар» поэмасига хос ўткир сатира ва гротеск таъсири ҳам кўзга ташланади. Гоголь ва Саид Аҳмад ижодидидаги муштарак жиҳатлар мавзу, услубий воситалар, ҳатто дунёни бадий идрок этиш усулларида ҳам эмас, балки қаҳрамонларнинг маънавий — руҳий иқлимида, бадий бўёқларнинг бойлигида, инсоний типларнинг ранг-баранглигида намоеён бўлади. Ва гоҳи Саид Аҳмад яратган образлар ўзининг услубий эквивалентларига кўра Гоголь қаҳрамонларига фавқуллодда равишда мувофиқ келадики, натижада кўз ўнгимизда улуғ ёзувчи ижодига хос услубий, тасвирий хусусиятларнинг ўзбек тили оҳанглари билан йўғрилган оригинал қўйилмаси гавдаланади. Албатта, Саид Аҳмаднинг ижодий қиёфаси кўп миллатли совет адабиётининг бой тажрибалари негизда шаклланган. Айни пайтда, айтилиқ, «Уфқ» трилогиясидаги қатор ижобий ва салбий образларда, жумладан, Азизхон Умматалиев ва Иноят оқсоқол образларининг бадий талқинида Гоголь аъналарининг ўзига хос таъсири ҳам аққол сезилади.

Гоголь аъналарининг бир қатор ўзбек адиблари ижодий тақомилидаги ролини ўрганиш шуни кўрсатадики, буюк рус ёзувчисининг бадий-эстетик мероси кимгадир кўпроқ, кимгадир озроқ таъсир кўрсатган ва бу уларнинг ўз ижодий имкониятларини тўлароқ намоеён қилишга йўналтирган. Шунинг учун ҳам Николай Васильевич Гоголнинг ижоди мангуликка даҳлдор, унга ихлос қўйган ҳар бир ижодкор бу меросдан ўз замонасига ҳамоҳанг, ҳаётбахш ғояларни топаверади.

Мамлакат БЕКЖОНОВА.





Атоқли ёзувчи

Абдулла Қодирий

туғилган кунга

90 йил тўлди

Ҳабибулла Қодирий

«НЕГА СЕВИБ ЎҚИЛАДИ?»

(Хотиралар)

— Мен бир асарни икки қайта ўқимаганман. Аммо «Ўтган кунлар»ни тўрт қайта ўқидим ва яна ўқигим келаверади. Билмадим, унинг қандай сехри бор, — дейди ишхонамиздаги Вера исмли аёл.

— «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон» романларини бир неча марталаб ўқиган бўлишимга қарамай, негадир, ҳордиқ чоқларимда яна ушбу китобларга қўлим беихтиёр чўзилаверади, — деб ёзади оҳангаронлик бир китобхон.

— Ленинободлик 89 ёшли Мулломурад бобо «Ўтган кунлар»ни ёд билади, — деб ёзган эди тожик ижодкорларидан бири «Гулистон» журналида. Буларга ўхшаш қайдларни «Отам ҳақида» хотиралар китобимда ҳам келтирган эдим.

Шундай бўлса-да, ушбу фикрлар сабаб ўз кузатувларимни, яна бир бор айтишни лозим топдим.

Истеъдод туғма бўлгани билан уни тарбияламаса нафи оздир. Шу жиҳатдан қараб, Қодирийнинг истеъдоди ҳам балки туғмадир деб ўйланса-да, бари бир, у киши ўз шоҳ асарларини қўлга қалам олган кундан бошлаб ёзавермаганлар. Барча ижодкорлар сингари Қодирий ҳам аввалда мураккаб ҳаёт погоналарини босиб ўтганлар, адабиётнинг ўзига хос нозик сирларини ўрганганлар, ўзлаштирганлар.

Табиийки, билим орттириш мутолаасиз бўлмайди. Хотираларимда ёзилганидек, Қодирий мутолаага жуда ўч бўлганлар. Бу «даъво»мизни у кишининг ўз сўзлари ҳам тасдиқлайди.

«Китобни тушуниб мутолаа қилиш керак. Баъзан тушуниб мутолаа қилишнинг ўзи кифоя қилмайди. Фикрлар тез унутилиши мумкин. Бундай ҳолларда айрим зарур фикрларни ёд олиш керак бўлади.»

Шунингдек, яна бир жойда Қодирий «адабиётдаги оқим ва мактабларни яхши билиб олиш керак» дейдилар. Дарҳақиқат, жаҳон адабиётида мактаблар кўп. Қодирий балки шу мактабларнинг барчаси билан бўлмаса ҳам (чунки, бу жисман имконсиз) энг муҳимлари, мақбуллари билан танишгандирлар. Зеро у киши «халқнинг кулгулик даҳоси аксар ўша қавм интибоҳи тарихининг қалдирғочи бўлиб кўринади. Масалан, Италияда Данте, Испанияда Сервантес ва Россияда Гоголь каби. Мазкур даҳоларни етиштирувчи бош омил бузуқ шароит эди...» деб ёзишларидан мутолаа доиралари нақадар кенг бўлганлигини пайқаш мумкин.

Ўқоридаги кўчирмадан Қодирий гўё Ғарб адабиётини чуқур ўргангандек кўринсалар ҳам, аслида кўҳна Шарқ адабиётини мукамалроқ билганлар. Ана шу икки буюк адабиёт мактабларини қунт билан ўрганиб, уларни ўзаро уйғунлаштириб, маълум бир меъёردа ўз ижодларида моҳирона бириктира олганлар. Бизнингча, у кишининг асарларини севиб ўқилишига сабаб бўлган бош омил ана шунда. Қодирийнинг қуйидаги фикрлари бизнинг ушбу мулоҳазаларимизни исботлайди:

«Ўтган кунлар» оммамизнинг савиясига қараб ёзилгандир. Маълумки, бизнинг омма то шу кунгача ҳам ўрта аср дoston ва ҳикоялари билан озиқланиб келадилар. Омманинг шу ҳолини назарга олганда... халқимиз учун «сўнги приём»ни бериш тиши чиқмаган болага қурт шимитиш каби бўлар эди. («Ўтган кунлар»даги) бу «эски приём» жўрттага, халқимизнинг савиясини

эйтиборга олиб қабул қилингандир. Халқнинг завқини, руҳини назарда тутилмаса, — «сўнгги приём» деб Европанинг сўнгги модасини тақдим қилинса, бундан нима маъно чиқариб бўлар эди.»

Қодирий бу ўринда «эски приём» ва «сўнгги приём» деб ёзадилар. «Эски приём»да Шарқ адабиёти, хусусан, ўрта аср достончилиги, ҳикоячилиги кўзда тутилса, «сўнгги приём»да Ғарб адабиётидаги сўнгги услуб назарга олинади. Агар шу икки «приём»даги адабиётларни ўқиб кўрсак, шундай тафовутларни кўрамиз.

«Сўнгги приём»да асар (воқеа) аниқлигини ошириш ва ишонч кучини кучайтириш (яъни реал бўёқларда тасвирлаш) мақсадида майда деталларга, руҳий ҳолатларга, кечинмаларга, фалсафий, ижтимоий ҳулосалар чиқаришга айниқса, эйтибор берилади. Ундан ташқари бу приёмда муддао кўпинча диалогларда изҳор қилинади, тафсилотларга кўпроқ ўрин берилгани учун конфликтлар ошқора кўринавермайди. Натижада бундай мураккаб тавсиф-таъсирли «приём»ни ўқиб-ўрганмаган киши унга бирдан тушуниб етмаслиги мумкин.

«Эски приём»да эса (албатта бундан илғор адабиётимиз, шеъриятимиз мустасно), барча бадий асарлар баёнчилик, схематик, зўракилик усулида ёзилган. Асарлар кўпинча жангнома ва ишқий-саргузашт характерида бўлиб, уларда майда детал-тафсилотлар, руҳий ҳолат-кечинмалар, диалоглар деярли йўқ, ҳамма воқеани ёзувчининг ўзи баён қилади. Лекин асар жумбоқларга, тўқнашувларга жуда бой, воқеа ҳаммавақт шиддат ва завқ билан ривожланади. Ўқувчиний зериктирмаслик учун, зарурат бўлган ўринларда афсона, ғайритабиий воқеалар ҳам тўқиб юборилаверади (бунга ўша давр ўқувчилари чиндан ишонаверганлар), тил раvon, жумлалар содда, ўқувчини ўйлантирадиган, зериктирадиган мураккаб тафсилотлар йўқ. «Эмди икки калима сўзни фалон жойдан ёки фалончидан эшитинг», деб ёзиб кетилаверади.

Шунинг учун ҳам бу асарлар эрмак тариқасида бирор саводхон киши тарафидан чойхона, тўкма, гап-гаштак, косибхоналарда такрор-такрор ўқиладиган, ҳатто ёдлаб ҳам олинар эди. Бу хил асарларнинг замирида кўпинча бирор хайрли ишга йўналтирувчи ибрат мавжуд бўлади...

1936 йил бўлса керак, қиш кезлари эди. Кечликдан сўнг сандал чеккасида ўтириб, оилавий суҳбатга қулоқ солмай, ўзимча «Ҳотам Тойи туркинома» тўпламидан «Ҳикояти гузашта» номли бир ҳикояни ўқиб ўтирар эдим. Дадам «қани, нима ўқиясан?» деб қўлимдан китобни олдилар. «Ҳо-о малика Мунаварчеҳрани ўқиясанми? Бу менинг энг севган ҳикояларимдан», дедилар кулиб ва овоз чиқариб ўқий бошладилар. Ҳикоя у қадар чўзиқ бўлмаганидан ўн-ўн беш минутда уни ўқиб тугатдилар. Китобни менга узата туриб мақтанганнамо дедилар:

— Кўрдингми, усталикни... Ҳикояни шакли яхши тузилган, ўқувчини биринчи варақданоқ ўзига тортиб олади, қахрамонни бахтсизликдан-бахтсизликка бошлаб, сир сақлаб бораверади. Ўқувчи эса «охири нима бўларкин», деб қизиқиб эргашиб бораверади. Сўнггида жумбоқ усталик билан ечилади. Ундан ташқари ҳикояда ҳақиқатга ўхшаш унсурлар ҳам йўқ эмас...

Юқорида, биз, ёзувчиликнинг яна бир масъулиятли шарт турмушни ўрганишдир, дедик.

Албатта, инсон борки турмушни озми-кўпми билади. Лекин, ёзувчи уни барчадан кўпроқ ва комил билиши зарур. Йўқса мутолааси, билими қанчалик кенглигига қарамай, асарларнинг маъзи говак бўлади. Ёзувчи халқ ичига кириши, турмушнинг энг майда-чуйда, икир-чикирларигача диққат билан кузатиб, идрок қилиб ва ундан тўғри ҳулосалар чиқариши шарт.

Қодирийнинг ҳаёт йўллари жуда мураккаб кечган. У киши улғайиб, қўлларидан иш келадиган бўлган чоқларида Қодир бобомиз тўқсон ёшларда ёшларда эканлар. Шу боисдан Қодирий зиммасига рўзғор ташвиши жуда эрта тушади. Эскича саводхонлик ва рус-тузем мактабларида, мадрасада ўқийдилар, мутолаа билан шугулланадилар, одамлар уйда кунбай ишлайдилар, боғбонлик, деҳқончилик, приказчилик, кармандўзлик, шакарпазлик, дурадгорлик, тоқиччилик, котиблик қиладилар ва бир неча ой шаҳар халқ милициясида ишлайдилар, матбаа ишлари билан қизиқадилар. Буларнинг ҳаммаси у киши учун ҳаёт мактаби вазифасини ўтаган.

Шу жойда Қодирийнинг ёзувчи бўлиш учун турмушни нақадар синчковлик билан ўрганганлари тўғрисида, ўзлари ёзган маълумотлардан баъзи ўринларини келтиришни маъқул кўрдим: «Менинг бошимдан кечирганларимни айтишимдан мақсадим шуки, ҳақиқий ёзувчи бўлмоқ учун турмушни ҳар тарафлама ўрганиш, бунинг учун унинг ҳар соҳаларидан хабардор бўлиш керак. Қисман менинг бошимдан кечирганларим менинг

ёзувчи бўлишимда каттагина роль ўйнаганлар. Ҳақиқий ёзувчи бўлишни истаган ёшларимиз ҳам дастлаб шу турмуш ичига киришлари, уни билишлари керак. Турмушнинг турли соҳаларида ишлашим натижасида мен ўзбекларнинг урф-одатларини, улар ичида учрайдиган типларни ўрганолдим.

Мен бир асар ёзишдан аввал шу ёзмоқчи бўлган нарсам ҳақидаги материалларни пухта ўрганиб чиқаман. Мен бирор жой тўғрисида асар ёзмоқчи бўлсам, ўша жойни аввал неча мартаба кўрган эсам-да, яна бориб, текшириб, яхшироқ ўрганиб келаман.

Материални ўрганиш маҳалида энг майда нарсаларга (деталларга) ҳам аҳамият бераман. Масалан, мен ҳалиги ўрганмоқчи бўлган ерда қанча дарахт борлиги, уларнинг қанчаси эски ва қанчаси янгилиги, мен борган маҳалда ўша дарахтларда қандай қўшлар қайси хилда қўниб турганлиги ва шунга ўхшаш жуда майда нарсаларгача. Биринчи қараганда бу нарсалар ҳеч аҳамиятга молик бўлмайдиргандек кўринса ҳам, кейинроқ фойдаси тегиб қолиши жуда мумкин.

Масалан, «Ўтган кунлар»ни ёзиш чоғида Марғилонга борганимда, бир кўчадан ўта туриб, намозшом маҳалда, доғ қилинаётган зиғир ёғнинг ҳиди бурнимга урилди, мен буни эсда тутиб қолишга тиришдим. «Ўтган кунлар»нинг бир жойига шу кичкина детални киргизганимда, берилаётган тасвирнинг яна ҳам одам ишонарли бўлиб чиққани эсимда. Умуман, майда деталлар ўқувчида ёзувчига ишонч уйғотади. Лекин мен ҳар қандай деталларни ҳам асарга киритавермайман. Уларнинг шу асарнинг худди шу жойида тасвир этилаётган аҳволга, идеяга тўғри келиш-келмаслигини суриштириб ишлатаман.»

«Муштум» журналида дадам билан бирга ишлашган марҳум ёзувчи Мўминжон Муҳаммаджонов шундай ёзганлар:

«— Мен ёзувчи Абдулла Қодирий билан 1924 йилда танишганман. У гоётда жасоратли, ўз сўзида устивор ва барқарор, ўткир ҳажвчи ва гоётда заковатли киши эди. Ҳар бир типнинг ўзига яраша сўз топар, ким тўғрисида ёзадиган бўлса, худди ўша шахснинг ўзи бўлиб кетар эди. Бу хилдаги ёзиш учун ўша типдаги кишиларнинг бутун ички сирларидан хабардор бўлиш керак, албатта. Фавқулодда заковатга ва жасоратга эга бўлган бу ёзувчи мазкур типдаги шахслар орасида юриб, ҳар бириси билан алоҳида суҳбатлашишдан сира тортинмаган.»

Булар Қодирийнинг ёзувчи бўлиш учун турмушни ўрганиш зарурлиги тўғрисидаги фикрларидан айрим қайдлар. Энди бир неча сўз у кишининг шахсий ҳаётлари, хислатлари ҳақида. Чунки, бу масала ҳам ёзувчи ижодига бевосита боғлиқ бир қиррадир.

Қодирийнинг шахси, хислатлари ҳақида илгариги хотираларимда ёзилган. Шундай бўлса-да, қисқача айтиб ўтмоқчиман.

Авалло шуни айтмоқ керакки (бизнингча), жамиятда ўзини тўғри тута олмаган, кўпчилик билан очиқ юз, самимий муносабатда бўла билмаган ёзувчидан дуруст асар ҳам кутиб бўлмайди. Чунки ёзувчининг марғуб-номарғуб ички руҳий дунёси унинг сиртига, ижодига доим тегиб туради. Зеро, Қодирий дейдилар: «Ёзувчини гарчи шахсан танилмаса ҳам, асарларини ўқиб, қандай табиатли шахс эканини ғойибона билиш, тасаввур қилиш мумкин. Чунки у асарларида ўз табиатини, руҳини тасвирлайди.» Ўзини тута билишлик, самимийлик нимадан иборат? Бу фазилятлар «Ёзувчи бўлдим» деб (бу масала бошқаларга ҳам тааллуқди), ҳаволанмаслик, ўзини жамиятдан юқори санамаслик, ҳамма каби оддий бир инсон эканлигини унутмаслик, барча билан очиқ муомила қилишликда намоён бўлади. Чунончи, Луқмон ҳаким айтади «Ақл белгиси камтарликдир, мутафаккирлик белгиси жим туришликдир.»

Еш бир ёзувчимиз айтади: «Қодирий ижод қилган чоқларида ҳар доим ўзларига «Ўқувчи зерикиб қолмадимиз?» деган саволни бериб турган бўлсалар керак-да... Агар у киши биринчи романларини ёзиб фахрланиб кетганларида, кейингиларини ёзолмаган бўлардилар ва ёзсалар ҳам яхши чиқмас эди. Чунки, фахрланиш ижодни сўндиради...»

Қодирий камтар, кўпчилик билан баробар одим ташловчи хокисор киши эдилар. У киши ҳақидаги илиқ хотираларнинг умри ана шу фазилятлар билан чамбарчас боғланиб кетган.

БИР УЧРАШУВ ТАРИХИ

Форе-тожик ва ўзбек адабиётларини бир-бирисиз тасаввур қилиш қийин. Чунки, бу икки халқнинг ҳаёти, адабиёти қадимдан бир-бирига боғланиб кетган. Бинобарин, биз тожик халқи, адабиётга қизиққанимиз учун, ўзбек адабиётини ўз адабиётимиз каби севиб, кузатиб борамиз. Мен Ўзбекистонда чоп этилган ҳар бир асарни олиб ўқишга ҳаракат қиламан, асар муаллифлари билан қизиқаман, муносабатда бўламан, ютуқларига севинаман, қадрлайман. Бу менинг ёшлардан одатим, муҳаббатим...

Мен асли конибодомликман. Шунда туғилиб, бошланғич таълимни шунда олдим. 1924 йили тўлиқ ўрта таълим ва бирор ихтисос олиш мақсадида ўқишимни Қўқон шаҳрига кўчирдим. Унда аввал (1924—1927) янги шаҳардаги биринчи ўзбек мактабида, кейин (1928—1930) механика техникасида ўқидим. Синфимизнинг талабалари ҳозиргига ўхшаш, ёш жиҳатдан бир текис эмас, орамизда бир-биримиздан уч-беш ёш тафовут қилувчилар ҳам бор эди. Шунинг учун ичимизда сиёсатни, дунё воқеаларини мустақил идрок қилиб тўғри фикр юритувчилар, адабиётга қизиқувчилар ҳам кўп эди.

У вақтлар Улуғ Октябрь инқилоби туфайли халқимизга энди маърифат эшиклари кенг очилган, ёшларда билимга, ҳунарга қизиқиш кучайган пайт эди. Аммо, у чоқларда ёшларни ўқишдан ўзга, машғул қила оладиган нима ҳам бор эди, дейсиз. Эндигина расм бўла бошлаган, лекин ҳали жуда сийрак, овозсиз чодирхаёл (кино), мактабларда ва баъзи муассасаларда ташкил этилган бадиий тўғарақларни ҳисоб қилмаганда асосий эрмагимиз китоб, журнал, газета ўқиш, шаҳар театрига томошага бориш эди, холос.

Уша йиллари мактабимизда ба-

диий тўғарақ ташкил қилинган бўлиб, мен унга қатнашар, ўқитувчимиз Эргаш Раҳмонов унга раҳбарлик қилар, шоир Собир Абдулла эса тўғарагимизда адабий эмакдош эди. У ҳафта сайин тўғарагимизга келиб биз билан машғулот ўтказарди (шоир Собир Абдулло билан мен биринчи бор шунда танишиб, то вафотига қадар дўстлик алоқамиз узилмади. У киши билан тез-тез учрашиб, хат ёзишиб турардик).

Бир кун, жума оқшоми бўлса керак, навбатдаги машғулотдан сўнг Собир ака бизга: «Бугун театрдa «Ҳалима» пьесасининг янги вариантнинг премьераси ўйналади. Сиз — тўғарақ аъзоларини шу премьерага олиб боришни комсомол ячейка котиби Али Муҳсиндан илтимос қилдим. Албатта боринлар. Сизларни ўзим кутиб оламан. Қўқонга Тошкентдан атоқли ёзувчимиз Абдулла Қодирий ва Зиё Саидлар келишган. Улар ҳам премьерада бўлишлари эҳтимол», деди.

Мен худди шу кунларда «Ўтган кунлар»ни ётоғимдаги ўртоқларимдан олиб эндигина ўқиб туширган, роман таъсирида ҳамон хаяжонланиб юрган ва иккинчи ёқдан шундай ажойиб асар ёзувчисини бир кўришга ҳавас қилган чоқларим эди.

Кечқурун комсомол ячейкамиз котиби бошлиқ ёш шоир Усмон Носир (у ҳам бизнинг мактабда ўқир, тўғарагимиз аъзоси ва мен билан бир ётоқда ётар эди), ёш ёзувчи Одил Қувват ва бошқа ҳамма тўғарақ аъзолари эски шаҳар театрига бордик. Унда бизни Собир Абдулла кутиб турар эди. Ичкарига, электр нурлари билан ёритилган залга кирдик. Ўртоқдан жой олиб ўтирдик. Олдинги қаторда бизга танишлардан округ маорифи мудири Мирзоҳид Оқилов, округ комсомол ташкилотининг котиби Муҳиддин Эрматов, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, «Ҳалима» пьесаси-

Мақола муаллифи Тожикistonнинг кекса раҳбар ходимларидан ва журналистларидан.

нинг муаллифи Ғулом Зафарийлар ўтиришар эди.

Шулар орасида Сўфизода ва Абдулла Қодирийлар ҳам бор, дейишди, уларни Усмон Носир дарров таниди. Премьерада бош ролларни Бобораҳим Мирзаев, Ҳалима Носирова, Лутфихоним ва Мурод Қўлдошевлар бажаришди. Томоша тугаб парда ёпилгач, Қори Ёқубов сахна олдига чиқиб томошабинларга қўл билан «озгина тўхтаглар» дегандай ишора қилди:

— Уртоқлар, бугунги кўрсатуви- мизга Ҳамза афанди, пьеса муалли- фи Ғулом Зафарий, Сўфизода, Аб- дулла Қодирий каби азиз меҳмон- лар ташриф буюришган, — деди Қори Ёқубов йўгон овоз билан ва меҳмонларга «қани буёққа марҳамат» дегандай таъзим ишора қилди. Номлари зикр қилинган меҳмонлар чапаклар остида Ҳамза Ҳакимзода бошлиқ бирин-кетин сахнага кўтарилидилар ва парда орасидан узатилган стулларга ўтирдилар.

Сўфизода бугдой ранг, кулча юз, кул ранг яланг тўн кийган эди. Абдулла Қодирий қорачадан кел- ган, узун силлиқ қора сочи, кички- на мийиқли, бошида қорами, кўкми бахмалдан Тошкент дўпписи, евро- пача кийинган эди. Қори Ёқубов уларни томошабинларга бир-бир таништирди ва кулиб меҳмонларга деди:

— Қани меҳмонлар, ўйинимиз ҳақида бир нарса дейсизларми?

Ҳамза Ҳакимзода ва бошқа меҳмонлар бирин-бирин ўйин ҳақида илиқ сўзлар айтишди, За- фарийни ва театр ходимларини ютуқлар билан табриклашди. Мен уларнинг нималар деганини тўла эслай олмасам ҳам «Ўтган кун- лар»ни эндигина ўқиб, Қодирийга эътиборим чексиз бўлганликдан, у кишининг бир оз ўйланиб, бўштоп сўз бошлаб айтган шу сўзларини эс- эс хотирлайман:

— «Ҳалима» ўзбек турмушини ёрқин акс эттирувчи ҳаётий асар. Мен унинг олдинги вариантини ҳам кўрганман. Унисида Европа сахна- чилигига қараганда бирмунча сод- далик, ибтидоийлик сезилиб турар- эди. Бу галгиси менга ёқди. У анча ислоҳ қилинган, ихчамлашган, сўз — жумла маънолари қуюқлаш-

ган. Бу ютуқлар учун биз Ғулом акани (у киши Зафарийга ишора қилдилар) ва театр ходимларини табриклаймиз...

Қодирий сўзларини тугатиб ҳали ўринларига ўтирмаган эдилар, орқа томондан кимдир ўрта ёш бир киши (ҳарқолда зиёли бўлса керак) ўрнидан туриб баланд овоз билан деди:

— Ҳурматли меҳмонлар, аввало, ҳаммаларингиз ҳам шаҳримизга хуш келибсизлар! Кейин, сиз, ўртоқ Абдулла Қодирийга, айбга қўшма- салар, бир саволимиз бор!

— Марҳамат, — дедилар у киши бош эгиб.

— «Ўтган кунлар»дан кейин, яна каттароқ асар ёзаянсизми, йўқми?! Езаётган бўлсангиз, қанақа асар? Малол келмаса, айтсангиз!

Ҳамма жим бўлиб қолди. Абдул- ла Қодирий ерга қараган ҳолда ўйлаб аста жавоб қилдилар:

— Албатта, яна бир китоб ёза бошлаганман. Лекин китобимга ҳали ном қўйганим йўқ. Аммо, шуниси аниқ: бу китобим ҳам тарихий ва шаҳрингизга оиддир...

Ҳамма чапак чалиб юборди, «яшанг, раҳмат» деган овозлар эшитилди ва ғовур-ғувур ичида тарқала бошлашди. Биз дарҳол сахна олдига ўтиб табаррук ёзувчи- ларни то кўчага чиқиб узоқлашгун- ларича ҳавас билан кузатиб бор- дик.

Шу учрашувдан икки-уч кун кейин эди, «Янги Фарғона» газета- сининг клубида (бу клуб бизнинг ётоқ интернатимиз яқинида эди) ишчи-деҳқон мухбирларининг кен- гаш мажлиси ўтказилди. Комсомол комитети топшириғи билан биз бир неча талаба ҳам кенгашга қатнаш- дик.

Кенгаш бошланган эди. Шу вақт тўсатдан Абдулла Қодирий ва Ғулом Зафарийлар кириб келишди. Раислик қилувчи Шариф Ризо («Янги Фарғона» газетасининг муҳаррири) уларни ҳайъатга так- лиф қилди. Бироқ, улар қўлларини кўксиларига қўйиб узр айтган бўлишди ва аста бориб олдинги қаторга ўтиришди. Маъруза ва му- зокаралардан сўнг, Шариф Ризо Қодирийга мурожаат қилиб, ёш мухбирларга ўз тажрибаларидан

сўзлаб беришни илтимос қилди. Қодирий минбарга чикмадилар, пастдан туриб, уялинқираб қисқагина сўз сўзладилар. У кишининг сўзларидан шу мазмунлар эсимда қолган:

— Журналист — мухбирнинг вазифаси муқаддас ва шу билан бирга масъулиятлидир. Аввалан, мақола-хабар ҳаққоний гаразлардан ҳоли, давлатимиз сиёсатига мос, ғояси аниқ бўлиши лозим. Ундан ташқари мақолада мураккаб, тушунилиши қийин бўлган жумлалар тузиш, халқ тилига ёт

сўз — атамаларни ишлатишдан сақланиш керак. Жумлалар содда, ҳаммага англашиларли, раvon бўлмоғи даркор. Шундагина мухбир, журналист ўз вазифасига омил чиқиққан бўлади... орадан йиллар ўтди. Ҳали ҳамон у улуг сиймонинг майин сўзи ва содда, илтифотли, салобатли қиёфаси кўз ўнгимда сақланиб келади ва бу қиёфа ул зотнинг ўлмас асарларини қайта-қайта ўқиганим ёки улардан бирон воқеани эслаганим сари ёрқин намоён бўлаверади.

Фазлиддин Ҳошимов,

Республикада хизмат
кўрсатган врач, педагог

ЖУЛҚУНБОЙ БЕРГАН КЎЧАТ...

Бизнинг ҳозирда ҳам яшаб турган уй-боғимиз «Занги-ота» маҳалласида бўлиб, бир ёнимизда «Эшонгузар» ва иккинчи ёнимизда «Самарқанд дарвоза» маҳаллалари жойлашган. Маълумки, сеvimли ёзувчимиз Абдулла Қодирий (Жулқунбой)лар шаҳар ҳовлиси «Эшонгузар» ва боғлари «Самарқанд дарвоза» маҳалласида эди. Бинобарин уларнинг шаҳар билан боққа қатнов йўллари доимо бизнинг боғ уйимиз ёнидан ўтган тор, қинғир-қийишқ «Жинкўча» орқали эди.

Абдулла акани шу «Жинкўча»миздан ўтиб юрганларида биринчи бор таниганман.

Дадамиз — Ҳошимхўжа ака (1931 йилда 68 ёшда вафот этдилар) эскича бирмунча ўқиган, Шарқ классик адабиётинанг анча хабардор киши эдилар. У киши доим боғ иши ва китоб мутолааси билан машғул эдилар. Боғимизда четларига тол экилган катта ҳовуз ва атрофи гулзор салқин супа бўлар ва обдаста самовар эса доим бақирлаб қайнаб турар эди. Абдулла ака ўтатуриб баъзан дадам билан сўхбатлашгани боғимизга қуларар, супада чой ичиб ўтириб, китоб мутолаасидан, кўрган-кечирганларидан ва боғ ишларидан сўзлашар эдилар.

Кеч кузакми, қишми кезлари эди: Бир куни кечаси фонус ёқиб дадамлар билан қаердан-дир келар эдик. Эшигимиз олдида Абдулла акани учратиб қолдик. Дадам ҳазил қилиб: «Ҳа, Абдулла, шундоқ изгирин тунларда ҳам боғингга қатнаганинг-қатнаган... Нима бало, чилтонлар тўғрисида ёзавериб, ўзинг ҳам чилтонларга қўшилиб кетдингми, дейман. Ёки боғингни ишонмаясанми...» дедилар...

1923—1924 йиллар эди чоғи, ҳар ҳолда ҳали техникумда ўқимас эдим. Мендан ўн ёшлар

Ҳошим амаки бу сўзлари билан чамаси «Жинлар базми» ёки «Ўтган кунлар» асарларига шама қилган бўлса керак. (X. K)

катта — Эшонхўжа акам шу вақтларда Эски шаҳар оқарту ва театру жамиятида раҳбар ходим бўлиб ишларди. Кузак кунларининг бирида ташқари меҳмонхонамизга бир гуруҳ ўртоқларини бошлаб келдилар. Буларнинг ҳаммаси зиёли, санъат-маърифат ахилларидан бўлиб, ташрифдан мақсадлари драматург Хуршид тарафидан биринчи бор пьеса қилиб ёзилган «Фарҳод ва Ширин» асарини сахнага қўйишмоқчи, бизникида эса репетиция қилишмоқчи экан... (У вақтларда репетиция қилиш учун махсус жой, шаронт бўлмаган). Едимда, шунда асардаги роллар шундай бўлинган эди: Фарҳод — Саидмаъруф Каримов (бу киши жуда хушовоз, чиройли йигит бўлиб, кейинчалик врачлик қилди), Ширин — Москвада ўқиб юрадиган Саидзим исмли йигит (у вақтларда аёллардан сахнага чиқиш ҳали расм эмас эди), Маҳинбону — Умаржон Исмоилий (бу киши кейинчалик драматург бўлди), Шопур — Шодмон домла (бу киши ўқитувчи, Мероват маҳаллалик эди), Хисрав — Юсуфбек.

Репетиция бизникида бир неча кун давом этди. Репетиция чоқларида асарнинг музикашула жиҳатларида маслаҳатлар бериб туриш учун Мулла Тўйчи ака, Шораҳим танбурчилар ва адабий жиҳатдан маслаҳатчи сифатида Хуршид, Абдулла Қодирийлар қатнашиб турдилар. Асар Свердлов номидаги театрда муваффақиятли қўйилди. Шу постановкадан кейин, бирор йил ўтар-ўтмас Сора Эшонтураева, Замира Ҳидоятова ва Тошхон исмли яна бир аёл уйналадиган асарнинг репетицияси учун Кўкалдош мадрасаси биносига паранжи ёпиниб келадиган бўлишди.

1927 йил эди. Ҳозирги ТЮЗ театри биноси ўрнида Тошкент эски шаҳар партия комитетининг кенгайтирилган актив мажлиси бўлди.

Мажлисда ўша даврнинг илғор кишилари, жумладан Абдулла ака ҳам қатнашдилар. (Бу мажлисга мен эски шаҳар комсомол ташкилотидан вакил бўлиб қатнашган эдим). Мажлис икки кун давом этди. Мажлисда кўрилган масала асосан битта, яъни паранжи ташлаш масаласи... Бироқ, бу масалада мажлис қатнашчилари икки гуруҳга бўлинган эди: бир гуруҳ «Авал аёлларни ўқитиб, онгини ошириб кейин паранжисини ташлатиш керак» деса, иккинчи гуруҳ «Паранжисини аввал ташлатиб кейин ўқитиш керак», деб тортишардилар...

Мажлисдан чиққач Абдулла ака билан бирга қайтиб кела туриб; мазкур тортишув тўғрисида у кишининг фикрини билмоқчи бўлдим ва савол бердим. Абдулла ака жавоб қилдилар:

— Паранжи ташлашга онг-билимининг алоқаси йўқ... Агар аёлларнинг онг-билимини ошириб, кейин паранжини ташлатамиз дейилса, бу пишмайдиған иш бўлади... Ундан ташқари, паранжида ўқишга қатнаб билим олиш ҳам қийин...

Шу мажлисдан кейин «Муштум» журналида бир мақола ва карикатура босилиб чиқди. Мақоланинг мазмуни ёдимда қолмаган, аммо карикатура шундай қизилган эди: иккита паранжилик аёл, бириси трактор, иккинчиси трамвай ҳайдаб кетишяпти.

1928 йил. Баҳор кезлари. Техникумда ўқийман. Бир куни Абдулла ака мени кўчада учратиб, «Меҳробдан чаён» романини ёзиб битирдим. Тезда нашриётга топширишим керак. Машинада нусха кўчиришнинг иложи йўқ. Бир оз ҳусни хати бор ўртоқларингдан уч-тўрттасини бошлаб келиб кўл ёзмадан нусха кўчириб берсанглар деб илтимос қилдилар. Мен ҳўп деб, курсдош дўстим Мирҳоди Жалололов (Бу дўстим Гулбек тахаллусли шоир ва журналист эди. У Совет Армиясида хизмат қилиб, Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлди), Ҳамид Сулаймон, Раҳмат Азизхўжаев, Мансур Ризқий — бешов, «Эшонгузар»даги уйларига йиғилиб, меҳмонхонада романини кўчириб бердик. Хотирамда, шунда кимдир, биримиз чизиксиз оқ қоғозга тўғри ёзишни билмагани учун уялиб, ошга ҳам турмай кетиб қолган эди...

1930 йил бўлса керак, Урда суви (тўғони) бузилиб кетиб Чорсуда катта сув тошқини рўй берди. Чорсу суви бўйидаги кўп хонадонлар қаттиқ шикаст кўрди. Чуқурликдаги сувда сигир, қўйлар, гилам, наматлар, ҳатто бешикка беланган болалар оқди. Бу оқиб келган буюмлар Чорсу кўпригига келиб тиқин ҳосил қилгани учун кўприкни бузиб ташланди. Бу кўприк ёғочдан ясалиб, кўча сатҳи билан баробар, кенг арава юрадиган қилиб қурилган эди. Сув тошқини бартараф қилингандан кейин, кўприк тезликда қайтадан кўрилмай, халқ беш-олти ойгача жар ичига тушиб, омонатгина қурилган яккачўп орқали қатнаб юрди. Бир кун Абдулла ака билан бирга шаҳардан уйга қайта туриб жарликка тушиб шу омонат кўприкдан ўта бошладик. Абдулла ака кулиб менга дедилар:

— Пулсиротдан эҳтиёт бўлиб ўт, Фазлиддин! Бизнинг колхозимиз ходимлари бу кўприкни коммунизм қургандан кейин тузатамиз, деб ўтиришибди чоғи...

Мен ҳазил қилдим:

— Бир фельетон қилсангиз тузалиб қолар...

— Гапинг тўғри, — дедилар. жарликдан кўтарила туриб, — бу жой шаҳар ўртаси, серқатнов ер, айниқса бола-чақалар, хотинлар, кексаларнинг вақт-бевақт ўтиши учун жуда хавфли... Фельетон бўлмаса ҳам бир огоҳлантириш ёзиб қўйилса савобли иш бўлади...

Шу суҳбатдан сўнг Абдулла ака бирон нарса ёздиларми йўқми, билмадим. Аммо тез кунда баянда, кенг, пишиқ қилиб ёғочдан бир кўприк қурилди.

Техникумни битириб, икки-уч йил ўқитувчилик қилгач, 1932—37 йилларда ТошМИда ўқидим. Институтда ўқишимнинг биринчи йили эди, шекилли, бир кун Пиёнбозордан трамвайга ўтириб Абдулла акани учратиб қолдим. У киши қўлимдаги «Анатомия» ўқув китобини олиб очиб кўриб дедилар:

— Мен сендан адабиётчи чиқар деб кутган эдим... Докторлиқни танлабсан-да?

— Ҳа, — дедим ва сўрадим. — Нима, сизга докторлик маъқул эмасми?

— Йўқ, мен шундай айтдим-да. Билакс, доктор бўлишдан қувондим. Адабиётчилар, ўқитувчилар бизда анча кўпайиб қолди. Аммо докторларимиз ҳали жуда оз, уларни кўпайтириш керак, — дедилар ва яна сўрадилар, — китобинг русча экан, тушунишга қийналмаяпсанми?

— Қийналяпмиз... Лекин, нима чора, ўз тилимизда ўқув китоби йўқ, қийналиб бўлса-да, русчадан фойдаланишга мажбурмиз... — Бу жуда яхши, жуда яхши. Қийналиб бўлса-да, рус тилини албатта ўрганиш керак. Русча ўрганмасанг, билиминг сира кенгаймайди. «Правда», «Известия» газеталарини кўп ўқи, газета кишига тил ўргатади...

Абдулла ака зўдиларни жуда севар, ҳурмат қилар, уларни кўрса қувонар ва ўз билимларини, насиҳатларини аямас эдилар. У киши ўз боғларида турли-туман яхши мева навларини кўчат қилиб етиштирар эдилар. 1933—34 йиллар бўлса керак, бир куни Абдулла ака Эшонхўжа акамга икки туп яхши нав олча кўчат берибдилар. Кўчатни боғимизга ўтказдик. Кўчатлар кўкариб жуда зўрайиб ўсди ва яхши мева берадиган бўлди. Меваси калта банд, донаси йирик-йирик гилосга ўхшар эди. Ҳаммамиз бу олчани севиб ер эдик. Уғилхон ойим (1964 йилда 101 ёшга кириб вафот этдилар) ўқимишли хотин эдилар. Абдулла акани жуда ҳурмат қилар, ёзган китобларини йиғлаб-йиғлаб ўқир эдилар. У киши баъзан: «Жулқунбой берган кўчатни яхши асранглар, қуритиб қўйманглар, меваси ёзган китобларидай жуда мазали», дердилар. Бу кўчат ҳозир ҳам боғимизда ўсади. Лекин, энди жуда қариб қолди.

СҮНМАС ЮЛДУЗЛАР

Мен 1930 йилнинг кузида Тошкентга келдим. Бундай катта шаҳарни умримда биринчи марта кўришим эди. Уша пайтда жонжаҳонимни забт этган ҳаяжон ва ҳайратни тушуниш учун менинг болалигим ва ўсмирлигим қаерда ва қандай шароитда кечганлигини билиш даркор. Мен бир томондан жазирама Қорақум этаклари оёқларига илашган, бир томондан эса Копетдоғ адирлари кўзга ташланиб турувчи, станция биқинидаги кичкинагина Қаҳқа овулида яшар эдим.

Ҳаётим тўрт девор ичида, кишилар кўзидан панада, зерикарли ва тунд кечарди. Кунлардан бир кун ғалати бир қарвон келиб, бу ерларнинг асрий уйқусини бузди. Туяларда, араваларда ерли аҳоли ҳали кўрмаган-билмаган анжомлар — парталар, доскалар ва бутун бир уй деворини эгаллайдиган ҳажмдаги В. И. Ленин портретини келтиришди. Овулимиздаги барча кишилар ҳовлимиз томон оқди — маълум бўлишича, отам икки хоналик чоғроқ уйимизнинг бир хонасини мактаб учун ажратган экан. Парталар ўрнатилиб, доскалар ҳамда машҳур портрет деворлардан ўз ўрнини олди. Қизиғи шундаки, ҳали кўпчилик портрет нималигини билмаганлигидан, Ленин сиймосига тикилишиб, у зотнинг ногаҳонда гапириб юборишини кутарди. Шундай қилиб мактабда бир йўла бир неча сменада ўқишлар бошланиб кетди. Катталар, болалар ва, энг қизиғи, аёллар ҳам ўқий бошлашди. Бутун умр номаҳрамлар кўзидан паналаб яшаган, ҳатто оғизларини ҳам яшмак билан ёпиб юргувчи туркман хотинлари ҳам парталарга ўтириб, мураккаб араб ҳарфларини қоғозга нақш эта бошладилар, ўқий бошладилар. Бир куни — Улуғ Октябрнинг навбатдаги байрами эди — ҳовлимизга гулхан ёқилди, журъатли аёллар ўзларининг асрий ёпинғиларини, борик исмли рўдапо бош кийимларини ўтга отдилар. Бу — ўша йилларда мен гувоҳ бўлган воқеаларнинг энг ёрқини эди.

Абдулла Қодирий ижод ҳақида

*Ёзганинг агар ўзингни
йиғлатмаса — кулдир-
маса, ўзгани ҳеч йиғлат-
мас — кулдирмас.*

*Ёзувчи бўладирган ҳар
бир киши адабиётдаги
оқим ва мактабларни
яхши билиб олиши ке-
рак. Энг яхши ёзувчилар-
нинг асарларини бир не-
ча қайталаб ўқиш зарур.
Уқиганда ҳам ёзувчи-
нинг нима демоқчи экан-
лини ва ўз фикрини қан-
дай йўл билан ўқувчига
англата олганини диққат
қилиб суриштириб бо-
риш керак. Шундагина
ёзувчилардан ҳунар ўр-
ганиш мумкин.*

*Ёзувчининг ўзидан қў-
шиши (русча айтганда
«вымысел») адабий асар-
да катта роль ўйнайди,
лекин мен турмушда кўр-
маган, билмаган нарсам
ҳақида ҳеч нарса ёзмай-
ман. Ҳар бир асаримнинг
ёзийлишига турмушда уч-
раган бирор воқеа сабаб-
чи бўлади.*

*...мен ўзимча асаримни
жуда ҳам тахминий бир
схемасини тузиб олиб,
кейин ишга тушман.
Шундай схема бўлмаса,
ҳеч қачон ёзувга ўтира
олмайман.*

*Яхши билиш керакки,
қалам — ўқлоғи, мат-
буот — кетмон бозори
эмас. Йўсинсиз равишда
хотирага келган ҳар бир
сўздан жумлалар тўқи-
моқ фазилат саналмай-
ди. Сўз қолип, фикр
унинг ичига қўйилган
ғишт бўлсин, кўпчилик
хумдонидан пишиб чиқ-
қач янги ҳаёт айвонига
асос бўлиб ётсин!*

*Адабиётда бир неча
хил кулги йўллари бўлса
ҳам (масалан, пичинг,
кесатиш, киноя, тағофил
ва бошқалар...), лекин
энг мўғабари характер
кулгисидир...*

шунинг учун ҳам у бир умр ёдимда қолди. Умуман олганда эса овулимиздаги ҳаёт бир хилда ва зерикарли кечарди.

Шу гапларнинг барчасидан кейин, бирдан Тошкентдаги ҳаётим бошланди. Ўша пайтларда кўпчилик Москва ёхуд Тошкентга ўқишга боришга интиларди. Бир акам Москвада ўқишни битирди, бириси Тошкент медицина институтида таҳсил кўрди. Мен ҳам ТАГУ қошидаги рабфакка ўқишга кирдим ва, табиийки, Ўрта Осиё республикаларининг Тошкентда ўқийман, билим оламан деган ёруғ мақсад билан келган юзлаб бахтиёр болаларини кўрдим, улар билан танишдим, дўстлашдим. Мисол учун, Туркманистоннинг ҳозирда таниқли ёзувчи ва шоирларидан — республика халқ ёзувчиси Хидир Деряев, Ота Отажонов, Қурбондурди Қурбонсаҳатовлар ҳам бири аввал, бири кейин — шу Тошкентда таълим олишган.

Аввалига, бир Амударёдан сув ичган бўлсак ҳам, тилларимиз яқин бўлса ҳам, ўзбекчани унча яхши тушинолмадим. Бироқ бора-бора бу тилдаги сўзлар маъносини англайдиган бир тилда оз-моз гаплашадиган ҳам бўлиб қолдим. Кўп сўзларимиз бир-бирига ўхшаш эканлигига, улардаги айрим товушларгина фарқ қилиши, менинг бу тилни ўрганишга бўлган қизиқишимни янада орттирди. Масалан, туркманлар «ата» дейишса, ўзбеклар «ота» деяр, биз «нан» десак, сиз — қардошларимиз эса «нон» деярканизлар. Зеҳним ўткир ва ёш бўлганлигим туфайли — ўша пайтда 15 ёшда эдим, ахир — уни тезда ўзлаштириб олдим. Бир неча ойдан кейин эса ўзбекчада фақат гаплашибгина эмас, балки китобларни ҳам шариллатиб ўқийдиган, маъносига тушинадиган бўлиб қолдим.

Ана шундай кунларнинг бирида кўлимга Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»и тушиб қолди. У араб ёзувида битилган бўлиб, бу нарса ўқишимни янада осонлаштирди. Китоб мени тонг қолдирди, шу ёшга кириб бунақанги ажойиб китобни ҳеч қачон ва ҳеч қаерда ўқимаган эдим ва бундан кейин ҳаётимда ҳам шу сингари китобларни жуда кам учратдим. Узингиз ўйланг, «Ўтган кунлар»ни мен 1931 йилда ўқиган бўлсам, орадан ярим асрдан кўпроқ вақт ўтибди шундан бери, лекин китобда тасвирланган ўша турмуш муаммолари, асар воқеалари йўналиши, персонажлар исми, уларнинг ўзига хос характерлари, Қумушбиби тўйида қизлар айтган қўшиқлар аниқ-таниқ

Абдулла Қодирий ижод ҳақида

Ёзувчининг ўзигина тушуниб, бошқаларнинг тушунмаслиги катта айб. Асли ёзувчилик, айтмоқчи бўлган фикрни ҳаммада баробар англаб билишда, орага англашилмовчилик солмасликдадир. Бундан бошқа, фикрнинг ифодаси хизматига ярамаган сўз ва жумлаларга ёзувда асло йўри берилмаслиги лозим.

Бир соатда эмас, ўн соатда ёзиш, бир қайта эмас, ўн қайта тузатиш кишининг ёрдамига термилишга қараганда ҳам

фойдалик, ҳам умидлидир.

Ёзувчиликда бир қонун бор: ҳаммадан илгари мағно, ундан сўнг шу мағнони-фикрни ифода қилиш учун сўз қуриш сўз эмас — санъаткорона, яъни шундоғ сўзки, айтмоқчи бўлган фикрингизни ифодаси учунгина махсус яратилган бўлиб, ясама бўлмасин.

Модомики биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар бир йўсунда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз ва шунга ўхшаш дос-

тончилик, романчилик ва ҳикоячиликларда ҳам янги асарлар яратишга, халқимизни шу замоннинг «Тоҳир ва Зухро»лари, «Чор дарвиш»лари, «Фарҳод ва Ширин» ва «Баҳромгўр»лари бўлган таништиришга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз.

Мен бир асар ёзишдан аввал шу ёзмоқчи бўлган нарсам ҳақидаги материалларни пухта ўрганиб чиқаман. Бирор жой тўғрисида асар ёзмоқчи бўлсам, ўша жойни неча мартаба кўрган эсамда, яна бориб текшириб, яхшироқ ўрганиб келаман.

ёдимда. Атласларга бурканиб, сочларини қирқта ўриб, қошларини териб дутор чертмаклаб, муҳаббат ҳақидаги қўшиқларни куйлаётган марғилонлик қизлар куни кеча кўрганам каби эсимда. Мени қандай таъсирлантирган эди улар — орадан ярим аср ўтибди ҳамки, ҳаяжонланаман.

Ҳозир ҳам ўзбек ҳамкасбларим ила учрашиб қолсам, албатта, ўша китобни ва ундаги қизлар қўшиғини ёдга оламан:

Ўртоқларим, қўлга олсам торимни,
Бейхтнёр ёдлайдирман ёримни...
...Билурмикан, билмасмикан у золим
Кунлар, тунлар тортган оху зоримни!
...Кетди тоқат, кетди сабрим... Кетдилар...
Синдирурман уриб ерга торимни!

Абдулла Қодирий ўз ўқувчисини Марғилоннинг катта ва жин кўчаларидан олиб ўтади, Мирзакарим қутидорнинг қовлиси ва ичкарасига етаклайди, Тошкент ҳокими маслаҳатчиси бўлмиш оқил ва етук инсон Юсуфбек ҳожи уйига бошлайди. У, имкони борича, халқнинг барча мусибатларига бош қўшади, мазлумларни зулмга қарши оёққа турғзади.

Журъатли, ишбилармон, гўзал Кумушбибининг жўмард севгилиси Отабек, қизнинг онаси бўлмиш Офтоб ойим, йигитнинг ҳукмфармо онаси Ўзбек ойим, оқсоч Тўйбека, садоқатли хизматкор Отабекнинг қалин дўсти ва иккинчи отаси дейиш ҳам мумкин бўлган Ҳасанали — романнинг барча-барча қаҳрамонлари замондошларимиз учун ҳам ибратли ва қадрли.

Қодирийнинг мазкур тарихий романида Азизбеклар, Нурмуҳаммад қушбегилар сулоласининг барча уруғ-аймоқлари, шунингдек, ўзбек халқининг барча душманлари қиёфаси, уларнинг қонли қирғинлари ва қабиҳликлари ҳам батафсил ёритилган. Бугун ана шулар ҳақида мушоҳада юритгим, мени Тошкентга йўллаган бахтли ва навқиронлик йилларим ҳақида, саодатли тақдирим хусусида ўйга чўмгим келади.

Ўттизинчи йиллар бошидаги иштаҳа очувчи мева-чевалар тўла чиройли саватлар билан безанган Тошкент кўчалари яхши эсимда. Қаёққа қарама бозорча, бозорчаларда узумларнинг бизнинг туркман

Абдулла Қодирий ҳақида фикрлар

Абдулла Қодирий мен техникумда ўқийдиган пайтлардаёқ машҳур ёзувчи, ҳаммамиз қўлдан қўймай ўқийдиган ўзбек адабиётидаги биринчи улкан ва гўзал романининг автори эди.

Абдулла Қодирий истеъдодли, қалби бутун ва ўзига хос равишдаги шахс эди.

Абдулла Қодирийнинг прозаси биринчи навбатда ғоятда ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Қодирийнинг тилидан у халқнинг бой ва ажойиб тилини ғоятда яхши билганлиги яққол сезилади. Унинг романлари ана

шундай гўзал тил билан ёзилган. У тугма эпик ёзувчи, кенг кўламдаги мастер, юксак маънодаги реалист санъаткор эди.

ОЙБЕК

Қодирий романлари бутун таркиби билан ўзига хос услубда ёзилган ўзбек романлари дунёда бешта, яъни француз, рус, инглиз, немис ва ҳинд романчилиги мактаблари бор эди. Энди олтинчисини, яъни ўзбек романчилик мактабини Абдулла Қодирий яратиб берди.

ЕВГЕНИЙ ЭДУАРДОВИЧ
ВЕРТЕЛЬС.

Абдулла Қодирий (Жулқунбой) юксак романлар яратди. Унинг романлари йигирманчи йилларда гўё текис саҳрода тўсатдан Помир тоғлари вужудга келгандай пайдо бўлди.

МУХТОР АВЕЗОВ.

Абдулла Қодирий... бугунги кунда ўз мамлакатига ҳам, чет элларда ҳам жуда кучли қизиқиш уйғотган совет Ўрта Осиёси адабиётининг ўша йиллардаги тўлқинли тараққиёти бошида турган эди.

НИОТА ТУН,
немис адабиётшуноси.

юртида кўринмайдиган навлари. Гуррас-гуррас ўтаётган турли миллат фарзандлари бўлмиш талабалар: қирғизлар, тожиклар, туркманлар, ўзбеклар... Китоб ва нон ўртада баҳам кўрилган студентлар ётоқхоналари... Саодат исмли бир қиз билан танишиб қолдим. Унинг сочлари маржондек қилиб, қирқта ўрилган эди. Уша пайтларда менинг сочим ҳам қалин ва узун бўлиб, «ўзи бир қиз, сочи бир қиз» бўлганман. Бироқ у, одатимизга кўра, иккита қилиб ўрилган эди. Бу Саодатга ёқмади:

— Бу туришингда худди жувонларга ўхшайсан. Ке, сочингни ҳақиқий қизларникидек, қирқта қилиб ўриб қўяман!

Сочимни ўзи истагандек ўриб қўйди. Ўзбекча қилиб ўрилган соч анча вақтгача чигал бўлмас, ортиқча диққат талаб қилмасди ҳам. Саодат уйларидан тандирда ёпилган нон ва узум олиб келиб, мени сийлади... Дўстлигимиз кундан-кун мустаҳкамланди.

Кунлардан бир кун биз «жанжаллашиб» қолдик. Дугонамнинг айвонга ўтириб олиб, менга болалиқдан таниш бўлган шеърларни ўқиётгани устидан чиқиб қолдим, бироқ бу шеърларни Саодат ўзбек тилида ўқир эди. Қарасам, унинг тиззасида, биз яқинда — 1983 йилда таваллудининг 250 йиллигини тантанали суратда нишонлаган Махтумқулининг (Юбилей муносабати билан Комил Яшин ва бошқа ўзбек ёзувчилари ҳам Туркменистонга келган эди.) араб алифбесида ёзилган китоби. Шу нарса диққатимни алоҳида жалб этдики, Саодат китобдаги бирорта сўзни ҳам туркманча талаффуз этмас, балки соф ўзбек тилида шариллатиб ўқирди. У китобга шу қадар берилган эдики, баъзи шеърларни ўзбек халқ кўшиқлари оҳанглирида хиргойи ҳам қиларди.

Йиллар ўтиб, ўзбек кўшиқлари орасида Махтумқули асарлари яйраб-яшнаб яшаётганлигини ҳис қилдим, унинг ўзбек шоири сифатида тан олинганлигини кўриб қувондим. Туркманлар ҳам худди шундай меҳр-муҳаббат ва қизгинлик билан Абдулла Қодирийни ўз ёзувчимиз деб биладилар, қўлма-қўл қилиб ўқийдилар.

Туркменистон халқ ёзувчиси Хидир Деряев уни ўзининг устози деб билади. Унинг Махтумқули номидаги Туркменистон Давлат мукофоти-га сазовор бўлган, Ашхобод, Тошкент ва Москва нашриётларида қайта-қайта кўп тиражларда нашр этилган «Қисмат» эпопеяси Қодирий таъсирида дунёга келган. Хидир оғанинг ўзи ҳам айнан шу ҳақда кўп марталаб гапирган. Машҳур ҳикоянавис ёзувчимиз Нормурод Сарихо-

Абдулла Қодирий ҳақида фикрлар

...Менинг ўзим ҳам Толстойдан, Горькийдан, Шолоховдан ўрганмасам, татар ёзувчиси Иброҳимовнинг «Визнинг кунлар»ини, «Қозоқ қизи»ни, ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирийнинг «Утган кунлар», «Меҳробдан чаён»ини ўқиб, шулардан ибрат олмасам «Дадил қадам»ни бошлай олмаган бўлардим.

Берди КЕРВОВОЕВ.

Абдулла Қодирий... анчайин бир ёзувчи эмас, янги давр адабиёти, Европа адабиёти гази билан ўлчанганда ҳам тўлақонли асарлар ёзган, ўзбек романчилигини

бошлаб берган улкан адибдир.

Абдулла ҚАҲҲОР.

Абдулла Қодирий ўзининг гоят сиқик, аммо чуқур лирикага йўғрилган жумлалари билан китобхонни мафтун қилади. Унинг асарларидаги ҳар бир детал ўзида юксак маъно касб этади, моҳир заргар томонидан ясалган буюм янглиғ жи-лоланади.

Жалол ИКРОМИЙ.

Абдулла Қодирий жаҳон билгич, жаҳон камтар, хушсуҳбат ва бор-йўғи, бутун сажияси сий-

мосидан аён, бир гаплик, ўзига ишонган забардас қаламкаш эди.

МИРТЕМИР.

Абдулла Қодирий ўзбек адабиётига худди момақалдироқдек гулдурос билан кириб келди ва худди чақмоқдек ҳам-манинг диққатини ўзига жалб этди...

Қодирийнинг ўзбек адабиётига қўшган энг катта ҳиссаси у ўзбек халқи тарихида биринчи бўлиб реалистик роман жанрини майдонга келтирди ва шу билан Ўзбекистонда реалистик прозага асос солди.

Иззат СУЛТОН.

нов Абдулла устод ҳақида кўп гапиради. Унинг Қизил Армия сафларидаги хизмати Тошкент шаҳрида ўтган. У бўш вақтларини анҳор (Солор бўлса керак) бўйида «Ўтган кунлар»ни ўқиш билан ўтказгани ҳақида фахрланиб ёзган. Уруш йилларида у Молдавия қишлоқларини фашистлардан озод қилиш жангларида иштирок этиб, қаҳрамонларча халок бўлган, Туркменистон Ёзувчилар союзи биносида унинг исми зарҳал ҳарфлар билан ёзилган тахтача мавжуд.

Ўттинчи йилларда ҳаваскор ёзувчиларнинг «Правда Востока» газетаси қошида ташкил қилинган адабий тўғараги ёдимга тушади. Мен унинг барча машғулотларига қатнашар эдим. Агар бугун Тошкентдаги адабий фаолиятим ҳақида ёзишга тўғри келганда, ўзини шоир ва драматург ҳисоблаган «ҳавойи» туркман қизи ҳақида мароқли ва бир оз кулгили қисса дунёга келган бўларди. Турли мавзуларда кўплаб шеърлар машқ қилардим. Улар САГУ аталмиш обрўли олий ўқув юртининг, шунингдек, ўша пайтда менинг республикам учун муносиб кадрлар тайёрлашга катта ҳисса қўшган туркман инпроси деворий газеталарида эълон қилинарди. Драма тўғараги ҳам ишларди ўша пайтда, ўзимиз пьеса ёзардик, ўзимиз сахнага қўярдик, ўзимиз ўйнардик.

Оҳ, «Ўтган кунлар» муаллифи билан учраша олмаганим менга қандай алам қилишини билсангиз эди. Ўша пайтларда ёшим бир оз каттарок, ўзим тушунганроқ бўлганимда эди, бунинг ҳеч қийин жойи йўқ эди, назаримда.

Абдулла Қодирий бизнинг Туркменистон совет адабиёти оқсоқоли ва карвонбошиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Берди Кербобоев билан тенгқур эди. Республикамиз адабий жамоатчилиги шу йилнинг мартада унинг таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлади. Бу ажойиб ёзувчиларни барчамиз ҳаммиса устозимиз деб биламиз. Шарқнинг ёрқин юлдузлари бўлмиш бу ёзувчилар биз ва фарзандларимизнинг, неварачевараларимизнинг маънавий дунёсини бойитиб, адабиёт осмонида то абад порлайверадилар. Зеро таланти ҳеч қачон эскирмайди, бу юлдузлар мангу ёнади!



Абдулла Қодирий ҳақида фикрлар

Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи менда бир умрга унутилмас таассурот қолдирган ва илҳом бағишлаган. Шундан кейин менда туркман халқининг ўтмиши ҳақида роман ёзиш иштиғи туғилди. Катта ният билан «Қисмат» романим устида иш бошладим.

Хидир ДЕРЯЕВ.

...Абдулла Қодирий улкан ва ёрқин талантга эга бўлган, ҳозирги замон ўзбек эпик прозаси пойдеворини яратган ёзувчидир. Адабиётимиз

нинг шухратиға-шухрат қўшиб, унинг ифтихориға айланган кўп ёзувчилар Абдулла Қодирий асарларидан ўргандилар. Урта Осиёдаги бошқа халқлар адабиётларидаги проза жанрларининг ривожига ҳам Абдулла Қодирийнинг таъсири ниҳоятда улкандир.

Комил ЯШИН.

Абдулла Қодирий «Меҳробдан чаён» романини ёзган вақтда Ўзбекистон ва Тожикистонда паранжи-чачвонни ташлаш, хотин-қизларни ичкари асоратидан қутқа-

риш, уларни ижтимоий ҳаётга тортиш учун кенг миқёсда компания келтирилган эди... Абдулла Қодирий шарқ хотин-қизларининг озодлик ҳаракатига хайрихоҳ бўлмасдан қололмас эди ва унинг томонидан яратилган Рағно образи ўша олижаноб мақсадга хизмат қилар эди... Рағнонинг жасорати, хонга қарши исёни, ҳатто маъюс қолган Анварни йўлга солиши — ўз замонаси учунгина эмас, балки бизнинг ҳозирги асримиз учун ҳам лойиқ таҳсин...

Люциан КЛИМОВИЧ.

ТАСВИР ВА ТАЛҚИН МАЪНОЛАРИ

[«Меҳробдан чаён» романи мисолида]

«Меҳробдан чаён» — Абдулла Қодирийнинг тарихий мавзудаги иккинчи романи. Унда адиб «Утган кунлар» асаридаги каби Қўқон хонлиги даврини танлайди. Ёзувчининг бу хонлик ҳаётини яхши билиши бу даврга мурожаат қилишидаги асосий сабаб бўлса ажаб эмас. Бироқ шу нарсани ишонч билан айтиш мумкинки, «Меҳробдан чаён»даги ҳаёт материали образлар системаси, воқеликни бадиий талқини жиҳатидан аввалги асардан кескин фарқланади. Ҳатто ёзувчи концепцияси жиҳатидан ҳам «Утган кунлар» билан «Меҳробдан чаён» бир-бирига яқин турса-да, улар бир-бирини такрорлаган, деб бўлмайди. Қисқаси, «Меҳробдан чаён» ўзининг ҳамма жиҳатлари билан ўзбек адабиёти тарихида майдонга келган янги воқеа эди.

Абдулла Қодирийнинг «Утган кунлар» романидаги услуби кўпчиликка маълум. Унда адиб асар бошидан бири-биридан кескин, бири-иккинчисини тўлдирадиган манзаралар яратади.

Китобхон қаҳрамонлар мантиқини бевосита уларнинг хатти-ҳаракатлари орқали англаб боради. «Меҳробдан чаён»да эса бошқача манзарани кўрамиз. Адиб ҳар хил йўллар билан асосий қаҳрамонлар мантиқини — уларнинг нимага қобил ва нимага ноқобил эканини асослашга эътибор беради — роман сюжетини ҳаракатга келтирадиган образларнинг социал моҳиятини очишга алоҳида диққат қилади. Худди шу маънода, яъни асар қаҳрамонларининг ижтимоий келиб чиқиши жиҳатидан «Меҳробдан чаён» «Утган кунлар»дан фарқланади.

Хўш, Анвар характериға хос мантиқ нимадан иборат? У нимага қобил ва нимага ноқобил? Абдулла Қодирий бу образни яратишда асар бошлариданоқ унга мустаҳкам мантиқ бағишлайди, кейинги бобларда эса қаҳрамон ўша мантиқ асосида ҳаракат қилади. Нега шундай? Адиб Анвар характерини тасвирлашдаги бу приёми «Утган кунлар»да Отабекка нисбатан ишлатган эмас эди. Бунинг сабаби шуки, Отабек характери замон жабр-ситамларини ўзига сингдирган, умри фожияли ҳолатда яқунланиши аниқ бўлган образ эди. Анвар эса адиб мўлжалида бошқа бир ҳақиқатни акс эттириши, яъни ҳаёт жабр-ситамларига қарши дадил турувчи шахс эди. Адиб унинг характер хислатларини асар бошларидан китобхонга етказиб қўйишни зарур ҳисоблайди.

«Утган кунлар» билан «Меҳробдан чаён» қиёси ҳақида гап кетаркан, Солиҳ Маҳдум билан Юсуфбек ҳожи образлари хусусида баъзи фикрларни айтишга тўғри келади. Юсуфбек ҳожи Отабекка фақатгина отагина эмас, балки ҳаётнинг паст-баландидан хабардор донишманд сифатида таълим берган, ўз таъсирини ўтказа оладиган шахс тўмсолида гавдаланади. «Меҳробдан чаён»да эса бутунлай бошқача манзарани кўрамиз. Солиҳ Маҳдум Анварга таълим берган, савод ўргатган. Бироқ Анвар характериға хос фазилатларнинг бирор қиррасини Солиҳ Маҳдумдан ўтган, деб айта олмаيمиз. Аксинча, Анвар барча характер хусусиятлари билан Солиҳ Маҳдумнинг акси.

Ўз қаҳрамонларининг ҳаёт тарзига, ирода йўналишига бундай ёндашишнинг сабаби нимада? Анвар Юсуфбек ҳожи сингари доно бир кишининг оиласига асранди бўлиб тушиши ҳам мумкин эди-ку! Бунинг сабаби шундаки, Солиҳ Маҳдум характери бошқача яратилса, Юсуфбек ҳожи образини такрорлаш хавфи туғилар эди. Маълумки, такрор бадиийлик принциплариға ёт нарса. Буни Абдулла Қодирий яхши билирди. Масаланинг иккинчи томони шундаки, Абдулла Қодирий Солиҳ Маҳдум образига бошидан охиригача сатирик йўналиш беради. Шу йўл билан адиб, биринчидан, ҳаётнинг «Утган кунлар»да акс этмаган янги бир томонига назар ташлайди; китобхонни яқин ўтмиш ҳаётидаги қўлги томонлари билан таништирмакчи бўлади; иккинчидан, худди шу йўналишда Солиҳ Маҳдум образи Анвар образининг характери учун, унинг барча олижаноб хислатларини конкрет очиб бериш учун зарур эди. Бошқача қилиб айтганда, Солиҳ Маҳдумнинг шу хилдаги танланиши ва йўналишда асар сюжетига ҳаракат қилиши романда қамраб олинган ҳаёт материалнинг сир-асрорини очиб бериш учун муҳим роль ўйнайди. Шу сабабдан биз Солиҳ Маҳдум образини бошқача тасаввур қилолмаймиз.

«Меҳробдан чаён»нинг асосий конфликт ечимида хотин-қизларға бўлган муносабат марказий ўринлардан бирида туради. «Утган кунлар»да бу масалаға романнинг бош қаҳрамони Отабек илгор позициядан туриб ёндашган эди. Унинг атрофидагилар бу масalani тўғри тушунмаганлигидан қаҳрамоннинг барча идеаллари фожией ечим билан яқунланади. «Меҳробдан чаён»да ҳам адиб худди шу йўлдан боради.

Адиб бу масalani тасвирлар экан, у ҳақда қуруқ ва умумий планда эмас, бадиийлик талабига мувофиқ конкрет образлар орқали фикр юритади. Анвар асранди бўлиб тушган Солиҳ Маҳдум оиласида одамлиликда, фаҳм-фаросатда Нигор ойим билан Раъно Солиҳ Маҳдумнинг ўзига нисбатан анча юқори турганлиги таъкидланади. Бундан ташқари, Солиҳ Маҳдум қай даражада номукамал шахс бўлишиға қарамасдан, Нигор ойим ва Раъно ўзини анча эркин ва фаол тутганлигини кўрамиз. Бунинг устига шу оилада тарбияланган Анвар хатти-ҳаракатларида ҳам на Нигор ойим, на Раънога нисбатан бирор қамситиш майлини

Мақола қисқартириб босилмоқда — ред.

сезмаймиз. Аксинча, Анвар Солиҳ Маҳдумнинг баъзи бир қилмишларига муносабат билдирган ўринларда Нигор ойм ва Раъно у томонда турганини англаймиз.

Асарда бош конфликтнинг иккинчи уфқи ҳам бор. Бу — Абдулла Қодирийнинг ўзи тасвирлаган феодал истибдоднинг хотин-қизларга бўлган муносабатидир. Ёзувчи масаланинг бу томонига кўпроқ эътибор беради. Ҳаётнинг бу қиррасини тўлароқ кўрсатиш учун танланган Гулшанбону образи орқали хон саройи ва ҳарам билан танишамиз. Гулшанбону кўпчилик ўзбек аёлларига ўхшаб уй-рўзғор қуриб, бола-чақага бош бўлиб умрини ўтказиши мумкин эди. Бироқ ўша давр разил ҳаёти уни бошқа изга солиб юборади. У ёшлиғида хон ҳарамига тушиб қолган, янги ёш бахтсизлар унинг ўрнини эгаллагач, Гулшанбону хон йигитларидан бирига тортиқ қилинган, эндиликда эса хоннинг қизтопарига айланган.

Гулшан «касби»га амал қилиб, шунчаки ўз вазифасини адо этади. Хон саройида тиқилиб ётган канизлар орасига яна бир каниз қўшадиган бўлди. Бироқ, бу ишни ўзига вазифа, деб билган бу аёлда ҳам янги овига сезилар-сезилмас ачиниш борлигини пайқаймиз. Анварнинг дўсти Султонали суроқларига жавоб бериб, бу янги овнинг мирза Анварга алоқаси борлигини билмагани, билган чоғда бу ишни қилмаслигини аниглади.

Раънонинг отаси, Анварнинг бўлажак қайнотаси-чи? Хон совчилари келиб Раънони хонга фотиҳалаб кетгандан кейин бўлажак қайнота Солиҳ Маҳдум қайфияти тубдан ўзгаради. «Анвар тўғрисидаги кўнгил ғашлиги бир турли бўлса ҳам, бошқа тарафдан анчагина яхши умидлар туғилиб қолди. Хонга қайнота бўлиш эл қошида кичкина гап эмас эди. Қалин тўғрисида подшоҳ — куёвдан кўп маблағ қутилса бўлар эди. Агар худо ўғил набира ато қилса, Худоёрхоннинг тахт вориси бўлиш эҳтимоли ҳам бор эди... Тўйнинг кейинги силтаниши эса, тақдир иши; Раънонинг тақдири хонга битилган, шунга биноан Анвар тўйни кейинги силташга, битган ишни йитиришга мажбур эди... Яна бир оз шу тўғрида қийналиб ўтиргач, Анварга қарши ўзида бир аччиқ сёзди: «Тўйни кўклагга қили, деб унга ким айтди? Бу ўзи ҳар ишда ҳам суст қадам... энди, хон сўратгандан кейин рад қилишга кимнинг ҳадди бор?!» деб кўнглидан кечирди. Шундан сўнг у озгина тинчиди, яна бирмунча фикрланиб ўтиргандан кейин, кўз ўнгига — қалин учун бериладиган бир саноч олтин, эл қошидаги обрў, энг охирида Худоёрхоннинг тахт вориси бўлган хонзода келиб кечдилар. Узини эл сўраб турган ёш хон ёнида кўриб, илжайди...»

Бу мудҳиш хабар Нигор оймни «санкиратиб» қўяди; Раъно эса танчада ўқиб ўтирган Ҳайём рубоиёти устига ҳушсиз бошини қўяди. Роман бошида Анвар анча фаол, тадбиркор шахс сифатида кўрсатилади. Бу воқеа содир бўлгач, китобхон ундан шу хилдаги фаоллик ва тадбиркорликни кутади. Бироқ, разил хабарни дўсти Султоналидан эшитгач, Анвар ҳолатидаги ўзгаришлар сиртига чиқмайди. Бир зумлик психологик ўзгаришдан кейин нимагадир Анвар «...Қутилмаган равишда яна совуққонлик сақлади.»

Мудҳиш хабардан кейин Анвар биринчи марта Нигор ойм билан учрашганда ҳам шу ҳолда қолади.

Бу ерда ҳам ўша зиддият — бир томондан ғамгинлик, алам, изтироб, иккинчи томондан, ҳайратда қоралли даражада совуққонлик, бепарволик. Балки, Анварнинг ҳақиқий ҳолати Раъно билан учрашувларда юзага чиқар? Ниҳоят улар учрашади ҳам. «Раъно хонга чой олиб кирганда бечора қизнинг икки кўзи қип-қизариб, қабоқлари олудек кўпчиган, юзида ҳам зўриқинг аломати бор эди.» Чойни қўйдию «...бирдан ўқириб юзини танча устига қўйди.» Бу ҳолатнинг маъноси маълум. Анварда эса бутунлай бошқача ҳолатни кўрамыз. У яна ўша совуққонликда эди. Раънони болаликда айблаб «ҳали ҳеч гап бўлгани йўқ-ку!» дейди. «...йиғи энг сўнгги иш. Сўнгги иш!» дея уни юпатган бўлади.

Бироқ, Анвар йиғлаши «сўнгги иш» дея нималардир қилиш мумкин эканини назарда тутаяпти, деб ўйлайсиз. Ниҳоят, Раъно йиғидан тўхтайдди. Анвар буни маъқуллаб «Ана тамом!.. Энди одамшаванда сўзлашайлик, йиғи нима ҳожат!» дейди. Бу сўзлардан кейин ҳам китобхон бирор жиддий тадбир режасини кутади. Аммо режадан дарак бўливермайди. Бунинг ўрнига Анвар бу воқеага ўз қарашини изҳор қилгандек бўлади. Кейин ўзининг асосий «фалсафа»сини тушунтиради ва дейди: «Бироқ, улар бизни бир-биримиздан ажрата оладиларми? Йўқ. Мажозий ажралиш-ажралиш эмасдир, чунки биз бир-биримизга мажозий боғланмаганми, ҳақиқий боғланишни эса қатл этиш ифлослар ухдасидан келмас. Бас, шу ҳолда биз икков нега хафа бўлайлик, Раъно. Ишқ давоси авом ўйлаганча васл эмас — хажрдир. Зеро, васл ишқ ўтини сўндирувчи хажр эса камолотга эриштирувчидир: Сен шу иккидан қайси бирини танлайсан, Раъно?»

Бу нима? Анвар мураккаб фалсафий сабабларни ваз қилиб жиддий бир шароитда ўзини четга олмоқчимиз? Гап нимада экан, тасаввуф таъсиримикан? Эҳтимол шундайдир. Анвар муҳаббатнинг дунёвий хислатини, васлга етишни муҳим ҳисобламайди, ҳатто инкор ҳам қилади.

Юқори даражада инсон учун эса васлидан кўра хажр, яъни руҳан доим муҳаббат йўлида банд бўлиш муҳим. Мазкур фалсафага асослангани учун Анвар яқинлашиб келаётган фожианинг моҳиятига етарли даражада баҳо беролмаётган эди. Тасаввуф таъсири Раънода ҳам йўқ эмас. Шу сабабдан у Анвар фалсафасини қувватлашга мажбур ҳам. Бироқ мудҳиш воқеанинг фожий ҳолатларини Раъно Анвардан кўра кўпроқ ва чуқурроқ сезар, шу сабабли қиз бола талаффузига хос бўлмаган даражада очик ифода билан «...хоннинг ифлос тўшагида ётмайман!» деб кескин жавоб беради.

Раънонинг бу жавоби Анварни хаёлий муҳаббат уйқусидан уйқотгандек бўлади. Минг афсуслар билан «...Ифлослар мени чора йўлларимнинг ҳаммасини кесдилар», дейди. Лекин бу гапларнинг тагида ҳам ўша хаёлий муҳаббат таъсири йўқ эмас. Кўп ўтмасдан Анвар яна бутунлай аввалги изга — хаёлий муҳаббат йўлига тушиб олади. Бу унинг кейинги хатти-ҳаракатларидан, чунончи Нигор оймга битган мактубидан янада равшан бўлади. Хатнинг умум мазмунидан Анвар бу оиладан «қўлини ювиб қўлтиғига урган»лиги англашилади.

Кўринаяптики, яқинлашиб келаётган мудҳиш воқеа муносабати билан адиб Раънонинг ҳолат тасвирига анча кенг ўрин ажратади. Бир томондан, Раънога хос хислатларни акс

этгирса, иккинчи томондан Раъно ҳолати орқали Анвар характеридаги сусткашлик тасвирини чуқурлаштиради.

Абдулла Қодирий ўзбек аёл-қизларининг характерини чизишда ўзига хос маҳорат эгаси бўлган илк ёзувчиларимиздандир. У яратган Кумушбиби образидаги ботиний ва зохирий гўзаллик кимларни мафтун қилмаган дейсиз... Кумушбиби образи ўз моҳияти билан фожий образлардан эди. Раъно-чи? Раъно бошқа типдаги образ. Ёзувчи талқинича, у қаҳрамонлик образидир. Назаримизда, «Ўтган кунлар»ни битказиб, китобхонлар қўлига етказган Қодирий ўз қаҳрамонларининг барча фазилатлари билан фахрланса ҳам, Кумушбиби фожияси туфайли китобхон олинда ўзини гуноҳкордек ҳис қиларди. Шу боисдан бўлса керак, Абдулла Қодирий иккинчи романи устида ўйлар экан, гарчи Худоёрхон даври фожияларга тўлиб-тошиб ётган бўлса ҳам, Раъно тақдирини бошқача ҳал қилишни кўнглига тугади. Чунки иккинчи марта Кумуш типидеги образ яратиш адиб учун эп эмас эди.

Хуш, Раънодаги қаҳрамонликнинг негизи нимада?

Қандай қилиб у бирдан — бир тўғри йўлни белгилай олди?

Назаримда, бунинг иккита сабаби бор; биринчиси шундаки, Раъно бошқа ўзига ўхшаган кўпгина қизлардан фарқи ўлароқ, саводхон эди. У ёшлигидан бошлаб фақат шайх Саъдийни, Умар Ҳайёмнигина эмас, балки муҳаббат йўлида ўзини қурбон қилган Лайли, Ширин қисматлари билан яқиндан таниш. Танишгина эмас, балки улар таъсирида «муҳаббат, умуман ҳаёт жасоратни талаб қилади» деган қарорга келиб қўйган бўлиши керак. Айтайлик, бу-ку китобий таъсир, ҳаёт бошқа-ку! Ҳа, ҳаёт бошқа! Лекин ўша бошқа ҳаётнинг ўзи ҳам жасоратни талаб қилар эди.

Раъно тақдирини муносабати билан турмушга бир назар ташлаб кўрайлик. Унинг характерида пайдо бўлган жасорат белгилари кўпроқ ўша давр ижтимоий муҳити, хусусан, хотин-қизларга муносабат билан боғлиқ эди. Раъно Худоёрхоннинг хотин-қизларга муомаласи тўғрисида тўла маълумотга эга бўлмаса ҳам, узуқ-юлуқ гапларни эшитган, албатта. Хон ҳарамидеги диққинафаслик, ҳуқуқсизлик, бахт ҳақида маълум бир тасаввурга эга бўлган қиз бола учун у ерга бориш ўлимдан ҳам ёмон жазо эди. Шу сабабдан Раъно чора топишга мажбур эди. Бунинг устига Анвар характеридаги пассивлик; мужмаллик йўл излаш заруратини яна ҳам кучайтирган эди.

Анвар бажара олмаган қалтис ишни қиз ўз зиммасига олишга қарор қилади ва севгилисига шундай мактуб йўллайди: «...Анвар ака. Башарти шу гуноҳларнинг ювилиб кетишини тиласангиз, сизга бир хизмат бор, ҳам сизнинг учун энг осон хизмат: эртага чаҳоршанба кечқурун, тиласангиз — очикча, тиламасангиз яширинча бўлса ҳам, бизни кинга келингиз, мен билан охириги мартаба видолашингиз. Чунки сиз нашъунамо қилган жойда Раънони ҳалокат кутади!»

Бу ерда хат ёзгучида — ўз ишига катта ишонч ва хатти-ҳаракатида дадиллик борлиги сезилиб туради.

Раъно ярим тунда Анвар ҳузурда пайдо бўлади. Унинг хатти-ҳаракатларию, имо-ишораларида ўша кескинлик. Сўҳбат ҳам узоқ давом этмайди. Анварга бош мирзалик ёқиш-ёқмаслиги хусусида бир-икки оғиз фикр олишгач, қоронғи машҳонада ўзи олиб қирган қора тўғунни ечиб, нималар биландир машғул бўлди ва йўл бошлаб хужрадан чиқишди. Анвар ўз ёнида «паранжи ёпинган қизни эмас, телпак ва тўн кийган ёш успириин йигитни кўрди...» Анвар бўлаётган гапларнинг моҳиятига энди тушунди. Раъно ниятини фаҳмлаган Анвар хаёлидан «Жасур қиз» деган фикр ўтган эди. Раъно ўз хатти-ҳаракатлари билан бу фикрни тасдиқлаётган эди.

Эркак либосини кийиб, ўз ҳақ ва ҳуқуқи учун курашган, ҳатто Ватан, халқ манфаати йўлида от миниб қилич тортган ва қаҳрамонлик кўрсатган аёллар Ўзбекистон тарихида учрайди. Бу хилдаги жасоратли аёллар образи қадимги обидаларда акс эттирилган, илгари ва кейин ёзилган дoston, роман ва киссаларда тасвирланган (Мирмуҳсиннинг «Меъмор» романини эсланг), халқ озаки ижодида, хусусан, қаҳрамонлик дostonларида улуғланган... Шу сабабдан Абдулла Қодирий Раъно образини шу йўсинда тасвирлаётгани ҳеч кимни ажаблантирмайди. Раъно ҳам, бошқа асарлардаги шундай қаҳрамонлар каби вазият тақозосига, қаҳрамон яшаётган ва ҳаракат қилаётган шароит талабига мувофиқ иш кўради ва шу орқали романда бадиий эффект яратади.

Раъно билан Анварнинг Солиҳ Маҳдум хонадонидан чиқиб кетиши муносабати билан асар конфликтини маълум даражада ўз ниҳоясига етгандек кўринади. Бироқ адиб асарни шу билан тугата қолмайди. Қаҳрамонларини қатор синовлар кутаётган эди. Шу маънода асар сюжети яна давом этади.

Ёзувчининг тасвир приёмларини — вазиятни бениҳоя жиддийлаштириб, қаҳрамон психологиясини ўша даҳшатли фронда кўрсатиш усулини ҳисобга олсак, бу натуралистик деталлар ҳам романдеги умум мазмунни тўлдиришга хизмат қилаётганини англаймиз. Гап шундаки, китобхон дилини ларзага солган бу мудҳиш воқеа кутилмаганда ўзгаради — кўтарилган ханжар Анвар бошига бориб етмайди. Жаллод «энгашди, орқадан берилган кучли бир зарб билан Анварнинг устидан ошиб, мукканча чуқурга йиқилди... Халқ тартибсизланди. Қобилбой Анварнинг дастбандини кесди ва иккиси тартибсизлик ичига кириб йўқолдилар. Қўролсизлантилган ясовуллар гурр этиб турли томонга сочилган халқ ичидан дўст-душманни ажратолмай гарангидилар. Шу вақт бутун аъзоси эски қонларга беланган жаллод чуқурдан чиқишга интилар эди...»

Ҳақиқатан ҳам эртақларда эшитиб, дostonларда ўқилган, кескин бурилишларни эслатадиган кутилмаган бир ҳолат. Реализм нуқтаи назаридан буни қандай баҳоласа бўлади? Бу ерда икки нарсага ҳисобга олиш ўринлидир: Бири — «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» яратилган пайтларида ҳали ўзбек прозаси унча тараққий этмаган бўлиб, адиб халқ озаки ижоди аъналаридан кўпроқ фойдаланар, шу асосда китобхон дилига йўл топишга интилар эди. Иккинчиси, Абдулла Қодирийнинг ижодий приёмига боғлиқ. Адиб китобхонни тўла банд қилиш учун, унинг дилини ларзага солиш учун қаҳрамонлари ҳаётини кутилмаган

ва жиддий вазият бурилишларида; бахт билан бахтсизликнинг тез алмашилиб туришида кўрсатади.

Китобхон «Ўтган кунлар» романини яхши эслайди. Унинг умум воқеалар тузилиши сирли тафсилотлар, қутилмаган ечимлар, кескин бурилишлардан иборат. «Меҳробдан чаён»да, хусусан, унинг охириги бобларида Абдулла Қодирий ўзининг биринчи романида ишлатган приёмларга мурожаат қилган. Бу приёмнинг сирини нимада? Қандай йўллар билан адиб бадий таъсирчанликка эришади?

«Ўтган кунлар»да кўрган эдикки, Отабек ва Қумуш тақдирлари Юсуф ҳожининг хатлари туфайли кескин ўзгариб, яхшилик билан яқунланган эди. Бундай қараганда, хатларнинг Отабек ўлимга ўлимига қилинганда етиб келиши тасодифдек кўринади. Бироқ реализм шартлиликни асло инкор қилмайди. «Меҳробдан чаён»да ҳам худди шу ҳолни кўраемиз. Анвар бошини кескишга қўтарилган ханжар ўз вазифасини адо этиб улгурмайди; уни кўтарган жаллод Анвар учун қазилган чуқурга муқкасидан йиқилди. Бунинг сабабчиси Қобил эди.

Қобил ким? Бу қандай тасодиф?

Қобилнинг пайдо бўлиши бир оз тасодифдек кўринади. Бироқ, аслида бу образ ўз ўрни ва вазифасига мос равишда роман воқеасида қатнашади. Китобхоннинг эсида бўлса керак. Анварлар оиласи бошига етимлик савдоси тушганда унинг туғишган опаси Анварни Солиҳ Маҳдумга топшириб, икки акасини кимларгадир асранди қилиб бериб юборган эди. Тақдир тақозоси билан Самарқанд томонларга тушиб кетган Қобил икки ўртоғи билан Анварни излаб Қўқонга келади. Бу Анвар бошига мудҳиш савдо тушган пайтларда эса беради. Демак; Қобилнинг роман воқелигида қатнашуви қонуний ҳол, бироқ буни айни фожиа кунига тўғри келиб қолиши эса тасодиф. Юқорида айтганимиздек, бадият тасодифлар ролини инкор қилмайди. Бу ерда мақаланинг бошқа томони ҳам бор. Тасодиф атайин ўйлаб топиб, асарга киритилса бадийликка путур етади. Хўш, Қобилнинг Қўқонда пайдо бўлишини сунъийликдан ҳоли қилиш учун, ёзувчи қандай йўл топган? Ёзувчи дастлаб Қобилнинг афанди бўлиб кетишини эслатади. Бундан ташқари унинг Қўқонда пайдо бўлиб қолиши оригинал равишда тасвирланади; бу уч йигит саргузаштига-табiiй йўналиш бағишлайди ва уларни индивидуал характерлар сифатида гавдалантирадики, бу тасвир орқали китобхон улар образи билан қизиқиб қолади. Фактларга разм солинг: Анвар қочқин бўлиб ётганда Султоналининг хатида Қобил исми бир йигит Анварни излаб келгани эслатилади. Бундан кейин Қобил Анвар билан учрашганини англаймиз. Булар ҳаммаси даромад воқеа сифатида айтиб ўтилган хабарлар эди. Шундан кейин Абдулла Қодирий Қобилни йирикроқ пландаги манзараларда кўрсатадики, буларсиз Қобил образи романда ўринсиз бўлиб қолар эди.

Бироқ бу манзаранинг асосий воқеа нуқтаи назаридан муҳим бир нуқтаси бор. Арзиманган бир сабаб билан Қобил ва дўстлари орасидаги гапга «пул» масаласи қўшилиб қолади. Ҳақиқий дўстлар орасида пул ҳақида гап бўлиши эп эмас. Шу боисдан Қобилнинг дўстларидан бири «Э, тўнғиллама палаънат! Биз пул ошнасиз эмас, одам ошнаси...» дейди. Уларнинг бу хислати ёзувчи томонидан керак жойда қолдириб ўтилган ўта зарур илмоқ эдикки, улар асар сюжетининг кескин ва жиддий бир нуқтасида иш бериши керак.

Кейинги саҳифаларда Қобил образига тегишли яна бир илмоқли нуқта бор. Бу — Қобилнинг укаси Анвар билан учрашуви саҳнасидир. Китобхон бу суҳбат кечган ҳолат маъносини дарров тушунабermaйди. У Анвар жиддий бир қарорга келиб, қандайдир тадбир ўйлаб топганини ҳис қилади. Бу тадбир нимадан иборат — бу ҳали нomaълум. Қандайдир сирли воқеалар рўй бериши керак. Китобхон, хусусан, Қобилдан нимадир кутади. Романининг «Қўрқинчли бир жасорат» ноли бобида ўрда томон бошини юқори кўтариб, тантанавор қадамлар билан бораётган йигит ҳақида гапирилади-ю, лекин унинг номи тилга олинмайди. Бу Қобилмасмикан, у укасининг ўрнини хон қўлига топшироқчимикан, деган фикр хаёлдан ўтади. Фақат жаллод ногаҳоний зарба туфайли чуқурга йиқилган пайтда хон олдига борган арслонсифат йигит. Анвар эканини англаймиз. Жасорат кўрсатиб майдонга тушган, Абдураҳмон домланинг салласини тўзитиб, муқкасидан кетказганлар Қобил ва унинг ўртоқлари экан. Шундан кейингина биз тасвирланган қатор манзаралар сирини тушунамиз ва Абдулла Қодирий санъатига яна бир бор тасаннолар айтаемиз.

Воқеликни бу хилда бир-бирларига чатиб-чирмаштириб тасвирлаш сунъийдек туюлиши ҳам мумкин. Бироқ китобхон, ҳатто ўта «синчков» адабиётчи ҳам китобнинг бу бобларини зерикмасдан, зўр қизиқиш билан, адибнинг ҳаёт сирларини англаган ҳалда тасвирлаганини кўриб қойил қолмасдан иложи йўқ. Шундай экан, китоб ғоясини китобхонга тўла етказиш учун шартлилик приёмидан унумли фойдаланиш Абдулла Қодирийнинг ўзига хос бадий услуби, деб қараш зарурга ўхшайди.

Чинакам бадий етук асарларда доим икки қутб бир-бирига зид бўлади. Оқ билан қора, яхши билан ёмон доимо тўқнаш келади; ё энгади, ё энгилади. Ҳақиқий реалистик ёзувчи ҳаммаша ҳақиқатни, соф муҳаббатни ёқлайди, уни алоҳида меҳр билан улуғлайди.

«Ўтган кунлар»ни эсланг. Ундаги бош образлар Отабек ва Қумуш қай даражада муҳаббат билан, айни замонда уларнинг қисматига қай даражада ачиниш ҳисси билан тасвирланган. «Меҳробдан чаён»да ҳам шу хислатларни кўраемиз. Раъно китобхон кўзи олдида «гулларнинг раъноси» бўлиб ўсиб-улғаяди. Гарчи ёзувчи унинг ички ва ташқи чиройига кўп эътибор беравермагандек кўринса ҳам романининг ҳар бир жумласи, ҳар бир саҳифаси ундаги гўзаллик тасвирига бағишлангандек.

Анвар образи тасвирида-чи? Бу ўринда ҳам ёзувчи, на сўзни, на бўёқни аяйди! Ақлда, фаросатда, муомалада Анварнинг мукамаллигига романда кўп саҳифалар ажратилган. Унинг ташқи кўринишига келганда эса ёзувчи бир оз хасис. Бироқ у ўзининг тежамкорлик билан топилган бўёқларини ўрнини топиб ишлатади. Ёзувчи Анварнинг гўзал зоҳирий кўринишини хон саройидаги бир қиз тасавури орқали ёрқин ифодалайди. Жабрдийда қиз ҳикояси билан Анварга бағишланган бу тасвир аввало ёзувчи приёми; ўз сўзи билан қаҳрамон қиёфасини ифодалашни сийқаси чиққан усул деб билиб, бошқаларнинг тасавури ва сўзлари орқали муддаога эришиш. Адиб учун бу йўл Анвар қиёфасини яна ҳам холисрок,

бинобарин яна ҳам ишонарли тасвирлаб бериш эдики, гуё адиб «менга ишонмасаларинг, мана, фалончининг сўзларини эшитинг», деяётгандек. Бундан ташқари қиз тасаввури орқали берилган характеристикада қанчадан-қанча гўзаллик, қаҳрамонга адоқсиз муҳаббат, лиризм бор!

Муҳаббат ва нафрат! Бир-биридан ниҳоятда узоқ, айни замонда кўпинча ёнма-ён келадиган сўз ва тушунчалар! Бир заминда гул ҳам, тикан ҳам ўсгандек гап! Шу ўринда ифвогар мулла Абдураҳмоннинг характер мантиқи хусусида тўхталиб ўтиш жоиз кўринади.

Адибнинг мулла Абдураҳмонга муносабати, тўғрироғи, бу одамга нисбатан нафрати унинг хатти-ҳаракатлари тасвиридан кўра, портрет белгиларида кўпроқ ҳис этади. Адиб бу одамнинг Бухорода юрган пайтини, хусусан, чойхонама-чайхона юриб кайфи-сафо қилганлиги хусусида ҳикоя қилади: «Шу йўсинда бу кейинги табақа орасида ҳам уч йил чамаси иш кўргач, ажойиб бир дунёдийда, мисли оз шалок, ҳамма шароитлари билан бир безори ва чапани ҳолда баччалик даври билан видолашди.» Бу ерда ҳам адибнинг сўз танлаш, образ яратиш принципларини тушуниш қийин эмас.

Абдулла Қодирий қисса ва ҳикояларида илгари яратилган ҳажвий образларни кўрганмиз. Уларнинг аксарияти одатда, анча «беозор» нодон, уқувсиз, калтафаҳм шахслар сифатида тасвирланар эди. «Меҳробдан чаён»да эса, кўрамаизки, ёзувчи жуда беаёв, ифвогарга нисбатан ўзида бор нафратни тўла ифодалаш учун ҳаракат қилади.

Мулла Абдураҳмон образини яратишда Абдулла Қодирий бевосита фош қилиш йўли билан борган бўлса, Худоёрхон образи талқинида бир оз бошқача йўл тутаети. Аввало, романда қамраб олинган ҳаёт материали, қолаверса, оддийгина инсоний ҳақ-ҳуқуқ, эркин оила қуриш ихтиёридан маҳрум қилинаётган Анвар ва Раъноларнинг оғир қисмати Худоёрхонни қораловчи бош айбнома эди. Адиб бор нафратини шу йўл билан ифодалашга ҳаракат қилади. Бундан ташқари, ҳарам тасвирлари, тахтдан тушиб, тахтга чиқиш тарихига тегишли тафсилотлар, шўхратпарастлик йўлида амалга оширилган баъзи бир қурилиш ишлари ҳоказо ва ҳоказолар Худоёрхонни аёвсиз фош қилар, фақат битта хонни эмас, ўша давр ижтимоий тузуми устидан одилона чиқарилган ҳукм эди. Булардан ташқари, Абдулла Қодирий хонни фош қиладиган қизиқчилар тасвири билан боғлиқ усул ҳам ишлатади.

Хуллас, Абдулла Қодирий «Меҳробдан чаён»да маҳаббат ва нафратини фақат романнинг умум концепцияси, унда яратилган образлар системаси орқалигина эмас, балки ҳар бир образ тасвиридаги бадий амаллар орқали ҳам акс эттира олади; бу билан у асарнинг умум мазмунини яна бир қарра бойитади, унда акс этган гоёни яна ҳам тиниқлаштиради.

Неъмат Аминов

ТАБАРРУК УСТОЗ

Урушнинг даҳшатли шамоллари бизнинг чекка қишлоққа Дилором опа исмли муштипар бир аёлни хасдек учириб, келтириб ташлаган эди. Айтишларича, у-ўш ёки Андижон томонлардан келиб қолган эди. Уйимизда маъракамаросим бўлса, Дилором опа бош-қош, пишир-туширда онамга ёрдам берарди. Чунки у бошқа аёлларга нисбатан анча тадбирли, ўқимишли, ўқичадан ҳам саводи бор), қўлидан китоб-тушмас, қисқаси, маърифатли аёл эди. Унинг муқим турар жойи бўлмаса-да, ўта дилкаш, бола-бақрага меҳрибон бўлганлиги туфайли қайси хонадон кўпроқ рўйхуш берса, ўша ерда узоқ туриб қолаверарди. Гоҳида отамга «Амир Мусаяб ғози» деган жангномани ўқиб берар, мен ҳам кўплар қатори қишнинг узун кечаларида завқ билан тинглардим. Бир кун Дилором опа «Жулқунбойни биласанми?» деб сўраб-қолди. «Жулқунбой? Ким у?» деб сўрадим.

Дилором опа бу саволларга жавоб қилмасдан, беихтиёр «Ўтган кунлар», деди-ю, сўнг бир маромда ҳикоя қила бошлади. Дастлаб ажабландим, кейин ҳайратга тушдим, сўнг бутун вужудимни ҳаяжон чулғади. Ўтирган жойимда михланиб қолибман. Бутун олам унут бўлгандек, қизик, мўъжизали воқеалар гирдобига шўнғиб борардим. «Бек ошиқ» бобига келган эди чамамда, онам «Дугона, хамир тошиб кетди-ку, — дедилар ҳовлиқиб, — туринг, нонни ёпайлик, қолганини кечқурун айтиб берасиз...» Дилором опа билан онамга ёрдам бериш учун мен ҳам қўзгалдим. Тўғриси, Дилором опанинг сўлгин, дардчил юзлари кўзимга оловдек кўриниб кетди. Тандирга ўт қаладим: аланга ичидан «зарча юзли, оқ сариқдан келган Қумушбойи» чиқиб келаётгандек бўларди. «Қани энди, тезроқ нон ёпила қолса-ю, қоронғу тушиб, Отабек билан Қумушнинг тўйини эшитсам», деб ўйлардим. Дилором опани ортиқча савол билан бездириб, айниб қолишидан чўчиб, чурқ этиб оғиз очмадим. Ниҳоят, оқшом чўқди. Супада-ойдинда жой қилинди. Кун буйи қилинган оғир меҳнат ва иссиқ ҳаводан лоҳасланган отам, онам, укаларим уйқуга кетишди. Фақат иккаламиз уйғок. Дилором опа «Ўтган кунлар»ни қолган жойидан ҳикоя қила

бошлади... Ойнинг қизил гардиши қичрайиб, ялтираб, ғарбга томон оғиб борар, хўрозлар иккинчи топқир қичқиришга тушган эди. Онам икки-уч бор уйғониб, яна қайтиб ухлаб қолдилар. Опа шу қадар берилиб ҳикоя қилардики (тўғрироғи у ёддан ўқирди), Кумушнинг ўлими воқеасига келганда юрагим сиқилиб, хўнграб юбордим. Онам уйғониб кетиб: «Ҳа, нима бўлди, сенга?» деб сўрадилар. Жаҳл билан икки қўллаб ёстиқни муштладим. «О, ҳа, нима бўлди ўзи? — Онам ўринларидан туриб кетдилар — Тинчликми?» Ийглаб, титраб туриб: «Зайнаб Кумушга захар берди», дея олдим аранг. Онам нима гапличига энди тушундилар-да: «Бўлди-е дугона, — дедилар койиниб, — болам бечорани қон қилиб юборибсиз-ку» Дилором опа хижолатли жилмайиб турарди. У ўз «ҳикоя»сининг қуввайи таъсиридан бениҳоя мамнун эди. Бир оздан кейин кўз ёшларимни енгимга артиб, бўғиқ, хотиржам овозда: «Кейин... кейин нима бўлди?» деб сўрадим. Дилором опа малол олгандек асарнинг қолган бобларини ҳам айтиб берди. Энг охирида кўзларини қафти билан уқалаб олиб: «Отабекнинг ўғли Едгорбек Когонда «Болалар уйи»да тарбияланади, деб эшитган эдим. Бухорога келган йилим анча суриштирдим, топа олмадим, Темирийўлчи бир амакидан эшитишимча фронтга кетган экан, ким билади, эҳтимол урушда...», деди-ю йиғиси томоғига тикилди.

Дилором опа очган сеҳрли, жозибали, аини пайтда фожиали олам-Отабек ва Кумушбилар, Юсуфбек ҳожи ва Қутидорлар, Ўзбек оғим ва Офтоб оғимлар, Ҳасан ота ва Уста Олимлар, ниҳоят Мусулмонқул ва Худоёрхонлар, Мутал ва Содиқлар, таҳқирланган муҳаббати қотилага айлантирган Зайнаблар оламида яшардим...

Орадан йиллар ўтиб устоз асарларини бирин-кетин ўқий бошладим. Унинг ҳар бир асарини ўқиган сарим Дилором опа илк бор очган ўша рангин оламга янги олам қўшилиб борарди...

Абдулла Қодирий ҳажвиёти эса алоҳида бир олам. Устоз адибдан дастлаб сўз ўрганаман, ўзбекона урф-одатларни, сўзни жой-жойида ишлата олиш, халқимизга хос бўлган пичинг, киноя, қочирик, лоф ва чандиқларни осонгина, халқчил қилиб айта олиш сирларини ўрганаман. Баъзан шундай ҳам бўлади, катта бир романни «зарурат» юзасидан аранг ўқиб чиқасан. Елкангдан тоғ ағдарилгандай ўзингни анча енгил ҳис этасан. Эртасига яна «зарурат» юзасидан ўша романдаги воқеаларни тасаввурингда қайта тикламоқчи бўласан. Ҳарчанд уринма, эсингда китобнинг муқовасидан бўлак ҳеч нарса қолмаган бўлади: на бирорта одам, на бирорта образли фикр, на бирорта янги сўз. Абдулла Қодирийнинг истаган асаридан исталган варағини очиб, ярим бет ўқисангиз, янги бир қиёфа, гўзал бир манзара, ноёб бир диалог, кулгили ёки қизиқ бир луқма, ҳеч бўлмаганда, янги, аввал ишлатилмаган бир сўзга дуч келасиз. Бу асарлардаги ҳар бир қаҳрамон ўз қиёфасига, ўз қилиғига, ўзига хос тилга эга. Шуниси аниқки, ҳали бирорта ёзувчи адабиётимизда Абдулла Қодирийчалик шева-диалектдан усталик билан фойдалана олмаган. Унинг асарларида Тошкент, Фарғона, Бухоро, Туркистон, Ленинобод фарзандлари қатнашиб, ўз туғилган жойлари лаҳжасида гапирдилар. Гапирганда ҳам жуда қизиқ қилиб, беозор кулги қўзғаб гапирдилар.

Дарҳақиқат, Абдулла Қодирий ўзбек ҳажвиётида характер кулгисини олдинги сафга олиб чиққан новатор адиб сифатида биз учун ниҳоятда қадриlidir. Устознинг «Ёзувчиларимизга» сарлавҳали мақоласида «Муштум»га қатнашадиган мухбирларга мавзу танлаш, сўздан фойдаланиш, сунъий кулги чиқармаслик ва мухбирлик шахсига доир қатор маслаҳатлар бериб «кулги йўллари»нинг энг мўътабари «характер кулгиси»ни улуғлайди ва мисоллар ёрдамида тушунтириб беради.

Абдулла Қодирий жаҳон адабиётидан яхши хабардор бўлгани учун ҳам ўша оламшумул асарлар даражасида ижод қилган ва адабиёт назариясига оид қимматли фикрлар айтган. Муҳтарам олим ва драматург Иззат Султон айтганидек «ҳатто адабиётшуносликни ўз изидан эргаштира олган» улкан сўз санъаткоридир.

Абдулла Қодирий янги замон ҳажвиётининг туб мақсад ва вазифаларини етук бир назарийчи сифатида тушунтириб беради. Шу йўлда унинг ўзи катта фаоллик кўрсатади. Уша — Октябрь инқилобининг дастлабки йилларида Абдулла Қодирийнинг кўзи жамиятда бошқалар кўрмаган ёки эътиборсиз қараган нарсаларни тезда илғай олар, унинг қулоғи бошқалар эшитмаган гапларни, ошу нолаларни, «қиқир-қиқир» ва «хохо»ларни аниқ-равшан эшита олар, унинг қалби бошқалар туймаган туйғулардан гоҳида яшнаб кетар, ўрни келганда ларзага тушарди. Янги жамият қурилишининг барча жабҳаларидаги хоҳ катта, хоҳ кичик ўзгаришларга марксистик нуқтаи назардан, «Лениндан руҳ олиб» муносиб баҳо бера оларди. Шунинг учун ҳам унинг асарларидаги ҳажв-кулги жуда соғлом, ҳаётбахш, аини пайтда жуда таъсирчан.

Зотан, бу ҳажвиёт жамият ривожига тўсқинлик қилувчи иллатларни йўқотишга хизмат қилади.

Шубҳасиз, Абдулла Қодирий кулгичилиги, унинг кулгичилик бобидаги фикр ва мулоҳазалари ўзбек ҳажвиётининг ҳозирги ва бундан кейинги қатор авлодлари учун масофа жиҳатдан энг яқин, энг қулай, мукамал билим ва малака берувчи мактаб ролини ўтайверади.

Мурод Муҳаммад Дўст ИБРАТ

Адабий тилимиз ўзининг оҳанглари билан ёзма тасвири орасидаги номутаносибликдан сезиларли даражада озор кўраётган айни пайтларда Абдулла Қодирий ижодига бот ва бот қайтиш зарурати туғилапти,

Қодирий прозасининг сеҳру жозибаси сабабини кўпинча асарларидаги лутф ва ибодан излаймиз. Лекин фақатгина латиф ёзувчи, деган иборани қўллаш устозни камситишдан ўзга нарса эмас, негаки, лутфдан ғоят йироқ «Қалвак маҳзум...» лутфга бой «Утган кунлар» дан камроқ завқ билан ўқилмайди. Қодирий жуда серқирра, тарих ва замона олдида чўнг масъулиятни англаб ижод этган санъаткор.

Бизнинг ёш қаламкашлар, ўзимизча изланган бўлиб, анча-мунча текису нотекис йўлларга кириб кўряпмиз. Энди, сал-пал суягимиз қотиб англаяпмизки, ўша ўзимизнинг эски, синалган йўсиндан жуда узоқлашиб кетса ҳам бўлмас экан. Услубий изланишлар бўлмоғи шарт, лекин сўзлаш тарзида биз ёшларга Қодирий мактаби ҳали кўп замонларгача намуна бўлиб қолиши тайин.

Иқроор бўлишимиз керакки, кунлик матбуот, радио ва телевизорнинг нуқси уриб, аксар ёзганларимиз нўноқ таржимага ўхшаб қолаяпти. Ахборот воситалари шу тарзда сўзлашга ва ёзишга мажбур, чунки уларнинг вазифаси — тезкорлик, янгиликни кишиларга ҳаяллатмай етказиб бериш. Қолаверса, матбуот, радио, телевизор соҳасида турфа қобилиятли юз минглаб одамлар ишлайди, уларнинг ҳар бирига «сал эплак, ўхшатиброқ ёзгин», деб айтиб чиқолмаймиз. Адабиёт эса, бир кунлик нарса эмас, эртага ҳам, индинга ҳам, ўн ёки юз йил ўтиб ҳам керак бўлади. Янги замон прозаси Абдулла Қодирий ижоди мисолида муҳим бир синовдан ўтди. Кўплаб мақталган китоблар ора йўлда қолиб кетди, лекин Қодирий китоблари эскирмади. Бунинг сабабини характерлар миллийлигидан, сўзлаш тарзининг миллийлигидан ахтаришимиз керак.

Қодирийни биз ёшлар ўрганишимиз зарур иккинчи фазилати — кулги. Унда кулгининг беозор жилмайишдан тортиб, ўлдирадиган заҳархандага қадар, ҳамма туридан топилади. Қодирий сатираси жуда кучли. Пародия услубини қўллашда у Рабле ёки Свифтдан қолишмайди. Қодирий сатирасида яна бир нуқта борки, бу — холислик. Гўё ёзувчи бефарқдай туюлади, қаҳрамоннинг ўзи гапиради, тўйиб-тўйиб, сўзига маст бўлиб гапиради. Қалвак маҳзумни эсланг, бу қаҳрамон ўзининг ноҳақ, аянчли ва шу баробар кулгили эканини хаёл қилармикин?.. Дунё адабиётида жуда кам қўлланган ва энг оғир ҳисобланган бу услубни бизнинг Қодирий жуда бемалол қўллаган.

Қодирий сатирик асарларини ёза туриб, уларнинг ҳаммага ҳам ёқарвермаслигини олдиндан сезган, деб ўйлайман. Сезган, лекин қўрқмасдан ёзган. Иллатларга қарши курашмоқни инсоний бурч, деб билган. Албатта, у қизгин курашлардан чеккада туриб, нуқул лутф ва ибодан иборат асарларни битиши ҳам мумкин эди. Буниси энг осон йўл, негаки, бепарволик ва хотиржамликдан тайин бир киши эмас, жамият зарар кўради.

Шуни ўйласак, Қодирийнинг биз ёшлар ибрат олишимиз зарур учинчи бир фазилати — ҳақиқий граждандлиги англашилади.

АДАБИЁТГА БАХШИДА УМР

Адабиёт иморатини кўпчилик яратади. Уни барпо этишда меъморлар, моҳир усталарнинг хизмати қанчалик ардоқли бўлса, оддий заҳматқаш ходимларнинг меҳнати ҳам шунчалик зарур.

Бугун муборак етмиш ёшини нишонлаётганимиз Кибриё Қаҳҳорова адабиётимизнинг ана шундай қамтар, камсуқум заҳматқашларидан. У бутун умрини адабиётга бахшида этган, кўп йиллардан бери унинг ривожини йўлида қалол меҳнат қилиб келаётган фидойи аёл.

Шу ўринда Кибриёхонимнинг ҳаёт йўли ҳақида қисқа бўлса-да, тўхтаб ўтиш керак. У Самарқандда Лутфулла маҳдум Файзуллаев хонадонидан таваллуд топган. Лутфулла маҳдум ўз даврининг кўзга кўринган зиёлиларидан бўлган. У киши Бухородаги Қўқалдош мадрасасини тугатиб, бир неча йил мударрислик қилган. Лутфулла маҳдум форс ва араб тилларини яхши билган, шарқ фалсафаси, адабиётдан чуқур хабардор киши, машҳур татто эди. У революциядан кейин совет идораларида хизмат қилган, олти фарзанднинг отаси бўлмиш Лутфулла маҳдум Кибриёхонимга алоҳида меҳр билан қараган, уни ўзи ўқитган, ўзида бор илмлардан қизини баҳраманд қилган. Кибриёхоним ҳам қобилиятли бўлгани учун турли тилларни пухта ўрганган, эски қўлёзмаларни ўқишгина эмас, шарҳлаш санъатини ҳам эгаллаган эди. Орадан кўп ўтмай, унинг билимлари жуда қўл келади. 1937 йилда Кибриёхоним Ленинград Давлат университетининг шарқшунослик факультетига ўқишга кириди ва бу ерда машҳур шарқшунос олим Болдиревнинг қўлида таҳсил кўради. Уша йилларда Ленинградда Тожикистон Давлат нашриётининг бўлими бор эди. Бу бўлим тожикча-русча, русча-тожикча лугатлари билан бирга, классикларнинг асарларини ҳам нашр этарди. Кибриёхонимнинг иқтидори ўткирлиги туфайли уни шу бўлимга жамоатчи муҳаррир сифатида ишга тақлиф қилишган.

1941 йилда бошланган уруш ўқишни давом эттиришга имкон бермади. Кибриёхонимни Душанбега қақриб олишади. У бу ерда аввал Тожикистон Радиокomiteтида бош муҳаррир, кейин комсомол Марказий Комитетига масъул ходим бўлиб ишлайди. 1943 йилда эса кўнгилли бўлиб ҳарбий хизматга кетади. Кибриёхонимни Урта Осиё ҳарбий округи ўз ихтиёрида олиб қолади ва «Фрунзевец» газетасига ҳарбий таржимон қилиб тайинлашади. Орадан кўп ўтмай у КПСС сафига қабул қилинади. Айни чоқда, Кибриёхоним ўзбек радиосида ҳам ишлайди. У Ўзбек радиосининг тожик бўлимини

ташқил қилади, унинг биринчи муҳаррири, таржимони, диктори бўлади.

Урушдан кейинги йилларда Кибриёхоним таржимонлик билан шуғуллана бошлади. У биринчи марта рус тилидан ўзбек тилига турли қиссаларни таржима қилади. Кибриёхонимнинг таржимон сифатида ўсишида Абдулла Қаҳҳорнинг ёрдами катта бўлган. Адиб ўзига ва бошқаларга қанчалик талабчан бўлса, Кибриёхонимнинг таржимонлик фаолиятига ҳам шундай масъулият билан қараган, уни мустақил фикрлашга, изланишга, сўз устида қўнг билан ишлашга ўргатган. 50-йилларнинг ўрталарида рус совет ёзувчиларининг кўпгина асарларини, шу жумладан, Серафимовичнинг «Темир оқим» романини қайта таржима қилиш зарурияти туғилди. Бу романи биринчи марта Абдулла Қаҳҳор 20-йилларда таржима қилган эди. Кибриёхоним бу асарни мутлақо янгидан таржима қилган, Абдулла Қаҳҳор эса таҳрир ишларига кўмаклашган. М. Горькийнинг «Она» романи ҳам шу тарзда қайта таржима қилинган. Кибриёхонимнинг таржимонлик фаолияти ҳақида кўп гапириш мумкин. Бироқ мен унинг бу борадаги энг катта ишини таъкидлаш билан чекланаман. Бу иш — Л. Н. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» эпопеясининг таржимасидир. Бу иш ҳам Абдулла Қаҳҳор билан ижодий ҳамкорликда бажарилади. Маълумки, унинг биринчи китобини Абдулла Қаҳҳор таржима қилган эди. Иккинчи ва учинчи китобларни улар биргаликда таржима қилишди. Эпопеянинг тўртинчи китобини эса Кибриёхоним Абдулла Қаҳҳор вафотидан сўнг ёлғиз ўзи таржима қилди. Жаҳон адабиётининг бундай улуғ асарларини ўзбек тилига таржима қилиш бугунги ўзбек маданиятининг ривожини учун қанчалик муҳим эканини гапириб ўтирмасам ҳам бўлади.

Кибриёхоним фақат рус тилидан ўзбек тилига эмас, форс тилидан ўзбек тилига ва ўзбекчадан тожик тилига ҳам таржима қилади. Бу жиҳатдан айниқса, Абдулла Қаҳҳор асарларининг тожик тилига таржима қилиши муҳим. Кибриёхоним бу иши билан икки халқ ўртасидаги адабий қардошлик ишига ҳам катта ҳисса қўшди. Кибриё Қаҳҳорова адабиётнинг турли долзарб масалаларига бағишланган мақолалари билан ҳам матбуотда фаол қатнашади. Унинг матнуносликка бағишлаб ёзилган жиддий мақолалари адабий-илмий жамоатчиликка манзур бўлди.

Кибриёхоним мазмундор ҳаёт йўлини босиб ўтди.

Озод ШАРАФИДДИНОВ,
Беруний мукофоти лауреати.

«ЗАМОН ВА ИЖОБИЙ ҚАҲРАМОН»

1. Сиз замонавий ижобий қаҳрамонни қандай тасаввур қиласиз?
2. Ўзбек адабиётидаги қайси асарларда баркамол коммунист образи яратилган деб ҳисоблайсиз?
3. Яратмоқчи бўлган ижобий қаҳрамонларингиздаги қайси сифатларга кўпроқ эътибор беришни лозим кўрасиз?
4. Идеал қаҳрамон образини яратиш масаласига қандай қарайсиз?
5. Сизнинг фикрингизча, замонавий асарлардан қайси бирида баркамол ижобий қаҳрамон образи яратилган?
6. Яратмоқчи бўлган ижобий қаҳрамонингиз замонавий муҳитда ҳаракат қилишини афзал кўрасизми ёки тарихий муҳитдами?

Анкета саволларига Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати, адабиётшунос олим Салоҳиддин Мамажонов, ёзувчи Омон Мухторлар жавоб беради.

Ҳамид Ғулом

ИНСОННИ ТАДҚИҚ ЭТА БИЛИШ САЊАТИ

Адабий асар учун қаҳрамонни ўйлаб топиш зарур эмас, чунки у ҳаётда бор. Тарихда ҳам, ҳозирги замонда ҳам шундай одамлар борки, улар ҳар қандай жанрдаги асарга муносиб ва ибратомуз қаҳрамон бўлаолади. Узоқ ўтмишда ҳам, яқин даврларда ҳам, ҳозирги кунларда ҳам ҳаётда буюк воқеалар, кескин тўқнашувлар, тақрорланмас зиддиятлар, фожиалар, тантаналар, гадабалар, мағлубиятлар, дадил интилишлар ва жасоратли парвозлар содир бўлган ва содир бўлиб турадики, буларнинг марказида инсон ва унинг тақдири мавжуддир.

«Шарқ юлдузи» журналининг саволлари ҳар бир ёзувчи ва санъаткорда шубҳасиз, жуда кўп фикр-мулоҳазалар уйғотади, уларнинг хотирасида мураккаб адабий ижод жараёнида ўзлари шоҳид бўлган, ёки ўзлари бошларидан кечирган воқеаларни жонлантиради.

Ўзбек совет адабиётида мемуар, яъни адабий-биографик асарлар ёзишга эътибор ҳозирча етарли эмас. Биз Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Эргаш Жуманбулбул, Фозил Йўлдош, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзодаларнинг ҳаёт йўли ва ижодий лабораториясини ҳамон бутун тафсилоти билан тасаввур этабилмаймиз. Олимларимиз бу соҳада анча иш қилганликлари шубҳасиз.

Биз Комил Яшиннинг Ҳамза ижодий меросига алоҳида ҳурмат билан ижодий ёндашганини, Ҳамзани халқ ва адабиёт учун бутун камолоти ила кашф этганини, Лазиз Қаюмовнинг Ҳамза ижодий лабораториясини мукамал таҳлил этганини, Азиз Қаюмов ва Абдуқодир Ҳайитметовнинг Алишер Навоийнинг даври, ҳаёти, ижоди, замондошлари ҳақидаги олимона ва шоирона тадқиқотларини ташаккурона ҳурмат билан таъкидлаб ўтамиз. Аммо булар ва яна бир қанча ижодий-биографик тадқиқотлар — бу борадаги улкан ишнинг ибтидоси, холос.

Бу соҳада рус совет адабиётида бизга намуна бўлиб хизмат қиладиган бутун бир мактаб бор. Мен шу мактаб устозларидан бирини — Ираклий Андронниковни мисол қилиб кўрсатмоқчиман. Бу олим ва адиб, ноғиз ва санъаткор ёзувчининг ижодий лабораториясини очар экан, ҳар бир факт, деталь, штрих, белги ва энг муҳими, ҳар бир сўзга алоҳида ҳурмат ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлади. Унинг Пушкин, Лермонтов ёки бошқа ёзувчилар ҳақидаги ёзма нақли ёки оғзаки ҳикоясида уйдирма, ёлгон, тўқима, бўрттирма муболаға ёки камситиш каби қусурлардан асар ҳам йўқ. Аксинча, у ёзувчининг ўз асарлари ёки архив материалларидан ҳаққоний фойдаланади, ёзувчининг ижод хазинасида мавжуд жавоҳирларни териб, уларга андоза

бериб, ярқиратиб кўрсатади. Биз бу санъаткорнинг ижодга муҳаббати, илмий иқтидори, истеъдодни кашф этиш маҳорати туфайли у очган ижод қасрларининг бутун архитектурасини, то нақшларигача жами нафосатини, ҳатто бу нақшларнинг беқиёс жилоларини ҳам бешубҳа, аниқ-равшан кўрабиламиз.

Ҳозирги адабиёт, айниқса романчилик ва ижобий қаҳрамон ҳақидаги баҳсга доир ўз фикрларимни айтишдан аввал адабий таҳлилга доир баъзи фикрларимни дебоча сифатида илова қилишимдан мурод шулки, адабий жараёнга доир ҳар бир масала атрофлича кенг, батафсил ва ҳаққоний муҳокама этилишини ва хулоса чиқаришда шошма-шошарликка йўл қўйилмаслигини орзу қиламан.

Замонавий ижобий қаҳрамон масаласи — жуда муҳим, адабиётимизнинг бош масаласи. Агар бадиий наср жанрини назарда тутсак, кўп миллатли совет адабиётида ҳар йили юзлаб романлар, повестлар яратилади ва модомики, асар марказида бош қаҳрамон — яратувчи, қурашувчи инсон сиймоси турар экан, биз жуда кўп ижобий қаҳрамонлар номини санаб беришимиз мумкин. Айни вақтда, биз инкор этиб бўлмайдиган бир ҳақиқатни қайд этишимиз зарур: адабиётдаги сон-сановқис ижобий қаҳрамонлар орасида шундайлари борки, булар фақат совет адабиётида эмас, балки бутун жаҳон тарақийпарвар адабиётида нодир намуна — мезон бўлиб келмоқдалар ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қоладилар.

Мен анчагина мамлакатларда бўлиб, совет адабиётининг қайси асарлари хорижий тилларга таржима этилгани ва нашр қилингани билан қизиққанамда Максим Горький, Николай Островский, Михаил Шолохов, Алексей Толстой, Чингиз Айтматов, Дмитрий Фурманов, Сергей Смирнов, Александр Бекларнинг асарлари қаторида ўзбек совет адабиётидан Ойбекнинг «Қутлуг қон», Шароф Рашидовнинг «Бўрондан кучли», Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон», Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар» романларини ҳам тилга олдилар. Социалистик инқилоб ва граждон уруши қаҳрамонлари, янги социалистик ҳаёт бунёдкорлари ҳақидаги асарлар асрий мустамлакачилик қўллиги занжирларини парчалаб ташлаган, империалистик асорат зулматидан халос бўлган халқлар учун эркин, мустақил давлат тузишда, янги ҳаёт қуришда тинчлик ва тараққиёт йўлидан дадил боришда мактаб вазифасини ўтамоқдалар.

АҚШнинг Рейган бошлиқ маъмурияти ва унга ҳамкор империалистик НАТО иттифоқидаги давлатлар олиб бораётган ядровий зўравонлик сиёсати дунёда янги қирғинбарот уруш хавфини ҳаддан зиёда кучайтириб юборди. Ғарбий Европада зудлик билан ўрнатилаётган «Першинг»лар, қанотли ракеталар, Япония, Жанубий Корея, Покистон, Жанубий Африка республикаси, Исроил ва АҚШга ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан қарам яна ўнлаб давлатларнинг чексиз миқёсда қуроллантирилаётгани ер юзидаги миллиард-миллиард кишиларни қаттиқ ташвишлантириб қўйганлиги бежиз эмас. Ана шу ўта хатарли даврда урушга қарши, тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар ўртасидаги интернационал қардошлик учун қурашда совет ёзувчисининг овози бебаҳо аҳамият касб этади, адабиётимизнинг баркамол асарларидаги қурашчан қаҳрамонлар Куба ва Никарагуа, Вьетнам ва Афғонистон, Ангола ва Лаос, Гренада ва Кампучия ва яна ўнлаб мамлакатлар халқларининг миллий-озодлик қурашида, янги социалистик ҳаёт қуришида уларнинг қаҳрамонларига мардлик, матонат кўрсатишда намуна бўлиб хизмат қиладилар.

Мен замонавий ижобий қаҳрамонни ана шундай тушунаман.

Мен адабий асарда ижобий қаҳрамон яратиш масаласининг назарий томонига тўхталиб ўтирмайман. Бу ҳақда адабиётшунос олимларимиз қиймига етказиб ёзганлар. Мен фақат шуни таъкидламоқчиманки, ижобий қаҳрамоннинг ғояси аниқ, иродаси метин, юраги пок, меҳри ҳам, қаҳри ҳам ўзига хос, умуман ҳамма фазилатлари шундоққина кўриниб туриши керак. Ижобий қаҳрамон ўз мақсади йўлида муросасиз бўлиши шарт. Ҳаёт, меҳнат, қураш мураккаб, зиддиятли бўлгани учун шу шиддатли ҳаёт қозонида қайнаган, унда ҳал қилувчи бош ролни ўйнайдиган ижобий қаҳрамоннинг турмуши, биографияси ҳам шиддатли ва зиддиятли бўлишини табиий бир ҳол деб тушуниш, унинг босиб ўтган оғир йўли, кечирган ташвиш ва кулфатлари ҳақида шошма-шошарлик билан ёки юзаки мушоҳада асосида нотўғри хулоса чиқармаслик даркор.

Ижобий қаҳрамонлар ҳар жиҳатдан ижобий, яъни ҳеч қандай хатокамчиликларга йўл қўймайдиган, оғир ва мураккаб масалаларни заҳматсиз, машаққатсиз осонгина ҳал қиладиган, маънавиятда, шахсий ҳаётда ҳам мутлақо бенуқсон кишилар сифатида тасвирлансалар китобхон унча ишонмаслиги ҳам мумкин.

Совет адабиётдаги энг ёрқин ижобий образлардан бири, кўплар қатори шаҳсан менинг ҳам энг севимли қаҳрамоним Давидовни бир эслайлик. Питер

ишчиси, коммунист Давидовни Михаил Шолохов «Очилган қўриқ» романида қишлоқдаги, бинобарин «қулоқ» ва муштумзурлар ҳукмини ўтказиб турган, синфий кураш авж олган казаклар қишлоғига, беқиёс оғир ва мураккаб муҳитга ташлайди. Давидовга юклатилган вазифа Октябр кунларида даҳшатли тўплари гумбурлаб турган Қишки саройни ўқ ёмғири остида забт этиш даражасида оғир. Партиянинг бу масъулиятли вазифасини бажаришда жуда кўп машаққатларни бошидан кечиради: то партия ячейкасини, колхоз идорасини тузиб, халқни коллектив ҳаётга, янгича социалистик меҳнатга жалб этгунча у турли тоифа кишилар билан беҳисоб баҳсларга қиради, изланишлар вақтида иккиланган чоғлари ҳам бўлади; шахсий ҳаётида эса, то чин ёрини, ягона муҳаббат юлдузини топгунга қадар ўзи билан бирга ишлаган дўстининг хотини Лушканинг ишва-нозига учади. Лекин, биз коммунистик маслаҳи мустақкам, иродаси метин, чеккан машаққатлари, руҳий азоблари табиий-типик, ҳаёт оловида чиниқиб камолга етган Давидовни севамиз. Бизгина эмас, дунёдаги юз миллионлаб китобхонлар адабиётимиз классигининг бу асарини севиб ўқийдилар, Давидовнинг ҳаёти ва курашидан ибрат оладилар.

Мен адабиётнинг бошқа жанрларидан ҳам ўта зиддиятли воқеалар, ҳаёти, тақдири зиддиятларга тўла қаҳрамонлар тасвирланган ва албатта, бадиий камолотнинг юксак чўққиларига кўтарилган асарларни жуда кўп санаб беришим мумкин. Драматургиядан Треневнинг «Любовь Яровая», Корней-чукнинг «Фронт», Комил Яшиннинг «Инқилоб тонги», кинодраматургиядан Евгений Габриловичнинг «Коммунист» асарларининг бош қаҳрамонлари жамаиятда ҳам, шахсий ҳаётда ҳам мислсиз драмаларни бошларидан кечирадилар. Бу ижобий қаҳрамонлар жиддий ҳатоларга йўл қўядилар, лекин бу ҳатолар аввало, чуқур ҳаётий, ижтимоий негизларга эга бўлади ва ниҳоят, қаҳрамон ҳаёт ҳақиқатини туб моҳияти ила англаб етгач, заҳматлар, машаққатлар, курашлар, фидойиликлар эвазига тuzатилади.

Яна бир мисол. Роман жанрида ўзбек адабиётининг қалдирғочи — «Утган кунлар»да Отабек билан Кумуш муҳаббати пок, идеал муҳаббат. Булар феодал муҳитнинг зиддиятли машаққатларини енгиб, нурли орзуларига, чин бахтга эришадилар. Лекин Отабек, яъни ижобий қаҳрамон «ота-она орзуси» туфайли иккинчи марта уйланади. Унинг хотин устига хотин олиши, «ота-она орзуси» қаршисида иродасизлиги китобхон назарида ижобий қаҳрамонни салбий қаҳрамонга айлантириб юбориши ҳам ҳеч гап эмас эди! Аммо адиб ўша давр ижтимоий муҳитини шу қадар маҳорат билан тасвирлайди ва Отабекнинг иккинчи марта уйланишини унинг учун ҳам, Кумуш учун ҳам, Зайнаб учун ҳам ва улар яшаган ижтимоий муҳит учун ҳам даҳшатли фожиага айлантиради-да, ижобий қаҳрамонни камситиш ўрнига, унинг яхши фазилатларига яна янги фазилатлар қўша билади.

Ўзбек совет адабиётида коммунистларнинг ёрқин образи яратилган асарлар оз эмас. Ойбек, Рафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Миртемир шеър ва дostonларида коммунистлар образлари яратилди. Шароф Рашидов ва Мирмуҳсин, Раҳмат Файзий ва Иброҳим Раҳим, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов ва Пиримқул Қодиров романларида кўпгина ижобий қаҳрамонлар — бунёдкор коммунистлардир. Абдулла Қаҳҳор «Синчалак» повестида Саида образини яратиб, курашчан ёш коммунист — ижобий қаҳрамонларнинг йиғма сиймосини моҳирона тасвирлаб берди. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Жуманиёз Жабборов, Омон Матжон, Муҳаммад Али, Ҳусниддин Шари-повларнинг коммунист замондошларимиз ҳақидаги шеърларисиз ҳозирги ўзбек поэзиясини тасаввур этиш қийин.

Комил Яшиннинг «Ҳамза» романида ва кўп серияли «Оловли йўллар» фильмидаги бош қаҳрамонни мен ўзбек совет адабиёти ҳамда киносида яратилган энг баркамол бадиий образлардан бири деб ҳисоблайман.

Ўзбек драматургиясида Комил Яшиннинг «Инқилоб тонги», Уйғуннинг «Ҳуррият» ва «Парвоз», Назир Сафаровнинг «Шарқ тонги», Сарвар Азимовнинг «Юлдузлар жамоли», Иззат Султоннинг «Бургутнинг парвози», «Имон» драмаларидаги коммунистларнинг образлари бу жанрда қалам тибратаятган ёш ижодкорлар учун мактаб бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Уруш ва тинчлик масаласи кейинги қирқ йил ичида ҳеч қачон бунчалик долзарб масалага айланган эмас. Тўғри, бизнинг доно партиямиз ва одил ҳукуратимиз ер юзида барқарор тинчлик учун курашни бир кун ҳам тўхтатган ёки сусайтирган эмас. Аммо инсониятнинг ягона ҳаёт маскани мовий кура-мизни империалистик зўравонлар даҳшатли ҳалокат жарининг ёқасига шу қадар яқинлаштириб қўйдиларки, ҳар бир соф виждонли инсон оёққа туриб: «Қирғин ядро қуроллари йўқотилсин!» деб баралла ҳайқирадиган пайт келди. Гитлер фашизми бош кўтараётган пайтда устоз Горькийнинг: «Маданият арбоблари, сизлар ким билан?» деган даъвати жаҳон бўйлаб қандай жарангла-

ган бўлса, шу кунларда ҳам юракларимизда тинимсиз жаранглаб турсин. Адабиётда халқ учун, ҳаёт учун аҳамиятсиз майда-чуйда мавзулардан, ёзувчини асосий зарбдор гоъвий-ижодий ишдан чалғитадиган майда-чуйда гаплардан воз кечмоқ даркор.

Бадиий асар тарих ҳақида ёзиладими ёки замон ҳақида ёзиладими — ягона эзгу мақсадга — инсон бахт-саодатига хизмат қилмоғи даркор.

Давр совет адабиёти зиммасига ҳар қачонгидан ҳам улканроқ ва масъулиятлироқ вазифалар юкламоқда.

Ижобий қаҳрамонларимиз ана шу даврнинг энг илғор, энг курашчан инсонлари бўлмоғи зарур. Бунинг учун ёзувчи ҳаётни чуқур таҳлил этиш, бунёдкор одамни моҳирона кўра билиш санъатини мукаммал эгалламоғи даркор.

Салоҳиддин Мамажонов

1. Ижобий қаҳрамонда замонанинг асосий дарди, ўйи, фикри-зикри, катта ҳақиқати, улуғвор гоъсия, эзгу мақсадлари мужассамлашса, дейман. Шуни айтиш керакки, ҳар бир даврнинг ўз проблемаси, вазифаси, фазилати ва қийинчиликлари бўлади. Бу нарсалар шу замоннинг кишилари қалби, онги, психологияси, руҳий олами, орзу-армони билан жипс боғланиб кетади. Ҳозирги кунда партиямиз таъкидлаганидек, адабиётимизнинг диққат марказида шахннинг маънавий камолоти учун бор имкониятдан фойдаланиб кураш олиб бориш масаласи турибди. Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленумида сўзлаган нутқида «Кишиларни маънавий камол топтириш соҳасида катта иш олиб бормади туриб, ривожланган социализмни такомиллаштириб бўлмади», деб бежиз айтмаган эди. Бу бевосита ёзувчиларга, улар яратаётган ижобий қаҳрамон масаласига бориб тақалади. Ижобий қаҳрамонда замоннинг ижтимоий-ахлоқий идеали, даврнинг типик белгилари акс этсин, руҳи, интилишлари, фазилатлари, орзу-идеаллари билан янги авлоднинг қалбига ҳамоҳанг бўлсин, уларга таъсир қилсин ва ўз орқасидан эргаштирсин, деганимизда худди шу юқоридаги вазифадан келиб чиқамиз. Унинг коммунизм гоъсияга фидойи бўлишини, эртанги кунимизга юрак-юрагидан ишонишини, адолат ва ҳақиқат учун фаол курашишини истаймиз. Унда тирик одамга хос барча фазилатларни зўр меҳнат ва қаттиқ кураш туфайли қўлга кирган ғалаба-сидан чексиз қувонишини ҳам, муваффақиятсизликларидан тортган изтиробларини ҳам, севиш ва ҳижроннинг ширин азобларидан тўлганишларини ҳам... кўргимиз келади. У муҳитни, шароитни, ҳаётни идеалга мослаб ўзгартириш, қайта қуриш учун, дунёга бир бор келадиган инсонга катта бахт

бериш учун ўзини фидо қилсин. Ҳаётдаги, одамлардаги ва дунёдаги ёмонликка қарши, адолатсизлик, ноҳақлик, зулмга қарши мурасасиз кураш олиб борсин. Энг замонавий, энг жозибали ва энг таъсирли қаҳрамонни шундай тушунаман. Машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов адабиётнинг замонавийлиги хусусида сўзлаб мана бундай одил ва доно фикрни айтади:

«Адабиётнинг замонавийлиги унда тасвирланаётган қаҳрамоннинг қанчалик замонавийлигига — ижтимоий адолат учун курашда эҳтирослар туғёни синовига қандай бардош бера олишига, бугунги олам тақдири учун қанчалик куюниши ва қайғуришига, унинг тарихий хотирасининг қанчалик чуқур ва ўткирлигига, инсониятнинг эртанги кунига қанчалик ишончига боғлиқ.»

2. Юқоридаги фазилатларни мен энг аввало коммунист образида кўргим келади. Нега деганда ўзбек адабиёти мана олтмиш йилдан буён коммунист образини бадиий тадқиқ этиш билан банд. Бироқ ҳаётбахш, қудратли, гўзал ва ёрқин коммунист образи жуда-жуда кам яратилди. Икки томчи сувдек бир-бирига ўхшаган, фақат тўғри гапни гапирувчи, маслаҳат берувчи, ҳеч адашмайдиган, қоқилмайдиган, оғир, мушкул жумбоқлар ва чигал конфликтларни ҳам қандайдир «сирли хумча» си ёрдамида осонгина ҳал қилиб ташлайдиган схематик образлар талайгина бор. Аслида, бизнинг бугунги ҳаётимиз, бугунги ютуқларимиз, бугунги ақлий, руҳий, маданий ва эстетик даражамиз шу коммунистларнинг собит ва мардона кураши, меҳнати, фидойилиги туфайли қўлга кирди. Бутун инсоният тақдири ва келажаги учун жонини тикканлар ҳам шу коммунистлардир. Ҳаёт Марксдек, Лениндек буюк, камтар, боқий ва фидойи

коммунистларни берди. Буларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти билан шахсий ҳаёти ўртасида заррача узил-ш бўлмаган, аксинча иккала жабҳада ҳам улуғвор идеалларни ҳимоя қилганлар. Ҳаётимизни тебратаетганлар, бизни олға етаклаётганлар шу улуғ дохирлар таълимоти, ўғитлари, идеалларига содиқ коммунистлардир. Минг афсуски, коммунистликни ниқоб қилиб, ўз манфаати учун ҳеч нарсадан тоймайдиган, тили бошқа дили бошқа шахслар ҳам йўқ эмас. Адабиётимизда бундайларни фош қилувчи асарлар борлиги ва ёзилаётганлиги одамни қувонтиради. Бизнинг ташқи душманамиз аниқ — империализмдир. Ички душманларимиз, яъни социалистик тузумимизга, коммунистик ғоямизга ва улуғвор идеалларимизга доғ тушираётганлардан бири худди шу «ниқобдор» юлғичлардир — буларни дарров таниб ололмайсан киши. Адабиётимиз бундайларнинг ниқобини йиртиб, асил башарасини фош қилиши, уларни таниш ва илдизига болта уришда китобхонларга ёрдам бериши керак.

Мақсадга, орзу ва идеалга икки йўл билан егиш мумкин. Ҳаётдаги, одамлардаги ижобий сифатларни фаол қўллаб-қувватлаш, кенг тарғиб этиш орқали уни қарор топтирилади. Иккинчидан, шу яхши фазилатлар тантанасига тўсиқ бўлган ҳар хил қиёфа, ҳар хил типдаги ёмонликларга қарши кескин кураш олиб бориш, орқали ўша эзгуликка катта йўл очилади. Зотан коммунист образини ёки кенгроқ олсак ижобий қаҳрамон образини фақат ва фақат уларни тинимсиз фаолиятда, кескин кураш, меҳнат ва интилиш жараёнида кўрсатиш орқалигина яратиш мумкин: ўтқир конфликт бўлмаган ерда ҳеч қачон ижобий қаҳрамон ҳам, ёрқин салбий образ ҳам туғилмайди. Манфаатлар кураши, фикрлар, мақсадлар, ғоялар кураши оловини кечиб ўтган қаҳрамонгина ўзининг кимлигини, ақл-заковати, руҳий оламини бор бўйича намойиш қила олади. Ижобий қаҳрамон характерини (шаклландувчи ёки шаклланган характерини) очиш учун ҳам, салбий образни ҳаётий чиқариш учун ҳам ҳаракат, кураш майдони керак. Бизнинг қайси асаримизда коммунистлар, ижобий қаҳрамонлар ва салбий образлар кескин конфликт доирасига тортилган бўлса (хоҳ ички коллизия шаклида бўлсин), улар ҳаётий, жозибали чиқмоқда. Шу туфайли ҳам ўз-ўзидан маълумки конфликтли суёт ёки умуман конфликтсиз асарларда ҳаётий образлар яратилмаслиги табиий нарс.

Ижодкорнинг маҳорати давримизнинг зиддиятини, замондошимиз қал-

бидаги коллизияларни топа олиши ва уларнинг илдизларини теран бадиий тадқиқ этиб, жамиятимиз ривожига, одамларимиз камолотига қўмаклашишида кўринади. Баркамол коммунист образлари ҳам шундан туғилади.

«Чинор», «Диёнат», «Гирдоб» сингари асарларда коммунист образига шу даврнинг мезони, талаби билан ёндашилган, мураккаб психологик оламини теран таҳлил қилиш йўлидан борилган... Лекин ғоявий-бадиий кашфиёт даражасига кўтарилган коммунист образлари адабиётимизда истагимиз даражасида кўп эмас.

3. Бу саволга юқорида жавоб бергандайман. Шундай бўлса-да, яна бир-икки оғиз сўз айтмоқчиман. Шодлик — қувончга ташнаман, мунгли кўйни ва изтиробли бадиий асарларни, дардкаш лирикани ўзини унутиб тинглайман, ўқийман, кўраман, ғам босганда, оғир аҳволга тушганда ҳазил-мутойибадан, ҳажвдан мадад оламан. Яъни демокчиманки, асарлардан мана шундай ижобий қаҳрамонларни излайман, тўлақонли, самимий, ҳаётий, собитқадам, курашчан, нияти холис ва юксак, ўз бахтини халқ бахтида, она Ватани камолотида кўрувчи фидойи образларни маъқул кўраман. Доим интилувчи, муваффақиятсизлигидан тушкунликка тушмайдиган, нияти ва эътиқодидан қайтмайдиган, ҳамма нарсага қизиқадиган, кўп нарсани биладиган, мен билан бир умр маънавий дўст, дардкаш бўлиб қоладиган қаҳрамонни орзу қиламан. У мард, ўғил бола — рицарь, танги, одил ва ҳақиқатгўй... бўлса.

4. Идеал қаҳрамон деган тушунча аллақачон таъбирини еган. У ноҳаётий, жонсиз, ясама, схематик образ демакдир. Аммо ижобий қаҳрамонда давр кишиларининг типик фазилатлари мўжассамлаштирилибгина қолинмасдан, айна чоқда, унда халқнинг орзутилаги, ёзувчининг идеали ҳам ифодаланади. У шоирона кўтаринки пардада, романтик бўёқ чизгилари иштирокида кенг кўламли, ёрқин қилиб тасвирланиши керак. Ундан катта нур порлаб турсин ва бу ёлқин ўзга халқларга, узоқ-узоқ замонларга етиб борсин. Ижобий қаҳрамон умрбоқийлигининг илдизи шу ерда бўлса керак.

5. Бу саволнинг бошқа бир муҳим жиҳатига жавоб бермоқчиман. Яъни янги, баркамол ижобий қаҳрамон образини яратиш ёзувчининг катта талант эгаси эканлигидан далолат берувчи асосий фактордир, деган ҳақиқатни айтмоқчиман. Адабиётдаги янгилик унга янги қаҳрамонни олиб киришдан бошланади. Янги қаҳрамон эса ёзувчининг воқеликнинг очилмаган қатини кўта-

ришидан, ҳаётнинг янги проблема-сини ўртага қўйишидан ва уни ўзига хос бадий таҳлил қилишидан туғилади. Ҳамма гап олинган масалага умуминсоний манфаат нуқтаи назаридан, кишилик жамияти тарихи позициясидан ёндашишга ва уни ижодий умумлаштириш даражасига, ижтимоий-эстетик қимматга, жамиятга таъсир этиш қудратига боғлиқ. Ижодкорнинг анъаналарни дадил ёриб чиқиб, воқелик ва инсонни бадий тадқиқ қилиш усулида кашфиётлар қилишига боғлиқ. Бизда, баъзан, айрим ёзувчилар ўз асарларининг иттифоқ ўқувчилари орасида кенг тарқалмаслигининг сабабини юқоридаги ҳақиқатдан эмас, балки адабий танқидчиларнинг сустлигидан қидирадилар. Тўғри, адабий танқид бадий асарнинг шухрат топишига даҳлдор. Лекин эришилган ютуқ даражасида, мавжуд анъаналар доирасида қолиб кетган, на ифода йўлида, на жанрда кашфиёт қилмаган асарни қуруқ мақташ билан китобхонни ишонтириб бўлмайди.

6. Ижобий қахрамонни замонавий муҳитда ҳам, тарихий муҳитда ҳам ҳаракат қилишини ёқтираман. Албатта, даврнинг ижтимоий муҳит эҳтиёжи гоҳ замонавий муҳитдаги, гоҳ тарихий муҳитдаги қахрамонни талаб қилади. Улуғ Ватан уруши йиллари одамларда ватанпарварлик, адолат, озодлик ва тинчлик учун кураш туйғуларини кучайтириш ҳамда улардаги қахрамонлик, жанговарлик фазиятларини ўстириш мақсадида тарихий мавзуга алоҳида диққат қилинди: тарихий роман ва қиссалар, айниқса тарихий мавзудаги пьесалар, поэмалар кўплай ёзилди. Бугунги кунда ҳам эзгу идеаллар бобида ота-боболар билан ҳозирги совет кишилари ўртасида туташ иплар кучлилигини таъкидлаш нуқтаи назардан тарихий мавзуда асарлар ёзилмоқда. Шунини айтиш керакки, тарихий мавзудаги ижобий қахрамон ўша даврнинг типик белгисини ўзида ифодалагани ҳолда бугунги куннинг эҳтиёжи, дарди, вазифаси учун хизмат қилади. Тарихий асар замондошлар ва келажак авлод учун ёзилади. Бош мақсад бирор шоир ёки олим, давлат арбобининг таржимаи ҳолини бадий гавда-

лантириш эмас, балки улар фаолияти ва замонидаги катта сабоқларни бугун учун хизмат этиришидир. Бошқача айтганда бугуннинг ижтимоий, сиёсий, ахлоқий саволлари, жумбоқларига ўтмиш тажрибалари ёрдамида жавоб топишдир. Шунинг учун ҳам тарихий муҳитдаги ижобий қахрамонда ёзувчи яшаётган ҳозирги давр, ҳозирги халқ орзу идеали ётади. Бизда тарихий мавзуда ёзилган қатор асарларда икки камчилик ёрқин кўринади. Биринчи, ёзувчиларимиз тарихий факт, материал, қахрамоннинг таржимаи ҳоли доирасида қолиб кетмоқда, тарихий материал дарёсини ўз гоъвий нияти учун ёрқин буриб кетолмаптилар, натижада муҳим умумлаштиришлар қила олмаптилар. Иккинчи камчилик шуки, кўп тарихий асарларда ўхшаш материал, ўхшаш мавзу, мазмун, ўхшаш сюжет ва конфликт, ўхшаш қахрамон атрофида фикр юритилади. Сарой аҳли ўртасидаги ўзаро нифоқ, ота билан фарзанд орасидаги тахт учун кураш, сарой кишиларининг маънавий — ахлоқий бузуқлиги, дин ва жаҳолат келтирган кулфат, ўзаро талончилик уруши, камбағалнинг севгилисини мулкдорлар томонидан зўрлик билан тортиб олиниши — шунга ўхшаган такрор мотив ва бир хил ҳикоя усули жуда кўп. Бу нарса ўз ўзидан тарихий мавзуда янги қахрамон яратиш, кашф этишда катта гав бўлмоқда.

Замонавий муҳитда ҳаракат қилувчи ижобий қахрамонни яратишнинг аҳамияти чексиз. У халққа, жамиятга ўз олдида турган ўткир ҳаётий проблемаларни ечишда кўмаклашади. Одамларни ютуқларимиз, қийинчиликларимиз мисолида тарбиялайди, намуна бўлиб, олдинга чорлайди. Бироқ замонавий материалда ёрқин ижобий қахрамонни кашф этиш янада мушкул. Ёзувчи ҳаётни, одамларни, замоннинг бош проблемасини, воқеликдаги зиддиятларни ва янгилик белгиларини китобхонга нисбатан бир неча даража чуқур, теран билиши керак. Уни мафтун қиладиган ва сабоқ берадиган, қарашларимиз ва руҳиятимизга таъсир этадиган даражада ёрқин тасвирлаши лозим.

Омон Мухторов

1. Мен ўтган йили пахта йиғим-терим пайтида иккита область — Андижон ва Фарғонада бўлдим. Бўзда — ўз номи билан даштликда, эртақдаги сингари шаҳар, ажойиб боғлар яратган одамларни учратдим... Бўздаги йиғирмата қишлоқ бириккан, ўн етти минг аҳоли

яшаётган йирик хўжалик «Ленинск» совхозининг директори — Бўлишвой Мирзакаримов деган киши, рўпарамда содда, самимий жилмайиб турибди. У ҳорғин, тунда яхши ухламаган, яна кунни бўйи дала кезиб чиққан. Аммо унинг учун ўзи бажарадиган вазифа —

иш, холос. Сиздан «рахмат» кутмайди. Далаларда бундай одамларимиз кўп... Мен Сўхга бундан ўн йилча муқаддам бир боргандим. Лекин бу гал Фарғонага бориб, Сўхга йўлим тушганида, у ерда шу қадар кўп ажойиб инсонларни учратганимдан, дўпписига қуёшни жойлагиси келган боладек ҳолатни туйдим. Тоғликлар табиатан чиройли бўлишади. Лекин Сўхда улар бунинг устига фидойи одамлар экани мени ҳайратда қолдирди... Гражданлар уруши ҳамда Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси Бобожон Саидбеков ёши бир ерга бориб қолганию саломатлиги яхши эмаслигига қарамасдан, Сўх марказидаги қирқилган чинорлардан тортиб, кишлоқнинг эртанги кунда қандай бўлиши кераклигигача уни ташвишлантиради, ўйлатади... Сирожиддин Бўриев деган бошқа бир киши ҳам бор. Етимликда ўсган. Ҳарбий хизматни ўтаган. Қонда бир неча йил ишлаб, меҳнат инвалиди сифатида пенсияга чиққан. Аммо Сирожиддин ака қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. У шундан сўнг ер ўзлаштириб боғ яратган. Буниси майли... Сирожиддин Бўриев ўз уйида Ленин музейи барпо этган! Бу ишга нима сабабдан киришди? Ун уч йилдан буён музейни такомиллаштиришга уриниб, қуйманиб юрганининг боиси нима?! У ном чиқариш учун шундай қиялпими? Шон-шухрат учунми?.. Йўқ... Ун уч йил давомида, шундай иш қиялпман, деб у бировга мақтанган эмас. Бу ерда қандайдир муқаддас эътиқод бор. У Лениннинг улуғворлигини шунчаки яна бир марта таъкидлагиси келаётганга ўхшайди...

Қисқаси, қалбан гўзал, қаҳрамонликка, яратилга қодир инсонлар доим адабиётнинг диққат марказида туришган. Бизнинг замонамиз қаҳрамони ҳам шундай кишилар бўлишса керак...

2. Ўзбек адабиётида коммунист образига кўп мурожаат қилинган. Бу тўғрида қатор илмий ишлар ёзилган. Лекин... Мени бошқа гап ўйлатяпти; тенгдошларимдан деярли ҳеч ким ҳали бу образга яқин ҳам йўламаган экан... Коммунист образини яратишга уриниб, шеърлар ёзилган албатта... Лекин биронта йирик насрий асар, драма ёки фильм яратолганимиз йўқ... Нега бундай бўлди экан? Биринчидан, баркамол коммунист катта ҚАҲРАМОН; яқинлашишга журъат етишмаяпти шекилли. Иккинчидан, ҳозирги кунга келиб биз коммунистнинг ҳаётдаги обрў, мавқеини кўтариш устида одатдагидан чуқурроқ ўйлашга ўрганилми; демак, бу ўй энди — яқин келгусида мева беришига умид туғилади...

3. Яратмоқчи бўлган қаҳрамоним ҚАҲРАМОН бўлишини орзу қиламан...

Биз, масалан, халқимизнинг меҳмондўстлиги, самимияти, меҳнаткашлиги ҳақида кўп гапирамиз. Лекин унинг ерга чирмашиб, ҳаёт учун кураши қаҳрамонлиги ҳали етарлича баҳосини олмаган... Ўзбек аёли ўттиз йил, қирқ йил ёстиқдоши фронтда ҳалок бўлганига ишонмай уни кутади... Бу ҳам, аслида ҳаёт учун кураш! Аёлнинг кўрки ҳам, уни суяб турган тиргак ҳам — умид... Бундай аёлларимиз вафодорлик кўрсатиб, КУТИШ баробарида, ўз зиммаларидагидан кўпроқ МЕҲНАТ ҚИЛИШГАН, ГУЗАЛЛИК ЯРАТИШГАН... Етим-есир болаларни олиб тарбиялаш ўзбеклар учун фақат Улуғ Ватан уруши даврида рўй берган воқеа эмас. Бу ҳам ҳаёт учун кураш, бировнинг курашига кўмаклашиш, деймикан... Жиззахлик Отқул Назаров деган бир киши ҳақида икки оғиз сўз... Урушда унинг кўзлари хира тортади, бунинг устига икки қўлидан ажралади. У ўзича, уйга қайтиб болаларимга тирик товон бўлмаганим маъқулмикин, деб ўйлайди. Бундан воқиф бўлган унинг рафиқаси, сиз нега бизни камситасиз, наҳотки, биз сиздан воз кечадиган даражада тубан бўлсак, деган сўзлар билан уни қўймай уйга олиб келади. Бу Отқул ака ҳаётдан биринчи саҳифа. Иккинчиси... У кўрган-кечирганларини авлодлар учун ёзиб қолдирмоқчи бўлади. Кўзларини имкон етганча даволайди, лекин қўлсиз нимани, қандай ёзиш мумкин?! У бир ўнг, бир чап қўли бандига қалам боғлаб, ёзишга уринади. Натижа чиқмайди. Оёқ бармоқларини ишга солади. Узоқ кунлар, ойлар бадалида уринади. Яна натижа йўқ. У қаламни тишларига қистиради ва ниҳоят, тиши билан ўйлаганларини ёзади... Бундан ортиқ ҳаёт учун кураш бўладими дунёда!

4. Идеал қаҳрамонни давр яратса керак... Бизнинг ҳаётимизда сўнгги ўн йилликлар давомида идеал қаҳрамондан бир оз узоқлашиш рўй бергандек... Бунга яна қачондир қайтилади.

Ҳаётидаги ҚАҲРАМОНларнинг ҚАҲРАМОНЛИГИдан ёлгон чекингани сари, улар идеал қиёфага кириб бораверади...

5. Асқад Мухтор, Одил Еқубов асарларидаги қаҳрамонлар нисбатан баркамол, бутун... «Чинор», «Бухоронинг жин кўчалари», «Диёнат» ва бошқалар... Шукур Холмирзаев, Уткир Ҳошимов ҳикояларининг айрим қаҳрамонлари ҳам шундай...

6. Мен турли асарлар ёзишга уриндим. Лекин ҳали ўзим истаган бир ҚАҲРАМОННИ яратдим, деб ўйламайман. Бу қаҳрамон қайси муҳитда ҳаракат қилишининг аҳамияти йўқ...

ЁЗУВЧИ ВА ЗАМОНАВИЙЛИК

Кўп миллатли совет адабиёти олтимиш йилдан ортиқ давр мобайнида социалистик жамият кишиси ижтимоий-сиёсий, давлат фаолияти ва шахсий ҳаётининг барча жабҳаларини бадий тадқиқ этаётир. У тарихнинг ҳаракати-га мувофиқ узлуксиз ўзгараётган характер ва шароитнинг ўзаро алоқаларини кўрсатиб бераётир. Бундай тадқиқот барча авлод ёзувчиларидан замонга қизғин ҳамнафаслик, воқеликда коммунистик партия раҳнамолигида коммунизм барпо қилишнинг улкан режаларини ҳаётга тадқиқ этаётган миллионлаб совет халқларининг бунёдкорлик фаолияти яратган янгиликни чуқур англаш ақидаларини талаб қилади.

Социалистик реализм адабиётининг жанр ва мавзу қамрови ниҳоятда кенг. Ундаги мунтазам ўсиш-ўзгарыш жаҳондаги энг ғоявий ва энг илғор адабиётнинг кескин ривожини кўрсатувчи муҳим хусусиятлардан биридир. Айни пайтда унинг тараққиёт характерини белгилувчи бош йўналиш доимо замонавийликни теран бадий тадқиқ этиш совет турмуш тарзини ва унга хос ахлоқий фазилатларни тасдиқлаш, замондошимиз — меҳнаткаш ва курашчи, ватанпарвар ва интернационалистни тасвирлаш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолди.

Бугунги кунимизнинг адабий тажрибаси мана шундан ҳар қачонгидан ҳам яққолроқ далолат беради. Кўпгина миллий адабиётлар вакилларининг инқилобий ўтмишга, шунингдек, ўтмиш асрлар маданиятининг буюк арбоблари ҳаётига улкан ва тамомила қонуний диққат-эътибори билан бир қаторда улар ижодида замонавий мавзулар ўз қирра ва шаклларининг чексиз ранг-баранглиги билан ниҳоятда муҳим ўрин тутди.

А. Ананьевнинг совет жамияти ҳаётининг энг муҳим, ҳал қилувчи лаҳзалари йирик планда кўрсатилган «Урушсиз йиллар» романи



Георгий Петрович Владимиров республика-мизда яшаб ижод этаётган таниқли рус адабиётшунос олимидир.

Олимнинг «Дўстлик байроғи», «Буюк бирлик», «Янги дунё инсонпарварлиги» каби ўндан ортиқ адабий-танқидий китоблари ва кўплаб мақолалари чоп этилган. Уларда ўзбек адабиётининг кўп миллатли совет адабиёти ривожига қўшаётган ҳиссаси, ўзига хос ўрни кенг муқоясаларда кўрсатиб берилган.

Филология фанлари доктори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Георгий Петрович Владимиров илмий-адабий ижодни ташкилотчилик ҳамда педагогик фаолият билан биргаликда олиб бормоқда. У В. И. Ленин

замонни кўп планли ва мақсадга мувофиқ тадқиқ этишнинг ибратли намунасидир.

В. Кожевниковнинг «Илдизлар ва яшил маҳобат» романида замонни тадқиқ этиш бошқачароқ тарзда амалга оширилган. Асарда асосий диққат-эътибор ўн йиллар мобайнида шаклланган мустаҳкам анъаналарга эга бўлмиш улкан заводнинг ишчилар коллективи, ишчилар синфининг энг яхши вакиллари ҳаётини ёритишга қаратилган бўлиб, бу Должиковларнинг катта ва аҳил оиласи тимсолида мужассамлашган.

Йирик замонавий ишлаб чиқариш корхонасининг мураккаб ва қайноқ ҳаётини кўрсатар экан, ёзувчи уни жиждий умумлашмалар даражасига кўтаради, асарда ягона наряд асосида ишловчи бригадани ташкил этишдан то халқаро сиёсат масалаларигача бўлган фавқулодда кенг муаммолар қамраб олинади. Санъаткорнинг ўзига яхши таниш бўлган материалга бундай муносабати замонавий ишчининг қизиқишлар доираси, сиёсий онгининг юксаклиги, битмас-туганмас ижодий ташаббускорлиги тўғрисида, ишчилар муҳитида қарор топувчи ахлоқий принципларнинг юксаклиги ҳақида тугал тассавур ҳосил қилди.

В. Кожевниковнинг аввалги асарлари каби «Илдизлар ва яшил маҳобат» романида яққол кўзга ташланувчи хусусият — ишчилар маънавий дунёсига хос нафосатни, тафаккур юксаклиги, ахлоқий маданият, коллективизм, интернационализм, ўз шахсияти тўла намоён бўлувчи меҳнатга ижодий муносабатни кўрсатишга интилиш ҳисобланади.

Ч. Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» ва Н. Думбадзенин «Абадият қонуни» романлари ҳам совет ёзувчиларининг илғор идеаллар учун курашларда тобланган коммунистик ахлоқ қонунларининг қарор топиш ва мустаҳкамланиш диалектикасини очиб бериш маҳоратидан, замоннинг энг долзарб масала-

номидаги Тошкент Давлат университети филология факультетининг декани, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар Союзининг секретари, «Звезда Востока» журналининг бош муҳаррири вази-фаларида ишлаган кезларида ўзбек адабиётининг тадқиқи ва тарғибига сезиларли ҳисса қўшди. Мана қарийб қирқ йилдирки, у ТошДУнинг рус адабиёти кафедрасини бошқариб келмоқда. Георгий Петрович Владимиров бу йил етмиш ёшга тўлди. Адабиётшунос олимни қутлуғ ёши билан табриклав, янги мақолаларидан бирини эътиборингизга ҳавола қилаймиз.

Редакция

ларига фаол муносабатидан далолат беради. В. Кожевниковнинг «Илдиэрлар ва яшил маҳобат» романи каби ушбу асарларнинг ҳам етакчи пафосини Улуғ Октябрнинг қонуний самараси ўлароқ дунёга келган барча буюқ ҳодисаларга, қудратли, кўп миллатли давлат СССРнинг ташкил топиши, бутун инсоният тарихининг энг муҳим дақиқаларини белгилаб берган оламшумул воқеаларга ватанпарварларча қизгин садоқат ташкил этади.

Ю. В. Андропов СССРнинг олтинчи йиллик тараққиётини умумлаштирар экан, босиб ўтилган шонли йўлнинг энг муҳим натижалари қаторида шундай ибратли фактнн ҳам қайд этдики, мамлакатимизда «феодал-патриархал ва ҳатто уруғчилик муносабатлари ҳукмиронлик қилувчи қоқоқ миллий ўлкалар қолмади», республикаларнинг ижтимоий тарихида сифат ўзгаришлари рўй берди, «Янги тарихий бирлик — совет халқини ташкил этувчи социалистик миллатлар таркиб топди ва «илғор анъаналар, маънавий маданият асосларини изчил айрибошлаш асосида кўп миллатли социалистик маданият гуллаб-яшнади.»

Бугун биз кўп миллатли ягона совет адабиёти ҳақида, миллий адабиётлар алоқаларининг теранлашуви борасида, бу кўп қиррали ва мураккаб диалектик жараёнда интернационал жиҳатнинг мустаҳкамлашиши тўғрисида, ҳар бир миллий адабиёт ижодий потенциалининг янада юксалиши хусусида, бутуниттифоқ адабий жараёнига у қўшаётган хиссанннг тамомила ўзига ҳослиги ва бу хиссани кўпайтириш ҳақида баралла гапира оламиз. Турли миллат адабиёти вакиллари бўлмиш санъаткорлар яратган бой эстетик оламни баҳолашнинг ягона мезонига эмас, балки бу адабиётларда рўй бераётган жараёнларнинг моҳиятига чуқур кириб бориш (ва уларни концепция нуқтаи назаридан яхлит) англаш қарор топаётир.

Миллий адабиётлар ютуқларига мана шундай муносабатнинг самарадорлигини ўзбек совет адабиётининг ҳозирги босқичдаги тараққиёт тажрибалари ҳам тасдиқлайди. Ушбу тажрибалар шундан гувоҳлик берадики, ҳаётнинг ўзи туғдираётган муаммоларга қизиқиш публицистика ва очерқдан драматургия ва бадий насрғача турли-туман жанрларда қалам тебратувчи носирларнинг ижодий изланишларидаги бош йўналишни белгилайди. Бу тенденция ғоят таҳсинга сазовордир, зеро айнан мана шу йўналишда қутилган натижаларга эришиш мумкин.

«Иқтисодда ҳам, сиёсатда ҳам, идеологияда ҳам перспективаларни тўғри аниқлаш учун, — деган эди Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида (1983) сўзлаган нутқида, — энг аввало ижтимоий тараққиётнинг биз яшаётган ҳозирги босқичига хос хусусиятларни яққол тасаввур этмоқ керак. Партия уни ривожланган социализм босқичи сифатида белгилади. Бу социалистик принципларга мувофиқ иқтисодий негизи, ижтимоий таркиби, сиёсий системаси тўла ташкил топган социализм ўзининг коллектив негизида тараққий этаётган жамиятдир.»

Ривожланган социализмни такомиллаштириш — мураккаб ва серқирра жараёндир. У фавқулодда кенг муаммолар доирасини, ижтимоий ҳаётнинг иқтисоддан то маданиятга қадар ғоят ранг-баранг системаларини қамраб олади. Ва бу масалаларни, халқ билан партия фаолият йўналишларининг қамраб олиш ғоят мушкул бўлган бутун бир комплексини адаби-

ёт ва санъат инсон орқали идрок этади. 70—80 йиллар бадий насрида яратилган асарлардаги замондошларимизнинг образларидан иборат кенг ва ранг-баранг галереянинг аҳамияти мана шундадир. Албатта бошқа миллий адабиётлар каби ўзбек адабиётининг ҳам бугунги кунимизнинг ижобий қаҳрамони образини яратиш борасидаги изланишлари ўтган ўн йилликларнинг адабий тажрибалари ва ютуқларига таянади. Бу борада Ҳамза драмалари, Ойбек романлари, Ғафур Ғулум ва Ҳамид Олимжон поэмалари, Комил Яшин ва Уйғун пьесалари, хуллас, тўнғич авлод вакиллари томонидан барча жанрларда яратилган сара асарларни эсга олиш керак. Ушбу тажрибалар социализмнинг тантанаси йўлидаги қаҳрамонона курашларда мустаҳкамланди. Коммунистик партия раҳбарлигида шонли ва ибратли йўлни босиб ўтган халқимиз ҳаёти ва меҳнати бу асарларга манба бўлиб хизмат қилди. Бу шонли йўлни бадий тадқиқ этиш кейинги авлод вакиллари бўлмиш ўзбек ёзувчиларининг бир қатор ибратли асарларини дунёга келтирдик, уларда дастлабки ўн йилликлар ҳаёти, янгича ижтимоий муносабатлар бутун мураккаблиги билан ёрқин ва теран кўрсатиб берилган. Нэзир Сафаровнинг «Наврўз», Ҳамид Ғулумнинг «Машъал», Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар», Йўлдош Шамшаровнинг «Чироқ», Александр Удаловнинг «Ватан фарзанди» романлари мана шундай асарлар жумласидандир. Социалистик инкилоб шарофати билан ёруғликка чиққан Шарқ меҳнаткашлари вакиллари, совет кишилари қиёфалари ёритилган бундай асарлар қаторидан Саид Аҳмаднинг «Қирқ беш кун» ва Н. Бирюковнинг «Норин сувлари» романлари ҳам мустаҳкам ўрин олган бўлиб, ҳар иккала асар ҳам ўз даврининг фавқулодда иншооти бўлмиш Катта Фарғона каналини ғоят қисқа муддатда қуриб битказишдек ўзбек халқининг қаҳрамонона ғалабасига бағишланган.

Ҳозирги ўзбек адабиётидаги совет ҳаёти тарзини тасвирлаш, совет кишиларининг турғун ахлоқий фазилатларини тасдиқлаш принципларини англаш жиҳатидан социалистик жамиятнинг улкан бурилиш даврларига бағишланган асарлар ғоят муҳим аҳамиятга молик. Зеро уларда аксар янги инсон қиёфасининг психологик жиҳатлари ғоят аниқ белгилаб берилганки, бу жиҳатларсиз замондошимиз шахсиятининг моҳиятини тўла англаш мумкин эмас. Хусусан, Саид Аҳмаднинг биз юқорида тилга олган романи ҳам шундан далолат беради.

Роман муаллифи Ўзбекистон тарихининг тузумимизнинг бутун улуғворлигига садоқат ҳам, социалистик интернационализм ҳам, жамият манфаати учун сидқидилдан, фидокорона меҳнат қилишга бажонидил тайёрлик ҳисси ҳам фавқулодда куч билан намоён бўлган ибратли бир даврини «Қирқ беш кун» асарига мавзу қилиб олиб, совет адабиётининг халқ ҳаёти билан чамбарчас бирлигини, адабиётнинг баркамол шахс маънавиятини шакллантиришдаги юксак ижтимоий ва партиявий ролин амалда кўрсата олган. Бу жиҳатдан айниқса халқнинг қаҳрамонона меҳнатидан илҳомланган, бутун канал бўйлаб чўзилган кўп минг сонли қурувчилар армияси орасидан ўз очерклари, шеърлари, поэмаларининг қаҳрамонларини топган Ойбек, Ғафур Ғулум ва Ҳамид Олимжонларнинг Катта Фарғона канали қурилишидаги фаолиятларига бағишланган саҳифалар ғоят қимматлидир.

Бошқа жиҳатдан олганда, халқнинг улуғвор ва нурли мақсадлар йўлидаги эркин коллектив меҳнатда ўз характери ни тоблаётган асл ўғлонлари романнинг етакчи қаҳрамонларидир. Реал тарихий шахс, умумхалқ қурилишининг асл қаҳрамони Дунан Дўсमतов ҳам, меҳнат аҳли — канал қазувчиларнинг энг яхши хислатларини ўзида мужассамлаштирган Азизхон Умматалиев ҳам шулар жумласидандир.

Урушдан аввалги йилларда социалистик ижтимоий муносабатлар негизида партия тарбиялаган она ер заҳматкашларининг оммавий қаҳрамонликлари аниқ-равшан номён бўлган Катта Фарғона каналида ёзувчининг ўзи бевосита гувоҳ бўлган воқеалар, ўша тарихий давр кишиларининг, шунингдек, замондошларимизнинг ҳам кўпгина фазилатларини ўзларида мужассамлаштирган типик характерларни яратишга имкон берган.

Фақатгина Дунан Дўсमतов ёки ўсмир Азизхон эмас, Жўра полвон ҳам, Эш ака ҳам, Тожимурод Қодиров ҳам, Хайринисо Боқибоева ҳам, Лутфинисо ҳам асов Ёруннинг ўн минглаб жиловдорлари каби Улуғ Октябрь шарофати билан келажакнинг нури йўлига чиқиб олган халқнинг асл фарзандлари эдилар. Уларни совет ҳаёт тарзига хос типик шарт-шароитлар шакллантирганди. Ва уларнинг янги дунё бунёдкорлари сифатидаги кўтаринки мусобақаларида бош омиллар — юксак гражданик ҳисси, илғор ғоялар ва умумий иш йўлидаги виждонан, фидокорона меҳнат бўлган эди.

Бу омилларнинг шакллантирувчи ҳаётбахш таъсири замондошимиз шахсиятининг қарор топишида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбек ёзувчиларининг бугунги воқелигимиз бадий тадқиқ этилаётган, янги инсон — ватанпарвар ва интернационалистнинг камолот жараёни тасвирланаётган асарлари жуда кўп проблемалари қамраб олмақда. Ишчилар синфининг жамиятимиздаги улкан ролини акс эттириш шулар жумласига киради.

Кейинги йиллар ўзбек адабиётида ишчилар ҳаётига бағишланган асарлар орасида Иброҳим Раҳимнинг «Одам қандай тобланди» ва Мирмуҳсиннинг «Дегрез ўғли» романларини алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳар икки асар муаллифининг диққат марказида шахс сифатида мураккаб шаклланиш жараёнини бошидан кечираётган ишчи образи туради. Иккала асарда давр талабини аниқлашга ва жамият манфаатлари йўлида қилинадиган меҳнатнинг ўзгартирувчилик қудратини ҳис қилишга қобил шахслар тақрида коллективнинг роли кўрсатиб берилган. Эркин Акбаров ҳам («Одам қандай тобланди»), Арслон Улмасбоев ҳам («Дегрез ўғли») бирданга тўғри йўлни топиб ола қолмайди, балки уларнинг ҳар бири ўртоқлик, ишчи ҳамкорлиги мактабидан ўтиб совет ишчисининг бутун давлат ва ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги улуғвор миссиясини англаб, охир-оқибатда ўзини том маънодаги комил инсон деб аташ ва олдинда ҳали кутаётган энг оғир синовлардан ҳам ўтишга қодир ҳолда улкан йўл бошида собит туриш ҳуқуқига эга бўлади.

Шу ўринда яна Саид Аҳмаднинг «Қирқ беш кун» романига нэзар ташлайлик. Ушбу асар қаҳрамонларидан бири Азизхон Умматалиев улкан қурилиш ниҳоясида давлат аҳамиятига эга оламшумул галабалардан кўкси ғурурга тўлиб хаёлан ота-онасига мурожаат этиб, «Мана, мен одам бўлдим», дея хитоб қилади.

Ўзига ишонч, умумдавлат, умумхалқ манфаатларини теран тушуниш Азизхон Умматалиев каби Эркин Акбаровнинг ҳам, Арслон Улмасбоевнинг ҳам гражданик ҳисси ва фаол ҳаётий позициясидан эркин далолатдир. Ўзбек совет адабиётининг ижобий қаҳрамонига хос типологик хусусиятлар ҳам мана шуларда кўзга ташланади. Аммо бу типологик хусусиятлар инсон тақдирининг бутун мураккаблиги ва турли-туманлигини ташкил этувчи индивидуалликни инкор этмайди.

Завод коллективи тавсиясига биноан совет ҳоқимияти органларидан бирига масъул ишга кўтарилган замонавий, илғор ишчи образини яратар экан, Мирмуҳсин Ўзбекистонда ишчилар синфининг қарор топиш хусусиятларини тасвирлашга алоҳида эътибор беради. Ва асарнинг конкрет объекти сифатида ибратли тарихга эга бўлган, ўз печлари ёнида Тошкентнинг энг яхши дегрезларини тўплаган Сельмаш заводини олади. Роман сюжетининг ривожини ҳам, ўзбек ишчиси характерини тадқиқ этиш принциплари ҳам завод ҳаёти билан чамбарчас боғланади.

Ишчилар синфи ҳақидаги асарларни синчиклаб кўздан кечирав эканмиз, замонавий мавзуда роман ва қиссалар яратаётган ва уларда характер билан муҳит ўртасидаги диалектик муносабатларни ҳаққоний очиб бераётган носирларнинг ижодий позицияларидаги узвий бирликни англаймиз. Айни пайтда ҳозирги кўп миллатли совет адабиёти тажрибаси шуни кўрсатаёткирики, бундай муносабатлар ишчилар синфи вакилларининг фақатгина ишлаб чиқаришдаги фаолиятларидан иборат бўлавермайди, бу муносабатлар бугунги ҳаётимизнинг барча қатламларини, ҳозирги воқелигимизнинг барча аспектларини ва жамиятнинг барча табақаларини қамраб олади. Бу эса бугунги кун адабий қаҳрамонлари типларининг хилма-хиллигини таъминлайди ва замондошларимиз ҳаётий қизиқишларининг ранг-баранглиги, характерларининг тугаллиги ҳақида тасаввур ҳосил қилишга имкон беради.

Асқад Мухторнинг «Сахро тор» («Бўронларда бордек ҳаловат») пьесаси қаҳрамони Мардонкул Заргаров замондошимиз характерининг муҳим қирраларини ёритиб беради. Заргаров — бетиним изланувчи, майда ишлар билан ўралашиб қолмай, ўзини қуршаган оламни бутунисича қамраб олишга қодир, кенг миқёслардаги ташкилотчи. Заргаровга ўхшаш одамлар янги ҳаётни «кенг эпик миқёсларда ярата олувчи» бунёдкор қаҳрамонлардир.

Мардонкул Заргаровга табиатан яқин, аммо «Сахро тор» пьесасида тасвирланганга нисбатан бутунлай бошқача шарт-шароитларда ҳаракат қилувчи шахс типини биз Пиримқул Қодировнинг «Мерос» қиссасида учратамиз. Бу машҳур пахтакор, механизатор, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг иқтидорли ташкилотчиси Ёлқин Отажонов бўлиб, унинг прототипи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мамажон Дадажоновдир. «Мерос» қиссасида гоҳ «очерк реализми»га хос аломатлар яққол сезилиб туради.

Пиримқул Қодиров ўзи танлаган прототипнинг таржимаи ҳолига доир фактларга қатъий риоя қилишини яшириб ўтирмайди. Аммо бундан асарда яратилган замондошимиз образининг типик қимматиға путур етмайди. Аксинча, ҳаёт ҳақиқати қанчалик теран ёритилса, ривожланган социализм босқичида

ги совет кишининг характерида қарор топаётган фазилатлар шунчалик ёрқинроқ гавдаланади.

70-йилларнинг охири — 80-йилларнинг бошларида яратилган қатор муҳим насрий асарларда замондошимизнинг бир қарашда бевосита ишлаб чиқариш муносабатларидан узокроқ фаолият жаҳаларида намоён бўлувчи маънавий дунёсига эътибор бериш кучайди. Айтилик Одил Ёқубовнинг «Диёнат», Уктам Усмоновнинг «Гирдоб», Уткир Ҳошимовнинг «Нур борки, соя бор» романлари каби мавзу жиҳатидан хилма-хил асарлар шулар жумласидандир. Бу асарларнинг муаллифлари ахлоқий масалаларни бадий тадқиқ этиш билан жиддий шуғулланаётдилар. Юқорида номлари тилга олинган асарларнинг бош қаҳрамонлари — совет зиёлиларининг вакиллари. Нормурод Шомуродов («Диёнат») — улкан ва машаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтган йирик олим, Азиз Қосимов («Гирдоб») — пахтанинг янги навини яратиш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган ёш тадқиқотчи, Шерзод Самандаров («Нур борки, соя бор») — бошловчи журналист ва ёзувчи, Дамир Усмонов («Дамир Усмоновнинг икки баҳори») — яқин ўтмишда Урта Осиё тарихидаги энг мураккаб даврлардан бирига бағишланган кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилиш тараддудида юрган партия ходими. Уларнинг ёши ва изланишлар доираси хилма-хил, ҳар бири маънавий жиҳатдан бой ва гўзал, ёрқин ва тўлақонли шахсдир. Ушбу қаҳрамонларнинг характерида жонли, ривожланувчи, мунтазам ўзгариб турувчи шарт-шароитларда ҳам уларга ўзлигида собит қолишга имкон берувчи ибтидо бўртиб туради. Гражданик диёнати, юсак коммунистик ахлоқ принципларига садоқат, мустақкам эътиқодни сақлаган ҳолда энг оғир синовлардан шараф билан ўтишда, Нормурод Шомуродовга, айни мана шу ибтидо ёрдам беради. У фандаги шухратпарастлар билан курашда ва халқ хўжалиги учун улкан аҳамиятга эга бўлган

ишини ниҳоясига етказишда Азиз Қосимовга куч бағишлайди.

Ҳақиқатни шиддатли жангларда қўллаб-қувватлашга ва ўз муҳаббатини ҳам, эътиқодини ҳам қаҳрамонларча ҳимоя қилишга мажбур бўлган Шерзоднинг хатти-ҳаракатлари-чи? Қаҳрамоннинг барча хатти-ҳаракатларига хос мантиқни белгилаб турувчи ва унинг шахсига кучли таъсир ўтказган принципларнинг ҳаётий қудратидан далолат берувчи нарса мана шу ибтидо эмасми, ахир.

Бодомсой район партия комитетининг биринчи секретари Дамир Усмоновнинг ҳар бир хатти-ҳаракатида партия ва халқ олдидаги, Ҳафизадай энг қадрли одам олдидаги масъулиятни чуқур ҳис қилган жасур ва соф виждонли шахснинг характер яхлитлиги англашилиб туради.

Бу қаҳрамонлар ҳозирги ўзбек насрида биз учратадиган янги инсон характерига тобора чуқурроқ кириб боришнинг айрим намуналари, холос.

Бадий образ иккинчи бор такрорланмайдиган кашфиётдир. Нормурод Шомуродов ҳам, Азиз Қосимов ҳам, Шерзод Самандаров ҳам, Дамир Усмонов ҳам у ёки бу даражада мана шундан гувоҳлик беради. Саъдулла Кароматовнинг «Олтин қум» романидаги геолог олим Шерали Алиевич ва медицина ҳамшираси Сабогул образларини ҳам шулар қаторига қўйиш мумкин. Бу образлар замондошимиз маънавий дунёси, унинг ахлоқий қиёфасига хос нафосат ҳақидаги тасаввурларимизни бойитади. Улар ривожланган социализм босқичида совет ҳаёт тарзи учун характерли шарт-шароитларда, янги инсонни ҳар томонлама камол топтиришнинг битмас-туганмас имкониятларидан далолат берувчи янги жиҳатларни воқе қиладилар. Аммо етуқ социализмни такомиллаштириш тарбия соҳасида эришилган барча ютуқларни янада мустақкамлашни тақозо этади, бинобарин, жамият тараққиётининг ҳозирги босқичи давр талабига сергаклик билан жавоб берувчи ижодкорлар зиммасига янги ва улкан вазифалар юклайди.

Норбой Худойберганов

ҲАҚИҚАТ ЁҒДУЛАРИ

Шеърят таҳлили тажрибасидан: ўйлар, кузатишлар, қайдлар¹

Тараққиёт йўлида

Ҳозирги ўзбек шеърляти қандай юсакликларга кўтарилди, нималарни қўлга киритиб, нималарга эришмаётир, деган муаммо устида ўйлаб юрганимда «Шарқ юлдузи» журналининг 1956 йил 10-сонидagi шеърлар билан танишиб қолдим. Бу шеърлар ғоятда силлик, пўхта ёзилган, шаклидан биронта нуқсон тополмайсиз: вазни бузилмаган, мисралар тўғри қофиялаштирилган, туроқлар жойида, раvon ўқилади. Ҳа, раvon ўқилади, асло қийналмайсиз, ҳеч қандай жумбоқ йўқ, ҳамма нарса очиқ-ойдин айтилган, лекин қалбларни тўлқинлантириб, онгу тафаккурингизни бойитадиган, ҳаётнинг муҳим ҳамда мураккаб ижтимоий-маънавий муаммоларини ўзига хос оригинал бадий воситалар орқали чуқур ёритадиган чинакам поэтик кашфиётлар яратилганми?

Шу нуқтаи назардан Эркин Воҳидовнинг «Пахта» шеърини ўқий бошлаймиз:

Тонг еллари билан ўйнашиб,
Кўк шамлари сўниб қолдилар.

¹Мунозара тарзида берилмоқда — ред.

аммо баъзан унинг авжи пасаяди, катта кашфиётлар яратилмайди, жиддий нуқсонларга йўл қўйилади, истеъодларнинг ижодий парвозлари сусаяди. Қисқаси, ижтимоий-маънавий тараққиётдаги номуофиқликлар сўз санъати равнақиға салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу, айниқса, Улуғ Ватан урушидан кейинги тинч қурилиш йилларида рўй берди. Гап мадҳия-бозлиқнинг ҳукмрон вазиятини эгаллагани ҳақида бораётир. Яна такрорлаймиз: мадҳияға эмас, мадҳиябозликка қаршимиз. Чунки, ижодкор яратувчи инсоннинг улугворлигини, қаҳрамонлигини тараққиёт тақозосига кўра, албатта, тараннум этади. Лекин бунда бир шартга риоя қилиш керак: борни борича ошириб-тоширмасдан кўрсатиб, фазилатларнинг моҳиятини ҳаққоний ёритган ёзувчи кўзланган натижаға эришади, акс ҳолда мадҳиябозлик келиб чиқади. Энг муҳими, ҳар қандай тасвир ҳаётий воқеаларнинг бадий таҳлилидан табиий равишда туғилиши, оригинал шаклда ишонарли ифодаланиши зарур. Бироқ улуглаш қанчалик муҳим бўлмасин, фақат унинг ўзи билан иш битмайди. Негаки, социалистик реализм адабиёти ҳаётини коммунистик этикод асосида ўзгартириш, қайта қуришға таъсир кўрсатиш, кўмаклашишни санъаткорнинг бош вазифаси қилиб белгиланган. Ҳар бир образ, ҳар бир сўз, ибора ҳатто тиниш белгилари ҳам жанговарлик, курашчанлик руҳи билан суғорилмоғи даркорки, буни кўпчилик ижодкорлар тўла эътироф этадилар-у, аммо шунга мувофиқ қалам тебратиб, онгу тафаккуримизға таъсир этадиган салмоқли асарлар яратишға бирдек муваффақ бўлаолмайдилар. Яратган асарлари-чи? Улар аксари ҳолларда шаклан, яъни «бўй-бастии», кўриниши билан бадий асарға ўхшайди-ю, аслида эса ўқувчини ҳаяжонға солиб, теварак-атрофдаги воқеаларға актив муносабатда бўлишиға таъсир қилмайди. Мисоллар билан танишинг:

**Қўшиқ айтар чаққон теримчи,
Нурға тўлган далани кезар.
Қувончидан қалби лиммо-лим
Мўл ҳосил-ла хирмонин безар.**

**Минг хилдан ясаб гулдаста,
Йўлга чиқдим оқшомға яқин.
Қўшиқ айтиб борардим аста,
Кўкда булут қақса ҳам қақин.**

Икки тўртликда ҳам лирик қаҳрамон яйраб-яшнаб қўшиқ айтаётгани тараннум этилади. Улардан бири далада пахта тераётиб куйлайди, иккинчиси эса йўлда ашула айтаяпти ва ҳар иккаласининг хатти-ҳаракатлари анча силлиқ ифодаланган, муסיқийлик мавжуд. Бироқ қалбимизни тўлқинлантирадиган поэтик образ яратилмаган, қаламға олинган ҳаёт ҳодисаси чуқур идрок этилмаган. Буни чуқурроқ ҳис қилиш учун «Боғда» деб аталган яна бир шеърда баён этилган мана бу гапларнинг маъзини чақайлик: «Тилни ёрар бу узумлар шарбати, қандай шунча соз парвариш этилган. Ҳа, шубҳасиз, боғбон қизининг меҳнати ҳар гўжумда асал бўлиб етилган. Саватларға жойлайди пахтазорим сари тезроқ элтай деб, Колхозчилар тер тўкишиб ишлайди, роҳат қилиб дам олишини бундан еб.»

Бундай тасвирлардан кўнгиллар қувончға тўлмайди, қалблар яйраб яшнамайди? Худди шундай: ҳамма ерда, далаларда, боғларда фақат қувонч, фақат бахт ҳукмрон, заррача ғам, қайғу, ташвиш йўқ. Бироқ реал воқелик, ҳаёт бундан мураккаброқ, чигалроқ, теварак-атрофимизда фақат нур эмас, соя ҳам фақат яхшилик эмас, ёмонлик ҳам, фақат шодлик эмас, ғам-алам ҳам мавжуд...

Биз кўриб ўтган ҳар уччала шеърда нур бор-у, соя йўқ, бахт бор, бахтсизлиқни асло учратмаймиз, қувонамиз-у, лекин ғам-аламни билмаймиз, деган фикр ифодаланган. Тўғри, бу фикрда жон бор: ҳаётимиз-тобора фаровонлашиб, бойиб, гўзаллашиб бораёпти, аммо ўша шеърларда фақат ижобий ҳодисалар, фақат нурлар шундай оҳанг билан таърифланиб, тавсифланадики, гўё ҳаётдаги барча салбий кучлар, ҳар хил иллатлар таг-томири билан аллақачонлароқ гўёриб ташланган, батамом тугатилгандек таассурот қолдиради. Мана шундай сохта пафос фақат учта шеърда эмас, балки ўнлаб поэтик, эпик ҳамда драматик асарларда ҳақиқат тарзида талқин этилди. КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми (1983) материалларидан аёнки, совет кишиларининг маънавий-ижтимоий дунёсини, меҳнат фаолиятини мавжуд мураккабликлари, зиддиятлари билан ҳаққоний ёритиш борасида ҳали кўп ишлар қилиш зарур. Шунинг учун ҳам коммунистик мафкурамизнинг самарадорлигини ошириш чоралари, воситалари ҳақида тўхталиб, Ю. В. Андропов қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Бу соҳада ҳали биз кўп нарсани ўрганиб олишимиз керак, расмиятчилик, андозачилик, ҳадиксираш, баъзан фикрлашдаги ялқовлик бу йўлда бизнинг энг катта душманларимиздир.» Мана шу энг катта душманларға қарши аёвсиз кураш олиб бориш жараёнида, деб ўқирди ўртоқ Ю. В. Андропов «сўз билан ишнинг ҳамиша бир жойдан чиқишиға эришиш, ишнинг моҳиятини эса унинг шакли билан алмаштирилмаслиги ниҳоятда муҳимдир.»

Бу кўрсатмалар мафкурамизнинг барча жабҳаларига, бинобарин, адабиёт ва санъатға бевосита тааллуқлидир. Ахир, кўпгина бадий асарларда андозачилик, схематизм, юзакилик ҳукмронлик қилиб, социалистик реализмнинг барқ уриб ривожланишиға халақит берганлиги сир эмас-ку! Очигини айтиш керак: қирқинчи йилларнинг охиридан то олтмишинчи йилларнинг бошларигача адабиётимизда, хусусан шеъримизда етакчи мавқелардан бирини эгаллаган офаринбозлик қолдиқлари ҳозиргача учраб туради. Лекин шуниси қувонарлики, ҳаётни чуқур идрок этиб, бадий тадқиқ қилиш орқали коммунистик этикодға мувофиқ ўзгартириш тенденцияси эллигинчи йилларнинг иккинчи ярмидан адабиётимиздаги мадҳиябозлиқни суриб чиқара бошлади.

Бундай жиддий ўзгаришининг бир қанча омиллари мавжуд. Аввало шуки, ҳаётнинг ўзи, етук социалистик жамиятимиз асосиз мактовларни рад этиб, ижодкорларнинг маънавий-

ижтимоий тараққиёт қонунларини, қаҳрамонларнинг интим-оилавий дунёсини, меҳнат фаолиятини бор зиддиятлари билан ҳаққоний ёритишни талаб қилмоқда. Иккинчидан, чинакам истеъдод эгалари ўзларининг нималарга қодир эканликларини, бёр куч-қудрати, имкониятларини жанговарлик руҳи билан суғорилган шиддаткор, фаол образларда кўрсатмоқдалар. Учинчидан, қаламга олинган муаммоларнинг ижтимоий илдишларини чуқур тадқиқ этишга қаратилган бадий сўз қалбларни тўлқинлантириб, маънавий дунёмизни бойитишга хизмат қилади. Энг муҳими, ҳаёт ҳақиқатини заррача сохталаштирмасдан, бўяб-бежамасдан рўйроғ гавдалантирадиган ғоятда таъсирчан поэтик образлар кашф этиш катта аҳамиятга эгадир.

Бу омилларни бир-бирига табиий равишда «пайвандлаб» кучли ижодий воситага айлантириш учун тинмай изланган ижодкорлар орасида Эркин Воҳидов ажралиб турди. Унинг 50-йилларнинг охири ва 60-йилларда босилиб чиққан шеърларидаги аксари фикрлар, туйғулар юракдан отилиб чиққанлиги, самимийлиги туфайли кўпчиликнинг диққатини жалб этди. Негаки, сўз санъати, шеърят самимийликдан бошланади ва ҳар бир образ, ибора, сатрда қалби тебранишлари, изтироблари, мавжлари ўз ифодасини топиши билан. Лекин чинакам санъат, поэтик ижод фақат самимийлик, фақат юрак туғенининг ўзи билан узоқ умр кўриб, маънавий сабоқ берадиган беқиёс, нодир ва ноёб манбага айланолмайдик, буни Эркин Воҳидов аста-секин тушуниб етди. Натижада «Тирик сайёралар» китоби вужудга келди. Ҳўқорида кўриб ўтганимиз «Биз ишлалаймиз» шеъри мана шу китобнинг ғоявий-бадий қимматини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Чунки Эркин Воҳидовнинг кўпгина шеърлари, шу жумладан, «Ёшлик девони»даги лирик қаҳрамон асос эътибори билан яратувчи, курашчан эмас, балки фаол кузатувчи, мавжуд нарсаларни кўрувчи, англовчи инсон бўлиб гавдаланди. Шоирнинг ўзи қаламга олинган мавзуларни кўпроқ ташқарида туриб идрок этувчи, ижобий ҳодисаларни самимий таърифлаб, уларни қўллаб-қувватлашга чорловчи сифатида намоён бўлди. Агар Эркин Воҳидовнинг дастлабки шеърларидаги лирик қаҳрамонлари яхшини яхши дейиш билан чекланган бўлса, етмишинчи йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб у яхшининг нима учун яхши эканлигини, ёмоннинг юзага чиқиш, кўпайиш сабабларини, ижтимоий илдишларини топишга ҳаракат қилди, фаол кузатувчиликдан курашчанлик, жанговарлик сари интилди. «Тирик сайёралар» тўпламидаги кўпгина шеърларда шундай кайфият ифодаланган. Айниқса, «Арслон ўргатувчи» шеъри шиддаткор, жанговар руҳ билан суғорилгани учун шухрат қозондики, бу ҳақда мунаққидларимиз қимматли мулоҳазалар билдирган. Шоир ҳужумкорлик руҳи билан суғорилган бир шеърини «Бонг уринг!» деб атади ва бу шеърда: «Ўрмонлар ёнса-ку чопамиз, тинмаймиз ўртанса ўрмонлар. Чорани қаердан топамиз фурсатга ўт кетса, инсонлар! Вақт ёнар, биз мажлис қиламиз. Тамаки тутуни димоқда, шу тутун ичида, биламиз умримиз ёнмоқда, ёнмоқда... Одамлар, ўйқудан уйғонинг, шошилинг, қидиринг тез нажот. Ҳон куйсин, қалб ёнсин, сиз ёнинг, то ёниб кетмасин бу ҳаёт» деб ҳайқиради.

Жуда саз: ҳайқирсин! Иложи бўлса, бор овози билан оғу кўкни титратсин! Ахир ҳаётда ана шундай ёниб-куйган, қалбида олов ловуллаб турган кишигина ҳар қандай бепарволик, мурасасизлик пардасини мардонавор йиртиб ташлаб, курашчан руҳ билан яшайди. Ҳақиқий шеърят мана шундай қаҳрамонлар ҳаётини ёритиб турадиган ёғдуга, нурлар силсиласига айланаши даркор. Шунинг назарда тутиб Асқад Мухтор қуйидагиларни ёзади: «Бу ажойиб санъатнинг (яъни шеърятнинг — Н. Х.) сирли ва чексиз имкониятлари, беназир бир мўъжизаси бор. У сиздаги ҳаёт ва одамлар ҳақида ҳамиша ва тбора чуқурроқ ўйлаш майлини рағбатлантириб, фикр кўрини ўчирмай доим уқунлантириб туради. Уқунлардан янги шеърлар туғилиб, китоб таркиб топгандан кейин қарасангиз — шу ўтган йиллардаги ўз ҳолатингизни, яшамоқ истаб типирчилаб турган безовта бир руҳни кўрасиз.»

Безовта руҳ, фикрлар учқуни, туйғулар кўри, ҳаёт ёғдуларини лирик қаҳрамон «жони-ю танига сингдирмасдан салмоқли поэтик образ яратиш тўғрисида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас, лекин ҳар бир шеър, умуман бадий ижод ижтимоий-маънавий тараққиётга сезиларли таъсир кўрсатиши, замон эҳтиёжларини қондириши, ўқувчиларни тўлқинлантириб, уларнинг руҳий дунёсини бойитиши, битмас-туганмас завқ-шавқ бахш этиши муқаррардир. Агар бунга эришилмаса, ижодкор, шоир ўзининг гражданлик бурчини адо этолмайди.

Гражданлик моҳияти

Ҳақиқий ижодкор — биринчи галда ўз эл-юртининг граждани. У ўзининг шундай баркамол, қудратли граждан эканлигини таъсирчан, ҳаққоний образларга сингдириб, тақдорланмас, бой ва ранг-баранг бадий олам яратиши керак. Чунки, гражданлик жуда муқаддас ва мураккаб омил бўлиб, у хилма-хил воситалар, формалар орқали намоён бўлади. Айниқса, шеърятда гражданликнинг ифодаланиш йўллари анча мураккаблашди. Гап ҳақиқий шеърят ҳақида кетаяпти. Негаки, «тани» бору «жони» йўқ шеър ёзганлар ҳам яхши ният билан кўлга қалам оладилар. Лекин бадий ижодда, хусусан, шеърятда, яхши ниятнинг ўзи билан ижодий муваффақиятни қўлга киритиш мумкин эмас. Фақат истеъдод, чинакам истеъдодгина ҳал қилувчи омил бўла олади. Аммо қайси поэтик асарда қандай истеъдод мавжудлигини аниқлаш анча мушкулдир. Чунки, кўпгина оддий одамлар қалби, вужуди ранг-баранг куйлар, оҳангларга лиммо-лим бўлгани учун, айтилаб, «омон»ни «замон»га, «бўстон»ни «гулистон»га ёки «ёр»ни «бор»га қофиялаштириб, шеър ёза олиши, аниқроғи, шеър ёзиш техникасини эгаллаши мумкин. Аслида уларда шеърни ёзиш, яратиш истеъдоди эмас, балки шеърни тушуниш, идрок этиш қобилияти бўлади, аммо бир қанча кишилар, хусусан ёшлар, ўзларида чинакам истеъдод бор ёки йўқлигини аниқлаб улгурмаслариданоқ, қандай қилиб бўлмасин шеърят оламига киришга «жон-жаҳдлари билан интиладилар. Интилиш натижасида баъзан ўнлаб шеърларни, ҳатто тўпламларни эълон қилишга муваффақ

буладилар: Босилиб чиққан бундай асарлар шаклан шеърларга, дostonларга (ахир, гоҳида ҳаваскор қаламкашлар қуламли поэтик асарларни дундириб ташлайди-ку!) ўхшаб кетади-ю, бироқ моҳият эътибори билан уларни сўз санъати намунаси тарзида эътироф этиш мумкинми? Табиийки, мумкин эмас, лекин буни исботлаб бериш жуда қийин. Негаки, шаклан шеърга ўхшаб кетадиган поэтик асарларда эл-юртга муҳаббат изҳор қилинади, замонамиз қаҳрамонлари, маъд этилади, табиат манзаралари чизилади, севги оламидаги хилма-хил ўзгаришлар қаламга олинади ва баъулар граждaнликка асло зид эмас. Айтмоқчимизки, «тани» бору «жони» йўқ шеърларда тўғри фикрлар ифодаланади, маънавий-ижтимоий тараққиёт қўллаб-қувватланади. Лекин сўз санъатидан аёнки, ҳақиқий граждaнлик анча мураккаб ва кенг миқёсли ҳодиса бўлиб, у бадийлик ва образлиликка йўрилган тақдирдагина муҳим аҳамият касб этади, ҳар хил иллатлар, салбий шахсларни инкор қилиб ўз қудратини кўрсатади. Бунга шуни қўшимча қилиш зарурки, ижодкор бир пайтнинг ўзидa яхшини қўллаб-қувватлаб, ёмонни рад этади, ечилмаган муаммоларни кўтариб чиқади ва шу аснода ўзининг фаол курашчи, чинакам яратувчи нуқтаи назардан иш кўраётганини намоён қилади. Бу жиҳатдан Абдулла Орипов ижоди характерлидир. Чунки, унинг кўпгина асарларида граждaнлик моҳияти мавжуд мураккабликлари, зиддиятлари билан ифодаланган. Қаерда қарама-қаршилик, чигаллик, номувофиқлик ҳукмронлик қилса, оқу қоранинг фарқини бирданига ажратиб олиш, ҳақиқатни аниқлаш осон эмас. Шеъримизга янги тўлқин, янги оҳанг, янги образлар олиб кирган Абдулла Орипов гоҳ чексиз олқишларга, гоҳ таъна-ю танбеҳларга кўмиб ташланди-ку!

Аслида Абдулла Орипов марксча-ленинча эътиқодни, коммунистик ғояларни бевосита ҳимоя қилиб, ижтимоий-маънавий тараққиётга қаратилган барча ижобий хатти-ҳаракатларни, ҳаётдаги асл қаҳрамонларни, илғор ҳодисаларни бутун вужуди билан қўллаб-қувватлаш баробарида («Коммунизм эзгу сўзидирки, зотан унинг замирида энг олий қисмат, унда мен ахтарган энг порлоқ инсон, унда мен истаган синмас ҳақиқат!») адолат тантанасига тўсқинлик қилаётган ҳар хил иллатларнинг ижтимоий илдизларини кўрсатишга катта аҳамият берди. Лекин Абдулла Орипов бу билан чекланмасдан, бир асарнинг ўзидa ҳам ижобий кучларни улуғлайдиган, ҳам салбий ҳодисаларни инкор этадиган, ҳам ҳаёт раванқи учун муҳим бўлган ўткир ижтимоий муаммолар устидa бош қотирадиган лирик қаҳрамон ҳаётини тасвирлашга киришди. Шу аснода янгича мазмун касб этган фалсафий лириканинг жанговарлик, курашчанлик қудратини оширди. Шеърий асар бир лаҳзада яхшини қўлаб, ёмонни қораласа, ҳақиқат ва адолат учун курашга чорласа, орзу умидларингни, дарду ҳасратларингни ифодалаб, маънавий сабоқ берса, буни бирданига тўғри ўзлаштириш, идрок этиш учун анчa-мунча тайёргарлик талаб қилинади-ку! Айрим ўқувчилардагина эмас, балки баъзи танқидчилар, шоирларда ҳам бундай тайёрлик етишмагани туфайли улар Абдулла Орипов шеърларида ҳақиқий граждaнлик тўғри ифодаланганини доим ҳам тушуниб етмадилар. Жумладан, тажрибали адиб, ҳассос шоирларимиздан бири Асқад Мухтор Абдулла Ориповнинг «Куз хаёллари», «Жаннат», «Муҳаббат», «Тилла балиқчи» каби шеърларини кескин танқид қилади. У Абдулла Орипов ижоди ҳақида тўхталиб, дастлаб шоирнинг «лирик қаҳрамони, шубҳасиз, бизнинг замондошимиз. Унда замондошимизнинг кўп яхши хусусиятлари бор: у енгил-елпи эмас, мулоҳазали, ўйчан, адолат-ҳақиқат курашчиси», деган илиқ сўзлар айтиб, эътиборимизни куйидагиларга жалб этади: «Лекин унда (яъни шоир ижодидa — Н. Х.) гоҳо замон нишонлари етишмайди, баъзида у (гап лирик қаҳрамон ҳақида кетаяптики ёки шоирнинг ўзи тўғрисида) — буни аниқлаш амри маҳол — Н. Х.) мажнунсифат, кўпинча ҳазин: қалбидa инсоний завқ, порлоқ умид, ҳаётбахш қувноқлик барқ урмайди... ёш шоирнинг китобидa қатта ёрқин фикр ва туйғулар ўрнига баъзан пастқам, ноҳўя фикрлар юзага чиқиб қолади.» (Асқад Мухтор. Еш дўстларимга. «Еш гвардия» нашриёти, 1971 йил. 128, 132-бетлар).

Қани ўша «пастқам, ноҳўя фикрлар?» «Мажнунсифат, ҳазин» лирик қаҳрамонлар-чи?

Асқад Мухтор бу саволларга конкрет, исботли жавоб қайтармайди. У касалликнинг ўзи нимадан иборат эканлигини аниқламасдан шфир бедаво дардга чалинган; деб эълон қилади. Аниқлиси шундаки, у билан бирга яна бир қанча ижодкорлар, мунаққидлар Абдулла Орипов шеърлятида «катта ёрқин фикрлар» топилмайди, деб жигъибйрон бўлган эдилар. Йўқ, фақат Абдулла Орипов эмас, балки Муҳаммад Али, Маъруф Жалил, Рауф Парфи сингари шоирлар ҳам «...халқни ҳаяжонлантирган тарихий воқеалардан четда, ўз қобиғидa яшайди, ўз «ижоди» ҳақида қайта-қайта ёзади, ўзи билан ўзи бўлиб кетган» (А. Мухтор) деган айбномга дучор қилинди.

Мана, шундан бери қарийб ўн беш йил ўтди. Эндиликда Абдулла Орипов билан бирга Омон Матжон, Гулчехра Нуруллаева, Ҳалима Худойбердиева, Усмон Азимов, Муҳаммад Солих, Сулаймон Раҳмон, Муҳаммад Раҳмон, Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон сингари ранг-баранг услубда, ҳар хил савияда қалам тебратаётган истеъдод эгалари ўзбек шеърлятига, хусусан фалсафий лирикага янги оҳанглр, янги маънолар, ўзига хос жилдолар олиб кирди, поэтик сўзнинг ҳужумкорлик руҳини кучайтирди. Йўқ, улар қанча асар ёзган бўлса, барчаси курашчан, ўйчан шеърлятининг нодир ва ноёб намунасига айланди, бадий кашфиёт даражасига кўтарилди, деб даъво қилмоқчимасмиз.

Чунки, ижодкор қанчалик истеъдодли бўлмасин, у ҳамма вақт фақат маҳоратнинг юксак чўққиларини забт этаверади, дейиш амри маҳол. Бинобарин, Абдулла Орипов ё Муҳаммад Али, Омон Матжон ёки Гулчехра Нуруллаева ёхуд бу ижодкорларнинг ёш сафдошлари гоҳида ўз имкониятлари даражасида ижод қилмасдан баъзан бўш, саёз асарлар ёзганини яшириб ёки хаспўшлаб кетмоқчи эмасмиз. Аммо шуни мамнуният билан таъкидламоқчимизки, улар ҳар қандай ижодий қийинчиликлар, тўсиқларни зўр сабр-чидам, матонат билан бартараф этаётирлар, чинакам граждaнлик бадий ижодда, хусусан шеърлятда турфа хил, кенг миқёсда ва мураккаб мазмунга эга эканлигини амалда кўрсатиб келаётирлар.

«Бахт ва шодлик»ни куйлаш (Ҳамид Олимжон) ҳамма ижодкор учун шарафли вазифа, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Аммо ҳар бир шоир бу муқаддас мавзунини ўзича

идрок этиши керакки, бусиз ижоднинг қадр-қиммати пасаяди. Ахир, Эркин Воҳидов «Бахт ва шодлик»ни қувноқ, шўх сатрлар орқали тараннум этиб, бевосита ижобий ҳодисаларни, яхши одамларни тасвирласа, Абдулла Орипов ҳам худди шу йўлдан бориши шартми? Йўқ, албатта. Улар мавзу танлашда, образлар яратишда, ҳаётни тадқиқ этишда бир-бирини асло такрорламаслиги, бир-бирига мутлақо ўшамаслиги даркор. Бу масаланинг бир жиҳати. Иккинчидан, «Бахт ва шодлик» ўз-ўзидан, бирданига осонликча пайдо бўлиб, яшин тезлигида ҳаммининг кунглини забт эта қолмайди. Бунинг учун анча-мунча тер тўкиш, курашиш лозим. Бироқ схематизм, шаклбозлик, юзакилик, декларативлик каби иллатлар бадий ижодда граждандлик ифодасига монелик кўрсатадиган ашаддий ёвлар ҳисобланадими, уларни бартараф этмасдан муваффақият қозониш мумкин эмас. Айтмоқчимизки, маҳорат этишмасдан мавзунини чала-чулла ўзлаштириш ҳаққоний ғояларни тўлақонли образларга моҳирона сингдирилмаслик, жонсиз образлар яратиш оқибатида ҳар қандай граждандликнинг қуввати камаяди. Қисқаси, ғоявийлик билан бадийлик, мазмун билан шакл бирлиги таъминланмаган жойда ижодий муваффақият тўғрисида гапириш мумкин эмас.

Яхшиларнинг яхшиси

Бўйиёс очилиб турган гулни кўрсатиб, қаранг-а, қандай нафис, хушбўй, роҳатбахш мўъжиза, деб айтиш ҳам баъзан наф келтиради. Бинобарин, шеъриятда гулни мадҳ этишга ҳеч ким қарши эмас. Аммо биз бу табиат мўъжизасини ким ўстираяпти, қандай мақсад билан этиштираяпти, гул кимларга завқ-шавқ, бахт келтираяпти, кимларни доғда қолдириб кетаяпти, деган муаммолар билан қизиқамиз. Тўғри, бундай саволларга шеъриятда ҳеч қачон батафсил жавоб берилмайди. Чунки, шеъриятнинг ўзига хос ифода воситалари, имкониятлари, йўллари мавжуд ва улар ҳеч қачон ҳаётни кенг миқёсда олиб, барча иқдорларни билан кўрсатаолмаслиги маълум. Ҳаёт муаммоларини поэтик йўсинда тадқиқ этишнинг мана шу хусусиятларидан унумли фойдаланган санъаткорлар ҳар хил «гул»ларнинг (яъни тасвир объектлари, мавзулар, лирик қаҳрамонлар назарда тутилаяпти) ўзига хос белгиларини, тақрирланмас қиёфаларинингиз эмас, балки улар етилган заминни чуқур гавдалантирдилар. Шунисига ишонч ҳосил қилиндими, тараққиёт уфқларини фақат яхши асарлар кенгайтиради. Аммо бундай ноёб дурдоналар ҳар кунда яратилавермайди. Диққат қилинг: Ғафур Ғулومнинг ажойиб асарлари кўп, аммо «Сен етим эмассан» ёки «Туркиб йўлларидан» ёхуд «Вақт» сингари намуналари алоҳида ажралиб туради. Ҳамид Олимжонда-чи? «Урик гуллаганда», «Бахтлар водийси», «Россия» каби машҳур шеърларини эслаш мумкин.

Табиийки, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулум ёки бошқа буюк шоирларимиз қаламига мансуб асарларнинг деярли барчаси ўз қадр-қиммати, ўз салмоғига эга. Уларнинг ҳар бири адабиётимизда ўз ўрнини эгаллаган. Бироқ ўша машҳур шеърлар, дурдоналар, кашфиётлар бу санъаткорларнинг улғурлигини, бутун салобати, салмоғи билан тўла намоен қилади.

Шуниси қувонарлики, 70—80-йилларда ўзбек шеърияти равақини таъминловчи истеъдод эгалари ўз салафларининг бой, ранг-баранг ҳамда мураккаб анъаналарини ижодий ўзлаштириб, қалбларини тўлқинлантирувчи, ижтимоий-маънавий тараққиётнинг чигал, ўткир муаммолари ҳақида ўйлантирувчи бадий жиҳатдан етук асарлар яратиш борасида сезиларли муваффақиятларга эришмоқдалар. Тўғри, уларнинг орасида маданий ҳаётимизда катта воқеа бўладиган дурдоналар, чинакам поэтик кашфиётлар кўп бўлмаса-да, аммо узоқ эсда сақланиб, ўйга толдирадиган пишиқ фалсафий шеърлар, ҳақиқат ва адолат тантанаси учун курашга даъват этувчи жанговар асарлар бор. Мана шулар сирасига Абдулла Ориповнинг «Оломонга», Омон Матжоннинг «Шўкур Бурхон...», Усмон Азимовнинг «Чумоли ҳақида нутқ», Гўлчехра Нуруллаеванинг «Мен ухлаб қолибман...», Эркин Самандарнинг «Дарё ташлаб кетган ерлар» деган шеърларини киритардим. Бешта шеър! Нега энди ўн ёки ўн бешта эмас? Ахир, замондошларимиз ҳаётда, руҳий дунёсида рўй бераётган хилма-хил кечинмалар, катта-кичи «жанг»лар, кучли-кучсиз тўфонлар моҳиятини тўлқинлантирувчи сатрлар орқали гавдалантираётган салмоқли шеърлар дostonлар оз эмас-ку? Ҳа, оз эмас. Бироқ мен улардан атиги бештасини ажратиб олдим.

Ҳўш, мазкур шеърларнинг ғоявий-бадий салмоғи нималарда кўринадими?

Аввало шуки, улар чинакам граждандлик руҳи билан сугорилган. Бу шундай граждандликки, у коммунистик этикод талабларидан келиб чиқиб, теварак-атрофда рўй бераётган ҳар хил воқеаларга зийраклик билан қарашни тақозо қилади. Бу шундай граждандликки, у ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, ҳақиқат, адолат, чин-инсонийлик тантанасига нималар монелик қилаётган бўлса, барчасининг илдизини қирқиб ташлашга, бутунлай бартараф этишга чорлайди. Бу шундай граждандликки, у шеърларнинг ҳар бир сатрига, вазни, қофияларига сингдириб юборилган, натижада бир-лаҳзанинг ўзида ҳам юракка, ҳам онгу тафаккурга таъсир кўрсатади. Фикримиз исботи учун Абдулла Ориповнинг «Оломонга» шеърини кўриб чиқайлик: «Машраб осилганда қаёқда эдинг? Лорка отилганда қаёқда эдинг? Суриштирган-мидинг Қодирийни ё қалқон бўлганмидинг келганда бало? Ҳўкмлар ўқилур сенинг номингдан, тарихлар тўқилур сенинг номингдан. Нимасан! Қандайдир сеҳрли кучсан? Нечун томошага бунчалар ўчсан? Қаршингда ҳасратли ўйга толаман, қачон халқ бўласан, эй сен — оломон?!»

Шеърининг бор-йўғи шу. Атиги ўн сатр. Фикрлар жуда аниқ, лўнда. Ҳатто мисраларни насрга айлантисангиз ҳам уларда мавжланиб турган кучли эҳтирос, виждон овози, қалб изтиробларининг авжи асло сусаймайди. Бунинг сабаби шоир ижтимоий-тараққиётни таъминловчи, ҳаётни юксак орзулар асосида ўзгартирувчи, моддий-маънавий бойликларни яратувчи фаол қаҳрамон нуктаи назаридан келиб чиқиб мулоҳаза юритганига бориб боғланади. Шоир ёниб-куйиб, ҳаяжонланиб сўзлаяпти ва ҳар бир сўзи нишонга беҳато бориб

тегаяпти. Нишон ҳам аниқ: гап ўзларини мардонавор меҳнатга, жанговар курашга сафарбар этолмаган оломон ҳақида кетаяпти. Шоир уларга таъна тошларини отади. Бу оломон улар ўз атрофида рўй бераётган воқеаларни томошабин сифатида кузатади, кўз унгида ноҳақлик, қабиҳлик қурбони бўлаётганларга лоқайд қарайди. эзгулик, адолат учун курашаётганлар сафида турмайди. Яна шуниси ажабланарлики, улар пайти келганда ўзларини чинакам қаҳрамон қилиб кўрсатади, халқ, тарих номидан оғиз кўпиртириб нутқ сўзлайди, ҳаёт устидан ҳукм чиқаради. Шунинг учун ҳам Абдулла Орипов уларга қараб: «Қандай сеҳрли кучсан?» деб мурожаат этади. Ахир, халқимиз худди шундай кимсаларга қарата: «Уроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир» деб ачиқ, бироқ тўғри сўзларни айтгани бежиз эмас-ку! Йўқ, ҳозирги замон «оломон»нинг баъзи вакиллари фақат хирмонда тайёр бўлиб, ҳосилни олиш билангина чекланмайди. Улар ўзларини гўё хирмонни ҳам, ҳосилни ҳам яратган фидокорлардек кўрсата олади. Бу ҳам ҳоља. Улар баъзан аслида тер тўкиб, чинакам мардлик кўрсатган заҳматкўшларни четга суриб ташлайдилар. Абдулла Орипов мана шундай оломонни қоралайпти. Шоир бу оломонни сергаклантириб, яхши одамлар сафига қўшишга чорлайди.

Омон Матжоннинг «Шукур Бурҳон...» шеъри оҳанг, мазмун, ғоя жиҳатидан юқоридаги шеърга муштаракдир. «Шукур Бурҳон...» ҳам аслида Абдулла Орипов назарда тутган оломонни фош этишга қаратилган. Аммо машҳур актёримизчи? У шеър қаҳрамонимасми? Шоир шу буюк санъаткорни улуғламаяптими? Ҳа, бир жиҳатдан шундай деиш мумкин. Чунки, Шукур Бурҳоннинг саҳнада шоҳ Эдип бўлиб гавдалангани тилга олинади, унинг чексиз шон-шухрат қозонгани мамнуният билан сўзланади. Шеърни ўқиб чиққанингиздан кейин Шукур Бурҳоннинг сиймоси кўз ўнгимизда ёрқин гавдаланмади-ку, деган ҳаёлга бормасиз. Негаки, шеър Шукур Бурҳонни инсон ва санъаткор сифатидаги такрорланмас хусусиятларини ёритишга қаратилган эмас. Омон Матжон ўзбек саҳна санъатининг ифтихори бўлиб қолган актёр саҳнада шоҳ Эдип ролида ўйнаб, кўпчилиكنинг муҳаббатини қозонди-ю, лекин томошадан кейин кўчага чиққанда эса унга ҳеч ким йўл бермади ва «базур бормоқда у қисилиб, мункиб» деб ёзади. Агар Абдулла Орипов Машраб, Лорка қабиларнинг ноҳақлик қурбони бўлгани, уларнинг оломон томонидан ҳимоя қилинмаганини айтиш орқали ўз ғоясини ифодалашга интилса, Омон Матжон ўзини халқ деб кўкрагига уриб юрадиган айрим кимсаларнинг кирдикорларини очиб ташлайди: «Халқми, шу, бировни ҳақини гизлаб, беш-ўнни юлишни поймаб турганлар! Халқми шу, нуроний сиймолар қолиб, сохта сумбатларни сийлаб тўрганлар! Халқми шу, хаёлу орзуларини ўзидан баландроқ тиклолмаганлар? Халқми шу, халқнинг номидан сўзлаб мингдан бир ваъдасин оқлолмаганлар?»

Тўғри, орамизда «бешни-ўнни юлишдан», «сохта сумбатларни сийлашдан», ваъда-бозликни авж олдиришдан иборат кирдикорларни ниқоб қилиб олган одамлар учраб туради. Зеро, улар бошқача йўл билан айшини суриб, яйраб яшнаш олмайдилар. Борди-ю, улар ҳам ўзини меҳнату курашга бағишласалар, юлғичлик, ваъдабозлик, сохталик йўли бекилади. Аммо улар бундай қилолмайди. Халқ-чи? Саволга шоир шундай жавоб қайтаради: «Халқ улким, ўзининг пешонасида юлдузлар борини сезса, халқ улким, ғурури бўлса ўзидан! Асилга ишонса, сохтадан тонса!»

Ҳақ гап! Кимки асилга ишониб, сохтадан тонса, у албатта халқ сафига қўшилади. Зотан, халқ бутун куч-қудратини ҳақиқатнинг ғалаба қозониб, сохталикни бартараф этишга бағишлайди. Шунинг учун Омон Матжон ноҳақлик йўлига ўтиб олганларга қарши курашга чорларкан, Шукур Бурҳонга қараб шундай мурожаат этади: «... устозим, юрманг бу ур-сурда саланг — бўш бўлиб. Грим билан чиқинг, гулдираб, ҳеч бўлмаса, ўша Ялангтўш бўлиб...»

Гулчехра Нуруллаеванинг лирик қаҳрамони «Мен ухлаб қолибман...» деб афсусланаёпти ва унга жавобан: хўш, нима бўпти, ухласанг ухлайвер, шу билан осмон узилиб ерга тушарми-ди, дегингиз келади. Оқибатда шеърни унчалик қизиқмасдан ўқиб бошлайсиз: «Билмадим, узун кун — «чопчопи»данми, нимжон вужудимнинг интиқоми ё, оқшом ундошлари — хитобиданми, ҳайрат-ҳаяжоннинг тинди қони ё — мен ухлаб қолибман...»

Лекин мана шу биринчи мисралар билан танишгандан кейин сергакланиб: лирик қаҳрамонни нима «чоп-чоп»га мажбур қилибди? Унинг вужудига қандай интиқом бор экан? Нега ундаги ҳайрат-ҳаяжон сўнаётми? — деб ўйланиб қоламиз.

Шеърни ўқиб чиққанингиздан сўнг шунга амин бўласизки, лирик қаҳрамонда ҳайрат-ҳаяжон сўнаётгани йўқ. Аксинча, у ўзини қўярга жой тополмасдан «исеңкор кўннинг қора тунга отган юлдуз — ўқларини кутади. Аммо нима учун тунга ўқ отиш керак? Қора бўлгани учунми? Қора туннинг ўзига хос-латофати йўқми?! Шоира масаланинг бу жиҳатига тил теккизмайди. У риё, хиёнатни яшириб, «макр, алдоқлар ҳомийси»га айланган қора туннинг қора-ишлари тўғрисида сўз юритади:

**Дўстлар, билмай қолдим: қай бир муҳаббат
Қай бир хиёнатдан қон-қон бўлганин,
Дўстсурат, ёвсийрат фирибгар ғафлат
Менга, мендайларга ҳоқон бўлганин...
Мен ухлаб қолибман...**

Англашайптики, лирик қаҳрамон риё, хиёнат, ғафлат мавжудлиги учунгина изтироб чекаётгани йўқ. У ана шу нопокликлар баъзан ҳалол, мусаффо одамлар устидан ҳукмронлик қилгани, хоқон бўлганидан азобланаёпти. Шунинг учун уйкуда кечкан онларини ўлим деб ҳисоблайди-да, ўша лаҳзалар умрининг бир парчасини, «ошкор бўлмай қолган нафратларини, «айтилмаган севги»сини ўғирлагани учун ғазабланади. Унинг қалбидан шундай нидо отилиб чиқади: «Бас, етар ғафлатга эгмақлик бўйин, кўрлик, нодонликка бермақлик изн...»

Шеърда лирик қаҳрамон билан биз ўқувчилар ҳам ухлаб қолмаслигимиз, доимо бедор яшашимиз, муҳитимизда рўй бераётган яхшию ёмон воқеаларга актив муносабатда бўлиб, риё, хиёнат, ғафлат йўлини тўсиб, инсонийлик, ҳалоллик, адолат тантанасини таъминлаш учун

бутун кучларимиз, имкониятларимизни сафарбар қилишимиз зарур, деган маъно ифодаланган. Кучли эҳтирос билан ифодаланган фикр қабимизга кириб бориб, онгу туфаккуримизда қандайдир ўзгариш бўлишига туртки беради. Шундайку-я, бироқ худди ўшандай фикр бундан қарийб йигирма йил олдин ёзилган Абдулла Ориповнинг «Уйқу» шеърда ҳам ифодаланган эди-ку, буни қандай баҳолаш керак, деб қолишингиз мумкин.

Ҳа, Абдулла Орипов 1965 йилдаёқ инсон учун «ҳар қандай уйқу ҳам — ўлим ҳар қачон», «ҳар қандай кураш ҳам ҳаётдир унга» дея бонг урганди. 1983 йилда эса Гулчехра Нуруллаева унга жўр бўлапти, бироқ Абдулла Ориповни такрорлаётгани йўқ. Тўғри, шоира Абдулла Ориповдан баҳраманд бўлгандир таъсирлангандир, аммо нусха кўчирган эмас. Ҳаётни поэтик этирок этиш жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган икки шоир деярли бир хил тасвир объектини қаҳрамонларнинг уйқу ҳолатини ўз нуқтаи назарига мувофиқ кўриб, қузатиб, ўзича ёритган ва шу жараёнда уйқу, мажозий маънодаги уйқу ўлим, кураш эса ҳаёт, деган хулосага келишган. Лекин бу борада ҳар икки шоир ўзига хос фикрлайди. Абдулла Орипов уммонлар кучин изга солиб, ўзини юлдуз қилиб самога отган, одамзод дил ярасин санаб етолмаган, гулзорни топтамоқ учун қайдадир разилга жой бериб қўйган, бироқ «аскар елкасида турган юлдузни кўзгата олмаган» асримизга мурожаат этади, асримизнинг улғуворлиги билан бирга ундаги баъзи қабиҳликлар, манфурликларни қайд этади ва «лекин баъзан уйқуга чўмиб» ҳаётдан кўз юммоқ истаги туғилганини сўзлайди-да, пиروвард — натижада мана шу ташвишли мулоҳазаларга яқун ясаб, асримизнинг, одамзоднинг бахтли бўлиши учун фақат курашдан бошқача йўл йўқлигини таъкидлайди.

Кўряписки, «Уйқу» билан «Мен ухлаб қолибман...» шеърларидан келиб чиқадиган мантиқий хулосаларда муштараклик бор-у, бироқ уларнинг конкрет мазмуни, поэтик ифодалари, қаламга олинган воқеалар, таассуротлар, деталлар бир-бирига мутлақо ўхшамайди. Шунинг учун иккала шеър ўзига хос мустақил кадр-қиммат касб этиб, айрим кимсаларнинг қора ниятларини, турли иллатларни дадил очиб ташлашга чақиради. Бу шеърлардаги лирик қаҳрамоннинг қайноқ нафасини, қалб туғёнларини бутун вужудингиз билан сезгандай бўласиз.

«Чумоли ҳақида нутқ», «Дарё ташлаб кетган ерлар» шеърлари юқорида кўриб ўтилган асарларга ўхшамайди. Бирида лирик қаҳрамон «меҳнаткаш» деб ном орттирган чумолининг фаройиб хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги, иккинчисида эса неча асрлардан бери ҳеч кимга «жилови»ни бермасдан доимо қирғоқлардан ошиб-тошиб, ўз йўлини тез-тез ўзгартириб келган Амунинг бугунги қисмати ҳақидаги ташвишли ўйларини, дарду ҳасратларини ифодалайди. Ҳа, улар қаламга олинган воқеалар, поэтик мазмун жиҳатидан «Уйқу» ёки «Мен ухлаб қолибман...» ёхуд «Шукур Бурҳон...»дан кескин фарқланади, бироқ аслида моҳият эътибори билан бир-бирини тўлдирари, бир-бирига муштарак. Кеча-ю кундуз нима кўрса, фақат «Уйга!... Уйга!... Қоронғи уйга!» тортиб кетаётган чумолига мурожаат қилиб, Усмон Азимов шундай дейди: «Уйга!.. Уйга!.. Тинмайсан бирпас, гапирмайсан... Сенингча, юҳо, оғиз қалбни очиш учунмас овқат учун яралган гўё. Уйга! Уйга! — жовдирар кўзинг, инингда-ку чириб ётар дон, хаёлингда ўзинг, бир ўзинг, сен ютасан дунёни, ишон!»

Диққат қилинг: биз одатда чумолининг тиниб-тинчимасдан ишлаганидан завқланамиз, ундан одамлар меҳнаткашликни ўргансин деймиз. Усмон Азимов бу фикрга бошқа жиҳатдан ёндашиб, яшашнинг маъноси фақат ейиш-ичишдан иборат эмаслигини қайд этади. Тўғри, бу хулосани янгилик деб бўлмайди. Зотан, инсон тирик экан, у албатта яйраб-яйнаш, яхши яшашга интилади, бироқ фаровон турмуш билан-маишатга муккасидан кетишнинг фарқи борки, Усмон Азимов эътиборимизни шунга қаратади. У кеча-кундузни фақат меҳнат билан ўтказиб, меҳнат завқ-шавқини, қалбига жо қилолмайдиган, топган-тутганини уйфга ташийверилшдан, нуқул бойлик тўплашдан бошқа нарса билан билмайдиган шахслардан нафратланади.

«Бошчасини хуррам қашувчилар...» «Фарзандларига диплом ташувчилар...» «Ерга жами оёғин тираб, мансабини тортувчилар...» «Зўриқувдан... қалтировчилар...» Шоир уларни ўзига хос чумоли, деб атайди. Бу ҳақда ғазабланиб сўзлайди. Чунки, оддий чумолиларни даф қилиш қийин эмас, лекин буларга осонликча зарба бериб бўлмайди. Шунинг учун шеър қаҳрамони (бу ўринда шоирнинг ўзи) қуйидагича ҳукм чиқаради: «Уйлаб қолдим — шеър тиги зўрроқ ва тиги урдим: «Ҳаҳ, сен — чумоли!»

Табииyki, бир тиг билан бундай «чумоли»ларга зарба бериш амримаҳолдир. Чунки, улар ўзларини чумоли эмас, балки замонанинг «шер»лари қилиб кўрсатишга уринадилар. Мана шундай «шер»лар ҳамма нарсадан ўз манфаатлари йўлида фойдаланадилар. Улар ўзгалар яратган моддий ва маънавий бойликларни ҳар хил найранглар орқали ўзлаштириш билан бирга соф, тоза муҳитни булғайдилар. Оқибатда гулзорлар, экинзорлар ўрнида чўлу саҳролар пайдо бўлади, ҳатто дарёлар, сойлар қуриб қолади, ўзлигини йўқотади, она ер, муқаддас тупроқ бузилиб, мўл-кўл ҳосил бермайди.

Ўсиш-ўзгариш қийинчиликлари

Чинакам истеъдод эгаларининг изланиш-интилишлари баъзан самарали яқунланмаётганини рўй-рост кўрсатиб, бунинг сабабларини тўғри ёритиб бориш адабий-бадий тараққиёт учун сув билан ҳаводек зарур. Устод ижодкорларимиз аънаналари шунга даъват этадики, буни қуйидаги мулоҳазалар тўла тасдиқлайди: «Ҳозир омади гапни айтганда Эркин Воҳидов билан Хусниддин Шарипов ўзларидеги бор куч-қувватни тўла ишга солаётгани йўқ. Юқорида шеъри мақтов билан тилга олинган Абдулла Ориповда ўз талантига масъулиятсиз қараш ҳоллари сезилаётибди.»

Бу сўзларни 1965 йилда устоз санъаткорларимиздан бири Абдулла Қаҳҳор айтган эди. Яна шунинг эслатиш лозимки, атоқли ёзувчимиз ўша пайтларда шеърингга энди кириб келиб, ўзларининг ижодий дадиллигини намойиш қилаётган ёш шоирларнинг, баракали самараларга эришаётганини, поэзиямизга янги оҳанг, янги руҳ олиб келаётганини, замондошларимизнинг

орзу-умидлари, дарду ҳасратларини синчковлик билан идрок этиб, таъсирчан, ҳаққоний поэтик образлар яратаётганини зўр қувонч ва фахр билан тилга олганди, уларнинг етук асарларини юксак баҳолаганди. Айни чоқда бу билан қаноатланиб, чекланиб қолиш ижодий тараққиёт учун ниҳоятда зарарли эканини кўрсатган эди. Шундан буён қарийб йигирма йил ўтди. Абдулла Орипов баъзан бўшроқ, заифроқ шеърлар битганлиги аниқ, аммо у ҳеч қачон ўзлигини йўқотмади. Ҳаммавақт шиддат билан қалам тебратиб, ижодда курашчанлик руҳини мустаҳкамлаб борди. Замондошларимиз ички дунёсидаги, кечинмаларидаги кескин, мураккаб тўқнашувларни ўзига ҳос усулда ёритиб турди, поэтик маҳоратини юксалтириш йўлида тинмай изланди. Эркин Воҳидов ҳам қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Юқорида айтганимиздек, у «Тирик сайёралар» туркумини яратиб, ўз ижодида жиддий ўзгариш ясади, фақат ижобий қаҳрамонлар, ижобий ҳодисаларни мадҳ этиш билан чекланмасдан маънавий тараққиёт машаққатларини тадқиқ этишга киришди. Шунга қарамадан, юксак талабчанлик принципларидан келиб чиқиб, бу ижодкорларни янада зўр шиддат билан қалам тебратишга, фақат етук асарлар яратишга даъват этиб туриш биз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Эркин Воҳидовнинг «Жаҳонгир ва сартарош» асарида лирик қаҳрамоннинггина эмас, балки Темур ҳамда сартарошнинг жонли қиёфасини, ўйлари, кечинмаларини бутун вужудингиз билан ҳис қилдирадиган конкрет поэтик мазмун кашф этилган: Утрор яқинида аскарларнинг душманлар билан олишувдан, жанглардан эмас, қаттиқ совуқдан ҳалок бўлиш хавфи туғилади, ана шунда Темур «нилий шоҳи кўйлак кийган» ҳолда ялангликка чиқиб, сартарошга сочини олдиришга қарор қилади ва бу билан ҳар қандай изғиринни энгиш мумкинлигини исботлашга киришади. Жаҳонгирнинг мана шу ҳолати лўнда, аниқ қилиб чизилган: «Ултирар бепарво, мағрур, улуғвор. Кўкраклари очик ҳудди ёз маҳал. На титроқ, на ҳатто киприк қоқмоқ бор, бамисоли мисдан ясалган ҳайкал.»

Эркин Воҳидов Амир Темурнинг бениҳоя кучли ҳамда салобатли эканлигини ушбу манзараларнинг ўзидаёқ намоён қиладики, бундан таъсирланмасдан иложингиз йўқ. Мана энди ўша «ер юзин титратган» одам оддий сартарош билан ҳаёлан олишади: «Таги паст, олчок, йўл бўлсин кутқармоқ сенга дунёни. Минг йилда ҳам келмас сен айтган даврон, одам насли учун ҳали кўп замон қамчи керак, шамшир керак, мен керак!»

Ҳа, Жаҳонгирнинг шу зайлда мулоҳаза юритиши тўғри ва табиийдир. Аммо у нима учун сартарош билан тўқнашапти? Шоир бунга жавобан сартарош ҳаёлидан нималар кечганини шундай ифодалайди: «Кутқармоқ бўлди у хунхор Темурдан устараси билан инсониятни. Йўқ, бу қўлидаги устара эмас, адолат шамшири, ҳақиқат тиғи. Бир лаҳза кифоя. Темур кетса, бас, дунёда йўқолур дард, офат, ййғи.» Оқибатда сартарош «олам йиқолмаган Темурни йиқади», энгиб чиқади, инсониятни унинг зулмидан халос этади.

Қаранг-а, бутун дунёни титратган Жаҳонгирни оддий бир сартарош даф қилади! Табиийки, бундай ҳодисанинг реал ҳаётда рўй бериши имримаҳолдир. Шунинг учун Эркин Воҳидов шеърый ҳикояни ривоят деб атайди. Лекин ривоят ҳам ўқувчини ишонтрадиган даражада ҳаётий мазмун касб этиши керакмасми?!

«Жаҳонгир ва сартарош» асарида масаланинг шу жиҳатига етарлича эътибор берилмаган. Шунинг учун сартарошнинг хатти-ҳаракатлари ҳеч қандай эътироз туғдирмайдиган поэтик воситалар, поэтик деталлар, чизгилар, имо-ишоралар (шеърятда имо-ишора, киноя, бир оғиз сўз қанчалик муҳим аҳамият касб этиши ҳаммамизга аён!) орқали ёритилмайди, унинг ҳаёлида пайдо бўлган ўйлар ўша давр талаби ва мантикига мувофиқ баён этилмайди, қандай қилиб устарани «адолат шамшири», «ҳақиқат тиғи» деб атагани жумбоқ бўлиб қолади. Натижада биз Темур билан тўқнашиб, уни «адолат шамшири», «ҳақиқат тиғи» билан энгишни ўйлаган ва бу ўйни амалга оширган сартарош эмас, балки шоирнинг... ўзи деган хулосага келамиз. Балки бошқа ўқувчилар ёки айрим мунаққидлар шоирнинг айтганларини тўғри деб ҳисоблар, лекин шаҳсан мен бундай дейишим қийин ва асарда ўша даврда яшаган сартарош эмас, балки замондош шоиримиз мулоҳаза юритапти, деган хулосага келдим. Шоир сартарошнинг шартлилик тақозосига кура ҳаддан ташқари доно қилиб юбоғандир дейишинингиз мумкин ва бу баъзи мунаққидларга тўғри бўлиб туюлар, уларда эътироз туғдирмас. Лекин менимча, ҳар қандай шартлилик давр руҳига мос тушиб, ҳаёт ҳақиқатини теран ва ҳаққоний ёритишга қаратилиши лозим. Эркин Воҳидовнинг сартарош мени шу жиҳатдан қаноатлантирмайди. Дарвоқе, шоир нима учун уни Темур билан тўқнашув тарихини қаламга олибди, деган савол туғилса, бу саволга «Жаҳонгир ва сартарош»нинг хотимасидан қуйидагича жавобни топамиз: «Алқисса ривоят: авлоди одам подшолар олдида ўлмасида бош, саждага тургандек бошин қилур ҳам, хизмат қилган чоғда унга сартарош.»

Авалло шуки, Эркин Воҳидов ўзининг «Камтарлик ҳақида»ги шеърда ифодалаган «гарчи шунча мағрур турса ҳам пиёлага эгилар чойнак» деган фикрини бир оз ўзгартирган ҳолда такрорляпти. Лекин бу янги ҳақиқатни очишга хизмат қилсин. «Жаҳонгир ва сартарош»да эса ушбу фикрдан туғилмаган янги ҳақиқатни кўрмаймиз. Мазкур шеър баҳонасида кунгилда пайдо бўлган мурод шуки, агар Эркин Воҳидов ўзида мавжуд имкониятларни қаламга олинган мавзунини, ҳаёт воқеаларини, лирик қаҳрамон хатти-ҳаракатларини, кечинмаларини юксак талабчанлик нуқтаи назаридан чуқур тадқиқ этишга қаратса, ғоялар, туғилулар тўқнашувини оригинал поэтик воситалар орқали ёритса, асар янада ғоявий-бадиий етуклик касб этарди.

Абдулла Ориповнинг баъзи шеърларини ўқиганимда ҳам шунга ўхшаш афсусланиш пайдо бўлади. Негаки, бу забардаст шоиримиз гоҳида ўзига талабчанликни бир оз сусайтириб қўяди, саёзроқ, мавҳумроқ шеърлар ёзади. «Бизнинг шеър» ва «Боғбон» асарлари шулар жумласидандир. Бирида шоирларни «пахтакорлар ва ишчилар писанд қилдилар, зиёллар, юмушчилар писанд қилдилар, студентлар, тўқувчилар писанд қилдилар, мактабдаги ўқувчилар писанд қилдилар», аммо «анча зотлар», «шеърга ётлар» писанд қилмадилар, дейилади-да, «бизни писанд қилганларга минг бора қуллуқ», деган хулоса чиқарилади. Иккинчисида баъзи нокаслар Қашқадарёда боғ яратиб бўлмади, деган энгилар, Темур ака

Мирзаев (шеър шу машхур боғбонга бағишланган, шунинг учун «Боғбон» деб номланган)га ўхшаганлар бу фикрнинг нотўғрилигини исботлабди, ҳамма ерни бўстонга айлантирибди, деган фикр қайд этилган.

Хар иккала шеърда Абдулла Ориповнинг ўзига хос кашф этиш маҳоратини сезмаймиз, уларда айтилган фикрлар эътироз туғдирмаслигига қарамасдан олдинлари сезмаганимизни-сездиршга, англамаганимизни-англашишга қодир эмас.

Афсуски, баъзи мунаққидларимиз ҳозирги шеърятимиз тараққиётини таъминлаётган забардаст шоирларимизни фақат мақташ керак, деган нуқтаи назардан келиб чиқиб иш қўрадиларки, буни оқлаш қийин. Гап уларнинг гоҳида ўзларига талабчанликни бушаштириб қўйгани, масъулият тўғриси сусайтиргани, оқибатда кўзланган натижага эришилмагани тўғрисида бораётир. Тўғри, юксак талабчанлик ҳамда масъулият ҳисси билан қалам тебратганда ҳам ижодий зафар бунёд этилмаслиги мумкин. Ахир, муваффақиятсизлик сабаблари хилма-хил бўлади-ку! Ҳамма гап мана шу сабабларни топиб, уларнинг моҳиятини очиб бериш, келажакдаги муваффақиятлар учун мустаҳкам замин ҳозирлашга боғлиқ. Шу ўринда Евгений Евтушенко билан Евгений Сидоров суҳбатини тилга олмоқчиман. Тўғрироғи, диққатни суҳбатдаги битта саволга қаратмоқчиман. Танқидчи шоирга «Ижодингизда қандай нуқсонларга йўл қўйгансиз?» — деб мурожаат этади: Бу шоирнинг иттифоқ миқёсида, умуман жаҳонда қандай доврўқ чиқараётганини, танқидчининг қандай обрў қозонаётганини кўпчилик яхши билади. Ана энди уларнинг ошкора мулоқотга эътибор беринг! Қизиғи шуки, Евгений Евтушенко ўз ижодидаги нуқсонлар тўғрисида мутлақо ажабланмасдан мулоҳаза юритади, баъзи шеърларида ғоянинг ҳаққоний образларга сингдирилмаганини, гоҳида баёнчиликдан қутулмаётганини, лирик қаҳрамон руҳиятига чуқур кириб боролмаётганини очикдан-очик айтади, айрим танқидчилар бу ҳақда сўзламаётганини афсусланиб гапирди. Йўқ, шоир таъмагирлик қилиб, танқидчилардан марҳамат кутмайди, кенг китобхонлар даврасида беқиёс шов-шув қўзғайдиган атайин «уриб ташлаш»ларни ёки кўкларга кўтариб мақташларни хоҳламайди. Унинг учун фақат ҳақиқат муҳим эканлиги сезилиб туради. Шоир ҳақиқат қанчалик аччиқ бўлмасин, унинг юзига тик қарашга қодир эканлигини изҳор этапти. Евгений Сидоров эса шоир эришаётган баракали натижалар қадр-қимматини заррача камситмаган ҳолда унинг ижодида учраётган нуқсонларни асло тап тортмасдан дадил кўрсатади. Ахир, зафарларнинг зафарларга улашиб кетиши учун ижодий мағлубиятлар, мавжуд нуқсонлар моҳиятини англаб олиш шарт-ку! Аммо негадир бизнинг айрим ижодкорларимиз танқидий мулоҳазаларни ёқтиришмайди, ютуқлари ҳақида тўлқинланиб сўзлай-версангиз-у, етишмовчиликларини мутлақо тилга олмасангиз уларнинг хурматини қозонасиз. Шунга кўра айрим танқидчиларимизнинг аксари мақолалари, тақризлари нуқул мақтовлар, офаринларга тўлиб-тошиб кетади, фақат муваффақиятларга соя ташламайдиган «баъзи жузъий камчиликлар» қайд қилинади, холос.

Мени тўғри тушунишларини истайман: салмоқли асар ҳақида албатта илиқ, ижобий мулоҳазалар айтилиши шарт, самарали изланишларни қўллаб-қувватламасдан ўсиш-ўзгариш йўлида зафарларга эришиб бўлмайди. Ахир, ижодий муваффақиятлар қанчалик кўп бўлса, бадий тараққиёт салмоғи шунчалик ортади-ку! Зотан бир қанча истеъдодли ижодкорларимиз фаолиятидаги мутаносибсизликлар, айрим нуқсонларни тадқиқ этиш орқали келгусида уларнинг янада кўпроқ, салмоқлироқ, ёрқинроқ ғалабаларни қўлга киритишини таъминлаш кўзда тутилади.

Шу жиҳатдан қараганда баркамол шоирларимиз тиклаган «бино»ларда қандай мўъжизалар мавжудлигини, уларнинг қаерларини қандай ҳақиқат ёғдулари ёритиб турганини, нималари қалбларимизни хушнуд этиб, маънавий сабоқ бераётганини тўла очиб беролмаётимиз. Лоақал Абдулла Ориповнинг «Юзма юз», Эркин Воҳидовнинг «Муҳаббат», «Тирик сайёралар», Муҳаммад Алининг «Севсам, севилсам», Омон Матжоннинг «Сени яхши кўраман», Гулчеҳра Нуруллаеванинг «Пахта ҳиди» сингери кўламли тўпламларини кенг миқёсда теран таҳлилдан ўтказолганимиз йўқ-ку, ахир! Ҳолбуки, эришилган ютуқлар моҳиятини чуқур идрок этмасдан олға, дадил қадамлар билан илгарилаш осон эмас. Айни чокда, яхши хусусиятларнинггина эмас, салбий ҳодисаларнинг, тараққиётга тўғаноқ бўлаётган нуқсонларнинг моҳиятини ҳаққоний ёритмасдан ўсиш-ўзгариш шиддатини ошириш қийин ҳолдир.

Ҳа, бадий ижод, хусусан шеърят равнақиға осонликча эришилмайди. Бу борада анча тўсиқларни бартараф этиш талаб қилинади. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Ҳаёт, бадийят қонунларидаги зиддиятларни назар-писанд қилмаслик самарали натижаларга олиб келмайди.



Бу — кўхна дунё

Одил Ёқубовнинг
«Кўхна дунё» романи ҳақида

Одил Ёқубов тажрибали, Урта Осиё тарихини яхши биладиган ёзувчидир. Унинг кўп тилларга таржима бўлиб кетган «Улуғбек хазинаси» романи фикримизни тасдиқлайди. Агарда, ёзувчи янги романи «Кўхна дунё»ни анъанавий усулда ёзган тақдирда ҳам ранг-баранг сюжет йўналишлари параллел, ривожланувчи чизикларда даврнинг жуда кўп мураккаб томонларини қамраб олган чуқур драматик полотно яратган бўларди.

Назаримизда, китобхон билан мулоқот «тажрибасини» яхши эгаллаганлиги Одил Ёқубовни янги шакл ва ўзига хос оригинал воситалар излашга ундаган. Натижада у зерикарли баёнчиликдан қочиб, мавзуни очиб бериш учун ягона тўғри йўл топган — саргузашт романи эслатувчи сюжетга мурожаат этган.

Дарҳақиқат, бир қарашда, Одил Ёқубовнинг янги романи — «дини-исломнинг посбони», ўзини санъату илмларнинг ҳомийси, деб эълон қилган мустабид султон Маҳмуд Ғазнавийнинг ўша даврдаги барча машҳур аллома ва шоирларни ўз пойтахти Ғазнага йиққани, фақат Ибн Синонигина бунга кўндиролмагани ҳақидаги ривоят асосига қурилганга ўхшайди. Бу ривоят эса бедаво дардга чалинган султонни «даволаб» ундан кўп қарамлар кўрган сохта Ибн Сино ҳақидаги тарихий латифа билан боғлиқдир.

Ана шу ярим-афсона, ярим ҳақиқат ривоят — воқеаларни бирлаштирувчи ўзак сифатида романнинг бошидан охиригача давом этади. Бу эса ёзувчига жуда қўл келган. Авваламбор бу ривоят бир асарда икки буюк алломани — Беруний билан Ибн Синони учрашувига имкон яратиб, адибни уларнинг ҳаётини батафсил баён қилиш заруратидан халос этган. Конфликтнинг бош туғуни султон Маҳмуд касалига боғланиб, асосий қаҳрамонларнинг ҳаётига тегишли воқеа ва ҳодисалар сюжетнинг ривожланиш жараёнида ўрни билан тасвир этиб борилади. Бу ўринда Одил Ёқубов ретроспекцияга, қаҳрамоннинг ички монолог-хотираларига кўп мурожаат қилар экан, воқеалар суръатини асло пасайтирмайди. Сюжетнинг динамикаси ва унинг роман охиригача шиддат билан ривожланиб боришига сабаб ана шундадир. Бунда асар, албатта, қизиқчи ўқилади.

Совет адабиётида Ибн Сино образига илк дафъа мурожаат этилаётгани йўқ. Аммо бу борада ўқувчи диққатини ўзига тортадиган асарлар унчалик кўп эмас. Шунинг учун ҳам

Одил Ёқубовнинг буюк табиб ҳамда устоз Беруний характерини намоён қилувчи ўзига хос бадиий усул топгани муҳим аҳамият касб этади.

Урта асрлардаги аксар Шарқ олимлари ва мутафаккирлари каби Ибн Сино ҳам ҳукмдорларнинг саройларидан узоқроқда юришни, бир чеккада илм билан шуғулланишни афзал кўрган. Султон Маҳмуднинг қирғин ва офат келтирувчи урушларини лаънатлаган, халқнинг бошига тушаётган қулфат ва азоблардан азият чеккан. Оддий одамларни даволаш, тансиҳатлигини сақлаш орқали маънавий мадад беришни ҳаётининг асосий мақсадига айлантирган.

Шунинг учун ҳам Ибн Сино Ғазнадаги «фан ва шеърият» чаманини обод қилиш ҳақидаги таклифни рад этади. Атроф мамлакатларнинг кулини кўкка созуриб, дарё-дарё қонлар тўккан Маҳмуд Ғазнавийнинг иккиюзламалик қилиб, ўзини илм-фан ҳомийси сифатида кўрсатмоқчи бўлганидан олим қаттиқ нафратланади.

Романда сарой ҳаёти ўткир киноя ва сарказм билан тасвирланади. Султон атрофидаги кишиларнинг очкўзлиги, хиёнаткорлиги ҳаддан ошган. Улар ҳукмдорнинг кўнглини олиш, ҳар қандай истагини адо этиш, пинжиги кириб олиб, ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиш учун бир-бирларини ғажиб ташлашга тайёр турадилар. Буюк вазир Али Ғариб, вазир Абул Ҳасанак, «шеърият боғининг боғбони», деб ном олган хушомадгўй ва фирибгар сарой шоири Унсурий ана шундай разил кишилардир. Улар саройдаги ўз мавқеларини мустаҳкамлаш мақсадида дардга чалинган султонга яхши кўриниш учун сохта Ибн Синодан фойдаланишдек қалтис ишдан ҳам ҳайиқмайдилар.

Уларнинг мўлжалига мос ўлароқ, Ибн Сино билан ёшлигидан таниш бўлган, Абу Шилқим деб ном ортирган бухоролик ноқобил табиб шаҳарга келиб қолади: Бунинг устига Абу Шилқим ташқи кўринишидан Ибн Синога ўхшаб кетарди. Сохта табиб султон Маҳмуд Ғазнавийни майга қорадори аралаштириб, «даволай» бошлайди. Иш шу даражага бориб етадики, султон Исфаҳондан зўрлик билан олиб келинган ҳақиқий Ибн Синони тан олгиси келмайди. Чунки қорадори таъсирида унинг аҳволи бир оз яхшилангандек эди. Фирибгарларнинг найрангларини фош этиш учун султоннинг синглиси Хатли бегим ҳам қаттиқ курашади, аммо бирон натижа чиқаролмайди. Ҳақиқий даводан бебаҳра қолган Маҳмуд Ғазнавий, турган гапки, вафот этади.

Романдаги кўпгина персонажларнинг хатти-ҳаракатлари ана шу ярим ривоят сюжетиغا сиқилдириб юборилган. Пири Букри, Садаф биби, карматийлар ҳаракатининг сардори имом Исмоил сингари персонажлар сюжет ривожига катта ўрин тутмасалар-а, ўша давр муҳити манзарасини очишга бевосита хизмат

қиладилар. Шубҳасиз, икки асосий қаҳрамон — Беруний билан Ибн Сино романдаги кўпдан-кўп образлар орасидан ёрқин ажралиб туради.

Асарни ўқир экансиз, тасвир усули тез-тез ўзгариб туришини кузатасиз. Султон Маҳмуд саройидаги муҳит ҳақида гап кетганда киноя, кесатиқ оҳанглари кучаяди ва айрим жойларда гротеск руҳини олади. Маликул Шаробнинг маъхонаси ва унга боғлиқ одамлар хусусида сўз юритилганда юмор устунлик қилади. Ибн Сино ва Берунийларнинг оғир турмуши ва илмий фаолияти тасвирланганда эса ачиниш ва хайрихоҳлик оҳанглари аниқ сезилади. Икки алломанинг суҳбатлари мунозара шаклидаги фалсафий рисолаларни эслатади.

Шу маънода, Ибн Синонинг Беруний билан учрашувлари тасвирланган боблар ниҳоятда диққатга сазовордир. Икки буюк аллома халқпарвар одил шоҳларни, бойлик ва куч эмас, ақл ва маърифат қадрланадиган мамлакатларни қидириб топишни орзу қилган ёшлик даврларини эслашади. Дунёнинг пасту баландини, аччиқ-чучугини англаган икки доғишманд зўрлик ва олтин ҳукмрон бўлган ҳаётда адолат ва ҳақиқат тантана қилмаслигини тан олиб, ёшлик ҳаёлларидан воз кечадилар. Уксиган кунгилларини ёлғиз келажакка бўлган умидгина илтиб туради. Улар табиатнинг гултожи бўлган инсон ғафлат ва жаҳолатда қолиб кетмаслигига ишондилар. Ибн Синонинг «Ал-қонун» ва «Аш-шифо» асарларининг асл қимматини келажак авлодларгина қадрлай оладилар, деган фикрни ҳаёлидан кечиради Беруний. Улар ҳукмдорларнинг сохта илтифотлари, мукофотлари қаршисида доғираб қолмайдилар ва ўз виждонларидан ҳақ, деб билган йўлдан, ўз ақидаларидан воз кечмайдилар. Ана шунинг учун ҳам Беруний ўзининг «Ҳиндистон» асарида султон Маҳмуднинг босқинчилик юришларини маъқулламайди. Аксинча, олим истилочи ҳукмдорнинг бемаъни ёвузликлари оқибатида ўнлаб гуллаган шаҳарларнинг кули кўкка соворилганини, минглаб беғуноҳ, одамларнинг бекорга ҳалок бўлганини рўйирист кўрсатиб беради. Шу сабабли олим китобини Маҳмуд Ғазнавийга тўхфа этолмай, таъна-дашномлар эшитади. Абу Али ибн Сино ҳам она юрти Бухорони, қадрдон қишлоғи Афшонани талон-торож қилган султондан умр бўйи қочиб юради, умрининг кўп қисмини бегона ўлкаларда ўтказишга мажбур бўлади. Ғазнага эса ихтиёрига қарама-қарши равишда зўрлаб келтирилади.

Роман композициясидаги ўзига хос томонлардан яна бири — унга Ибн Синонинг шоғирди Абу Убайд Жузжоний хотиралари маҳорат билан сингдириб юборилганида кўринади. Бу нарса «Кўхна дунё»да тасвирланаётган воқеаларнинг тарихан аниқлигини янада оширади.

Асарда Беруний атрофидаги оддий одамларнинг тақдир ва саргузаштлари тасвири ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Маликул Шароб, Бобо Хурмо, Садаф билан ҳукмдорларнинг ўзбошимчилик ва жиҳилликлари туфайли бевақт қурбон бўладилар. Маликул Шароб ёшлигида шахзода Маҳмуднинг тажовузидан гўзал раққоса Нарғизни сақлаб қолгани учун отаси билан биргаликда саройдан қувғин қилинган. Шундан сўнг асли исми Қутлуғқадам бўлган бу одам ҳароб бир майхона очиб, Маликул Шароб номини олган. Аммо у туш-

кунликка тушмаган. Аксинча, табиатидаги саҳийлик ва кувноқликни сақлаб қолган. Майхонасида камбағал шоир, олим ва машшоқларга бошпана бериб, уларнинг суҳбатларидан кўнглини чоғ қилиб юради. Шу билан бирга у султон истибодига қарши курашаётган исёнкор имом Исмоилга яширинча хабарлар етказиб туради.

Бобо Хурмо ҳам султон нафсининг қурбони бўлган. Унинг ажойиб хурмозори султон томонидан тортиб олинган, хўрлик ва қашшоқлик азобидан Бобо Хурмо ақлдан озиш даражасига бориб етган.

Садаф биби-хоразмлик асир қиз. Беруний унинг товонини тўлаб, хизматкор қилиб олган. Олимнинг нияти бу қизни шоғирдига никоҳлаб бериш. Лекин, афсуски, Хатли бегимнинг пинҳона амри билан Пири Букри уни ўғирлаб қочади ва боқира қизнинг умрини ҳазон этади.

Бу персонажларнинг тақдир аянчли тугади. Маликул Шаробни саройнинг махфий айғоқчиси Пири Букри тутиб беради. Бобо Хурмо ҳам жаллодларнинг қийноқлари остида ҳалок бўлади. Зўрлик ва хўрланишга чидолмаган Садаф биби ўзини-ўзи осиб ўлдиради. Буларнинг барчаси адолатсизликларни очиш учун ёзувчига катта кўмак берган.

Ғанининг хулосасида Одил Ёқубов ўз истеъдодига муносиб яна бир ажойиб тарихий асар яратганини таъкидлашни истардим. Романинг қиммати фақатгина узоқ ўтмишни ранг-баранг, жонли тасвирланганлиги ёки икки буюк сиймонинг образи яратилганида эмас. Асар инсонпарварлик руҳи билан суғорилганлиги, илм-фаннинг маънавий жиҳатдан пок бўлиши зарурлиги ғоясини илгари сургани жиҳатидан чуқур замонавий мазмун касб этади.

Романда ёзувчининг тасвир усулига боғлиқ бўлган айрим камчиликлар ҳам учрайди. Авваламбор, саройларнинг жиҳозлари, одамларнинг кийим-кечаклари тасвирида ҳашамдорлик кўпайиб кетган. Бундай жимжимадор, гўзал тасвирлар баъзи жойларда зарур, аммо кўп такрорланавергандан кейин ўқувчининг меъдасига тегади ва асар динамикасига салбий таъсир кўрсатади.

Яна бир истак: романда Абу Али ибн Сино шоир сифатида етарлича гавдаланмай қолган. Тўғри, муаллиф асосан Ибн Синонинг табиблиги ва фалсафий қарашларига эътибор беришни кўзда тутган. Лекин, фикримизча, буюк алломанинг назмдаги ижодига кўпроқ эътибор берилганда асар янада муваффақиятлироқ чиққан бўларди. Бундан ташқари Ибн Синонинг ҳақиқат ва адолат ҳақида ҳамда дунё лаззатларининг ўткннчилиги хусусидаги шеърларидан фойдаланилганда роман ғояси янада теран мазмун касб этган бўларди.

Ахиёр ҲАКИМОВ,
Москва.

Изланиш давом этади

Л а з и з Қ а ю м о в. Сайланма. Биринчи ва иккинчи жилд. Ғафур Ғулломномадаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1981 ва 1983.

Чорак асрдирки, Лазиз Қаюмов Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижодини тадқиқ этиб

келмоқда. Шу давр ичида олимнинг Ҳамза ҳаёти ва ижоди ҳақидаги ўндан ортиқ илмий асари рус ва ўзбек тилларида нашр қилинди. Лазиз Қаюмовнинг биз фикр юри- таётган икки жилдлик «Сайланма»си асосан Ҳамза ҳақидаги асарларидан тузилган. Маълумки, олимнинг Ҳамза ҳақидаги тўрт асари турли йилларда чоп этилган эди. Табиийки, уларнинг ҳар бирида ўзига хос услуб бор. Иккинчидан, тадқиқотчининг 1962 йилда нашр этилган «Инқилоб куйчи- си»даги тушунчалари, концепцияси билан 1973 йилда босилган бадиий-биографик «Ҳамза» асаридаги қарашларида тафовут мавжуд эди. Шунга ҳисобга олиб, Лазиз Қаюмов «Сайланма»даги барча асарлар, услу- бидан қатъи назар, қай бир хижати билан Ҳамза ҳаёти ва ижодига келиб уланади.

Ҳамза ҳақидаги тадқиқот алоҳида- алоҳида йўналишдаги уч турли матери- алларнинг ўзаро бирлашувида вужудга келган. Инсон таржимаи ҳоли юзлаб, минг- лаб каттаю кичик фактлар, турли хил ҳужжатлар, гувоҳномалар йиғиндиси- дир. Табиийки, инсон ҳаётининг барча факт, ҳужжатларини ўрганиш мумкин эмас, унга зарурият ҳам йўқ. Лекин улуг шахслар, ижодкорлар таржимаи ҳолини, ижодий қиё- фасини тиклаш лозим. Илмий биографияни фактларсиз, улар моҳиятини ёритишсиз тасаввур этиб бўлмайди. Факт олим қўлида- ги ҳар томонга эгилаверадиган зувала эмас, феъл-атворли, кўп қайсар нарса. У бош ва иккинчи даражали маъноларга эга бўлади. Эҳтиётлик ва жиддийлик билан ёндашган тадқиқотчига у ўз асл моҳиятини «очади.» Уларни танлай билмаслик — муҳимларини саралай олмаслик — изчил илмий система- нинг вужудга келишига монелик қилади. Фактларро ўралашиб қолиш, адабий баёни келтириб чиқаради. Адабиётшунос Муҳсин Олимов, Лазиз Қаюмов ҳақида ёз- ган адабий портретиди олимнинг Ҳамза хусусидаги тадқиқоти устида тўхталиб, шундай ёзади: «...Ҳамза таржимаи ҳолига алоқадор бўлган поезд билетларидан тортиб, унга олий давлат идоралари берган гувоҳно- маларгача, яъни архивда сақланиб қолган жамики далил ашёлардан кенг фойдаланган эди. Китобдаги шу хил «икир-чикир»лар тафсилоти баъзи бировларни таажжубга солиб қўйди. Аслида, таажжубга ўрин йўқ, чунки бу хилдаги тадқиқот усули, айниқса рус адабиётшунослигида кўпдан мавжуд.» Танқидчининг бу фикри тўғри. Назаримиз- да, Лазиз Қаюмов тадқиқотининг ютуғи фактлар мазмунини очиб, улар мантқиқига риоя қилишда сезилади. Мана, масалан, илмий биографиянинг дастлабки саҳифаси- даги биринчи фактга эътибор берайлик. Унда Ҳамзанинг отаси, бобоси, катта бобоси ҳақида маълумот берилади. Муаллиф, биринчидан, Ҳамзанинг исми, тахаллуси маса-

ласини аниқлайди, иккинчидан, ота ва ўғил орасида зиддият бўлганлиги тўғрисидаги нотўғри қарашни инкор қилади. Ҳамза ҳа- қидаги тадқиқотда заминли фактлар кўп. Факт кўп бўлгач, баъзи хатоликлар ҳам со- дир бўлиши табиий. «Сайланма» иккинчи жилдининг 189-бетида ўқиймиз: «Фарғона область Ижроия Комитети 1925 йил 7 июлда чиқарган 174 қарорининг 4 параграфига мувофиқ, бир ой муддат билан Ҳамзага отпусқа берилган... 1925 йил сентябрига қадар отпусқа олгандан сўнг (1912 йилдан 1925 йилгача олган истироҳатим шу), — деб ёзган эди Ҳамза ўз автобиографиясида.»

«Сайланма»нинг иккинчи жилд 155-бети- да ўқиймиз: «1924 йил 15 июлда Хоразм Совет Республикаси Қорақалпоқ область Маориф бўлими томонидан берилган, 15-но- мерли гувоҳномадан маълум бўлишича, Хўжайли область партия комитетининг ре- золуцияси ва область Маориф бўлимининг 2 протоколидаги 2 параграфга биноан, ўртоқ Ҳамза Ниёзовга 15 июлдан 1 сентябргача отпусқа берилган... Ҳамма ишларни тугатиб интернатни бошқа кишига топшириб, 1924 йил 8 августда у хотини Зайнаб (Зина) Файзулина ва ўғли Аббос билан Хўжайли- дан чиқиб, Қўқонга йўл олган. 1924 йил 14 августда улар Мўйноққа келишган. Ав- густ ойининг охирларида шоир Тошкентга келиб, бир оз тўхтагач, сентябрь ойда Қўқонга боради.» Бу ерда Ҳамза таржимаи ҳолидаги факт билан Лазиз Қаюмов келтир- ган факт орасида номутаносиблик кўринади.

Лазиз Қаюмов Ҳамза таржимаи ҳоли фактлари олинган манбаларни аниқ, ишо- нарли кўрсатади. Лекин, тадқиқотга кири- тилган барча фактларни зарур, муҳим, деб бўлмайди. «1925 йил 2 декабрда аллақандай бир нарса топширгани ҳақида 1738 номерли қвитанция бор. Шу йил декабрь ойининг 20-сида Главполитпросвет шартномасига кўра аванс сифатида 284 сўм пул юборган. Пул 23 декабрда Қўқонда, 27 декабрда эса Фарғонада бўлган ва шу кунларда шоирга теккан». Бу фактда мавҳумлик бор. «Алла- қандай бир нарса» жумбуқ.

Тадқиқот учун материал бўлган иккинчи манба-революция куйчиси ҳақидаги яқин- йироқ хотиралар. Лазиз Қаюмов Ҳамзани кўрган, уни яқиндан билган кўп кишилар билан суҳбатлашган, матбуотда эълон қи- линган хотиралардан унумли фойдаланган. «Сайланма»га материал тайёрлар экан, му- аллиф Ҳамза ҳақидаги тадқиқотини қайта- дан кўриб чиқди, уни янги факт, хотиралар билан тўлдирди.

Ҳамза ҳақидаги тадқиқотни яратишда Лазиз Қаюмов революция куйчиси ҳақидаги илмий асарларга суяниб иш кўради. «Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий» — йирик илмий тад- қиқот. Табиийки, Ҳамза ҳақида яратилган барча илмий асарлар у ёки бу томони билан мазкур тадқиқотга боғланади. Лазиз Қаю- мов ўз концепциясини изчил давом эттирар экан, шу хусусда фикр юритган гоҳ у, гоҳ бу илмий ишга муносабат билдиради: баъзи қарашларни инкор этади, баъзилари билан баҳслашади, баъзиларига қўшилади. Бу борада у фақат адабиётшунослар биланги- намаас, педагог, файласуф, тилшунос, та- рихчи олимлар билан ҳам баҳслашади. Архив материаллари, хотиралар, илмий баҳс, мунозаралар Ҳамзанинг улкан инсон,

бетакрор шахс, ўзига хоё санъаткор — ижодкор эканлигини тасдиқлайди.

Тадқиқотда XX аср бошидан то 20-йилларнинг охиригача бўлган мураккаб адабий жараён ёритилади. Лазиз Қаюмов XX аср бошларида ёш Ҳамза келиб қўшилган адабий жараёнда классик адабиёт тенденциялари давом эттирилаётгани, айти вақтда мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳаёт вужудга келтирилган адабий ҳаракатчилик мавжудлиги тўғрисида тўхталади. Олим Ҳамза ижодига Навоий, Бобур, Муқимий, Фурқат, Завқий сингари шоирларнинг асарлари таъсир этганлиги ҳақида ёзиб, ёш шоир классик меросга танқидий муносабатда бўлганлигини, уни бойитишга, замон руҳи билан мукаммаллаштиришга интиланлигини таъкидлайди: «Ҳамза классик адабиёт жаррларининг рамкасини ҳам кенгайтиришга ҳаракат қилганлиги сезилади. Агар, одатда, ғазал 5,7 гоҳида 9 байтдан иборат бўлса, Ҳамза баъзан уни 13 бандгача (?) кўпайтирган ҳоллари бор. Мухаммадларидан бири эса 125 мисра. Мураббаъларидан биттаси 64 мисра. Бу кузатишлар Ҳамза поэтик ижодининг илк этапидаёқ бадиий маҳоратни эгаллашга, традицияларни тўла эгаллаган ҳолда новаторлик қилишга интилишдан далолат беради.» (Биринчи жилд, 239-бет).

Лазиз Қаюмов Ҳамза тожик тилида ҳам ғазаллар ёзганлигини, бу соҳада унга Гулҳанай, Макнуна (Нодира), Муқимий, Фурқатларнинг форс-тожик тилидаги асарлари таъсир этганлигини таъкидлайди. Тадқиқотда революция арафасидаги адабий муҳит, унда Ҳамзанинг ўрни ва роли ҳақида муфассал фикр баён қилинади.

Ҳамзанинг революциядан кейинги ижоди ҳақида гапирар экан, тадқиқотчи табиийки, инқилобий адабий жараён ҳақида тўхталади. Ҳамза асарларининг ўша жараёнга таъсири, улар тўғрисида шу пайтда чиққан тақризу мақолалар ҳақида мулоҳаза билдиради. Лазиз Қаюмов тадқиқотда: «1917 йил октябрь ойида, улў инқилоб арафасида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг дунёқараши марксистик, фаолиятчи инқилобчилик ва ижодий методи социалистик реализм эди», — деб ёзади. Ҳақиқатан ҳам, инқилобдан кейин Ҳамзанинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшилди. У тинимсиз меҳнат қилди, революциянинг ҳақиқий жангчисига айланди. Тадқиқотда оташин революционер ижодкорнинг ижтимоий фаолияти, янги типдаги театр, репертуар яратиш йўлида олиб борган хатти-ҳаракатлари тасвирланади.

Тадқиқотда Ҳамзанинг ёш ижодкорларга умид билан қараганлиги, уларга устозлик қилганлиги Комил Яшин, Собир Абдулларнинг хотираларидан аён бўлади. Санъаткор нафақат ёзувчиларга, балки режиссёр, актёр, педагог, музикачиларга устозлик қилган. Олим Ҳамза асарларини таҳлил қилар, адабий жараён муаммоларини ёритар экан, аёнана ва новаторлик, актуаллик ва замонавийлик, типиклик сингари қатор назарий


масалаларни ўртага қўяди. Санъаткорнинг дунёқараши, ижодий методи тўғрисида узил-кесил фикрлар баён қилади.

Тадқиқотчи Ҳамзанинг «Янги саодат» асари ҳақида гапириб, унинг жанри психологик роман, «Қорасоч» эса опера эканлигини айтади. Назаримизда, шу ўринда назарий масалаларни кенгроқ ёритиб бериш лозимдай туюлади. Олим Ҳамза ижодида роман жанри намуналари мавжудлигини исботлаган, «Уч»нинг замонавийлигини аниқ тасдиқлаган, «Қорасоч»нинг йирик музика асари эканлигига ишонтирган бўлса, бу фикрлар адабиётшуносликда қўлланиши лозим. Негаки, аксарият илмий тадқиқотларга Абдулла Қодирий биринчи реалистик роман автори эканлиги айтилади. Нима учун роман ибтидосини Ҳамзадан бошлаш керак эмас?

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган куннинг юз йиллиги яқинлашмоқда. Ҳамзашунос олимлар бу юбилейга ижодкорнинг ҳали номтаълум асарларини тошиб, нашр этишлари лозим. Олтмишта драмадан эндигина ўн иккитаси топилган. Иккинчидан, Ҳамза асарларини илмий-назарий тадқиқ этиш ишларини кенг йўлга қўйиш лозим. Павло Тичина, Янка Купала, Ованес Туманян, Галактион Табидзе, Садриддин Айний сингари миллий совет адабиётларнинг асосчилари тўғрисида кўплаб илмий-назарий тадқиқотлар яратилаётган экан, бундай ишни Ҳамза ижоди ҳақида ҳам кенг планда олиб бориш керак. Тўғри, Ҳамзанинг тўрт томлик тўла асарлари нашр этилди, Лазиз Қаюмовнинг йирик тадқиқоти мукаммал ҳолда эълон қилинди. «Ҳамза ижоди ҳақида тадқиқотлар» босилди. Лекин Ҳамза ижодини тарихий-типологик, тарихий-қиёсий, тарихий-функционал ўрганиш ишлари ҳали етарли эмас. Лазиз Қаюмов тадқиқотида Ҳамза асарларининг Афғонистонда ўрганилаётганлиги, у ердаги шоирлар ўзбек революционер шоирга эргашиб шеърлар ёзаётганлиги ҳақида Ҳасан Қудратиллаевнинг маълумоти берилган. Худди шу зайддаги илмий тадқиқотларни давом эттириш лозим. Ҳар бир янги авлод санъаткорни ўзича қайтадан кашф этади. Бундай пайтда адабиётшунослик ўқувчининг муаллимига айланиши даркор. Ҳамза асарларининг тарихий — функционал таъсири ҳақида жиддий ишлар яратилиши керак.

Шунингдек, Лазиз Қаюмовнинг «Сайланма» асарларининг иккинчи жилдидан мунаққиднинг Анбар отин, Муқимий, Пабло Неруда ва Ҳамза ҳаётининг айрим қирраларини тасвир қилувчи ҳикоялари ва пьесаси ҳам ўрин олган. «Меридианлардаги учрашувлар»га киритилган мақолаларда биз изчил позицияда туриб ғоявий муҳолифларга қарши курашган публицист қарашлари билан танишамиз. Хуллас, «Сайланма»да Лазиз Қаюмов — тадқиқотчи, публицист, драматург сифатида намоён бўлади.

Абдуғафур РАСУЛОВ



Турсунбой Адашбоев

Асфальтдаги расмлар

Ким танимас кўчамизда
 Дилшод, Сора, Насимларни,
 Асфальт йўлда уймалашиб
 Чизар турли расмларни.
 Вақтинчалик унуттишган
 Китоб, ручка, дафтарларни.
 Акс эттирар шар ушлаган
 Болаларни, каптарларни.
 Оқшом чўкиб, тун оҳиста
 Қора чойшаб ёнганида.
 Кўкнинг момогулдираги,
 Бўз тулпорин чорганида.
 «Сувда оқиб кетмасайди
 Йўлда қолган расмлар», — деб

Дилшод тунда ухلامасдан
 Ташвишланиб чиқди ҳадеб.
 Эҳ, ҳайрият, ёмғир бу гал
 Сурагларни ўчирмабди.
 Машиналар каптарларни,
 Чўчитмабди, учирмабди.
 Тонг ёришиб, офтоб тоққа
 Алвон рангдан дўрра боғлар.
 «Тинчлик», «Она» деган ёзув,
 Шар ушлаган қизалоқлар
 Кун нурида товланади
 Кечагидан ёрқин, аниқ,
 Қуёш акси байроқларга —
 Ўтган каби ёлқинланиб.

Шанбалик

Чўққиларга илинди
 Оқ булутлар туғ бўлиб.
 Ерга сингмай қор суви,
 Кўкка ўрлар буғ бўлиб.

Мусичага манзил-макон
 Таниш бўғот, пешхари.
 Бобом торгар ўқариқ,
 Бар урилган пешлари.

Момоннинг фикри-зикри,
 Жағжағу исмалоқда.

Шанбалик қилиб кеча
 Синфимиз чиқди боққа.

Дов-дарахтнинг боғбонлар
 «Соч-соқолин» қийишди...
 Биз оқлаган дарахтлар
 Оппоқ пайпоқ қийишди.

Раис бобо шод бўлиб,
 Қўлимизни қисадир:
 — Бу шанбалик тинчликка,
 Сизлар қўшган ҳиссадир.

Камалак

Пайдо бўлди ёй-камалак,
Кўл бўйида, етти рангда.
Етти қатим ипак мисол

Бўлиштирдик — санга, манга.
Сакрамачоқ қилиб бирин
Муҳаррамхон ўйнар тонгда.

Ўпкани қўлтиқламай

Ўсиб ётар қулупнай,
Тарвақайлаб-чирмашиб.
Емиш излаб Шиллиққурт
Чиқди баргга, тирмашиб.
Имиллаб юриш асли
Шиллиққуртга жуда хос.

Оёғи тойиб бирдан,
Йиқилиб тушди бехос.
Пичинг қилар Тошбақа:
— Эҳтиёт бўлиш керак.
Ўпкани қўлтиқламай,
Шошмасдан юриш керак.

Билмас экан

— Вуй, намунча даҳшатли,
Сиз айтган тимсоҳ деган.

Эснаганда оғзини
Епишни билмас экан...

Ўлжа

Қорни очиб, ўзариб,
Ранги-рўйи бўзариб,
Сичқон кирди тешикдан,
Балки олдин эшитган:
Шундоқ қўшни омборда
Хампа тўла дон бор-да.
Челакларда пишлоқ, мой,
Кўплар билмас, ҳойнаҳой.

Татиб кўрди бир бошдан
Бугдой, жўхори, мошдан.
Қорни тўйиб, кекириб,
Каламушни жекириб,
Яқин келди эшикка.
Сигмай қолиб тешикка,
Ўлжа бўлди шу маҳал
Шоп мўйловли мушукка...

Тушиб қопти товони

Сариқ жўжа ҳар куни
Териб чинор баргини,
Ўлчаб кўриб оёққа,
Чопар қайдан-қайёққа.
Дўстлари тортиб сергак
Қолишди уни тергаб:

— Жўн юрмасдан нега сен
Чопиб жонга тегасан?
— Чирип-чирип, чирип-чиқ,
Ишонмасанг кўриб чиқ:
Ҳозлар совуқда ушиб,
Товони қопти тушиб...

Атай кийдим

Жақилдоқ қиз Мағлубани
Танимайсиз, ҳойнаҳой,
Туфлисини гоҳида
Кийиб олар пойма-пой.

Қизлар кулса, Мағлуба
Еқлайди ўз гапини;
Атай кийдим, ўнг оёғим
Восмасин деб чапини.

Ҳаммамизга

Гапга солар амакиси Лайлини:
— Сухарингдан менга ҳам бер,
майлими?

— Узи учта, майлига.
Бири менга, бири укам — Сайлига.
Қолгани-чи, тоғам, холаш ва сизга,
Ҳаммамизга...

Харфларнинг саргузашти

(Италия шоири Жованни Рабонининг
«Қайсар рақамлар»ига жавобан)

Кўзларига ёш олиб,
Уттиз бешга харф бирдан
Кетган эмиш бош олиб,
Хафа бўлиб Собирдан.
Унга футбол бўлса бас,
Айтган гапга кирмайди.
Ҳамон ўқир ҳижжалаб,
Фанни ўзлаштирамайди.
«Алифбе»ни дарс пайти
Эриниб бир-бир очди.
Қарасаки, харфлар йўқ,
Оғзин таноби қочди.
Кўрсатгани уялар
Уни ярим-ёртига.
Қайси бирин қидираб
Тушиб олиб ортига.
Акрам, Акмал шу маҳал
Оро киришди жонга,
«А» харфи кетган экан
Аразлаб Андижонга.
Баҳром, Баҳри, Баҳодир
Белни боғлаб чопишди.
«Б» ни бўлса қийналмай
Бухородан топилди.
Вали, Ваҳоб, Васида
Вертолётда елишди.
Возиллашиб бир зумда
Водил томон елишди.
Гуландомни тонг қўйиб,
«Газик»ни минди Парфи.
Гулистонда гердайиб,
Гурунг қураб «Г» харфи.
Дилдор, Дилшод, Давронбек
Душанбага йўл олди.
Дашнабоднинг йўлида
«Д»ни учратиб қолди.
Ел мисоли учиб «Е»,
«Е»га ёндош ён босиб,
Езёвонда юрипти —
Ерқиной борса шошиб.
Жуфтак урди «Ж» харфи
Жиззах деган маконга.
«З» Заркентда сайр эгар,
«И» бўлса Иштихонда.
«И» ни Йўлдош йўқлади
Йўлдаги иш осон-да.
«К» кетидан кетачан
Карим кетди Косонга.
«Л»ни Ленинободдан,
Лобар сўраб азонда.
Моҳира «М»ни излаб
Марғилонда бўлипти,

Нодирага «Н» харфи
Наманганда йўлиқди.
Оққўрғонни мўлжаллаб,
Ойшахон чопди тездан.
Пўлатойга пешма-пеш
«П» учради поездда.
Риштонга «Р» зинғиллаб,
Равона бўпти, кўрса.
Самарқандга учибди,
Самолётда «С» бўлса,
Трамвайда Тошкентни
«Т» томоша қиларди.
«У»ни Урганч шаҳридан,
Усмон излай биларди.
Фаррух «Ф»ни учратди
Фаҳмлаб Фарғонада.
Шу харфга ўхшаб кетар,
Биқин ушлаган одам.
Хуришда чикди пешвоз
Ҳасан-Ҳусан «Х»лари.
Циркда «Ц», Чортоқда «Ч»,
Шўрчида «Ш» бўларми?!
Эрғашиб «Э»га, қаранг,
Юмшатиш, айриш белги
Юсуф «Ю»ни Яхёёчи,
«Я»ни етаклаб келди.
Ҳар харфнинг ўрни бор,
«Алифбе»га жон қўйган.
Уктамжонга «У», қаранг,
Улжа бўлипти Ушдан.
Қанот қоқиб «Қ», шошиб,
Кетган экан Қаршига,
Қўлдош уни қўлтиқлаб,
Қувар дўстлик маршида.
Ғани билан Ғайбулло
Ғизиллади Ғузорга.
Ғазалкентда Ғафурга
«Ғ» тўқнашди гузарда.
Ҳа, аҳиллик туфайли,
Барча харфлар топилди.
Собиржоннинг, ҳар нечук,
Бу айби ҳам ёпилди.
Уттиз беш харф шундай дер:
— Яшарканмиз то бирга,
Агар кўзин очмаса,
Бош эгмаймиз Собирга!..

Дангасалик тушовлаб,
Собир мизғиган экан.
Хайриятки, тушида
Харфлар изғиган экан...

Уш

Рустам Обидов

МОМО ҲАВОНИНГ ХОЛИ

Фантастик ҳикоя

Интилар борлиқни инсон баркамол этмоқ
учун,
Не ажаб, инсонни борлиқ баркамол этган
эмас.

Эркин ВОҲИДОВ

- Тинчланинг, азизим, тинчланинг. Сиз ҳаётсиз.
- Наҳотки? Мен қаердаман? Нега кўзларим ҳеч нимани кўрмаяпти?
- Дўстларингиз ёнидасиз.
- Раъно-чи? Раъно тирикми?
- У ҳам ҳаёт. Хавотир олманг.
- Хайрият!.. Лекин тушунолмадим — нима бўлди ўзи?
- Тинчланинг. Айтирли ҳеч гап бўлгани йўқ. Кемангиз метеорит оқимиға дуч келган экан, метеорит парчалари ҳаво янгилаш қурилмасини ишдан чиқарибди.
- Ҳа... Шундан кейин кислород етишмай, Раъно икковимиз бўғилиб қолдик. У ёғини эслолмайман...
- У ёғиға икковингиз ҳам ҳушдан кетгансиз. Кемангизда ЭҲМ бошқарувни ўз қўлиға олган ва ёрдам сўраб, коинотга чақирув сигналлари бера бошлаган.
- Қурилмани ўзи тузата олмасди. Роботларимиз йўқ.
- Табиий ҳол. Бироқ яқин орада ҳам бирон кема учрамаган.
- Тушунарли. Кейин сизлар учраб қолиб, ёрдамга келгансизлар.
- ... Шундай десак ҳам бўлаверади.
- Ия? Бу нима деганингиз?
- Бу деганим шуки, бахтга қарши, биз ҳам ёрдамга улгуролмадик.
- Нима-нима? Ҳеч нарсани тушунолмадим!
- Нимасини тушунмаяпсиз? Ёрдамга кечикибмиз, холос!
- Шошманг! Нима, сиз мен билан ҳазиллашяпсизми? Кемамиз ҳалокатга учраб, ҳаво янгилаш қурилмаси бузилди — бир. Раъно иккимиз бўғилиб ҳушдан кетдик — икки. Мана, мен ўзимга келиб турибман, Раъно ҳам тирик деяпсиз. Ё ногўғрими?
- Тўғри-тўғри. Ҳар икковингиз ҳам ҳаётсиз. Лекин... тириксизлар деб айта олмайман.
- Ана холос! Ҳазил ҳам шунақа бўладими? Сизлар қайси кемадан эканингизни билмайман-у аммо бизнинг бахтимиз бор экан: нақд ўлимдан қутқариб қолдингизлар. Минг раҳмат! Бироқ... бундай тушунарсиз ҳазилнинг боисини англай олмаяпман.
- Ҳа, мен ҳам сизга ҳеч нарсани тушунтириб бера олмасман, деб қўрқаяпман.
- Нимани, ахир, нимани?
- Ҳаяжонланманг, ҳозир ҳаммасини биласиз.
- ...?!
- ... Гап шундаки, биз ҳам сизга ўз вақтида ёрдамга етиб келолмадик.
- Демак, аввал роботларингиз келиб, ҳаво қурилмасини тузатишган. Ўзларингиз эса кейинроқ келибсизлар, тўғрими? Хўш, шунга шунча ваҳимами?

— Бизда ҳам роботлар йўқ.
— У ҳолда...
— Сизларни биринчи бўлиб биз ўзимиз учратдик, бу ҳақиқат. Чақириқ сигнални олгач, энг сўнгги тезлик билан учдик. Аммо етиб келганимизда ҳар икковингиз бўғилиб, ҳалок бўлган экансиз.

— Ахир, мен мана тирикман-ку!
— Афсуски, бундай эмас. Сиз фақат ҳаётсиз, ҳолос.
— Нима фарқи бор бунинг?
— Фарқи катта. «Тирик» сўзи кўпроқ организмга тааллуқли, «ҳаётлик» эса умуман мавжудликни билдиради. Сиз гапимни бўлмай диққат билан эшитинг. Яна такрор айтаманки, сизлар асл маънода ҳалок бўлгандингизлар. Орада жуда узоқ вақт ўтгани сабабли юракларингизни қайта ишга солиб юборишнинг мутлақо иложи бўлмади.

— Ахир... ахир...
— Тинчланинг. Сизга бари бир бор гапни айтишга тўғри келади. Бу ёғини эшитинг. Шундан сўнг...

— Пировардида юракларимизни ишга солишга муваффақ бўлибсизлар-ку! Ахир, бу улкан кашфиёт эмасми? Еримиз тарихида ҳали бундай бўлмаган...

— Тўғри, бўлмаган. Бўлмайди ҳам. Чунки ўлган тўқималарни тирилтириш мумкин эмас. Биз ҳам бунинг уддасидан чиқа олмаймиз.

— ?!
— Хуллас, олдимизда фақат битта йўл қолган эди. У нималигини сезмаяпсизми? Ҳаракатланишга уриниб кўринг-чи!..

— Бу нимаси?! Ахир... қўлларим қани? Оёқларим-чи?..
— Қўл-оёқларингиз йўқ.
— Нима бўлди ўзи? Тушунтириброқ гапирсангиз-чи! Юрагим тошиб кетаяпти.

— Бундай бўлиши мумкин эмас. Чунки юрагингиз ҳам йўқ.
— Нима-нима?!
— Умуман, танангиз йўқ.

— Менга қаранг, дўстим. Мен йигит кишиман, фазо йўлларида озмунча кезмадим. Сиз асабларимдан хавотир олмай ҳамма гапни очиқ айтаверинг. Дадил гапираверинг, қандай даҳшатларни кўрмаган бу кўзлар.

— Энди кўзларингиз ҳам йўқ. Ишонмасангиз очишга уриниб кўринг.
— Бу... бу нимаси? Кўзларим ростдан ҳам сезилмаяпти! Ҳеч нимага тушунолмашман. Бошим қотиб қолди.

— Бошингиз ҳам йўқ.
— ?!
— Хуллас, гап шу. Аъзойи баданингизни сақлаб қолишнинг имкони бўлмагач, миянгнинг ўзини асраб қолдик ва мана, уни тирилтирдик. Бинобарин, биз сиз билан гаплашаётганимиз йўқ, балки телепатик усулда фикр алмашаямиз.

— Йўқ-йўқ!!.. Бундай бўлиши мумкин эмас! Бу ақлга сиғмайди! Кўхна Еримизда ҳали бундай воқеа бўлмаган! Мияни алоҳида олиб, унга жон киритиш!..

— Тўғри. Сизнинг сайёрангизда бўлмаган.
— Нима-нима? Сизнинг сайёрангизда?..

— Мана, ниҳоят, ҳамма гапга тушундингиз. Ҳа, биз ўзга дунё одамларимиз. Сизлар юлдуз туркуми деб атайдиган мажмуанинг Зангор номли сайёраси фазогирларимиз.

* * *

— Салом, Бехзод.
— Салом... Нечун сўрашяпсиз?
— Чунки, аввал гаплашганимиздан бери икки кун ўтди. Ушанда кутилмаган хабардан сиз ўзингизни йўқотиб қўйдингиз. Бундай дейиш нотўғри-бир тарафдан — сиз аслида йўқсиз-ку! Аниқроғи, сиздан келаётган телепатемалар ниҳоятда кучайиб, чалкашиб кетди. Мана энди кўникандирсиз?
— Кўникмай начора. Жасадсиз руҳ бўлсам... Айтмоқчи, Раъно ҳам...
— Ҳа, у ҳам шу аҳволда. Очигини айтсам, бу хабар қизга янада кучлироқ таъсир қилди.

— Тўғри-да! Куймасинми яна! Қандай лобар, қандай дилдор қиз эди-я, у! Мен севардим уни, шундайин бир оташин туйғу билан севардимки... Ерга қайтгандан кейин тўйимизни ўтказмоқчи эдик. Келажак орзуларимиз қандай

эди-я! Иккаламиз ҳам Олий Астронавтика институтида ўқиймиз, мен фазо-гирлар факультетида, Раъно медицина факультетида. Ҳозир ярим йиллик практикани ўтаётгандик. Таҳсилни тугатиб — бу пайтгача тўйимиз ҳам ўтарди — Юлдузларро экспедициялардан бирида олис-олисларга йўл олмоқчи эдик. Э-воҳ, энди бу режаларимиздан нима наф?!

Тимқора сочлари, попукдек қош-кўзлари, гулгун чеҳраси-ю, хумор боқиши, анор юзлари-ю, ширин сўзлари... Барчикойдик жасур эди, Зухрадек садоқатли, Шоҳсанамдек сулув эди, Кумушдек латофатли... У Раъно бўлса, мен Анвар эдим... Қани ўша санам? Қани ўша барно? Эвоҳ, шундай нафосат, шундай гўзалликдан бор-йўғи бир мия қолдими? Эҳ, номард табиат!..

— Тинчланинг, азизим. Утган сафар ҳам шунақа ҳаяжонланиб кетдингиз, бу зарар қилади. Ортиқча ҳаяжонланиш, зўриқиш мия тўқималари ишини издан чиқаради. Ана шу сабабли биз олдинги гал сизни ўчириб қўйишга мажбур бўлгандик.

— Ҳа, баракалла!.. Мен бир чироқдек бўлиб қолибман: истасангиз — ёқасиз, бир оз гаплашасиз, бу ҳам бир тажриба-да! Истасангиз — ўчирасиз. Мендан — Раънодек гўзалга одамгил қўйган йигитдан бор-йўғи битта мия қолдими-а?! Сиз, ўзга дунё одалари, Ерда инсон гўзаллиги, қадр-қиймати қандай эканини биласизларми?..

— Бизда янада қадрлироқ у.

— Ишонмайман! Улган одамнинг миясини олиб қолиб тириктириш ва унга шуни айтиш қандай даҳшатли? Қандай бераҳмлиқ бу?! Нега? Нега шундай қилдинглар? Бундан кўра ўлганимиз яхши эмасмиди?

— Инсон дунёга яшаш учун келади. Имкони бор экан, ҳар қанақасига яшаш керак.

— Ҳа-ҳа, тўғри! Лекин қуруқ(бўлиб мия) эмас-да! О, бу қандай даҳшатли, оғир?! Миянинг ўзини асраб қолиш ва уни тириктириш, шубҳасиз, буюк кашфиёт! Бироқ... инсон боласи учун бундан ортиқ азоб бўлмаса керак...

— Икковимиз гаплашмаётганимизни, яъни ўзаро фикр алмашаётганимизни унутманг. Миянгиз тарқатаётган телепатемалар орқали хаёлингиздан ўтаётган гапларни ўқиб бораёпман. Аслида-ку, биз сизларнинг гапингизни билмаймиз, ҳатто сизлар товуш воситасида қай тариқа фикр алмашасизлар — тасаввур ҳам қила олмаймиз. Лекин телепатик алоқага нима етсин? У сизга ўхшаш ўзга дунё одами билан «гаплашиш»га ҳам ёрдам беради, зотан, телепатемалар таржима қилинмайди. Бинобарин, биз сиз ҳақингиздаги барча маълумотларни ўзингиздан олдик.

— Шошманг, бир нарсани тушуна олмадим. Мен баъзи гапларимни «гапираёпман», айримларини эса фақат ўйлаёпман. Сиз буларни ажратаёпсиз, чоғи?

— Ҳа, бу қийин эмас. Сиз «гапираёпман» деб ўйлаган пайтингизда кучли телепатема юборяпсиз, айтгингиз келмаган фикрингиз эса кучсиз телепатемада келяпти. Масалан, сиз ҳозир «Мияни тириктириш инсон боласига энг оғир азоб», дедингиз. Айнан «азоб» сўзини айтаётганингизда параллел телепатемада «ваҳшийлик» деган маъно ҳам келди. Қисқаси, бирон-бир фикр хаёлингиздан ўтса бас, сиз уни қанчалик айтгингиз келмаса ҳам, у қанчалик кучсиз телепатемада бўлса ҳам, бари бир, бизга етиб келади.

— Демак, сизлардан ҳеч нимани сир сақлай олмас эканман-да!

— Мана, кўраёпсизми, яна шундай бўлди? Лекин ҳозир хаёлингизда нима дегангизга тушуна олмадим. Нима? Сўкишми? Сўкиш нима ўзи? Ранжиган пайтда айтиладиган сўзми?.. Аммо биздан нега ранжияёпсиз?

— Ана, холос! Тоza галвага қолдим-ку! Э, сиз худонинг ўзи бўлсангиз ҳам мени тинч қўйинг: миямни титкиламанг!

— Биздан беҳуда ранжияёпсиз.

— Э, ранжиган-ранжимаганда нима энди! Тирик мурда бўлиб ётибман-да! Яна мен одамманми? (Сени ҳатто ичимда ҳам сўқолмасам?) Ундан кўра Раъно (унинг ҳам хаёлини ўқишяптимикан?) икковимизни ўлдириб қўя қолинглар!

— Қиз билан ҳам гаплашдим. У ранжиётгани йўқ, аксинча, сиз ҳақингиздаги хавотир билан тўла.

— Энди бундан нима фойда?

— Сиз жуда галати йигит экансиз. Қиз булар ҳақида ўйламайпти.

— Мен ўзим шунақароқман, ҳалигидақароқман! (Сен ўзинг-чи? Қуруқ миянгнинг ўзи қолганида кўрардик аҳволингни: нақ жиннингнинг ўзи бўлардинг! Бор «вужуд»инг — миянг ҳам ачиб кетарди бу хангомадан).

— Инсон бардошли бўлиши керак. Қиз кўтараяпти-ку бу гапларни.

— Э, дўстим, ҳозир нима фойда бундан? Шу пайтгача бир-биримизни қанчалик севган бўлмайлик, энди на мен унга уйлана оламан ва на у менга турмушга чиқа олади?! Хўш, шундай экан, иккита мия ўртасида қандай севги

бўлиши мумкин? Афлотун севгисими? Унинг учун ҳам ёрни кўриш, унинг ҳаётда мавжудлигини ҳис қила билиш лозим!

— Ноумид — шайтон. Сизларда шундай ибора бор, шекилли?

— Менинг устимдан кулаясиз дейман?

— Биз бошқалардан кулмаймиз.

— У ҳолда битта саволимга жавоб беролмайсизми? Бизларни нима учун ўлимдан сақлаб қолдингиз ва бу аҳволда қачонгача сақлаб турмоқчисиз?

— Бу сизнинг ихтиёрингизда.

— Аниқроғи?

— Сиз хоҳлаган муддатгача.

— Кейин мени ёқилмайдиган қилиб ўчирасиз?!

— Сизларни шундай қилиш учун асраб қолмадик.

— Нима учун бўлмаса?

— Сизларга янги бадан яратамиз.

— Нима-нима?

— Ишонаверинг, бу бор гап. Сизларда баъзи аъзоларгина сунъий ясалади.

Бизда эса бутун бошли бадан яратиш ҳам ҳеч гап эмас. Акс ҳолда сизларнинг миянгизни сақлаб қолмас эдик. Инсоннинг энг муҳим аъзоси — мияси, чунки, киши ҳаётига, шахсига, жумладан, организмга алоқадор ҳамма маълумотлар ана шу ерда сақланади. Бинобарин, миёдан «сўраб олиб», инсоннинг бошқа барча аъзоларини қайта тиклаш ва ҳатто янгидан яратиш мумкин.

— Қизиқ... Бу мутлақо зиёнсизми?

— Ҳатто фойдали.

— Қанақасига?

— Биз янги баданни шундай яратамизки, аввалги, эски организмда бўлган нуқсонлар, масалан, бирон касаллик, ҳар хил микроблар янги баданда бўлмайди.

— Ўхў, бу ҳам улкан кашфиёт-ку!.. Айтинг-чи, янги бадан ҳам худди аввалгисидек бўладими?

— Истасангиз, ундан ҳам яхши бўлиши мумкин.

— Йўғ-е, қанақасига?

— Айтайлик, олдинги организмнинг айрим томонлари сизни қониқтирмаган. Масалан, бўй узунлиги, юз тузилиши, қош-кўзларнинг, баданнинг ранги... Бизда истаган одам, хоҳлаган пайтида бадани ёки юзининг ҳар қандай қисмини тузилиши ёки рангига кўра ўзгартира олади.

— Қойил-е! Демак, сизлар янги баданимни қандай хоҳласам шундай яратишга қодирсизлар?

— Тўғри, фақат сиз берадиган буюртмада ўзаро зид томонлар бўлмаса. Айтайлик, гавда мутаносиблиги борасида. Мабодо, сиз гавдам кичик бўлсини бошим катта, қўл-оёқларим узун бўлишини истаيمان, десангиз буни амалга ошира олмаймиз. Зотан, табиат инсон организмни шундай ажойиб бир мутаносибликда яратганки, уни бузиш қўлимиздан келса ҳам, бу ўша организмнинг ўзига зарар қилади, холос.

— Э, жин урсин бундай майнабозчиликни! Чумолининг танасида шернинг бошига на ҳожат?.. Мен бошқа нарсани сўрамоқчи эдим.

— Марҳамат.

— Мен агар гавдамга ўзгартириш киритишни истамасам-чи? Унда нима бўлади?

— У ҳолда сиздан, тўғрироғи, миянгиздан аввалги бадан ҳақидаги маълумотларни оламиз-у, ўшанинг худди ўзини яратамиз.

— Ҳмм... Бўлмаса, менга ўйлаб кўришга муҳлат берсангиз.

— Бемалол.

— Ўчириб қўймайсизми?

— Утган сафар сиз ҳаддан зиёд ҳаяжонланиб кетганингиз учунгина миянгиз толиқмасин деб ўчириб қўйишга тўғри келган эди. Агар энди бундай бўлмайди десангиз, сизни ёқиқ қолдиришимиз мумкин.

— Ваъда бераман. Сизлар етти ухлаб тушга кирмайдиган шундай гаройиб бир нарсани тақлиф қилаясизларки, мен ҳар томонлама яхшилаб ўйлаб кўришим керак.

— У ҳолда хайр. Келаси сафаргача.

— Хайр.

* * *

— Салом, Бехзод. Ўзингизни қандай ҳис этаясиз?

— Салом. Емон эмас.

— Хўш, ўйлаб кўрдингизми? Э-ҳа, бунақаси кетмайди: мия тўқималари толиққан, асаб толалари бўшашиб кетибди-ку!

— Буни қўяверинг — янги баданда дам олади. Раъно қандай? Унга ҳам шундай таклиф қилдиларингизми?

— Ҳа, албатта. Қизнинг аҳволи яхши. Унга бир неча кун аввал айтган эдик, ҳамон ўйлаяпти.

— Илтимос, у янги баданини қандай тасаввур қилаётганини билсам бўладими?

— Нега бўлмасин, марҳамат. Қиз уч-тўрт йилга ёшаришни, бўйи ўртача, териси буғдойранг, таранг ва силлик, сочлари қоп-қора, қуюқ, қошлари ингичка ва тимқора, киприклари узун ва қайрилган, чеҳраси тиниқ рангли, юриши енгил, гавдаси ихчам ва нозик бўлишини истаяпти.

— Э-ҳа, шундай денг. У ҳолда менинг гавдам бақувват, буғдойранг, бўйим ўртачадан баландроқ, қошим қора ва қалин, кўзим қора ва қақноқ, иягим олдинроққа чиққан, юз тузилишим мардонавор, юришим шаҳдам бўлсин. Кейин... кейин... агар иложи бўлса... мен... мен...

— Тушунарли.

— Нима тушунарли? Мен ҳали ҳеч нима демадим-ку!

— Параллел телепатемада айтдингиз. Хуллас, қиздан гўзалроқ бўлишни истайсиз, тўғрими?

— ...

— Қизиқ. Сиз ерликларни тушуниш қийин экан. Қиздан гўзалроқ бўлишингизга на ҳожат? Ахир, сиз айтганларингиз бўйича шундай ҳам кўркем бўласиз-ку!

— ...

— Бунинг устига икковингиз, ташқи қиёфангиз қандай бўлишидан қатъи назар, бари бир, бир-бирингизни севасиз. Шундайми? Қолаверса, ҳақиқий гўзаллик ташқи қиёфага боғлиқ эмаслиги, аввало инсоннинг, ички олами гўзал бўлиши кераклиги ҳам сизга яққол аён экан.

— Менга қаранг. Ортиқча гапни қўя турайлик. Сиз учун бари бир эмасми? Юз тузилишини мутаносиблаштириш бизга қийин эмас, деб ўзингиз айтдингиз. Шундай экан, нима учун бу истак сизни шу қадар ўйлантириб қолди?

— Гап шундаки, бу мутлақо мумкин эмас. Қиз сиздан гўзалроқ бўлишни истаган.

— Нима-нима? Раъно мендан чиройлироқ бўлмоқчими? Ана холос! Ахир, у шундай ҳам тенгсиз гўзал-ку!

— Демак, ўз чиройидан қониқмаган, янада гўзалроқ бўлмоқчи. Ана шу оддий сабабга кўра биз бунга қодир эмасмиз. Икки кишини айна пайтнинг ўзида бир-биридан гўзалроқ қила олмаймиз. Бу мавҳум нарса. Бошқача айтганда, истакларингиз ўзаро зид келяпти. Буни тушунтириш учун бир мисол келтираман. Ҳар икковингизда битадан кема бор, деб фараз қилайлик. Икковингиз ҳам менинг кемамни энг зўр асбоблар билан жиҳозлаб беринг деб сўрасангиз, биз буни қила оламиз. Бироқ ҳар икковингиз ҳам менинг кемам уникдан тезроқ учсин, десангиз, бунга ожизмиз. Зотан, айна бир пайтнинг ўзида иккита кеманинг ҳар бири иккинчисидан тез уча олиши мавҳум нарса. Табиат қонунларига кўра, албатта, фақат биттасигина тез уча олади, иккинчиси эса жуда оз фарқ билан бўлса ҳам биринчисидан секинроқ учиши лозим. Ўзингиз айтинг-чи, табиатда ҳар иккови бир-биридан оғирроқ иккита тош бўлиши мумкинми?

— ...

— Умуман, биз, сиз ерликларни тушуна олмаяпмиз. Қиз гоҳ кўзларим шақло бўлсин дейди, гоҳо чўлпон бўлишни истаб қолади. Баъзида кўзларим қақноқ бўлсин, ёниб турсин дейди, баъзан сокин, ўйчан бўлишни истайди. Бироқ, сезишимча, буларнинг фарқини ўзи ҳам билмайди. Аввал холи йўқ экан, ҳозир холи бўлишни истаяпти. Лекин, мана, неча кундан бери ўйла-япти-ю, холи пешонасидами, ёноғидами ёки лабининг устида бўлсинми, ҳанузгача бир қарорга кела олмаяпти. Ўзи ҳам қийналиб кетди, бизни ҳам қийнаб юборди...

— Ана, холос! Ер дегани қандай оламки, ахир, на аёлини тушуниб бўлмаса, на эркагини?!

— Очигини айтсам, бунга овора ҳам бўлманг. Сиз, ўзга дунё одамлари, биз ерликларни бари бир тушуна олмайсизлар.

— Ҳа, шундайга ўхшайди. Сизлар жуда ғалати экансизлар — ўзларингиз нима истаётганингни ўзларингиз ҳам тушунмайсизлар! Биз қарийб бутун коинотни кезиб чиқдик, не-не сайёраларда бўлдик, не-не онгли мавжудоғларни кўрдик. Қанча-қанчасининг баданини янгилаб бердик, лекин ҳеч бир жойда шундай муаммога дуч келмаган эдик. Сизлар бизга ҳал қилиб бўлмайдиган

жумбоқ бериб, уни ечишимизни талаб қиляяпсизлар. Умуман, сизлар ҳали ўзингиз яхши ўрганиб улгурмасдан қандай қилиб фазога чиқдингиз, яна шу аҳволда коинотни билиб олмоқчисизлар. Биз бунга ҳайронмиз.

— Биласизми... Биз, ерликларнинг гўзаллик ҳақида ўз тушунчамиз бор ва уни бошқа ҳеч бир олам тушунчасига алмашмаймиз. Сиз боя бир-бирингизни севасиз-ку, шунинг ўзи кифоя эмасми, дедингиз. Бу тўғри, албатта. Лекин... ҳусн ҳам керак. Сайёрамиз шоирлари минг йиллар давомида инсон ҳуснини куйлаганлари бежиз эмас... Биз ерликлар аёл зотини ниҳоятда қадрлаймиз ва эъвозлаймиз. Майли, ўз Раъноим учун мен ён босаман. У мендан гўзалроқ бўла қолсин, ҳар қалай аёл киши-ку! Фақат... жуда оз фарқ қилсин. Келишдикми энди?

— Мана бу бошқа гап, келишдик. Аммо, сиз ерликлар ҳар қалай коинотдаги бошқа ҳеч қандай сайёра одамларига ўхшамас даражада ғалати табиатли экансизлар.

— Табиатимиз шунақа, начора? Хўш, энди ишга кўчайлик. Сизлар янги бадан яратишга қачон киришасизлар ва у қачон тайёр бўлади?

— Бундан ташвиш чекманг. Янги бадан яратиш биз учун бирон қурилма ясашдек жўн иш. Чунки, ҳамма ишни электрон машиналаримиз қилади. Биз фақат Бош Электрон Мияга программа тузиб берсак, бас. У мана шу программа асосида ўз қўли остидаги машиналарга тегишли вазифаларни бўлиб беради. Инсон бадани учун зарур моддаларни керакли миқдорларда олиб, тирик тўқима хўжайраларини яратиш, улардан бир бутун бўлган яхлит организмни тиклаш электрон машиналаримиз учун арзимаган иш. Бир неча соатда битади. Программинг ўзи эса зарур электрон қурилмалар ёрдамида бир неча соияда тайёр бўлади.

— Бошқа гапингиз йўқми? Ундай бўлса, биз сизни «ўчириб» қўйишимиз керак. Чунки миянгни янги тананинг бошига кўчираётганимизда миянгни жуда осойишта, хотиржам бўлиши керак.

— Демак, кейинги «уйғонишим»да янги танада бўламан, шундайми?

— Тўғри, шундай.

— Унда мени тезроқ «ўчиринг». Ҳаяжонимни тутолмаяпман, чоғи. Янги қафасга солаётганингизда миям бетинч қушга ўхшаб потирлаб турмасин.


— Хавотирланманг, ҳаммаси яхши бўлади.

* * *

— Салом, Беҳзод! Узингизни қандай ҳис этаяпсиз?

— Салом... Мен... мен янги танадаманми?

— Ҳа, албатта. Э, буңчалик шошманг-да. Нега ҳаяжонланаяпсиз, ҳамма иш яхши битди. Қўл-оёқларингизни, баданингизни сезяпсизми?



— Сезяпман, сезяпман! Кўзларим-чи?!

— Қимирламанг, қимирламанг! Ҳозир кўзингизни ҳам очамиз. Аввал икки оғиз гапим бор эди. Қиз ёнингизда, сал нарироқда ётибди. Кўзингизни очганимдан сўнг бирдан туриб кетманг, бир оз ўзингизни тутиб олинг, асабларингиз жойига тушсин. Кейин аста-секин турасиз, хўпми?

— Хўп, хўп! Фақат тезроқ очинг кўзимни!

— Мана, мана, ҳозир.

* * *

Беҳзод, кўзларини тўсиб турган алланимани ечиб олишгач, бир оз қимирламай ётди. Кейин аста кўзини очди: унга дастлаб кўринган нарса хонанинг оқ шифти бўлди.

Йигит шифтга тикилганча яна бир муддат жим ётди. Янги баданини ҳис қилиш унга жуда ёқар, гарчи бутун танаси, суяк, гўшт, пайлари сунъий эканини, сунъий томирларида сунъий қон оқаётганини билса ҳам, у шод ва бахтиёр эди. Шу пайтгача унга таниш бўлмаган аллақандай бир туйғудан энтикар, сунъий ўпкасини ҳақиқий ҳаводан чуқур-чуқур нафас олиб, тўлдириб, сунъий юрагининг ҳақиқий ҳаяжон таъсиридан гурс-гурс ураётганига қулоқ солиб ётарди.

Кейин у қандайдир туйғуга бўйсуниб, бошини ўнгга бурди. Икки қадамча нарида, нотаниш аппаратлар қуршовида Раъно ётар, қизнинг ҳам у томон қараган кўзларида шодлик, хайрат ва яна нимадир акс ётарди. «Ҳа, чиндан ҳам гоъда гузал бўлиб кетибди! — деб ўйлади Беҳзод ва қизга қандай буюк нарсани инъом этганини хаёлидан ўтказиб, гўё шу тенгсиз гўзалликни ўзи яратгандек, беқиёс ғурурдан сархуш тортиб кетди. — Илоҳий гўзаллиги шундоққина кўриниб турибди. Юзлари бағоят тиниқ, қош-кўзлари қоп-қора. Бобир айтмоқчи, «ғамзаси жон олғич» бўлибди. Аввалги кўйлаги ҳам янги баданига жуда мос тушибди. Дарвоқе, холи қани экан?..»

Беҳзод шахт билан қаддини кўтариб ўтирди. Раънодан кўзини олмаганча, ўрнидан туриб, қиз томон интилди. Лекин шу лаҳзадаёқ аллақандай бир туйғуга бўйсуниб, атрофига назар ташлади. Улардан нарироқда, баҳайбат ва мураккаб қурилмалар ёнида оқ халатли беш-олти киши турарди. «Ўзга дунё одамлари! — деган фикр чақмоқ қақиб ўтди Беҳзоднинг хаёлидан. — Ерликлар учратган биринчи ўзга олам вакиллари! Нақадар ўхшаш экан улар! Бирок нима учун...»

Беҳзод шошиб атрофига назар ташлади. Кенг ва ёруғ бу хона бунчалар таниш бўлмаса? Деярли ҳаммаёқни тўлдирган бу асбоб-ускуналар, юзларида ҳорғинлик акс ётиб турган бу одамлар нақадар таниш? Беҳзоднинг кўзлари жавдираб, нигоҳи хонани зир кеза бошлади ва... излаган нарсасини топди: хона эшигининг тепасида, кема номи ёзиладиган жойда «Абу Али ибн Сино» деган сўзлар яққол кўриниб турарди. У юраги қаприқиб, ялт ётиб ҳалиги кишиларга қаради. Улар аста-секин йигит билан қиз томонга кела бошлади.

Беҳзод Раънога ўтирилди. Қиз ўрнидан туриб ўтирар, гўзал чеҳраси оппоқ оқариб кетганди. Оқ халатли кишилар етиб келишгач, индамай, уларнинг ёнидан жой олишди.

— Тинчланинглар. Утир, Беҳзод, — деди кўзойнак таққан, барваста қоматли киши унинг елкасига қўлини қўйиб, сўнг ўзи ҳам унинг ёнига ўтирди.

Уртадаги сукут узоқ давом этди. Кутилмаган бу ҳодисадан йигит билан қиз довдираб қолишди; тиллари ҳам гапга келмас эди. Зотан, ҳеч нимани сўрашга ҳожат йўқ, ҳамма гап шундай ҳам тушунарли эди.

Беҳзод, — деб гап бошлади, кўзойнакли киши жуда таниш овозда, — мени танигандирсан?

Ҳа, Беҳзод уни овозиданоқ танийди. Бу киши отасининг энг яқин дўстларидан бири, атоқли олим, академик Жаҳонгиров эди.

— Ҳа, биз ҳеч қандай ўзга олам одамлари эмасмиз, — давом этди Жаҳонгиров. — Шунингдек, профессор Дониёров ҳам. — Беҳзод бошини кўтармай ўтирган бўлса ҳам академик ҳорғингина жилмайганини сездди. — Бу бир тажриба эди, холос. Ҳа, бу — ўзимизнинг «Абу Али ибн Сино», сиз ёшлар айтмоқчи, Учувчи Медицина Академияси. Биз Муштарий сайёрасидаги ҳаёт масалалари бўйича ўтказилган симпозиумдан қайтиб келаётган эдик. Сизларнинг кемангиздан ҳалокат сигналини олиб, дарҳол етиб бордик. Ҳар икковингиз ҳам кислород етишмай, ҳушингиздан кетган экансиз. Бирок Дониёров айтганидек, кеч қолмадик, аксинча, жуда вақтида етиб бордик. Юракларингизни ишга солиб юбориб, сизларни ҳушингизга келтириш унчалик қийин эмасди. Лекин худди ўша лаҳзада Дониёровда бир тажриба ўтказиб кўриш фикри туғилди.

Узинг биласан, Дониёров психолог-врач. У, киши психологиясига зид кизиқ бир муаммони ўртага ташлаган бўлиб, сизларга учрашдан олдин айнан шу ҳақда баҳслашиб келаётган эдик. Дониёров ва унинг тарафдорлари инсон гайриоддий шароитга тушиб қолганида феъл-атворидаги айрим нуқсонларни тарк этолмайди, дейишди. Биз кўпчилик бўлиб бу фикрга қарши чиқдик. Қоинот ўзлаштирилиши билан инсон руҳиятида ҳам ўзгариш зўр бўлди, бинобарин, у ҳар қандай шароитда ҳам янги эътиқодига кўра иш тутади, дедик.


Сизларни учратиб қолганимизда Дониёров тажриба ўтказиб кўришни таклиф қилди. Хавф баргараф қилинган, сизлар соғ-саломат эдингизлар, фақат ҳушингизга келтириш қолганди, холос. Шунда ҳаммамиз ўзаро келишиб, тажрибага розилик билдирдик. Сен, бизнинг розилигимизсиз устимизда тажриба ўтказишга, ички дунёмизга киришга қандай ҳақингиз бор эди, деб сўрагани мумкин. Бу бизнинг айбимиз, албатта, лекин шундай қилмасдан иложимиз йўқ эди: чунки устида шу хил тажриба ўтказилаётган одам агар мақсад нимадалигини билса, бундай тажрибадан ҳеч бир наф чиқмаслиги ўз-ўзидан маълум. Қолаверса, ўша замонларда ҳам илм-фан бундай тажрибани ўша одамнинг ўзидан сир тутиш лозимлигини таъкидлаган. Албатта, ҳар қандай ҳолда ҳам киши шахсига оид маълумотлар тўла сир сақланишига кафолат берилади, буни ўзларингиз ҳам яхши биласизлар. Қисқаси, тажриба ўтказишни маъқул топдик. Сценарийни Дониёров тузиб чиқди, тажрибани ўтказишни ҳам ўз зиммасига олди.

Жаҳонгиров энди бу ёғини ўзингиз айтинг, дегандек, Дониёровга юзланди.

— Шундан сўнг сизларни ухлатиб қўйдик, — деб гап бошлади психолог олим. — Икковингизни ҳам қўл-оёқларингиз, бутун танангиз йўқлигига, фақат миянгни ўзини сақлаб қолганимизга ишонтириш қийин бўлмади. Қолаверса, телепатик алоқа аппарати ёрдамида ёлғиз миянгни билангина мулоқотда бўлиб, бош мия пўстлоғидаги ҳаракатланиш, ҳис қилиш участкаларининг фаолиятини вақтинча тўхтатиб қўйдик. Ўзингиз биласизки, бу мутлақо хавфсиз, бунинг устига тажриба ҳам бир неча соат давом этди, холос.

Мияни «ёқиш» ва «ўчириш»га келсак, телепатик алоқа аппарати ишга туширилган пайтда, яъни гаплашган вақтларимиздагина миянгни «ёқиқ» бўлди, бошқа пайт эса толиқтирмаслик учун сизларни ухлатиб қўйдик. Телепатик алоқа аппарати қандай ишлашини эса билсангиз керак: у сизнинг телепатемаларингизни «ўқиб» беради, менинг гапларимни эса телепатемага айлантириб, сизларга етказади. Худди шу сабабларга кўра, мен сизларнинг айтмоқчи бўлмаган фикрларингизни ҳам билиб олдим, сизлар эса мендан фақат ўзим айтган гапларингизга «эшитдингизлар».

Дониёров жим қолди. Бошқалар ҳам сукут сақладди. Беҳзод ўрнидан туриб, қизга қараб юрди ва қўлини узатди. Раъно ҳам туриб, унинг қўлини олди. Ҳар икки ёш бир оғиз сўз демай, бир-бирларининг қўлларини ушлаганча эшикка қараб йўл олди.



— Йўқ! Ҳар ким ҳам ўзини шундай тутмас эди! — деди Дониёров ҳозиргина ўзи айтган гапга қарши чиқиб. Ҳеч ким индамади, гўё у ҳаммага маълум ҳақиқатни айтган эди.

— Бир-бирини севган бу икки ёшнинг бир-биридан гўзалроқ бўлишни исташи унчалик ёмон эмас, — деди олимлардан бири Том Брайд чуқур тин олиб. — Ёшлик ҳаммавақт гўзалликка интилади.

— Виров, икки одамнинг қандай бўлмасин, бир-биридан устун бўлишга интилишининг ўзиёқ ҳали инсон руҳияти такомилига етмаганидан далолат бермайдими? — Дониёров ўз кашфиётидан ўзи норози бўлган одамдек аста бош чайқади. — Ёшлик гўзалликка интилади, деб айтдингиз. Аммо, асл гўзаллик нималигини ва у ташқи қиёфага боғлиқ эмаслигини айнан ана шу ёшлар билиши лозим-ку!

— Инсоннинг руҳий дунёси коинотдан ҳам мураккаброқ, — деди доктор Жузеппе Лоралло. — Фазога илк қадам қўйилган кезлардаёқ одамлар бир-бирлари учун ўзлари «етиб бўлмас энг юксак юлдузлар» экани ва «энг сирли галактика» — инсоннинг ўзилигини жуда яхши тушуниб етишган эди.

Баъзан одам учун ўзи ҳамма нарсадан муҳимроқ кўринади. Эътибор бергандирсизлар: ўзга оламларга ҳали бориб етмаганимизни, бегона қуёшлар остида яшовчи онгли мавжудотларни ҳали ҳеч ким кўрмаганини жуда яхши билишса ҳам, бу масала ҳаммадан кўпроқ ёшларни қизиқтирса ҳам, булар ўзга оламликларга, бошқа дунёга мутлақо қизиқишмади. Бутун инсоният кутаётган, илм-фаннинг орзўси бўлган учрашув «юз берди-ю», бу ёшлар ҳамма нарсани унутиб, ўзларининг ташқи қиёфалари учун қайгуришди. Тўғри, бу бир тажриба эди, холос. Бироқ ўша учрашув ҳақиқатда юз берганда ҳам шундай бўлмайди деб, ким кафолат бера олади?!

— Севги-чи? Нечун муҳаббатни унутаясиз? — эътироз билдирди Шарль Фостен. — Чинакам ишқ нималигини билмайсизми? Айниқса, ёшларнинг ўтли севгисини? Менимча, бу воқеани истисно деб билсак бўлади. Қадимда юракка бўйриб бўлмайди, деган гап бор эди. Бу — юрак ақл измида эмас, демакдир. Доймо шундай бўлмайди, албатта. Аммо айрим пайтларда севган ва севилган кишилар учун муҳаббат биринчи ўринга чиқиб қолса, кечириш лозим, деб ўйлайман.

— Инсоният ҳаёти учун муҳим воқеа юз берган пайтда айрим кишиларнинг шахсий туйғулари устун келишини оқлаясизми? — сўради Сакэ Ямато.

— Йўқ! Оқламоқчи эмасман! Бироқ ўзга олам вакиллари янги тана ясаб берамиз деганда ёшлар гўзалроқ бўлишга интилишини, қиз бола холини қаерга қўйишни билмай боши қотишини табиий деб биламан!

— Тўғри, буни қоралай олмаймиз, — деди Жаҳонгиров ҳам гапга аралашиб. — Инсон табиати минг йиллар давомида шаклланиб келган, у бундан кейин ҳам, қанчалик такомиллашмасин, баъзи хусусиятларини сақлаб қолади.

— Шахсий манфаатларини ҳамми? — Дониёров кутилмаганда қизишиб кетди. Сизнингча, инсон юлдузларга етиб борганда ҳам, Коинотни эмас, ўз холини ўйлар экан-да?!

— Сиз янглишяпсиз! Гап фақат холда ҳамас! — эътироз билдирди Жаҳонгиров. — Инсон юлдузларга қўл чўзганда ҳам гўзалликка интилади. Ҳаётни гўзаллаштиргани сайин ўзи ҳам камол топа боради.

— Лекин олис юлдузлар сари отланишдан, ўзга дунёларни билишга ошиқишдан олдин киши ўзини қашф этгани маъқул эмасмикан? — бўш келмади Дониёров ҳам. Юнонлар қадимги замонлардаёқ «Инсон, ўзлигинини англа!» деб мухташам биноларнинг пештоқиға ёзиб қўйишган эди.

— Мен сизга бошқа бир ҳикматли сўз билан жавоб бераман, — деди Жаҳонгиров ҳам қатъиятлик билан. — «Мен инсонман, бинобарин, инсонга ҳос ҳеч бир нарса менга ёт эмас!» деган гап ҳам бор эди қадимгиларда. Дарвоқе, бу гап башарият доҳийси, ўтмишнинг буюк даҳоларидан бири Карл Маркс сўзи эди!

Инсон ўзини ўрганиши учун ҳамма ишини ташлаб, дўпписини ерга қўйиб ўйлаши шарт эмас! Бу ҳолда у ўзини ҳеч маҳал билиб ололмас, аксинча, тараққиётдан ҳам четда қолар эди. Инсон ўзини тараққиёт қучоғида ўрганари. Коинотни ўзлаштириш жараёнида ўзини ҳам ўзлаштиради. Зеро, инсонда муқаддас тафаккур машъали бор, бу машъал атрофини ёритиш билан бирга инсоннинг ўзини ҳам ёритиб кўрсатади!..

Олимларнинг қизғин баҳси ҳамон давом этар, Раъно билан Бехзод эса юлдузкезар кеманинг боғида айланиб юришарди.

Олгмиш баҳорнинг юзини кўрган ёзувчи Олег Васильевич Сидельников 1924 йилда Тюмень шаҳрида туғилди. Унинг ҳаёт ва ижод йўли гўзал диёримиз — Ўзбекистон билан узвий боғланган. Адиб ТошДуда таълим олди, партия ишларида ишлади, «Правда Востока» ва «Ташкентская правда» газеталарида фаолият кўрсатди. Сўнги йилларда эса «Крокодил» ва «Советская культура»да хизмат қилди.

Қуйида сиз муаллифнинг Москвада chop этилган янги ҳикоялар тўпламидан намуналар ўқийсиз.

Олег Сидельников

БОЛТА

Ефим Петрович болта сотиб олди. У ўтин ёрадиган ана шу оддий болтани хотинига кўз-кўз қила кетди.

— Қара, жонгинам, болта харид қилдим, ўзиям болтамисан болтада, рўзгорга жудаям асқотади. Ҳа, энди ўтин ёрганим бўлсин. Айниқса, мендай доим ҳисоб иши билан машгул одамга жисмоний меҳнат билан шуғулланиш кони фойда.

— Майли, — рози бўлди хотини. — Яхши ўйлабсан. Лекин эсингда бўлсин: бизга ўтин керакмас. Ахир, газ ёқамиз-ку! Агар, шунчаки ўзингни овутмоқчи бўлсанг, бу бошқа гап!..

— Ефим Петрович! — қўшниси Собачевскийнинг йўғон товуши эшитилди. — Сиз сотиб олган болтага кўзим тушди. Дурадгорлик юмушларим учун бериб туролмайсизми?

Рибаков тўсиқ томон югуриб борди ва болтани қўшнисига қўшқўллаб узатди.

— Олинг, Егорь Саввич. Дурадгорликка ярайди, тигини кўринг, устарадек ўткир. Қирқасизми, ёрасизми, хушингиз...

Янги болта ҳақидаги овоза хонадонларга тез тарқалди. Бир соатдан кейин Тиллаевнинг хотини, яна ҳаял ўтмай, пенсионер аёл Мефодьевна болта сўраб келди. Доим қовоғини солиб юрадиган уй бошқарувчиси Нехамов ҳам болтани бериб туришларини илтимос қилди. Ҳатто адабий танқидчи Вегетарианцев ҳам қандайдир пайраҳани чопишга қизиқаётганини айтди.

Уша кундан бошлаб Ефим Петрович тинчини йўқотди. Ажабо, шу кунгача қўшнилари болтасиз қандай тирикчилик қилишган бўлса?!

Бу — ечилмас жумбоқ эди, албатта. Чунки бирорта хонадон шу аслаҳасиз беш дақиқа ҳам яшай олмас эди. Улар кетма-кет эшик қоқиб сўрашади:

— Болтангизни бериб турасизми?

— Болтангиз керак бўлиб қолди!..

Баъзан зуғум билан қисташади:

— Болта қаерда?

Бир ойдан кейин Ефим Петрович юрак уруши издан чиққанини пайқаб қолди.

— Болта қани?

— Анави жойда.

— «Анави жойда» деганингиз нимаси, аниқроқ айтинг: қаерда ўзи?..

Икки ойдан сўнг Рибоков «болта» сўзини эшитганда, ранги қув ўчиб, худди тиш оғриғи азоб бераётгандек, афтини буриштирадиган бўлди. Аммо қўшнилари унинг азоб чекаётганини сезишмади.

Уйда аста-секин жанжал бошланди: рўзғорда болтанинг пайдо бўлгани эр-хотиннинг асаб системасига қаттиқ таъсир қилган эди. Ниҳоят, бир кун, Рибоков ўз ҳаловатини бузган болтанинг бахридан ўтишга қатъий қарор қилди.

— Менга қаранг, — деди у Веветарианцевга қувончи ичига сиғмай, — мендан манави болтани арзон-гаровга сотиб олинг. Бор-йўғи ўттиз тийинга... Йўқ деманг...

— Менгами? Болта-я? — ажабланди Веветарианцев.

— Ҳа, сизга, — деди Рибоков заҳархандалик билан. — Ҳа, сизга-да. Нима, сиздек адабий танқидчига жисмоний чиниқиш учун болта зарил бўлмайdimи?.. Хўш, сотиб олмайсизми?.. Йўқми?.. Бўпти, унда текин олақолинг... Мен-розиман!.. Энди йўқ деманг, садағанг кеткур!..

— Сиз ҳалигидай... ҳаддан ташқари!.. — танқидчи елка қисди. У, ҳарқалай болтани олди, икки-уч кун ўтин ёрди ва шундан кейин уни дарҳол эгасига қайтарди.

Болтани совға ўрнида Тиллаевлар ҳам, пенсионер аёл Мефодьевна ҳам, ҳатто доим қовоғини солиб юрадиган Нехамов ҳам олмади. Қўшнинг турганда, уйингда болта сақлаш шартми? Ҳарна қилса, қўшнидан сўраб олган ўнғайроқ-да!

Рибоков умидсизликка тушди.

Тунда у болтани Собачевскийнинг ҳовлисига сездирмай ташлаб келди. Афсуски, у болтасини эрталаб ўз боғчасидан топиб олди...

Ана ўшанда Рибоков қалтис бир режани амалга оширишга жазм қилди: у болтанинг сопини майда-майда бўлақларга ушатиб ташлади, болтанинг ўзини эса чуқур чоғга улоқтирди.

Рибоковнинг мана шу ярамас хатти-ҳаракати тез орада ҳаммага маълум бўлди. Қўшнилари ундан хафа бўлишиб, ўзларича ранжиб юришди:

— Одам деган бунча бемаъни бўлмаса!..

Арифметикани ўзим ўрганаман

Эсли, ҳушли бўлганимдан бери дадам нукул бир гапни онамга айтади:

— Мен бўлим бошлиғи бўлганимда!..

Буни у ҳар хил муносабат билан гапиради.

— Болага янги пальто керак, — арз қилди ойим.

— Шошмай тур, мен бўлим бошлиғи бўлганимда... — жавоб берди дадам.

— Эҳ, анави Кошкинларнинг бурни жуда кўтарилиб кетди, — деди ойим.

Дадам эса жавоб берди:

— Ҳечқиси йўқ, мен бўлим бошлиғи бўлганимда...

У, ана шу фикри билан шу қадар банд эдики, ҳатто мени ҳам кўрқитиб юборди:

— Нима? Арифметикадан яна «икки» олдингми?.. Мен бўлим бошлиғи бўлганимда... Сени ўлгудай калтаклардим!

Мен кўрқиб кетдим: ҳақиқатдан ҳам у бирданига бошлиқ бўлиб қолса-я!..

Ўтган шанбада дадамнинг авзойи ўзгариб, уйга кириб келди.

— Маша! — деди у ваҳимали товушда. — Маша! Мен бўлим бошлиғи бўлдим.

— Федяжон! — ойим дадамни шундай қаттиқ қучдики, ҳатто қовурғалари қисирлаб кетди. — Федяжонгинам! Хуллас, энди анави Кошкинлар бурнини кўтаришдан ўзларини тиядиган бўлишди... Ўзимнинг Федяжонгинам!..

Дадамнинг қовурғалари қисирлашдан тўхтагач, гап оҳангини сув тошқини ҳақида ахборот бераётган радио дикторининг овозига ўхшатиб мана бундай деди:

— Маша! Қайтанга, менинг бўлим бошлиғи бўлмаганим дуруст эди. Анави Кошкинни бошқарма бошлиғи қилиб тайинлашди.

Шундан кейин ойим вой-войлашга тушиб, юрагини чангаллади ва уйда ҳапдорининг ҳиди анқиди.

— Бу қандайдир шум тақдирнинг иши, — шивирлади ойим. — Эҳ, бу Кошкинлар...

Ойим бирдан телефонга ёпишиб, рақамларни териб, оғзидан бол томиб гапира кетди:

— Кошкинлар уйданми? Сизмисиз, азизам? Мен сизни Семён Ивановичнинг янги вазифага кўтарилгани билан табриклайман. Чин кўнгилдан... Ҳа, ҳа. Хўш, нима қилиб ўтирибсизлар?.. Якшанбада қаерларда бўлмоқчисизлар? Нима, ҳали ўйлаб кўрмадингларми? Бизникига келишларингни ўтиниб сўраймиз. Ҳозироқ кела қолинглар. Шанбада бирга бўлайлик... Ҳа-ха-ха!.. Воҳ, азизам, гап бундоқ бўлибди-да! Кўзимиз тўрт бўлиб кутамиз.

Ойим телефон дастасини жойига қўйиб, дадамга йиғламсираб шундай деди:

— Мана, марҳамат... Ҳамма-ҳаммаси сен туфайли! Энди мен ҳам бўлим бошлиғи бўладиган бўлдим! Янги кўйлагингни кийиб ол! Сен ўша Кошкинларнинг кимлигини яхши биласан-ку!

Мен бўлса, уларнинг бу Кошкинлардан нега бунчалик ғазабланишларини сира тушуна олмасдим.

Ҳадемай, Кошкинлар уйимизга кириб келишди ва менга бир қути конфет совға қилишди. Шундан кейин ойим мени ухлашга ундади. Мен уйқу аралаш дадамнинг Семён Ивановичга айтган сўзларини эшитиб ётдим: «Жуда дуруст бўлди-да! Сизнинг раҳбарлигингизда ишлаш — каминага фақат ҳузур бағишлайди!» Ойим эса Кошкинни қучоқлаб, «жонгинам» деб атади, унинг ҳам қовурғалари худди ит суяк ғажигандақа қисирлаб кетди.

Кейин... кейин мен ухлаб қолдим. Тушимга тоғам кирибди. Унинг оти — Вася тоға. У фақат тушимга киради, ўзи эса бизникига келмайди. Вася тоға-оддий шофёр, лекин дадам негадир ундан чўчинқирайди ва шундоққина кўз ўнгида тоғамни «адолатасалариси» деган лақаб билан атайди... Хуллас, тушимда Вася тоғам менга чиройли фазо кемасини совға қилиб, ғалати сўзларни айтибди: «Петявой, хотиржам бўл, отахонинг ҳеч қачон министр бўлмайди. Бу — чин адолатасаларилик сўзим!»

Мен эрталаб уйғондим ва ойимнинг овозини эшитдим:

— Эй худо! Эҳ, бу Кошкинлар... Мен қандай қилиб, ношуд бир одамга эрга тегибман-а! Ҳатто Петянинг арифметикадан олган «икки»сини тузатиш қўлингдан келмайди. Бошқа бўлганда, тўғри мактабига борарди!.. Ахир, сен масъул ходимсан!

Дадам эса маъюс бўлиб:

— Мен министр бўлганимда!.. — деди.

— Ха-ха-ха! — асабий кулиб юборди ойим.

— Маккор! — деди дадам бўшашиб.

Мен эса ўйга толгандим: «Э-ҳа, дадам нималарни хоҳламайди-я! Яхшиси, энди арифметикани ўрганишга ўзим киришаман».

Русчадан Мурод ХИДИР таржимаси.

КЕЛГУСИ СОНДА:

Иброҳим Раҳим
«Генерал Равшанов»
Роман

Мирзакалон Исмоилий
«Ўзингдан кўр»
Қисса

Рамз Бобожон
«Йўл эсдаликлари»
Шеърӣ туркум

Фарғона водийси ижод-
корлари асарларидан
намуналар

Шокирали Нуралиев
«Бозор»
Социологик очерк

На узбекском языке
«Шарқ юлдузи»
(Звезда Востока)
№ 4

Орган Союза писателей
Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного
Знамени типография издательства
ЦК КП Узбекистана,
Ташкент — 1984.

Редакцияга келган бир босма
табоқчага бўлган материаллар
авторларига қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга
«Шарқ юлдузи»дан олинди»,
деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 6.02.84 й.
Босишга рухсат этилди 13.03.84 й.
Қоғоз формати 70×108^{1/16}.
Фотонабор. Офсет босма усули.
Физ. листи 13.
Шартли босма листи 18,55.
Нашриёт ҳисоб листи 20,2.
Тиражи 166684
Заказ 2598
P-09139

Ўзбекистон Компартияси Марказий
Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил
Байроқ орденли босмаҳонаси.
Тошкент — 700029,
«Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

Рассом Х. Лутфуллаев
Тех. редактор М. Аҳмедов.
Корректор А. Билолов.